

ПИРИМҚУЛ  
ҚОДИРОВ

---

# УЧ ИЛДИЗ

Р о м а н



· Ғафур Ғулом номидаги  
Адабиёт ва санъат нашриёти  
Тошкент — 1979

ББК 84Уз  
К 53

К 70303—155  
М 352 (04)—79 166—79—3703040100

Энди қор кетган пайтлар. Яланғоч ер янги чўмилтирилган чақалоқдай буғланади, шаҳар ҳовлилари сув очиб ётади, асфальт кўчалардан эса енгил чанг кўтарилади. Кўп қаватли бинолар сояси тоғ булутлар соясига қўшилиб йўқ бўлиб кетади, тоғ яна қуёш чиқиб оламга иссиқ-иссиқ нур сочганда қайтадан пайдо бўлади. Баҳор нафаси ҳамма ёқни юмшатиб, алланечук бўшаштириб қўйган. Ҳаво майин ва тотли туюлади. Ҳали ҳеч нарса гуллаган бўлмаса ҳам гўё узоқдан гул ҳиди келади. Овозлар ҳам одатдагидан кўра жараглироқ ва аниқроқ эшигилади; бутун туйғулар эриб кетаётганга, ишининг аъзойи баданидан ёқимли ва мадорсизлантирувчи бир ҳовур ўтаётганга ўхшайди.

Илк кўклам ёғдулари ўқув корпусининг узун коридорларини равшанлантириб юборган, қишида кундузи ҳам ёқиб қўйиладиган чироқлар энди ўчирилган эл коридорда танаффус вақти одам қайнайди. Лекин маҳкам бир гуруҳ активистлар билан комсомол бюросидан чиққанда коридор бўшаб қолган ва у бошидан бу боши ача баҳузур кўриниб турар эди. Қатор кетган аудиториялар ёпиқ, ичкаридан босинқи ғовур эшигиларди.

Улар лекцияга кечикканларини сезиб шоша-пиша тарқашди. Маҳкам зинапояга қараб чопди ва унинг силлик ёғоч қанотидан ушлаб, эшкак эшаётгандай силтана-силтана учинчи қаватга югуриб чиқди. Қарама-қарши турган икки эшикнинг бирини шахт билан очди-ю, ҳансирашини билдирмасликка уриниб, бўғиқ товуш билан:

— Мумкинми? — деди.

Дераза билан доска орасида қўлини орқасига қилиб юриб лекция ўқиётган сурранг костюмли барваста киши тўхтади. Ўнинг гапи оғзида қолди, кўзлари хиёл кенгайиб, ним очиқ лаби титради. Хаёли ёмон бўлинди шекилли, аста ва қатъий қилиб:

— Йўқ,— деди.

— Кечирасиз. Мени бюрога чақиришган экан.

Аудитория сув қўйгандай жимжит бўлиб қолди. Лектор четга қараб, аввалгидай паст товуш билан:

— Эшикни ёпинг,— деди.

Маҳкам дарҳол ичкарига кириб эшикнинг қабзасидан тортди.

— Нарёғидан ёпинг.

— А?

— Нарёғидан!

Гангид қолган Маҳкам коридорга қайгиб чиқар экан, аудитория шовур-шувур бўлиб кетди. У воқеани энди англади. Алам вужудини қалтиратиб юборди. У эшикка орқасини берганича бир зум карахт бўлиб туриб қолди.

Қаршидаги аудиториянинг ойнаванд эшиги одатда ичкаридан қофоз билан тўсиб қўйиларди. Бироқ ҳозир қофоз кўчиб кетганлиги учун эшикка яқин ўтирганлар Маҳкам турган жойдан кўринарди. Лекин у ҳеч нарсани кўрмасди. Ойна ортидан тикилиб турган бир жуфт ўтли кўз унинг онгига анчадан кейин бориб етди, таниш чеҳра тумандан «лип» этиб чиққандай бўлди.

— Гавҳар!

Маҳкам ўзини тез эшикдан нарига олди. Ундағи алам ҳисси энди уят аралаш жаҳлга айланди, боя қони қочиб, кўкиш бўлиб қолган қорача юзи энди қонга тўлиб, бирдан жигар ранг тус олди. Бўғинлари бўртиб турган узун бармоқларини тугун қилиб, пиджагининг чўнтағига шундай қаттиқ тиқдики, чоклари чирсиллаб кетди. Сўнг эшикка ғазабли назар ташлади-да, зинапояга қараб интилди. Аввалгидай бир неча зинани бир ҳатлаб пастга чопиб тушди. Лекин вестибиолдан ўтиб кўчага чиқаётганда кимдир уни орқадан чақирди. У ўғирилиб қараса, бир варақ қофозни қўлида ҳилпиратиб Зокир келяпти.

Маҳкамнинг ҳамкурси бўлган бу хушбичим йигит факультет комсомол ташкилотининг секретари әди. У боя танаффусда бюро аъзоларини комсомол хонаслига олиб

кириб, шошилинч кенгаш ўтказган, давомат ҳақида вахималии фактлар келтирган ва ҳаммага топшириқлар берган эди. Маҳкам ҳозир унинг яна нимадир демоқчи эканини сезди, лекин унга кўринишни ҳам, гапиришни ҳам истамагани учун бош ирғаб эшикдан чиқди. Аммо Зокир етиб келиб тўхтатди:

— Ҳа? Қизариб кетибсизми?

Маҳкам офтобдан кўзини қисиб унга қаради-да, жавоб ўрнига қўлини ёйди ва ноилож кулимсиради.

— Қиргизмадими?.. Акбаров-а? А-а, шунаقا одати ҳам бор эканми?

Зокир қўлидаги қофозни икки буклаб чўнтағига солди ва йўл-йўл бастон пиджагининг енгига ёпишган увоқни чертиб ташлади. Қия тушаётган қуёш нурида унинг текис таралган сочи ҳам, қоши ва киприкларининг қайрилган жойи ҳам янгигина костюми сингарни хиёл товланиб турарди. Фақат юзи жилосиз, лекин тоза ва жозибали эди.

— Майли, хафа бўлманг,— деди у эшикнинг қабзасидан олиб.— Прогул дейдиган бўлса деканга кириб айтилиз. Нима, комсомол иши иш әмасми? Мана шу қофоз билан қанча эшикка кириб чиқишим керак. Битта деворий газетага картон ундириш шунчалик қийин. Қилмасам газета чиқмайди. Хўп, хафа бўлманг.

У яна қайтиб кириб кетди. Маҳкам у билан индамай ажрашди-да, нима қилишини билмай кунгайда бирпас турди.

Сквер томондан оқиб тушган баҳор суви йўлка зеҳида кўллаб ётар, ўша ёқдан келган кишиларнинг лой излари асфальтга муҳрдай босилиб қуриб қолган эди. Бу кўлмаклар ва излар қаршисида ёлғиз сўппайиб туриш унинг қўзғалган асабларини боса олмасди. У ётоқхонага боришга қарор берди ва нариги корпусга қараб кетди.

Уларнинг ётоқхоналари ўша корпуснинг ҳовлисида, қизил гиштдан солинган икки қаватли кичик иморатда эди. Бир гурӯҳ юқори курс студентлари турадиган бу уйда хоналар кам ва тарқоқ бўлгани учун қоровул ўтирас, ҳар хонанинг калити маълум бир жойга яшириб кетиларди. Маҳкам биринчи қаватнинг торгина коридоридан ўтиб, чап томондаги эшикнинг тепасини пайпаслади, лекин калитни жойидан топа олмади. Эшикни итарган эди, очилиб кетди.

Рўпарадаги деразадан қўйилаётган офтоб ёғдуларида,

лахта-лахта тāмаки дуди сузиб юради. Кескин очилган эшик шамоли бу дудни гүё чўчтиб юборди. Маҳкам койкалар ва тумбочкалар билан қуршалган столга қаради. Стол ёнида Очил эшикка орқасини ўгириб ўтирас ва папирос бурқситиб нимадир ёзарди. Унинг пиджаги билан галстуғи стул суюнчиғига осиб қўйилган, кўйлагининг улама ёқаси яғринига қийшайиб тушган, олдида ёзиб-чишиб ташланган қофоз тахланиб ётибди. У Маҳкамнинг кирганини сезмадими, ёки хаёлинни бўлгиси келмадими, қайрилиб ҳам қарамади.

Маҳкам уни кўрган заҳоти негадир Акбаровни эслади. Сўнг қўлида қофоз ҳилпиратиб келаётган Зокир кўз олдидан ўтди. Яна Акбаров хаёлида гавдаланди ва яна унинг «нарёғидан!» дегани қулоғига эшитилиб кетди. У эшикни тарақлатиб ёпди-да, шиддат билан стол ёнидан ўтиб форточекани очди.

Очил иргиб ўрнидан турди ва қоғозларни йиғишириб столга ура-ура, текислар экан:

— Танаффус бўлдими? — деб сўради.

Маҳкам индамади.

— Соат неча, танаффусми? — деди Очил яна.

— Танаффус қилиб ўтирибсиз-ку, яна қанақаси керак?

— Энди, жўра, пичинг қилсангиз-қилмасангиз шу,— деди Очил ўйчан овоз билан. У ҳозир ёзган нарсасининг таъсирида бўлиб, айтишадиган ҳоли йўқ эди.— Гапининг рости, бугун лекция қулоғимга кирмаяпти. Уч соат ўзимни мажбур қилиб ўтирдим, бўлмади. Нима қилай.. кейинчалик кўчириб оларман.

Маҳкам ўз тумбочкаси устига энганиш ниманидир ахтарар эди, бошини кўтармай деди:

— Кўчириб олиш билан иш битса бу тарақа-туруқ нимага керак, факультетни ёпиб қўя қолишсин бўлмаса.

Очил қоғозларини йиғишириб, дераза олдидағи ўз тумбочкасининг устига элтиб қўйди. Кейин коридорга чиқди, оиласлик студентлар турадиган бўлмалардан бирини тақиллатиб, ёпиқ эшик орқали вақтни сўради.

Танаффусга ҳали анча бор эди. У қовоғини солиб қайтиб кирди, соати бўла туриб вақтни айтмаган Маҳкамга орқасини ўгириб койкага ўтирди-да, тумбочкани олдига тортиб, ёзувларини оққа кўчира бошлади. Унга қаттиқ гапириб бир оз ичиши бўшатган Маҳкам энди

анча юмшаган эди. Тумбочкадан керакли дафтарларини олиб, стол устига қўйди-ю, бир китобни қидириб, эшик билан Очилнинг койкаси орасида турган шкафни очди.

Бу ердан Очилнинг ёзаётган нарсаси унга кўринарди. Шунинг учун Очил чап елкасини буриб, ёзувларини тўсди. Маҳкам унинг шеър ёзаётганини пайқаб кулимсиради, лекин пўписа қилиб сўради:

— Яна бир-икки соат ўтиromoқчисиз шекилли?

Очил индамай ёзишда давом этди. Маҳкам койкани айланиб ўтиб, унинг олдига келди.

— Қани, лекция вақтида ёзилган шеър қанақа бўлар экан, бир кўрайлик-чи.

— Тегманг,— деди Очил қоғозларни кафти билан босиб.

— Махфийми? Об-бо, қачондан бери?

— Қўйинг, жўра, бунинг ҳазил қиласидаги жойи йўқ,— деди Очил жиддий.

## 2

Ҳақиқатан ҳам унинг шеър ёзишига жиддий сабаб бор эди. Ўтган кун факультетда бадиий ҳаваскорлар кечаси бўлган, кечада Очил Замира билан бирга ўтирган эди. Бахтиёр дамлар кечанинг охиридаги танцада ҳам давом қилиши керак эди. Лекин бутун ишқаллик шу танцадан чиқди.

Замирани студентлардан бир-иккитаси танцага таклиф қилган эди, унамади. Очил зимдан қувониб «менинг кўнглимга қарайтимикин?» деб ўйлади, чунки ўзи Замирадан бошқа ҳеч ким билан танца қилишни истамас эди. «Чет» таклифларга чек қўйиш мақсадида уни ўзи тангога олиб тушмоқчи бўлди. Бироқ Замира унга ҳам рад жавоби берди.

— Мен ўғил болалар билан танца тушмайман,— деди.

— Нега? Ахир бу одобдан эмас-ку!

— Истамайман!— деди Замира қисқа қилиб.

Очилнинг жони чиқиб кетди:

— Бу ерга кишиларни хафа қилиш учун келганмисиз? Истамасангиз танца заліда нима қилар эдингиз?

— Нима қилишимни ўзим биламан.

Гавжум залда бу баҳсни давом этказиб бўлмас эди.

Очил коридорга чиқиб папирос чека-чека танцанинг

тамом бўлишйи кута бошлади. Лекин сабри чидамай яна ичкари кирди.

Зал «Рио-Рита» куйининг шўх садоларидан жаранглайди, паркет полда шип-шип қилаётган оёқ товушлари эшитилади. Замира ҳали ҳам девор зеҳидаги креслода ўтирибди, кўзлари бир нуқтага тикилган, юзи ўйчан. Унинг қиёфаси ҳозир Очилга беозор ва маъюс кўринди. Боя унинг рад жавобидан «назарга илмади» деб хафа бўлган бўлса, энди «бирон сабаби бормиккин?» деб ўйлади ва сўраб билмоқчи бўлди. Унинг олдига келиб:

— Кетмайсизми? — деди.

Замира элдан олдин ва ёлғиз чиқиб кетишни хоҳламасди.

— Танца тамом бўлсин,— деди.

Ниҳоят, кўпчилик билан бирга кўчага чиқишиди. Замира хафа эди. Тез оловланиб, тез совуидиган Очил эса аллақачон жаҳлидан тушганди.

— Мунча қовоғингиз солиқ,— деди у Замирага,— йиғлаб юборманг тағин.

— Бўлар-бўлмасга йиғлайдиган одатим йўқ.

— Бўлар-бўлмасга йиғлаган вақтингиз ҳам бўлгандир?

— Бўлган эмас,— деди қиз.

— Бўлган эмас! Болалигингизда-чи, болалигингизда ҳам бўлган эмасми?

Замира унга қиё боқиб беихтиёр табассум қилди. Шу билан орага тушган туман тарқалгандай бўлди-ю, гап очилиб кетди.

Маълум бўлишича, Замира бошқаларга рад жавоби бергани учун унга ҳам йўқ деган экан. Таклифи ерда қолган студентлардан бири Замирага кинояли ишора қилиб:

— Бу киши ўзларини Очилбойга асраб ўтирибдилар,— деган экан.

Ҳали гард юқмаган қизлик ғурури учун бундан аччиқ гап борми! Ўзининг Очил билан бир-икки марта ҳамсуҳбат бўлгани, уч-тўрт марта ётоқхона коридорида туриб сўзлашгани энди Замирага бошқача кўриниб кетди. Демак, кишилар буни Очилга тобелик деб ҳисоблашади, Замирани Очилнинг «қизи» дейишади. Йўқ, у ҳеч кимнинг «қизи» эмас, у ҳеч кимга тобе бўлмайди. У Намангандай жойдан бу ерга ўқийман деб келган, ҳеч ким билан юрмайман, деб онасига сўз бериб келган.

Агар юраман деганда ўша ёқда йигитлар топилмасмиди. Йўқ, у гап-сўз бўлишни истамайди!

Очил бу гапларни эшитиб лол бўлиб қолди.

— Ие, ахир йигитлик шаъни қизлик шаънича эмасми? Мен ҳам Зарафшон тоғидан ўқиш учун келганман, мен ҳам гап-сўз бўлишни истамайман. Лекин сиз билан... сўзлашганимнинг сабаби... Ахир, кишилар шундай сўзлашмаса бир-бирини қандай билади? Онамга ваъда бериб келганман, дейсиз. Ёки у киши сизга бирорни топиб берса ҳисобми? Бундан чиқди ихтиёргиз онангизнинг қўлида экан-да?

— Нега? Менинг ўз ихтиёrim ўзимда,— деди Замира.— Бўлмаса бир ўзим шунча жойга ўқишига келармидим?

— Ихтиёри ўзида бўлган одам бирор кишига қизиқса унинг кимлигини билиши керакми, ахир? Қулоққа ёмон эштиладиган юриш, асли, кишилар дўстлашиб бир-бирини билишлари учун, илгаригидай кўр-кўрона оила қурмаслик учун керак-да.

Бирорга қизиқиш, оила қуриш... Бу гаплар Замирани чўчитар, Очил уни ёмон йўлга бошлаётгандай туюларди. У болалигидан бошлаб шалоқ юришлар ҳақида кўп нарса эшитган ва ўғил болалар билан юриш умуман ёмон деб билар эди. Шунинг учун яна гапни кесиб:

— Мен ўқишимни биламан, бошқа ҳеч нарсага қизиқмайман, деди.

Очилга бу гап «мен сенга қизиқмайман» дегандай эштилди ва яшин зарбасидай таъсир қилди. У Замиранинг кўнглида ҳам менга аталган бир нарса бордир, деб юрар эди. Ҳозир бу фикри пучга чиқди-ю, қалбida бир нарса портлагандай бўлди ва умидларини чил-чил қилди. У нима деганини ҳам, Замиранинг ётоқхонаси қаршисидаги зинапоя майдончасида тикка туриб яна қанча вақт сўзлашганини ҳам билмайди. Фақат шуниси эсидаки, бутунлай хайрлашиб, орани узмоқчи бўлди. Замира алланечук қимтиниб:

— Ўқиш битгунча... биз фақат танишлармиз,— деди.

— Ўқишингиз битгунча яна тўрт ярим йил бор. Танишликка келганда... Танишдан кўпи борми!.. Хайр!

Очил чирт бурилди-да, жадаллаб зинапоядан пастга тушди.

Ўша кеча ухлаёлмади. У Замирани танигандан бери ораларидан нима ўтган бўлса — ҳаммаси, майда-чуйда

тафсилотларигача хаёлида тинмай тақрорланарди. Қизнинг гапи, қилиқлари, юз ифодаси, ўзининг унга муомаласи, айтган гаплари ва ҳоказолар хотирасига кино лентаси каби ўрнашиб қолган эди-ю, энди шуни тақрор тақрор қўйиб, гоҳ у ерида, гоҳ бу ерида тўхтаб текшириб кўрарди, гоҳ ундан, гоҳ бундай фикрга келарди, лекин барни бир лентанинг охирида «сен мени қизиқтирумайсан» мазмунидаги сўзлар учарди ва дунёсини қоронғилаштириб, ҳамма фикрларини чалкаштириб юборар эди. У ёпишқоқ ўйлардан қутулмоқчи бўлар, лекин ётганда ҳам, турганда ҳам, лекцияда ҳам, овқатланаётганда ҳам, баъзан гапиришаётганда ҳам хотира кино ленталари кўз олдидан тинимсиз ўтиб турарди, уларни тўхтатиш, йўқотиш қўлидан келмасди. Фақат қизиқарли иш қилганда, ўта таъсирили китоб ўқинганда, ёки шеър ёзганда уларни унутарди.

Маҳкам қўймагандан кейин у бўялиб кетган қоғозни қўлига олди, лекин шеърни паст товуш билан ёддан айтди:

### Гўзал ўткинчи

Кўклам ёмғирининг бир томчисини  
Кўм-кўк барг ўзига қилганди сирға.  
Ойдинда товланар, тонг ели уни  
Тинмай тебратади барг билан бирга.

Лекин офтоб чиқиб қиздирган сари  
Буғланиб охирни йўқ бўлди томчи.  
Сен ҳам шу баргдаги томчи сингари  
Ҳамроҳ бўлолмадинг, гўзал ўткинчи!

Очилнинг овози тингандан кейин иккови ҳам жим бўлиб қолди. Маҳкам ҳайрон эди: «Ҳали дараҳт ҳам барг чиқаргани йўқ, ёмғир ҳам ёққан эмас, бу нега бундай деб ёзибди?»

Очил ўрнидан туриб кийинна бошлади. Лекин аঁчагача ёқасининг тугмасини ўтказа олмади — қўли қалтиради. Маҳкам буни кўриб, охирги икки сатрни эслади ва воқеани тушунгандай бўлди.

— Гўзал ўткинчи ким, Замирами?

Очил индамай галстугини тақар эди.

— Ҳа, яна нима қилди? — деди Маҳкам унинг индамаганини «ҳа»га йўйиб.— Кечада соз кўринувдиларинг-ку?

— Ҳа шу... тўғри келмади.

— Нега?

— Ҳозир тушунтирадиган вақт эмас,— деди Очил жигарранг чий духобадан тикилган ва тирсаклари қирилиб қолган пиджагини кийиб.— Танаффус бўлгандир.

Маҳкам соатига қараб ўрнидан турди.

— Ҳа, юринг тезроқ. Энди кеч қолсак нақ теримизга сомон тиқади.

### 3

Улар ҳовлига чиққанда қуёш булутлар орасига кириб кетган, шамол изғириндай аччиқ бўлиб қолган эди. Ётоқхона яқин бўлгани учун иккови ҳам уч-тўрт кундан бери ўқишга костюмда борарди, лекин мана шундай пайтда айниқса Очил совқотиб қунишарди. У ўрта бўйли, қотмадан келган, оқиш юзли ва териси юпқа йигит эди. Унинг бутун вужуди қандайдир жуда таъсирчан толалардан тўқилганга ўхшарди. Қўнғир кўзлари доим бирор нарсадан таъсирланганини акс эттириб туар, гоҳ кучли порлаб, қораҷигининг пастида шаффоф нам ҳалқаланар, гоҳ ўйчан қисилиб, пилиги пастлатилган чироқдай қораярди. Хаёлчан кишиларники каби бир-бирига ботиб турган лаблари кулганда ёки гапирганда шаклини тез ва кескин ўзгартиради. Унинг чўзинчоқ оқиш юзи ҳам эҳтиросли кўзлари ва лаби сингари ички кечинмаларини узлуксиз акс эттиради. Юрагида бори юзига тепиб турадиган бундай кишиларни кўнглида кири йўқ деб мақтайдилар. Лекин Очилнинг ўзи бу хусусиятидан норози бўлиб юради. У кўнгли кенг, вазмин бўлишни, анча-мунча нарсани ичига бемалол сифдириб, ҳеч нарса кўрмагандай бўлиб юришни ҳавас қиласди. Шунинг учун ўзи ҳам сезмай Маҳкамнинг баъзи одатларига тақлид қиласди. Ҳатто ҳозир шу ҳовлидан ўтаётганида ҳам Маҳкамга ўхшаб мумкин қадар салмоқли қадам ташлар, совуқни писанд қилмагандай елкасини кериб борарди.

Маҳкам ҳам Очил каби энди йигирма иккига қадам қўйган, лекин бўйи баланд, кийимни Очилдан икки размер катта кияди. Унинг эгнидаги якка бортли шевиот костюм ҳали бўйига нисбатан ингичка бўлган қаддига кенглик қиласди, кўкраги бир оз халта бўлиб, ёқаси кўчиб турибди. Аммо унинг кенг елкаси пиджак кифтини таранг тортиб, осилгани қўймайди, гавдасининг кучли ва ҳаракатчал эканлиги доим билиниб турди. Пиджа-

гининг тагидан кийилган оқ садаф тугмачали рангдор катак кўйлак арzon костюмга жуда мос келган. Бу кўйлак атайлаб галстук тақмаслик учун чиқарилгандай ёқасининг қулоқлари, ҳатто орқа томонда бўладиган уч бурчак қулоғи ҳам тугмаланиб қўйилган. Унинг оёғида таги резинка қора туфли. Қитоб қўлтиқлаб бораётган қўллари ҳам катта-катта, кафти нимранг, панжасининг усти эса юзи каби қорамтири.

Унинг қоши қоп-қора бўлса ҳам, қорача юзида унча кўзга ташланмайди. Фақат зич оқ тишлари майнин йилтираб, чеҳрасини очиб туради.

Маҳкамнинг тубсиз қора кўзлари чуқур ички кечинмаларини унча билинтирмасди, оғир теккан нарсалар кўнглининг тубида чўкиб ётар, юзида эса доим кишини ўзига тортувчи мулойимлик, болаликдан қолган соддалик ва дилкашлик акс этиб турар эди.

Очил қанчалик тез ва кўнгли юмшоқ бўлса, Маҳкам шунчалик вазмин эди, лекин, ажабки, уларга бир қарашда аксинни ўйлаш мумкин эди. Очилнинг от қилидай қайсар қўнғиртоб соchlари дўпли четидан қайрилиб чиқиб турап, қўйиб берса сочилиб кетарди, қош мўйлари ҳам йўғон-йўғон эди, уни дастлаб кўрган киши жуда феъли қаттиқ деб ўйлаши мумкин эди. Маҳкамнинг товланувчи қора сочи жуда майнин эди, баланд пешонасига қия тушиб, чапдан ўнгга қаратса ётқизиб тараганди ва шундай бирикиб турап эдики, ҳовлидаги кўлмаклардан сакраб ўтаётганда ҳам сочилиб кетмасди. Ораси анча очиқ қоши ҳам, тифиз ва калта киприклари ҳам ўша мулойим мўйлардан тизилган эди, икки йилдан бери қириб юрган соқол-мўйлови ҳам ҳалигача сабзаликдан чиқиб улгурмаган ва ҳафта-ён кунда бир олинарди. Ун олти ёшидан бери соқол оладиган сермўй Очил ҳозир уч кунда бир юзини тарашларди ва шу жиҳатдан Маҳкамга қараганда бир неча ёш катта кўринарди. Маҳкамнинг босиқлиги эса уни Очилга нисбатан бир неча ёш катта кўрсатарди.

Уларнинг қиёфалари каби, бу ерга келгунча босиб ўтган йўллари ҳам ўзгача эди. Очил Зарафшон тизматоғи этагида чорвадор ва боғдор қишлоқда ўсган, Маҳкам эса Сирдарё бўйидаги сершовқин, гавжум ишчилар шаҳарчасида катта бўлган эди. Иккови ҳам умрининг қўп қисмини ўқиши билан ўтказган бўлса-да, ўқишдан ташқари кечирган ҳаётлари ҳар хил эди.

Маҳкам ёз ойларида лагерга кўп чиқар, авваллари шунчаки дам олар, кейинчалик вожатий бўлиб ишларди. У кўпчилик билан муомала қилиб ўрганганди, балки шу унинг характерини анча силлиқлагандир. Бундан ташқари у тотув ва соғлом ишчи оиласида ўсиб, кўп ёрқин дамларни бошдан кечирган, шунинг учун ҳам қиёфаси нурга сероб эди.

Тўғри, у ҳам болалиги уруш йилларига тўғри келган тенгдошлари каби анча қаттиқчилик кўрган. Урушнинг иккинчи йили отаси армияга кетди-ю, қўлида ҳунари йўқ она икки бола билан қолди. Маҳкам тўнгич эди. Онаси завод бошқармасига вахтёр бўлиб ишга кирди. Маҳкам уч яшар укаси билан уйда қоларди. Танқислик. Карточка билан олганлари етмайди. Кўкламда она-бала тоғ этагидаги қўриқقا чиқиб, белкурак билан ер ағдариб, лалми буғдой экишди, лекин қурғоқчилик бўлиб уруққа ҳамчув тушишди. Ўшанда қорни тўйиб овқат емасликдан онаси касал бўлиб узоқ ётиб қолгани Маҳкамнинг эсидан ҳеч чиқмайди. Илгари доим аъло ўқиган бола ўша йили синфдан синфга кўча олмаганди...

Уруш ҳам тугади, отаси қайтиб келиб, тирикчиликлари ҳам яхшиланди, аммо ўша кунлар унинг ҳаётига қаттиқчилик чўққиси бўлиб кирди-ю, умрбод қолди. Ҳозир студентлика бирор нарсага зориқса, аҳволи оғир туюлса хаёлан ўша чўққига чиқади-да, қийинчиликларга юқоридан қарайди ва уларнинг майдачуйда, ўткини эканини кўриб кўнгли таскин топади.

Очил омочга бўйи етиб-етмай қўш ҳайдаган, ёз ойларида отасига қўшилиб ўроқ ўрган, тоғларда қўй боққан, умуман, мактабдан ортган вақтининг кўп қисмини меҳнатда ўтказган эди. У олти яшарлигига онаси тоғ кўчкисининг тагида қолиб ҳалок бўлганди. Уч йилдан кейин отаси икки болалик бевага уйланди. Иккинчи она ва унинг болалари Очилга ёмон кўз билан қарашмаса ҳам, ҳар ҳолда у бегонасирап, сал нарсани кўнглига олиб ўксир эди. Отаси чўпон бўлгани учун уйда кам турарди. Очилнинг қалбида чуқур из қолдирган энг яхши ҳис-туйғулар ҳам уйдан ташқарида,—далада, отаси қўй боққан жойларда хусусан мактабда пайдо бўларди. Унинг зеҳни жуда ўткир, ўзи тиришқоқ эди, мактабда энг кучли ўқувчилардан ҳисобланарди. Ёзда колхоз ишига чиққанда ҳам ўша тиришқоқлигини қўймас, ўн уч-ўн тўрт ёшида баъзи катта ўроқчилардан ҳам ўзиб

кетарди. Шунинг учун у мактабда ҳам, далада ҳам ўзи тўғрисида кўп илиқ гаплар эшитар, бу илиқлик унга жуда етишмайдиган она меҳрини бир қадар қоплар эди. Лекин ҳар ҳолда оналарча суйиб-эркалатишнинг, бола қалбини меҳрга тўйдидириб, мулоиймлаштирадиган она муҳаббатининг ўрни билинарди.

Очилларнинг кичкина қишлоқларида фақат тўлиқсиз ўрта мактаб бор эди, шунинг учун у еттинчини битиргандан кейин сал кам уч километр наридаги қўшни қишлоққа қатнаб ўқий бошлади. Кўп йўл юрган киши кўп ўйланади. Ўша йиллари Очил китоб ўқишига ихлос қўйган эди, китоблар унинг интиҳосиз хаёлларига қанот боғлар, мактаб йўлида ўйламаган ўйи, қилмаган орзузи қолмас эди. Ўнданда ўйчанлик ўшанда пайдо бўлганди. Иттифоқо, ўрта мактаб жойлашган қишлоқнинг болалари бир-бирига «жўра» деб мурожаат қилишарди, Очил кўп ишлатадиган бу сўз ҳам ўшандан қолганди.

Хозир у Маҳкам жўраси билан катта ҳовлидан ўтиб, асфальт йўлкага чиқар экан, совуқ шамолдан хиёл кўкарган юзида одатдаги ўйчанлик билан бирга ҳорғин мамнунлик ҳам бор эди. Бир неча кунлик изтироблари қоғозга тушиб, кўнгли бир оз бўшаганди шекилли.

#### 4

Улар нариги ўқув корпусига кириб борганда чиқишига қўнғироқ чалинди. Зинапояда пастга тушиб келаётган группадошлари дуч келиб ва дарҳол Маҳкамни ўртага олиб, Акбаров берган жазо ҳақида гапира бошлишиди. Бири: «Қаттиққўллик ҳам эви билан-да, жуда ошириб юборди-е» деса, бири: «Йўқ, ўзи англашилмовчилик бўлиб, «эшикни ёпинг» деганини Маҳкам бошқача тушунди» дер, бири: «Э, қўйинг шу Акбаровни, қўпол экан жуда» деса, бири «Тушуниш керак-да, берилиб лекция ўқиётган эди, бирдан калавасини йўқотиб қўйди» дерди. Маҳкам индамас, Очил эса нима гаплигини тушунолмай алангларди. Уларнинг тўпи зинапояни энлаб, орқадан келувчиларнинг йўлини тўсиб қўйди. Йўлни бўшатишни талаб қила бошладилар. Айни вақтда пастдан чиқиб келаётган староста Лола Ҳакимованинг Маҳкамни чақиргани эшитилди:

— Маҳкам! Деканатга борар экансиз. Сиз ҳам Очил. Декан чақирияпти.

Иккови ҳам пастга қайтиб тушди.

— Чини билан теримизга сомон тиқадими дейман, жўра?— сўради Очил хавотирлигини кулги билан босмоқчи бўлиб.

— Юринг,— деди Маҳкам жиддий. Унинг кўзлари қисилиб, қошларининг ўртасида тугунчак пайдо бўлган эди.— Ҳазил-ҳазил билан, яхши бўлмаяпти. Ҳозир факультет ўзи тўполон. Давомат бўйича охирги ўринга тушиб кетибмиз. Бир ҳафтада минг соат прогул. Ўртоқ Акбаров,— бу икки сўзни у истеҳзо билан айтди— ўртоқ Акбаров яна бирор жазо берсалар керак-да.

— Ҳозир Акбаровнинг лекциясимиди?— деди Очил тўхтаб.

— Ҳа юринг, сизнинг яхши кўрган доцентингиз-ку, қўрқмасангиз ҳам бўлади.

Очил бўшашиб кетди: у ҳақиқатан ҳам Акбаровни жуда ҳурмат қиласди, лекин унинг Маҳкамга қилган муомаласи... Яна ҳозир шу аҳволда у билан учрашиш кераклиги... кўнгли алланечук ғаш бўлиб, декан кабинетига қандай кирганини сезмай қолди.

Тўрдаги стол ёнида декан Зуфар Ҳакимович Ҳакимов ўтирибди. Берироқда, китоб жовони қаршисига қўйилган қора чарм диванга Акбаров чўккан. Улар кимни дир, жим кутаётганга ўхшайди. Ҳакимовнинг ўтириши, юзи, ҳатто «ёжик» қилиб қирдирилган сочининг диккайиб туриши таъби тириқ эканидан дарак берарди. У Маҳкам билан Очилнинг саломига жавобан:

— Бу қанақа гап,— деди,— бу аҳвол қачонгача давом этади энди? Бу ер карвонсарой эмас, хоҳлаганда қўниб, хоҳламаганда ёнидан ўтиб кетаверадиган—олий мактаб бу! Бу ерда ўқиши орзу қилиб юрганлар сон мингта. Ўқигиларнинг келмаса, бўшатиб қўйинглар ўринни, лекция вақтида ялло қилиб юрмайдиганлар ўқисини.

Очил Акбаровдан уялиб қизарди. Маҳкам эса ноҳақ гаплардан қаттиқ норози бўлиб, яна юзининг қони қоча бошлади. У:

— Аввал бир суриштиринг, домла,— деб эътиroz билдириган эди, Ҳакимовнинг жаҳли яна бир парда кўтарилди:

— Нимасини суриштираман? Минг соат прогул етмадими? Сиздақаларнинг дастидан факультет ма-ломатга қолаётибди, ҳаммадан гап эшитаётимиз!

Тағин нимани суриштирай, а? Мана Темир Акбаровиҷ — нега сизни киргизмабди? Ишонаманки бекорга эмас. Бу киши энг бардошли ўқитувчиларимиздан эди. Шу кишинингки тоқатини тоқ қилибсизлар, демак кескин чора кўриш пайти келибди!

Акбаров ўтирган жойида олдинга энгашиб бир нарса демоқчи бўлар, лекин қулай пайт тополмасди.

— Бир минут, Зуфар Ҳакимович, кечирасиз,— деди у ниҳоят Ҳакимовнинг гапини оғзидан олиб.— Гап менинг тоқатимда эмас, йигитлар. Тўғри, сизларни чақиришга мен сабаб бўлдим. Гарчи чақиришни сўраган бўлмасам ҳам,— деб у Ҳакимов томонга қаради:— Зуфар Ҳакимович, рухсат беринг, ўтиришсин. Қани ўтиринглар.

Очил аввал стол билан диван орасидаги бўш стулларга, сўнг Маҳкамга қаради. Маҳкам ўтирмоқчи эмас эди, қўлларини орқасига қилиб, ўзини деворга яқинроқ олиб қимиirlамай турар, афтидан шу билан ҳам норозилик билдирарди. Акбаров уларнинг ўтиришини кутиб жим тургани учун Очил ноилож бир стулни нариги деворнинг зеҳига сурib, омонатгина ўтирди. Акбаров босиқ ва бир қадар мулоийм овоз билан:

— Ўртоқ Самадов, сиз нега лекцияда йўқ эдингиз?— деди.

Очил сўз тополмай юзини кафти билан қаттиқ ишқади. Унинг кўзлари киртайиб қолганини кўриб:

— Тобингиз йўқмиди?— деди Акбаров яна.

— Йўқ, ўзим шундай... Сабабсиз.

Зуфар Ҳакимович креслони ғичирлатиб бир безовталанди-ю, лекин гапирмади. Акбаров Очилга бошқа бир нарса дейиш ортиқча эканини сезиб, Маҳкамга юзланди. У тикка тургани учун пастдан юқорига қараб гапиришга тўғри келарди.

— Нега ўтирмайсиз?— деди Акбаров кулимсираб. Унинг пўлатдан қилинган жағ тишлари кўриниб кетди.— Биламан, мендан хафасиз. Суриштирмай шундай қилди-я, ноинсоф, деб тургандирсиз ичингизда? А?— Акбаров жавоб кутиб кулимсиради.

— Эҳтимол,— деди Маҳкам ҳам тап тортмай.

Очил унга қараб «сен ҳам шафқатсизсан-е» деб қўйди ичидা.

— Лекин сабабингиз маълум эди,— деди Акбаров хиёл товуши ўзгариб.— Бюро аъзоси эканингиздан ха-

барим бор. Ҳозир долзарб пайт, комсомол енг шимаряпти — ҳаммаси тушунарли. Лекин активларимиз ҳам бир нарсани тушунишсин: минг соат прогул осмондан тушган эмас. Факультетда интизом пасайиб кетяпти. Интизомни аввало активлар туширяпти.

— Сув бошидан лойқанади-да,— деб Зуфар Ҳакимович гап қистирди.

— Ҳа. Мана, ўзингиз айтинг, шу кунларда неча киши комсомол ишини баҳона қилиб лекциядан қолди? Ҳозирнинг ўзида неча киши кечикди? Мен сизни шуларнинг энг ашаддийси демоқчи эмасман. Аксинча, бу ерда Зуфар Ҳакимович менинг гапимни бошқачароқ тушунтирди. Қиргизмаганимнинг сабаби бу эмас. Ўзингиз ҳам педагог бўляпсиз. Агар фақат ашаддий прогулчилар ибрат бўла олганда мен секретарларингни киргизмаган бўлардим.

— Манноновними?— деди Зуфар Ҳакимович стол устига энгашиб. У эрталаб Зокирни чақириб, минг соат ҳақида бонг уришни ва кескин чоралар қўллашни буюрган, шундан кейин шошилинч бюро ўтказилган эди. У деворий газетанинг фавқулодда сонини чиқарамиз деб югуриб юрган Зокирни боя лекция пайтида ҳам кўрган, «ҳа, баракалла, бир зўр беринглар» деб ўтиб кетган эди.

Акбаров унга тасдиқ маъносида бош ирғаб, Маҳкамга гапиришда давом этди:

— Биз комсомол бўлган пайтимида комсомол воҗагининг энг зўр қуроли шахсан ибрат кўрсатиш эди. Ҳозир ҳам шундайми? Ё...

Шу пайт эшик очилиб, Зокирнинг калласи кўринди.

— Мумкинми? Ассалому алайкум... Э жамоат жамку. Темир Акбаровиҷ, агар Маҳкамни уришаётган бўлсангиз мен орага тушмоқчиман. Мана, Зуфар Ҳакимовичнинг ҳам хабарлари бор...

Акбаров қаддини ростлаб, диваннинг болишига билагини қўйди-да:

— Аввал ўзингиздан гапиринг, нега лекцияга келмадингиз?— деди.

— Ҳа, шу прогулга қарши курашамиз деб куйибишиб юрибмиз.

— Ие, прогулга қарши курашиш учун ҳам прогул қилиш керак экан-да!

Зокир хиёл қизарди, бошини кескин силтаб, пешона-

сига тушган узун сочини орқага ташлади-ю, ерга қараб.

— Энди нима ҳам қилайлик, Темир Акбарович,— деди.— Прогулнинг бир сабаби лекцияларнинг ўзида. Баъзи лекциялар китобдагидан ортиқ бир янгилик бермайди. Китобни эса уйда ҳам ўқиб олиш мумкин.

Очиқдан-очиқ Акбаровга қаратилган бу истеҳзо Зуфар Ҳакимовични алланечук яйратиб юборди. Акбаров эса оқариб кетди.

— Яъни, нима демоқчисиз,— деди Зокирга тикилиб,— менинг лекциямга шунинг учун келмаганимдингиз?

— Э, унақа маъно чиқарманг-да, Темир Акбарович. Мен умуман айтдим.

Акбаров унинг гапини ўзига олиб хато қилганини сезди ва баттар оқарди. Оқи кўпайиб, кул ранглашиб қолган сийрак соchlарини тез сийпаб, яна бир нарса демоқчи бўлди. Лекин Зуфар Ҳакимович эпчиллик қилди. У Очил билан Маҳкамга Акбаров яхши үринчайтганини сезиб, ўз кабинетида суҳбат жиловини бериб қўйганидан безовталаниб ўтирган эди, ҳозир пайтдан фойдаланиб яна жиловини қўлга олди:

— Албатта ўзингизга олмаслигингиз керак, Темир Акбарович. Лекин сиз, Маннонов, унақа заарли гапларни ташланг. Айбни лекцияларга тўнкаш прогулчиликни оқлашга олиб боради.

— Кечирасиз, Зуфар Ҳакимович, мен фақат баъзи лекцияларни айтдим.

— Гап шу, йигитлар,— деди Ҳакимов ҳаммага мурожаат қилиб,— бундан буён эҳтиёт бўлинглар. Тўртинчи курсдамиз-у, декан гуноҳимизни кечираверади деб ўйламанглар. Бешинчи курсда ўқиса ҳам, интизомни бузса, аямаймиз, шуни қулоқларингга қуйиб олинглар. Хўп,— у Акбаровнинг ҳам номидан рухсат берадётганини билдириб, унга бир қараб олди-да, деди:— Боринглар.

## 5

Учови гавжум коридорга чиқсанда Зокир Маҳкамнинг билагидан олиб:

— Бопланди-а!— деди ва кулди:— Бир аламдан чиққандирсиз?

Маҳкам тезда жавоб бермади. У хаёлини йиғиштириб ололмай ўзи билан ўзи бўлиб борарди. Ётоқда бир

оз совуган асаблари деканатда яна важиллаб тошган, ҳаммасини Акбаровдан кўриб бетга чопарлик билан «эҳтимол!» деган ва шундан сўнг алами сал пасайган эди. Кейин Акбаровнинг ўз жазосига берган изоҳини эшитиб яна бир оз тушди. Зокирнинг Акбаровга шафқатсизларча киноя қилганини, Ҳакимов ҳамкасбини ёқлаш ўрнига Зокирни қувватлаганини кўрди-ю, яккаланиб, оғир аҳволга тушиб қолган Акбаровни айбламай қўйди, чиқиб кетаётуб ҳатто унга ичи ҳам ачигандай бўлди. Лекин шу заҳоти қандай аянчли аҳволда аудиториядан ҳайдаб чиқарилгани ва Ҳакимовдан қандай қаттиқ дакки егани эсига тушди-да, бир нарса кўнглини хиппа бўғиб олди. У нимага нима сабаб бўлганини аниқласа бўғилиши ўтиб кетадигандай бўлди, аммо сабаб ва натижалар бири бири билан шундай аралашиб, шундай чалкашиб кетган эдикни, у оқни оқقا қорани қорага ажратмоқчи бўлган сари калава бадтар чигаллашарди. Акбаров, Ҳакимов, Зокир — уларнинг бир-бирига ва Маҳкамга қилган ҳозирги муомалалари бир қарашда тушунарли, бир қарашда тушуниб бўлмайдиган, бир қарашда сабабли, бир қарашда сирли кўринарди. Маҳкам уларнинг учовини ҳам ўзидан юқори қўяр ва ҳурмат қиласарди, айни вақтда ҳозир юз берган ҳурматсизликни кўнглига сифдиролмасди. Зокир унинг учун Акбаровдан қасд олгани ҳам кўнглини хира қиласарди.

Маҳкам гапиравермагач, Зокирга Очил жавоб берди:

— Жуда хунук шама қилдингиз, жўра,— деди у чўрткесарлик билан.— Ҳамма Акбаровдай лекция ўқиса жон дер эдингиз.

— Э, сиз ўзингиз хунуксиз!— деди Зокир ҳам кескин.— Мен нима дебман шама қилиб? Айтмоқчи бўлганим шуки, яхши лекция қанчалик кўп бўлса, прогул шунчалик оз бўлади. Рост-да, ахир, яхши лекция ҳаммани ўзига магнитдай тортади.

— Лекин ҳаммани эмас,— деди Очил.— Магнит ҳам темирни дамига тортади, кесакни торта олмайди.

— Демак сиз кесак экансиз-да, Акбаровнинг магнити дамига торта олмаяпти?

— Ҳа, мен ҳам бугун сизга ўхшаб кесаклик қилдим.

— Қўйсаларинг-чи шу чўқишишни,— деди Маҳкам. Ўртоқларининг баҳсидаги аниқлик унинг хаёлидаги мавҳумлик туманини бир оз тарқатгандай ва энг яқин са-

баблардан бирини очгандай бўлди. У дарҳол гапни шу ёқса бурди:— лекин, Зокир, танаффус вақтида тўпланиш бўлмас эканми дейман. Беш-үн минутда ҳеч нарса ҳал бўлмайди, фақат лекциядан қолдиради, холос.

— Эртага тўпланайлик-чи, кўрамиз,— деди Зокир унинг гапини ёқтирмай.

Очил «бу гапларнинг менга алоқаси йўқ» дегандай қилиб қадамини тезлаштири ва коридор тўла студентларга аралашиб, кўринмай кетди.

— Шу эртанги бюро ҳам қандай бўларкин. Бугун белгиладик, бир кунда қанчалик тайёрланамиз?

Зокир тўхтаб, Маҳкамага еб қўйгудай бўлиб қаради:

— Неча ой тайёрланайлик бўлмаса!?

Унинг бурун катаклари титраб, кўзлари ялтираб кетди: Акбаров ва Очил билан айтишиб қизиган асаблари сал гапдан аланга олгудай эди. Маҳкам бундай пайларда унга ён берарди.

— Кечирасиз, мен фақат айтмоқчиманки... Агар тўғри келса, таклиф қилмоқчиман. Шу прогулчилар аввал группаларнинг ғалвиридан ўтказилса, кейин уларнинг кучи етмаганини биз эласак.

— Бу метод ҳозир бизга иш бермайди,— тушунтириди Зокир юмшаб.— Вақт зиқ. Группаларда муҳокама қилдиргунимизча сессия етиб келади.

— Ҳа энди, ҳар ҳолда сессияга икки ой бор-ку.

— Ҳозирдан ҳаракат қилмасак кейин фойдаси нима? Тушунинг, Маҳкам, биз эртагаёқ бир зарба билан прогулчиликнинг томирини қирқишимиз керак.

— Шундай-ку, ҳар ҳолда комсорглар бор, курс бюро-лари бор. Мажлис бўлса бошланғич ташкилотларни мустаҳкамлаш керак деймиз. Мана шунаقا пайтда уларни ишга солсак қандай бўлади?

— Шу гапингиз бор экан, боя тўпланганимизда айтсангиз бўлмасмиди?

— Энди боя шошилдик, дурустроқ ўйлаб кўришга вақт бўлмади-да!

— Акбаров киргизмагандан кейин вақт топилибдида! Жазо фойда берибди, дуруст. Ҳа, хўп! Курс бюро-ларига айтинг бўлмаса, комсорглар билан бирга ҳаммалари келишсин. Марҳамат, бюрони катта аудиторияда ўтказамиз, ҳамма сиғади. Бўлдими энди?.. Ҳозир йигирма минутлик танаффус, вақтдан фойдаланиб қолиш керак.

Маҳкам яна бир нима деб эътироz қилмоқчи эди, де-канат томондан келаётган Эшонбоевни кўрган Зокир:

— Тўхтанг бўлмаса, Муҳаммаджон ака билан ҳам бир маслаҳатлашамиз,— деди.

## 6

Эшонбоев улар билан кўришар экан:

— Ишлар дурустми?— деди Маҳкамга ва жавобини кутмай Зокирдан сўради:— Нима янгилик бор?... Шундайми? Юринглар бўлмаса, кабинетга кирайлик... Менинг ҳам гапим бор.

Эшонбоев шу факультетни бундан уч йил олдин битириб аспирантурада қолган ва бу йил Ҳакимовнинг таклифи билан факультет партгруппасига секретарь қилиб сайланганди. Унинг қиёфаси Зокирга ёқарди: юзидан қизиллик аримас, папирос кўрмаган тишлари ярақлаб туар, сочининг бир тутами ҳали ажин тилмаган пешонаси устига буралиб тушар, бурнининг ўркачи ҳам, оёғини бир оз қийшиқ босиши ҳам ўзига мос кўринарди. Ўттиз ёшида парторг бўлганини ҳисобга олиб, Зокир уни қаттиқ хурмат қиларди. Маҳкам эса уни яхши билмас ва ундан алланечук тортинарди.

Улар Эшонбоевга жимгина эргашиб комсомол кабинетига келишди.

Кабинетда взнос қабул қиласидиган қиз ўтирган экан.

— Бирпас чиқиб турмайсизми?— деди Эшонбоев унга.— Бизнинг ишимиз бор.

Зокир қизнинг орқасидан эшикни ёпди. Эшонбоев келиб илгагини ҳам солиб қўйди ва:

— Хўш, қани, ўтиринглар,— деди.

Маҳкам стул суриб ўтираси экан, бир деразалик кичкина кабинет, занглаған қулф осиғлиқ қовжироқ шкаф, бир четига сиёҳ тўкилган сирти фанер стол кўзига одатдагидан бошқачароқ кўриниб кетди. Гўё бу оддий нарсаларнинг ҳаммасида мураккаб бир сир бор-у, ҳозир ошкор бўлиши керак.

— Хўш,— деди Эшонбоев,— нима чора кўряпсизлар?

Гап прогулчилар ҳақида экани маълум эди. Зокир бюро тайёрланаётганини, бир қатор персонал ишлар кўрилажагини айтди. Эшонбоев қўлларини занжиридай чирмаштирган ҳолда стол устига қўйинб бирпас ўйланди-да:

— Яхши,— деди.— Винти бўшаганларни бураб қўйиш ҳам керак.

Зокир Маҳкамга ғолибона қараб қўйди.

— Айниқса, прогулчиликнинг сиёсий томонини кўзларига бўрттириб кўрсатиш керак,— деб давом этди Эшонбоев.— Совет вузини ҳурмат қиласидиган одам лекцияни ташлаб футболга кетадими? Совет фанига ихлоси бўлса нега семинарга келмайди? Умуман, ғоявий тарбияни кучайтириш керак. Студентларнинг лекцияга бехато келиши етарли эмас, лекцияларнинг мағзини чақиб, социал мазмунига баҳо берадиган бўлишлари ҳам керак. Менингча, бюронгиз масаланинг шу томонига аҳамият бермаяпти. Мана, ўзингизни олайлик,— деди у Зокирга:— эшитган лекциянгизнинг сифати ҳақида ҳеч ўйлаб кўрганмисиз?

— Албатта. Бугун деканатда Акбаров билан айтишиб ҳам қолдик. Мана, Маҳкам айтсин. Зерикарли лекциялар кўп десам...

Эшонбоев гапни тез илиб олиш ва кутилмаган даражада тез жавоб қилиш қобилиятига эга эди. Шунинг учун суҳбатда ташаббусни қўлдан бермасди. Ҳозир ҳам:

— Ана кўрдингизми,— деди Зокирни дарҳол эшитувчи ҳолига қайтариб,— ўйлаганда ҳам фақат шаклни ўйлайсиз. Ахир, зерикарли деган сўз фақат лекциянинг шаклига оид-ку. А биз мазмунига эътибор беришимиз керак. Мана, масалан, кўп одам Акбаровнинг лекцияси қизиқарли дейди, лекин қизиқарли шаклига қандай мазмун солиб берилишини ҳеч ким текшириб кўрдимикан? Айтинг-чи, ўртоқ Маҳмудов, сиз сиёсий-тарбиявий секторнинг бошлиғи сифатида шу масала билан ҳеч шуғулландингизми?

Маҳкам ҳайрон бўлиб, елкасини қисди.

— Мен?.. Мен бир студент бўла туриб ўқитувчини қандай текшираман?

— Сиз гапимга тушунмадингиз. Мен ревизия қилинг деяётганим йўқ, гап лекциянинг оқ-қорасини таниш устида боряпти.

— Ундай бўлса... нима... Акбаровнинг лекциялари мазмун жиҳатидан ҳам... Умуман менга ёқади.

— Шундайми? Маданият тарихига оид лекциялари ёқади? Ўтган асрларда Бухорода ўнлаб мадрасалар бўлган деса ҳам сизга ёқадими?

— Мадрасаларни номма-ном санаб, бор фактларни айтди-ку, бунинг нимаси нотўғри?

— Фактларга буржуа олимларгина кўр-кўrona сифи-нади. Аммо биз бу фактларнинг кимга хизмат қилишини ўйлашимиз керак! Мадрасалар кўп бўлган дейишдан мақсад — ўтмишни идеаллаштириш эмасмикин? Ҳол-буки, ўтмишда жаҳолат, хурофот, қашшоқлик, саводсиз-лик ҳукмрон бўлган! Сиз, сиёсий-тарбиявий секторнинг бошлиғи сифатида, буни яхши билишингиз керак!

Маҳкам бир қўлини стол четига тираб, пиджак чўп-тагидаги иккинчи қўлини мушт қилиб ўтирад, унинг бу-тун вужуди ҳаяжон билан тараанг тортилган эди.

Зокир қимирламас ва гангиб қолганга ўхшарди. Эшонбоев эса боягидай дадил, фақат юзи янада қизил-роқ, кўзи янада ўтлироқ эди.

— Интизомни яхшилаш мана шу нарсаларга ҳам боғлиқ,— деди у гапини якунлаб.

Маҳкам индамади. Шунинг учун Зокир шошиб:

— Ҳа, албатта,— деб қўйди.

Коридорда қўнфироқ жаранглади. У комсомол каби-нетининг қархисига ўрнатилганди, шунинг учун қаттиқ эшитиларди. Қўнфироқ чалиниб бўлгунча ҳеч ким гапир-мади. Сўнг Маҳкам ўриндан турди.

— Агар бошқа зарур ишингиз бўлмаса...— деди у Эшонбоевга қараб.

— Майли, боринг. Лекин... Эшикни ёпиб сўзлашгани-мизнинг сабабини тушунасиз-а?

Бу «гап шу ерда қолсин» дегани эди. Маҳкам бош иргаб чиқиб кетди.

Эшонбоев билан яккама-якка қолган Зокир бошини кифтига тортиб ваҳимали савол кутар эди.

— Айтинг-чи, Зокир,— деди Эшонбоев кутилмаганда юмшаб. Ўзининг оти ҳозир Зокирга жуда ёқимли эши-тилди.— Курсларингда ҳамма ҳам Акбаровга шу боладай мафтуни?

— Маҳкам мафтун дейсизми? Иўғ-е, бугун лекцияга киргизмагани учун аччиғланиб юрган эди. Ӯзи шунақа ўжарроқ, гапини маъқуллайман деб Акбаровга ён босганини билмай қолди. Анави Очил Самадовни мафтун деса бўлади.

— Ким, ким?... Ҳў ўша жizzаки болами? Бир қишлоқ ҳақида этнографик очерк ёзиб келган-а?

— Ҳа, шеър ҳам ёзади.

— Тушунарли, демак, бу ҳаммаси... тушунарли. Ўбала пахта экмайдиган бир қишлоқни мавзу қилиб олганини биласиз-а? Ҳамма куч, эътибор пахтага қаратилган бир пайтда... Қизиг-а?

Зокир этнография тўгарагида Очил доклад қилган кунни эслади: доклад ҳақиқатан, боғдор, ғаллакор бир қишлоқ ҳақида эди. Лекин ўшандада бунинг камчилик эканига Зокирнинг сира фаҳми етмаганди.

Эшонбоев яна ўша этни металлдай жунжиктирувчи овоз билан гапирди:

— Нега у бола намунали колхозларни қўйиб, эскилик қолдигига сероб бир қолоқ колхозга боради? Камчиликларни ковлаштириш учунми? Колхоз тузумининг тарихий ютуқлари қаерда қолди?

Зокир буни ҳам ўйламаган экан. Аксинча, ўшандада Очил ўз қишлоғининг ютуқлари билан бирга, Сентябрь Пленумининг кўрсатмасига амал қилиб, камчиликларни ҳам дадил ёзибди, яхши қилибди, деган фикрга қўшилганди. Йўқ, Эшонбоев тўғри айтади, танқидий қараш Зокирда ҳам кучсиз.

— Тўғри,— деди у Эшонбоевга,— ғоявий масалаларга эътиборни сусайтириб қўйибмиз.

— Айтинг-чи,— деди Эшонбоев яна мулойимлашиб,— Акбаровнинг курсидан конспектингиз бор-а?

Зокир «ҳа» деди, лекин хавотирланиб қўшиб қўйди:

— Бироқ, чаласи кўп.

— Тўлиқ ёзган бирор ўртоғингизникини ололмайсизми?

— Олишим мумкин. Сизга керакми?

— Ҳа, лекин ўзимга деб олинг. Ўзингизники билан бирга эртага берасиз. Бюроларингдан олдин учрашамиз. Хўп.

Зокир кабинетдан алланечук чарчоқлик ҳис қилиб чиқди. Унинг назарида Эшонбоев билан ўн минут эмас, ўн кун бирга бўлган-у, бу орада мана шу зинапоя ҳам, дераза, девор, аудитория ҳам анча эскирган ва алланечук узоқлашган. Ҳозирги фикрлари ҳам кечаги, ҳатто эрталабки фикрларидан жуда узоқ. Навоий давридан ёзиг битирган курс иши кеча кўзига чироқдай қўринар эди. Ҳозир эсига тушиб, баданини музлатиб ўтди: У Навоийнинг яхши ишларини батафсил ёзган-у, йирик феодал бўлганини фақат эслатиб кетган. Бу ўтмишин идеаллаштириш эмасми? Йўқ, танқидий томонини кучай-

тириш керак. «Ўтмишни қанчалик таңқид қиласанг, идеаллаштириш балосидан шунча узоқ бўлласан,— деган гап эсига тушди. Бу гапни янги тарих ўқитувчиси Зийнатуллаев айтган эди:— Аксинча, ўзимиздаги камчиликлардан қанча кўп гапирсанг, тарихий ютуқларимизни инкор этиш хавфига шунча яқинлашасан». Ҳозир Зокирдаги энг зўр истак шунақа хавфлардан узокроқ бўлиш эди.

Аммо бу хавф кимнингдир боши устида осилиб турибди. Акбаров... Очил... Улар шу бинода, Зокир билан бир коллективда.

Зокир орқасига ўгирилиб қаради, атрофга аланглади. Коридор ва зинапоялар бўймабўш эди.

## 7

Лекин кўп ўтмай яна қўнғироқ жаранглади, яна ҳамма эшиклар очилди, яна атроф хушчақчақ ғала-ғовурга тўлди.

Рўйхат кўтарган активистлар танаффусда группама-группа юриб, бюрога одам айтардилар. Маҳкамга аввал биринчи курс топширилганди, кейин курс бюролари билан группоргларга хабар бериш ҳам юкланди. У бир тўпдан иккинчисига ўтиб, кўп жойда шўх суҳбат, қизғин баҳс ё ўйин-кулгининг устидан чиқар, бу ундаги сўлғин кайфиятни янада бўртдириб кўрсатарди.

Киши ўзини гуноҳкор ҳис қилса беғам қувнаётгандарга ҳаваси келади. У ҳам ҳозир ўйнаб-кулиб юрган студентларга ҳавас билан қаарди, лекин ўзини нега гуноҳкор ҳис қилаётганини тушуна олмасди. Акбаровнинг жазоси, Ҳакимовнинг дўқи, Зокирнинг ўзбилармонлиги унинг жаҳлини чиқариб, қонини қайнатган бўлса, Эшонбоевнинг мантиқли туюлган гаплари, аксинча, кўнглини совуқ туйғулар ва ҳафсалани пир қилувчи бир ғубор билан чулгади.

Деканнинг кабинетидаёқ Акбаров билан Ҳакимовнинг ораси бузуқлиги сезилган, Маҳкам сабабини тушуна олмай ҳайрон бўлган эди. Эшонбоев билан учрашганда мавҳум бир зиддиятни янада оғир ҳис қилди, чунки Ҳакимов билан Эшонбоевнинг бир одам эканилиги ҳаммага маълум эди. Маҳкам биринчи курсда эканида шунақа бир зиддият факультетни алғов-далғов қилиб, ҳавони бузиб юборган эди.

У вақтда Ҳакимов кафедра мудири бўлиб ишларди. Тошев деган профессор деканлик қилар, ўзи жуда таъсирли лекция ўқирди. Баъзи лекциялари студентларнинг олқишига сазовор бўлганини Маҳкам ҳам кўрганди. Лекин Ҳакимов билан Тошев жуда чап эди. Қим ҳақ, ким ноҳақ бўлганини Маҳкам ҳалигача аниқ билмайди, чунки олишув студентларнинг кўзидан йироқда борарди. Фақат баъзи очиқ мажлисларда Ҳакимов Тошевни «фалон иили фалондай ҳато қилган», «фалон вақтда мағкураси бузуқ кишилар билан дўстлашган» деб айблаб қоларди. Охири Тошевга бўлишиб юрган ўқитувчилардан бири қамалди. Тошевнинг ўзи партиядан ўчирилди ва музейга ишга кетди.

Уч йил олдин юз берган бу воқеалар энди одамларнинг эсидан чиқай деганда яна Акбаров шубҳа остида қоляпти. Маҳкам уни соғдил одам деб биларди, лекин ҳозир Эшонбоевнинг шубҳасида ҳам асос бордек туюларди. Унинг Маҳкамга ёққан лекциялари ҳақида Эшонбоев «қизиқарли шаклга қанақа мазмун солиб беради?» деди-ю, масаланинг номаълум бир томонини очиб юборгандай бўлди.— Ўзи мағкураси бузуқ одамлар доим заарли мазмунни қизиқарли шаклга солиб тарғиб қилган эмасми? Бу шакл дегани бир идишга ўхшар экан-да, ичига асал солса ҳам, заҳар солса ҳам гўзаллигича қолавераркан. «Лекин Акбаров... Наҳотки? Ё мен уни билмайманми,— дерди Маҳкам совуқ ва рутубатли туман ичидагандай бўлиб.— Эшонбоевни биламанми?»

Маҳкам масаланинг илдизини тушунмай Акбаровнинг фикрларини ёқлаб хато қилдимикин? «Эҳтиёт бўлиш керак» деган фикр келди. Лекин шу заҳоти ич-ичидан аччиқ эътироz эшитилди: «Ўз колективингда кимдандир эҳтиёт бўлиб, «хато қилсан шу бошимни ейди» деб қўрқиб яшайсанми?» Йўқ, у бутун вужуди билан бундай яшашга қарши эди. Унда ёшликка хос ишонувчанлик зўр эди. Ҳозир қалбида пайдо бўлаётган шубҳа ва чигаллик унинг ишонувчанлиги билан сифишмасди, ўтга сув қуюлгандай совуқ туйғулар қўзғарди.

Шу туйғулар билан уч-тўрт группага кириб чиққунча лекцияга қўнғироқ чалинди ва у ўзининг аудиторияларига қайтди.

Тўрт деразали катта, ёруғ хонада йигирма чоғли студент янги тарих ўқитувчисининг бугун кеч келишини

билиб, столлар атрофида тўп-тўп бўлиб гаплашмоқда. Маҳкамларнинг группасида қизлар оз. Улардан бири, староста Лола Ҳошимова яқинда ўз ҳамкурси Сотиболдиев билан турмуш қурган ва ҳали келинчаклик кийинмида юрибди. Фарида деган хушбичим қиз кўпинча Зокир билан бирга бўлади, лекин бунинг холис дўстлик эканини ҳамма билади, чунки Фариданинг яхши кўрган йигити Ленинградда аспирантурада ўқиёди. Қиз унинг битириб қайтишини кўзи тўрт бўлиб кутади. Ҳозир ҳам Сотиболдиев Лола билан, Зокир Фарида билан бир тўп бўлиб, дераза олдида сухбатлашарди.

Маҳкам ўзининг берироқдаги ўрнига ўтди.

Бу ерда икки стол одами бир-бирига юзланиб олган. Стулга айри мингандан қизиқчи йигит Шоазим ҳаммани кулдириб ўтирибди. У Маҳкамга ҳам тегишиди.

— Маҳкамжон, ухлаб ўтирадиганларни ҳам бир бюрога чақиринглар энди.

Ҳеч кулгили жойи йўқ гапни ҳам Шоазимдан эшитса куладиган ўртоқлари қиқирлаб қўйди. Буларнинг бири Очил эди. Маҳкам Очилга «ие!» дегандай олайиб қаради-ю, совуқ оҳангда:

— Ҳа, хўп,— деди Шоазимга.

Шоазим кулганларни уришган бўлди:

— Нега куласанлар? Жиддий бир таклиф қилгани қўйишмайди-я. Ўзингиз ўйланг, Маҳкамжон, лекцияда ухлади нима-ю, прогул қилиб уйда ухлади нима. Қайтага уйда ухлагани яхши, бошқаларнинг тинчлигини бузмайди. Яъни аудиторияда бомбалар портлашмайди.

Сўнгги гап қаттиқ кулги кўтарди, уларнинг тўпига яна бир неча киши келиб қўшилди. «Бомба» воқеаси ҳаммага маълум бўлса ҳам, кимдир жўрттага Шоазимнинг тилини қичитиб сўради:

— Аудиторияда бомба нима қиласди? Гапга ҳам тўн кийгазасиз-да, Шоазим.

— Э, сиз ҳали у портлашни эшитганингиз йўқмиди? Бўлмаса, сиз ҳам маст уйқуда экансиз-да. Насрулла акамни уйғотган портлаш сизни уйғотолмаган бўлса, кесиб кетса ҳам билмас экансиз!.. Чўнталингизни демокчиман, бошқача тушунманг.

Студентлар кула-кула Шоазимни қистай бошладилар:

— Бегимов ўшандада қандай сакраб турган эди?

— Йўқ, Насрулла акамнинг «бомба!» деб қичқирганини бир кўрсатинг...

— Яхшиси, ҳаммасини бошидан айтиб бера қолинг.

— Қани, Шоазим, ҳа...

Шоазим эшик томонга қараб қўйиб, бир йўталиб олди.

— Айтиб нимасини айтаман. Ўша ўзларинг билган Оқил Бегимович...

Оқил Бегимович деганлари қирқ беш ёшларга борган, чакка суяклари бўртиб турувчи озғин бир лектор эдъ. У ҳозирги Шарқ тарихидан жуда зерикарли лекция ўқирди. Доим ўтириб гапиради. Олдида очиқ конспектлари. Овози бир қиёmdа. Гапи сийقا ибораларга, қуруқ формулировкаларга, ўрта мактабдан бери маълум фактларга тўла. Аудитория шовур-шувур. Бирор ўтирган стулини ғўриллатиб суради, безовталаниб қимирлади. Бирорлар шивир-шивир гапиришади, столлар оша хатбозлик қилишади, оғзини тўсиб кулишади. Лектор на моз ўқиётган одамдай ҳеч нарсага парво қилмай гапиргани-гапирган.

Насрулла деган бола-чақали студент бунақа лекцияларга ухлагани келади. Орқароқдан жой олади-да, лектор ўтиргандан кейин бир новчароқ студентнинг панасига сурилади. Унинг сирти ёрилиб, эски супрага ўхшаб қолган кул ранг клёнка папкаси бор, доим китоб-дафтарга тўлиб, баъзан егулик нарсалар ҳам солиниб, қорни қаппайиб юради. Оқил Бегимович лекцияга киришиб, ҳеч нарсанни пайқамайдиган бўлгандан кейин Насрулла секин шу папканни олдига тортади, энгагини тирайди, кейин аста юзини қўйиб, уйқуга кетади.

Бир кун болалар маслаҳатлашиб лекцияга эртароқ келишди-да, орқа қаторларни банд қилишди. Насрулла олдинга ўтиришга мажбур бўлди. Конспект қиладиган бўлиб авторучкасини олди, дафтарини очди. Лекин ўша куни лектор уни одатдагидан ҳам яхшироқ «аллаларди». Қўп ўтмай мудраб, боши дамба-дам шилқиллаб тушиб, мункий бошлади. Охири, бўлмагандан кейин қаппайган папкасини столнинг нариги четига суриб пана қилди ва очиқ дафтарининг муздаккина майин қофозига юзини қўйди. Одатда олий мактаблардаги узун столлар жуда энсиз бўлади. Насрулланинг уйқуси чуқурлашган сари гўштдор гавдаси стол устига ёйилиб,

папкани четга сураб борарди. Ниҳоят папка попиллаб қулаб тушди. Ўша куни унга ёнғоқ ҳам солинган экан, бўғизланаётган ғоздай бир «фақ» этди-ю, сочилиб кетди. Оқил Бегимович чўчиб ўрнидан турган эди, юмалаб борган ёнғоқлардан бирини қарсиллатиб босиб олди ва ўзини орқага ташлади. Аммо орқада стул бор эди, полга гумбурлаб ағанади. Лекция ўзи биринчи жаҳон урушида ишлатилган портловчи моддалар ҳақида борарди, Насрулланинг мудроқ ҳаёлида папканинг попиллагани, ёнғоқнинг қарсиллагани ва стулнинг гумбурлаб йиқилгани бомбага айланиб кетди, шекилли, кўзини очар-очмас сакраб туриб: «Бомба!» деб бақирди.

Шоазим одатда бунақа воқеаларга бир оз қўшар, Насрулланинг «Войдод!» деганини ва столнинг тагига кириб кетганини қилиб кўрсатарди.

— Э, бекор айтибсиз,— деди бунга Насрулла эътиroz қилиб,— столнинг тагига ёнғоқ тераман деб кирудим.

— Папкада ёнғоқ олиб юриб нима қилар эдингиз-а,— деди Очил унга ачиниб.

— Ўша куни эрталаб келаётсан бир дўконда қоғатак ёнғоқ бор экан, фалокат босиб ола қолувдим. Болаларга яхши деб.

— Болалар баҳона,— деди Шоазим,— уйга борганда кеннойим билан ёнғоқ ўйнагани олгансиз.

— Кундузи уйқуни пишириб олиб-а!— деди болалардан бири.

Яна кулги кўтарилиди. Уйқу билан ёнғоқни пайров келтириб, Насруллани чандишавергандан кейин Маҳкам унинг тарафини олди. Икки бола билан рўзфор тебратиб ўқиши осон эмаслигини, боласи касал бўлганда Насрулла кечаси ухламай чиқишини, ҳар кимнинг шароитига қараб тош қўйиш кераклигини айтди.

— Сиз бу кишининг уй шароитини айтасиз, лекин лекциянинг аҳволига нима дейсиз?— сўради Шоазим.— Насрулла aka нега Оқил Бегимовичнинг лекциясида ухлайди? Чунки қизифи йўқ. Шунинг ўрнига кутубхонада ўтириб Шарқ тарихини асл манбалардан ўргангани яхши. Лекин лекцияни ташлаб кетса прогул қилдинг деб ёқасидан бўғиб бюрога олиб борасанлар, декан ўқищдан ҳайдайман деб қўрқитади. Нима қилсин? Келади, ухлайди. Бир бу киши эмас, бошқалар ҳам вақтини бекор кеткизиб ўтиради. Мана ўртоқ Сотиболдиев

нуқул Лола билан хатбозлик қиласди. Очил ҳадеб хаёл суради.

— Узингиз-чи?

— Ҳа, мен майнавозлик қиласман. Мажбурман! Чүгүй йўқ лекцияда биринг дам-бадам соатга қарайсан, биринг қулоқни динг қилиб қўнғироқ пойтайсан. Мен нима қиласай?.. Сиз ҳам,— деди Шоазим Маҳкамга,— шундай пайтда қўнғироқ жирингласа елкангиздаги бир қоп юқдан қутулгандай бўларсиз?

— Ҳамма ҳам сизга ўхшаб лекцияларни бир қоп юқ деб ўйлаши керакми?— сўради Маҳкам жиддий.

У Шоазимнинг гаплари интизомсизликни оқлашга қаратилган деб билар, шунинг учун қизиқ жойлари келганда ҳам кулмас эди. Буни сезиб, Шоазим ҳам жиддийлашади. Бошқалар жим бўлиб қолди.

— Йўқ, ҳамма рўйхат кўтариб бюргора одам айтиб юриши керак,— деди Шоазим.

— Хўп, сизнингча нима қилиш керак бўлмаса?

— Менингчами?— деб Шоазим овозини пасайтириди.— Менга қолса одамларни бюргора судрашдан олдин лекцияга қатнашиш ихтиёрий бўлсин дер эдим. Ана унда ҳамма нарсанинг сараги саракка, пучаги пучакка чиқади. Ўртоқ Ҳакимов Оқил Бегимович билан ҳар қанча қалин бўлса ҳам, студентлар кутубхонага кетиб қолавергандан кейин бошқа лектор таклиф қилишга мажбур бўлади. Биз ҳам эснаб ўтириб қўнғироқ пойлашдан қутуламиз, вақтдан яхшироқ фойдаланамиз. Ушанда ҳам ўқишдан қийшанглайдиган маҳлуқ топилса, мен ўзим бюрога судраб бораман, бормасам одам деманглар!

Маҳкам Зокирни кўзлари билан қидирди, «эшитиб қўй, бояги гапларингни бунақа астари бор» демоқчи бўлди, лекин унинг Фарида билан сўзлашаётганини кўриб индамади. Очил Зокирга айтган эътиrozларини бу сарда ҳам айтар деб умид қилган эди, у ҳам тилини чуқиллатиб:

— Аломат бўлар эди-ку, лекин утопия-да,— деди:

— Ҳа, бунга кўнишмайди, бўлмаса шу прогул деган гапдан қулоқ тинчир эди,— деди яна кимдир.

Ҳеч ким жиддий қарши чиқмаётганини кўриб, Маҳкам Эшонбоевнинг «сиёсий-тарбиявий ишлар бўш» деганини эслади. Агар ҳозир Шоазимнинг гапи кенгроқ

тарқалса, жамоатчиликда прогулга қарши фикр туғдиріб бўладими? Бу гапнинг олдини олмаса Маҳкам гуноҳкор бўлади. Ўзи-ку қандайдир айб сезиб, лекин бунинг нималигини аниқлай олмай таъби тирриқ бўлиб юрибди. Энди Шоазимнинг фикрига қанчалик қаттиқ зарба берса, Эшонбоевнинг «сизда танқидий кураш кучсиз экан» дегани шунчалик асоссиз бўлиб чиқиши мумкин.

— Бу гапни қаердан топдингиз? — деди у Шоазимга тикилиб.

— Топдим-да. У куни докладга тайёрланаман деб эски газеталарни титиб ўтирувдим, бир материал чиқиб қолди. Революциядан олдинги кунларда шунаقا экан, Келиб Сулаймон Зийнатуллаевичдан сўрасам: «Ҳа, тўғри, лекцияга қатнашиш ихтиёрий бўлган» деди. Нега ҳозир шундай қилиб бўлмайди. Бизнинг студентлар илгариги студентлардан онглироқ эмасми? Уларга шунчалик ишонилган экан, бизга ишонч янада кўпроқ бўлиши керак!

— Шошманг, унақа... Сиз... Чалғитманг! — деб Маҳкам дудуқланиб хитоб қилди.

— Йўқ, аввал сиз шошманг, мен гапимни гапириб олай! — деди Шоазим овозини кўтариб. — Мана шу Шарқ тарихини Бегимовдан олдин профессор Тошев ўқир эди-а, эсингиздами? Лекциясига бошқа курслардан ҳам одам келиб, аудиторияга сифмай кетар эди, билармиднингиз? Мен биринчи курсдалигимда тўртинчи курсдаги лекциясига бориб, жой тополмаганман, бир соат дераза токчасида ўтириб эшитганман. Ҳакимов уни мафкураси бузуқ деб қувди, хўп, лекин ўрнига мафкураси тузук одамнинг ҳам яхши дарс берадиганини топиб қўйсип-да. Наҳотки яхши лекция ўқиш фақат мафкураси бузуқ лекторларнинг қўлидан келса? Ахир, мана Аким Борисович, Акбаров, Зийнатуллаев — шулар ҳам жуда қизиқарли ўқишади-ку! Лекцияга қатнашиш ихтиёрий бўлса мана шунаقا ўқитувчилар хилланади, билдингизми?

Маҳкамнинг Шоазимга айтадиган гаплари қуюлиб келаётган эди, Тошев ва Акбаров тилга олингач фикри бирдан чалкашиб кетди. Шоазимнинг Янги тарих ўқитувчиси Зийнатуллаевга ихлоси баландлигини эслади. «Шоазимнинг бу фикрлари Зийнатуллаев таъсирида пайдо бўлганми?» деган ўйга борди. Лекин бу саволга

жавоб топгунча бўлмай Шоазимнинг оғир масалага енгил қараётганини айтгиси келди, Сўнг, негадир, буни ҳам айтмади-ю:

— Сиз бу... бу гап соғлом гап эмас! — деб юборди. — Менинг сизга ўртоқлик сўзим, Шоазим, бунақа нарсани бошқа ерда гапирманг, пушаймон бўласиз!

— Ҳа, нега энди? Нимаси соғлом эмас, ака?

— Сиз прогулга йўл қўйилсин деяпсиз. Истаган одам лекцияга келсин-у, истамаган футболга кетсин, кино кўрсин, бошқа минг хил ишларни битираверсин, аудиторияда ҳеч ким қолмаса айб лекторнинг бўйнига тушади, деяпсиз. Шошманг, шошманг. Мана Очил айтсин: боя Акбаровнинг лекциясига нега келмади, ёқтирганиданми? Йўқ, жуда ёқтиради.

— Ҳозир ҳам лекциядан қочиб футболга кетадиганлар бор,— деди болалардан бири.

— Бор. Шоазим бўлса шу интизомсизликни қонунлаштириш керак дейди. Ундай қилса ҳамма футболга кетади. Чунки лекциядан футбол қизиқроқ.

— Футболга кетса дам олади,— деди Шоазим,— кейин дам олиши керак бўлган вақтини конспект тузишга сарфлайди. Икки ўн беш — бир ўттиз. Қайтага мустақил ишлаб ўрганади.

— Унда сиртқи ўқишдан фарқи қолмайди-да,— деб Очил афсусланди.— Ҳар ҳолда интизом керак.

— Лекин интизом арқон эмас, у билан ҳаммани аудиторияга арқонлаб қўйиб бўлмайди. Гап онгда. Онгли киши қолдирган лекциясининг ўрнини тўлдиришга вақт топади.

— Вақт топадими, ё сессия келганда бир гапи бўлар, жуда бўлмаса шпаргалка ишлатаман, деб бепарво юраверадими, ким билсин?— деди Маҳкам.

— Унақа дейдиганлар ўзи четга чиқиб қолади. Чин юракдан ўқимоқчи бўлганлар ўқиб кетади.

— Оғизда айтиш осон, албатта. Амалда сиз айтгандай қилинса бебошликка катта йўл очилади, ҳамма ёқ анархия бўлиб кетади. Шунинг учун мен фикрингизни зарарли дедим.

— Бу ваҳимали гапларни ўртоқ Эшонбоевдан ўргандингизми дейман?— сўради Шоазим яна ҳазилга ўтиб.

— Ўргансам-чи? Эшонбоев — парторгимиз.

— Шундайми?

— Сиз одамларни кулдираман деб ҳаммага тил тек-  
қизаверманг. Кулгингиз чиқиб қолади.

— Үндай бўлса тавба қилдим, ака,— деб Шоазим  
қўл қовуштириди.

Унинг ҳар бир гапи кулги чиқарар ва Маҳкамни из-  
дан тойдириб, ўринсиз эканлиги ўзига ҳам билиниб  
турган сўзлар ишлатишига сабаб бўларди. Эшонбоевнинг  
олдидан олиб чиққан туйғуси — қанча танқид қилсанг  
шунча яхши деб турувчи туйғу — бу сўзларини оқларди,  
лекин ўртоқларининг муомаласи қоралаётганга ўхшар-  
ди. Маҳкам баҳсни давом эттиришни, Шоазимнинг  
фикри нотўғрилигини ҳаммага тўлиқ исбот қилиб бе-  
ришни истарди. Аммо болалар бу мавзуда бошқа га-  
пиришмас, «бюргора ёки деканатга судраб юрмасин» деб  
ҳайиқаётганга ўхшарди.

## 8

Маҳкам Шоазимнинг пичингларига бошқача жавоб  
қайтармаганидан ачиниб, ўртоқларига совуқ расмиятчи  
бўлиб кўринганидан кўнгли оғриниб ўтирганда Сулай-  
мон Зийнатуллаев кириб келди.

У сочи оқара бошлаган, лекин қадди-қомати йигит-  
ларнидек хипча, бўйи ўртадан тикроқ киши эди.  
Лекцияга доим тоза, қимматбаҳо кийимлар кийиб ке-  
лар ва кўпинча тикка туриб, қўлини ифодали ҳаракат-  
лантириб, бадиий асарлардан қизиқ-қизиқ мисоллар  
келтириб, конспектига қарамай гапирарди. Шунинг учун  
студентлар уни Бегимовга қарши қўйишарди. Зийнатул-  
лаевнинг ўзи ҳам Бегимов билан Ҳакимовни ёқтирmas,  
лекин буни очиқ айтмасди. Баъзан уларни тилга олган-  
да сўз билан айтилмаган, лекин гап мазмунидан пайқа-  
са бўладиган заҳарли истеҳзолар қиласарди. «Наҳотки  
яхши лекция ўқиши фақат мафкураси бузуқ одамлар-  
нинг қўлидан келса!» деган пичингини ҳам Маҳкам би-  
ринчи марта Зийнатуллаевдан эшигтан эди. Ҳозир буни  
Шоазим Тошев масаласига қўшиб, «Ҳакимов яхши лек-  
торларни ёмонга чиқариб қувяпти» деган маънода айт-  
ди. Зийнатуллаев ҳам ўша пичинги билан шундоқ демоқ-  
чи бўлганини Маҳкам энди тушунди.

Одамларни бир-бирига бундай қарши қўйиш ва бир  
офиз гап билан бирорни ёмонга чиқариш, яна буни бе-

малол кулиб айтиш Маҳкамга алланечук жуда ёмон туюларди.

Агар у ҳозир хилма-хил туйғуларини аниқ бир фикр ҳолига келтира олса эди, ёмои кўринаётган нарсанинг нималигни ҳам тушунарди: у ўз колективидаги ҳар бир одамни «ўз кишимиз» деб биларди. Шу коллективдаги бирор кишининг камчилиги ҳақида бегонага ўхшаб, «четдан» беларво қараб, кулиб гапира олмасди, жон куйдириб, ич-ичидан ачиниб, ўз-ўз бўлиб гапириши истарди. Боя Эшонбоев Акбаровни ёт одам демоқчи бўлиб гумонсираганда ҳам Маҳкам ундан ишонмовчиликдан, тошмехрликдан руҳан эзилган эди. Шоазимнинг (ундан олдин Зийнатуллаевнинг) Ҳакимовлар ҳақидаги пичингида ҳам шунга ўхшаш бир тошмехрлик, бегоналил бор эди ва Маҳкамнинг энг азиз туйғуларига соя солиб, таъбини тириқ қиласади.

У Зийнатуллаевнинг лекциясидан конспект олар экан, баҳсда кўпчилик Шоазимни ёқтирганини яна бир марта кўнгли оғриб эслади. «У ҳақ бўлгани учун эмас, гапга чечан бўлгани учун, ноҳақ гапни ҳам кулгили қилиб айтгани учун мендан баланд келди,— деб ўйлади у.— Мана, унинг яхши кўрган ўқитувчисини ҳам ёқтирадиганлар кўп. Лекин синчиклаб қаралса...»

Маҳкам Шоазим туфайли Зийнатуллаевга ҳам синновчан кўз билан қараї бошлади. Унинг назарида, Зийнатуллаевнинг чиройли поляк трикосидан тикилган ва ҳали дазмоли бузилмаган костюми ҳам, ярақлаб турган қўнғир туфлиси ҳам, ҳар куни соқол олдираверишдан териси нозиклашиб қолган юзи ва жисмоний меҳнат кўрмаган ингичка бармоқлари ҳам унинг ўзига кўп бино қўйганидан далолат берарди. «Қизиқ нарсаларни айтиб аудиторияни кулдиришни ҳам фақат студентларни қойил қилиш учун,— дерди Маҳкам ўзича.— Наполеон Москвага оқ отда кириб келганини, боярлар делегациясини кутиб аҳмоқ бўлганини батафсил айтади-ю, унинг вақтинча ғалаба қозонишига сабаб бўлган нарсаларни қуруққина санаб ўтади. «Зерикарли нарсаларни ҳам гапиришга тўғри келади, лекин нима қилай, талаб шу» дегандай маъноли кулимсираб наридан-бери айтиб кетади. Шунинг учун бу лекциялардан эсда қоладигани — тарихнинг чуқур ички жараёнлари эмас, юзада турган жузъий воқеалари. Шоазим ихлос қўйган ўқитувчи ҳам унинг ўзи каби хийла енгилтак».

Лекин бу ҳукм Маҳкамни қониқтирмасди. Чунки у биладики, ўқитувчининг дид билан яхши кийниб келиши айб эмас, аксинча, буни педагогика фани ҳам тавсия қиласди. Зийнатуллаевнинг лекциясида жузъий фактлар эсда қолишига келганда... Ўзи чуқур илмий хуносалардан кўра юзада турган ёрқин деталлар хотирага осонроқ ўрнашади-ку. «Йўқ, мен ҳам Шоазимга аччиқ қилиб йўқ жойдан нуқсон қидираётганга ўхшайман», деди Маҳкам ичида ва бу тўғрида бошқа ўйламасликка қарор берилб, бутун эътиборини конспект олишга қаратди.

Сулаймон Зийнатуллаевич кечроқ келгани учун мавзуни анча қисқартириб ўқимоқда эди. Аммо керагидан ортиқ қисқартириб гапини тез тамом қилиб қўйди. Янги мавзуни келаси соатда бошламоқчи бўлгани учун соатига қаради.

— Вой-бўй, яна ўн минут бор-а! — деди енгил кулги билан.

Бу кулгига «биламан, қўнғироқ кутавериб безор бўлгансизлар» деган маъно бор эди. Танаффусни сабрсизлик билан кутадиган студентларга бу жуда ёқиб тушди. Улар Сулаймон Зийнатуллаевични ўзларига ён босувчи киши деб билиб, қувонч билан кулишди. Сўнг Шоазим:

— Сулаймон ака,— деди унга ўзини жуда яқин олиб.— Бўлмаса бирор нарса айтиб берасиз... Латифами, ишқилиб, ўзингиз биласиз.

Сулаймон Зийнатуллаевич «латифа билмайман» деб унамади, лекин студентлар қўймади.

— Хўп, бўлмаса,— деб у стулини студентлар столига яқин суриб ўтириди.— Бир одам бор экан. Ҳар куни кечқурун хотинига: «Мажлисим бор, кеч келаман», деб кетар экан-у, бошқа бир жувон билан томошага тушар экан. Хотини уйда болалари билан қолиб ҳеч нарсани билмас экан. Бир кун кечқурун ўша одам ишдан келиб: «Тез бўл,— дебди,— мана шу пиджакни дазмолла, бугун жуда катта мажлис бўлади». Хотини пиджакни дазмоллаётганда чўнтағидан бир қофоз ерга тушиб кетибди. Очиб қараса — иккита театр билети. «Хап, сеними!»— дебди-ю билетни жойига солиб қўйибди. Ҳеч нарса билмагандай эрини жўнатибди. Кейин орқасидан театрга борибди. Лекин, бахтга қарши, киришга билет тополмабди. Администраторни чақириб, йиғлаб, воқеани айтибди. «Бўлмаса сиз шу ерда туринг,— дебди админис-

траптор.— Мен ҳозир чақириб бераман». Қириб усили тель орқали бутун театрга гапирибди: «Ўртоқлар, орларингда бир одам ўтирибди. Бу одам мажлисга бораман, деб хотинини алдаб, ўйнаши билан театрга келган. Мен уни танийман, лекин обрўси тўкилмасин дейман. Шунинг учун чироқни ўчириб тураман, қоронғидан фойдаланиб уйига кетсин». Шундай деб, администратор залнинг чироғини ўчирибди. Бирпас ўтгандан сўнг яна ёқиб қараса залда битта ҳам эркак қолмаган эмиш.

Бир қанча жойдан кулги кўтарилиди. Маҳкам кулгининг сабабини тушунолмай атрофга алангларди.

— Об-бо, ҳаммаси ўйнаши билан ўтирган экан-да,— деб кимдир яна кулди.

Маҳкам энди тушунди ва кулмоқчи бўлди, лекин икки оғиз енгил гап билан шунча одамни бузуқса чиқариш, яна буни кулимсираб айтиш Маҳкамга боягидай бағри тошлиқ, ичиқоралик бўлиб кўринди ва ғашини келтирди. Шоазимнинг бўлмағур пичингларига дуруст жавоб қайтара олмагани яна эсига тушди, ҳаммасига бира тўла боллаб жавоб бермоқчи бўлди. Ён-верига қараб, латифани хушламаган бир ўзи эмаслигини кўрди-да, дадилланиб пичинг қилди:

— Домла, ўша чиқиб кетганлардан биронтаси ҳозир биз билан ўтирган бўлмасин!

Маҳкам «сиз ўзингиз бўлманг!» демоқчи эди. Сулаймон Зийнатуллаевичнинг кўзи бир «ялт» этди, пичингни тушунгани шундан билинди. Лекин ўзига олмай, кулимсираб жавоб берди:

— Бу эҳтимолдан узоқ.

— Ҳар ҳолда,— деди Маҳкам қип-қизариб,— бир зал одамнинг барини бузук дейиш нотўғри.

Шоазим орқадан унга қўлинни пахса қилиб қичқирди:

— Ким шунаقا деяпти? Сиз кулги нималигини биласизми ўзи? Билмасангиз бориб луғатнинг «к» деган жойини ўқиб келинг, кейин латифа эшитинг!

— Биламан, лекин сиз кулгидан кулгини фарқ қилмайсиз!

Қўнғироқ чалинди. Шоазим билан бир қанча студентлар Сулаймон Зийнатуллаевични тўхтатиб, нима тўғридадир қуюқ гапириша бошладилар. Маҳкам кўпчилик билан ташқарига чиқар экан, баъзилар унга қарамасликка ҳаракат қилаётганини сезди. Фақат Очил унинг олдига келиб:

— Сизга нима бўлди, жўра? — деди. — Ахир Зийнагуллаев бизни ўзига яқин олиб қизиқчилик қиляпти-ку. Ҳар қандай ўқитувчи ҳам студентлар билан бунақа очиқ гаплаша олмайди. Осонми? Зийнатуллаев қўрқоқ эмас. Кейин бизга ишонади, гап қилмаслигимизни билади. Бунақа қилдан қийиқ қидирадиган одатингиз йўқ эди шекилли. Ё чини билан ўртоқ Эшонбоевдан намуна оляпсизми?

Маҳкам индамай чиқиб кетди. Боя бориб улгурмаган группаларига хабар бераркан, Эшонбоевнинг тарафини олиб «ўргансам-чи?» дегани эсига тушди. Бу энди Эшонбоевнинг соясига кўрпача тўшашдай туюлиб кетди, унинг ғаши келиб, қўлларини беихтиёр тугди.

Чап қўлидаги рўйхатнинг бир чети «тирс» этиб йиртилди.

Бу машъум рўйхатда Гавҳарнинг номи ҳам бор эди. «Прогулингиз учун бюрода жавоб берасиз» деган хабар билан бориш бундан икки соат олдин жуда мушкул туялган, рўйхатда Гавҳарлар группаси биринчи бўлса ҳам Маҳкам охириги ўринга сурган эди. Энди, катта мавзулардаги баҳс-мунозааралардан кейин, бу мушкуллик зифирдаккина кўринди. Маҳкам Гавҳар билан учрашишини тасаввур этганда совқотиб гулхanni кўз олдига келтирган кишидай юраги бир орзиқди.

Хозир у жўшқин туйгулар ҳароратига ҳар қачонгидан ҳам кучлироқ эҳтиёж сезар эди.

Унинг ўйлари Гавҳарга қараб учди, унга тўйиб-тўйиб қарагиси, кўнглини очиб гапиргиси келди. Аммо ҳозир танаффусда, шунча одамнинг орасида бунга имкон борми? Имкон бўлганда ҳам Маҳкамнинг ҳадди сифласлиги мумкин, чунки ҳали «расмана учрашувга» ўтганлари йўқ. Фақат мажлис ва кечалардан кейин у Гавҳарни бир-икки марта уйларига кузатиб қўйган, холос. Нега шу кузатиш пайтларида мунтазам учрашиб туриш тўғрисида бир битимга келмади?

Маҳкам ҳозир биринчи марта бунга ич-ичидан ачинди.

У Гавҳарнинг очиқ эшик олдида турганини узоқдан кўрди-ю, боя шу эшик ойнасидан изтироб билан қараганини эслаб, баданига ўтли ҳаяжон югурди. «Мени у аҳволда кўриб нима хаёлга бордийкин? Ёмон бир нарса ўйлаган бўлмасин?» Кейин яна рўйхатга ҳаёли кетди: «Нега прогул қилдийкин?» Ахир у комсорг, ҳеч бунақа

қилмаган эди-ку! Билиш керак. Ҳозир гаплашиб бўлармикин? Борди-ю, бўлмаса... Эртага бюро. Йўқ, гаплашиш шарт!»

У ҳар эҳтимолга қарши рўйхатнинг Гавҳарларга тааллуқли жойини йиртиб олиб қўймоқчи бўлди. Аммо юриб бораётиб ёмон йиртди. Шу аҳволда бериш ўнғайсиз эди. Бошқа қоғозга кўчириш учун зинапоя майдончасига бурилди. Кўчираётганда Гавҳарни қолдириб кетди. «Комсорг-ку, бусиз ҳам боради», деб ўйлади.

Бу орада Гавҳар ичкарига кириб кетган эди. Маҳкам эшикдан қараб, уни досканинг олдида кўрди. Қизил шерст кофта ва клёш этакли қора юбка кийган, битта қилиб ўрилган узун сочи бош орқасида лента билан бўғиб қўйилган. У доскага бўр билан чиройли бир бинонинг суратини чизмоқда эди, қўл ва бўйин ҳаракатларидан сочи ҳам оғир селкиллаб турарди. Аудиторияда бошқа ҳеч ким йўқ эди. Фақат столлар устида дўппайнib ётган китоб-дафтарлар, портфеллар бу кимсасизликнинг вақтинча эканини, ҳадемай аудитория одамга тўлишини айтиб турарди.

Маҳкам очиқ эшикни тақиллатди. Гавҳар ўгирилиб уни кўрганда кофтасининг кўкрагидаги ҳаво ранг гуллар тез кўтарилиб тушди, қошлири аста тўлғанди, кўзларнда шодлик ва ҳайрат кўринди, тиниқ буғдой ранг юзига «лоп» этиб қизиллик югурди. Тўлқинли товуш билан:

— Келинг,— деди-да, бўрни дарҳол жойига қўйиб, қўлинин артди.

Кўришдилар.

— Ишларингиз яхшими?— деди Маҳкам. У ҳам ҳаяжонланиб, лабида нам қолмаган эди.

— Раҳмат, ёмон эмас.

— Мен бир иш билан келувдим. Эртага бюро бўлади,— деб у воқеани қисқача айтди-да, ўзи кўчирган рўйхатни узатди.— Сизлардан мана шулар. Ўзингиз бирга борар экансиз.

— Мен?— сўради Гавҳар, ранги ўчиб. У рўйхатга қарап, лекин ҳарфларига кўзи ўтмасди.

— Ҳа энди...— Маҳкам дудуқланди. Йўқ, ҳозир бу мавзуда гапиришиб бўлмайди. Кейинга суриш керак:— комсорглар ҳам чақирилган.

— Ҳа-ҳа,— деди қиз бир оз тинчланиб.

Нима қилиш керак?

Маҳкам бугун Гавҳар билан одатдагидай хайрлашиб кета олмайди. У қўлларини чўнтағига солиб пастга босди, елкалари юқори кўтарилиди. Умрида қиз болага айтмаган гапини ҳозир шу ерда айтишни ўйлаб, бутун гавдаси тордай таранг тортилди.

Гавҳар ҳам ундан фавқулодда бир гап кутиб жим турарди. Коридордан эшитилаётган қадам товушларинкковини ҳам қистарди: ҳозир қўнғироқ бўлади-ю, ҳамма киради, тезроқ!

— Гавҳар, мен сиздан бир нарсани сўрамоқчи эдим. Хафа бўлмасангиз...

Гавҳар қўлидаги қофозчани кўкрагига босиб, бир оз товуши ўзгариб:

— Нимани?— деди.

Маҳкам қўлларини чўнтағидан олди, лекин титраётгани учун бир-бирига чирмаштириди.

— Менга ишонасизми?

Гавҳар кўзларини катта очиб унинг кўзига қаради-ю, қип-қизариб:

— Нега бундай дейсиз!— деди.

— Агар ишонсангиз, бугун бирга бўлайлик. Кечқурун. Агар ишонсангиз, Гавҳар! Томошагами, ё шундай айланибми, ўзингиз биласиз.

Маҳкам чўғдай ёниб жавоб кутарди. Гавҳарнинг кўзи тиниб кетди. У асли Маҳкамдан шундай бир таклиф кутиб юрарди. Қаттиқ ҳаяжон устида шу истагини яшира олмай:

— Майли,— деди.

У бу сўзни, энтикиб, астагина айтди, лекин Маҳкамга жаранглаб эшитилди ва борлигини оловли, садоларга тўлдириди. Унга шу кифоя эди: мисдай қизиб кетган юзини ушлай-ушлай эшикка томон йўналди.

Фақат ўз аудиторияларига қайтиб келиб, учрашув жойи ва соатни айтмаганини эслади. Югурib чиқди. Аммо вақт ўтган эди, аудиторияга студентлар кириб борарди. Бўшашиб, ўз жойига қайtdi. Лекин кўзи китобларига тушиб, хаёлида бир фикр чақнади. «Ўрта асрлар тарихи»ни, олиб, ички варағига қалам билан «Гавҳар! Соат етти. Ўрда. М.» деб ёзди-ю, тез олиб бориб берди. Бераётиб қўли билан муқовага ниқтаб қўйди ва кулди. Гавҳар ҳам кулди — демак тушуниди.

Нақадар фаросатли!

Маҳкамнинг юрагида ҳали ёнмаган чироқлар ёниб,

ҳали чалинмаган кўйлар чалинарди. «Майли!» сўзи билан бошланган бу ўтли музика факультет ғоёур-фурурида ҳам, ётоқхона шовқинида ҳам, «7» рақамига қараб кетаётган соатнинг чиқиллашида ҳам, ҳатто сув пуркалган кўйлакка, дазмолнинг валиллаб тегишида ҳам эшитиларди. У байрамларда киядиган кийимларини югуриб-елиб дазмоллади, ранги кетиб, ёқаси осилиб қолган пальтосини ҳам чўткалас, устидан ҳўл латта қўйиб дазмол урди. Лекин ёқаси қурғур тикланмади.

— Аnavи ерда ип билан игна бор,— деди Очил. У койкада чалқанча ётиб, «Ўзбекистон тарихи»ни ўқирди. Маҳкамдаги ҳолатни сезиб зимдан кузатиб ётган эди.— Ёқанинг қулоқларини бир-бирига тишлатиб, тагидан бир-икки илинг,— деб маслаҳат берди.

Чиндан ҳам, дазмол қила олмаган ишни игна қилди.

Маҳкам троллейбусда Ўрдага келиб тушганда қуёш Тошкентнинг энг чиройли биноларидан бири бўлган мутахассислар уйи ортига тушиб борарди. Бинонинг устини ва ёни-верини нур сели چулғаб, олд томонидаги сояларни қуюқлаштириб кўрсатар, деразалари қорайиб турарди. Кўпrik тагидан шитоб билан ўтаётган Анҳор тўлқинлари гўё пастан қайнаб чиқар ва юмалаб-юмалаб оқарди. Ҳали ёмғирлар бошланмагани учун анҳор суви тиник, лекин тошлари кўринниб турган саёз чеккаларида шишадай рангсиз-у, чуқур жойларига зангори бўёқ қўшиб оқизилгандай кўкимтири — яшил.

Нишаб бўлиб борган ва охири осмон билан туташган Навоий кўчасига кунботишдаги иморатлар узун соя тўшаб туар, ора-орадаги нур парчаларида трамвай излари, машина сиртлари ялт-юлт қиларди.

Маҳкам бунинг ҳаммасини қалбида чалинаётгани ўша ажаб музика садоларни остида кўрар, соат тили «7» га яқинлашган сари қалб музикаси юқори пардаларга чиқиб борарди.

Мана-е! Оқ шарф рўмол ўраган, бинафша ранг пальто кийган, қофозга ўроғлиқ бир китобни қизларга хос қилиб кўкрагига мулойим босган Гавҳар троллейбусдан тушди. Ботиб бораётган қуёшда юзи гул-гул яшнаб кўринди. Маҳкам уни кўрди-ю, қалбидаги музика тинди. У Гавҳар ҳақидаги музика экан, ўзи келгандан кейин ҳожати қолмади, у севги ҳақида куйлар экан, севишган қўзлар бир-бири билан учрашгач, ортиқча бўлиб қолди.

Энди уларнинг бири учун иккинчисининг товушидан бошқа товуш, гапидан бошқа гап йўқ эди. Ҳатто вақт ва масофа тушунчалари ҳам эсдан чиққанди.

Фира-шира қоронғиликда иккови Ленин кўчасидан ўтишди. Қинолар олдида одамлар кўп экан, Гавҳар «қўйинг!» деди. Маҳкам ҳам: «Бирга гаплашиб юрганимиз қайси кинодан кам» деб ўйлади-ю, Театр майдонига қараб бошлади. Айланиб юриб-юриб, соат тўққиз яримга занг чалинаётганда курантнинг олдидан чиқишиди. Одам тирбанд бир жойдан ўтаётганда ажralиб қоладиган бўлишди-ю, Маҳкам Гавҳарнинг билагидан олди, лекин тинч кўчага чиққанда ҳам қўйиб юбормади. Қўлтиқлашган ҳолда яна Анҳор бўйига қайтиб келганларини сезмай қолишиди.

Қизиқ: бундай пайтда гапнинг ҳам охири бўлмайди, жимлик ҳам оғир тушмайди. Улар нима ҳақда гапиришмасин ҳаммаси янги туюлади, ҳатто кўпдан маълум нарсалар ҳам бирининг тилида иккинчисига янгилик беради, чунки бу нарсаларга бирининг муносабатини иккинчиси энди билади. «Иван Иванович» романининг яқинда бўлиб ўтган муҳокамаси ҳақида гап борар экан, Гавҳар Иван Ивановични ёқлади.

— Ольганинг хатоси унивидан катта,— деди.

Маҳкамга бу жуда ёқиб тушди: тўғри-да, эркаклар билан хотин-қизларнинг ҳаққи-ҳуқуқи тенг бўлгандан кейин, бирининг иккинчиси олдидаги масъулияти ҳам тенг бўлиши керак.

— Бусиз садоқат йўқ,— деди у.

Бу гапларнинг ўзларига ҳам алоқадор эканини сешишди-да, бирпас жим боришиди. Сўнг, худди шунга яқин фикрни Фарида деган қиз ҳам чиқиб гапиргани Гавҳарнинг эсига тушди ва Маҳкамга эслатди. Бу эслатишда озгина хавотирлик ва у чиройли қизга Маҳкамнинг муносабатини билиш истаги бор эди. Буни пайқаган Маҳкам ич-ичидан қувониб, Фариданинг севган йигити борлигини айтди. Умуман, яхши кўрувчилар устидан гап кетиб маълум бўлдики, улар иккови ҳам сўнгги вақтгача ҳеч кимни учратмаган экан. «Сўнгги вақтгача» деб атайлаб ҳозирги дақиқаларга тил тегизишмас, «Яхши кўрмаган» дейиш ўрнига «Учратмаган» дейишлари ҳам бежиз эмас эди.

Гавҳар «Истироҳат» деган майдончанинг яланғоч дарахтларига қараб, бу йил қорнинг кеч кетганини,

март кирган бўлса ҳам ер кўкармаганини айтди. Маҳкам атрофга кўз югуртириб:

— Менинг назаримда ҳозир кўклам қулф уриб турганга ўхшайди,— деди,— худди анави светофорнинг яшил «кўзи» билан қараётгандайман.

Гавҳарда ҳам шунга ўхшаш туйғу бор эди. Одамнинг настроениеси (улар бу сўзни шу тарзда русча айтишарди) светофорга ўхшаса керак-да, қайси кўзи билан қарасанг атроф ўша рангда кўринади, деб кулишди.

Кўпrikдан ўтаётгандарида Маҳкам осмонда митиллаб турган юлдузларга қараб:

— Шуларнинг ҳаммаси ҳам қуёш-а,— деди,— фақат узоқлиги учун юлдуз деймиз.

— Қизиқ, бизнинг қуёш ҳам шулардай узоқ бўлганда юлдуз дер эканмиз-да.

— Унда қуёш-юлдуз деб айтадиган одамзоднинг ўзи бўлармиди?

— Қаранг-а,— деди Гавҳар.

«Яқинлик қандай улуғ!» деган сўзларни иккови бирбирига айтмаган бўлса ҳам, бир-биридан эшитгандай бўлди.

Шундай қилиб, гап мавзуи тинмай ўзгарар, суҳбат рулсиз кемадай тўғри келган томонга бурилиб кетаверар, лекин охири бориб икковининг ўзаро муносабатига тақаларди — ўзи, кема рулсиз бўлса ҳам тагида дарё оқаётган бўлса муқаррар бир манзилга қараб боради-ку.

## 9

Электр нурига чўмиб, серҳаракат машиналар чироғидан жимиirlab ётган Навоий кўчасида Гавҳар қўлинини аста бўшатиб олди ва Маҳкамга маъноли кулимсираб қаради. «Бундан нарида маҳаллаликлар кўп учрайди, қўлтиқлашиб юрганимизни кўришмасин» деган маънioni Маҳкам, албатта, тушунди. У бўшалган қўлинини қаерга қўйишини билмай, Гавҳар кўкрагига босган нарсага чўзди.

— Беринг, бирпас кўтаришиб борай.

Гавҳар унга томон яrim ўгирилиб, газетага ўралган нарсанни кўкрагига тутар экан:

— Ўзингизнинг омонатингиз,— деди.

— Омонатим?

Маҳкам таажжубдан қадамини секинлатиб, газетани очмоқчи бўлган эди. Гавҳар муздаккина қўлини унинг қўлига тегизиб тўхтатди.

— Танаффусда бериб кетувдингиз-ку?

— Э-э, китоб деңг!

Иккови ҳам кундузги воқеаларни эслади. Гавҳар сўрайман деб қўйган бир гапни энди сўради:

— Бугун бир лекциядан аллақанаقا бўлиб чиқиб кетдингизми?

— Фақат чиққанимни кўрувдингизми?

— Ҳа.

Шу нарса кундуз сўралгanda Маҳкам қанча қизариб-бўзарган бўлар эди, чунки унда Гавҳар ҳозиргичалик синашта эмас эди. Ўшанда Акбаровдан қаттиқ ранжигани ва Гавҳарга «жабрдийда» кишидек кўринмоқчи бўлгани энди кулгили туюлди.

— Кечикиб келган эдим,— деди у чиндан ҳам кулиб.— Акбаров қувиб берди. Йў, ишонинг, Гавҳар! Эшикни ташқаридан ёпинг деса аввал тушунмабман. Аммо-лекин тузлади. Ҳамма прогул қилавергандан кейин, лекторлар ҳам бераҳм бўлиб кетар экан. Айтмоқчи, сиз ҳам талай прогул қилган экансиз, ростми?

Гавҳар шу вақтгача фақат Маҳкамни ва у билан гаплашиб бораётганини ҳис қилас, атрофидаги нарсалар деярли ҳеч сезилмасди. Энди негадир япроқсиз дарахтларнинг тротуарга тўшалиб ётган тўрсимон соялари кўзинга яққол ташланди, бошидаги шарф рўмоли бир ёнга қийшайиб кетгани ҳам ҳозир билинди.

— Рост,— деди рўмолини тез тўғрилаб қўйиб. Ҳозир Гавҳар ўз прогули ҳақида гапиришни истамасди, лекин Маҳкамнинг очиқ кўнгиллилиги уни ҳам шунга ундарди. У бор гапни айта бошлади:— Бир кун кинога кетиб қолдим. Қейин «Собор парижской богоматери» деган китобга қизиқиб туни билан ўқибман, әрталаб тургим келмади. Яна бир-икки марта эртароқ кетиб қоловдим.

Маҳкам бунинг очиқ кўнгиллиликми, ёки «қайси студент прогул қилмабди» қабилидаги гапми эканини билмоқ учун унга тикилиб қаради. Лекин Гавҳар қийналиб гапиради. У Маҳкамнинг тикилишидан ўнғайизланиб гапни ҳазилга бурди:

— Шунга биноан мени ҳам бугунги рўйхатга тиркасангиз бўларди.

— Ҳали ҳам тиркалгансиз. Манноновнинг қўлидаги рўйхатга.

Гавҳар чўчиб уйғонгандай ва ёпирилиб ўтаётган машиналар овозини энди эшитгандай бўлди. Оёқлари бирдан оғирлашди, уларни зўрга кўтариб, тротуарда айқашиб ётган столба ва терак соясидан одимлаб ўтар экан:

— Шундайми? — деди. — Боя мендан яширганимдингиз?

— Ҳа, энди... бирор сабаби бўлса билай деб айтмаган эдим.

Сабаби, албатта, бор эди — Гавҳар тарих факультетига адашиб кириб қолганди. У мактабда ҳамма фанлардан «аъло» олиб ўқир, ҳар фаннинг ўз фазилати борлигини билар, лекин келажакда ўзини қайси бирига бағишлиашни билмасди. Олтинчи синфда «Ленин учқуни»дан бир муҳбир келиб гаплашганда «архитектор бўламан» деган эди. Саккизинчи синфда ирригация инженери бўлиш, қақроқ чўлларга сув олиб чиқиш, сув омборлари қуриш ҳақида орзу қилиб юрди. Лекин бу орзуси ҳам мустаҳкам эмас экан шекилли, ирригация институтини битираётган бир қариндошининг гаплари билан айниди. У қариндоши нуқул, тарихчи бўлинг, агар менга қўйиб берса қайтадан биринчи курсга тушиб тарих факультетида ўқир эдим, дерди. Гавҳар бошқа фанлар қатори тарихни ҳам аъло ўзлаштирас, бошқа ўқитувчилари қатори тарих ўқитувчиси ҳам уни ўз соҳасига тортарди. Бундан ташқари, унинг отаси тарихчи олим эди.

Охири тарих зўр чиқди.

Мана, ўқишининг олти ойи ҳам ўтди, у биринчи семестри «аъло» билан тугатди (имтиҳон биттагина эди, зачетларга эса баҳо қўйилмайди), четдан қараганда, ҳаммаси яхши боряпти. Фақат тарихни чинакам севувчи студентлар билан гаплашиб қолса у ўзини алланечук ўнғайсиз сезади. Тарих фанларида қийин номлар, йиллар беҳисоб кўплиги Гавҳарни зериктиради, уларга эса ўрмонда дараҳтнинг кўплигидай табинӣ кўринади. Улар келажакка, ўқишини битирғанларидан кейинги ҳаётларига қараб йирик-йирик илмий асарлар, архивлардан топилган янги ҳужжатлар, Толстовникига ўхшаган археологик экспедициялар кўришади. Гавҳарга эса нуқул олий маълумот кўринади. Унинг лекцияларни осон-

гина қолдириб кинога кетиши, роман ўқиши ҳам шу сабабли эди. Лекин ўзи буни тушунмасди: «Ҳали ўқувчилик одатидан қутулмаганим, кундалик дарс сўралмаганидан бепарвалашиб кетганим сабаб», деб юради.

Ҳозир Маҳкамга ҳам шуни айтди-да:

— Сиз ҳам шундай бўлганмидингиз? — деб сўради.

— Мен... Эсимда йўқ. Лекин конспект олишга ўрганомай қийналганимни биламан. Ҳар кимда ҳар хил бўлса керак-да.

Гавҳар унинг тарих факультетига қандай кириб қолганини билгиси келди.

— Биз кирганда конкурс ҳозиргидек эмас эди. Мен еттинчи синфдан бошлаб тарихчи бўламан деб юрас эдим.

— Орзу қиласмидингиз?

— Ҳа, тушларимга ҳам кирав эди.

— Тарих-а? — деди Гавҳар. Унинг қошлиари таажжубдан чиройли тўлғониб қўйди.— У ёшдаги болалар романтикаси зўр нарсаларга ҳавас қилмайдими?

— Тарихнинг романтикаси йўқ дейсизми? Ў-ҳў! Ҳамма романтика тарихда-да. Учувчиларингиз ҳам, хирургларингиз ҳам буюк тарих машинасининг алоҳида фиддиракчаларини айлантиради, холос. Тарих бутун одамзодни қамраб олади. Э-ҳе, бошқа фанлар денгиз бўлса, тарих океан.

— Ҳо, билибсиз,— деб Гавҳар ҳақиқдай лабларини эътиroz билан қимтиб кулди.— Тарих океан бўлса, тарихчи ким?

Маҳкам жиддий баҳлашмоқчи бўлиб унга қайрилиб қаради, лекин табассум қилаётганини кўрди-ю, ўзи ҳам кулимсиради. Гавҳарнинг жозибаси ҳозир бир қарашда тўлиқ кўрингандай бўлди:

Қора қошлиари бир-биридан анча узоқда бошланиб, сал кўтарилган-у, нафис эгилган ва бодом қовоқларини айланиб ўтган. Баланд пешонасининг икки четини сочи бекитган, ўримга кирмай қолган ингичка соч толаларига шабада тегиб мулойим қимирлаб туради. Оқ-қизғиши ёноқларида майда кулгичлар. Бурни сўйри бўлиб борган-у, уни бир оз эгилиб, эркакча «қушбурун» бўлиб қолган. Фақат шу унга бир оз ярашмайди. Аммо мусаффо кўзлари, хиёл намли лабларининг чиройли табассуми, қошининг юз ифодасига мос тўлғониб қўйиши Маҳкамни мафтун этарди. Тишлари ҳам ажойиб: икки курак тиши-

нинг ораси анча очиқ. Буни Гавҳар ўзича нуқсон деб юради, Маҳкамга эса беғубор болалик белгисидай ёқимли туюлади. Пешонасининг кенглиги, қошларининг ораси очиқлиги ва олд тишларининг бу хилдалиги унинг чеҳрасига шундай табиий бир софдиллик бағищлайдики, Маҳкам буни жуда чиройли қизларда ҳам кўрган эмас. Умуман, Гавҳарниң қиёфаси унга танишмасларидан олдин ҳам маълум бўлганга ўхшарди. Маҳкам уни биринчи марта кўргандаёқ кимнидир эслаган, «демак хаёлимда яратиб юрган эканман-да», деб ўйлаган эди.

— Тарихчими? — деди у, Гавҳарниң чиройига анча хаёли кетиб.— Тарихчи шу океаннинг... йўқ, шу океан тарихчининг мулки. Ҳамма даврлар, ҳамма мамлакатлар, ҳамма соҳалар...

Маҳкам қўлларини ҳаракатлантириб, қизишиб сўзлар эди. Гавҳар баҳсга берилиб яна атрофидаги нарсаларни унута бошлади. У узоқлашган сари тифиз кўринадиган ва охири бир нурли чизиқ бўлиб бирлашиб кетган лампочкалар тизимиға қарап, лекин кўзи кўрган бу нарсани мушоҳадаси қабул қилмасди, кўча тўла садолардан ҳам фақат Маҳкамниң товушини эшитарди. Бу товуш уни ҳадеб баҳсга чақирав, Гавҳар лабини қимтиб, майнин товуш билан дерди:

— Вой, яна шундай дейсиз-а! Ҳозир қайси тарихчи Иван Кожедубдай уч марта қаҳрамон бўлган? Академик Шусевдай бинолар қурган?

— Академик Грековниң асарлари ҳеч қайси бинодан қолишимайди.

— Қолишимайдими? Қолишимайдими? Тошкентга келган турист мана шу кўчани кўрмай кетмайди-а? Навоий театрини ҳам энг олдин кўради. Кейин вақти қолса тарих музейига боради. Архивларга бўлса мингтадан биттаси киради. Қолишимагани шуми?

Маҳкам мудофаага ўта бошлади:

— Тарих томоша эмас-да, ахир, жиддий фан.

— Билган экансиз! Шаҳар қуриш томоша бўлиб қолибдими жуда? Мана шу ерга бир қаранг-чи: бу томони театр, бу томони-чи чиройли уйлар. Илгариги Шайхантахуриниң ўрнига қаранг, шу ердан ўтган одам фақат томоша қиласдими-а?

— Нима қиласди бўлмаса, аzon айтадими? Фахрланади, қойил бўлади, мана бу бинони ким қурган экан, бу кўчанинг режасини ким чизган экан дейди.

— Ҳа, дейиши мумкин. Чунки бу кўча Тошкентнинг тарихига кирган,— Маҳкам «тарих» сўзини алоҳида та-лаффуз этиб, шу билан яна тарихнинг устунлигини таъ-киллади.

Гавҳар унга қараб туриб кулиб юборди:

— Э боринг-э, гап чалғитганингиз-чалғитган! Тарих бошқа, тарихчилар бошқа — билиб туриб аралаштира-сиз.

— Ҳа, майли, хўп-хўп. Ҳозир тарихчилар ёзувчилар-дай машҳур эмас ҳам дейлик. Лекин гап машҳурликда эмас-ку. Мана, сизга битта оддий тарихчини мисол кел-тирай...

Гавҳар унинг мисол қидириб тўхтаганидан фойдалан-ди-да:

— Ўзингизни келтира қолинг,— деди кулиб.

— Йўқ. Мактабда бизнинг бир ўқитувчимиз бор эди. Раҳматов деган. Урушга бориб икки кўзидан айрилиб келган. Ҳеч эсимдан чиқмайди: тарих дарсини шундай олиб борар эдики, синфда тиқ этган товуш эшитилмасди. Ўзингиз биласиз, мактабда «шпаргалка» ҳам бўлади, луқма ҳам ташлаб турилади. Лекин Раҳматовнинг дар-сида энг ёмон ўқувчи ҳам бу ишлардан ор қиласр эди. Кўр одамни алдаб бўлмас экан. Лекин ўзи ҳам қойил қиласр эди-да! Тарихга жон киргизиб юборарди. Мана шундай тикка туриб, шифтга ё деразага кўр кўзларини қадаб гапира бошласа, дамим ичимга тушиб кетарди. Бир кун Степан Разиннинг ўлдирилишини шифтга тики-либ айтиётган эди, шифт орқали кўриб туриб гапирияпти-ми дебман, у тикилган жойга қайрилиб қарабман. Яна бир кун Темурнинг Ҳиндистонга юришини деразага ти-килиб гапираётган эди, ёнимдаги бола ҳадеб ўрнидан туриб у қараб турган жойга тикилади, денг. Биласизми шу одам бизга қанчалик катта тарбия берди? Мен буни мана энди тушуняпман. Синфимиздан жуда яхши бола-лар чиқди. Шуларнинг ички дунёсидаги зўр бир чизиқ Раҳматовнинг қўли билан чизилган. Ўзи тарбия учун та-рихдай зўр восита кам. Бутун одамзод босиб ўтган йўл, ортдирган маънавий тажриба энг' олдин шу фан орқали оммалашса керак. Раҳматов айтар эдики: «Янги машина, янги иморат яратган яхши, лекин янги одам яратган ун-дан ҳам яхши. Тарихчи янги одам яратадиганлардан», дер эди. Мен ҳам мана шунаقا тарбиячи бўламан деб юрибман. Шуҳрат ҳақида ўйлаб кўрганим йўқ.

Гавҳар жим бўлиб, гўё баҳсдан совуб қолган эди. Раҳматов Маҳкамада уйғотган туйғулар бир архитектор Гавҳарда уйғотган туйғуларга ўхшар ва бу ўхшашлик унинг хаёлини узоқларга олиб кетганди.

У ўн яшар қизча эканида Юрий Карпович деган кекса архитектор хотини билан Москвадан кўчиб келиб, Гавҳарлар турган ҳовлида яшаган эди. Уларнинг фарзандлари йўқ эди, лекин болани яхши қўришар, Гавҳарни кўп суюшарди. Қейинчалик Юрий Карпович Гавҳарнинг расм солишига, ҳар хил шаклларни чизишга уқуви борлигини пайқаб, унга алоҳида эътибор бера бошлади. У Гавҳарга «Мой друг» деб мурожаат қиласар, «сен архитектор бўласан» дер ва ўз касби ҳақида соатлаб гапириб берарди. Гавҳар у гапирган нарсаларнинг кўпини тушунмас эди, лекин архитектор деганда нуқул Юрий Карповичдай яхши одамларни кўз олдига келтириб: «Мен ҳам архитектор бўламан» дерди. У бешинчини битираётганди Юрий Карповичлар Москвага қайтиб кетишиди. Гавҳар унинг иш столида кўрган лойиҳалардан бири гўзал бинога айланиб марказий кўчага кўрк киргизди-ю, у олтинчи синфда ҳам «архитектор бўламан» деб юрди. Лекин бу ҳали эътиқодга айланмаган бир ҳавас эди. Гавҳарнинг эътиқодлари чуқур томир ота бошлаган юқори синфларда бу ҳаваснинг ўсиши учун шароит бўлмади.

Аммо ҳозир. Маҳкамнинг гаплари ғалати савол туғдирди. Рост-да, Гавҳар ҳам тарих факультетидаги ўқииди-ку, нега Маҳкамдаги интилишлари унда йўқ? Тўғри, Маҳкам тўртинчи курсда бўлгани учун унинг минорасидан кўп жойлар кўринади. Лекин у ўз минорасини бу ерга келмасдан олдин қура бошлаган экан-ку. Гавҳарчи? Тайёр минора бўлса чиқаман деб келганими? Нима деб келган? Нима деб?..

— Ҳа, Гавҳар, жим бўлиб қолдингиз? — деб Маҳкам унга тикилди.

## 10

Бу орада улар пивохона қаршисидан ўтишаётган эди-ю, ўша ёқдан каловланиб чиққан икки йигитнинг бири:

— Маҳкам оғайнин! — деб чақириб қолди. Маҳкам уни бақалоқ гавдасидан ва ҳиндиларникидек кўкимтириқора юзидан дарҳол таниди: ҳамкурси Мирсанид.

Маҳкам саломлашиб ўтиб кетмоқчи бўлди, бироқ Мирсаид тўхтатди:

— Э кўришмаймизми мундоқ! Кўзингизни ёғ босибди-да. Ишлар ванг денг!

Гавҳар тўхтамай ўтиб кетди. Мирсаид кўзларини сузуб унинг орқасидан қаради. Маҳкам ҳамкурсига томон энгашиб, паст товуш билан деди:

— Ҳа, шу, давлатингизнинг соясида юрибмиз, тақсир.

Ширакайф одамни ҳеч нарса мақтовчалик эритмайди: Мирсаид бу сўзлардаги истеҳзони пайқамади-ю, дарров мулойимлашди.

— Маладес!— деб Маҳкамнинг елкасига қоқиб қўйди. Сўнг ёнидаги ҳурпайган йигитга юзланди.— Менинг ҳамкурсум бу, кўриб қўй! Қандингни ур, Маҳкам оғ-ғайни, эпласанми, қандингни уравер! Кетдик,— у шеригининг елкасидан қучоқлади,— кетдик Дездемона!

Маҳкам тез-тез қадам ташлаб Гавҳарни қувиб етди.

Мирсаиднинг гаплари Гавҳарнинг ғашини келтирганди. Қошларини чимириб:

— У ким?— деди.

— Факультетда кўрган бўлишингиз керак.

— Бираам башараси совуғ-эй.

Маҳкам кулиб:

— Қайфи бор экан-да, бўлмаса ўзи газетамизнинг рассоми.

— Буни мен универмагда ҳам кўрувдим. Бир кун бизда икки соат «окно» бўлди, айланиб чиқсан, универмагда чийдухоба бераётган экан. Очирит катта. Кўпчилиги хотинлар. Шу бола ҳам ҳозир бирга юрган шериги билан турибди, ҳамма икковини ўртага олиб уришяпти: икки қайтадан олишганми, ё беочирит киришганми.

— Ростдан-а?— Маҳкам ҳайратланди.— Бунақа одати борлигини билмас эдим. Лекин ўқишига ҳафсаласи камроқ. Диплом деб юрганларданми, ҳалигача тушуммайман.

— Диплом деб?

— Бор-ку шунақалар. Химфакми, истфакми — қайси қўй келса, шунисига ўзини уради. Мақсад — диплом олиш. У ёғи барибир: така бўлсин-у, сут берсин.

Гавҳар қоқиниб кетди, туфлиси оёғини қиса бошлаган экан, қаттиқ оғриб:

— Ҳаҳ!— деди.

— Чарчадингиз-а? Сизни шунча пиёда олиб юрдим-

а? Келинг, троллейбусга чиқайлик. «Ватан»да янги картина бўлса кўрамиз.

Гавҳар соатига қараб «э-ҳе!» дегандай қошини кўтарди. Маҳкам ҳам энгашиб, юзини Гавҳарга яқинлаштириди-да, унинг соатига қаради, сўнг иккови бир-бирига яқингинадан тикилиб, «охирги сеанс ҳам бошланидику» деган мазмунда баравар табассум қилишди. Гавҳарнинг табассумидаги ҳорринлик Маҳкамга жуда гўзал кўринди, давомли қараши эса юрагини «жизиллатиб» ўтди.

— Яқин орада скамейка йўқки, бирпас ўтирсак,— деди у.

— Вой, майли, чарчаганим йўқ. Мана, бизнинг кўчага ҳам келиб қолдик,— Гавҳар тўхтади.— Юринг бизни-кига.

— Мулозамат эмасми? Борсам отангиз қувиб юбор-майдиларми?

— Қўйинг, отам унақа одам эмаслар.

Маҳкам «қанақа одам?» деб кўзлари билан савол берди. Гавҳарнинг кўзларидан хавотирли бир нарса йилтиллаб ўтди. У ўзини зўрлаб деди:

— Отамни билсангиз керак, ўзимизнинг факультетда ишлаган.

— Ростдан-а?

— Профессор Тошевни билармидингиз?

— Илгариги деканми? Наҳотки?

Маҳкам қулоқларига ишонмай, Гавҳарнинг кўзларидан жавоб қидирди: бу ҳаракатчан қошлар, учи бир оз эгилиб, сал эркакча бўлиб чиқсан қирра бурун шу вақтгача Маҳкамга Тошевни эслатар экан-да. А нега бўлмаса Гавҳар Тошева эмас, Гавҳар Абдураҳмонова? Ҳа, айтгандай, Абдураҳмон Тошевич эди, демак у ҳам илгари ўз исмини болаларига фамилия қилиб берганлардан экан-да. Қейин ким бўлган, нима бўлган, нега партиядан ўчиб, ишдан бўшаган?

Маҳкамнинг хаёlinи бир зумда тўс-тўпалон қилиб юборган бу саволлар юзида саросималик бўлиб акс этди. Сўнгги йилларда отаси кимлигини айтганда кишиларнинг юзи ўзгариб кетиши Гавҳарни руҳан эзарди. Ҳозир Маҳкамда юз берган ўзгариш унга чўчиш ва ўзини тортишдай кўринди-ю, жуда совуқ тегди. Дарҳол хайрлашиб кетгиси келди:

-- Хўп бўлмаса...

— Йўқ, шошманг, Гавҳар, мен ҳеч нарса тушунолмай қолдим,— деди Маҳкам уни тўхтатиб.— Бугун шу нарсаларни ўйлаган эдим. Нега шундай бўлган? Кимнинг айни билан?

— Мендан сўраманг, мен урилган кишининг қизиман.

— Йўқ, ахир... наҳотки? Ахир мен сизга ишонаманку, Гавҳар!

Гавҳар ялт этиб унга қаради. Чиндан ҳам ишонишини сезиб, аъзойи бадани жимиirlаб кетди. Кўнгли бирдан эриб, кўзига ёш келди.

— Мен отам бўлгани учун эмас... яхши одам бўлгани учун...

У ўпкаси тўлиб гапини тамомлаёлмади.

— А, нега ахир? Е бирор қасддан қилганми?— сўради Маҳкам. Бу шубҳа унинг ўзига ваҳимали туюлди.

— Билмайман,— деди Гавҳар эштилар-эштилмас.— Унда мен ёш эдим, айтмас эдилар, кейин сўрадим, тушунмайсан дедилар. Кейин... Шу тўғрида гап очилса жуда қийналадилар. Шунинг учун...

— Ҳозир қаердалар?

Гавҳар отасининг ҳамон музейда ишлаётганини, лекин узоқ касалликдан тузалганини, олимлик даражасини тиклаш умидида диссертациясини қайта кўриб чиқаётганини айтар экан, овози анча очилиб, кўзлари тиниқлашди. Сўнгги йилларда юз берадиган катта воқеалар отасининг руҳини кўтараётганини сезган Гавҳар унинг ёртаги кунига умид билан қаради. Ҳозир Маҳкам билдирган ишонч ва ҳамдамлик бунга қўшилиб, у аввалги хушвақт ҳолига қайтди.

Лекин Маҳкам кундузги руҳий кечинмаларини яна бошидан кечирмоқда эди. Акбаров, Эшонбоев, Ҳакимов муаммоси кўнглида тугун бўлиб турар эди, энди бунга Гавҳар орқали Тошев муаммоси ҳам қўшилиб, тугун янада чигаллашди. Уни ечиб ҳамма нарсани аниқламагунча кўнглининг бир чети ғубордан аrimайди. У Гавҳардан яна кўп нарсани сўраб билиши керак. Аммо ҳозир Гавҳар ўзини зўрға босиб олган бир пайтда Маҳкам яна саволлар бериб азоблагиси келмади. Унинг майишиб турганини кўриб, чарчаганини сезди-да, гап мавзуни ўзгартириди:

— Энди бугун томоша қилолмадик, ҳисоб эмас. Томошага қачон тушамиз?

...Улар янаги пайшанбада Навоий театри олдида учрашадиган бўлиб ажрашдилар.

Маҳкам хаёлига бирдан босиб келган туман билан олишиб сёкин троллейбус остановкасига келди. Ҳеч ким йўқ эди. Ёлғиз тўхтаб турганида боши ёқимли айланадиганин сезди. Кейин дам кўк, дам қизил кўз билан қараётгаш светофорга кўзи тушди ва шу тўғрида Гавҳар билан гапиришиб қўйғанларини эслади. Шундан кейин кўнглининг тубида яна ўша мислсиз музыка аста эшитила бошлади.

У ётоқхонанинг кимсасиз ҳовлисига қандайдир бир куйни ингичка, паст товуш билан куйлаб кирди. Икки қаватли бинода ҳамма деразалар чироқсиз, афтидан, ҳамма студентлар ухламоқда.

У кирганда фақат Очилнинг койкаси асабий ғичирлаб қўйди. Маҳкам ўтаётуб унинг устига эгилган эди, қорон-ғиликка тикилиб чалқамча ётган Очил уйқусиз кўзларини четга бурди.

## 11

Муҳаббат ҳам оловга ўхшаб ловиллаб ёнса дуруст, одамнинг кўнглини нурга, ҳароратга, баҳт шодликларига тўлдиради. Лекин бир тутаб берса киши дуд қамалган уйга кириб қолгандай бўғилади, кўз очиб атрофга қарай олмайди, чиқиб кетаман деб эшик қидиради-ю, бироқ қаерга борса дуд ҳам бирга боради, чунки алансиз туваётган олов қалбида бўлади. Бундай пайтда муҳаббат халақит беряпти, дейишади. Лекин аслида муҳаббатга халақит берилсагина шундай бўлади.

Очил ҳали буни билмас эди. У жавобсиз муҳаббатга қарши бирдан бир чора — қизни уннутиш, ўзининг севги ҳисларини бўғиши деб биларди. Бу ҳислари ҳадеб Замирага қараб оқавергандан кейин Маҳкамга ўқиб берган шеърини уларнинг йўлига тўсиқ қилиб кўтарди.

У деворий газетанинг редколлегия аъзоси эди, прогулчиликка қарши чиқарилаётган шошилинч сон учун уч-тўрт банд ҳажв ёзиб беришни топширишди, керакли материаллар билан таъминлашди. Жавобсиз севигига қарши курашда шеър ёрдам беришини сезган Очил бу топшириқни жон деб қабул қилди.

Қайси прогулчи ҳақида қандай шеър ёзишни ўйлаб ва энди фикри шу билан банд бўлаётганидан, хотира ки-

нолентаси кўзини тўсмаётганидан қувониб ётоқхонага жўнади.

Аммо бўм-бўш коридорда тўсатдан Замира дуч келиб қолди. Кўз кўзга тушди-ю, электр шарлар чақин чақандай бўлди. Очил бирпас шу чақиндан бошқа ҳеч нарсани кўрмай қолди, Замира қадамини кескин тезлатганини эшилди, холос. Қиз жадаллаб ўтар экан, саломлашиш учун Очилга яна бир қаради.

Унинг қоп-қора кўзлари ифрат ва ҳаё билан маъсум боқарди. «Салом» деганда лаблари шундай гўзал титраб қўйдик, Очилнинг юраги орзиқиб кетди. У бўғиқ товуш билан алик олиб ўтди-ю, анча нарига борганда хаёлларини йиғишириб, ўз-ўзидан сўради: «Мени кўриб ўзгариб кетдими? Ё адашдимми? Гейне айтгандай, «осмонда осо-йишта сузиг юрган ой нотинч сувда аксланиб тўлқинланди, холосми?» «Қиз қадамини тезлатгани ва шатирлаб ўтгани қулоғига қайтадан эшитилиб кетди, унинг қарашларини «салом» деганда лаби титраб қўйганини яна бир кўз олдига келтирди, олдинги учрашувларда ўзини қандай тутганини эслаб, таққослаб кўрди. Охири бориб яна ўша хотира киноленталари хаёлидан такрор-такрор ўта бошлади.

Очил зўр бериб кўтарган ғов Замиранинг шамолидан бир хасдай учиб кетди, у яна тубсиз ўйлар гирдобида қолди. Бу ўйлар чиндан ҳам гирдобга ўхшар, айланиб-айланиб, охири қизнинг рад жавобига ва Очилнинг «суймаганга суйкалма» деган шиорига бориб урилар ва парчаланиб кетарди. Очил улардан қутулишга ҳаракат қилиб, ётар маҳалгача дарслик ўқиди, Акбаровнинг курси бўлган Ўзбекистон тарихидан конспект олди. Лекин кечаси тўшакда яна ўша ўйлар ҳужумга ўтди. Энди улар Очилнинг хаёлини қуюндай айлантириб, ғайри-табиий орзулар осмонига олиб чиқиб кета бошлади.

Очил афсонавий нарсаларни орзу қилишга эртак эшитиб юриб ўрганганди. У етти-саккиз яшар эканида қишлоқларининг нариги четида жуда кўп эртак биладиган ва жуда таъсирили қилиб айтиб берадиган Яхтан кампир турарди. Кампир кундузи банд бўлгани учун Очил эртак эшифтгани оқшом борарди. Баъзан уйдан бирон тансиқ нарса сўраб олиб, совға қилиб элтарди. Яхтан кампирнинг ажойиб қаҳрамонлари Очилнинг юрагидан жой олар, девлар, ялмоғизлар эса уни даҳшатга соларди. Кечаси не паллада уйларига қайтар экан, кул-

тепалар ёнидан жонини ҳовучлаб ўтар, шундай пайтда бирор «ажинаман!» деб қўрқитса, юраги ёрилиб кетиши ёки ақлдан озиши ҳеч гап эмасди. Лекин барнибир Очил Яхтан холаникига боришини қўймас эди. Кейинчалик уч оғайни ботирлар, қирқ хил хунар ўрганган йигит унинг онгида ўчмас из қолдирди. Девларнинг жони қамалган сирли чироқ, тоғларни кесадиган зулфиқор қилич хаёлини ғайри-табиий орзуларга олиб кетарди. Уруш йилларининг танқислигига Очил шундай хаёл сурарди: Оловиддиннинг шамчироғи унда бўлса-ю, пешонасига суркаб, девни чақирса, ҳаммага етадиган қилиб энг яхши овқатлардан буюрса. Отаси Фарҳод ГЭС қурулишига ишга борганда у ҳам бир борган ва кишиларнинг қандай шароитда ишлаётганини кўрган эди. Шунда яна шамчироққа жони қамалган девни ишга солгиси, бир кечада ҳамма ишни бажартириб қўйгиси келган эди.

Бугун кечаси Маҳкам сайдан қайтганда эса у тоғларни кесадиган зулфиқор қилич ҳақида ўйларди. Ҳозир шу нарса унинг қўлида бўлса-ю, Намангандан билан Тошкент орасидаги тоғларни бир кечада кесиб чиқиб йўл солса. Замира автобусда ўз Наманганига кетаётib, йўлда учраган ҳар бир кишидан Очилнинг номини эшитса ва «ўзи қаерда?» деб қидирса.

Бу қуруқ бир хаёл эканини ўйлаб, чуқур тин олди-да, койкани ғижирлатиб бошқа ёнбошига ағдарилди. Сўнг ваҳимали бир ходисани кўз олдига келтириди: окшом Замира кутубхонадан келаётганда бир гала маст безорилар ҳужум қиласа; унинг ҳаёти, номуси хавф остида қолган бир пайтда Очил етиб келса-ю, безориларнинг бирини чалиб йиқитса, бирини боксёрча уриб ағдарса, бирини калла билан қулатса, лекин бир чаққон бандит орқадан келиб Очилга пичоқ урса: унинг инграб йиқилгани ва Замиранинг чинқирганидан безорилар қўрқиб қочса, «Тез ёрдам» машинаси етиб келгунча Замира Очилнинг бошини тиззасига олиб куйиниб йиғласа... Шу ерга келганда Очилнинг ўпкаси тўлиб, яна бошқа ёққа ағдарилиб ётди.

Хаёли шеъриятга оғди.

Шундай таъсири шеърлар ёзсанки, Замира уларни студентлар ёд айтиб юрганда эшитиб: «Жуда ажойиб-а, ким ёзибди?» деб сўраса. «Биз ҳам, билолмаяпмиз, имзо қўймабди» дейишса. Фақат бир студент шивирлаб айтса. «Редакцияда эшитдим, ўзимизнинг Очил ёзибди, кам-

тарлик қилиб имзо чекмабди». Кейин ҳамма Очилни мақтаса-ю, Замира уни ранжитганидан пушаймон бўлса...

Аммо бу ҳаммаси ширин хаёл эди. У бир оз ухлаб турди-да, яна Замирага қараб оқиб кетаётган қарама-қарши туйғулар билан олиша бошлади. Куни бўйи хотира кинолентасини тўхтатиб бўлмади. Оқшом ётоқ-хонага қайтганда яна шеърни ёрдамга чақирди — ҳажв-ларни газетага эртага бериши керак эди.

Хона жимжит. Уч киши комсомол бюросига кетган. Маҳкам — бюро аъзоси сифатида, Сергей Чумичкин — деворий газета редактори бўлгани учун, Шоазим — прогул қилгани сабабли. Очилнинг тўртинчи ҳамхонаси, сочини устара билан олдириб юрувчи андижонлик йигитча, столга дафтар-китобини ёйиб «Янги тарих»дан конспект олмоқда. У Очилга ҳам жой борлигини билдириб, столнинг бир четгинасини эгаллаган. Лекин Очил койка-лар орасига стул қўйиб, деразага юзланиб, тумбочка устида ишларди — у шеър ёзишни ҳеч кимга кўрсатги-си келмасди. Дарвоқе, ҳозир ҳамма ёзаётганлари похол-дай қуруқ туюлиб, ўчириб ташламоқда, қалбининг туби-да эса ҳамон ўша ҳислар тўлқинланади.

Ташқарида бу йил биринчи марта момақалдироқ гул-дураб, ёмғир ёғар, шамол дераза ойнасига қайириб ура-ётган томчилар кўз ёшидай секин пастга сирғаниб ту-шарди. Жимжит хонада тарновлардан тушаётган сувнинг шатирлаши, том тунукаларининг тиқир-тиқири ва бор-лиқни қамраб олган мулойим, аммо салобатли ёмғир шо-вури эшитилиб турарди. Очил қаламини олди-да, ёмғир тўғрисида ёзиб олишди:

### Ёмғир ёғар, увишлар шамол

Яшиннинг кўқимтири ёруғида рўпарадаги уйлар ва ём-ғирдан жимир-жимир бўлиб ётган ҳовли бир кўринди-ю, кўздан йўқолди. Шу заҳоти яқин бир жойда момақалди-роқ қасир-қусур қилди. Яшин ёритиб ўтгандан кейин тун қоронғиси аввалгидан ҳам қуюқлашди ва Очил Замира-ни кеча коридорда учратганини эслади: ўшанда қизнинг ҳам кўнгли бор, деб ўйлаб юрагида умид чақнаган, сўнг яшин каби тез сўнган ва аввалгидан ҳам тубсиз ўйга чўмганди. Энди бу ёмғир таассуротларига қўшилиб, сатрлар ўйчан ва маъюс сўзлай бошлади:

Ёмғирли тун, тентирап шамол,  
Онда-сонда чақнарди яшин.  
Шу тундайин тубсиз бир хаёл  
Чулғаганди йигитнинг бошин.

Үйлари шу шамолдай тарқоқ —  
Севган қизи севмайман деган.  
Кўзлари уйқусиз, вужуди чанқоқ —  
Суймаганга суйканма экан.

Шеърнинг фикри, оҳанги, ҳатто узун «у» ҳарфининг кўплиги Очил истаган түйғуларни берган ва унинг ўзини тўлқинлантириб юборган эди. У тез-тез нафас олаётганди илҳом титроғи нафасида ҳам сезиларди. Қим билсин, балки у кишини титратувчи мана шу баҳтиёр илҳом минутлари учун ҳам шеърни беҳад севиб қолгандир ва ҳеч ерда бостиришни ўйламай, фақат ўзи учун ёзиб юргандир?

Бирдан коридорда аллакимнинг дурс-дурс силкингани ва оёғини резинка тўшанчиқча артгани эшилди. Сал ўтмай ичкарига Шоазим кириб келди: оч кул ранг плашчининг елкаси ҳўл бўлиб қорайган, қозоқча бўртиб турган юзи ва қора кепкасидан сув сирқирди. Ў ёмғирда қотиб қолган плашчини жаҳл билан шалдирашиб ечди.

— Ҳа, Шоазим, бюордан эсон-омон ўтдингизми?  
— Терговдан денг.  
— Нега энди?  
— Ҳе, бюорни терговга айлантириб юбориши. Битта-битта киргизишади денг, бирор кулиб чиқса, бирор йиғлаб чиқади.

Шоазим ўз тумбочкасидан нон, колбаса олиб тикка турган ҳолда яркан, гапида давом этди:

— Рўйхатга қараб ҳаммани чақираверган экан. Элликка яқин киши келибди. Бюро бўлаётгани аудиториянинг йўлаги одамга тўлиб кетди. «Ҳайфсан олгани очередь турибмиз» деб аввал кулдик. Кейин қарасак, ҳалибери тугайдиган эмас. «Нима бу, биз бюрога очередь тургани келдикми?» деб жанжал кўтардик. Охири йигирматача қолганимизда ҳаммамиз биратўла кириб ўтиридик. Битта-битта турғизиб сўроқ қилишди. Энди бу Зокир Манноновнинг тишлаб-тишлаб гапирганини кўрсанг! «Совет фанига қаршимисан? Совет вузини ҳурмат

қилмайсанми?» деб сиёсат қилди-я, менга! Э одам, бу улуғ сўзни калтак қилиб ҳар нарсага ураверма дедим.

Қўлида ручкаси билан ўрнидан туриб келган Очил:  
— Маҳкам нима қилиб ўтирибди?— деди.

— Маҳкамга ёмон бўлдиёв. Унинг яхши кўрган қизи ҳам прогул қилган экан. Ўзи илгариги деканимизнинг қизи экан. Зокир қурғур тикка турғизиб қўйиб: «Отангизнинг кимлигини биламиз!» деб шундай сазо бердики, бечора йиглаб чиқиб кетди.

— Маҳкам-чи, Маҳкам индамадими ахир?

— Нима дейди?.. Ўтирибди қизариб-бўзарид. Буна-қа вақтда орага тушиб бўладими! Сергей бир-икки марта Зокирни силтаб ташлади, «нима бу, ҳаммани дўпослагани чақирдикми?» деб. Ҳали яна нима бўлди, келиб айтишар.

Шоазим стаканни олиб, крандан сув ичгани кетди.

Лекин Маҳкам билан Сергей жуда кеч келишди. Шоазимлар ухлаб қолган, Очил қўзиқоринга ўхшаган кичкина стол лампасини тумбочка устига қўйиб, ҳали ҳам ёзиб-чизиб ўтирас эди. Кирганларнинг юзи тундлигини кўриб, бюронинг охири ҳам яхши бўлмаганини сезди. Улар индамай устки кийимларини ечди. Маҳкам ётмоқчи бўлиб, тўрдаги бўш койкага ўтди. Сергей ошхонага чиқиб, электр плитани қўйиб кирди.

Сергей яғриндор гавдасини койка ва стуллар орасидан енгил олиб ўтарди. Устида ёқаси ва чўнтаклари занжирли ихчам қора ковбойка, матросча шим кийган. Ёши йигирма бешларга борган. Орол денгизида икки йил балиқчи бўлиб ишлаб, кейин ўқишга келган эди, яқинда партияга кандидат бўлиб ўтди. Сочи ва ингичка қошлари қорамтиру, кўзлари кўм-кўк. Бўйи Маҳкамнидан пастроқ, лекин чорпаҳил, шунинг учун Маҳкамдан кўра йирикка ўхшайди. Икковининг койкаси ёнма-ён, «топганилари» ҳам ўртада. Бугун Сергей «таъминот бўлими»нинг мудири эди, кундузги шавлани иситиб келиб Маҳкамни чақирди.

Лекин Маҳкам келмади.

— Чудак-человек!— деб Сергей унинг олдига борди. «Фалати одам экансан, энди бўлари бўлди, бўёғи синди» деган фикрни шавла ҳақидаги гапга боғлаб, қочириқ қилди:— заварили вот кашу, давай теперь расхлебывать. Қани тур.

Маҳкам бу сўз ўйинидан бир оз кулимсираб стол ёни-

га келиб ўтириди ва Сергейнинг кўнгли учун бир-икки қошиқ олди.

— Нима гап ўзи? — деди Очил, унинг хафалигини қисман тушуниб турган бўлса ҳам.

— Ҳе, шу,— деб Маҳкам гапиргиси келмади ва ўрнидан туриб ётишга тайёрлана бошлади.

Сергей шавлани еб бўлиб, коса-товоқни апил-тапил иғишитирди-да:

— Хўш, Очил,— деди, ёзяпсанми? Кел, бу «Қўзиқорин»ни столга олайлик. Мен ҳам ёзмоқчиман. Менимча, комсомол ташкилотимизнинг оммадан ажралиб қолгани бугун билинди. Омма учун эмас, форма учун. Бюро ўтказдикми — ўтказдик. Прогулчиларга қарши чора кўрдикми — кўрдик. Бу ҳаммаси кимнинг қўли билан қилинди — ўртоқ Манноновнинг қўли билан. Бошқа бюро аъзолари унинг соясида қолиб кетибди. Комсомоллар бу формализмдан норози.

— Танқид қилиш осон, албатта,— деди Маҳкам тўшагини ёзар экан.

— Осон бўлса нега танқид қилмайсан?

— Мен осон ишнинг шайдоси эмасман.

— Чудак-человек! Ахир бу муросасозлик-ку. Танқид қилмай қўйиб берайликми бўлмаса?

— Мен ундаи деяётганим йўқ.

— Ҳа, нима дейсан бўлмаса? Кеча ўзинг бюрони яхшироқ тайёрлайлик деган экансан, кўнмаган экан. Бугун шу бюрони қандай нотўғри ўтказганини ўзинг кўрдинг.

Ҳа, бу нотўғриликдан Маҳкамнинг ҳам энг азиз туйгулари зарб еди. Йиғлаб чиқиб кетган Гавҳар ҳеч кўз олдидан кетмаяпти, уни шу зарбадан пана қилолмагани учун, ҳеч бўлмаса орқасидан чиқиб кўнглини кўтармагани учун ичини мушук таталаяпти. Аммо ўшанда, «сен бу ерда бюро аъзосисан, шахсий туйгуларингни ижтимоий ишга аралаштиришга ҳаққинг йўқ», деб уни тўхтатган бир куч ҳозир ҳам елкасидан қаттиқ босиб турибди, Ичи Зокирнинг зардобига тўлиб бораётган бўлса ҳам, негадир уни оқлашга ҳаракат қиляпти.

— Бу хато учун битта Маннонов айбордor эмас,— деди у устига кўрпани тортиб.— Эшонбоев билан маслаҳатлашган эдик. Ўзини кўрсатиш учун шундай қилгани йўқ.

— Мен фактни ёзаман. Бу факт учун ким гуноҳкор бўлса ўшанга тегади. Лекин сен Манноновни бекор ёқлаяпсан. Ё ҳалигача билмайсан, ё кўр-кўрона ишонасан.

Сергей «қўзиқорин»ни узун шунур билан авайлаб стол устига олиб келаркан, сўзида давом этди:

— Ўзи ашаддий прогулчи бўла туриб, шунча одамни шундай қаттиқ сиқишига қандай маънавий ҳуқуки бор эди? Нега сенлар билан ҳисоблашмай иш қиласди? «Мана сенга рўйхат, бор, одам йиғиб кел, проработкасини<sup>1</sup> ўзим қиласман. Масаланинг моҳиятига тумшуғингни тиқма, сен фақат ижроғисан»— Манноновнинг методи шуми? Буни ўзбошимчалик дейди. Мана, сен сиёсий-тарбиявий секторнинг бошлиғисан, газета сенинг ишинг. Лекин Маннонов сенга газета чиқаргин демайди, қўлингга рўйхат тутқазиб, прогулчиларни бюрга йиғ дейди.

Маҳкам бошини кўтариб:

— Бас, Сергей, мақолангни ёзавер, эртага редколлегияда ўртага ташлаймиз,— деди-да, деворга ўгирилиб олди.

Сергей столга қоғоз, сиёҳ ва ручка олиб келди.

Очил «қўзиқорин»нинг қалпоқчасини ўз койкаси томонга эгиб қўйди-ю, алланечук сабрсизланиб, типирчилаб жойига қайтиб борди ва шошиб ручкасини қўлига олди: шу пайтгача топилмаётган «калит» бирдан топилган эди. Маҳкам Манноновни ёқлаб гапирганда Очил истеҳзо билан: «Секретар-да, раҳбар ходим», деб унга гап отмоқчи бўлди. Аммо бу жумла бир сатр шеър бўла олишини бирдан сезди-ю, кўзлари чарақлаб очилгандай бўлди, саккиз бўғинли ўткир халқ тўртликлари қулоғига эшитилиб кетди. Нега шу вазнда ёзиб бўлмасин? Қани:

Зокирвойнинг номи баланд,  
Номидан ҳам дами баланд.  
Секретар-да, раҳбар ходим,  
Ўқиш дессанг қўллари банд.

Бўлади шекилли! Лекин бу сатрлар бюрга бўлган можароларни акс этдирмайди-да. Очил яна бир тўртлик беғмоқчи бўлди:

Зокирвой донгдор секретарь,  
Доним дарсни ташлаб кетар.  
Сен ҳам агар шундай қиласанг  
Ўқсиз отар, зор йиғлатар.

<sup>1</sup> Сиқишириш.

Очил яна титраб нафас ола бошлади ва навбатдаги мавзуга ўтди. Отаси катта ишда ишлайдиган бир прогулчини декан ҳимоя қилиб, гап тегизмас эди:

Терак экма сада эк,  
Саданинг сояси бор.  
Рашид ўқишга келмас,  
Чунки ҳимояси бор.

Одатда кам тилга олиниадиган яна бир нарсага найза ургуси келди:

Бедана бўлиб учдим,  
Бедапояга тушдим,  
Староста «бор» қилди,  
Дарсдан кинога қочдим.

Очил ҳамма нарсани, ҳатто ўзининг шу ётоқхонада ўтирганини ҳам унуган эди. У ҳар тўртликни бирор «нишонга» тўғрилаб отар, аудитория ва коридорлар маъқуллаб кулгани қулоғига эшитилиб кетса, овини урган мергандек севинарди. Бу севинч кўзига уйқу қўндирамас, ва кўнглини ғубордан тозаларди.

## 12

Ёмғир тинган. Лекин ҳаво безрайиб турар, ҳовли кўлмакларида қорамтирилган булутлар, ивиган девор, ҳўл дараҳтлар акс этарди.

Ингирманчи аудиторияда бир-бирига туташтирилган икки узун столнинг устига катта газета қофози ёйилган. Стол атрофида редколлегия кенгашяпти. Қадимги Рим харитаси қора ганч доска юзига осилганича қолиб кетган полда эзғиланган қофоз парчалари, синиқ бир қалам ётибди. Афтидан, ҳамма лекция тугаши билан дарҳол тўпланган.

Маҳкамнинг икки ёнида пастки курсларнинг вакиллари, қаршисида — газетага расм чизиб юрувчи Мирсанд. У кечаги мастликдан кейин жуда мўмин бўлиб қолган. Анна Погорельская дегани учинчи курсли хушрўй қиз Сергейнинг тўғрисидан жой олган. Бугун байрамлик костюмини кийиб олган Сергей эса унинг тикилиб қарашларини ҳис қилиб, алланечук иссиқлаб ўтиради.

Очил кечагидан анча бошқача — шўх, хушвақт. У Сергейнинг енгини кўтариб, соатига қараб қўйди.

Ўқитувчилар колективи ва бошланғич партия ташкилотидан редколлегияга биркитилган Акбаров ҳали келмаган.

— Бу номеримизнинг ғоявий мақсади,— деб Сотиболдиев исмли семиз сариқ йигит газета қоғозини никтаб гапиради, пирагўлчиликка қарши курашни кенг кўламда қиздириб юбориб, кечаги бюорода бошланган ишни охирига етказишdir. Мана бу материалларда пирагўлчилар жуда чуқур танқид қилинган, Очилнинг баъзи ҳажвларига ҳам қўшиламан. Лекин, ўртоқлар, Маннонов факультет бюросининг бошида турибди, уни ҳаммага қўшиб танқид қилиш тўғри эмас. Умуман унинг баъзи нуқсонлари бўлиши мумкин, лекин, ўртоқлар, ойда ҳам доф бор. Биз шуни назарга олмасдан...

— Ойдаги доғни назарга олиб Манноновни оқлаш керак!— луқма ташлади Очил.

Вазият жиддий бўлишига қарамай, бир неча киши кулиб юборди.

— Мен сиз гапираётганда жим ўтирган эдим, ўртоқ Самадов. Мен айтмоқчиманки, Маннонов пирагўлчиларга қарши курашнинг бошида турибди. Ҳозир биз танқид оловини Манноновга сочсак, ўз оёғимизга ўзимиз болта уриб, пирагўлчиликнинг тегирмонига сув қўйган бўламиз.

— Оловини сочсак... сув қўйган бўламиз, ўртоқлар,— деб Очил яна кулги чиқарди.

— Ачыл!— деб Сергей қаламининг орти билан столни тиқиллатиб уни тартибга чақирав экан, Аннанинг ғалати қараганини сезиб, қизарди.

Сергейни одатдагидан кўра ёшартириб, уятчан қилиб қўйган соchlари қизғич, оппоқ юзли Аннанинг ўзи унга акс садо бериб яшнаб ўтиради. Бу ҳаммага тушунарли эди-ю, лекин Очил Аннанинг шу ердалигидан руҳланиб, тили ўткирлашиб қолганини ҳеч ким тушунмасди.

Анна Замира билан бир ётоқда туради. Очил учун Аннанинг кўзлари ҳар куни Замирани кўрадиган кўзлар эди, момиқ бармоқлари — Замиранинг қўлларидан ушлайдиган бармоқлар эди, кўпчиб турган лаблари — Замирага яқинлашиб сўйлайдиган лаблар эди, уларда Замиранинг ҳам нигоҳидан, лабларидан бир асар борга ўхшарди. Мана шу тасаввур Очилнинг тилини, ақлинни

қайрар, у ўзи ҳам сезмай Замиранинг дугонасида мумкин қадар яхши таассурот қолдиришга интиларди. У Сотиболдиевдан кейин сўз олди.

-- Сиз, жўра, Манноновнинг обрўсини қўриқлаяпсиз. Майли, ҳар қанча қўриқласангиз ҳам қаршилик йўқ. Лекин обрў керак бўлса бошқаларни ноҳақ, беобрў қилмасин-да. Одамлар уни жамоат иши учун сайлаган, ур-ийқит учун эмас. Берниш керак Сергейнинг мақоласини!

Бу таклифга яна уч киши қўшилди, бир киши бетараф қолди. Мирсаид эса фикрини айтмай, кўзлари ўйноқлаб, ҳамма гапга зимдан қулоқ солиб ўтиради. Кечадан бери рангини анча олдириб қўйган, кўзининг тагида кўкиш соя пайдо бўлган Маҳкам ҳали ҳам оқшомги фикрида тураг;

— Прогулчиликка қарши кураш кетаётган пайтда бунақа танқид билан чиқсан кўса деб тегирмончини уйғотган бўламиз,— дерди.

— Агар кўса — прогулчилар-у, тегирмончи — Зокир бўлса,— деди Очил,— кўсани ҳам, тегирмончини ҳам уйғотиш керак.

— Рост-да, иккى томон ҳам интизомни бузяпти, баравар қараш керак.

— Гап фақат интизомда эмас,— деди Сергей,— гап комсомол ташкилотимизнинг фаолиятида. Секретаримизнинг иш методида. Гап шу прогулнинг манбаларида.

Мақоланинг тарафдорлари баланд келаётганини сезган Мирсаид секин ўрнидан туриб, ташқарига чиқди ва деканатдан Зокирларнинг уй телефонини сўраб олди. Деканатдаги телефон бўш бўлса ҳам ташқарига чиқиб, ёпни ётган сув дўкони олдидаги автомат телефон будкасига кирди.

Зокир уйда экан. Трубканни олган бир аёл уни чақириб берди.

— Алё, Зокиржон! Ассалому алайкум. Бу менман, Мирсаид Кабировман. Ҳа! Яхшимисиз?.. Қечирасиз, мен кутилмаганда безовта қиляпман... Деканатдан олдим. Деканатдан олдим. Деканатдан. Ҳа. Зарур иш чиқиб қолувди. Редколлегия бўляпти. Ҳа. Бу Самадов билан Чумичкин сизнинг устингиздан материал тўплаб келибди. Материал дейман. Ҳа, бўлмағур айблар тақиб бошдан-оёқ ёмонлаб. Шуни чиқарамиз деб туришибди. Ҳа, ҳа!

Менга карикатура ишлатмоқчи. Қарикатура дейман. Ҳа. Ҳеч қўлим бормаяпти, бир хабар берай деб чиқдим... Ҳашу... Ҳа, шундайми? Бир бошини қўйинб беринг бўлмас! Лекин, Зокиржон, бу ўзаро гап-а, тағин... Алё, Зокиржон, алё... Пуф...

Зокир «акамнинг машинаси турибди» деган эди (акаси прокуратурада ишлайди), демак ҳозир йўлга чиқади. Мирсаид олдинроқ қайтиб бормаса билиниб қолиши мумкин.

У шоша-пиша аудиторияга қайтиб келганда одамларнинг бир қисми туриб кетган, кенгаш тўзғиган эди. Сотиболдиев энди фақат Маҳкамга мурожаат қилиб гапирав, афтидан бошқа ҳеч кимга гапи ўтмаслигини ўзиҳам сезганди. Сергей яна бирпас қараб турди-ю кейин қалам билан столни тақиллатиб:

— Уртоқлар, ҳали қиласидиган иш кўп,— деди.— Битта мақола устида шунча гапирганимиз етарли. Маҳкамга сохта ғурур йўл бермаётганга ўхшайди. Қечаги хафачилик учун Зокирдан қасд олган бўлиб кўринмоқчи эмас, шекилли.

— Ҳўп, майли, гапни чўзмайлик,— деди Маҳкам ҳам.— Овозга қўя қол.

Шу пайт эшик кескин очилди ва ҳансираган, қизарган Зокир кириб келди. У бош яланг эди. Қўйлагининг ёқаси тугмаланмаган, узун соchlари юзига тушиб чалкашиб ётибди.

Мирсаиддан бошқа ҳамма бир зум қотиб турди. Зокир айборларни гуноҳ устида тутган одамдай биттабитта юриб Маҳкамнинг тепасига келди-да:

— Нима гап?— деди.

Унинг кутилмаганда кириб келишидан гангид қолгандар бу ғолибона юриши, шубҳа ва димоф билан: «Нима гап?» дейишидан устларига совуқ сув қуйилгандай ҳушёр тортилар.

— Бирор гап бўлиши керакмиди?— сўради Очил кесатиб.

Маҳкам негадир ўрнидан турди.

Зокир уларга аҳамият бермай Сергейнинг олдидағи мақолаларга қўл чўзди.

— Мумкинми?

— Лекин бу сизга оид... танқид.

— Мен секретарь сифатида кўриб чиқишга ҳаққим борми, йўқми?

Очил Маҳкамга қаради: бу сафар ҳам босиқлик қилиб индамасмикин? Ҳа, ҳеч нарса демади, фақат стулини Зокирдан нарироқ суриб ўтириди.

Зокир тикка туриб мақола ва ҳажвни ўқир экан, умумий жимликда қофознинг шитирлаши, унинг тобора тез нафас олаётгани эшитилиб турарди. Ниҳоят Зокир ғазабдан қисилган кўзини қофоздан олиб:

— Шуни чиқармоқчимисанлар? — деди.

— Ҳа, чиқарамиз деган фикр бор,— жавоб берди Сергей совуққонлик билан.

Зокир Маҳкамга юзланди:

— Сиз нима қилиб ўтирибсиз?

Маҳкамнинг лаблари кўкара бошлади.

— Ҳа, нима, мен... нима...

— Ё сизда ҳам шу фикр бормиди? — Зокирнинг юзи истеҳзо билан тиришиди.

Маҳкам ўтирган жойида кўзини катта очиб бир зум гангиг турди. У Зокир ўзи ҳақидаги танқидга аралашмай чиқиб кетади деб ўйлаган эди, энди бу гапларини эшитиб:

— Бор,— деди кескин,— чиқарамиз!

— Тушунарли! — Зокир тишларини қисди. — Шу ишни сизга топширган мен ўзим аҳмоқ. Билар әдим-ку ўша компанияларингизни!

— Лекин мен сизни билмас эканман, Маннонов,— деди Маҳкам ички бир оғриқ билан.

— Билиб қўйинг, мен мана шунақаман!..

— Мен бу қадар майдо одамсиз деб ҳеч ўйламаган әдим.

— Э, майдо одам деб сени айтади!

Гап жанжалга ўта бошлаганини кўриб Сергей аралашибди.

— Менга қара, Маннонов, Маҳкамга нима дейсан? Мана редколлегия, мана авторлар.

— Сен жим тур! Ҳаммаларинг бирсан, мен биламан! Мана.— У мақолани столга отиб урди,— мана буни айтади майдо реванш деб!

— Нима, нима?! — сўради Маҳкам, кўзи ғазабдан хиралашиб.

— Мени билмаган эмиш-у, энди билиб айнаганмиш!

— Шошма, э одам! — Маҳкам оёғининг орқаси билан стулни ғариллатиб суриб ўрнидан сапчиб турди. Тураётиб, оғир бир нарсани елкасида итқитиб юбор-

гандай қаттиқ силкинди.— Ўғил бола бўлсанг очиқ айт бу ерда. Қандала эмассан чақиб қочгани. Қанақа реванш у, а?!

— Биламан! Жонончангни йиғлатиб ҳайдаганимга алам қилдими?!

Маҳкам қўлларини мушт қилиб қўрқинчли вожоҳат билан Зокирга отилди, аммо бир неча киши бирдан орага тушди:

— Э, уят бўлади!

— Кўйинглар, нима бўлди сизларга!

Бўздай оқариб кетган Зокир Сотиболдиевнинг панасидан чиқишга ҳаракат қилиб, хириллаб дерди:

— Алам қилдими?! Қандаладай чақиш мана бунака бўлади!

Маҳкам ўзига ёпишиб олган Мирсаиднинг қўлидан чиқмоқчи бўлиб қаттиқ силтанди, пиджагининг тугмалари учиб тушди ва кўйлаги кифтигача кўриниб кетди.

— Ҳо номард!..— деди у Зокирга қаратса.— Э қўйоворинг сиз,— жеркди Мирсаидни.— Мен муштлашмоқчи эмасман.

— Муштлашиб ҳам кўр-чи!— деб Зокир ўдағайларди.

— Садқан мушт кет-е, номард!

— Хулиган!

— Бас, бас,— деб Очил билан Сергей уларни бирбиридан узоқроқ олиб кетишга уринаётганда эшик қаттиқ тақиллади.

Бир неча киши бирдан ўгирилиб қаради.

## 13

Остонада Акбаров кўринди. У аста тиқиллатганда ҳеч ким эшитмаган, шундан кейин қаттиқ тақиллатганди.

— Редколлегия шу ерда бўляптими?

Сергей тўполон бўлиб кетган кенгашга уялиб кўз ташлар экан:

— Марҳамат, Темир Акбарович, шу ерда,— деди ва Акбаровга пешвоз чиқди.— Биз сизни кутаётган эдик.

— Ҳа, мана ўқиб келдим,— деб Акбаров столга яқинлашди.— Менингча, чиқарса бўлади. Фақат бир оз таҳрир қилдим.

У кўнгилсиз аҳволни сезмагандай бамайлихотир гапирав, бироқ ҳеч кимга қарамас, ҳамма нарсани пайқагани шундан билинар эди. Бирдан жанжал тўхтади-ю, Зокирнинг дағ-дағ қалтирагани билинди. У чирт бурилиб дераза олдига кетди.

Маҳкамни таниб бўлмас эди. Унинг кўзлари косасидан чиқиб кетгудай чақчайган, қонсиз юзидағи мускуллар асабий учар эди. Ўртоқлари уни ҳеч қачон бу аҳволда кўрмаган эдилар. У Акбаров келганини ҳам пайқамай, ички бир титроқ билан яна «о номард!» деди. Очил уни билагидан олиб, столнинг Акбаровдан панароқ бурчагига тортиди.

Одамлар яна газета ёйифлиқ столни қуршаб ўтиришиди. Сергей, келишмовчиликка сабаб бўлган нарсаларни Акбаровга бериб, редколлегия аъзоларининг фикрини айтиётганда Сотиболдиев бориб Зокирни бошлаб келди ва ёнидаги бўш стулга ўтқазди. Акбаров жанжалли нарсаларни ўқиётганда орага жимлик чўқди-ю, Маҳкамнинг ҳали ҳам ўзини босиб ололмай оғир энтикаётгани эшитилиб кетди.

У шу вақтга қадар Зокирни керагидан ортиқ ҳурмат қилар, баъзан ўзидан баланд қўйиб ён берар ва ёқлар эди. Ҳозир юз берган портлаш натижасида ораларидағи парда йиртилди-ю, Зокир бошқача бир одам эканлиги билинди. Маҳкам ўзининг ҳали одам танимаслигини яна бир марта кўриб азиз бир ҳисси — ўзига бўлган ишончи қаттиқ зарб еди.

Очил Акбаровнинг сарғиши тахта қофозни қўлига олганини кўриб, юраги дукиллаб ура кетди: бу қофозга унинг тўртликлари ёзилган эди. Мана, Акбаровнинг жиддий юзига илиқ табассум таралиб, кўзларининг четидаги кулгич чизиқлари ҳаракатга кирди. У кўзойнагини қўлига олиб ёўради:

— Ким ёзган буни?

Очил кўзини пастга туширди. Сергей: «Самадов ёзган» деб жавоб берганда эса қизарди.

— Яхши, демак, — Акбаров қўзойнагининг бандини ёпиб, кафтига қисди,— Чумичкиннинг мақоласию Самадовнинг тўртликлари — шуми? Буларга Сотиболдиев қарши. Редколлегия аъзолари фикрини айтди, дейсиз. Маннонов-чи? Ўртоқ Маннонов, сиз фикрингизни айтдингизми?

Зокир бошини қуёй солиб, бўшашиб ўтирап, афти-

дан жанжалнинг сўққиси энди чиқмоқда эди. «Ҳа» деган маънода бош қимирлатди.

— Мен кечроқ келдим, айтган бўлсангиз ҳам яна бир осойишта эшитайлик. Ҳар ҳолда секретаримизсиз, ишни биздан яхши биласиз.

— Менинг билганим кимга ҳам керак,— деди Зокир, ўпкаси тўлиб. Ўнийг бундай кескин ўзгаришини ҳеч ким кутмаган эди, жимлик бирдан чуқурлашди.— Ўлиб-тирилиб ишлайди киши, бирор бир пуллик қадрламайди. Мен ойлик олиб қиласманми бу ишни? Е бирор раҳмат деяптими? Пайтини топса мана бунақа қорамой суркайди. Инсофисизлик ҳам эви билан-да!

Зокирнинг йигламсирагани кўпчиликка қаттиқ таъсир қилди, ҳеч ким бошини кўтариб унга қарай олмади. Фақат Акбаров тирсақлағини столга тираб, қаватма-қават бармоқларининг ортига иягини қўйиб Зокирга бир-пас тикилди-ю, кейин қўлини пастга тушириб, ўйчан гапирди.

— Гапингизда жон бор. Бизда комсомол ишининг қадри тушиб кетгани рост. Баъзи мажлисларга одам тўплаш — ғалвир билан сув ташишдай қийин. Ижтимоий иш деса эснайдиганлар кўп. Нега? Ахир мажлис бир кишининг ақлини кўпчиликнинг ақлига қўшиб, бир юракка юз юракни пайванд қилиши керак-ку. Ахир ижтимоий иш қорин учун қилинмайдиган виждон иши-ку, эътиқод иши-ку. Ахир бюрони шу омма яширин овоз бериб, «бизга жон куйдиради», деб ишониб сайлаган-ку.

Акбаров лекция ўқигандагидай шошилмай гапирав, фақат овози одатдагидан пастроқ, кўз қарашлари одатдагидан иссиқроқ туюларди. Қўнғир гардишли кўзойнагининг бандларини гоҳ очиб, гоҳ ёпиб, гоҳ қўлида қисиб, гоҳ силкитиб ва шу билан бирор фикрини таъкидлаб қўярди. Унинг гаплари ҳар кимга ҳар хил таъсир қиларди. Зокирни тобора сергаклантирса, ўзбекчани биладиган Сергейга ёқиб борар, Сотиболдиевга шубҳали кўринса, Очилнинг тобора завқини оширав, кенгаш устига босиб келган чақмоқ булутларини тарқатиб, ҳавони очаётгандан осмон нақадар баланд эканини кўрсатётгандай бўларди. Фақат Маҳқам хаёлини йиғиб ололмай, ўзи билан ўзи бўлиб ўтиради. Ниҳоят Акбаровнинг бир гапи унинг онғига сал тегиб ўтди:

— Камида ўн йил, бўлмаса ўн тўрт-ўн беш йил ўқи-

ган ёшлар наҳотки мажлиснинг нималигини-ю, ижтимоий ишнинг нималигини тушунмаса? Тушунади. Тушунса нега қадрига етмайди?

— Мен унақа ёмон маънода қадрига етмайди деганим йўқ,— эътиroz қилди Зокир. Унинг овози энди кўзадан чиққандай бўғиқ эшишилди.

— Мен ҳам яхши маънода айтмоқчиман. Менимча одамларнинг қадру қиммати билан ҳисоблашмай иш олиб бораётгандарингиз учун одамлар ҳам ишларингизни қадрламаяпти. Ҳаёт шу-да, қадрлагани қадрлайди.

Маҳкам бу фикрнинг қанчалик тўғри эканини мулоҳаза қилиб кўрмоқчи бўлган эди, кўнглининг қаериdir қаттиқ оғриди. Кишининг бир жойи лат еганда аввал қизиқ-қизиқ билан сезилмай, кейин сал совуб, қимиrlаганда шундай кескин оғрийди. Ҳаёли тартибсизланиб кетган, бундан бир неча соат олдингига ҳеч ўхшамайди. Энди жанжал унга шундай бемаъни, шундай паст кўринидики, қочиб кетгиси келди. Лекин яна Акбаровни овози эътиборини тортиди.

— Биласизлар, жамоатчи бўлиб сайланса боши осмонга етиб, ҳеч кимни писанд қилмайдиган ҳовлиқмалар бор. Ижтимоий ишни гармсeldай қуритиб, хашаки қилиб қўядиган эзмалар бор. Ҳамма нарсани «ўтказдингми — ўтказдим» деб ҳисоб бериш учунгина қиладиган расмиятчилар бор. Булар ижтимоий ишни ҳажга бориб келишдай бефойда бир расмга айлантириб қўяди. Ҳа, ахир ҳажга бориб келишдан мақсад ҳам «бордингми — бордим» деб гап бўлиш, холос-да. «Ўтказдингми — ўтказдим» деб қилинган ишнинг ҳаждан фарқи нима? Ишларингизнинг қадрини мана шунаقا ҳовлиқмалар, маҳмадоналар, расмиятчилар туширяптими, ё...

— Конкретроқ гапира олмайсизми? — деб Зокир унинг сўзини кесди.— Кимларни назарда тутиб айтяпсиз?

— Хўп, конкрет гапирай,— деди Акбаров,— кеча бюроларингиз яхши тайёрланмаган экан, ноҳақ хафа қилингандар бўлибди деб эшиждим. Лекин буни кўрганим йўқ, айтолмайман. Фақат мана буни қаранг.— У кўзойнагини тақмай кўз олдида тутиб туриб, рус тилида яшил сиёҳ билан ёзилган бир мақолани очди ва қизил қалам билан чизилган абзацини кўрсатиб, Сергейдан ўқиб беришни илтимос қилди.

Сергей ўқий бошлади:

«— ...Иккинчи курснинг энг интизомсиз студентларидан бирни Валя Захаровадир. У бир ҳафтада ўн саккиз соат прогул қилди, персонал иши буорода кўриладиган бўлганда келишни лозим топмай уйига кетиб қолди. Деканатни ҳам, комсомол ташкилотини ҳам писанд қилмаган бундай димоғдор прогулчиларга қаттиқ жазо берилиши керак...»

— Бас,— тўхтатди Акбаров,— шуни сиз ёзгансиз-а, ўртоқ Маннонов?

— Нима қилибди?— деди Зокир хавотирланиб.

— Захарова нега шундай қилди, деб суриштирғанмисиз?

— Албатта, курс бюросига айтилган.

— Захаровлар бизга қўшни. Биласизми, бундан бир ҳафта олдин унинг отаси рак касалидан вафот этган эди.

Бир неча киши бирдан «об-бо» деб юборди. Зокир саросима бўлиб:

— Ие, ахир, бу... нега комсорг хабар бермабди бизга?— деб сўради Сотиболдиевдан.

— Кеча буорода уларнинг группасидан ҳеч ким йўқ эди. Деканатда справка бўлмагани учун курс бюроси ҳам сабабсиз деб ўйлаган бўлиши керак.

— Шу-да,— деб ғижинди Очил,— факультет буроси курс буороларига суюнади, курс буоролари факультет буроси бор дейди, группаларга ҳеч ким бормайди. Отаси ўлганига справка йўқ деб мана бунаقا нарсалар ёзамиз. Бу босилиб чиқса нима бўлар эди? Ҳол-аҳвол сўраш ўрнинг қаттиқ жазо бериларниди?

— Ёмон англашилмовчилик бўлибди-да,— деди Сотиболдиев бош чайқаб.

— Англашилмовчиликми, эътиборсизликми?— сўради Акбаров.— Менимча, ўртоқ Чумичкин ҳақли буор ўтказдик, чора кўрдик деб ҳисоб бериш учун қилинган иш шунаقا эътиборсиз бўлади.

— Айтаверади-да,— пўнғиллади Зокир.— Биз бу ишларни прогулчиликка қарши қилганимиз ҳаммага маълум.

— Нимага қарши қилганингизда ҳам ижтимоий иш қилгансиз. Ижтимоий ишни калтак билан қилиб бўлмайди. Масалани ўрганиб, бир эътиқод ҳосил қилиб, шу эътиқодингизни кишиларнинг онгига етказа олма-

сангиз бу ҳаммаси қуруқ рা�смийтта айланиб қолаверди.

Ақбаров қўзойнагини банди очиқ ҳолда қофоз устига ташлаб, бир нафас тўхтади. Очид сабрсиэланиб қимирлаған эди, пиджагининг түгмадари стол қиррасига тегиб шиқирлаб кетди. Маҳкам қафтини пешонасига тираб, бир чимдим сочини дам бармоқдарига ўтар, дам ёзар эди. У одатда қадалиб ўйланаётган пайтда шундай қиласарди.

Аввал фақат юз берган кўнгилсизликнинг бачкана томондларини кўрсатиб Маҳкамни рӯҳан зэган Ақбаров кейин унинг кўнглидагини топиб гапириб, фикрини ўйғотди ва ўз фикрига эргаштириб кета бошлади. Маҳкам буни сезди-ю, хаёлининг бир четида заиф хотира қўзғалди, Эшонбоев билан учрашгандан кейинги шубҳалари эсига тушди. Бу одам чини билан қизиқ шаклга бузук мазмун солиб берадими деб, гумонсираб қулоқ сола бошлади, Аммо Ақбаровнинг айтаётгандари шакл ва мазмунни алоҳида олиб қарашга имкон бермас, чиройли идиш ва заҳар ҳақидаги тушунчага ҳеч тўғри келмасди. Унинг фикрлари гўё юрагидан ёниб чиқаётгандай ва Маҳкамга иссиқ тегиб, кўнглидаги музни эритаётгандай бўларди. Алангани гулхандан ажратиб бўлмаганидай, бу фикрларнинг шаклини мазмунидан ажратиш мумкин эмасди.

Маҳкам унинг лекцияларини эслади; ҳа, Ақбаров лекция вақтида ҳам мана шундай берилиб, қизғин эътиқод билан гапиради, аудитория ҳам унга берилиб қулоқ солади. Лекин унинг қизиқарли ғапириши билан Зийнатуллаевнинг қизиқарли ғапиришида катта фарқ бор. Маҳкам буни ҳозир сезиб турибди, Ваҳоланки кўп студентлар уларнинг икковини ҳам бир тоғифада деб билади, яхши лекторлар деб атайди. Зийнатуллаев ҳам бошқалардан кўра Ақбаровга ўзини яқин олади. Лекин улар бир тоғифадан бўлса, нега Эшонбоев Зийнатуллаевдан гумонсирамайди? Уларнинг фарқини билгани учундир-да.

Нима бўлғанда ҳам, ҳозир Ақбаров ўзиниң гаплари билан Маҳкамга маънавий ёрдам кўрсатмоқда, унинг фикрини ўйғотмоқда. У ўзи қилаётган ижтимоий ишдан кўнгли тўлмай юрар, айниқса сўнгги ىкки кун давомида қалбидағи кўп нарсалар қўпоридиб, ағдар-тўнтар бўлиб кетган, Маҳкам уларнинг қайсиенини қа-

ерга қўйишини билмай гангиб қолганди. Энди Акбаров бу нарсаларни унга танитар, қаёқдан келганини айтар, Маҳкам эса қаёққа жойлаштириш, қайсисидан воз кечиб, қайсисини олиш ҳақида ўйланарди.

— Мен сизларга,— дерди Акбаров,— шу ижтимоий ишларингиз асос эътибори билан революцион иш десам ҳайрон бўласизлар. Лекин илгариги революционерларнинг ишини ҳозирги шароитда ким коммунизмга қараб олиб келяпти? Кимки шу жамиятимизга холис хизмат қилса. Қаранг, мана шу ғазетани чиқариш учун қанча вақт, қанча куч сарфляпсизлар. Шунга ўхшаған яна бир талай «ойликсиз» ишларингиз бор. Шуни нима учун қиласизлар? Корин учун эмас, чунки шуни қилмаганлар ҳам стипендия олиб юрибди. Раҳмат учун ҳам эмас, чунки трамвайдага чучкурган кишига «соғ бўл» десангиз ҳам раҳмат эшитасиз. Демак, кўп учун, жамият учун қиласизлар. Шундайми?

Очил ўнғайсизланиб қулимсиради.

— Ҳа, нега «жамият» дейишдан уяласиз? Майдачудаларга ўралашиб, бу катта мақсадни кўздан узоқлаштириб қўйганларингиз учунми?

— Йўқ, энди, жуда катта гап-да, одамнинг тили бормайди.

— Майли, тилингиз бормаса ҳам дилингизда бўлса бўлди. Айниқса студентлик даврида бу жуда зарур, чунки киши ҳаётга катта-катта илдиз отадиган пайт кўпроқ студентлик йилларига тўғри келади. Менимча, студентликда отган илдизларингиздан иккитаси айниқса муҳим. Биринчиси, албатта, билим, чунки сизлар бу ерда аввало билим деб юрибсизлар. Лекин билим шундай илдизки, уни пулга сотиб ейдиганлар ҳам бор. Билим мана шунаقا паст мақсадларга озиқ бермаслиги учун жишининг яна бир зўр илдизи бўлиши керак. Биласизлар, бутун истеъодини халқ учун сарфлатан улуғ одамлар ўзларини гражданин деб атаганлар. Студентликда вояга етадиган яна бир илдизларингиз мана шу маънодаги одамийлик — гражданлик бўлиши керак. Содда қилиб айтганда, шу икки илдизнинг бири ўқишида ўсса, бири жамият учун деб қилинган ишда ўсади. Илдизлар бир дараҳтга қелиб бирлашгандай, булар ҳам ҳаётларингизда бирлашиб, бир-бирига киришиб кетади. Лекин шу икки илдизларингиз қанчалик чуқур бўлса, шунчалик юксакка шох ёя оласизлар, қанчалик

мустаҳкам бўлса, ер юзида шунчалик маҳкам қад кўтариб тура оласизлар.

Акбаров чўнтағидан «Қазбек» қутисини чиқариб, бир папироснинг тамакили томонини эзар экан, гапида давом этди:

— Мана шу илдизларимизнинг қулоч отишига халяқит берадиган эски тўнкалар бор. Прогулчилик ҳам, расмиятчилик ҳам шунаقا тўнкалардан. Далани тўнкалардан тозаламоқчи бўлган киши аввал атрофини ковлаб, томирларини очади, а? Биз нима қиласиз? Бора солиб тўнканнинг учидан ушлаймиз-у, бир тортиб чиқармоқчи бўласиз. Э биродар, бу қозиқ эмас, ахир!

Акбаровнинг гапидан жуда қаттиқ таъсирланаётган Очил бирдан кулиб юборди. Мирсаид ҳам ҳиқ-ҳиқлаб қўшилди, қолганлар сал-пал кулимсиради. Фақат Акбаров аввалгидай жиддий, Зокир эса лавлагидай қизарган эди. Мирсаид буни кўриб дарҳол кулкисини тийди.

— Сергейнинг мақоласи худди шуни айтяпти: бу қозиқ эмас, буни бошқа метод билан суғориш керак деяпти. Шундай деса қорамой суртган бўладими?

Бу гапларни бошқа одам айтганда Зокир балки тушунган бўлар эди. Лекин Акбаровни у тан олмасди.

Бунга жиддий сабаблар бор эди.

Зокир биринчи курсдаёқ севиб қолган ва муҳаббат изҳор қилган Фарида шу Акбаровнинг ўғли Наримон билан аҳди паймон қилиб қўйган эди. Зокирнинг изҳоридан кейин қиз факультет бадний кечаларига Наримон билан келадиган бўлди.

Наримон политехника институтининг тўртинчи курсида ўқирди. Ўзи Акбаровдай барваста, юзидан нур ёғилади, ҳамма жиҳатдан Фаридага муносиб.

Зокир умидини узиб, улар борган жойга бормайдиган бўлди, қизни унугаш мақсадида Лола билан бордикелди қила бошлади. Фарида унинг «тумови тарқади» деб ўйлаган бўлса керак, бир кун Наримон билан танишитирди. Учовлари бирга театрга тушдилар. Наримон Зокирни Фариданинг бир ёнига ўтқазди, пастга олиб тушиб пиво қуйиб берди, ўша кунлар институтни битираётган экан, Ленинградга аспирантурага кетаётганини айтди. Кейин бир марта Фарида билан Зокир аудаторияда ёлғиз дарс тайёрлаб ўтирганини кўриб ҳеч нарса демади. Зокирнинг назарида у Фаридага нис-

батан партийирион эмасдай, сал бепарводай кўринди.  
Нега?

Балки...

Мана шу «балки» икки йилдан бери Зокирга ҳамроҳ бўлиб, Фаридага дўст тутиниб юрибди. Бу орада Лоладан узоқлашди. Энди катта ишлар қилиб, Фариданинг олдида ҳаммадан баланд бўлишга интилади. Аммо ҳар сафар Акбаровни кўрганда ҳамон Фариданинг севимлиси бўлган Наримон кўз олдига келади. Зокир Акбаровдан устун келса яхши, лекин Акбаров ҳозиргидай устма-уст енга бошласа у бўғилиб кетади, чунки шу билан Наримон Зокирдан баландроқ ва Фаридага муносаброқ экани исботланаётгандай бўлади. У ўзини камситишни истамагани учун жон-жаҳди билан аксини исбот қилишга уринади.

У Акбаровни тан олмаслигига яна бир сабаб — Эшонбоев билан Ҳакимов уйғотган ишончсизлик эди. Зокир бу ишончсизликни жуда осон қабул қилгани ва маҳкам ушлагани ҳам балки биринчи сабабга боғлиқдир, лекин ҳар ҳолда у ўзини катта одамлар ҳимоя қилишини сезиб, Акбаровга дадил қарши борарди.

«Қорамой» сўзини Акбаров унинг ўзига қайтариб ургандан кейин Зокир ортиқ чидай олмади.

— Ҳа, энди, гапни бурса бурилиб кетаверади, Темир Акбарович,— у яна кескин бош силтаб сочини орқага ташлади.— Сизнинг айтганларингизни ҳам комсомолнинг қадри йўқ деган хulosага буриш мумкин, ижтимоий ишнинг ҳажга борищдан фарқи йўқ, деган гапга олиб келиш мумкин.

Айбнома оҳангига айтилган бу гапга бир неча киши бирдан:

— Наҳотки? Йўғ-э,— деб юборди.

Акбаровнинг ўзи шошиб қолиб:

— Мана, ўтирганлар гувоҳ,— наинки мен шундай маънода гапирган бўлсам?

— Э, сиз бунга аҳамият берманг, Темир Акбарович,— деди Очил. У Акбаровнинг шунаقا фирром гапларга чора топа олмай қоладиган заиф томони борлигини деканатда ҳам кўрган эди.— Зокир ўзи шунақароқ, гапи ўтмай қолса, қилдан қийик қидираверади. Ижтимоий ишни ёмонлаган бўласиз. Манноновнинг иши қадрсиз десангиз умуман комсомол...

— Э, оғзингизга қараб гапириңг, мен унақа тұхмат қылғаним йўқ!— қичқирди Зокир.

— Ҳа, ҳа, гапни ҳар томонга буриш мумкин деди, холос,— қувватлади уни Сотиболдиев.

— Ахир биз гап буриб ўйнаш учун түппланганимиз йўқ-ку,— Акбаров қизишди.— Мен сизга тушунтиromoқчи бўлиб шунча гапирганим бекор кетибди, кўп афсус. Бошқа нима дейиш мумкин? Мана, балки кўпчилик тушунтиар.

Ўнғайсиз жимлик чўкди. Тўсатдан Миrsaид:

— Менда бир таклиф бор,— деб йўталиб ўрнидан турди.— Тушунтириш тўғрисида ўртоқ Темир Акбарович Акбаров яхши айтяптилар. Фойдаланиш керак шундан. Бу танқидни, яъни, демоқчиманки, Зокиржон ҳақидаги... гапларни ёзиб чиқишдан мақсад бюронинг баъзи бир камчиликларини очиш бўлса, ҳозир бу мақсадга эришдик. Мана, секретаримизнинг ўзи ўқиди, унинг ўнг қўли бўлган Маҳкамажон ўқиди. Биз ҳам кўплашиб буларға тушунтиурсак, булар бошқа бюро аъзоларига тушунтиурса, бу танқид мурод-мақсадига етади, ўрнига бошқа нарса чиқараверсак бўлади. Таклифим шуки, кўплашиб тушунтирайлик, Темир Акбарович айтгандай... Яъни..,

Сергей пешонасини қашлаб:

— Ёмон таклиф эмас,— деди.— Фақат яна қандай тушунтириш керак? Аввало ҳаёт ўзи айтиб турибди. Ҳозир эллик бешинчи йил, ҳозир партия устма-уст таъкидляяпти, маъмуриятчиликка барҳам берилсин, ўзбошимчаликка йўл қўйилмасин. ЦК комсомолнинг ҳам маҳсус қарорлари бор. Кўп жойларнинг иши шу нуқтаи назардан қайта кўриляпти. Маннонов ҳаммасини билади, Лекин... Зокир, ну, вижданан айт, нима учун шундай қиласан?

— Нима қилибман?— деди Зокир чўрткесарлик билан.

Сергей ҳайронман деган маънода қўлинни ёзди:

— Ана холос. Яна ҳаммасини бошидан бошлиш керакми?

— Ҳа, нима гуноҳ қилибман ахир?— деб Зокир ҳужумга ўтди.— Прогулчиларни ранжитган эмишман. Ранжитмасдан шундай давом этавер деб бошини силаш керакмиди? Курс бюросининг айби билан Захарова масаласида англашилмовчилик бўлибди. Шунинг учун

мени ўзбошимчадан олиб, тушунмайдиганга солиб, бўлмаган айбларни тақайсизларми? Бемаслаҳат иш қилган эмишман. Ҳе, бюро аъзоларидан сўранглар, ўтган куни ким бюро тўплаб маслаҳатлашган экан?

Лўнда-лўнда қилиб айтилаётган бу дадил гаплар билан Зокир ўз устига ортилган айбларни битта-битта олиб ташлаётганга ўхшарди. Лекин бирдан Сергей унинг сўзини бўлди:

— Танаффус вақтидаги беш минутлик бюроми?  
Беш минутда қанчалик маслаҳат қилиш мумкин?

— Керагича қилдик, ўртоқ Чумичкин.

— Маслаҳатни ҳам писанд қилмагансиз, ўртоқ Маннонов. Маҳмудов шу бюрони яхшироқ тайёрлайлик деганда нима дегансиз, эсланг.

Бекор гап.

Шу вақтгача жим ўтирган Маҳкам:

— Бас,— деди Сергейга. Бу гапнинг охири бўлмайди, деган маънони ҳамма тушунди.

— Ҳа, бас,— деб Очил унинг сўйлаганидан қувониб, дарров маъқуллади.— Бизнинг холис гапираётганимизга Маннонов ишонмайди. Мақолани чиқариш керак. Биз тушунтиrolмаган нарсаларни уч юз кишилик колектив тушунтирас, ахир.

— Чиқаринглар, майли,— Зокир титраб ўрнидан турди,— лекин билиб қўйинглар. Мен бу бюрони ўз бийлигимча ўтказганим йўқ, деканат билан маслаҳатлашиб ўтказганман, парторгимиз маъқуллагандан кейин ўтказганман.

Ҳамма жим бўлиб қолди.

— Аниқ шундай бўлса, буни ҳам ёзиш керак,— деди Акбаров паст ва қатъий товуш билан.— Ким нотўғри маслаҳат берган бўлса ҳаммасини рўй-рост айтиш керак.

— Э айтсан, қўрқадиган одам йўқ!— деб Зокир эшикни тарақлатиб очди, лекин ёпмай чиқиб кетди.

Очиқ эшик орқали коридордан тушган ёргуда аудитория қоронфилашиб қолгани билинди. Анна туриб, девордаги включателни чиқиллатган эди, уч ламнали қандил ёғдуси нотинч ва ҳаяжонли юзларга тушди. Очил ңурдан қўзини қисиб ўртоқларига бир қаради-ю;

— Бу ерда ҳам дўқдан қўрқадиган одам йўқ,— деди ва эшикни ёпишга кетди.

Зокир эрта билан троллейбусдан тушиб факультетга томон борар экан, катта кўчанинг нариги юзида Зуфар Ҳакимовични кўриб қолди ва машиналарга чап бериб унинг олдига югуриб ўтди. Ҳансираб сўрашди-да, деди:

— Домла, кеча оқшом сизни шунча қидирдим. Уйларингизга ҳам телефон қилдим. Бахтга қарши тополмадим.

Зуфар Ҳакимович унинг ташвишли юзига қараб бирдан юришни секинлатди:

— Нима, тинчликми?

Зокир редколлегияда бўлган гапларни айтатиб Ҳакимов билан Эшонбоевга ҳам тил тегизилганини алоҳида таъкидлади. Шундан сўнг Зуфар Ҳакимович Акбаровнинг нималар деганини такрор-такрор сўради.

— Газета ҳали осилгани йўқми?

— Оқшом тайёр эмас эди,— деди Зокир,— агар аzonлаб осишган бўлмас...

Зуфар Ҳакимович юришни кескин тезлатиб, қўнғир чарм папкасини у қўлидан бу қўлига олди. Зокир унинг ошиқаётганини, тезроқ факультетга етиб, қатъий бир чора кўрмоқчи эканини сезди ва ич-ичидан қувониб қўйди.

Лекин факультетга кириб, коридорда одам тўпланиб турганини кўрди-ю: «Газета аллақачон осилибдида», деб юраги шувиллаб кетди. Студентлар ғуж бўлиб ниманидир яқинроқдан ўқишга ҳаракат қилишар, яна ниманидир бир-бирларига кўрсатиб кулишарди. «Боплашибди!» «Танқид мана бунаقا бўлади-да», деган гаплар анча беридан эшитирарди. Фақат кимдир ўғирилиб, Ҳакимов ва Зокир яқин келиб қолганини кўрди-ю: «Тиш декан!» деб шипшиди. Ҳамма бирдан жим бўлиб қолди.

Уларни қойил қилаётган танқид Зуфар Ҳакимовичга ҳам тегишли эканини мана шу жимликдан билса бўлар эди.

Зокир олдинроқ ўтиб, «айтмадимми», деган маънода Зуфар Ҳакимовичга қаради. Лекин Зуфар Ҳакимович унга ҳам, газетага ҳам қарамай, ранги оқарган ҳолда тўғрига тикилиб борарди.

Тўпланиб турган студентлар салом бергандага уларга ҳам қайрилиб қарамади, «ҳаммасини биламан» дегандай хиёл бош қимирлатиб алик олди-ю, ўтиб кетди.

Зокир ундан ажралиб қолса студентларнинг кўзлари чақиб оладигандай бўларди. Шунинг учун Зуфар Ҳакимовичдан ажралолмай деканатга бирга кирди. Декан қабулхонада ҳам тўхтамай дарҳол ўз кабинетига йўналди, лекин эшикни орқасидан ёпмади. Зокир ўзининг ҳам кириши мумкинлигини шундан сезиб, ичкарига журъатсизгина қадам қўйди.

Кабинетдаги диванда Эшонбоев кутиб ўтирар эди, Зуфар Ҳакимовични кўриб, дарҳол ўрнидан турди ва қўл бериб кўришмоқчи бўлди. Аммо Зуфар Ҳакимович оғзаки кўнгилсизгина саломлашди-да, тўрдаги столга қараб ўтди. Креслосига ўтираётуб:

— Ҳа, аҳволлар қалай, танқидлардан хурсандмисиз?— деди.

Муҳаммаджонга доим илиқ муомала қиласиган Зуфар Ҳакимович бугун нега қўл бериб кўришмагани мана шу истеҳзоли саволдан билиниб турарди. Муҳаммаджон редколлегиядаги ҳамма ишлардан хабардор бўлмоғи, ҳамма аъзоларни йўлга солмоғи керак эди. У шуни қилмагани учун Зуфар Ҳакимович хафа бўлмоқда эди.

— Мен бехабар қолибман, Зуфар Ҳакимович, ранжишга ҳаққингиз бор,— деди Муҳаммаджон ўнғайсизланаб.— Кеча куни бўйи агитпунктдан чиқолмадим. Сайлор яқин...

— Айтмабмидим сизга?— деб Зуфар Ҳакимович унинг сўзини кесди.— Акбаров ҳужумга ўтятти демабмидим?

Зокирнинг кўзи олдида Муҳаммаджоннинг обрўси нақадар баланд бўлса, ҳозир унга ҳадди сифиб қаттиқ гапираётган Зуфар Ҳакимовичнинг обрўси шу қадар ортиб борар эди. «Акбаров ҳужумга ўтятти» деган сўзлар эса кечаги редколлегияни Зокирга янги бир томондан кўрсатарди. «Ҳакимов буни олдиндан сезган экан-а», деб дамини ичига олиб ўйланарди у. «Фақат ҳужум дейиши... Ҳа, ахир бир-бирлари билан чап-ку. Бу сўзни менинг олдимда айтди-я. Бошқаларнинг... Маҳкамага ўхшаганларнинг олдида айтмас эди. Йишонмас эди».

Муҳаммаджон Зуфар Ҳакимовичнинг койишига жавобан бош эгигиб:

— Айтган эдингиз,— Лекин... кечирасиз, устоз.

У Зуфар Ҳакимовични илмий раҳбар бўлгани учун «устоз» дерди-ю, лекин бу сўзга кенг маъно берарди ва уни камдан-кам ишлатарди. Зуфар Ҳакимович ҳам бу сўзда ўзига нисбатан ихлос, садоқат борлигини сезиб одатда тез юмшарди.

— Нима депти ўзи, ўқидингизми?— сўради у, ҳозир ҳам хиёл ҳовуридан тушиб.

— Ҳа, шу қилдан қийиқ қидириб бизни ёмонлаб ёзишганмиш...

— Демак ўқиганингиз йўқ. Энди нима қиласиз, коридорда тикка туриб ўқиб келамиزمий? Ҳиринглаб кулаётганларнинг орасига сукулиб-а? Дуруст. Газета чиқмасдан олдин ўқиб йўл-йўриқ кўрсатиш ўрнига энди ташқариға чиқиб ўқиб келамиз. Балли-е!

Муҳаммаджонга ҳам ўзи ҳақидаги танқидни коридорда тик туриб оддий студентларнинг бири бўлиб ўқиш яраннинг устига туз сепишдай оғир туюларди. У дамини чиқармай турган Зокирга ўгирилди ва уни Энди кўргандай:

— Мана,— деди Зуфар Ҳакимовичга,— рухсат берсангиз, Маннонов бориб олиб келади. Керак бўлса кейин яна чиқариб осармиз.

— Редактор қаерда? Осмасдан олдин бизга кўрсатиши керак эмасмиди?

— Э, редактори бўлмайди, Зуфар Ҳакимович. Мен ҳозир чақириб қўп уришдим. Тан олмайди. «Деканат билан парттурппадан Акбаров бор эди», дейди. Узоқ йили шу Акбаров редколлегияга бекор киритилган экан-да.

— Ҳа, бу одам ўтган йиллари писиб юрган экан-у, билмас эканмиз. Нега ўтирумайсиз? Утилинг... Мана энди вазият юмшагандан бери ўзини кўрсатяпти. Иложи бўлса-ю, ҳаммани бизга қарши қаратса, мени ағдариб ўрнимга ўтираса, сизни фанга йўлатмаса, Ўзбекистон тарихини бир ўзи ўқиса. Шунинг учун ҳали менинг илмий мақоламдан хато топади, ҳали сизнинг бобларингизни ерга уради. Ўтган куни менга яна айтди: Эшонбоев ёзғани боблар илмий иш эмас, ҳаммаси қуруқ гап, деди. Муҳокама бўлса шу даъвосини исбот қилиб бермоқчи.

Муҳаммаджон қип-қизариб, кўзлари учқунланиб гапиди:

— Тўғри, аввал шу одамни фош қилмасак тинчимайдиганга ўхшаймиз.

Зокир унинг чуқур ишонч билан гапирғанини сезди, бояги «хужум» сўзининг бутун маъносини ҳам энди аңглади. Шундай катта одамлар уни мухим гапдарга ўширик қилаётганидан яна бир марта фахрлаанди. Бунинг эвазига эшитганларини ҳеч қаерда оғзидан чиқармасдикка аҳд қилиб қўйди.

Шу пайт Зуфар Ҳакимович унга:

— Боринг бўлмаса, олиб келинг,— деди.

Энди Зокир чақиб оловчи кўзлардан қўрқмасди, бошқалар билмайдига нарсаларни билгани уни бир қалқондай ҳимоя қиласарди. У катта картон газетани девордан кўчириб олди-ю, студентларнинг таажжубдарига аҳамият бермай, деканатга олиб кириб кетди. Кейин Зуфар Ҳакимович ва Муҳаммаджонга қўшилиб ўқий бошлиди.

Газета бошдан-оёқ интизомни яхшилашга, прогулни бартараф қилишга қаратилгац эди. Зокирнинг нотўғри иш методи ва кўп прогул қилгани ҳам, Эшонбоев билан Ҳакимов бунга бармоқ орасидан қарашгани ҳам, тайёргарликсиз бюро ўтказишга, маъмурий чоралар кўришга маслаҳат беришгани ҳам интизомсизликнинг манбалари сифатида танқид қилинган эди. Бу танқид газетада озгина жойни эгаллаган бўлса ҳам, танқид қилинганларга ундан бошқа нарса кўринмасди. Уни Ақбаровнинг хужуми деб билғанлари учун фактларга аҳамият беришмас, асослими, асоссизми деб фикр юритишмасди. Фақат бир нарсани — шу танқидга қарши зўр бир далил топиб енгиди чиқишини ўйлашарди.

Муҳаммаджон дафъатақ хаёлига келған далилни ўртага ташлади:

— Бу сон фақат прогудни танқид қилишга бағишилаши, керақ эмасмиди? Нега асосий масала қолиб кетиб, комсомол бүросидан биздан камчилик қидиради? Коллективнинг эътиборини чалғитищ мақсадидами?

— Энг муҳими,— деди Зуфар Ҳакимович,— факультет раҳбарлари билан оммани бир-бирига қарши қўяётганида! Қаранг: деқан ёмон, партгрупдор ёмон, комсомол секретари ёмон. Демак бутун раҳбардар бир томон-у, омма бир томон. Бундан ёт нарсанинг ҳиди келади.

Муҳаммаджон Зуфар Ҳакимовичнинг гапида зўр мантиқ сезиб, бирдан енгил тортиди.

— Ҳа, буни текшириш керак,— деди.

Зуфар Ҳакимовичнинг юзида ҳам энди безовталик ифодаси йўқ эди. У шошилмай ўрнидан турди, ҳозир лекцияси борлигини, шундан кейин проректор Назаровнинг олдига чиқажагини айтди ва эшикка йўналди. Зокир газетани ўрам қилиб стол четида қолдирди.

Бир соат ўтди, икки соат ўтди, лекин газета Зуфар Ҳакимовичнинг кабинетидан қайтиб чиқмади. «Газетадан сиёсий хато чиқибди, редколлегия жавобгарликка тортилармиш» деган гап тарқала бошлади. Ҳаяжонга тушган Сергей коридорда Зуфар Ҳакимовични тўхтатиб, бу гапларнинг қанчалик тўғрилигини билмоқчи бўлди. Лекин Зуфар Ҳакимович истар-истамас жавоб берди:

— Ҳаммасини текширамиз.

— Майли, текширинг, Лекин миш-мишлар кўпайиб кетяпти, газетани жойига осиб қўйиб текширсангиз бўлмайдими?

— Қандай текширишни ўзимиз биламиз, йигитча,— деди Зуфар Ҳакимович заҳарханда билан ва ректорат томонга кетди.

Сергей бирлаҳза ўрнидан жилолмай турди. Сўнг «бу ҳаммаси танқидга чидомаслиқдан», деган фикрга борди-ю, шиддатли қадамлар билан иккинчи қаватга чиқди ва дерматин қопланган баланд эшик олдига келди.

Бу ер партбюро эди.

Бюро сскретари Караматов телефонда аллаким билан гаплашаётган экан. Сергейга ўтириб туринг, деб ишора қилди. Сергей четроққа ўтириб, унга қарай-қарай кута бошлади.

Обид Ўйлошевич Караматов элликларга борган, қотмадан келган новча киши эди. Сийраклашиб қолган сочи ҳали қоп-қора, энли қошлирининг ораси очиқ, чўткасимон тўрт бурчак мўйлови баъзан лаби билан бирга қимирлаб қўяди. Сергей уни биринчи марта кўрганда мана шу мўйловига, жуда оддий кийинишига иссиқ соvuқдан қорайиб пишган юзига қараб, «бизга бирон заводдан юборилган бўлса керак», деб ўйлаган эди. Кейин билса, Караматов геология олимни экан, экспедицияларда кўп юриб чиқсан, оддий кийинишига, жуда жўн муомала қилишга ўрганган экан.

Лекин ҳозир Сергей бу тўғрида ўйламас, Караматовнинг телефонда нима деяётганини ҳам уқмасди. Факат унинг кўкрак қаъридан чиқаётган йўғон, паст, босиқ овозини ҳис қиласди. Бу овоз осойишта эшитилган

сари Сергейнинг ичидаги ҳаяжон кучлироқ товуш берарди.

— ... Ўша тоғнинг Бургутхона деган жойида,— дерди Караматов.— Ҳа, Султон Алимович, албатта. Менинг фикрим сизга маълум. Қадимги кон тош чўкич топилган тарафда бўлиши керак. Ҳа, тоғ босиб қолган бўлиши ҳам мумкин. Лекин бу чўкич бошқа жойлардан келтирилган деювчилар ҳам бор. Кўрамиз-да. Кутяпман. Йўқ, телефон қилишлари мумкин. Ҳа, албатта, телеграмма... Агар хабар келса командировка берасиз-да. Йўқ энди, Султон Алимович...

Караматовнинг ректор билан гаплашаётганини Сергей энди пайқади. У Караматовнинг қадимги конлар тадқиқоти билан шуғулланаётганини, геология кафедрасида ғон ишининг тарихини кўрсатувчи музей ташкил қилмоқчи эканини эшитган эди. Ҳозир шуни эслади, ўзини босиб қулоқ сола бошлади.

— Энди қандоқ қиласиз. Бюронинг ишига ҳам киши ўзини тўлиқ бағишлиши керак, фанга ҳам бутун борлиғингиз билан берилмасангиз бўлмайди. Бу шунача бир диалектика. Албатта-ку. Кўпчиликмиз, биримиз бўлмасак биримиз... Йўқ, ҳозир мана бу материалларни кўряпман. Қачон келасиз? Шундайми... Унгача ўқиб чиқарман. Кейин олдингизга кираман. Хўп.

У трубкани қўйиши билан Сергей ўрнидан туриб бориб, кўришди-ю, воқеани айтиб берди. Обид Йўлдошевич ҳайрон бўлиб, яна трубкани олди ва Ҳакимовни телефонга чақирди.

— Қаерда?.. Ўртоқ Эшонбоев-чи? Факультетдами? Караматов илтимос қилди денг, ҳозир партбюорога келсин.

Обид Йўлдошевич трубкани қўяётиб хонанинг бир четида ўтирган секретарь қизга мурожаат қилди:

— Ҳакимов проректор Назаровнинг олдида экан. Бориб менинг номимдан сўрасангиз, қайтишда бир учраб ўтса.

То чақирилганлар етиб келгунча Караматов Сергейдан газетанинг мазмунини батафсил сўраб олди. Сўнг Ҳакимов кирганда ўрнидан туриб кўришди ва ҳазиломуз кулиб деди:

— Газета йўқотдик.

— Суюнчиси бўлса топиб берамиз,— деб Зуфар Ҳакимович ҳам шўх жавоб қайтарди.

Ҳозир Зуфар Ҳакимовичнинг беозор, очиқ чеҳрасини кўрган киши унинг бояги таҳдидли қиёфасини кўз олдига келтиrolmas эди. У, партбюро аъзоси ва декан сифатида Караматовнинг олдига кўп келар, доим мана шундай илиқ юз билан гапирап эди. Улар ўзаро ҳазиллашиб-кулишиб ўрганган эдилар. Газета ҳақида Сергей келтирган кўнгилсиз хабар билан Зуфар Ҳакимовичнинг бу шўх гапи ва хотиржам кўриниши бир-бирига мутлақо тўғри келмасди. Шунинг учун Сергей: «Мен Караматовга ҳовлиқма кўринмасам эди», деб хавотирланди.

Эшонбоев кирди ва Караматов билан кўришиб, қуюқ сўрашди.

— Йўқ, чини биланми?— деди Караматов Ҳакимовга қараб.— Деворий газетани кабинетингизга киргизиб қўйганингиз ростми?

— Мен? Ана холос,— деб Зуфар Ҳакимович Сергейга қараб кулди. Сўнг Муҳаммаджонга юзланди:— Бу қанақаси бўлди?

— Қизиқ,— деб Муҳаммаджон ҳам Сергейдан кулиб гапириди:— Обид Йўлдошевич, бу ерда бирон англашилмовчилик борга ўхшайди. Газета ҳовир коридорда осиқлиқ турибди.

Сергей оппоқ оқариб кетди. У билмас эди: Караматов чақиргандан кейин Зуфар Ҳакимович Сергейнинг партбюрога арзга келганидан хабар топган ва деканатга телефон қилиб, газетани дарҳод осинглар деган эди. Муҳаммаджон ҳозир унинг шу топширигини бажариб келганди.

— Ие, бу қандай бўлди?— деб Обид Йўлдошевич Сергейга тикилди.

Сергей ҳамон ҳушини ўзиқиб олодмай:

— Нега энди? Нега?— деярди.

— Билмайман, ўртоқ Чумичкин бу ерга келиб нима деган,— давом этди Эшонбоев.— Бизда газетанинг ҳарсонини осмасдан олдин деканга бир кўрсатиш одати бор. Маннонов щуни Зуфар Ҳакимовичга кўрсатиш учун олиб кирган экан. Яна чиқариб осиб қўйди.

— Йўқ, ахиэр, Зуфар Ҳакимович, ўзингиз айтмадингизми, текширамиз демадингизми?— сўради Сергей бирдан оловланиб.

— Ҳа, текширамиз,— деди Зуфар Ҳакимович муло-йимлик билан. У ҳамон илиқ кўдимсираб гапирапарди.—

Лекин текширишдан мунчалик қўрқмасангиз бўлар эди. Гап бундай, Обид Йўлдошевич...

Зуфар Ҳакимович Сергейнинг олдида гапиришдан ўнғайсизланиб тўхтади. Сергей ўрнидан туриб, паст овоз билан:

— Обид Йўлдошевич, мени ёлғончи деб ўйламанг,— деди.— Мен бу ерга келаётганимда газета деворда йўқ эди. Мен сизга...

— Йўқ, мен сиз тўғрингизда ёмон ўйга борганим йўқ, балки тушунмовчилик бўлгандир,— деб Обид Йўлдошевич уни эшиккача қузатиб қўйди.

— Ёш-да,— деди Зуфар Ҳакимович. У ёш боланинг гуноҳини кечирган кишидай кўнгилчанлик билан сўзларди.— Ҳаммамиз ҳам ёш бўлганмиз. Киши ёшликда кўп ҳовлиқади, хато қилганини билмай қолади. Бир чеккаси биздан ҳам ўтди, Обид Йўлдошевич, бошқа ишларга андармон бўлиб, газета чиқаришга бевосита қатнаша олмадик. Бу Чумичкин ҳовлиқиб, ишни бир оз...

Зуфар Ҳакимович мулоиймроқ сўз қидириб тўхтаган эди, Мұҳаммаджон лўқма ташлади.

— Бузиб қўйибди.

— Шундайми?— Қараматов қошларини чимириб диққат билан қулоқ соларди.

— Ҳа, Обид Йўлдошевич, хабарингиз бор, биз прогул тумовига йўлиққан эдик. Ҳаммани шу тумовга қарши сафарбар қилдик. Комсомол бюроси тўмовлаганларни чиқариб лозим бўлганича чора кўрган эди. Жазо олганларнинг бир-иккитаси хафа бўлибди. Биласиз, бусиз мүмкин эмас. Бу газетамиз келиб-келиб ўша хафа бўлганларнинг тарафига ўтибди-ю, бюрони ёмонга чиқариб, секретарга карикатура чизиб чиқибди. Мен билан Эшонбоевни ҳам,— деб Зуфар Ҳакимович яна мулоийм кулди.— Комсомол секретаримизга қўшиб, ҳалигидай...

— Э, бути Чумичкин ўзи қилмаган, Акбаровнинг гапига кириб қиласан,— деди Мұҳаммаджон.

— Қайси Акбаров?.. Доцентми?.. Сайллов комиссиясида бормиди? Хўш, хўш?

— Биз уни редколлегияга ўқитувчилар билан партгруппадан вакил қилиб киритган эдик,— деди Мұҳаммаджон.— Шундан фойдаланибди-ю, ёшларнинг фикрини чалғитибди, газетани хато йўлга солиб юборибди. Натижада омма билан бошлиқлар бир-бирига қарши

қўйилибди, сиёсий жиҳатдан соғлом бўлмаган бир иш юз берибди.

Бу Обид Йўлдошевичнинг Сергейдан эшигтан гапларига бутунлай тўғри келмас эди. У қоғозларини йигиштириб, ўрнидан турди ва секретарь қизга тайинлади:

— Агар тоғдан телефон қилишса, мен тарих факультетида бўламан, чақиравсиз.

Эшонбоев алланарсадан хавотирлангандай кўзлари бежо бўлиб Зуфар Ҳакимовичга қаради.

Лекин Зуфар Ҳакимович:

— Факультетга борсангиз бошимиз осмонга етади, Обид Йўлдошевич,— деб қувонч билдириди.

## 15

Улар учови деворий газета осиғлиқ жойга келдилар. Лекция вақти, коридорда ҳеч ким йўқ. Мұҳаммаджон бундан хурсанд бўлди. Зуфар Ҳакимович эса ҳозир бу тўғрида ўйламас, бутун эътиборини бир жойга тўплаб, Обид Йўлдошевич ўқиётган мақолаларга қарап ва унинг юз ифодасини кузатарди. Мана, Караматов газетани бошдан-оёқ кўриб чиқди, лекин унинг юзида Зуфар Ҳакимович кутган норозилик кўринмади. Аксинча, у карикатуralарни кўраётганда мўйлови қимиirlab, мамнун кулимсирагани билинди. Зуфар Ҳакимович бояги гапларни бир оз юмшатиш учун:

— Шу ерлари анча дуруст,— деди.

— Бошқа ерлари ҳам, менимча, ёмон эмас,— деди Обид Йўлдошевич.

Эшонбоев шошиб қолди. Обид Йўлдошевичнинг кўзларида қаттиқ норозиликдан дарак берувчи бир ифода пайдо бўлди. У эътиrozларини Ҳакимовга қаратгиси келмади шекилли, Эшонбоевга юзланди:

— Сиз бу газетани чиқарганларга жуда катта айб қўйдингиз. Агар...

Коридорнинг нариги четида секретарь қиз кўринди. У югуриб келмоқда эди. Обид Йўлдошевич тоғдан телефонга чақиришганини сезди-ю, гапи оғзида қолди.

— Уша ерда давом этдиришга тўғри келади,— деб шошилиб жўнади. Лекин нарироққа бориб орқасига ўгирилди:— Ким эди? Ҳа, Акбаров. Акбаровни ҳам бирга олиб келинглар.

Акбаров ҳозир факультетда йўқ эди.

Ҳакимов билан Эшонбоев иккови бир оздан сўнг Қараматовнинг олдига боришида ва проректор Назаров уни қизғин табриклиётгани устидан чиқишиди.

— Хушхабарми?— сўради Зуфар Ҳакимович ҳам табриклиашга қўл чўзиб.

— Хушхабар бўлганда қандоқ!— деди проректор қувонч билан.— Обид Йўлдошевичнинг гипотезаси тўғри чиқди. Бекилиб қолган қадимги бир кон шу гипотеза асосида очилди. Мана энди, Обид Йўлдошевич, командировкангизга ҳам катта йўл очилади, музей масаласи ҳам осонлашади.

Юзлари қувончдан қизарган Обид Йўлдошевич табрикларга паст товуш билан раҳмат айтарди. Муҳаммаджон унинг қўлини қисаётиб кафти ҳам ҳаяжонидан исиб кетганини сезди. Кейин Обид Йўлдошевич ўзини босишга ҳаракат қилиб, газета масаласига қайтди. Лекин энди у Муҳаммаджонга қараганида кўзларида боягидай қаттиқ, синовчан ифода йўқ эди, бунинг ўрнини ҳам илиқ севинч олганди.

— Ҳали нима деяётган эдик?.. Ҳа. ҳа. Редколлегия... ўртоқ Эшонбоев, агар мен ҳам редколлегияда... айтганча, Акбаров қани?.. Шундайми. Агар редколлегияда... бўлсаму ўша мақолада ёзилган камчиликларингизни кўрсам, мен ҳам аямай танқид қилар эдим. Ҳеч бир жойи оммани раҳбарларга қарши қўйиш бўлмас эди. Чунки, биласиз, ҳаммамизнинг ягона раҳбаримиз бор. Бу — партия. Агар партиянинг кўрсатмаларига ҳар тарафлама тўғри амал қилаётган бўлсангиз-у, бирор бунга қарши чиқса... у бошқа гап. Йўқ, агар шу кўрсатмаларни амалга оширишда баъзи бир камчиликларга йўл қўйган бўлсангиз-чи? Унда колективнинг ҳар бир оддий аъзоси камчилигинги кўрсатиши керак эмасми? Буни айб деб биладиган бўлсак сизга фақат мен камчилик кўрсата олар эдим, менга фақат райком камчилик кўрсата олар эди. Унда биз оммадан ажралиб қолар эдик, партиянинг катта бир кўрсатмасини бузган бўлар эдик. Ваҳоланки ҳозир биз қуидан назоратни кучайтиришга жуда кўп аҳамият беряпмиз.

Муҳаммаджон индамай бошини қуи солиб ўтирас, Зуфар Ҳакимович эса унга қараб мулойим кулимсиради. Бу билан гўё: «Қараматовнинг олдида газетани сен ёмонлаб гапирдинг, энди жавобини ҳам ўзинг эшитяп-

сан, менга дахли йўқ» демоқчи бўларди. Лекин Муса Назарович гапга аралашиб:

— Мен Зуфар Ҳакимовиҷдан эшиитган эдим,— деди.— Балки булар керагидан ортиқ хавотирлангандир. Баъзан шунақа бўлади-ку. Киши танқид қилувчига унча ишонмаса ип ҳам илон бўлиб кўринади.

— Ҳа, ҳа, ҳикматли гап айтдингиз, Муса Назарович,— деб Ҳакимов дарҳол уни қувватлади.— Ҳақиқатан, танқидни уюштирган кишига ишонч.., масаласи бор. Обид Йўлдошевич, сиз ўзингиз бориб кўрдингиз. Ишқилиб хавотирланадиган жойи йўқми ахир?.. Ундаи бўлса холис фикрингиз бизга жуда қийматли ёрдам. Лекин биз бефараз танқиддан қўрқмаймиз. Мана, Муса Назарович яхши билади. Хавотирланганимизнинг сабаблари ҳам бор. Лекин камчиликларимиз ҳам йўқ эмас.

— Ҳа, энди бундан буён бу ерда айтилган гапларни ҳисобга олиб иш қиласиз,— деди Мұҳаммаджон ҳам.

Улар кетмоқчи бўлиб ўринларидан турганда Обид Йўлдошевич Эшонбоевни тўхтатди:

— Акбаровни кўрсангиз, илтимос, бугун менга учрашсин. Шу одамни яхши билмайман, бир суҳбатлашиб кўрай. Лекин бугундан қолса бўлмайди, эртага тоққа кетишим керак.

— Хўп, Обид Йўлдошевич, албатта айтаман.

Ҳакимов билан Эшонбоев хайрлашиб кетганларидан кейин:

— Об-бо, Обиджон-эй, шундай қилиб, кон топибсизлар-а,— деди Муса Назарович хушхабарни қувонч билан эслаб.

У Қараматов билан бирга рабфакда ўқиган пайтларида ҳам ўз ўртоқларининг ютуғидан мана шундай са-мимий қувона оладиган оқ кўнгил йигит эди. Рабфакдан кейин улар қарийб йигирма йил бир-бирларидан узоқда бўлдилар. Лекин бурноғи йил Обид Йўлдошевич геология бошқармасидан бу ерга ишга келгандан кейин яна топишдишар. Илмий ишлар бўйича проректор бўлган Назаров Қараматовнинг геологияга оид идеяларига ишонч билан қараган, олимлар советида, ректоратда кўп ён босган эди. Шунинг учун Қараматовнинг бугунги ютуғи унга алоҳида бир мамнуният барашламоқда эди.

Обид Йўлдошевич ҳам хушхабарни яна бир эслаб, қувончини ичига сиғдира олмай ўрнидан турди. Унинг ўтиргиси келмас эди. Лекин тарихчидар ҳақидаги гап-

ни охирига етказиши кераклигини ўйлади-ю, Муса Назаровичнинг ёнига, диванга келиб ўтирди.

— Муса, сиз шу факультетнинг кафилини олган одамсиз,—деди кулимсираб. У Муса Назаровичнинг тарихчи эканини, ректорат томонидан ҳам, партбюро томонидан ҳам тарих факультетига биркитилганини назарда тутиб гапиради.—Менга бугун Ҳакимов одатдаги дан бошқачароқ кўринди. Газетани кабинетига киритиб қўйгани, редактор йигитнинг келиб айтганлари... Шу Ҳакимовда ҳам бир оз танқидни бўғиш одати борми, деб ўйланиб қолдим.

Муса Назарович бир лаҳза ўйланиб турди-да:

— Йўқ,—деди қатъий.—Мен биламан, баъзан қаттиққўллик қиласи, лекин ҳақ гап бўлса тан олади. Ҳозир кўрдингиз-ку, ўзи танқид ҳам ишонган одамдан чиқса тез сингади. Бу Акбаровларга унча ишонмайди. Ишонмаслиги ҳам бежиз эмас.

— Акбаровлар? Яна ким бор?

— Зийнатуллаев дегани бор. Билишимча, булар Ҳакимовнинг оёғидан тортишяпти. Сиз ҳозир қўйидан назоратни кучайтириш керак дедингиз, тўғри. Лекин баъзилар мана шу вазиятдан фойдаланиб, танқид билан обрў ортдирмоқчи бўляпти. Бошлиқларни танқид қилиб танилиш осон-да, ҳаммага ботир бўлиб кўринади.

— Демак булар...

— Ҳа, мана сизга бир факт,—деб Муса Назарович шу бугун бўлган гапни айтиб берди.

Эрталаб газетани биринчи бўлиб кўрганлар орасида Зийнатуллаев ҳам бор эди. Студентлар прогулчиликка ва унинг сабабларига қарши айтилган фикрлар, келтирилган далилларга бошқача маъно бермасдан ўқиётган эдилар. Тўсатдан Сулаймон Зийнатуллаевич катта бир янгилик очгандай севиниб:

«О-о,—деди.—Катталарни боплашибди-ку. Нозик жойини топиб уришибди-я! Мана, сабабларнинг сабаби бунақа очилади. Об-бо, газетанинг шамолидан хўжайнинг креслоси қулаб кетмаса эди».

Студентлар бирй бирини шариб, Сулаймон Зийнатуллаевич қойил бўлаётган жойини ўқишига шошилдилар. Боя жузъий бўлиб кўринган икки-уч абзац энди газетанинг марказий нуқтасига айланди. Қейин Акбаров ўтаётганда Зийнатуллаев уни тўхтатиб қуюқ табриклиди:

«Раҳмат. Жуда ботирона, жуда тўғри», деб газетани кўрсатди.

Бу ҳол газетанинг ўша бир-икки абзацига бўлган қизиқиши янада оширди. Ниҳоят, Зийнатуллаевнинг гаплари оғиздан-оғизга ўтиб, Зуфар Ҳакимовичга келиб етди ва унинг гумонларини тасдиқлади. Ҳакимов буни проректорга келиб маълум қилар экан, Зийнатуллаевнинг гапини эшитмасдан олдин ҳам газетани ёмонга чиқариб, кабинетга киргизиб қўйганини айтмади, албатта.

Хозир Муса Назарович ундан эшитган нарсаларини Караматовга айтиб бериб:

— Мана,— деди,—Ҳакимовга ипни илон қилиб кўрсатган бир факт шу. Акбаров қилган танқиднинг мақсади Зийнатуллаевнинг гапларидан билингапти.

— Демак, масала жиддий экан-да. Афсуски мен эртага кетяпман.

— Э, бу унақа катта масала эмас. Сиз келгунча мен ўзим шуғулланаман. Менимча, ҳамма гап Акбаровда. У бир нарсани бошлаб берса Зийнатуллаев давом этдиради, бўлмаса ҳеч нарса қилолмайди. Акбаровнинг ўтмиши тўғрисида бир хат келиби... Йўқ, менга кўрсатишиди, аноним эмас. Шундай бўлса ҳам яна текширинглар дедим. Лекцияларини ҳам ўрганамиз.

— Ҳа, албатта, бусиз мумкин эмас. Бўлмаса, бу масалада мен сизга ишонаман, Муса. Тажрибангизга, ҳаққонийлигингизга ишонаман. Лекин комсомол бюросига ўзим ёрдам уюшириб кетаман. Хозир комсомол комитети билан гаплашишим керак.

— Ҳа, Ориповга айтсангиз яхши бўлади. Бу йил комитетга тарих факультетидан ҳеч ким сайланмаган экан, шунинг учун баъзи нарсалардан хабарлари йўқ.

— Албатта тайнлайман. Бориб аҳволни ўрганишсин, комитетда факультет бюросининг ҳисобини эшлишишсин.

Муса Назарович соатига қараб шошилиб ўрнидан турди:

— Вой-бўй, ўтириб қолибман, у ёқда ишм ошибтошиб ётибди. Олимлар советига бир талай масала тайёрлашим керак, кечқурун бир диссертацияга оппонентлик қиласман.

Караматов ҳам ўз ишларини эслади: бугун филфакдаги партия мажлисига қатнашиши керак, соат бешда райкомда бўлиши керак, унгача сайлов участкаларидан

хабар олиши керак, чунки райкомда шу тўғрида гап бўлади, ҳозир бу папкадаги материалларни ўқиб, ректорнинг олдига кириши керак, командировкага кетишдан олдин кафедрага учрашиши керак. Ҳали йўл тайёрлиги гурибди... Ҳа, энг аввал Ориповга тайинлаши керак, бўлмаса эсидан чиқади.

Обид Йўлдошевич комсомол комитетига қараб кетди.

\* \* \*

Зуфар Ҳакимович билан Муҳаммаджон деканатга қайтиб бораётиб, Акбаровга дуч келиши. У зинапоя олдида Очил Самадов билан гаплашиб турар эди. Муҳаммаджон Караматовнинг илтимосини эслади, лекин Акбаровга юзлангиси келмай тараддулланди. Шунда Зуфар Ҳакимович:

— Қерак эмас,— деди ва қаҳр билан қўшиб қўйди:— Ҳозир борса гапни кўпайтиради. Кейин, фош қилгани миздан кейин арзга борсин.

\* \* \*

Очилнинг тўртликлари Темир Акбаровичнинг эсида турган экан, ҳозир уни кўриб қолиб шу тўғрида гап очди.

— Матбуотда ҳам чиққанмисиз?

— Йўқ, радиода бир ўқиганим бор.

— Ёш шоирлар семинарига қатнашасизми?.. Муҳокама бўлганингиз йўқми?

— Йўғ-э,— деб, Очил уялиб кетди.— Мен ҳали нима қилибманки...

— Мана бу тўртликларингизга қараганда анча машқингиз борга ўхшайди. Истасангиз кейин бир вақт топиб батафсил гаплашамиз, ўқиб берасиз. Келишдикми?— Акбаров хайрлашиш учун қўл берди.

Очил унинг қўлини ҳаяжон билан қисди.

Ҳали ҳеч қайси қўл унинг шеърларига бундай иссиқ тегмаган эди. Тўғри, газетадаги тўртликларга имзо қўйилмаган бўлса ҳам, Очил ёзганини билиб, «қотирибди», деб мақтаётганлар кўп. Лекин Акбаровнинг эътибори Очилга алоҳида бир қувонч бағишлар, бошини кўкка етказар эди. Мана шу кўкда у бирдан Замира-

ни кўз олдига келтирди-ю, юраги алланечук орзиқиб кетди.

У икки кундан бери ишга берилиб, кўпчилик қатори газетанинг тақдиридан хавотирланиб, Замирани деярли ўйламаган эди. Энди севги ўйлари унга янги бир куч билан қайтиб келди-ю, қалби Замирани кўриш истагига тўлиб-тошиб кетди. Илгари Замиранинг рад жавоби туфайли ўзини камситгандай ҳис қилар ва бу ҳис қалбини тутундай қоплаб ётарди. Лекин қизғин иш давомида кўкрагига кучли шамоллар тегиб, гўё ўша тутунни тарқатди, қилган иши одамларнинг эътиборига сазовор бўлиб чиққани эса кўнглини кўтарди. Энди Замиранинг ранжиттанидан қатъи назар, Очил уни бир кўришни истайди. Жон-дили билан истайди. Агар Замира ҳам тўртликларни ким ёзтанини билган бўлса, агар одамлар мақтаётганини эшитган бўлса, юзидан, кўз қарашидан сезилади. Балки у яна коридорда дуч келиб қолар. Балки кўчадан ўтиб кетаётгандир.

Очил секин юриб коридорнинг у бошидан-бу бошига ўтди. Лекин Замира учрамади. Папирос торта-торта кўчага чиқди: бутунлай бошқа одамлар юрибди. Дафтарларини олиб ўқув залига борди, ҳамма ўтирганларга разм солиб чиқди. Йўқ. Мутолаа қилиб ўтириб, Замиранинг кириб қолишини кечгача кутди, сўнг ётоқхонага қайтар экан, ёруғ тушиб турган аудиторияларга қараб-қараб ўтди. Йўқ. Амалга ошмаган сари ашаддийлашиб бораётган истак уни қизлар ётоқхонасига қараб олиб кета бошлади. Қирмайди. Фақат кўчадан ўтади. Учраса учрайди, учрамаса... Кириб нима дер эди? «Танишлан кўпин борми», деб бутунлай ҳайрлашиб кетган одам, энди эшигини тақиллатиб борса нима бурди ҳолади? Зинҳор. Лекин мана, Очил ўтиб ҳам кетяпти. Йўқ.

Йўқ.

## 16

Бодом гуяли кўйлагининг этажларини тонг шамолида ҳифриратиб, қитоб-дафтар қўлтиқлаган қўлининг нафис бармоқларини қора пиджакчаси тумаланиган жойга қўйиб зипиллаб ўқишга бораётган Замира одатлагидай у ёқ-бу ёқка кам қаарди. Шудрингда ювинган акация шохлари кўк қизғини тусга кириб, куртак тугишига тайёрлана бошлаган, гул экиш учун юмшатилган

текис тупроқ узоқдан бахмалга ўхшаб қўринади. Қирқиб текисланган декоратив буталар сартароощонадан силлиқ бўйиб чиққан йигитнинг юзини эслатиб турди. Замира бунинг ҳеч қайсисини пайқамас, фақат тўғрига қараб бораарди. Лекин барнибир шудрингдан намланган йўлка асфальтида ҳам, пальтодан қутулиб енгиллашган одамларнинг юришида ҳам, қизларнинг қўлида бирда ярим кўзга ташланувчи бинафша дастачасида ҳам навбаҳор сезилиб туарди.

У вестибюлга кириб, рангба-ранг эълонлар осиғлиқ доска ёнидан ўтаётганда чапга, ари уясидай сертокча почта катагига қаради. Алфавит тартибидаги бу токчаларда хилма-хил конвертлар қалашиб ётар, ётоқхонада турувчи студентлар деярли ҳар ўтганда бир хат қаарди. Замира «А» токкаси хатга тўлиб турганини кўрди-ю, бориб қўл солди.

Унинг номига ғалати бир конверт чиқди: на адреси бор, на маркаси ва на почта муҳри. Кўк сиёҳ билан «АЗИМХОНОВА ЗАМИРАХОНГА» деб иккитагина сўз ёзилган, холос. У ҳайрон бўлиб хатни очди ва аввал имзосига қаради, «ИНТИЗОРИНГИЗ». Наҳотки ошиқлик мактуби? Ҳа, мана; «Кечаю кундуз ўйлаганим сиз... Кўрмасам туролмайман», Муқимий, Уйғундан бир неча банд шеър. Охирида қайта-қайта илтимос қиласиди, «Бугун кечқурун соат еттида мана шу қутининг олдига келинг, тақдирим сизнинг қўлингизда, келсангиз баҳтиёрман, келмасангиз ҳаёт менга заҳар».

Замира унинг кимлигини хатидан билмоқчи бўлиб ҳарфларига тикилди, лекин таниёлмади,

Негадир унинг қулгиси қелди, Лекин номаъдум бир йигит уни севиб қолгани ҳақидаги тахмин юрагига ёқимили туюлгани учун қулгуси қелаётганини сезди-да, ўзи ўзидан уялиб кетди ва хатни шарғга буқлаб қўлтиғидаги дафтарлардан биринга тиқди.

У бунақа «қоғоздаги» мұхаббатга унча ишонмас эди. Ҳамма чиройли қизлар каби у ҳам йигитдарнинг «тажовузига» күп учрарди. Гўққизинчи синфда эканида бир йигитча суюқ мактублар ёзавериб жонига теккан, у охири мактаб дирекциясидан ёрдам сўраб қутудган эди.

Бу ерга ўқишига келганидан бери ҳам, у бир неча марта ишқий хатлар олди. Ҳар куни ё факультетда, ё трамвайдада, ё томошага тушганда «бир қошиқ сув ғидан

ютиб юборгудай» суқланиб қарайдиган жазманлар учраб туради.

Бу унинг ғашини келтирарди. Чунки унингча, чинакам ёқтирадиган киши одоб доирасидан чиқиб ҳадеб тикилавермаслиги керак. Одоб тўғрисида унинг ўз эътиқодлари бор эди. Бирор нотаниш киши эътиборини жалб қилса унга билдирилмасдан қараши одобдан деб билар, меҳрини мумкин қадар ичига олиб юрадиган одамларни ҳурмат қиласарди. Нотаниш қизга муҳаббат изҳор қилиб (хатни шунаقا киши ёзганига ишончи комил эди) мактуб ёзиш ва фалон жойга келиб туринг деб буюриш Замира учун мисли кўрилмаган беадаблик эди.

Турган гапки, у «интизорининг» тайнинлаган жойига бормади. Кўп ўтмай мактубни ҳам эсидан чиқарди. Лекин орадан бир кун ўтгач бир ҳодиса юз берди-ю, ҳаммаси яна эсига тушди.

Деразалари кўчага қараган катта аудиторияда археология асосларидан лекция борар эди. Замира неандартал одамлари, Кийик, Коба ва Тешик тошда топилган бош суюклари ҳақида конспект олар экан, кимнингдир деразадан қараётганини пайқади ва бошини кўтарди. Енгил ҳаво ранг макентош ва ҳаво ранг шляпа кийган, юzlари нақш олмадай қизил йигит унга суқланиб тикиларди. Замира қараганда у кўзини олмади, фақат мулойим ва тамали жилмайди. Қиз бу тамагир жилмаювчини таниди: у филфакдан эди, Мирсаидни орага қўйиб Замирага уч-тўрт марта гап ташлаб кўрган, аммо муродига етолмаганди. Ўша танца кечасида: «Бу киши ўзларини Очилбойга асраб ўтирибдишлар» деган гапни ё шу, ё Мирсаид — икковидан бири айтган эди.

Замира писанд қилмаган бўлиб, дўпписини бостириброқ қўйди-ю, конспект олишда давом этди. Лекин дераза ортидаги кўзлар унга магазин витринасидаги бир буюмга тикилгандай тикиларди, бу тикилишга буюм чидамаса одам тоб беролмасди. Замирани бир одам деб эмас, фақатгина бир қиз деб қараётган бу беҳаё кўзлар унинг инсоний ғурурини поймол қилгандай бўлди ва fazabini keltirardi.

Аммо Замиранинг қаҳрдан ёнаётган кўзлари, аччиғланганда ҳам нафосатини йўқотмайдиган юзи жазманига янада чиройли кўринди шекилли, йигит ширин илжайди.

«Тезроқ қўнғироқ чалинса-ю, бу шилқимни бир бопласам»,— деб Замира ручкани қаттиқ босди ва дафтарини йиртиб юборди. Кейин «кечаги хатни ҳам шу шилқим ёзган» деб ўйлади ва ручкани қўйиб, дафтарларини варақлади. «Агар топсам танаффус бўлган заҳоти икки оғиз «ширингина» гап айтаман-у, хатини юзига отаман. Бир шарманда қиласи... Ҳа, мана хати ҳам турган экан. Тўхтаб тур сен».

Шу пайт орқадан кимдир Замирани енгил туртди ва елкаси устидан тўрт букланган қофозча узатди. Замира уни очди-ю, ҳайрон бўлиб қолди: ўша кўк сиёҳ билан, ўшандай майдалаб:

«Замирахон! Мумкин бўлса бугун лекциядан кейин қолинг, инглиз тилидан бирга дарс тайёрлаймиз. Расулов Омон», деб ёзилганди.

Замира беихтиёр хат келган томонга ўгирилди. Икки қатор орқада юзи чўғдек ёниб ўтирган ҳамкурси Омонни кўрди-да, дарҳол кўзини олди. Дафтарнинг қатидаги хатни қўлидаги ёзувга солиштириб кўрди. Худди ўзи. Наҳотки шу Омон шундай иш қиласа? Ахир бу қандай гап, булар тинч ўқигани қўядими, йўқми?

Қўнғироқ чалинар-чалинмас кўчадаги жазман фойиб бўлди. Үқитувчи чиқиб кетди. Замира ўрнидан туриб, Омонга хатни узатди-да:

— Ўртоқ Расулов, мана бунингизни олиб қўйинг,— деди.— Иккинчи менга бунақа хатлар ёзманг!

Эшикка ёпирилаётгандар тақа-тақ тўхтади, ҳамма уларга таажжубланиб тикилди. Ҳали мўйлови чиқмаган, сочи пешонасига болаларни кидай тушиб турадиган нозик йигитча Замира узатган хатни олишга мажоли қолмай қотиб турарди. Орқадаги қатордан кимдир хатни Замиранинг қўлидан олиб, баланд овоз билан ўқий бошлади. «Қўрмасам туролмайман» деган жойида кимдир кулди. Гўё энди ўзига -келган Омон қип-қизариб хатни шартта юлиб олди-ю, йифлагудай бўлиб лаблари пир-пир учиб ташқарига отилди.

Ўртоқларидан бири унинг орқасидан чопиб чиқди, бир неча киши Замирага: «Шунчалик озор берасизми» дегандай ранжиб қаради. Замира жаҳл устидаги шу ишни қилиб ўзи уялиб қолган эди, бу қарашлар хижолатини бадтар оширди. Кўпчилик танаффусга одатдагидан кўра шовқинсиз аста чиқиб кетаркан, Замира жойига қайтиб ўтиреди.

Қизлардан бир тўпи унинг олдига келди.

— Товба-ей, бу Омон бало экан-а,— деб Басти деган қиз шақирлаб кулди.

Чеҳраси Эшонбоевникидай қизил ва бурни ўркачли бу қиз Эшонбоевнинг синглиси эди.

— Бало бўлса шундай қиласми?— деди бошқа қиз.— Бирга ўқийди-ю, гапини эвлаб гапиролмай хаг ёзибди бечора.

— Рост, Замирахон, ётиғи билан ўзига тушунтирангиз бўлар эди,— деб Гавҳар ҳам ачинди.

— Ахир мен ҳам қандоқ қиласй,— деб Замира куюниб гапирди. У Наманган шевасида «о» ни «у» га яқинлаштириб таләффуз этарди.— Бир юзсиз боядан бери деразадан тикилиб жонимни олди. Устига устакчи бу хатбозлик. Ўз ҳолимга қўядими, йўқми булар.

— Чиройлисиз-да, ўртоқ,— деди Гавҳар,— чирой ҳам чидагайга чиқарилган.

— Э чирой ҳам ўлсин, шунақа бўлса.

— Вой ўлганлар ўлсин, дугона,— деди Басти.—Ажаб қилдингиз, хўп қилдингиз. Энди ҳеч қайсиси иккинчи бундай номаъкулчиликни қилмайдиган бўлди. Сизга нима хафа бўлиб. Юринг, айланиб келамиз. Ҳаво қандай яхши, туринг.

Лекин Замира чиқмади.

У ёмон бир иш қилиб қўйган одамдай бўшашиб ўтиради. Очилни хафа қилиб, озор бергани эсига тушди, Омённи хафа қилгани бунинг устига жамланди. Ахир буларнинг айби нима? Хўп, Омон жуда ўринсиз иш қилибди. Очил-чи? Ана у деразадан сузилган сурбетдақа бўлмаса, Омёнга ўхшаб суюқлик қилмаса, ўз шаънини қиз боладай қўриқлаб (Замира учун бу катта фазилат эди), қадр-қимматини ерга урмай муомала қилса, факультетнинг таниқли йигитларидан бўлса. Нега унинг сўзини ўлдирди, нега кўкрагидан итарғандай қилди? Нима, Замиранинг юрагида севиш ва севилиш истаги йўқми? Бор. У қалбининг тубига қараса, ҳали «тажи бузилмаган» севги истаги кўринади, ҳар сафар ўзини севимли ҳис қилса бу истак қўзғалиб бир даражада ўсади. Лекин Замира бу истагининг устига қават-қават қулф солған-у, қалитларини ўғирлатиб қўйишдан қўрқиб жуда узоққа яширган. Омон ва Очил минг эшик тақиллатгани билан, шу қалитларни топа олмаса бекор. Топа оладиган йигитни қиз ҳали фақат киноларда кўр-

ган, китобларда ўқиган, холос. У йигит ақлли, ҳуснли бўлишдан ташқари, бошқалардан мислсиз фазидатлари билан ажралиб туради. У Замирасинни қанчалик севса шунчалик ҳурмат қиласди. Қиз ҳам унга чексиз ишонади, у билан бирга бўлганда ўзини ҳаводай эркин сезади. Йигит катта ишлар билан бир ёққа кетса, Замира унинг келишига энг яхши кийимларини кияди, энг суюмли овқатларини пиширади, энг ажойиб буюмлар сотиб олиб келади, уйни чўғдай безаб қўяди. Йигит келиб беҳад қувонади, раҳмат ўрнига ўпади. Кейин болаларини ясантиришиб, иккови икки қўлидан ушлаб сайдга чиқади.

Ниҳоятда яширин бўлган бу орзу йил сайин янги-янги тафсилотлар билан бойиб боради-ю, лекин ҳеч осмондан ерга тушмайди. Уни ердан узиб олиб осмонга чиқариб юборган нарса Замира чин муҳаббатни ҳаётдагидан кўра китобларда, киноларда кўпроқ кўрган эди. Муҳаббат ўзи ёт кўзлардан йироқ бўлган ўта нозик ҳис. Замира яшаган шароитида унинг ҳаёси янада кучли эди. Шунинг учун бу тўғрида бадний асарлар берган тасаввур ҳаёт берган тасаввурлардан устун келиб, Замиранинг орзусини китобийлаштириб қўйган эди. У ҳали муҳаббат нималигини яхши тасаввур этмас, «муҳаббат билан дадил танишиш»га журъат ҳам қилолмас эди.

У бундай журъатни ва ҳаётий тасаввурни энг аввал ота-онасининг муҳаббатидан олиши керак эди. Лекин Замира эски урф-одатлар асосига қурилган тенгсиз оиласада туғилганди. Отаси қийинчилик кўрмай эрка ўсан йигит бўлади, ойиси ичкарида ўсиб, паранжида узатида. Қуёв келиннинг қадрига етмайди, улфатчиликларга берилади. Мастура опа уч-тўрт йил бунга чидаб юради-ю, кейин уйда ўтиришни бас қилиб, савод мактабини битиради, болалар боқчасига мураббия тайёрдовчи курсга киради, паранжини ташлайди. Бу ишлар аста-секин тушунтириш йўли билан бўлгани учун эр хотин орасида катта низо чиқмайди, бироқ Азимхонда шубҳа ортиб боради. Мастура опа активистка бўлиб, агитаторлик қилиб юрганда бирор унга: «Хотининг падончи билан дон олишиб юрибди», деб уни ишонтиради. У жанжал ҳам қилмайди (Замира ойисидан эшитишича, у щунчадиги билан уришиш-сўкишни билмайдиган йигит экан), ишдан бўшаб, Жалолободдаги қариндошицинг оддига кетиб қолади. Ушанда Замира тўрт яшар, опаси Мунира олти

яшар қизчалар эди. Эрта турмушга чиққан Мастура опа эса энди йигирма беш ёшга кирган эди.

У эрининг қайтишини кутиб юрганда Жалолободдан: «Азимхон бошқа хотин олди», деган даҳшатли хабар келади. Кўп ўтмай талоқ хати сўрайди. Бу нарса Мастура опага қанчалик оғир туюлмасин, у сўзсиз, жанжалсиз розилик берди, болалари билан кекса ота-онасининг олдига кўчиб бориб, онлани бир ўзи боқа бошлади. Кеинчалик боқча мудираси бўлди, эри билан уришиб-сўкишиб ажрашмагани учун, «балки бир куни сўраб келиб қолар» деб умид қилди, алимент ҳам талаб қилмади, совға ҳам кутмади, қизларига уни мумкин қадар яхши сўзлар билан таърифлаб юрди. Йиллар ўтди. Замира олтинчини битирган йили бобоси билан Жалолободга отасини кўргани борди. Отаси жуда келишган, ойиси айтгандай, хушмуомала одам эди, лекин иккинчи олган хотини билан ҳам ажрашиб бошқа бир жувонга уйланганди. Замира отасининг бағри тош, беқарор одам эканини сезиб, жуда кўнгли чўкиб қайтди. Ойиси унга:

«Баъзи эркаклар шунаقا беқарор бўлади, хотинлар оғдирса оғиб кетаверади, майли, бир кун-эмас бир кун тушуниб қолар»,— деб тасалли беришга уринди.

Лекин бувиси эски урф-одатларни маҳкам ушлаб олган диндор кампир эди, онаси ишда эканида Замира доим бувиси билан қоларди.

— Ҳозирги замоннинг йигитлари бузилиб кетган,— уқтиради у Замирага.— Илгари худодан қўрқар эди, энди худони ҳам, бандани ҳам тан олмайди. Ахир бу қандай отаки, иккита болам бор, деб бир йўқлаб келмаса, етти йилдан бери совға-саломни билмаса. Бу ёқда бир фельдшер болалик хотини билан ажрашиб, тўрт йилдан бери Мастуранинг изидан тушиб юрибди».

Орадан яна бир йил ўтгач, Замиранинг бобоси вафот этди, фельдшер Саттор aka Мастура опани сўраб уйларнга ҳам келадиган бўлди. Кампир уни очиқдан-очиқ ёмон кўрар, Мастура опани уришар:

«Икки болани отасиз ўстирганинг яхшимиди, бошқа хотинга ҳам шуни раво кўрасан», дерди.

«Унақа гумон қилманг, ойижон,— дерди Мастура опа,— раво кўрмаганим учун шунча йилдан бери қайтариб юрибман».

Замира саккизинчи синфда ўқиб юрганда бир кун яна

шу гапнинг устидан чиқди. Энди Мастура опа куйиниб сўйларди:

«Нима қилай, бошимизда бир эркак бўлмаса қизлар бўй етиб келяпти».

Кампир йиғларди:

«Шундан бошقا эркак қуриб кетганмиди».

«Ойижон, бозор эмас эканки, танлаб олсангиз. Олти йилдан бери рўйхушлик бермадим, уришдим ҳам, ҳайдаб ҳам юбордим, қўймаса нима қиламан. У ҳам одам ахир».

Замира ойисининг бардоши чексиз эканини, фарзандлари учун ёш умрини фидо қилганини билар, шундай қининчиликларда ҳам руҳи тушмаганидан фаҳрланар ва уни беҳад севар эди. Энди иккинчи марта турмуш қилиши зарур эканини тушуниб йиғлаб чиқиб кетди. Кейин ойисига бўлишадиган, Саттор акага ҳам қўлидан келганча яхши муомала қиласидиган бўлди.

Аммо ундан катта Мунира кўпроқ бувисининг таъсирида эди, ойси иккинчи эрга теккандан кейин уйдан соуди, ўнинчини битирап олдида тасодифан бир йигит билан танишиб ўқиши ташлаб, Фарғонага қочиб кетди. Кейин Мастура опа хабар топиб, нари-бери тўй қилиб берди. Аммо турмушларининг мазаси бўлмади. У йигит бозорда чекчи эди, бемаъни улфатлари бор экан, ичиб келиб Мунирани ҳақорат қиласаркан. Бир томонда қайнана «эргашиб келгансан» деб камситаркан. Бола кўришган, ажратиб олиб бўлмайди. Бу ёқда бувиси Мастура опага:

«Сен эрга тегмаганингда шундай бўлмас эди», деб таъна қиласиди.

«Замиражон, энди сен эҳтиёт бўл,— дерди Мастура опа.— Менинг бахтсизлигим фақат отангга ўз ихтиёrim билан тегмаганим деб юрар эдим. Опанг ўз ихтиёри билан эр қилиб ҳам бахт тополмади. Энди билсам, аввал одам бўлиб одам тани экан-у, кейин эр қил экан. Сени ўқитаман, қизим, одам қиласман. То олий маълумотли бўлмагунингча ҳеч нарсага хаёлинингча бўлмай ўқи. Ўз йўлингни топиб, ўз оёғингда тикка турмагунингча эрлари қуриб кетсин».

Оилаларнинг аччиқ тажрибасидан келиб чиқсан бу қалб сўзлари Замиранинг юрагига жуда маҳқам ўрнашган эди. У бутун кучини ўқишига бериб, мактабни аъло битирди, бу ерда ҳам энг қунтли, энг интизомли сту-

дентлар қаторига кирди. Ўқишига халақит берадиган нимақи учраса ҳаммасини кескин рад этиб келяпти. Йигитлар буни тушумай хафа бўлади.

Фақат бир киши унинг тутган йўлини англади ва маъқулладики, у ҳам бўлса шу Бастининг акаси эди.

## 17

Утган йили ёзда Замира бу ерга ўқишга келганда биринчи учратган тарихчиси — шу факультетнинг қабул комиссиясида секретарлик қилиб ўтирган Мұҳаммаджон Эшонбоев эди. У Замирани жуда яхши қарши олди, ўз факультетларининг фазилатларини бирма-бир айтиб берди. «Мен узоқ йили битириб чиқдим, энди синглим киряпти», деди. Уни Басти билан таништириб, кириш имтиҳонлари пайтида икковига баравар кўмак берди. Замира уни сингилларча ҳурмат қиласидиган, тўғри келганда ҳол-аҳволларидан тортинмай гапириб берадиган бўлди. Бир кун кўчада учрашганларида гап тўғри келиб қолди-ю, ўқишдан бошқа нарсага хаёлини бўлмаётганини, ойиси тайнинлаб юборгандай иш туваётганини айтди. Мұҳаммаджон хурсанд бўлиб:

«Мен сиз тўгрингизда адашмаган эканман,— деди. — Ленин отамизнинг айтгани ҳам ўқиш, ўқиш ва яна ўқиш. Ким ўқишингизга халақит берса тортинмай айтинг, қулоғини бураб қўямиз. Лекин уйларни соғинаётгандирсиз-а? А бизникига нега бормайсиз? Басти билан боринг бир, узум еб, ўйнаб келасиз».

Замира ўйнаб келишга-ку бормади, лекин бир кун Басти қўймагандан кейин семинарга бирга тайёрлангани борди.

Бастиларнинг пишиқ ғиштдан солинган ва оқ тунука билан ёпилган уйлари бор эди. Ҳовли ўртасидан тиниқ ариқча шилдираб оқар, баланд ишкомлар олтиндай узумлардан майнишиб турар, ўрик дараҳтларининг барти эса куз кириб қизғич тус олган эди. Шоҳи дарпардаси кечки қуёш нуридан қизариб ёнаётган кўркам ёндош уй олдидан ўтаётгандаридан Басти мумкин қадар товушсиз юриб, овозини ҳам пасайтириб: «Акам», деди. Шу дераза ортида Мұҳаммаджон диссертация ёзаётганини сезган Замира ҳам бенхтиёр қадамини секинлатиб ўтди. Бастининг ойиси нариги уйнинг ошхонасида чучвара тугаётган экан, Замирани жуда ёқтириб, «попук-

дай қиз экансиз», деб гапга солиб ўтирди. Замира бекор ўтиришдан ўнгайсизланди-ю, чучвара тугиша бошлади. Унинг бу ишга жуда қўли келишганини кўрган мезбон:

«Айланай сиздан,— дерди,— ёш келса ишга деганлари шу-да. Муҳаммаджон чучварани яхши кўради, сизнинг қўлингиздан ҳам бир есин».

Шунинг устига ҳовли томондан Муҳаммаджоннинг: «Ойи бугун, овқат бўладими ўзи?»— дегани эшилди.

Ойиси саросима бўлиб:

«Ҳозир, жон болам, ҳозир», деди.

Кейин эшикда йўл-йўл ипак пижама кийган бош ялашг Эшонбоев кўринди. Замира тугаётган чучварасини гез лаганга қўйиб, ўрнидан турди-ю, қизариб, бошини эгиб салом берди. Кутилмаганди уни кўрган Муҳаммаджоннинг кўзлари чироқдай ёришиб кетди. У тикка турганича ҳол-аҳвол сўрашиб, хуш келибсиз деб шодлик билдири, кейин ўшандай мулоҳимлик билан:

— Ойи, бу кишини унақа банд қилманг,— деди-да, чиқиб кетди.

Замира Басти билан бўш хоналардан бирига ўтиб, китоб ўқишга ўтирганда:

— Янгангиз қаердалар?— деб сўради.

— Қанақа янга? Ҳа, кенойимми — Басти шарақлаб кулди.— Худо бизга ҳеч келинойи бермаяпти, ўртоқжон. Акамнинг уйи қачонлари битган эди, тўй анжомлари ҳам тахт бўлган, қанча буюм қилганлар, бир-иккита қиз билан дўстлашиб ҳам кўрганлар. Эрта-индин олим бўлади, ҳеч муносиб қиз учрамаяпти.

Басти заготовкачи бўлиб ишлайдиган отасининг бутун ортдирғанлари акасига жамғарилётганини, ўзи ҳам бўйи етиб нарса йифадиган бўлганини, бироқ акасининг тўйидан қутулмагунларича каттароқ буюм ололмаслигини пичирлаб гапирди. У ҳам, онаси ҳам Муҳаммаджондан қаттиқ ҳайиқишини Замира яна бир марта ҳис қилди.

Чироқлар ёнди. Ўша шоҳи дарпардали ёндош уйнинг қиэзил абажури ва чуқур сукунати ҳам «бу ерда илмий иш бораётибди, бўлажак олимнинг тинчини бузишга ҳаддинг йўқ» деб турганга ўхшаб кўринди. Замиранинг Муҳаммаджонга нисбатан ҳурматига энди бир оз ҳайиқиши ҳам қўшилди. Шундан бери ёлгиз дуч келганларида қизни Муҳаммаджоннинг салобати босадиган бўлди.

Бу орада факультет пахтага чиқди-ю, ҳали курслар бригадаларга ажралмаган дастлабки кунларда Замира билан Очилнинг эгати ёнма-ён тушиб қолди. Замира Очилнинг ўтили қарашларини аввалдан ҳис қилас, лекин уларда сүқлик сезмас, аксинча, кўз кўзга тушганда йигит оҳиста кўзини олиб қочар ва уялиб, ўзини мумкин қадар тортиб юрар эди. Ёнма-ён пахта тераётиб у ёқ-бу ёқдан гапиришганларида қиз унинг ҳақиқатан ҳам тортиноқ, камсуқум йигит эканини сезди. У билан суҳбатлашиш Замирага дугоналари билан суҳбатлашишдай ёнгил туюлди. Шундан кейин иккови учта эгат олди. Учинчи эгат ўртада бўлгани учун улар бир-биrlаридан ўзиб кетолмасдилар. Соатлар гап билан сезилмай ўтарди. Бири қанорни ушлаб туриб, иккинчиси этагидаги пахтани солаётганда қўллари бир-биrlарига тегиб кетар эди.

Лекин эртаси куни ҳар курс алоҳида пайкалларга тушди-ю, улар ажрашиб кетдилар. Факультетга қайтганларидан кейин эса муомалалари янада қийинлашди, чунки биринчи курс билан тўртинчи курснинг бирга қиласдиган иши жуда кам эди. Замира учун бари бир эди-ю, лекин Очилда қандайдир ўзгариш пайдо бўлганди. У Замирага гапирмоқчи бўлиб келар, лекин баъзан гап тополмай қийналар, кўпчилик орасида қаттиқ ўнғайсизланганни билиниб қолар ва Замирани ҳам ўнғайсизлантирап эди. Охири коридордан Очил ўтиб қолса, баъзи қизлар, хусусан Басти, Замирани туртиб: «Ана келяпти», деб пиқирлаб куладиган бўлди.

Бунинг устига бадний кечада Замирани у билан юрадиганга чиқарнишди, Очилнинг қизи дейишди. Очилнинг ўзи ҳам шунаقا бир истак билдириди. Замира нима қилсан? Ўзини шубҳали даражада яқин олаётган йигитни орқага силтаб ташлади.

Шундан кейин Замирани қаттиқ таажжубланиртангани нарса — бу воқеадан Эшонбоев хабар топгани бўлди.

Ўтган куни Басти яна қистагандан сўнг Замира бирга тайёрланиш учун яна уларникига борган эди. Ўқиши орасида Бастини ойиси чақириб, магазиндан нон олиб келишни буюрди. Кейин Замира ёлғиз китоб ўқиб ўтирган хонага янги қора костюм кийган Мұҳаммаджон кирди. Унинг кўзлари алланечук бежо эди. Замира ўтган сафаргидай ўрнидан туриб сўрашар экан, уялга-

нидан юзи ловиллаб қизарганини ўзи ҳам сезди. Муҳаммаджон унга алланечук завқли тикилиб:

— Эшитдим,— деди,— тўртинчи курснинг бир йигит-часини боплабсиз. Лола деган бир ҳамкурсига ҳам осилиб дакки еганини биламан. Орқасидан югуравериб безор қилгандан кейин бечора қиз уйларидан қувиб чиқариб қутулган экан.

Замира алланечук бўлиб кетди. У бошини қаттиқ эгиб туар, Муҳаммаджонга юзи кўринмас, лекин қулоқларигача қизариб кетгани билиниб туарди. Муҳаммаджон уни қишики каникул вақтида ҳам шундай бир аҳволга солганди. Замиранинг Наманган поездига билет ололмай юрганини Бастидан эшитган ва «танишим бор, ўзим олиб бераман» деганди. Сўнг эртаси куниёқ бўшаб қолган аудиториялардан бирига Замирани чақириб билетни берган:

«Сиз йўлга чиқяпсиз, сизга пул керак, кейин...»— деб билет пулинни олмаганди. Лекин Замира қулоқларигача қизариб ва эшитилар-эшитилмас қилиб:

«Кечирасиз, ундан бўлса мен ўзим билет оламан», деганди.

Шундан кейингина Муҳаммаджон кулиб билет пулини олган эди. Ҳозир ҳам Замира ўшандагидай паст ва ҳаёли товуш билан: «Кечирасиз, мен холамга қарашай», деди-ю, ошхонага чиқиб кетди.

У Муҳаммаджонга ҳеч нарса деб жавоб бермаган бўлса ҳам, нега бунақа гапларни гапиргани ва нега бугун бошқача кўрингани ҳақида узоқ ўйлади. Уша куни семинарга тайёрланишининг ҳам мазаси бўлмади.

Мана, ҳозир семинар соатлари. У баъзи нарсаларни катта танаффусда билағон ҳамкурсларидан сўраб олмоқчи эди. Омон воқеаси билан бўлиб бу ҳам эсидан чиқди. Танаффус тугаганини, ёнига Гавҳар келиб ўтирганини, Омон ва унинг ўртоқлари энди мумкин қадар ундан узоқроқ жой танлашганини, ниҳоят, марксизм-ленинизм асослари ўқитувчиси доцент Сабоҳат Нажимовна кирнб, семинар ҳам бошланганини элас-элас пайқади.

Гап ишлаб чиқаришнинг уч белгиси ҳақида борарди. Бирдан Сабоҳат опа Замирани чақириб қолди. У кафедра олдига чиқди, лекин ишлаб чиқариш муносабатлари билан ишлаб чиқариш кучларининг ўзаро алоқаси ҳақидаги саволга жавоб бера олмади. Онгида аллақандай

паришонлик пайдо бўлиб, уни бўғар эди. У кафедра четларини пайпаслаб, наст товуvi билан:

— Ишлаб чиқариш кучлари... ишлаб чиқариш муносабати,— деб тақрорлашдан нарига ўтолмасди.

— Одамнинг яшashi учун энг аввал нималар керак?— Сабоҳат опа узоқдан гап бошлиб унинг эсига туширишга уринарди.— Овқат, кийим-кечак, турар жой керак. Буларни ишлаб чиқариш учун нима керак?

— Ишлаб чиқариш муносабатлари.

— Ундан ҳам аввал-чи?

Замира яна жавоб тополмади. Аудитория унга қайшиб жим турарди. Ҳеч бундай аҳволга тушмаган актив студенткага Сабоҳат опа ҳам мурувват билан кўмаклашарди. Замира уялганидан ва яна алланарсадан кўнгли бузилди, кўзларидан юзига думалаб тушган ёшини кўрсатмаслик учун бошини қаттиқ эгиб жойига қайтди. Чўнтағидан рўмолча топгунча бир неча томчи кўз ёши очиқ конспекти устига тушди. Гавҳар бир қўлини унинг белидан ўтказиб, «ўзингизни босинг» дегандай қисиб қўйди ва иккинчи қўлидаги рўмолчасини Замиранинг конспекти устига босиб-босиб, ёш томчини артиб олди.

Ёмғирдан кейин ҳаво тозалангандек, йигидан сўнг Замиранинг кўнгли анча тиниқлашди. Энди диққатини тўплаб олиши ҳам қийин бўлмади, кўп ўтмай семинарга одатдаги «иштаҳа» билан қулоқ сола бошлади. У ўқишига ортиқ эътибор бергани учунми, ёки асли шундай бир бардоши борми, камдан-кам қўнғироқ пойларди. Ҳар қандай лекциядан ҳам бирор нарса олиб қолишига улгуар, айниқса Сабоҳат опанинг семинарлари унга кўп нарса берарди. Еши қирқларга борган, тўла гавдасида йўл-йўл мош ранг костюм, эркакларникадай кўринадиган, товланувчи қора сочини боши ортига юмалоқлаб туккан, юзида бир оз чўтирилик изи қолган бу камтар, аммо қатъий хотин энг мураккаб тушунчаларни ҳам оддий мисоллар орқали етказиб бера оларди. Замира унинг ҳар лекциясидан кейин дунё ҳақидаги тасаввурларига қандайдир янгилик қўшилганини аниқ сезмаса ҳам, фикри илгаригидан узоқроқ жойларни илғайдиган бўлиб қолга нини (гўё ҳаво очилиб кетгани учун) сезарди. Мана, ҳозир ҳам Сабоҳат опа гапини мана шу оддий аудиториядан бошлади: паркет пол, қуйма шифт, яхлит блок-

лардан қилингандар... Ҳаммаси одамнинг меҳнати бўйлан бўлган. Бироқ одамлар ҳамма даврларда ҳам меҳнат қилган-ку, нега илгари дейлик, ибтидоий жамиятда бундай уйлар қуролмаган? «Чунки у вақтда ҳозиргидақа техника, ҳозиргидақа ишчилар, инженерлар бўлмаган», деб ўз-ўзича жавоб топди Замира. Сабоҳат опа гўё бу фикрни илиб олиб, фан тилига ўтказди: улар бунга яраша ишлаб чиқариш кучларига, ишлаб чиқариш қуролларига эга эмас эди. Замиранинг фикридан аввал сирғаниб ўтиб кетадиган терминлар энди одам ва унинг иш қуроли, иш жойи ҳолига келди-ю, илиниб қолди. Сабоҳат опа «қобиғ» очилиб ёришиб кетган бу тушунчалар орқали ғалати нарсаларни кўрсата бошлади: тош чўкичлар, ўқ-ёй, темир белкураклар, бўз тўқиладиган дастгоҳ, чит тўқиладиган буғ машинаси — бу оддий нарсаларнинг ҳар бири бутун одамзод ҳаётида бир катта давр очиб майдонга келгани Замирани ҳайратда қолдирди. «Қобиғ» очилган ҳар бир тушунчадан гўё бир чироқ чиқар эди-ю, Замира уни дунёга шундай тўғриласа, ҳамма мамлакатларни қамраб олувчи бир умумий қонуният кўриниб кетарди. Бу қонуниятнинг бир чеккаси Замиранинг шу аудиторияда, шу ўқитувчига қулоқ солиб, ўтирганига ҳам келиб туташар, у ўзини улкан одамзоднинг қонуний бир заррачаси деб билгани сари ҳамма нарсага ишончи ортар, ота-онасининг можаросида олдириб қўйган юраги энди кун сайин дадиллашиб борарди. Йилгари ўйлашга ҳам ботинмай орқага сурисиб юрган севги саволлари балки шу сабабли энди эшик тақијлатиб келаётгандир?

Шундай қилиб, Замира семинардан анча руҳи кўтарилиб чиқди. Эндиги соатлар қизлар учун физкультура, йигитлар учун ҳарбий машқ эди. Бу машғулотларни бир неча факультет бирга ўтказишгани сабабли ҳовли одамга тўлиб кетарди. Максус чамадончага чоловар, шиппак, свитер солиб келган қизлар спорт залининг кичик гордеробига сифишимай, танаффус вақтида кийим алмаштириш учун жой қидиришарди. Замира одатда Бости билан бирга ётоқҳоналарига бориб кийиниб келарди. Аммо бугун Бастига физкультура қилиш мумкин эмас экан, Замира Гавҳарни таклиф қилди.

— Юринг, бизникига, кийинасиз, яқин.

Бости уларнинг орқасидан рашқ билан қараб қолди:

Етоқҳонага келганларида Гавҳар Замирага:

— Кўзингизни ювинг,— деди.

— Билингитими?— деб Замира ойнага қаради.—

Рост айтасиз, дугона, қизариб кетибди.

Яна ўша «о»си «у» га яқин Наманган шеваси Гавҳарга ширин туюлди. У кулиб сўради:

— Замирахон, нега йиглингиз?

Замира ҳам табассум қилиб:

— Ўзи кўнглим бузилиб турувди,— деди ва бориб юзини ювиб келди.

Кўп ўтмай иккови ҳам спортча кийиниб чиқиши. Бирида кўк, бирида қора сатин чоловор. Гавҳар битта ўрилган сочини Сабоҳат опаникига ўхшатиб боши ортига туккан, Замиранинг икки ўрим соchlари эса гилам дўпписи теграсига маҳкам чамбар қилинган. Гавҳар чоловор устидан фақат сариқ свитер кийган, Замира эса ёқаси тугмасиз жемпери тагидан эски қарғашоҳи кўйлагини ҳам кийиб олган, этаклари чоловорни почасигача ёпиб турибди. Икковининг ҳам оёғида таги тишлик, усти брезент шиппак. Ўзларини қушдай енгил сезиб, қўлтиқлашиб зинапоядан тушаётганларида Гавҳар Замиранинг билагидан олди-ю, бояги гапини давом этдиридни:

— Кўнглингиз нега бузилганини айтами? Айтами?

— Айтинг.

— Йигитлар хафа қилганидан бузилган.

— Вой, йигитларни мен хафа қиляпман-ку.

— Аввал сизни хафа қилишса керак-да.

— Ҳаммаси эмас,— деди Замира.

Бу орада улар кўча эшигига келиб қолишган эди. Замира пружина ўрнатилган катта эшикни очиб, Гавҳарга йўл берди.

Гавҳар ўтмай тўхтади-да:

— Очил-чи?— деди.

Замира бирдан қабзани қўйиб юбордими, ё пружина зўрлик қилдими, эшик қарсиллаб ёпилди. Гавҳар сеска-ниб қўлини Замиранинг билагидан олди.

— Вой, кечиринг, дугона,— деб яна эшикни очди ва унга йўл берди.— Комендантимиз қиши чиққанидан ҳали бехабар, пружинасини олдирмабди.

Замира Гавҳарнинг сўнгги саволини эшитмаганга олди ўзини, кўчага чиққанларида:

— Ўзингизни хафа қилишмайдими?— дея кулимси-ради.

У Гавҳарнинг нозик жойидан тутган эди, Гавҳар бирдан маъюсланиб:

— Йўқ, мен ўзимни ўзим хафа қилдим,— деди.

У сабабсиз прогул қилгани ва Маҳкамнинг олдида қаттиқ беобрў бўлганини назарда тутиб шундай деди-ю, аммо Замира бошқача тушунди.

— Уйдагилар эшишибдими?.. Йўқ, Маҳкам ака билан юрганингизни эшишибдими дейман.

Гавҳар унинг соддалигидан маъюс кулимсираб қўйди, иккови tengdoш бўлса ҳам, опаларча муруват билан Замирани яна билагидан олди. Уйдагилар ихтиёрни унинг ўзига беришганини, фақат бувиси маҳаллаликлар гап қилади, деб бунга қарши чиққанини, лекин отасининг, «қўйинг, ойи, қайта аяган кўзга чўп тушади, Гавҳарнинг эси бор», деганини айтиб берди.

Замира ҳайрон эди. Ахир Гавҳарнинг қизлик шаъни хавф остида қолмайдими? Яъни, юрган йигити билан сози келишмаса-ю, орани узса: «Бу фалончи билан юрган», деб гап-сўз бўлмайдими? Замира учун бундай гап-сўз «фалончига тегиб чиққан» деган гап-сўзнинг ярми эди. Гавҳарга бу тўғрида гапириш ҳозир жуда оғир эди:

— Агар ажрашиб кетишса... унда толеидан кўрадида,— деди ички дард билан.

Замира Гавҳарнинг кўнглидаги оғрийдиган нарсага тегиб кетганини сезмас ва бошқа нарсалар ҳақида ўйлар эди. Демак, ёки улар бошқа-бошқа тоифадан, ё Гавҳар ўз шаҳрида — ота-онасининг олдида бўлгани учун гап-сўз бўлишдан қўрқмайди, йигитлар билан бунчалик эркин ва ботир муомала қилади. Замира эса, бувиси айтмоқчи, мусоғир шаҳрига ўқишга келган, ўзини сал қўйиб берса, дайди шамоллар оёғини ерга теккизмай учириб кетиши мумкин.

Улар шу тарзда қўлтиқлашиб, гаплашиб, аммо бирбирини турлича тушуниб нариги корпуснинг одам тўла ҳовлисига кириб келишди. Қиши чиқиб ҳовли энди топтоза супурилганди. Майда сарғиш қум сепилган кенг майдоннинг нариёғида икки қаватли кичик гиштин иморат кўриниб туарди: Маҳкамларнинг ётоғи. Гавҳар ўша томондан чиқиб келган ҳар бир одамга кўзлари алланечук ўйнаб қарап эди. Замира унинг кимни кутиб бундай қараётганини тушунди ва тирсаги билан секин туртиб, юз метрча наридаги баскетбол майдончасини кўрсатди.

Үерда бир тўп противогаз таққан йигитлар ҳарбий машқ учун сафланмоқда эди. Олдинги қаторда лижачилар киядиган қўнғир кўйлак-шим кийган Маҳкам. Гавҳар унинг бу томонга қараб турганини кўрди-ю, саросима бўлиб, Замирани қизлар сафининг панасига тортиди. Замира ўрта қатордаги бир йигитнинг Очилми, бошқами эканини ажратолмай қолди, лекин негадир «танишдан кўпи борми» деган сўзларини эслади.

Замира ўшандада бу гапни «танишларингиз менсиз ҳам кўп, мен фақат шуларнинг биримидим?» деган маънода тушунган ва: «Очил ўзини яқин олиб юрган экан-у, мен нари тур дегандай қилиб ранжитибман», деб ўйлаган эди. Энди ўйлаб қараса, у гапдан «сизсиз ҳам танишим кўп» деган маъно чиқар экан. Чиндан ҳам, биргина шу ҳовлида қанча одам бор, шуларнинг қанчаси Очилга таниш. Танишларининг қанчаси қизлар. Бастининг акаси айтгандай, у илгари Лола деган ҳам-курсига ошиқ бўлган бўлса, бугун-эрта яна бошқа бирор қизга ошиқ бўлар. Айтмоқчи у Замирага ҳам ошиқ бўлганмикин? «Керак эмас!— деди қиз ўзининг бу саволидан чўчиб.— Ўзи билан ўзи бўлиб кетаверсин, мендан озор еганга ўхшаб ҳадеб мунғайиб қарайвермаса бўлгани». У ўйини шундай якунлади-да, Гавҳарга қаради ва уни титроқ босганини кўриб:

— Вой, мунча,— деб қулди.— Бунақа бўлса томошаларга қандай бирга борасиз?

## 18

Гавҳар сўнгги кунларда Маҳкам билан томошаларга бирга боришга ҳам шубҳаланаар, қалби азобли зиддиятлардан ўртанар эди. Бу зиддиятлар эпкини ўша биринчи учрашув охиридаёқ эсган эди. Аввал Маҳкам мукаммал ва ажойиб бир йигит бўлиб кўринар, Гавҳар ўзини унга жуда муносиб ҳис қиласди. Маҳкам муҳаббат қушининг бир қаноти бўлиб туюлса, ўзи иккинчи қаноти бўлиб туяларди. Шу жуфт қанотлар кучи билан Гавҳар ҳали умрида кўрмаган юксакликларда учуб юради. Кейин бу парвозга Гавҳар ўз прогули ҳақида гуноҳкорларча гапиргани сал халақит берди. Ўқишдан Маҳкамникидай катта ва аниқ мақсади йўқлигини сезгач, бу халақит кучайди, ниҳоят отаси ҳақида гап очилди-ю, бирдан ерга қулаб тушгандай бўлди. Маҳкам То-

шев тўғрисидаги гапни охирига етказмай тўхтатгани Гавҳарни суяб қолгани эди, қиз бунга уйга қайтгандан сўнг билди ва кўнгли хижил бўлди. Чунки муҳаббат ҳам, қуш сингари, ҳар икки қаноти учишга ярасагина парвоз қиласди. Бундай парвозни бир марта бошидан кечирган қиз сездики, Маҳкамнинг суяб қолганига Гавҳарнинг тенг қанот эмаслиги сабаб бўлди.

Эртаси куни бюорода кўпчиликнинг олдида Гавҳар шундай ерга урилди, «ўзим тугул Маҳкамни ҳам шарманда қилдим», деб шундай мулзам бўлиб кетди... Кейин Маҳкам Зокир билан уришибди деб эшиитди (баъзилари ҳатто ёқалашиб қолганмиш ҳам дейишарди). Бунинг ҳаммаси учун Гавҳар ўзини айблади, Маҳкамнинг кўзига кўринишдан уялиб, ундан ўзини олиб қоча бошлади.

Фақат бир марта танаффусда кўпчилик орасида улар бир-бирларига дуч келиб қолишли. Шунда Маҳкам ҳам негадир қаттиқ хижолат бўлиб, саломлашишга зўрға тили келди. Гавҳар гоҳ, «бўлиб ўтган кўнгилсизликлардан ўнғайсизланяпти», деб ўйларди, гоҳ, «мен билан дўстлашганидан уяляпти, пушаймон бўляпти», деб изтироб чекарди. Номига доғ тушган кишининг қизи эканини ўйлагани сари сўнгги тахмини устун чиқарди. Аммо ҳали Навоий театри олдида учрашамиз деган ваъдалари борлигини ўйлаб бир қарорга келолмасди.

Мана, бугун — улар ваъдалашган кун. Гавҳарнинг юрагини таталаётган зиддиятлар шу бугун кечқурни бир ёқлик бўлиши керак. У оғир интизорликдан ва Маҳкам пушаймон бўлса балки келмас деган даҳшатли фикрдан қийналар, кун кеч бўлган сари бу қийноқ кучайиб борарди.

Сўнгги кунларда Гавҳарга бир гап бўлганини уйдагилар ҳам сезган, онаси бир неча марта сабабини сўраган, лекин у айтмаган эди. Қиз отаси билан бир гаплашмоқни истарди. Бугун Маҳкам билан учрашиши мумкинлиги бу истагини тезроқ амалга оширишга ундар эди.

У лекциядан келиб отасининг кабинетига кирди ва ҳамма нарса тўполон бўлиб ётганини кўриб ҳайрон бўлди. Бир неча йилдан бери қўзғатилмаган чангли қўл ёзмалар, сарфайган карточкалар, эски газета-журналлар, илмий ахборотлар китоб полкаларига, стол-

стулларга спишишмай кетган ва қисман полда ўолиб тураг эди. Сийрак соchlари оппоқ оқарган, аммо ўсиқ қошлари ҳали ҳам қоралигича қолган кичик ва чайир гавдали киши нарвонда тикка туриб, эски бир дафтари лупага солиб ўқир эди.

Гавҳар отасининг ишида қандайдир ўзгариш юз берганини сезди-да, эшик олдида тикка туриб:

— Ада! — деб чақириди.

Тошев тарих факультетида дарс бериб юрган маҳалларда архивини титиб бирор нарса ахтарадиган бўлса уни овқатга ҳам, телефонга ҳам чақириб бўлмасди, Гавҳар кириб: «Йўқ дейинми?» деса ҳам, «ё ўзингиз жавоб берасизми?» деса ҳам, «овқат ейсизми?» деса ҳам, «смайсизми?» деса ҳам «ҳа» дер ва жойидан қимирламасди. Кейин Гавҳарнинг ойиси келар, «нарвондан қулатаман» деб дўқ уриб овқатга олиб кетарди. Ҳозир эса Гавҳар бир оғиз «ада» деб чақириши билан у лупасини дафтарнинг қатига солди, лекин қўлидан қўймай пастга тушди.

— Ҳа қизим? — деди у тиниқ йўғон овоз билан.

Гавҳар гапни нимадан бошлашни билмас эди.

— Қани бу ёққа кел, — деб отаси дераза олдидаги столга бошлади, — ўтири-чи мундай.

Гавҳар стулдаги картотека қутисини дераза токчасига олиб қўйиб ўтириди. Отаси унинг қаршисида тикка туриб, юзига тикилди-да:

— Рангинг кетиб қолибди, қизим, бирор нарса бўлдими? — деди.

Гавҳар ерга қараб кофтасининг белбоғини бармогига секин ўрар эди.

— Йўқ.

— Нега бўлмаса руҳинг тушган?

— Тушган эмас. Ўзим шу... прогул қилиб гап эшигдим.

— Гап эшигдинг?

Гавҳар бошини кўтариб, «бардош беролармикан-сиз?» дегандай отасига бир қараб олди.

— Қани айт-чи, нима деб? — қистади Абдураҳмон Тошевич.

Гавҳар ҳозир унинг юзида пайдо бўладиган руҳий азобни кўрмаслик учун яна ерга қаради-да, паст товуш билан тутилиб-тутилиб гапира бошлади. «Отангиз қанақа одам экани маълум, шунга қарамай ҳамкурсларингиз

ишенч билдиришиб группорг қилиб сайлабди. Сиз бу ишончни оқламаяпсиз, отангизга ўхшаб ҳайдалишини истайсизми?» деганларини айтиб берди.

— Ким? Ким шундай деди? Деканми?

— Йўқ, Маннонов деган секретаримиз.

Абдураҳмон Тошевичнинг юзига қаёқдандир соя тушгандай қорайди. У лупали дафтарини стол устига ташлаб, қизининг олдидан нари кетди. Унинг бўғиқ овози уйнинг бир бурчагидан келди.

— Айб менда, сени шу факультетга йўлатмаслигим керак эди. Қираман деб қўймадинг, лекин тушунтишим керак эдик, отаси бадном бўлиб кетган жойда боласи таънага қолади.

— Мен ноҳақ таънадан қўрқмайман, ада.— Гавҳар ўрнидан туриб, титроқ қўлларини бир-бирига босди.— Фақат аниқ билмас эдим. Нега шундай бўлган, тушунсанм эдим.

Отаси тўхтаб, унга тажжуб билан тикилиб қолди: наҳотки Гавҳар унинг мураккаб ички дардини тушуноладиган даражада улғайибди? Қачон, қандай қилиб? Тошев ўзи билан ўзи бўлиб буни ҳам сезмабдими? У тез юриб қизининг олдига қайтди ва унинг кўзларига қараб сўради:

— Лекин жуда чигал, жуда ҳам оғир-да?

— Майли оғир бўлса.

— Оппонентларим мени буржуа апологети деганини, бунга қанча одам ишонганини, ўзимнинг ҳам иқор бўлишимга сал қолганини тушунармикинсан?

— Апологети?— Гавҳар ҳайрон бўлди.

— Маддоҳи дегани. Буржуазияни ҳимоя қилган, мақтаган одам дегани.

Гавҳар оппоқ оқариб кетди.

— Ўтириб эшит,— деб отаси уни жойига ўтиргизди-да, қўлини орқасига қилиб, полдаги қофоз уюмларини четлаб ўтиб, нариги бурчакка ўйчан бориб келди.— Марксизм-ленинизм асосларидан билиб қолгандирсан, тарихий тараққиётнинг қонунлари бор. Шу қонунларга биноан феодализм тузумини бузиб чиқсан капитализм маълум бир вақтгача юксалиб, тарих ғилдирагини олдинга суриб боради, буржуазия ҳам ўзидан ғлорияни ҳоким синфларга қараганда хийла прогрессив бўлади. Кейин бора-бора империализмга ўтади-ю, ашаддий реакцион бир синфга айланади. Тўғрими?

Нимасидир кундалик лекцияни эслатадиган бу гаплар давомида Гавҳар ўзини анча босиб олди ва отасининг сдатдаги «тўғрими» сига бош иргаб тасдиқ жавоби берди-да, гапнинг қаёққа қараб кетаётганини кузата бошлади. Отаси гапни умумжаҳон миқёсидан алоҳида мамлакатлар миқёсига кўчирди-ю, аввал гўё ҳамма жойда бравар оқаётган тарихий тараққиёт дарёси эди ер шарининг рельефига ўхшаб жуда пасту баланд бўлиб кетди. Биргина Осиёнинг ўзи қанчалик нотекис: биз социализмдан коммунизмга ўтиб боряпмиз. Эронда ҳали ҳам монархия, шоҳ, Ҳиндистонда князликлар, касталар, Японияда империализм. Гавҳарнинг отаси мана шу ҳозирги Шарқ тарихи бўйича мутахассис. Катта бир қитъадаги хилма-хил тарихий жараёнларнинг қайсиси қаёққа қараб кетаётганини, қаерда, нима пайдо бўлиб, нима йўқолиб бораётганини, қайси ижтимоий куч қандай роль ўйнаётганини билиши, текшириши, ёритиши керак.

Чет эл Шарқи, асосан, деҳқонлар қитъаси, империализм бу ерда доим аграр қолоқликни ҳимоя қилиб келди. Лекин, бари бир, якка хўжалик деҳқонлардан ҳар кун, ҳар соат буржуа етишиб туради. Ёшлигига феодализм билан ит-мушук бўлиб олишган Farb буржуазияси энди қариган чоғида Шарқдаги феодаллар билан оғизбурун ўпишиб, миллий буржуазияга кун бермайди. Сиқилган миллий буржуазия нима қилсин? Ҳар галгидай яна меҳнаткашларнинг оммавий ҳаракатларидан дармон олади, бир қанча жойларда миллий озодлик курашнинг гегемонига айланади. Илгари феодализм тузумини бузиб чиққан бир қатор ёш буржуа республикалари ўз мамлакатларининг тарихини объектив жиҳатдан бир босқич олдинга сурган эди, ҳозир, бир томонда империализм лагери, бир томонда социализм лагери мавжуд бўлган шароитда мустамлака тузумини бузиб чиқаётган ёш буржуа республикалари ҳам ўз мамлакатларининг тарихини маълум вақтгача олдинга сура оладими? Миллий мустақиллик байроғини қўлида тутиб тира оладими ё долларга сотиб ейдими?

— Мен эллигинчи йили Ҳиндистон мисолида шу саволларга жавоб топмоқчи бўлдим,— деб Абдураҳмон Тошевич юришдан тўхтади ва бир қўлини стул суюнчиғига қўйиб, Гавҳарга юзланган ҳолда гапира бошлади.

Тошев аввал шундай фикрда эди: миллий буржуазия империализм билан қанчалик зид бўлмасин, бари-

бир социализм лагеридан қўрқиб, қари аканинг пинжиға тиқилади, мустақилликдан ҳам воз кечади. Лекин узоқ текширишлари бу фикрини тўлиқ тасдиқламади. Сиёсий мустақиллик миллӣ буржуазияга сув билан ҳаводай керак, акс ҳолда чет эл империализмига ем бўлиб ётаверади. Шунинг учун у миллӣ мустақиллик байроғини маҳкам ушлашга мажбур, сиёсий ҳокимиятга таяниб иқтисодий мустақиллик учун курашишга мажбур, деган фикрга келди. Бу мустақилликка социализм лагери Эмас, империализм лагери хавф солади, шунинг учун миллӣ буржуазия ўзини маълум вақтгача чет эл империализмидан кўпроқ ҳимоя қиласди, халқнинг империализмга қарши озодлик ҳаракатларидан алоқасини узолмайди. Капитализмнинг биринчи стадиясига оид объектив қонуният бу ерда ҳам озми-кўпми ўзини кўрсатади.

Тошев Ҳиндистон республикаси тузилган йили олдинга сурган бу фикрига оппонентлари (уларнинг кимлигини отаси очиқ айтмас, лекин Ҳакимовлар эканини Гавҳар сезиб турарди) сиёсий хато деб баҳо берадилар. Улар Октябрь революцияси ғалаба қилгандан кейин капитализм дунё миёсида умумий инқирозга юз тутиб, ўлимга қараб кетяпти, деган назариядан келиб чиқиб, «ҳозир буржуазия ҳеч қайси мамлакатда ҳеч қанча олға кетолмайди» дейдилар. Тошев эса капитализмнинг нотекис тараққиёти ҳақида Ленин очган қонуниядан келиб чиқиб, алоҳида мамлакатларда, алоҳида соҳаларда вақтинча ва нисбатан ўсиши мумкин дейди ва фикринг исботи учун ўзимизда ва чет элда чиқадиган статистик материаллардан (у инглиз ва форс тилини яхши билади) кўп фактлар келтиради.

Империализм лагерида шунаقا фактларни йиғиб юрадиган одамлар бор. Улар алоҳида бир мамлакатнинг тараққиёт кўрсаткичларини бутун империалистик системанинг ўсиб бораётганига далил қилиб кўрсатадиларда, «мана, капитализм ҳали ҳам тарих ғилдирагини суряпти», деб маддоҳлик қиласдилар.

Тошевнинг оппонентлари уни тўғри ўшаларга олиб бориб шериж қилишади. Унинг ҳадеб миллӣ буржуазияни текшириб, ижобий томонини қидиргани оппонентларига ўта шубҳали кўринади. «Ахир,— дейди Тошев,— Маркс ҳам «Капитал»да буржуазияни текширган-ку. Вабо микробини текширган одам вабо тарқатаман деб текширмайди-ку». «Йўқ,— дейди бир мажлисда Ҳаки-

мов,— Америкада вабо тарқатиш учун микроб урчита-  
ётганлар ҳам бор».

— Наҳотки мен,— дерди Тошев Гавҳарга қараб,—  
бойларнинг эшигиди қарол бўлиб ўсиб, босмачилар билан уришиб, кўкрагимдан ўқ еб, шунча йил партияда бўлиб, шунча йил ўқиб, ўқитиб, совет профессори бўлиб, эндиликда ўша иблисларга ўхшасам? Бундан ёмон ўхшатиш борми дунёда?

Абдураҳмон Тошевичнинг оғзи қурқшаб, тили қийинлик билан айланар эди. Столнинг бир четида турган чойнакининг юқини пнёлага қуиб, бир ҳўплади. Жуда беозор туолган умумий назарий гаплар бирдан бундай ваҳимали айбга айланаб кетганини Гавҳар энди гўё ўз кўзи билан кўрди-ю, тутақиб кетди.

— Ахир бу тұхмат-ку. Ректорга айтмадингизми?

— Бу муаммони ректор ҳам ҳал қилолмас эди, қизим... Катта дискуссия керак эди. Лекин эллигинчи йилда бунақа дискуссия қилиш қийин эди. Энди, мана, тарих журналларида Шомил ҳақида ҳам баҳс кетяпти. Менинг ишим ёпиқ мажлисларда кўрилган эди. Оппонентларим менинг ўттизинчи йилларда ёзган мақолаларимдан ҳам хато топиб, яна бир талай айб тақишиди. Бир мажлисда ё раддия бериб улгурасан киши, ё улгурмайсан.

Гавҳар ўшандада ойиси эшик тақилласа сесканадиган бўлиб қолганини, отасининг сочи бир йилдаёқ оқариб кетганини, уйлари бирдан аввалги файзини йўқотиб қўйганини эслар, ҳаммасининг ички мазмунига энди тушунар ва ҳаммаси янгидан юз берадётгандай вужудини даҳшатга тўлдиради. Савол беришга ҳам тили келмай, караҳт бир аҳволда отасига мижжа қоқмай, қаради.

— Шунчалиги билан,— давом этди Абдураҳмон Тошевич,— илмий ишимнинг хатолигига мени ҳеч ким ишонтира олмаган эди. Буржуазиянинг ўлиб бораётган қисми билан, энди давлат тепасига келиб, ҳали-ҳозир омма билан алоқасини узмаган қисми орасидаги жиддий зиддиятни исботлаб бермоқчи бўлиб юрдим.

— Буржуазияси ҳам ўлсин,— деди Гавҳар, куюниб,— бошқа темэзда ишлай қолинг эди-да.

— Йўқ, сен билмайсан. Мен шу мавзуда ишлаб жазо олдимми, демак, ё хатоимга тан беришим керак, ё хато қилмаганимни исботлаб, оқланишим керак.

Бошқа иложим йўқ. Лекин... Кўнглим мана шу уйдай тўс-тўполон. Бу чигалликдан ўзим ёлғиз чиқолмайдиганга ўхшаб турибман. Москвада менга илмий раҳбар бўлган катта бир олим бор. Ўшанга хат ёзган эдим. Бугун жавоб келди. Хат орқали бу масалани ечиш қишин, ҳамма материалларни олиб келсангиз яхши бўлар эди, дебди. Бормоқчиман.

У ёзувлари хиралашиб қолган эски дафтар билан лупани яна қўлига олди.

— Шунақа бир дафтарда тезисларим бор эди. Қаерга қўйганим эсимда йўқ.

Гавҳар ўрнидан туриб, секин отасига яқинлашди, унинг дафтар устига энгашган бошини қўллари орасига олиб, оппоқ сочига лабларини жимгина босди-да, тез ташқари хонага чиқиб кетди.

## 19

Қаердадир тепада соат занг чалди. Гавҳар бошини кўтариб, юмaloқ деворий соатнинг олти бўлганини кўрди, соатга боғлиқ қандайдир иши хотирида заиф қимирлади, лекин отасининг ғами бошқа ҳамма ғамларини шундай босиб кетган эдики, Маҳкам билан учрашиши кераклигини ҳам анчагача эслай олмай турди. Кейин эслаганда ҳам аввалгидай изтироб ва сабрсизлик сезмади. Фалати бир сокинлик билан ювинди, яrim коса мастава ичди, сочини иккита қилиб ўрди, ўқишга кийиб юрган кул ранг жакетини ва тагдўзи дўпписини кийди-ю, ойисидан жавоб олиб уйдан чиқди. Фақат кўчада Маҳкам билан ўзи гаплашиб турган йўлкани кўриб, юраги бир «жиф» этди. Трамвайдага келар экан, баҳслашиб пиёда ўтган жойлари ҳам кўзига иссиқ-иссиқ кўринди, катта бир оловга яқинлашаётгандай иссиғи тобора ортиб, юрак уриши тобора тезлаша бошлиди. Семашко остановкасига келиб тушғанда изтироб ва сабрсизлик ҳисси эрталабгидан бир неча баравар куҷайган эди, чунки эрталаб отасига оид мавҳумлик уларни бир қадар босиб турарди. Энди, қалбининг қоронги чеккалари ҳам ёришган бир пайтда (бу ёришишдан жуда ваҳимали нарсалар кўринган бўлса ҳам), у гуноҳкорона дудуғланмайди, бутун воқеани очиқ айтиб бера олади. У ёғини Маҳкамнинг ўзи ҳал қилсин. Фа-

қат у Маҳкамининг олдида ўзини оқлашга улгурмай ажрашиб кетишса ёмон. Қелармикан? Қелғанмикан?

Қалбининг ҳар зарбida бир тақрорланаётган шу савол билан Театр майдонига қадам қўйди. Шохлари тараб қўйилгандай текис ва тиниқ сада қайрағочлар ҳали япроқсиз. Гиштлари олтиндан оқ сарғиши улкан бинонинг кенг зинапоялари ва баланд пештоқлари олдида одамлар кичик-кичик кўринади. Гавҳар бу одамларга кўз тикиб борарди. Ана у кассанинг олдида турган ким? Мана, бу ёққа ўгирилди.

Маҳкам!

У ҳам Гавҳарни кўриб зинапоядан тез тушиб келар эди. Бошида одатдаги қора кепкаси. Тўқ яшил мовут пиджатининг ёқасидан галстуксиз кўйлаги оқариб кўринади. Яқинлашган сари юзидағи ҳаяжон, кўзларидаги қувонч, кулимсирашидаги ўнғайсизланиш яқолроқ билинади. У етиб келиб салом дедими, ё сўзсиз кўришдиларми, Гавҳар билмай қолди. Фақат кафтининг қаттиқ сиқилиб титраб кетганини аниқ сезди. Иккови ҳам бир-бирига тикилиб, гўё бир-биридан ниманидир излаб, бир зум қотиб турдилар. Кейин Гавҳар ерга қараб, қўлида қолган трамвай билетини эзғилай бошлиди. Маҳкам ўзининг гапириши кераклигини, ораларида пайдо бўлган губорга биринчи бўлиб изоҳ бериши кераклигини сезди-да, дафъатан бошига келган фикрни айтди:

— Келмайсиз деб қўрқсан эдим.

Гавҳар унинг гапидан ҳам кўра овозидаги гуноҳкорона оҳангдан таъсирланиб тез бошини кўтарди. Маҳкамининг гапи рост экани «хайрият келдингиз!» деб қувончли порлаётган кўзларидан, сўнгги кунларнинг изтиробини яширолмай дардли кулимсираётган лабларидан билиниб турарди. Ҳаяжондан оғзида нам қолмай, овози бўғиқ ва бир оз синиқ чиқарди:

— Мен шундай уятлиман, Гавҳар... Келмасангиэ ҳам ҳақли эдингиз.

— Нега? Йўқ. Сиз эмас, мен...

— Ўша куни кўнгил сўрашга ҳам ярамадим, ноҳақ гапдан ҳимоя қилмаганим...

— Мен,— Гавҳар қўлинни кўкрагига қўйиб унинг сўзини кесди,— мен сизни уятга қолдирдим, Маҳкам ака! Айблаш керак бўлса мени айбланг.

— Ундей деманг, йўқ, ўша айблашлар ҳам етар.

Фақат,— у бир тўхтаб олди,— фақат нега унақа қилиб юрдингиз?

«Ўзингизни олиб қочиб юрдингиз?» деган саволни Гавҳар пайқади, албатта. Лекин жавоб бермай:

- Сиз-чи?— деб сўради.
- Мен уятли эдим.
- Мен ҳам... уялдим-да.
- Нимадан? Ё менинг... шунақалигимданми?
- Қанақалигингиздан?
- Шунақа... оқибатсизлигимдан.

Маҳкам буни жуда жиддий айтди, Гавҳар бирдан завқланиб шўх кулкига ўтди-да:

— Ҳа,— деди,— юринг, уришқоқ ака, юқорига чиқамизми?

Кенг зинапоядан кўтарила бошладилар. Гавҳарнинг завқли кулгиси Маҳкамга ёқсан бўлса ҳам, уришганини эслатиши оғир туюлди, кўзи чўғланиб, қўлларини чўнтағига яширди. Орага тушган бир зумлик ноқулай сукутда у сездики, ҳаммасини ҳозир айтиб бермаса бутун оқшом давомида тикандай қадалиб халақит бераверади.

Сўнгги кунларда Маҳкам бу тўғрида жуда кўп ўйлар ва ўйлаган сари бир нарсанни аниқ сезарди: бюрода шу вақтга қуруқ ижрочи бўлиб келган экан, юқоридаи берилган топшириқни аниқ бажааркан-у, бундан оимма нима наф кўришини кўз олдига келтирмай, қилган ишига юракдан берилмай юрар экан. Акбаровнинг жазоси, деканатдаги тўқнашув, Эшонбоевнинг саволлари, Шоазим ва Зийнатуллаевларнинг гаплари, Гавҳардан билганлари, ниҳоят Гавҳарнинг йиғлаб чиқиб кетгани, редколлегиядаги тўқнашув шундай устмасуст юз берган, бири ортидан бири шу қадар тезлик билан келган эдики, Маҳкам ҳаммасини англаб, ҳазм қилиб улгурмасди. Хилма-хил туйғулар, фикрлар, таас-суротлар хом ҳолича кўнглида тўпланиб, борлиғини гўё электр зарядларига тўлдириб юборган эди. Кноқасидан босса жиринглаб одам чорлайдиган қўнғироқсимон ижрочилиги ҳам шу кучли зарядлар билан ўралганди. Редколлегияда Манноновнинг қўпол қилиғи унда тўпланган ҳамма зарядларни бирдан портлатиб юборди.

Маҳкам сўнгги кунларда ўзига келди-ю, Зокир билан уришгани қўпол ва кўр-кўрониа портлаш эканини тушунди ва эсиға тушса хижолат чекадиган бўлди. Ле-

кин портлаш натижасида «Ижрочи қўнгироқ» ҳам ишдаи чиққанди. Энди Маҳкам ҳисобот учунгина қилинадиган расмиятлар билан ўзини алдаёлмасди. Энди кўпчилик чинакам қадрлайдиган жиддий ва самарали бир иши қўлидан келса қилади, келмаса йиғиштириб қўяди.

— Комитетдан келганларга айтдингизми шуни?— сўради Гавҳар. Бу орада улар фойега киришган ва афсонавий созанда Дилоромнинг деворга чизилган гўзал расми олдидан ўтиб боришарди.

— Йўқ, энди, сизга айтяпман да. Оқибатсизлик қилганим ҳам шундан бўлса керак. Меҳру оқибат бошқа-ю, жамоат иши бошқа деб юрар эканман.

Гавҳар бу гаплардан бир нарсани аниқ билди: Маҳкам унинг тўғрисида ёмон фикрга бориши ё сўзидан қайтиб келмай қолиши мумкин эмас экан. Уларни бирбирига боғлаб турган ҳислар сўнгги кунларнинг синовидан— энг биринчи синов!— янада зўрайиб чиқибди. Маҳкамда қандайдир ўзгариш юз берибди-ю, икковиши бир-бирига янада яқин қилиб қўйибди. Шунчалик руҳий азоблардан кейин у билан ёнма-ён юриб, унинг ҳам изтироб чекканини билиш, унинг ҳам ўнғайсизланишини кўриш нақадар яхши. Гавҳар учун атрофдаги нарсалар, мана шу гўзал Дилоромдан тортиб кўзга кўринимовчи ҳавогача ҳаммаси қувончга тўлиб кетди. У нимани гапирмасин, ҳаммаси шу қувончни билдира бошлади. Шунинг учун яна гап мавзуининг тинмай ўзгариши сезилмайдиган бўлиб қолди.

— Ажойиб-а,— деди у ҳавони симириб чуқур пафас олар экан.— Худди даланинг ҳавосига ўхшайди.

Сезяпсизми?

Маҳкам ўғирилиб унинг қувончдан тўлғанган қошлигини, чиройли қимтилган лаби ва учқунли кўзини кўрди-ю, бошқа ҳамма нарсани унуди.

— Нимани?— деб қайтариб сўради.

— Ҳавосининг хушбўйлигини. Агар кўзингизни боғлаб фойега олиб келиб ташласа ҳавосидан танирмидингиз?

Сўзлар яна фикрдан кўра туйғуни кўпроқ ифодалар, энг оддий гаплар ҳам ўйноқи ҳисларга тўлиб эшитиларди.

— Танир эдим.

Маҳкам бу сўзларни шундай шўх айтдикни, Гавҳар сабабини билгиси келиб сўради:

- Қандай танир эдинги, қани?
- Йўқ, аввал сиз кўзимни боғлаб олиб келиб ташланг.
- Йўқ, аввал сиз айтинг.
- Айтсан нима берасиз?

Гавҳар чўнтагини ковлаб қоғозга ўроғлиқ конфет топди:

- Мана, мана шу «Оқ олтин»ни.
- Бўлмаса бераверинг,— у оёғи билан гулдор пояндозни енгилгина тепиб қўйди.— Пастимиизда ҳаво етказиб берадиган машиналар ишлайди. Ҳавони тозалаб, температурасини тўғрилаб берарди. Шунинг учун шундай хушбўй туюлади.
- Вой ростми?
- Ростки, мана эшикнинг олдида турган контролёр ҳам айтсин.

Фоеда одам кўп эди. Гавҳар контролёр томонга қарайман деб, ўзларига қизиқиб қараётган бир қанча кўзларни учратди. Қизиқ: кўпинча йигитлар аввал Гавҳарга, кейин Маҳкамга қарайди, гўё қизга йигит қанчалик муносиб тушганини аниқламоқчи бўлади, қизлар эса аввал Маҳкамга, кейин Гавҳарга қарайди, яъни йигитга қиз қанчалик мос келганини билмоқ истайди. Гавҳар учратган кўзларнинг баъзиси уялиб ўзини олиб қочар, баъзиси ҳавасдан учқунланиб турар ва икковини янада маҳкам бирлаштирас эди. Чунки агар уларни бир-бирига мос деб ҳисоблашмаганда эди, кўзларда ачиниш ёки масхаралаш сезилган бўларди. Уялиб ёки ҳавас қилиб қарапларининг боиси уларнинг жуфт тушгани эди. Гавҳар буни сўз билан айтиб бера олмаса ҳам қалбida чуқур сезар эди.

- Ишондим, мана ютдингиз.

У конфетни Маҳкамнинг очиқ кафтига секин қўяётганда қўл қўлга тегиб, биридан бирига ёқимли ҳарорат ўтгандай бўлди. Маҳкам ютуғини чўнтағига солиб, секин унинг билагидан олди:

- Юринг, юқорига чиқамиз.

Юқорида Бухоро ва Самарқанд заллари гўзал ўй-макорликлар латофатидан яшнаб турарди. Деворлар девор эмас-у, оппоқ ганчдан тўқилган афсонавий бир мато. Нафис эгилувчи оқ чизиқлар гўё очилаётган оқ гуллар-у, тинмай япроқ ёяди. Гавҳар ойна устига солинган катта бир ўйма нақш олдида Маҳкамни тўхтат-

ди. Залда юрганлар ҳам ойнада мусаффо оқ чизиқларга қўшилиб сал-пал акс этарди.

— Киши қараган сари қарагиси келади-я,— деди Гавҳар завқли овоз билан.

— Майли, сиз ўймакорликка қаранг, мен сизга қарайман.

— Йўқ, сиз буни қуруқ ўймакорлик деб ўйламанг-да, жони бор гулга қарагандай қаранг, «ўқинг», Мана...

Гавҳар ўзининг ўймакорликни «ўқиши» услубини Маҳкамга айтиб бера бошлади. У оқ чизиқлардан бирини кўзлари билан «ушлаб» олиб изма-из бораверса жонли бир шакл пайдо бўлади. Кейин ёнидаги чизиқлардан ҳам шундай шакл чиқармоқчи бўлиб кўзини бир секундга олади-ю, аввал топган образи қочиб, оппоқ чизиқлар жимжимасига шўнғиб кетади. Лекин яна тикилиб тураверса, чизиқлар гўё тинийди ва аввалгисидан ҳам гўзал бир шакл келиб чиқади. Бир жойда узоқ тўхтаб тура олмайдиган кишилик диққати бенхтиёр бошқа чизиқлардан ҳам образ яратиб, аввалгисига қўшмоқчи бўлади. Лекин шу билан аввал топилган шаклни яна йўқотади. Бутун бир паннони бирлаштириш йўлидаги шу образлар ўйинига берилиб вақт ўтганини ҳам сезмайди.

— Дид керак экан-да,— деди Маҳкамнинг ҳаваси келиб.— Мен бу гулларнинг гўзаллигини биламан-у, лекин сиздай ўқиёлмайман, кўп қарасам кўзим толади.

Гавҳар мақтовни ўзига олмай кулди.

Шу пайт қаердадир катта бир бўшликда электр қўнгироқ жиринглади: факультетдаги қўнгироқлардан бошқача — жарангি зўр, аммо мулоим ва кумуш оҳангидек тиниқ. Ё бу улкан фойелар ва ажойиб деворлар қўнгироқ овозини ҳам ўзига хос бир нафосатга тўлдириб чиқарадими?

Уларнинг жойлари амфитеатрнинг марказида эди. Киришлари билан шифтга томон ингичкалашиб борган улкан олтин ранг қандил<sup>1</sup> яқингинадан кўринди. Унинг теграсига шундай ҳал берилган ва саноқсиз лампочкалар шундай терилган эдики, бутун қандил зар иплар билан каштадай тикилганга ўхшарди. Оппоқ саҳна пештоқидаги йирик зарҳал нақшлар эса Ўзбекистоннинг олтин гербигача чиқиб борганди. Саҳнанинг барқут пар-

<sup>1</sup> Ҳозир бу қандилнинг ўрнига бошқа енгилроғи қўйилган (авт.).

дасига юқоридан прожекторлар, пастдан рампа нур сочар дирижёр пульти ҳали бўш турар, лекин музикантлар ўтирадиган жойдан битта-яримта созланаётган асбобларнинг товушлари учиб чиқар эди. Залнинг оловли гўзаллиги Гавҳарнинг ҳозирги туйғуларига жуда мос келар эди. У амфитеатрнинг биринчи қаторида Маҳкам билан ёнма-ён ўтириб барқут деворча орқали пастга қарап экан, оёғи тагида пол борлигини сезмас, ўзини учиб юргандай ҳис қиласади.

Бирдан қоронги туша бошлади. Гавҳар юқорига қаради ва қандилнинг секин қизариб ўчаётганини кўрди. Чироқлар фақат пастда, музикантлар ўтирган жойдагина қолди. Кўп ўтмай фрак кийган дирижёр ўз ўрнига чиқди-ю, «Боқчасарой фонтани»нинг увертюраси бошланди.

Ёрқин туйғуларни ифодаловчи скрипка ва флейталар куйига бора-бора контрабас ва тромбонларнинг йўғон, хавотирли оҳанглари, литаврларнинг гумбурлаши қўшилди, скрипкалар изтироб билан чинқира бошлади. Гавҳарга музика ёқса бутун ҳис-туйғуларини тартибга келтирас, магнитга ўхшаб, бир қисмини ўзига тортиб, бир қисмини нарига суриб хиллар эди. Ҳозир ҳам дарёдай тўлиб, гоҳ осойишта жимиirlab, гоҳ шалоладай жўшиб оқаётган музика унинг ўйларини ўз йўналишига бўйсундирди. Увертюранинг бошидаги қувончли куй унинг ҳозирги баҳтиёр дамларига ҳамоҳанг эди, литаврларнинг қалдир-қулдури ва гобойларнинг ноласи унинг хаёлини бундан бир неча соат олдин отаси билан ўтказган азобли дамларга олиб кетди. Увертюра тамом бўлиб, парда очилганда у Маҳкамга алланечук хавотирланиб қараб қўйди. Саҳнадан тушган ёруғда Маҳкам унинг жиддийлашиб қолганини кўрди ва қошини ҳайрат билан кўтариб «ҳа?» дегандай тикилди.

— Бир нарсани айтиб бермоқчи эдим,— шивирлади Гавҳар.

- Нимани?— шивирлади Маҳкам ҳам.
- Кейин.
- Яхши гапми?
- Ие, қаранг, Мария ролида ким?

Оркестрда фақат битта флейта севинчга тўлиб куйлар, саҳна тўла раққосалардан ҳам фақат биттаси — оқ ҳарир кийимли гўзал бир қиз пардай енгил учиб рақс қиласади. Унинг ниҳоятда келишган гавдаси, маъс-

ум чеҳраси, шўх ва майин ҳаракатлари муҳаббат ҳақида жимгина сўйлар, чиройли кўзларининг ўти амфитеатрга ҳам етиб келарди.

— Галия Измайлова-ку,— деди Маҳкам.

— Ажойиб-а?

— Ҳа.

Гавҳар унинг завқли жилмайганини овозидан сезди ва сал ўтказиб бир қараб қўйди. Саҳнага берилган қип-қизил нур ёлқини залнинг ғира-шира қоронғилигида Маҳкамнинг юз чизиқларини мис ҳайкалникидай бўртдириб, мардонавор қилиб кўрсатарди. Унинг ҳар қандай қийинчиликни енга оладиган даражада кучли йигит эканини Гавҳар энди яққол сезгандай бўлди ва қалби фахр билан тўлиб-тошди. Бунга музика ва ўйин завқи, саҳнада бўлаётган воқеалар ҳаяжони уланиб, вақт яна енгил учиб ўта бошлади. Антрактда Маҳкам унинг нимани айтиб бермоқчи бўлганини сўради, лекин Гавҳар яна «кейин» деди. Кейин эса бир-бирларидан ортган бутун диққат-эътиборлари Мария-Зарема-Гирейхон фожиаси билан, Галиянинг ўйини билан, театрнинг нафосати билан банд бўлиб, бошқа ҳамма нарса эсларидан кўтарилди. Фақат спектакль тугаб, кўнгиллари музика ва гўзалликка чўмиб енгиллашиб театр майдонига чиққанларида Гавҳар бир оз пиёда юришга ихтиёр билдириди. Шунда яна унинг ваъдаси Маҳкамнинг эсига тушди.

## 20

Тун костюмда ҳам илиқ туюларди. Осмоннинг бир четида етти кунлик ой ботиб борар, иккинчи четидан паға-паға булат кўтарилиб келар, тепада юлдузлар чарақларди. Кўчада қатнов сийраклашиб, шовқин босилиб қолган, шунинг учун жимлик тушганда қадам товушлари уй деворларидан акс-садо бўлиб қайтарди.

Гавҳар бирдан ўзгарди ва эзилган товуш билан дудуғланиб, куюниб отаси воқеасини айта бошлади. У адашиб кетар, Ҳиндистон дейман деб Покистон дер, Маҳкам гап нимадалигини тахмин қилиб, уни ўзи тўғрилар ва кўп нарсаларни қайтариб сўрар эди. Бу Гавҳарга ғалати туюлар ва алланечук далда берар эди. Ҳар сафар отасининг билганлари Маҳкамнинг билганларига тўғри келганда ва отасининг фикрини Маҳкам тахмин қилиб топганда уларнинг биридан иккинчисига қараб

гўё бир яқинлик ипн тортилар ва Гавҳарнинг отасига бўлган меҳри билан Маҳкамга бўлган муҳаббатини бирбирига боғлар эди. Боя отасидан эшитганда ваҳималч бўлиб туюлган нарсалар ҳам энди у ўзи айтаётганда қалбидаги қизғин туйғулар билан йўғрилиб оловли тус олди ва у маъюсланиб бошлаган гапни жўшқин сўзлар билан тамомлади.

Аммо Маҳкам унинг ҳикоясига жавобан нима дейиншини, нима қилишини билмай қолди. Унинг қалбида шунчалик хилма-хил туйғулар қўзғалган, кўз олдига шу қадар қарама-қарши нарсалар келган эдикি, фикр, идроки уларни қамраб, тартибга келтира олмасди.

Энг аввал у ҳис қилган нарса қувонч бўлди. «Мен айтмасам ҳам Гавҳар истагимни сезиб ҳаммасини билиб келибди, катта бир сирига мени шерик қиласпти», деб қувонди. Лекин шу заҳоти Гавҳар ҳам отасига қўшилиб қандай руҳий азобларни бошдан кечиргани хаёлида гавдаланди ва ҳали ҳам уларга осон эмаслигини, шунинг учун Гавҳар ҳозир бу қадар куюниб гапираётганини ўйлади-ю, бир нарса юрагини қаттиқ пармалаб ўтди, қувонч ҳам аянчли худбинлик бўлиб туюлди. Сўнг Тошевни қилмишига яраша жазо олган одам деб, ёмонга чиқариб юрганини эслади ва ўзига ўзи қалтабин кўриниб кетди. «Ахир гап нимадалигини аниқ билмасдан туриб, кекса олим ҳақида шундай ҳурматсизларча ўйлашга нима ҳаққим бор эди?»

Бу қандай бўлиб юз берганини у ўзи ҳам тушунмасди. У билмас эдики, ўзи бошидан кечирмаган нарсалар ҳақидаги кўп тушунчалари тажрибадан пайдо бўлган эмас, лекция материаллари каби осонгина, тайёргина олинган. У билмас эдики, ҳаётдаги чигал ҳодисаларни ҳазм қилолмайдиган ҳамма болалар ҳам маълум ёшгача тайёрини ва қулайини олиб ўсади. Ҳаёт ҳақидаги тасаввурлар эса ҳаётнинг ўзидан тайёроқ, ўрганишига осонроқ, идеалга яқинроқ бўлади. Кўп тушунчалари шунаقا осон пайдо бўлган Маҳкам мураккаб ҳодисаларни соддалаштириб, амалда қандай бўлса шундай эмас, идеалда қандай бўлиши керак бўлса шундай деб тасаввур этарди. У Тошевнинг айби нималигини билмаса ҳам, унга берилган жазога қараб катта бир гуноҳни кўз олдига келтиради, чунки жазо қандай берилиши керак бўлса, шундай берилганига қилча ҳам шубҳа қилмасди.

Бу универсал тушунча унга энг қийин нарсаларни ҳам осон қилиб, энг чигал нарсаларни ҳам тартибга келтириб, ҳаммани яхши қилиб кўрсатарди. Ҳакимов ва Эшонбоев ҳақида яхши фикрда бўлиши ҳам уларни яхши билгани туфайли эмас, бир факультетнинг бошида турган одамлар қандай бўлиши керак бўлса, булар ҳам шундай деб ишонгани туфайли эди. Лекин сўнгги бир ҳафта уни катта бир ҳаёт зиддиятига шундай яқин келтириди, қарама-қарши томондан эсган кучли шамол борлигинга шундай қаттиқ урилдики, бурунги енгил-елпи қарашлари ағдар-тўнтар бўла бошлади.

У Ҳакимов ва Эшонбоевлар ҳақида бир неча марта жиддий ўйланди ва уларни ҳали яхши билмаслигини қаттиқ ҳис қилди. Ё танқидий қараши ўткир одамларми? Ундаи бўлса Зокирнинг камчиликларини нега кўришмади? Фоявий софлик учун курашаётган одамлар бўлса Зокирнинг камчиликларини фоявий жиҳатдан майдга ва беозор деб ҳисоблашдими? Е улар танқид қиласа ҳам фақат йиқитиш мақсадида қиласидан одамларми? Наҳотки? Маҳкам ўзининг шубҳасидан қўрқиб кетди ва аксини исбот этадиган далиллар қидира бошлади.

Бундай далилларни хотирасидан кўплаб топа оларди. У Ҳакимов ва Эшонбоевни хилма-хил вазиятларда кўрган эди: кундалик ишларни ўринлатиб ҳал қилганда, қийналиб қолган баъзи студентларнинг ҳожатини чиқарганда, факультет учун қайғуриб юрганда, мажлисларда боплаб гапирганда, қизиқчилик қилиб одамларни кулдирганда ва ўzlари ҳам қаҳ-қаҳ уриб кулганда, факультетдаги баъзи кўнгилсизликлардан самимий хафа бўлганда, лекция ўқиб чарчаб чиқсанда. Лекин бирор марта уларни амалпарастларга хос салбий қиёфада кўрганини эслай олмади. Тўғри, у куни деканатда Ҳакимов Маҳкамга жуда ноҳақ бақирди. Лекин Ҳакимов аслида унақа бақироқ одам эмаслиги, минг соат прогулдан асабийлашиб тургани учун мувозанатдан чиқиб шундай гапиргани маълум эди.

Эшонбоев-чи? У анча кескин, баъзи бир гаплари кишида ёмон таассурот қолдиради, бироқ унинг юзида Маҳкамни эл қиласидан бир илиқлик бор. Кўзлари ҳам ёш ва соғлом кишиларга хос олов билан ёнади. Оқ пушти бармоқларида кучга тўлган йигитларга хос қаттиқлик билан бирга болаликдан қолган бежиримлик

сезилиб турарди. Шундай ранги тоза йигит Маҳкамнинг тасвуриданғи ғаразгүй амалпаратга ҳеч ҳам тўғри келмасди. Аммо унинг Акбаровга ўчакишганини ҳам тушуниб бўлмасди. «Лекин амалпарат бўлганда ҳам тўғри келмайди-ку?— ўйланарди Маҳкам.— Акбаровнинг амали йўқ. Амалпарат бўлса унинг пайига тушиб нима қиласди? Е Акбаров билан Тошев бир тараф-у, булар бир тарафми?»

Маҳкам бу ўйлар билан бўлиб ҳамма нарсани унуган эди. Гавҳар эса унинг бирор нарса дейишига интизор бўлиб жим бораради. Улар цирк олдидан ўтиб, аллақандай ариқчалардан ҳатлашди. Аввал текис асфальтдан юриб, кейин ғадир-будур тош кўчадан ўтишиди. Тун сукунатида одатдагидан кучли вағиллаб ўтаётган трамвайларни орқада қолдиришди, ниҳоят текис асфальт йўлга чиқиши ва тўғри қараб кетишиди. Лекин қаёққа ва нима учун кетаётганларини иккови ҳам билмасди.

Гавҳарни ноқулай аҳволга солиб қўйган узоқ жимликдан кейин Маҳкам тўсатдан унинг отаси билан Акбаровнинг борди-келдисини сўради. Гавҳар унинг нега жим бўлиб қолганини энди тушунгандай бўлди. Назарида, Маҳкам унинг беғараз гапирганига ишонмай ковлаштиряпти, узоқдан гап бошлаб текшириб кўряпти. Гавҳар гавдасини алланечук йиғиб, Маҳкамга бирор жойи тегиб кетишидан қўрққандай қимтиниб, отаси билан Акбаровнинг ҳеч борди-келдиси йўқлигини айтди. Шундай хафа бўлиб айтдики, Маҳкам бирдан ўзига келиб, унинг нега авзойи бузилганини сезди ва изоҳ беришга шошилди:

— Сўраганимнинг сабаби, ҳозир Акбаров ҳам гап бўляпти. Кеча биздаги лекциясига билдиримай стенографист юборишибди.

— Билдиримай?..

— Ҳа, қоида бўйича лекция стенография қилинадиган бўлса лекторга аввалдан хабар бериб қўйилади. Лекин Акбаровни ҳеч ким огоҳлантиримабди. Танаффусдан қайтиб келсак иккита хотин кириб ўтирибди. Акбаров бечора аввал сезмаган экан, кейин сезиб қолиб, жуда хафа бўлди. Безовта бўлиб лекцияни ҳам дуруст ўқиёлмади.

— Нима, стенографист юборса ёмонми?

— Умуман ёмон эмас-у, лекин билдиримай юборса

кишини шубҳага солади-да. Йишонмагандай бўлади. Бешинчи курслилар айтишди, ўшанда отангизга нисбатан ҳам бир-икки марта шундай қилишган экан.

Гавҳар Маҳкамнинг бояги гапига ҳам энди тушунди. Маҳкамдан бошқа одам бўлганда балки тилини чуқуллатиб ҳамдардлик билдирар, афсусланар, Ҳакимовларни ёмонлар эди. Лекин Гавҳарга бунинг ҳеч кераги йўқ эди. Маҳкам на ачинди ва на тасалли берди, фақат бутун борлиғи шу муаммо билан банд бўлиб, ҳамма нарсани билишга, ҳақиқатнинг тагига етишга жон-жаҳди билан интила бошлади. Гавҳарга шу керак эди, чунки у ҳам шу интилиш билан ёнарди. Лекин, ажабки, ичини тўлдириб юборган нарса шу интилиш эканини у энди Маҳкамга қараб сезди, сезди-ю, дардига даво топилгандай енгил тортди ва қалбига илиқ туйғулар қуюлди.

Чунки у отасининг муаммоси икковининг ўртасига бир тоғ бўлиб тушиб ораларини бекитишидан қўрққанди. Лекин ҳозир Маҳкамнинг қалб ҳароратини яқинги-надан ҳис қилди-ю, уларнинг бирни тортаётган азият иккинчисига ҳам бориб тушишини, бирининг қалбидағи-ни иккинчисига етказиб турувчи олтин ип борлигини билди.

Буни Маҳкам ҳам сезиб турарди. У ҳозир кўнглига қандай шубҳалар келгани, Ҳакимов билан Эшонбоевлар тўғрисида қандай фикрларга бориб қайтгани, Тошев тўғрисидаги фикри қандай ўзгарганини гапира бошлади. У Тошевнинг лекторлик донгини ҳам энди фаҳмлагандай бўлди. «Тошев адашган бўлса ҳам шаблондан чиқмоқчи бўлиб, янгиликка, катта мақсадга интилиб адашган», деб ўйлади, хаёлини келган ҳамма нарсани Гавҳарга бир-бир айтиб берди. У биринчи марта Гавҳарга кўнглини шундай очиб кўрсатди ва ўзаро сирдошлик томон катта қадам ташлади.

Гавҳар унинг гапларидан бир ҳаяжонланса, кўнгил сирларига шерик қилаётганларидан икки ҳаяжонланарди. Аммо у тарихчилар ва ўзининг ўқитувчилари ҳақида Маҳкамдай ҳар томонлама фикр юритишга ҳали қодир эмас эди. У Ҳакимов ҳақида ёмон фикрга борган сари унинг ўқийдиган лекциялари ҳам кўзига ёмон кўринарди.

— Қўйининг, Маҳкам ака,— деди у гапни бошқа ёқ-қа буришни истаб. — Ўқитувчилар тўғрисида... Шу... ёмон бўлиб кетяпман.

— Нега ахир, Гавҳар? Биз ҳам эрта-индин ўқитувчи бўлишимни қерак-ку. Токайгача ёш бола бўлиб юрамиз?

— Энди... ишқилиб... Агар тарих аниқ фан бўлганда дейман, биронинг тўғри гапини бирор бунақа деб нотўғрига чиқаролмас эди. Пифагор теоремасига ўхшаган аниқ бўлганда...

Гавҳар бу гапларни у кун баҳсдагидай шўх овоз билан эмас, бугунги билганларига хулоса қилиб, секин ва юракдан гапиради, шунинг учун Маҳкам тарих фанида ҳам Пифагор теоремасидай абадий ҳал этилган масалалар борлигини айтишга ҳожат сезмасди. Чунки Гавҳар буни биларди, фақат тарихни нотўғри талқин қилишга имконият қолдирмасликни орзу қилиб сўзларди.

Гап тарихда эмас,— деди у ўйчан товуш билан,— гап тарихчининг мақсадида. Мен шу Ҳакимовлар нима мақсад билан шундай қилганларини ҳеч тушунмаяпман. Мақсадлари нима?

Гавҳар болаларга хос ғайри ихтиёрий бир туйғу билан Ҳакимовни ёмон кўрар, аммо бунга исбот тополмас, отами шундай қилгани учун ёмон кўраман деб ўзига ишонмасди. Маҳкамга шуни айтиб:

— Билмасам,— деди,— ўзингиз айтдингиз-ку, балки ғоявий софлик учун курашиб шундай қилишар. Балки икки томон ҳам яхши мақсадга интилиб шундай қилгандир.

Бу жавоб Маҳкамнинг кўнглидаги энг беозор ҳисларига тўғри келарди. Гавҳарга бундай дейиш осон эмаслигини, лекин юрагидагини очиқ айтиб, самимий гапирганини, унинг юраги пок, нияти холис эканини, ҳар қандай чигаллик олдида ҳам, ҳар қандай шароитда ҳам Маҳкамга гапнинг ростини гапира олишини, бегараз ва самимий бўла олишини сезди.

Қандай яхши!

Уларнинг биридан-бирига севинч туйғулари ўтиб, Тошев воқеаси қалбларида пайдо қилган ғамни кесар эди. Аммо иккови ҳам сезар эдики, ҳозирги севинчлари Тошевнинг руҳий азобини ўйлашдан баланд келса, унга ёрдам беришни ўйлашмаса вижданан бўлмайди. Лекин улар қандай ёрдам беришлари мумкин? Студент бўла туриб доцентлар, профессорлар орасидаги илмий ва амалий тўқнашувга қандай аралаша оладилар? Бу-

нинг учун қанчалик кўп нарсани билиш, қанчалик катта тажрибага эга бўлиш керак.

Маҳкам баланд бир девор қаршисида турганга ўхшар, ундан ошиб ўтмоқчи бўлар, лекин бўйи ҳам, қўли ҳам етмаслигини ҳис қилиб безовталанаарди.

— Ёрдам берадиган катта одамлар бор,— деди Гавҳар уни иложсизликдан чиқармоқчи бўлиб.— Адам Москвага кетяптилар, ўзлари бир ёқлик қилиб келадилар.

Бу гап Маҳкамга бир қадар тасалли берди, лекин барнибир кўнглидаги тошдай тугунни йўқотолмади. У ҳозир бир нарсани сезиб туради: Тошев ва Акбаров масаласидаги чигаллик билганларни қийнаб, билмаганларни ноаниқ тахминларга судрайди; бу чигаллик ечилса факультет бир ғубордан тозаланиши мумкин: агар уни ечишга ўзи ҳисса қўшса қўпчилик олдида ҳам, Гавҳар олдида ҳам юзи ёруғ бўлади.

— Москвага борсалар яхши, лекин биз ҳам қараб турмаймиз. Ректор кўп одамларга яхшилик қилган экан. Ўзи машҳур физик. Караматов ҳам,— деди Маҳкам, партбюро секретарининг ўшанда деворий газетага ён босганини эслаб,— ким ҳақлигини билса, албатта ёрдам беради. Ҳамма гап ким ҳақлигини аниқ билишда. Агар Ҳакимовлар ноҳақ шундай қилган бўлса-ю, бунга исбот топилса, тўғри ўшаларнинг олдига чиқамиз. Ҳаммасини айтиб берамиз.

— Лекин бизга яхши эмас-да,— деди Гавҳар.

Маҳкам «нега энди?» деб сўрамоқчи бўлди-ю, унинг юзига қараб тушунди: «Мен унинг қизиман,— демоқчи эди Гавҳар.— Сиз менинг йигитимсиз, биз орага тушсак қариндош-уругчилик бўлади». Яна ўша ажойиб яқинлик туйғуси Гавҳарнинг мусаффолигига, беғаразлигига ишонч олови Маҳкамнинг юрагини севинч билан ёндириди. У Гавҳарни тўхтатиб, юзига ҳаяжон билан тикилиб, унинг қўлларини қидирав экан:

— Доим шундай бўлинг, Гавҳар,— деди.— Мен ҳам сиздай ҳаққоний бўлишга сўз бераман. Бизни ҳақиқат бирлаштирсин. Доим — ҳақиқат!

Гавҳар хаёлида бирлаштира олмай қийналётган икки ўтли истак — отасига ёрдам бериш, айни вақтда, ўз идеалларига содиқ қолиш истаги — ҳаққонийлик масаласига келиб бирлашди-ю, ҳаяжондан эти жимиirlаб кетди. Ҳа, бир-бирларига нисбатан ҳам, бошқаларга нисбатан ҳам доим ҳаққоний бўлишлари керак. Ўшан-

да муҳаббатга кўп ҳалақит берадиган мавҳумликлар, азобли тахминлар бўлмайди, отасининг ишида ҳам қариндош-уруғчиликдан қочишга, «шахсий масала» деб ажратишга ўрин қолмайди, чунки ҳаммаси ҳақиқатга бўйсунади.

— Келинг! — пичирлади Гавҳар, қоронғида Маҳкамининг иссиқ кафтини қидириб топиб.

## 21

Эртаси куни эрталаб Маҳкам уйқудан қушдай енгиллашиб уйғонди, оғзида ширин таъм ҳис қилиб ўрнидан турди ва тўсатдан физзарядка қилгиси келди-да, белигача яланғоч бўлиб ётоқхона ортидаги отиш майдончасига чиқди. Ҳали дарахтлар барг чиқармаган-у, лекин пушти гулдастага ўхшаб гуллаган бир туп бодом қўшни ҳовлининг девори оша яшнаб турибди. «Ие, баҳор кирганини сезмай қолибманми, ё бу бир кечада гуллаб чиқибдими» деб, Маҳкам ҳайрон бўлиб қолди. Хаёл уни бир зумда ўзларининг кичкина боғларига олиб кетди, ўрик гуллаган пайтлар эсига тушди: энди кўкариб чиқаётган марза ўтлари ва кетмон билан чолиб қўйилган юмшоқ ерлар устига тўқилган оқ гул барглари асл чинни парчаларига ўхшарди.

Бусиз ҳам қувончга тўла кўнгли гуллаган бодом ва ширин хотиралар завқидан тошиб, у гўё терисига сифмай кетди. Майдонни бир неча марта айланиб югуриб чиқди-да, текисроқ бир жойни таnlаб, физкультура дарсларидан эсида қолган машқларни қила бошлади. Қейин краннинг тагида белигача ювинди, қорамтири бадани худди офтобда чўғлангандай қизғиш жигар ранг тусга кирди.

Бу орада у кечаги оқшомнинг энг қувончли дамларини кўз олдидан бир-бир ўтказарди. Гавҳарни трамвайдага қандай кузатиб қўйганини, қайтишда трамвай ётиб қолиб, пиёда келганини эслаб, яна беш кунда учрашишларини, мана бугун бир кеча ўтиб, висолга бир кеча яқинлашганини ўйлагандага борлиги севинчдан яйради.

Унинг одатдан ташқари шод эканини кўриб турган ҳамхоналари ҳазиломуз гап ташлашарди. Юмалоқ ойнани дераза токчасига қўйиб соқол олаётган Сергей унга қараб бир кўзини қисди-да:

— Цветешь, деб қўйди («Яшнаб кетяпсан!» маъносида).

— Жуда маза экан-да бунаقا юзиниш,— деди Маҳкам эшик олдида туриб баданини қизартириб артар экан. У ўзидаги ўзгаришни шу билан изоҳламоқчи бўларди.

Шоазим энди ўрнидан туриб тўшагини йифишириар, чойшап билан байка кўрпани матросча қилиб тахлашга тиришар эди. У ётоқнинг старостаси эди ва бу ишда ибрат кўрсатиши керак эди. Иш орасида Маҳкамга гап ташлаб:

— Ҳа,— деди,— айниқса висолдан кейин маза бўлади.

Сергей лабини кесиб юбормаслик учун устарани юқорига кўтариб кулди. Ҳали ҳам тўшакдан турмай шифтга тикилиб ётган Очил Маҳкамга бир қаради-ю, аллақаери оғриётгандай зўрға жилмайди.

— Гап висолда эмас, мана бу газетачиларнинг танқидидан кейин бир оз устимда ишляяпман,— деди Маҳкам ҳазилни Сергейга нишаб қилиб.

— Чинданми? Бўлмаса танқиддан ҳам жуда ёқими хulosалар чиқарибсан-да,— деб Сергей ҳазил коптогини унга қайтариб отди.

Энди Маҳкам кулди ва сочиқни койкасининг елкасига осиб, икки дераза оралиғига осилган кичкина репродукторни буради. Эрталабки концерт бораётган экан, дуторда чалинаётган «Роҳат» куйининг ўйноқи садолари уйни тўлдирди. Шоазим музикадан баландроқ келиш учун овозини кўтариброқ деди:

— Танқиддан шунаقا ёқимли хulosалар чиқса Очилни ҳам бир танқид қилинглар бўлмаса. Қечаси билан ухлаёлмай койкада эшилиб чиқади, эрталабга келиб мана бунаقا сулайиб қолади.

Маҳкам Очилнинг қип-қизариб кетганини кўрди-ю, ўзини кулгидан тутди. Очилнинг ҳазилга териси юпқароқ эди, бундан ташқари у бугун ҳам ёмон ухлаган ва Замирани хаёлидан узоқлаштиrolмай, муттасил такрорланувчи хотира кино лентасидан қутулолмай ётарди. Ҳозир ҳамма нарса унинг бу ички курашини тобора кучайтиromoқда эди. Маҳкамнинг омади унинг севгидан омадсизлигини бўртдириб кўрсатар, «Роҳат» куви муҳаббат завқини куйлаб, уни севишга чорлар, у эса жавобсиз севгидан қутулолмай қийналарди. Умуман

ўзбек классик куйлари унинг унутишга ҳаракат қиластган туйғуларини шундай қўзгатар, қалбидаги севги чанқоқлиги ва севги дардини шундай зўрайтирас эдики, у баъзан чидаб эшитолмас ва музикадан қочар эди. Ҳозир ҳам репродукторда Ҳалима Носирова «Баётни» айтар экан, у ўрнидан туриб, ётоқдан чиқиб кетди.

Кўнгли яхши истакларга тўлиб турган Маҳкам унга нима биландир ёрдам беришни истарди. Унинг назарида, Очил бекорга ўзини қийнаб юрганга ўхшар, Маҳкам шуни унга тушунтириб, дардига даво кўрсатгиси келарди. Шунинг учун тушда уни бирга овқат қилишга чиқарди ва ошхонага кетаётганларида секин гап очди:

- У куни гапимиз тамомланмай қолди-а?
- Қайси гап?
- Хўй, шеър ёзиб ўтирган эдингиз-ку.

Очил гап Замира билан хафалашгани ҳақида эканини сезиб, бир жойи оғригандай юзини буриштириди.

- Хе, у гап тамом бўлиб кетган.

— Нега бўлмаса бунаقا бўлиб юрибсиз? Тушунолмаяпман.

Очилнинг назарида Маҳкам ҳамма нарсага ўзининг кечаги баҳтиёр оқшоми нуқтаи назаридан қараётганга, «мен роҳатдаман-ку, сен нега азобдасан, тушунмаяпман» деяётганга ўхшарди.

— Энди, жўра, ҳар бутага ўт тушса ўзи куйиб, ўзи ёнар экан-да,— деди у кинояли кулимсираб.— Шунинг учун тушунмаётгандирсиз.

— Йўқ, бунинг учун эмасдир,— деди Маҳкам, унинг киноясини сезса ҳам, ўзига олмай кулиб.— Гап нимадалигини билмаганим учундир.

Очил Маҳкамнинг ўртоқларча ҳамият билан аҳвол сўраётганини сезди. Кўп фазилатлари билан унинг ҳавасини келтирадиган ҳамхонасининг меҳри Очилга жуда илиқ тегди-ю, бироқ ўзини ёрдамга муҳтож деб ҳис қилишга иззат-нафси йўл бермас ва очиқ гапиргани қўймасди. У Маҳкам билан дўст бўлишни истарди, лекин ётоқхона майдо-чуйдалари бирининг жizzакилигини иккинчисининг босиқлигидан кескин айириб, фарқларини бўртдириб кўрсатар ва сирдош бўлишга имкон бермас эди. Бунинг устига ҳозир иккови учун ҳам энг нозик соҳа муҳаббатда аҳволлари тенг эмас эди.

Очил гапни бошқа ёққа бурди.

— Э қаранг, иссиқ пирожки борми дейман? — деб кўчанинг нариги бетидан лотокни, оқ халатли хотинни ва беш-олти кишилик навбатни кўрсатди.

Ошхонага бормайдиган бўлишди — стипендияга охирги кунлар қолган, чойчақалари тамом бўлаёзган эди, арzon пирожкилардан саккизтасини қофозга ўраб олиб ётоқхона томонга бурилишди. Жим боришар экан, иккови ҳам Очил жавобсиз қолдирган савол ҳақида ўйланарди. Маҳкам «ҳаддим сиғмайдиган нарсага аралашдимми?» деб ўзидан кўрар, Очил эса унинг шаҳдини қайтаргани учун ўзини жуда ўнғайсиз сезарди. Шу ўнғайсизликдан қутулиш учун воқеани қисқача қилиб айтиб бермоқчи бўлди. Лекин гапни жуда узоқдан бошлади.

— Лермонтовнинг бир шеъри бор. «Я не унижусь перед тобою»<sup>1</sup> деб, бошлайди. Эсингида бор-а?

Маҳкам қофоз устига ёғи қорайиб чиқа бошлаган пирожкиларни чап қўлига олиб ўзидан узоқроқ тутар экан, бош ирғаб, «ҳа гапиравер» дегандай қилди.

Шунинг бир жойини чала-чулпа таржима қилувдим. Эшигинг.

Очил тўрт мисра шеърни аввал русча ёддан айтди-ю, кейин таржимасини ҳам ёдаки ўқиди:

Мен мағурман — қўй — бошқани сев.  
Мафтун бўлсин сенга бошқа дил.  
Бу дунёда ҳеч бир нарсага —  
Севгига ҳам — мен бўлмайман қул.

— Узини катта оладими? сўради Маҳкам, Замирани назарда тутиб ва тезроқ мақсадга келишни истаб.

— Ҳа шу... — деб Очил муносиб сўз қидириб тўхтади. У, «чиройли бўлгандан кейин жазмани кўп бўлади, жазмани кўп бўлгандан кейин ҳаво бойлаб кетади», демоқчи эди, айттолмади. У ҳеч кимнинг олдида Замирани беҳурмат қилолмаслигини, фақат хаёлида ундан ранжиб, ичидагина ёмонлай олишини энди сезди.— Ҳа шу, умуман, осонликча ён берган одамнинг қиймати паст бўлади-да,— деди.

Муҳаббатни қандайдир бир кураш деб билиш ва

<sup>1</sup> Мен сени деб ўзимни камситмайман.

осонликча ён бермасликка тиришиш Маҳкам учун гайри табиий туялар, бу нарсага у Очилнинг кўзи билан қарай олмасди.

Лекин Очилга ҳам тушуниш мумкин эди. У тез севиб қоладиган, аммо ўзи қизларга дарров ёқа қолмайдиган йигитлардан эди. Осонликча қизларнинг севимлиси бўла оладиган эрка йигитлар ўзлари, чинакам сева олмай, «севги босимини» кўтара олмай қийналсалар, Очил, аксинча, севги ҳисларининг қайнашини тўхтатолмай, «севги босимини» пасайтиrolмай қийналарди. Ҳали шу вақтгача бирорта қиз уни чинакам севмаган эди. У ёшлигидан кўпчиликнинг ҳурматини қозониб ўсгани учун иззати нафси, йигитлик ғурури жуда кучли эди, у доим қиз биринчи бўлиб севиб қолишини орзу қиласди. Унинг севгани қаҳрамонлари ҳам қизлар ортидан ялпанглаб юрмайдиган, қизларни ўз таъсирига олиб, севимли бўладиган кучли кишилар эди.

Аммо Очил яхши кўрган «Сўна» ҳам, Павел Корчагин ҳам умрида паранжи кўрмаган, ичкари нималигини билмаган қизларни севганлари унинг хаёлига келмасди. Асрлар давомида аёллар уятли бир буюмдай мумкин қадар маҳкам яширилган, йигитлар тўпи қизлар тўпидан етти қават девор билан ажратилган машъум ўтмишнинг баъзи сарқитлари ўзбек йигит-қизларининг ўзаро муносабатларига ҳозир ҳам халақит беради. Ҳали ҳам йигитлар тўпи билан қизлар тўпининг орасига девор кўтарадиганлар учрайди. Қизларга ялинчоқлик қилишни, кўзларини «ботириб-ботириб» қарашни, кўча-кўйда гап ташлашни шу деворга нарвон қўйиб гаплашишдай табний деб биладиган йигитлар бор. Шилқимликни ҳамма ҳам ёмон дейди. Лекин қизларга нисбатан суқликни, яъни чиройли қиз кўрса орқасига тушишни, дафъатан учрашибоқ муҳаббат изҳор қилишни, рад жавоби олса, «қиз бор жойда ноз бор», деб яна иккинчи, учинчи марта «севваман» дейишни уят ҳисобламайдиганлар бор.

Очил бунақаларни тушунмас, ҳурмат қилмас, ўзини уларнинг ўрнига қўйиб тасаввур қиласа ғаши келарди. Унинг идеали ёқтирган қизини ўз таъсирига олиб, ўз қадрини ерга урмай севилмоқ эди. У қалбида йил сайин ўсиб бораётан севги истагини ўткинчи эҳтиросларга сарф қилмай, йигитлик иффатини қаттиқ асраб юрар, «севги босими» ҳам тинмай кўтарилиб борарди. Ниҳоят, у ўн тўққиз ёшга етганда қалби севги истагига шу қадар тў-

либ кетдики, ўзига томон сал яқинлашган биринчи қизгаёқ ошиқ бўлиб қолди.

Бу қиз ҳозир Сотиболдиевга эрга теккан Лола Ҳошимова эди. Биринчи курсда Очил ўзининг қобилияти билан ажralиб турар, ҳамма зўрга тушуниб ўқийдиган китобларни шариллатиб конспект қилас, баъзан радио ва газетада хабарлари ҳам берилар эди. Лола бир кун унинг конспектини сўраб олди, яна бир кун кутубхонага бирга боришни таклиф қилди, ниҳоят қишки сессияда, «юринг бизникига, бирга тайёрланамиз», деб таклиф қилди.

Лоланинг бу эътибори Очилга севги бўлиб кўринди, у ўзини севимли ҳис қилиб, Лола тўғрисида тобора кўп ўйладиган бўлди.

Лола уни ойиси, опаси билан таништириди (унинг отаси йўқ эди). Уларнинг рухсати билан иккovi бир кун театрга отланиши. Февралнинг охирлари, қор эриб турган кунлар эди. Лола янги демисезон пальто, кумуш ранг қоракўл телпак кийиб, бўйнига гўзал шарф ўраб чиққанди. Очил эса ёқаси ва енгларига қўнғир клиёнкандан жияк қўйиб тикилган эски пахталик фуфайкада, оддий трико шим ва фуражкада эди. Қизнинг қимматбаҳо кийимлари олдида у ўзининг оддий кийимларидан уялиб, дуруст гапиролмас, орага узоқ-узоқ жимлик тушарди. Лола унинг нега ўнғайсизланаётганини сезди, шекилли, троллейбусни қўйиб, пиёда кетишни таклиф қилди. Лекин гаплари юришмади.

Театрга билет тамом бўлганда бориши. Қўлдан олишга Очилнинг пули етмас эди. Лола истеҳзоли кулиб сумкасидан юз сўмлик чиқарди... Кийимлар номуносиблигига бу қўшилиб, спектаклда ҳам Очил сиқилиб ўтириди. Чиқиб келаётганларида Лола яна истеҳзоли кулиб: «Жуда ғалати кавалер экансиз», деди. Эртаси куни аудиторияда ундан узоқроқ ўтириди ва кун сайин совий бошлади.

Очил унга кўр-кўrona интилар, Лола совуган сари унинг «иссиғи» ортиб борар эди. Умрида ароқ ичмаган бола бир кун ботирлик учун юз эллик грамм ичиб, уларникуига борди, лекин Лоланинг ўзини тополмади ва опасига бир соатча ҳасрат қилиб чиқиб кетди. Лола буни эшишиб ўзини очиқдан-очиқ олиб қоча бошлади.

Уша вақтларда Зокир Фаридани унугаш учун Лола билан борди-кели қила бошлаган эди. Очил буни кўриб

тутаб кетди. У Лолани ўзига иисбатан нега ўзгарганини тушунолмас, лекин ҳамма гап шуни тушунишда бўлгандай анигини сўраб билишга жон-жаҳди билан ҳаракат қиласарди.

Бу орада ёзги сессия бошланиб, улар жуда кам кўришадиган бўлдилар. Кўришганда ҳам Лола ўзини кўпчиликнинг ичига уради-ю, Очилнинг гапи оғзида қолади. Кўнглининг бир четида «ташаббусни қўлдан бермаслик керак, қизнинг олдида ялпангланиб қадрини йўқотган ёмон, пашшахўрда бўлиш уят» деган эътоқоди чинқиради. Лекин ҳамма нарсани аниқлаш, сабабини билиш истаги ҳам тинмай хуруж қиласарди. Охирин сўнгги истак зўр чиқди. Очил кўзини чирт юмиб, «ўзимни бир қўйиб берай-чи, нима бўлар экан» деди-ю, бир кун ҳар қандай қилиб бўлса ҳам Лола билан холи гаплашишга жазм қилди. Тушга яқин факультетга келиб, Лолани ўқув залидан топди ва бир минутлик гапи борлигини айтиб, ташқарига чиқишини сўради.

Лекин Лола: «Нима гапингиз бор? Айтаверинг шу ерда», деб чиқмади. Очил индамай ташқарига чиқиб кута бошлади. Лекин Лола Зокир билан бирга чиқди. Очил ҳеч нима демай уларнинг орқасидан борди. Улар кўчада хайрлашдилар-у, Лола уйларига қараб кетди. Очил бирпас ўзини тутиб турди, лекин ашаддийлашиб кетган туйфуларини босолмасди ва қизнинг ортидан борди.

У эшик тақиллатиб кирганда Лола энди туфлисини ечиб, шиппак кияётган эди. Овқат стол олдида онаси шўрва сузмоқда. Улар Очилга кел ҳам дейишмади, саломига алик ҳам олишмади. Фақат Лола ойиси билан бир пичирлашиб олди-ю, кейин Очилга қараб:

— Энди келманг бизникига,— деди.

Лола бу гапни гадога айтгандай жирканиб айтди.

Очил аввал фақат сўзларнинг ташқи маъносини англади, қиз нега жирканиб гапирганига тушунмади, фавқулодда ҳеч нарса бўлмагандай секин чиқиб кетди. Фақат нарироқ бориб бу сўзлардан заҳар томаётганини ва бутун борлифи заҳарга тўлиб кетаётганини сезди: «Келманг бизникига». Ҳайдаб чиқарди. Ҳайдаб. Алик олмай, кел дейишмай. Ҳайдаб! Ойиси билан пичирлашиб олиб... Ойиси қайтармади. Ҳеч нарса демади. Тиланчига қарангандай... Тиланчи... Шарманда тиланчи!

Очил умрида бундай беобрў бўлмаган, ўзини бу қадар ерга урмаган, ўзидан бу қадар жирканмаган эди. У

бўш ётоқхонага келиб, ички бир оғриқдан инграб юборди. Йиғлаганда балки енгиллашган бўларди, аммо кўзига ёш келмасди, фақат койкада ғужанак бўлиб ётиб, бўғиқ инграрди.

Хайриятки, шундан сал олдин имтиҳонларни муддатидан олдин топшириб тугатган эди. Дарҳол қишлоғига чиқиб кетди ва ёзни тоғларда ўтказиб, хийла ўзига келиб қайтди. Бир оз совугандан кейин ўйлаб қараса, Лола у орзу қилғаи қиз эмас экан. Курсларида қизлар оз, йигитлар кўплигидан боши айланаб келажаги энг умидли кўринган йигитга тегмоқчи бўлиб, уйнагилар билан маслаҳатлашиб қаллиғ танлаётган қиз экан...

Очил биринчи муҳаббатда бунақа кўр-кўроналик, ожизлик кўп бўлишини, у Лолани эмас, ўзининг хаёлидаги севимли қизнинг фазилатларини Лолага бериб, ўз идеалини севиб қолганини кейинчалик билди ва икки йил ўтгандан кейин Лола билан фақат бир танишдай бепарво гапиришадиган бўлди. Лекин унинг орқасидан югуриб шарманда бўлгани эсига тушса ҳали ҳам қаттиқ уяларди.

Бу воқеа унинг иззати нафсини янада нозиклаштириди, йигитлик фурурини янада эҳтиёт қилишга ўргатди, севгида «Сўна» ва Павеллардай бўлиш керак деган эътиқодини янада мустаҳкамлади. Кейинчалик у Лермонтовнинг лирикасига қаттиқ меҳр қўйди, «севига ҳам мен бўлмайман қул» деган сатр, севгини ҳам киши ўз иродасига бўйсундириши керак деган фикр унинг шиори бўлиб қолди. Шунинг учун ҳозир Замирани кўришни жону дили билан истаса ҳам, унинг олдига бориши мумкинлигини билса ҳам аксини қиласди, муҳаббатини иродасига бўйсундиришга уриниб, ўзи билан ўзи тинмай олишарди.

Ҳали бундай нарсаларни бошдан кечирмаган ва энди биринчи марта севиб қолган Маҳкам унинг гапларини эшитиб деди:

— Сиз ўзингиз ўзингизни қийнаётган бўлманг, Очил. Тўғри, муҳаббатга қул бўлмаслик керак. Лекин уни бунча ичга ҳамаб, истасам йўқотиб юбораман дейиш ҳам тўғри эмас. Ахир у табиий нарса. Ундан сунъий йўл билан қутулиш мумкин бўлса Зокир қутулар эди. Қаранг, тўрт йилдан бери қилмаган иши қолмади: Фарида билан гапиришмай ҳам юрди, бошқа қизлар билан юриб ҳам кўрди.

— Мен Зокирнинг кўйинга тушишдан қўрқаман.

— У кўйга ҳеч тушманг. Мен фақат кўнгилни кенг қилинг демоқчиман. Шу қизни севасизми, қўйиб беринг, майли, севиш-севмаслигидан қатъи назар...

— О, қўйиб берсам ҳар куни юз марта унинг олдига учирив боради, оёғига бош уриб остонасидан кетмай ётишим керак бўлади, ишонасизми шунга?

Очил бу гапни шундай ёниб, шундай бўғилиб айтдики, Маҳкам ишониб бош ирғади.

— Ишонаман-ку, лекин, барибир... тушунмаяпман.

Очил яна шеърлар билан мисол келтириб нега шундай деганини тушунтира бошлади. У буни Маҳкам учун қиласди. Унинг табиати шундай эдикки, бирорнинг ҳимояси остида бўлишдан қочарди. У ёрдам олиб эмас, ёрдам бериб дўстлашишни, яхшилик қилиб яқинлашишни севарди, меҳри, меҳнати, қалб ўти сингган одамга тезроқ кўнгил қўярди. Шунинг учун у ўзининг севгидаги муваффақиятсизлигини Маҳкамга ҳасрат қилиб эмас, бир ҳамият кўрсатабётган бўлиб тушунтиради. «Шуни тушунишни истабсанми, майли, сўзинг ерда қолмасин, балки ўз севгингда ҳисобга оларсан, нафи тегар», деб айтарди.

Маҳкам буни сезиб: «Мен бунга ёрдам бермоқчи бўлсам, бу менга ёрдам бермоқчи бўляпти», деб мийифида кулди-ю:

— Ҳа, тушундим,— деди.— Бу тушунарли. Бўлмаса мен сиздан бошқа бир тўғрида маслаҳат сўрамоқчиман.

Ичиди эса, «ёрдам бериш истагинг бўлса, мана, марҳамат», деб қўйди.

## 22

Маҳкамнинг иззати нафси Очилникичалик тегманозик эмас эди, айниқса ҳозир, у муҳаббатда ғолиб келган бир пайтда ожиз кўриннишдан қўрқмас, кучи етмаётган нарсаларни очиқ айта оларди. Ҳозир унинг энг олий истаги коллективда ҳурматга сазовор бир иш олиб бориш эди. У жамоат ишига ёшлигидан ўрганган, бу иш унинг ҳаётини кўпчилик билан боғлайдиган бир воситага айланган эди. Сўнгги кунлар бу воситанинг қалбаки томонларини очиб кўрсатиб, шу вақтгача қилиб юрган ишидан ҳафсаласини қолдирганди.

Кеча оқшом Гавҳар ҳам: «Сизга ўзи қийин сектор теккан экан,— деганди.— Агитация интизомни яхшилашга

ёрдам бермаяпти, деб танқид қилишибди. Лекин қандай қилиб ёрдам бериши мумкин?»

Маҳкам илгари бу саволга осонгина жавоб топар эди. «Агитацияни ҳаёт билан боғлаб олиб бориш керак!» деяр эди-ю, масалани ҳал қилгандай бўларди. Энди ўйлаб қараса, ҳамма гап мана шу «боғлай олишда» экан. Ҳозир группалардаги агитаторлар ҳафтада бир марта сиёсий ахборот ўтказишади, яъни газетадан ўқиган нарсаларини ярим-ёрти қилиб сўзлаб беришади. Лекин газетага қизиққан одам бир ҳафтагача янгиликларни билмай юрармиди? Шунинг учун агитаторнинг информацияси ҳеч кимни қизиқтирмайди. Ҳамма эснаб ўтиради.

— Сиз ҳам агитаторсиз,— деди Маҳкам Очилга.— Бюронинг планига биноан янги ҳафта агитаторларнинг кенгашини ўтказиш керак. Шуни аввалгидақа қилиб ўтказишга ҳеч кўнглим йўқ.

Очил бирдан юмшади, ўз иззати нафсини авайлаб ҳадиксираши ҳам дарҳол йўқолди. Бир ойдан кейин комитетда тарих факультети бюросининг ҳисоботи эшитила жагини эслади, ўшангача Маҳкамнинг ўз секторини яхшилаши кераклигини ўйлади ва унга чиндан ҳам ёрдам бергиси келиб, алланечук жонланиб гапира бошлиди:

— Ҳа, жўра, мана буни ўйлаш керак.

Очил бутун диққати эътиборини бир жойга тўплаб астойдил ўйланар эди. Маҳкамга тубсиз туюладиган мавҳум нарсаларни у бевосита манбаидан чиқариб келиб аниқ шаклга сола олар, шеър машқ қилиб юриб янгилик қидришга, ихтирога ўрганган эди. Шуларнинг ҳаммаси бир бўлди-ю, Маҳкам тополмай юрган калаванинг учини Очил топиб берди:

— Биласизми нега? Агитатор ўзи ким? Бир ўйланг: агитатор — тушунмаганга тушунтирувчи одам... Йўғ-Э, ҳеч ҳам соддалаштириш бўлмайди. Большевик агитаторларни олинг. Павел Власовни олинг. Ҳаммаси аввал ўзи тушунмаган нарсаларни тушунади-ю, кейин бошқаларга тушунтиради. Энди мен сизга, ёки Зокирга нимани тушунтираман? Ўзларинг мендан яхши тушунасизлар-ку. Менинг нимам агитатор, жўражон?

Аввал Маҳкамга Очилнинг фикри жуда ибтидоий ту юлган эди, кейин ўйлаб қараса, ҳақиқатан яхши агитатор бўлиш учун аввало эшитувчилардан кўпроқ нарса

билиш, кўпроқ нарса тушуниш, кўпроқ тажрибага эга бўлиш керак экан.

— Масалан, Акбаров бизга агитатор бўлиб келса-а?— деди Маҳкам.— Ҳа, умуман, шу принципдан келиб чиқиб, ким қаерга агитатор бўлишини қайта кўриб чиқсак-а?

— Жуда яхши бўлади.

— Лекин бир «лекин» бор-да. Масалан, сиз бизнинг группани яхши биласиз. Бошқа группага агитатор бўлиб борсангиз қандай қиласиз?

— Сўраб биламан, суриштираман.

— Қийин-ов.

Иккови баҳслашиб тубига етмайдиган масалалар чиқа бошлагандан кейин Очил:

— Майли, кенгаш ўтказадиган бўлсангиз яна баҳслашамиз,— деди-да республика газеталаридан бири учун ёзиб қўйган хабарини олиб чиқиб кетди.

Йўлда бораётib, яна Замира тўғрисида ўйлади. Лекин энди бу ўйига Маҳкам ҳам, унга ўзининг берган жавоблари ҳам қўшилди-ю, ҳали ҳеч хаёлига келмаган бир фикр юрагини тўлқинлантириди: «Балки Маҳкам тўғри айтар. Балки Замира мен ўйлаганчалик ўзини катта олмас? Балки эскилик қолдиқларининг таъсиридан чиқолмай шундай қилас? Балки унга ёрдам бериш керак бўлар...»

Бу «балки»ларнинг ҳар бири бир умид бағишлар ва қуруқ хаёллардан амалий ишга (балки ёрдамга) ўтиш кераклигини таъкидларди.

Маҳкам эса Очил кетаётib бехосдан айтган «баҳс» сўзи ҳақида ўйланарди. Чиндан ҳам, нега «ҳаётимизда агитациянинг роли» деган мавзуда дискуссия ўтказиб бўлмайди? Қенгашда Маҳкам доклад қилиши керак. У гапни мунозарали фикрлардан бошласа. Йўқ, аввал агитаторлар билан алоҳида-алоҳида гаплашиб фикр тўпласа. Кейин энг дурустларини баҳсга тортса. Ҳа, агитаторлик ҳақида дискуссия бўлади, деб катта эълон берилса, одам кўп тўпланса...

Бу режа Маҳкамни шундай қувонтиридики, у Зокир Маннонов билан хафалашганини ҳам унугиб, эртаси куни биринчи танаффусдаёқ унинг олдига келди ва ҳам масини айтиб берди. Лекин Зокир елкасини қисиб деди:

— Агитаторлар тўғрисида ҳар куни шунча мақолалар чиқади, шунча йиллик тажрибамиз бор. Янгидан велосипед ихтиро қилиш... Билмадим.

— Лекин ҳар бир жойнинг ўз шароити бор. Мақолалардаги маслаҳатларни бизда татбиқ қилиш учун ҳали жуда кўп нарса ихтиро қилиш керак-ку?

— Бўлмаса семинар ўтказиш мумкин. Юқори ташкилотлардан тажрибалироқ бир ўртоқни таклиф қиласиз, керагича инструкция беради.

— Семинар яқинда район бўйича ўтказилган эди. Энди «қўйидан» фикр эшиши ҳам керакдир.

— Лекин ҳаммага маълум нарсаларни дискуссияга айлантириш керак эмас.

Маҳкам Зокир билан ўзининг орасида чинакам яқинлик ҳеч қачон бўлмаганини ҳозир билди. Илгари у Зокир нима деса «хўп» деб юргани учун оралари яқин кўринарди, уришгандаридан кейин эса «хафалашиб узоқлашдик» деб ўйлар эди. Энди қараса, уришмасалар ҳам узоқлашишлари муқаррар экан. Чунки Зокирнинг бутун иши — ўз қўли остидаги комсомолларни маълум инструкциялар рамкасида тутишдан, юқоридан гап тегадиган нарсаларга йўл бермасликтан иборат эди. Маҳкам эса бунаقا «қўриқчилик» рамкаси билан чекланиб қололмас, айниқса ҳозир қўриқчи эмас, етакчи бўлишга интиларди.

— Майли, дискуссия сўзи бунчалик қўрқинчли бўлса эълонда ёзмаслигимиз мумкин,— деди у.— Лекин дискуссияга арзирлик гап топиладими-йўқми — кенгашда кўрамиз.

— Кўрамиз. Унгача докладингизнинг тезисларини бюро тасдиқлаши керак.

— Биламан.

Улар совуқ ажрашдилар. Зокирни Эшонбоев деканатга чақирияпти деб айтиб кетишиди. (Ҳакимов йўқ пайтларда Эшонбоев унинг кабинетида ўтиради.)

Шундан сал кейин Маҳкам бир иш билан комсомол кабинетига кирди ва қайтиб чиқаётуб эшик олдида Зокирга дуч келди.

Зокирнинг қўлида бир қора жилдли, бири кўк жилдли иккита қалин дафтар бор эди, уларни Маҳкамга кўрсатмаслика тиришиб, тез нариги қўлига олди; лекин биттаси ерга тушиб кетди. Маҳкам беихтиёр ерга қараб, остона устига тўнталилиб тушган кўк жилдли дафтарни таниди: Лола Ҳошимованинг Узбекистон тарихидан олган конспекти! Зокир унинг бир секунд тўхтаганидан дафтарни таниганини сезиб, дув қизарди. Лекин писанд

қилмаганини кўрсатиб, Маҳкамга қисқа ва нафратли назар ташлади-да, шошилмай энгашди. Маҳкам ўтиб кетаётганда Зокирнинг қўлидаги иккинчи дафтарга ҳам кўзи тушди. Бу ҳам Акбаровнинг лекциясидан олинган конспект бўлиб, Зокирнинг ўзиники эди.

Демак, бу дафтарларни Эшонбоев олган экан-у, ҳозир қайтариб бериш учун Зокирни чақирган экан-да. Зокир буни Маҳкамдан яширишга ҳаракат қилди. Дафтарлар билан тўғри аудиторияга қайтиб бормагани ҳам ҳеч кимга билдири масликка ҳаракат қилганидан. Ҳозир кабинетга қўйиб, кетиб, кейин олмоқчи бўлса керак. Нега яширади.

Акбаровнинг лекциясига стенографистлар киргандан бери бу масала жим бўлиб кетган, Маҳкам: «Ҳеч гап йўқ экан шекилли», деб ўйлаган эди. Энди бирдан: «Конспектлар ҳам йигилиб қаердадир ичкарида тўхтовсиз текширилаётган экан-да,— деб ўйлади.— Балки буни Акбаровнинг ўзи ҳам сезар, балки у шунинг учун рангини олдириб қўяётгандир, шунинг учун кўзи атрофидаги сурма ранг соя қуюқлашиб бораётгандир? Бунинг ҳаммасини Зокир мендан яхшироқ билади. Ҳакимов билан Эшонбоев бошқалардан яширадиган нарсаларни Зокирдан яширолмайди, чунки унга ишонишади. Зокир ҳам уларга жуда ихлос қўйган, уларнинг чизган чизигидан юради. Шунинг учун... Шунинг учун...»

Маҳкамнинг кўзи бирдан чарақлаб очилгандай ва у аввал пайқамай юрган бир нарса кўриниб кетгандай бўлди. Шу вақтгача у Акбаров ва Тошев муаммосини бир олам деб, ўзи билан Зокир орасидаги муаммони бутунлай бошқа олам деб билар эди. Энди унинг хәёлида алоҳида-алоҳида яшаб келаётган нарсалар бирлашиб, бир йўналиш пайдо қила бошлади.

Катта арава қайси йўлдан юрса, кичиги ҳам ўша йўлдан юради. Зокирнинг кичик араваси Ҳакимовнинг катта араваси ортидан бораётнибди, шунинг учун Зокир ҳам Акбаровнинг қаршисидан чиқяпти. Маҳкам ўз аравасини ҳаққоният йўлидан олиб бормоқчи бўлиб Зокирнига тўқнаш келдими, демак, Ҳакимовнинг араваси ҳам Маҳкамнинг қаршисидан чиқиб қолиши мумкин. Улар ҳаммаси бир чорраҳада дуч келади-ю, топишиб, бирга кетади, ё тўқнашиб, кимнингдир аравасини суриб ташлаб ўтади. Маҳкам кечагина мана шу чорраҳага йўл тополмай бўй етмас девор қаршисидан чиқиб қол-

гандай иложисизлашган эди. Энди дурустроқ қараса, де-ворда унинг бўйи етадиган жойлар ҳам бор экан. Ҳакимов ҳақми. Тошев ёки Акбаров ҳақми — Маҳкам буни ҳали билмайди, шунинг учун дадил бир чора ҳам кўра олмайди. Аммо Зокир билан тўқнашувда ўзининг ҳақ эканлигига ишончи комил, демак, ўз таклифлари, режалари учун ҳеч иккиланмай кураша олади.

Зокир бугун «кўрамиз» деб писанд қилмай сўйлади. Маҳкам вақти келганда, «қалай, кўряпсизми?» деб сўришни — ғолибона сўрашни бутун вужуди билан истарди. Шунинг учун ўқишдан ортган бутун вақтни мана шу истак йўлида сарфлай бошлади.

## 23

Ёмғирдан кейинги илиқ ҳаво узоқ давом этмади. Үрик қийғос гуллаган кунлари бирдан ҳаво совуб лайлакқор ёғиб берди. Одамлар яна пальтога қайтиб кирдилар. Агитаторлар кенгашига келаётган йигит-қизларнинг телпак, дўппи, шляпа ва рўмоллари устида эриб бораётган қор йилтиради.

Кенгашга Замира ҳам (у курс бюросининг оммавий-сиёсий секторида), Очил ҳам келганди. Лекин ҳар қайси-си ўз тўпи билан ўтиради: Замира ва унинг дугоналари эшик олдидаги қаторда, Очил ва унинг ўртоқлари минбар қаршисидаги қаторда эди. Замира Очилнинг кўзларини олиб қочаётганини сезди-да, унга қарамасликка ҳаракат қила бошлади. Лекин бири эшикка, бири минбарга қараган пайтда аввало ўша томондаги бир жуфт кўзни ҳис қиласади. Очил учун Замира ўтирган қатор алоҳида бир ҳарорат ва жозиба кашф этганди, у эшикдан ким кирганини билмоқчи бўлгандек, «бехосдан» қарап ва ҳар сафар Замирани кўзи билан кўрмаса ҳам унинг ўтли нигоҳини ўз юзида ҳис қилгандай бўлар эди.

Кенгаш ўз йўли билан борарди. Зокирнинг топшириғи билан деканатдан қизил алвон келтирилиб столга ёпилди. Аввал Зокир бир ўзи стол ёнида пайдо бўлди, кейин ишчи президиуми сайланиб, унинг икки ёни одамга тўлди. Зокир кириш сўзини ҳам тантанали қилиб айтди-ю, фақат докладчига сўз берадиганда товуши бирдан сўнди. У Маҳкамнинг номини истар-истамас тилга олгани сёзилиб турарди. Одатда раис докладчига сўз берадиганда бир қарайди, ё, қўл, ё бош ҳаракати билан «марҳа-

мат» дегандек қиласди. Зокир эса олдидағи қоғоздан күзини олмай сўз берди-да, қоғозга қараганча ўтириди. Замира уларнинг уришиб қолганини эслади ва ҳали ҳам ярашишмабди-да, деб кўнглидан ўтказди-ю, Маҳкамга қарай бошлади.

Маҳкам Замиранинг кўз олдида Гавҳардек қизни мафтун қилган йигит эди. Гавҳар кенгашга қатнашиши жуда истаган, лекин росмана қатнашиши керак бўлмагани учун «Маҳкамни кўргани боргандай кўринаман» деб уялиб келмаганди. «Сиз эртага айтиб берасиз», деб Замирага тайинлаб юборган эди. Сўнгги кунларда Гавҳарнинг баҳри-дили очилиб юрганини кўрган Замира бунинг сабабчиси Маҳкам эканини билар, шундай яхши қизни шунчалик бахтиёр қилган йигит қанақа бўлар экан деб, Маҳкамни ўзи ҳам қизиқиб кузатарди.

Энг олдин унинг эътиборини тортган нарса шу бўлдики, Маҳкам Зокир қилган совуқ муомалани ё сезмади, ёки ўзига олмади ва илиқ бир қиёфа билан минбарга чиқди.

Маҳкам «удалай олмасам айб қилмайсизлар-да, ўртоқлар» деб узр сўраётгандай ўнғайсизланиб, кулимсирар ва тезислари олдида очиқ турган бўлса ҳам залга қараб тутилиб-тутилиб гапирав эди. Замира унинг ўзини кузатаман деб аввал гапларига унча аҳамият бермади. Кейин аудиториянинг алланечук жимиб эшитаётганини сезди-да, қулоқ сола бошлади.

— Шу тўғрида мен жуда кўп ўйладим, ўртоқлар. Лекин бу бир кишининг ўйи билан битадиган иш эмас. Ҳозир ортиқча чўзиб ўтирмайман-у, бор фикрларимни ўртага ташлайман. Кўплашиб ҳал қиласми. Биринчи масала: олий мактабда шунаقا тушунтириш, агитация қилиш керакми-йўқми? Илгари мен бунаقا масала бўлиши мумкин эмас, деб ўйлар эдим. Лекин яқинда группаларни айланиб кўрсам бор экан. Баъзи ўртоқлар бундай дейди: олий мактабда ўқийдиган кишилар агитатор айтадиган нарсаларни билади, шунинг учун агитациянинг ҳожати йўқ.

— Тўғри айтиби,— деди залдан кимдир,— ўз-ўзидан тушунарли нарсалар учун вақт кетказиш нима керак?

• Очилнинг кескин овози эшитилди:

— Нима, тушунмайдиган одамлар бизда йўқ демоқчимисиз?

— Тушунмайдиган одам керак бўлса уй-рўзгор тутувчиларга мурожаат қилинсин!

Жонланиш, гап, кулки бир-бирига қўшилиб, зал шовшув бўлиб кетди. Зокир қўнғироқ чалди (у катта-кичик ҳамма мажлисларни қўнғироқ билан олиб борарди) ва қовофини солиб деди:

— Уртоқлар, агитация керакми-йўқми деган савол заарли савол, бизни тўғри йўлдан чалғитадиган савол. Биз учун аксиома бўлган ҳақиқатларни дискуссияга айлантириш агитколлективни орқага қараб судрашдан бошқа нарса эмас. Бунинг учун аввало докладчи жавоб гар.— Зокир Маҳкам томонга сал ўгирилиб «лекин» кўзини аудиториянинг бир бурчагидан олмай сўради:— Сиз нега бюро тасдиқлаган тезисни игнорироват қиласиз? Кимнинг номидан гапиряпсиз?

Аудитория жим бўлиб қолди. «Энди нима дер экан, Зокирнинг совуқ муомаласини энди сезди-ку», деб, Замира Маҳкамнинг юзига тикилди. Маҳкам лабларини қаттиқ тишлаб бирпас турди, лекин бирдан шунча айбни кўтаролмади шекилли, овози титраб эшитилди:

— Ҳар қанча жавобгарлиги бўлса менга ортаверинг, ўртоқ Маннонов. Мен ўз гапим учун ўзим жавоб берса оламан.

— Ҳа, лекин кенгаш сизнинг шахсий ишингиз эмас, кенгаш учун бутун бюро жавоб беради.

— Қачондан бери киши кенгашда ўз фикрини айтолмайдиган бўлган? Шпаргалкасиз гапириб бўлмайдими энди?

— Сизга бюро тасдиқлаган тезис шпаргалка бўлиб қолдими, ҳали?

Очил сапчиб ўриндан турди ва қўлини Зокирга пахса қилиб деди:

— Э, мунча дўқ қилманг. Қўйинг, гапирсин гапини!

Аудитория яна тўлқинланиб, сўзларни тушуниш қишини бўлиб қолди.

Президиумнинг нариги чеккасида ёши элликларга борган ўрта бўйли озғин киши — рус тили ўқитувчиси Платон Макеевич Лачинов ўтирганди. Замира унинг илгари агитколлективга бригадир бўлганини, ҳозир кенгашга факультет партгруппасидан вакил бўлиб келганини билар эди.

— Азизларим,— деб Платон Макеевич ўтирган жойида Маҳкам, Зокир ва Очилга қараб қўлларини кенг ёз-

ди,— баҳс билан жанжал сўзлари русчада бир хил ҳарф билан бошланади-ю, лекин турли ҳарфлар билан тамом бўлади. Келинглар, фақат баҳслашмайлик!

Қочириқни тушунганлар юзида табассум кўринди, кулки товушлари эшитилди, кимдир «тўғри» деб хитоб қилди. Зокир бошқа гапирмади-ю, хўмрайиб авторучкасини олди ва олдидағи қоғозга энгашди. «Майли, Платон Макеевич айттани учун ҳозирча қўйиб бераман, лекин ҳаммасини ёзиб оламан-у, айтадиганимни кейин айтаман» деган бўлди. Маҳкам анчагача изга тушиб ололмай:

— Мен уни айтганим... Мақсад шуки... агитация керакми-йўқми деган саволнинг келиб чиқишига сабаб бўлган камчиликлар бор,— деб у ниҳоят равон сўзлай бошлади.— Группаларга бир бориб кўринг. Агитатор ҳаммага маълум тапларни айтатётганини ўзи ҳам сезиб туради, шошиб юмaloқ ёстиқ қилиб ўтказади. Қуруқ расмиятга айланиб қолган бунақа агитация кимга керак? Лекин баъзи ўртоқлар бу ҳақиқатни бир томонлама умумлаштириб, умуман агитация керак эмас, деяпти. Расмиятни рад этаман деб, чин агитацияни ҳам рад этяпти. Бу, ҳалиги, бургага кек қилиб, кўрпани куйдиришга ўхшаб кетади. Лекин кўрпани ҳеч ким шунақа куйдира олмасин десак, аввал уни бургадан тозалашимиз керак.

— Ҳақ гап!— деди Замиранинг олдида ўтирган бир йигит.

— Тозалашни, менимча, агитатор деган тушунчанинг ўзидан бошлаш керак,— давом этди Маҳкам.— Бу тушунчага юзаки нарсаларни аралаштириб, асл маъносидан жуда узоқлаштириб юборган эканмиз. Мен у куни Очил Самадов билан гапиришиб сездим — жуда хиравлаштириб қўйган эканмиз.

Замира Очил томонга қарамаса ҳам, унинг қизарини кўз олдига келтирди ва эътиroz қилиб луқма ташлашини кута бошлади. Лекин Маҳкам Очил билан суҳбатлашиб, калаванинг учини қандай топганини, агитаторлар қилган катта ишлар ҳақида ундан қандай гаплар назар ташлаб, мақтөвдан қизарив кетганини кўрди-ю, эшиганини айта бошлади. Замира Очилга қисқа бир яна докладчига қарай бошлади.

Маҳкам агитатор деган тушунчанинг нақадар юксак эканини гапиради.

Бир вақт Замира девордаги тўрт бурчак электр соатга қараб, унинг милини тўққиз рақамида кўрди-да, юраги шув этиб кетди.

У бугун кеч соат тўққизда телефон станциясига бориб Наманган билан гаплашиши керак эди. Чўнтағидаги хабарномада ким чақираётганини айтилмаган бўлса ҳам, ойиси эканини биларди. У ойисини жуда соғинган эди, кечқурун гаплашишни ўйлаб дам севинар, дам ёмон бир хабар эшитаманми, деб хавотирланар ва соат тўққиз бўлишини сабрсизланиб кутарди. Лекин ҳозир соатга дурустроқ қараса, тўққизга боргани минут мили экан, кичиги ҳали зўрға саккизга яқинлашяпти. Шундай бўлса ҳам унинг хаёли бўлинниб, Маҳкамнинг гапини у ер-бу еридан эшита бошлади.

— ...Мен бир арабча мақол эшитган эдим: юз йил ибодат қилгандан кўра бир соат фикр юритган афзал. Шунга ўхшаб, суҳбатда юз оғиз умумий гапдан кўра фикрни уйғотадиган бир оғиз жонли сўз яхши.

Замира ҳар замонда Зокирга кўз ташлар, унинг Маҳкамга қарши гапиришга тайёрланаётганини сезар ва Маҳкам томонда туриб, «кўрамиз» деб қўяр эди.

Лекин Зокирдан олдин Платон Макеевич сўз сўради-ю, Замира қарсак чалиб юборди.

Платон Макеевич ҳар бир сўзни қўл ҳаракатлари, юз мимикаси, овоз ўзгаришлари билан тушунтириб (у рус тилини унча яхши билмайдиган группаларда кўп йиллардан бери дарс бериб шунга ўрганиб кетганди) гапира бошлади.

— Маҳкам «жонлантириш» деган сўзни кўп таъкидлаганини пайқадиларингизми? Энг керакли сўз шу, ҳаҳа, ҳамма гап шунинг атрофида айланади. Қаранг: жонлантириш учун энг аввал жонкуяр одам керак. Энг ҳаётний нарсалар тўғрисида жон куйдириб айтилган сўзни ҳақиқий агитация дейиш мумкин! Шунга кучимиз етадими? Менга ишонинглар: етади кучимиз. Қаранглар, ишларингизни жонлантира олишларингизга мана шу кенгашнинг ўзи далил эмасми? Ҳозир Маҳкам жонлантиришнинг намунасини кўрсатмадими?

Замира Маҳкамга қараб: «Эҳ, Гавҳар ҳам шу ерда бўлса эди, боши осмонга етармиди», деб ачиниб қўйди. Кейин Зокирнинг кайфиятини билгиси келиб, президиумга қарай бошлади.

Зокир аввалгидай очиқ блокнотига қараб, қовоғини

солиб ўтиар, лекин энди ёзмас эди. Платон Макеевич гапини тамомлаб, қарсаклар остида жойига қайтар экан, Зокир блокнотини ёпиб чўнтағига солди-да, қўнфироқни ёнидаги Сотиболдиевга томон суреб, ўрнидан турди. Ҳозир Маҳкамга қарши гапириш вақти эмаслигини сезди, лекин унинг ғалабасига ҳам қараб ўтира олмади. «Кенгаш изга тушди, энди ўзларинг ҳам эплайсанлар, менга бошқа зарур ишлар қараб қолди», дегандай бир оз шошилиб чиқиб кетди.

Кенгашни Сотиболдиев бошқариб бора бошлади. Ҳали мунозара қилиб аниқланадиган нарсалар жуда кўп эди. Замира саккиздан ошиб бораётган соатга дам-бадам қараб кенгаш тезроқ тамом бўлишини сабрсизланиб кута бошлади. Ниҳоят, «энди чиқиб кетмасам бўлмайди», деб эшикни мўлжаллаб турганида танаффус эълон қилинди.

Жавоб олиб кетиш керак эди. Замира Сотиболдиевга арз қилган эди.

— Менинг ҳаққим йўқ,— деган жавоб олди.— Ҳў ана, Манионовнинг муовини турибди.

Сотиболдиев дераза олдида Очил билан гаплашиб турган Маҳкамни кўрсатмоқда эди. Замира Маҳкамнинг муовин эканини энди билиб бир оз ҳайратланди ва тортиниб-қимтиниб уларнинг олдига яқинлашди. Нарёққа қараб гапираётган Очил кутилмагандан уни ўз яқинида кўриб, юзи дув қизарди, кўзлари қисилиб кучли ялтиради, гапираётган гапини тамомламай, лаблари ярим очиқ ҳолда туриб қолди. Унинг ҳаяжони Замирага ҳам таъсир қилди, хабарномани Маҳкамга бераётганда қўли қофоз билан бирга хиёл титрагани сезилди. Очил буни кўрди-ю, ҳаяжонни ҳаяжон кесиб, бирдан енгил тортди.

— Қаршилик бўлиши мумкин эмас, албатта боринг,— деб Маҳкам қофозни Замирага қайтариб берди. Кейин деразадан ташқаридағи қоронгиликка тикилиб сўради:— Қайси переговорний пункт?

— Қаршимиздаги почтададир-да,— деди Замира.

— Йўқ, бу почтада переговорний йўқ. Қани... Э-э, узоқ-ку. Йўлини биласизми?

— Йўқ,— деди Замира нимадандир хавотирланиб.

Маҳкам Очилга қаради.

— Кечирасизлар,— деди Очил ерга қараб ва шу билан ҳам Маҳкамга, ҳам Замирага мурожаат қилиб.— Агар керак бўлса мен бирга бориб келишим мумкин,

Замира ҳозир қоронғида ҳамманинг олдида Очил билан бирга чиқиб кетишдан тортинарди. Лекин Маҳкам:

— Мен қаршимасман,— деб ҳамма гапни Замирага ҳавола қилди. Замира ҳозир Очилнинг шаштини қайтаргиси келмади.

— Раҳмат, бўлмаса мен ётоққа кириб плаш олиб чиқай,— деди-да, эшикка йўналди.

Очил унинг бирга чиқиб кетишдан уялганини сезиб кейинроқ чиқди ва папирос тутатиб, секин-аста қизлар ётогига томон юра бошлади.

## 24

Кўп ўтмай ўша томондан ҳаво ранг плаш кийган Замира чиқиб келди. Очил уни сквернинг ўртасидан ўтган асфальт йўлкага бошлади.

Замира шошиларди. Баланд пошнаси ҳўл асфальтга урилиб машинкадай тиқиллар, Очил ҳам унинг таъсирида жадаллаб борарди. Фақат катта кўчани кесиб ўтаётганинида қўққисдан светафор ёпилди-ю, кўча ўртасида тўхтаб қолишиди.

— Кеч қолмаймизми?— деди Очил ва учиб ўтаётган машиналарга шундай қарадики, керак бўлса қўл кўтариб бирортасини тўхтатмоқчи эканини Замира сезди.

— Билмасам, йигирма бирда деган. Мана, кўринг-чи.

Очил кичкина қилиб буқланган хабарномани совуқ ҳавода Замиранинг кафтидан олаётиб, унинг қофозда қолган ҳароратини ҳис қиласди. Сўнг қиз унга шуни бергани озгина бўлса ҳам ишонч билдиргани эканини ўйлаб, хабарномани лабларига босгиси келди. Қофозни очиб, вақт ёзилган жойини кўрмаса ҳам тахминан гапирди:

— Йигирма бир бўлса, демак, тўққизда экан-да. Мен саккиздами дебман.

— Билмасам,— деди Замира яна.

Нафис товуш билан ялинқираб айтилган бу сўз Очилга шундай ширин туюлдики, у светофор очилганини ҳам сезмайгўлди. Замира юриб кетди. Очил катта-катта одимлар билан унга тенглашиб, қофозни қайтариб берди.

Секин юра бошладилар. Аммо энди орага тушган сукут жуда билинар ва Очил тобора ўнғайсизланарди.

— Қор тиниби,— деди ниҳоят Замира ва плашини ечиб қўлига олди.

Очил йўлка бўйидаги акацияларнинг япроқсиз шохларига инган юмшоқ қор ҳошиясига қараб ўрик гулларини эслади.

- Бу йил ҳам ўрикни уриб кетди, шекилли,— деди.
- Ўрик гуллаганмиди? — ҳайрон бўлди Замира.
- Ие, кўрмаганмидингиз?
- Бу йил ҳали кўрганим йўқ. Яқинимизда ўрик ўсмайди шекилли.

— Ҳа, шаҳар марказида йўқ ҳисоби. Биз тунов куни Кўкчага чиқувдик: ўрик, бодом гилос гуллаб боғларга сиғмай кетибди.

- Қишлоғимиз эсимга тушиб кетди.
- Ие, сиз ҳам қишлоқликмисиз? — деди Очил суюниб.
- Бизнинг жойимиз асли қишлоқ экан. Қейин кенгайиб-кенгайиб шаҳарга қўшилиб кетибди.
- Шундайми?
- Ҳа. Лекин уйимиз ҳали ҳам колхоз ерида.

Очил давомини кутди. Лекин Замира гапини айтиб бўлганди. Яна жимлик тушди. Қизиқ: Очилнинг дили Замирага айтадиган гаплар, Замирадан сўрайдиган саволларга тўла, лекин айтишга негадир тили бормайди. Замиранинг ҳаётига оид ҳар бир тафсилот уни беҳад қизиқтиради, қиз ўзи тўғрисида гапириб қолса у жонудили билан эшитади ва мумкин қадар кўпроқ гапирса экан дейди, лекин истаган нарсасини ўзи сўраб билишдан тортинади.

Тўғри келган нарса ҳақида гапиравериш ҳам унга ноқулай кўринарди, ўнлаб мавзуларни оралаб ўтиб, бирор тасини маъқул кўрмасди. У мана шундай қулай гап ахтаришнинг ўзи жуда ноқулай нарса эканини билмасди.

Очил ўспирин эканида камгап бўлолмай қийналиб юрар эди. Уларнинг қишлоғида камгаплик фазилат ҳисобланар, бирор йигитни мақташса, албатта: «Фалончининг ўғли яхши йигит бўлибди, ҳеч нарса билан иши йўқ, камгап, босиқ» деб мақташарди. Очил эса ҳамма нарсага қизиқар, гапни ҳам ўринлатиб сўйлашга ҳаракат қиласарди. «Ҳеч нарсага аралашмайман-у, вазмин бўламан» дегани сари тишини тиёлмасдан, ўринсиз нарсаларни ҳам гапириб юбораверар эди.

Қани энди ўша бийронлиги ҳозир бўлса. Йўқ, телефон станциясига етиб боришди ҳамки, гап юришмэди.

Замира шаҳарлараро телефони станциясига биринчи келиши эди. Ҳамма нарсага қизиқиб, бир оз ҳайратланаб қаарди. Ойнабанд эшикчаларга номер ёзилган кабиналардан хилма-хил товушлар келади. Бирор киши гапини тамомлаб чиқса, кабина чироғи дарҳол ўчади. Кейин баланд жойдаги усилителдан товуш келади. Үтирганларнинг бири шошилиб туради-ю, ўша кабинага қараб чопади. Эшиги очилган заҳоти кабинага яна жон киради.

Замира атрофдаги нарсаларни томоша қилаётганда Очил зимдан унга қарап эди. Очил Замира билан учрашолмай юрган кунлари унинг қиёфасини хаёлида гавдалантиришга уринар, лекин тўлиқ гавдалантиришга ҳеч муваффақ бўлмасди. Ҳар сафар хаёлида унинг суратини чизмоқчи бўлганда кўзни нурдай қамаштирувчи ёрқинлик кўринар, портрет тафсилотлари гўё шу нурга чўмиб кўринмай кетарди. Ҳозир у Замирани хотирасига маҳкам жойламоқчи бўлиб, синчилаб қарай бошлиди.

Замира қўлинини олдинга йиғиб, оёқларини жуфтлаб омонатгина ўтирас, йўл юриб келгани, мароқ, кутниш ва қандайдир ҳаяжон юзини чўғдай қизартирганди. Оқ тивит рўмоли елкасига сирғаниб тушган. Енгил қора пальтосининг очиқ тугмаси орқали пушти кўйлагининг ёқаси, ҳаво ранг кофтаси кўриниб турибди. Оқ рўмол, ҳаво ранг кофта ва пушти ёқа юзидағи қизилликни очиб кўрсатади. Унинг чиройли кулча юзи ҳаяжонланганда ичидан ёритилгандай нурга беланиб кўринади. Очилнинг тасаввурида пайдо бўладиган нур ёлқини шундан эди.

Бир-бирига салгина тегиб турган лаблари мусаффо, кўзининг оқи сал чиннидай мулойим йилтирайди, туташган қоп-қора қошлари ингичка, аммо қалин киприклари битта-битта бўлиб туради. Ҳозир у бошқа ёқларга қараётгани учун кўзлари Очилга кўринмасди. Лекин Замира унинг тикилаётганини сезди-ю, бирдан ўгирилиб қаради. Кўзларининг қораси ниҳоятда тиниқ ва ўтли, кишига гўё тапти уриб туради ва тинимсиз жилоланиши билан қора алангага ўхшайди. Очил бу кўзларга узоқ қарай олмас эди. У кўзини четга буриб бир нарса демоқчи бўлаётганда тепадан чиқкан овоз икковини ҳам чўчишиб юборди.

— Наманган, Азимхонова, тўртинчи кабина, Наманган, Азимхонова, тўртинчи кабина.

Очил сапчиб ўрнидан турди ва:

— Югуринг! — деб плашни қизнинг қўлидан олди.

Замира шошиб бориб кабинани очди-ю, орқасига ўғирилди ва жойида қимирламай турган Очилга қараб ўнғайсиз кулимсираб қўйди, сўнг кириб кетди. Кейин ичкаридан унинг тўлқинли овози келди:

— Ким бу? Ким? Ойим? Ойижон. Салом. Яхшиман. Яхши. Сизлар-чи? Сизлар?

Замиранинг баланд, аммо майин овози бор эди, сўзларни куйга яқин бир оҳанг билан жуда ёқимли талафуз этарди. Очил бирпас қулоқ солиб турди-ю, сўнг унинг гапларини атайлаб эшитаётгандай ўнғайсизланди ва нарироқ бориб деразадан кўчага қарай бошлади. Лекин Замиранинг овози бу ерга ҳам келарди, юзлаб товушлар орасида Очилнинг қулоғига фақат унинг овози киради.

— Нима? Ким келди? Тушунмаяпман. Қимдан? Ҳа, дугонамнинг акаси. Ҳа! Нега борибди ахир? Тавба. Сўрамадингизми? Мен қаёқдан билай. Билмайман. Мен ўқишимни биламан. Ҳа. Ҳа. Айтган эдим-ку сизга. Келаётib айтган эдим-ку. Ҳа. Шу гапим гап. Ҳа... Опам яхшимилар? Посилками? Йўқ ҳали. Ким? опамми?.. Беринг.

Очил унинг опаси билан сўрашганини ҳам эшитди. Ниҳоят Замира:

— Ойи, алло, ойи! Хўп! — деб хайрлаша бошлади:— Хўп, хавотир олманг. Ёзаман. Ўзларинг ҳам ёзинглар. Хайр. Хайр.

У кабинадан иссиқлаб, кофтасининг тугмалари ечилик, қошларининг усти терлаган ҳолда чиқди. Муҳим бир гап бўлгани билиниб турарди.

— Тинчлик эканми? — деди Очил хавотирланиб.

— Ҳа, тинчлик, ҳаммалари эсон-омон экан. Анчадан бери хат келмай хавотирландик дейдилар.

Кўчага чиқишиди. Қаршидан эсган шамол қизнинг тугмаси солинмаган пальто ва кофтасини кенг очиб, кўйлагини баданига ёпишириб, кўкракларини бўрттирди. Очил буни кўриб:

— Шамолламанг, тағин,— деди.

Замира тугмаларини солар экан, посилка юборишганини ҳам айтди. Лекин у энг муҳим нарсани айтмас, айтолмас эди.

Онасининг телефон қилганига сабаб бор экан. Уйла-

рига Бастиларнинг Наманганда турадиган бир холали-  
ри сўраб борибди, Муҳаммаджон билан Замиранинг но-  
мини кўп тилга олибди. Онаси хавотир олиб: «У қанақа  
йигит, сенинг у билан муносабатинг қанақа?»— деб қай-  
та-қайта сўради. Замира ҳам ортиқча муносабати йўқли-  
гини такрор-такрор айтди. Лекин у ёқда ойиси, бу ёқда  
Замиранинг ўзи Эшонбоевларнинг қизиқишига сабаб то-  
полмай ҳайрон эди. «Бастининг дугонаси бор экан-у, уй-  
лари Наманганда экан, бориб танишинг»— деб холала-  
рига шунча жойдан хат ёзид юборишлари ғалати. За-  
мира билан Басти қанчалик дугонаки, оналар ва хола-  
лар шунча жойдан туриб бир-бирларини излашса. Йўқ,  
бу ерда бошқа бир сир бор. Муҳаммаджоннинг алоҳида  
эътибори энди бошқа бир мазмун кашф эта бошлади. За-  
мира Очилни силтаб ташлаганида унинг ҳурмати бир  
ошган эди, Омонни силтаб ташлаганидан кейин янада  
ошиб, Намангангача бордимикин? Қизиқ.

У шундай обрўли, шундай савлатли бир йигитни ўзи-  
га жазман сифатида тасаввур этса қитифи келаётгандай  
бўлар ва нуқул «қизиқ» деган сўз кўнглидан ўтарди.  
Йўқ, у қуруқ жазман эмас, жиддий нияти бўлмаса Зами-  
раларнинг уйига одам юбориб борди-келди қила бошлар-  
миди. Замира негадир Бастининг «акамга муносиб қиз  
чиқмаяпти», деганини эслади. Яна негадир: «Отам аж-  
ралиб кетганини, ойим бошқа эр қилганини эшлишса,  
ёмон фикрга боришлари мумкин-а», деб ачиниб  
қўйди.

У ўйга чўмиб орага тушган жимлик чўзилиб кетгани-  
ни сезмасди. Жимлик тошини Очил бир ўзи кўтариб бо-  
рарди.

Акация шохларидаги қор ҳошияси эриб, билинار-  
билинмас бўлиб қолган, қор суви дараҳт таналаридан  
сирқиб тушар, шохлардан битта-битта томар эди.

— Қаранг,— деди Очил ниҳоят,— қор шундай тез  
эрийдиган бўлса ўрикни совуқ урмаслиги ҳам мумкин.

Замира бармоғи билан тер сидиргандай қилиб пешо-  
насини сидирди ва:

— Ҳа, ўрик албатта...— деб қўйди.

Сўнг ўзининг Очилга: «Мен ўқишдан бошқа ҳеч нар-  
сага қизиқмайман» деганини эслади, «ҳа, ҳа, ишим ни-  
ма» деб, Муҳаммаджон ва унинг холаси ҳақидаги фикр-  
ларини хаёлидан қува бошлади. «Борса бораверсин, мен-  
га нима. Фақат, қизиқ тўғриликча бордимикин ё...»

Унинг дами чиқмай қолганига Очил ўзича маъно берарди. У телефонда Замиранинг « билмайман, мен ўқишимни биламан» деганини эшигтгани учун ойисига бирор гап етказган бўлса Замирани сиққандир, шундан авзоий бузилиб қолгандир, деб ўйлади ва унинг кўнглини кўтармоқчи бўлди.

— Ростимни айтсам,— деди,— гапларингиз менга бироз эшитилди.

— А?— деди Замира чўчиб.

— Узоқ жой, ойингиз ҳар кимнинг гапига ишонаверсалар қийин бўлади.

— Қанақа гапига?

— Ҳа, энди, мабодо, бирор киши сизни ёмонлаб борган бўлса.

— Ҳа, йўқ...

Замира ичидаги: «ёмонлаб борган бўлса майли эди-я, шубҳали даражада мақтаб борган», деб кулимсираб қўйди.

— Ишлайдиларми ўзлари?

— Ким ойнимми? Ҳа, боғчада мудира бўлиб ишлайдилар.

— Ундай бўлса тушунишлари керак.

— Ҳа, албатта тушунадилар.

— Лекин бунчалик қаттиқ тергашларидан...

— Мен ўзим ваъда бериб келганман.

— Шунақа ваъда олиб қолишлари ўзи ғалати.

— Нега ғалати бўлади? «Шошмагин, аввал ўқиб одам бўлгин» дейдилар-да. Ғафур Ғулом ҳам «Аввал ўқи» деб шеър ёзган-ку.

Замира ҳозир фақат Очил билан эмас, Муҳаммаджон ва унинг холаси қўзғатган қитиқловчи туйғулар билан ҳам баҳслашмоқда эди.

— Ў шеърдан сиз айтгандақа маъно чиқармикан? Аввал ўқи, кейин... — Очил «сев» сўзини айтишга юраги бетламади,— кейин дўстлаш деган маъноси бўлмаса керак. Чунки русча айтганда, сердцу не прикажешь. Аввал ўқиб, кейин тўй қил, деган маъноси бўлса керак. Бунинг фарқи катта.

Қитиқловчи туйғу ҳам «ҳа, худди шундай» деб маъқуллар, лекин Замира ҳамон эътиroz қиласарди:

— Ишқилиб ойим тўғри айтадилар-да. Биз сени зўрламаймиз, ихтиёринг ўзингда бўлади, ҳозир хаёлингни бўлма, гап-сўз бўлиб юрма дейдилар.

— Гап-сўз дейсиз. Факультетдаги гап-сўзлардан битасини айтайми? Сизнинг тўғрингизда. Наманганда куёвингизми, йигитингизми қолган эмиш.

Замира қатъий бош чайқаб:

— Йўқ,— деди.

— Шу-да. Яна буни ўзингиздан эшитганлар айтганиши.

— Мен куёв деган эмас эдим, дарров қўшибилар.

— Сиз... сиз йигитим бор деганимидингиз?

— Ҳа. Болалар таъқиб қилиб қўймаганидан кейин айтувдим. Тинч юрайин деб, ёлғондан.

— Э шундаймиди?

Бу орада улар Замира турадиган бинога яқин келиб қолишган эди.

— Раҳмат,— деди Замира, подъезд олдида тўхтаб.

— Юринг, яна бирпас айланиб келамиз,— деди Очил.

— Йўқ, раҳмат. Қеч бўлди.

— Ҳали ўн ҳам бўлгани йўқ-ку, кечми?

— Йўқ, мен дарс тайёрлайман.

Замиранинг бу жавоби Очилга жуда қаттиқ ботди. У бунақа таклифни камдан-кам қиласарди, чунки анчайин таклифи ҳам Замирага аталган севги ҳисларига тўлиб чиқар, сўзи ерда қолган шу ҳислари ерда қолгандай бўлар ва қаттиқ озор чекарди.

— Дарс тайёрлаш бизда ҳам бор,— деди у, ўша кечагидай дарров қизишиб.

Замира ҳозир негадир уни Муҳаммаджоннинг ёнига қўйиб тасаввур этди. Фарқлари нақадар катта! Тўғри, ҳаёси кучли қиз бўлган Замира уларнинг икковидан ҳам тортинади. Умуман йигитлар билан яқин муносабатда бўлиб ўрганмагани учун бўлар-бўлмасга тортиниб, ёлғиз дуч келганда уялиб кетиш одати бор. Лекин унинг Очилдан тортиниши Муҳаммаджондан тортинишига ўхшамайди.

Муҳаммаджон ўзини тутиб олган, ортиқча ўнғайсизланмайдиган йигит. У ўзини нақадар эркин тутса, Замира шу қадар қимтиниб, уялиб ўнғайсизланади. Очил билан у жуда bemalol ва эркин муомала қилиши мумкину, аммо Очил уни кўрса қизариб, нимадандир уялиб ҳаяжонини яширолмай қолади. Замира шундан уялиб тортинади. Хуллас, у Муҳаммаджоннинг олдида ўзини яхши идора этолмай ўнғайсизлансанса, Очилнинг олдида, аksинча, уни ўнғайсизлантиргани учун тортинади. Би-

ринчи ҳолда ўнғайсизланиш ички куч таъсирида бўлса, иккинчи ҳолда гўё ташқи куч таъсирида бўлади.

Очил билан дуч келгандаги майин тўлқинланиши ва қандайдир бир оловнинг таптидан тортиниши муҳаббатга яқинроқми ёки Муҳаммаджоннинг салобати босиши, унинг устунлигини ҳис қилиб уялиши муҳаббатга яқинроқми — Замира буни ҳали билмас эди. У биладиган нарса шу эдики, Муҳаммаджонга дуч келганда ҳаяжон кучлироқ бўлади ва юрагини маҳкамроқ қамраб олади, Очил билан бўлганда унчалик бўлмайди. Очилдаги журъатсизлик Замирага ожизлик, бўшанглик бўлиб кўринади. Ҳозир бирпастда хафа бўлиб қолгани ҳам шу ожизликнинг далилидай туюлади. Муҳаммаджон Замиранинг тасаввурида Очилдан кучлироқ, мардонаворроқ. Шунинг учун ҳам Замира унинг олдида кўпроқ ҳаяжонланади ва ўзини идора этолмай қолади.

Замира ўйини шундай якунлади-да:

— Дарс тайёрлаш сизда ҳам бўлса, мен бекорга вақтингизни олибман-да, кечирасиз,— деди.

— Йўқ, сиз мени тўғри тушунинг. Гап вақтда эмас. Менимча, гап одамга ишониш-ишонмасликда. Ўтган сафар айтган гапларингизни мен жуда кўп ўйладим. Ўйлаб-ўйлаб чиқарган хулосам шу бўлдикни, сиз ё менга ишонмайсиз, ё ўзингизга.

— Ие!

— Ҳа, мана, қаранг. Мен ҳам масалан Гавҳарга ўхшаган одамман-а. Ҳозир менинг ўрнимда Гавҳар бўлса-ю, юринг, айланиб келамиз деса, йўқ дер эдингизми? Менга нега йўқ дедингиз?

— Ахир, кўрган кўзга ёмон.

— Йўқ, Замира, эскича қараган кўзга ёмон, ишонмаган кўзга ёмон. Паҳтада бир гап айтувдингиз, эсингиздами? «Менга фақат қиз бола деб қарайдиганлар ғазабимни келтиради, мен аввало одамман» деган эдингиз. Энди ўзингиз ҳам бошқаларга аввало одам деб қарашингиз керак эмасми?

— Қизиқсиз-а, мен кимга ёмон қарабман? — сўради Замира қизара бошлаб.

— Ёмон деганим йўқ. Айтмоқчиманки, йигитларнинг қизларга ишонмай қарashi қандай эскича бўлса, қизларнинг йигитларга ишонмай қарashi ҳам шундай эскича. Бу ҳаммаси одамнинг одамга муомаласи эмас, жинснинг жинсга муомаласи. Эскилик сарқити бу!

— Вой, сиз менда шунақа сарқит бор демоқчимисиз?  
Замиранинг лаблари пир-пир учарди.

— Йўқ, сиз кўнглигизга олманг, фақат таъсири бў-  
лиши мумкин деб чин кўнглимдан айтяпман. Ўртоқлар-  
ча ёрдам деб...

— Керак эмас!

Замира йиғлагудай бўлиб эшикни шартта очди-ю,  
хайрлашмай кириб кетди.

## 25

Очил ярим тунгача кўчаларда тентираб юрди — ётоқ-  
қа борса яна туни бўйи ухлай олмай чиқишини билар эди.  
Орадан ўтган ҳамма нарсани такрор-такрор эслаб, шу  
нарсани пайқадики, Замира телефонда эшитган муҳим  
бир гапни айтмади. Қўпол гапириб, қўпол жавоб олган-  
дан ҳам мана шу нарса Очилнинг ичини ёмон кемира-  
ди. У чўнтагида бор папиросини чекиб тамомлади-да, қо-  
ғоз қутини тамаки қўйқасига қўшиб ғижимлаб ариққа  
отди ва ётоққа кетди.

Эрталаб Маҳкам уни нохуш аҳволда кўриб, яна му-  
росалари келишмаганини сезди, лекин дили оғримасин  
деб ҳеч нарса сўрамади ва кенгаш тўғрисида гап очди.

— Фикрингиз қарсак билан ўтди, Очил,— деди.—  
Энди бу ёғини ҳам ўзингиз бир боплайсиз-да.

— Қандай фикрим?— тушунолмади Очил.

— Юқори курслар пастки курсларга агитатор бер-  
диган бўлди. Синаб кўрамиз. Сиз ишонган агитатори-  
мизсиз, синовни сиздан бошласак дейман. Биринчи груп-  
пани олиб бир гуллатинг, жўра,— деб Маҳкам Очилни  
юмшатиш учун унинг яхши кўрадиган сўзини қистирди.

Биринчи группа Замираларники эди. Очил рад этди:

— Керак бўлса иккинчи курсга бораман, лекин у ёқ-  
қа боролмайман... Йўқ. Истамайман.

— Ҳар ҳолда бир ўйлаб кўринг, Очил.

Очил қўл силтаб ўйлагиси ҳам йўқлигини билдириди.  
Лекин факультетда Замиранинг группадошларига қўзи  
тушиб, «истамайман» дегани ёлғон эканини сезди. Чун-  
ки у Замиранинг ҳар бир группадошига ҳавас қиласарди,  
улар каби ҳар куни олти соат бир аудиториянинг ҳаво-  
сидан нафас олишни, хоҳлаган вақтда қайрилиб қараб  
Замирани кўришни, баъзан бир стол ёнида ўтириб лек-

ция эшитишни ич-ичидан истарди. Ҳозир бу истагини хафачилик лойқаси хирадаштираётган бўлса ҳам, лекин Замира ўқнидиган аудиториянинг ҳарорати, магнити йўқолган эмасди. Шу аудиторияни ўзига қаратиб қизиқарли сұхбатлар ўтказса айни муддао бўлар эди-ку, лекин кайфи бузуқ бўлгани учун муваффақиятсизликка учрайдигандай бўлар, «кулги бўламан» дерди. Замиранинг олдидиа кулги бўлиш эса унга ўлимдан ҳам баттар қўрқинчли эди.

Бироқ Маҳкам унинг худди ўша группага боришидан манфаатдор эди. Очилнинг нутқи, билими яхши эди, Замира ҳам ўша группада экани унинг масъулиятини ниҳоятда ошириб, синовнинг кўнгилдагидек ўтишига ёрдам бериши керак эди. Шу билан бирга Очилнинг ўзи ҳам Замирага ишда танилиб, мустаҳкам бир заминда куч синашиши мумкин эди. У Очилнинг муваффақият қозонишига шубҳа қиласди.

— Сиздан олдин Омон деган йигитча агитатор экан,— деди Гавҳар менга айтиб берди. Жуда иши бўш экан. Сиз ундан ўн баравар яхши ўтказасиз, ишонинг. Агар бошқа томонидан хавотир олаётган бўлсангиз, агар Замира сизни тушунмай шундай қилаётган бўлса, ё умуман, ўзини катта олаётган бўлса, сиз ҳам кўрсатинг кучингизни, ахир! Билиб қўйсин.

— Вожаклари ким ўзи?

— Азимхонова курс бюросида худди мана шу секторга жавобгар. Группорги...— У негадир Гавҳар дейишиндан тортинди.— Группорги Абдураҳмонарова.

— Гавҳарга ўзингиз тайинланг-да бўлмаса.

— Ҳа, ҳўп,— деди Маҳкам кулиб:— Истасангиз юринг, мен ҳозир олдингизда айтай.

— Йўқ, мен кейин.

— Бўлмаса мен ҳам кейин... Кечқурун.

Маҳкамнинг кулиб айтган бу гапидан кейин Очил уларнинг ўзаро муносабатлари қай даражага борганини жуда билгиси келди.

— Даражасини ким билади?— деди Маҳкам яна кулиб.

— Упишасизларми?

Томдан тараشا тушгандай бу савол Гавҳарни енгилтак қиз деб ўйлаб берилганга ўхшарди.

— Нега... бундай дейсиз?— деди Маҳкам.

— Кечирасиз, мен яхши маънода... ҳалигидай..., ора

ларингда ҳеч носозлик бўлмаса керак деб кўнглимга келувди, кечирасиз, Маҳкам.

— Йўқ, энди майли-ку, ҳар ҳолда...— Маҳкам ҳазил қилди:— бир қовун туширдингиз туширдингиз-да.

— Ҳа, ўзи менинг шунаقا одатим ҳам бор.

Бу ўнғайсизлик ўтиб кетди-ю, лекин Очилнинг саволидаги бир нарса Маҳкамнинг кўнглида қолди. У ҳали шу вақтгача Гавҳарни ўпиш мумкин деб ўйламаган эди. Бугун биринчи марта «севиши шундан ҳам билинади-а» деб ўйлади-ю, унинг намли лабларини кўз олдига келтирди. «Балки у менинг ўпишга ҳаракат қилмаганимни совуқлигидан деб ўйлар», деб кўнглидан ўтказди.

Лекин кечқурунги учрашув бунинг ҳаммасини бекорга чиқарди. Ҳозир уларнинг дийдор кўришишлари, биринчи марта бошларидан кечираётган қайноқ туйғулари, бир-биридан топаётган фазилатлари ҳар қандай ўпичлардан кўра баландроқ, софроқ эди. Бир-бирларидан ҳеч нарса тама қилмай дўстлашишлари икковини ҳам чинакам бахтиёр қиласарди.

Эртаси куни биринчи группага кирган Очил Маҳкамнинг юзини яшнатиб юрган бахтиёрликни Гавҳарнинг юзидан ҳам кўриши мумкин эди. Лекин у Замиранинг ҳам шу аудиторияда эканини кўриб, қархисидаги Гавҳарни элас-элас пайқарди. Шунча киши унга қизиқсаниб қарамоқда. Уларнинг биронтаси Очилдан нуқсонтопса Замира сезади, биронтаси кулги қиласа Замира эшитади, биронтаси ёқтирса Замира билади. Очил мана шуни ҳис қилиб ўтхонага тушгандай чўғланиб кетган эди. Гавҳар унинг ҳолатини тушуниб, ҳурмат ва эътибор билан гаплашди, истаса шу бугуноқ одам тўплашлари мумкин эканлигини айтди.

— Йўқ, йўқ, мен бугун фақат кунини белгилаш учун кирдим,— деди Очил чўчиб.

— Агар янаги ҳафтада бўлса...

Гавҳар Замирани чақириб, Очилни агитатор деб тақдим қилди. Замира оғзаки қуруққина сўрашди, Очил ҳам расмий салом берди. Учови янаги ҳафтанинг қулай бир кунини танлашар экан, Очил ҳам, Замира ҳам кўпроқ Гавҳарга қараб гапиради. Очил янаги чоршанбани белгилаб чиқиб кетар экан, аудиторияда ва эшик олдида бир қанча кўзлар уни синовчанлик билан кузатиб қолди. Очил бу синовчан кўз қараашлардан кўп нарса тушунарди. Бу кўзлар гоҳ «қани, тўртинчи курснинг таниқли

студенти қанақа экан?»— деяётгандай, гоҳ «бизниш курсдаги энг қўл етмас қизга тама қилиб юрибди, қўлидан нима келишини энди кўрар эканмиэд», деяётгандай, гоҳ «шеър ёзиб ҳаммани танқид қилган эди, ҳунари ни билайлик-чи» деяётгандай, гоҳ «агитаторлигинг билан нима қилар эдинг, жуда» деяётгандай, гоҳ шунинг ҳаммасини баравар айтгандай бўларди. Очил уларниш ҳаммасига муносиб жавоб берниши керак эди.

Кечқурун кутубхонада у ўтирган столнинг усти қизил, яшил, кўк, пушти, сариқ жилдли, суратли ва суратсиз журналларга тўлиб кетди. Стол ёнига марказий ва маҳалий газеталарнинг муқоваланган қалин подшивклари қават-қават қилиб суюб қўйилган. У суҳбат учун «теша тегмаган» фактлар ахтарар, дунёда бўлаётган муҳим нарсаларнинг ҳаммасини билмоқчи бўларди. Зўр дарёдан канал, ариқ ва әгатлар орқали ғўзаларга обиҳаёт олиб борилгани каби тарих дарёсидан ҳар бир бўлажак эшитувчининг онгига оловли ҳақиқат олиб бормоқчи эди.

Шунча вақтдан бери унинг ичини тўлдириб, ёруғ дунёга чиқолмай дам бўлиб ётган севги туйгулари энди бир мақсад атрофига тўпланиб, азобдан ғайратга айланмоқда эди. Замира унинг қалбida уйғотган, лекин рад этаётган ҳарорат энди шу ишга сарфланар, шу ишнинг юзлаб майдо-чуйдаларига сингарди. Уни қизиқтираётган кўп воқеаларнинг боши олдинги йилларга кетар, у туриб бориб яна ва яна адабиётлар заказ қилас, лекин кутубхона ёпиладиган вақт бўлиб қолар, у вақтнинг тез ўтиб кетганидан норози бўлиб, уюм-уюм газета-журналлар ва китобларни келаси кунларга қолдириб кетарди.

Келаси кунларнинг марказида эса янаги чоршанба турарди. Янаги чоршанба гўё сарлавҳа бўлиб ёзилган эди-ю, Очил қачон қараса кўзи аввал унга тушарди. Очил учун энг қийин нарса биринчи группа одамларини яхши билиш масаласи эди. Билмаса гапни уларга олиб келиб боғлай олмайди, билиш учун эса уларга аралашиб юриш керак, аммо Очил у группага йўлашга ботинолмайди, «кўп бораверсан Замира учун бораётгандай бўламан», деб қўрқарди.

Хайрнатки, бир танаффусда Гавҳар коридорда дуч келиб қолди ва Очил аниқлай олмай юрган нарсаларини ундан сўради. Иккови бир четга чиқиб, тикка турган ҳолда анча гаплашдилар. Маълум бўлишича, уларниш

группасида ҳеч қийинчилик кўрмай ўсган, отларининг ёрдами билан ўқишига ҳам осонгина кирган, энг охирги мода бўйича кийинишга, пул тўкиб айши-ишрат қилишга берилган ёшлар ҳам бор экан. Тартиб-қоидаларни писанд қилмасдан, бутун группага ёмон таъсир кўрсатаркан. Семинарларга суст қатнашадиганларнинг баъзиси (Очил уларнинг номини ҳам ёзиб олди) тўртинчи боб бўйича мустақил ўйлаб «фалсафий фикр» юритишига ўргана олмай қийналар экан. «Гап келиб қолса,— деб режа туза бошлади Очил,— шу боб бизни ҳам биринчи курсда қийнаганини айтиб бераман. Қерак бўлса тажриба алмасишимиз мумкин, дейман. Ёрдам берай демайман, тегиб кетиши мумкин. У эркажонлар бўлса... Бу масала қийин».

У бир-иккита эркажон билан бирга ўқиб, бир вақтлар муроса қилиб ҳам кўрган, лекин ўзи қаттиқчилик кўриб ўсгани учун уларнинг осон ҳаётдан қутуришларини жуда ёмон кўриб қолган эди. «Агар ўнг келиб қолса билганинни айтиб бериб бир гап қўзғайман», деб кўнглига туғди.

Ниҳоят, чоршанба ҳам етиб келди. Очилнинг ҳаддан ташқари ҳаяжонланиб, шошиб қолаётганини кўрган Маҳкам бошда бир оз эплай олмай қолса руҳи тушиб у ёғини бузиб қўйишидан қўрқди ва далда бериш учун ўзи бирга боришга қарор қилди. Ваъда бўйича группа лекциядан кейин ўз аудиториясида қолиши керак эди.

Маҳкам билан Очил эшик тақиллашини меҳмондўстлик билан кутиб ўтирган тартибли ва жимжит аудиторияни кўз олдиларига келтириб бордилар-у, лекин бутунлай бошқа бир аҳволнинг устидан чиқдилар.

Эшикни очишилари билан чипор кийимли олифта бир қўиз ичкаридан отилиб чиқди-да, Маҳкамни елкаси билан уриб ўтди, кечирим сўраш ўрнига ғолибона кулиб, «хайр» деди-да, нозли қадамлар билан кўча томонга кетди. Кираверишда почаси тор шим кийган йигитча, қўлларида папкалари, эшикка томон интилар, Гавҳар аччиқланиб уларни ичкарига тортарди. Аудитория тўполон: бирорвлар кулган, бирорвлар юрган, бирорвлар олишган. Фақат Замира ва яна беш-олти киши жим кутиб ўтирибди.

Маҳкам билан Очил Гавҳарга салом бериб эшик олдида тўхташди. Олифта йигитчалардан бири кўзини сузиб, илжайиб Очилдан сўради:

— Абдураҳмонова кетгани қўймаяпти, бизни нимага агитироват қилмоқчисиз, aka?

Шовқин пасайиб, ҳамма эшик олдида турганларга қарай бошлади. Савол берган йигитча ўша эркажонларнинг бири эканини сезган Очил:

— Сизними?— деди ва заҳарханда қилди:— Сизни одобли бўлишга агитация қилишимиз мумкин.

Очил бу кинояни куч билан айтгани учун кулки чиқмади, лекин унинг нишонга урганини ҳамма сезди. Шунинг учун олифта йигитча ҳам киноя билан жавоб берди:

— Сизларни бу ёқса нима тортишини биламиз. Агитация баҳона-ю, дийдор ғанимат. Пойдём, Рома,— деди у ўзининг Раҳмат деган ўртоғига.

Улар чиқиб кетди-ю, лекин у ёқда Гавҳар билан Замира, бу ёқда Очил билан Маҳкам жуда ўнғайсиз аҳволга тушиб қолди. Замиранинг ёнида ўтирган Басти пиқиллаб кулди. Тикка турган бир йигит кулкисини эшиттирмаслик учун лабини кафти билан босди. «Нега бу томонини ўйламабман,— деб Маҳкам тишларини қисди.— Бу йигитларнинг бир қисми бизни рақиб деб билишлари мумкин эди-ку, нега шуни олдиндан ҳисобга олиб иш тутмадим?»

Қип-қизарив кетган Гавҳар уларни тақдим этмоқчи бўлди. Лекин Маҳкам «қўйинг» деб ишора қилди-да, Очил билан бирга лектор столи олдига борди. Ҳамма жой-жойига ўтиргунча кутиб туриб, кейин:

— Салом ўртоқлар!— деди.

Аудиторъянинг у ер-бу еридан истар-истамас алик олишди. Ўтирганларнинг кўпи уларга «э мот бўлдила-ринг!» дегандай истеҳзо билан қарап, шу қарааш барта-раф қилинмаса тартиб ўрнатиб бўлмас эди.

— Ҳозир чиқиб кетган йигитчанинг гапини эшитдиларингиз,— деди Маҳкам ҳамон Очил билан тикка туриб.— Балки тўғри деб ўйларсизлар. Лекин менимча бу унча мантиқли гап эмас. Дийдор ғанимат дейди. Дийдор ғанимат бўлса одам тўла аудитория нима керак? Дийдор учун бу ердан хилватроқ жой қуриб кётибдими?

Маҳкамнинг бу гапи «ҳа, биз хилват жойларда ҳам учрашамиз» дегандай эшитилди. Қулоқларигача қизарив кетган Гавҳарнинг атрофидан гуриллаб кулки кўтарилиди.

— Биз группаларингизга меҳмон бўлиб келдик.— Маҳкам эшитувчиларни ўз группаларининг обрўсига доғ теккизмасликка чорлаб «меҳмон» сўзини таъкидлаб айтди.— Агитаторларнинг кенгашидан хабарларинги бор. Сизларнинг курсларингиздан сўзга чиққан ўртоқлар ҳам айтишди, бизга юқори курслардан агитатор юборилсин, тажриба алмашайлик дейишди. Шу таклифларга кўра, мана ўртоқ Самадов сизларга агитатор қилиб белгиланди. Қани, Очил.

Маҳкам унга стул суриб берди-ю, ўзи эшикка яқинроқ бир стулга бориб ўтирди. Очил ҳам ўтириб, блокнотини очди. Умумий жимликда у:

— Ўртоқлар,— деди-ю, товуши сўниб тўхтаб қолди.

Унинг ҳаяжондан зўриқиб гапиролмай қолгани ҳамманинг эътиборини ўзига тортар, «тиқ» этган товуш эшилмасди.

— Ўртоқлар, мен ҳам вақт бекор ўтишини истамайман.

«А нега бўлмаса вақтни бекорга ўтказиб юборяпсан?»— деб ғижинди Маҳкам ўзича. Лекин Очилнинг ҳаяжони ҳали ҳам ҳамманинг эътиборини жалб этиб турарди.

— Шунинг учун... шу... мен сизларга кераксиз нарсаларни гапириб ўтирмайман. Яъин, хуллас, нима ҳақда гапириш кераклигини ўзларингиз айтсаларингиз. Демоқчаманки гап мавзунини бирга белгиласак.

У тўхтаб, ўтирганиларга қўрқа-писа қаради. Аудитория бир шовур-шувур бўлиб олди-ю, лекин ҳеч ким индамади. Пауза даҳшатли равишда чўзилиб кета бошлагандан кейин Гавҳар ўрнидан туриб, орқасига ўгирилди-да:

— Ҳа, қани, ким қайси мавзуга қизиқади?— деб сўради:

Яна ҳеч кимдан садо чиқмагандан кейин у ерда пиқир-пиқир кулги эшитилди. Ниҳоят орқа қаторда Омон билан ёнма-ён ўтирган бир қорача йигит лабларини кулидан йигиширига олмай ўрнидан турди.

— Мавзу йўқ-ку, лекин бир савол бор,— деди. Омон юзини пастига яшириб, уни тирсаги билан туртган эди:— Ҳа, нимага туртасан?— деди.— Сўраш мумкин бўлса сўрайлик-да.

— Марҳамат,— деди Очил унга ўз најоткорига қарандай миннатдорлик билан қараб.

— Қўшнимиз менга бир савол берди, жавоб беролмай роса уялдим. Савол шуки, помидор билан бодрингда бўлган қайси озуқа қовун билан ошқовоқда йўқ?

Энди кулки барада қаҳқаҳага айлана бошлади. Иигитча бу саволни синаш учун бергани билиниб турарди. Агар Очил жавоб беролмаса қаҳқаҳа уни аудиториядан ҳайдаб чиқариши мумкин эди. Маҳкам Очилнинг қизариб бўртган юзига қаради-ю: «Нега шундай ноқулай бошладинг, ҳамма саволга жавоб бериб бўладими?» деган ўй юрагини тирнаб ўтди.

Очилнинг бутун борлиги ҳозир шундай сафарбар эди, қалб ўти хотирасини шундай ёритиб юборган, зеҳни шундай тез ишлар эдики, катта-катта фактларнинг панасида қолиб кетган минглаб майда-чуйдалар, петит билан терилган ва бир ўқигандан кейин унутилиб кетадиган юзлаб хабарлар энди яшин тезлигида эсига тушарди.

— Агар янгишмасам,— деди у ниҳоят кулимсираб,— гап витамин С тўғрисида. Помидор билан бодрингда витамин С бор-у, қовун билан ошқовоқда йўқ.

— Тўғри,— деди қорача йигит.

Кулгига тўлиб турганлар энди сир бой бериб қўйган йигитчанинг устидан хохолашди.

— А тўғрилигини билсанг нега сўрайсан, афанди?

— Фойдаси нималигига ақли етмай сўрагандир.

— Ошқовоқ яхшими ё бодрингми? А, Ашир? Шуни билмоқчимидинг?

Лекциялардан чарчаб чиққан группа ҳозир жуда кулгига мойил эди, бўлар-бўлмасга қаҳқаҳа кўтарарди.

— Ундай бўлса,— деб Очил сўнгги гапни илиб олди:— Ундай бўлса Аширбой ошқовоқни камроқ есинлар, ошқовоқда ақлни ўстирадиган витамин ҳам йўқ.

Маҳкам энди енгил тортиб, ўзини стул суюнчиғига ташлади-да, маза қилиб кулди. Лекин кулги босилгандан кейин анчагача бошқа савол тушмай, сукут яна ҳаммани эза бошлади. Очил энди ўзини анча тутиб олган ва студентларга журъат билан кўз югуртирас эди, факат Замира ўтирган жойга қарай олмай кўзини олиб қочар эди-ю, лекин уни бутун қалби муттасил ҳис қиласди.

Гавҳар тағин ўрнидан туриб, савол беришни таклиф қилди.

— Саволга ҳам кон битсинми?— деди Басти.

Очил унга қарап экан, кўзлари беихтиёр унинг ёнида-

ги Замирада бир он тўхтади. Ҳозир Замира стол устидаги дафтар-китобларига кўзини тикиб, чеҳраси жуда очилиб ўтирав, юзидағи осойишталик уни ниҳоятда беозор ва мулойим кўрсатар эди. Шундай беозор қизни деб шунчалик азобланиб юргани энди Очилга қандайдир бир англашилмовчилик бўлиб туюлди.

Басти сўзида давом этди:

— Савол-жавоблар кечаси бўлар экан. Бу ёқда ўқитувчилар консультацияга савол топиб кел дейди. Савол ҳам қолмади-да, ахир.

Бу сафарги кулги Очилга совуқ сув қўйгандай ёмон таъсир қилди. У ихтиёрини аудиторияга бериб қўйиб тўғри қилмаганини, бунақада мақсадга мувофиқ суҳбат бўлмаслигини энди сезди.

— Мен ўзим мавзуу таклиф қилишим мумкин эди,— деди у кимдандир бир оз ўпкаланиб ва кимгадир изоҳ бериб.— Лекин мен ўйладимки, фикр қиладиган ҳар бир кишида ҳар куни хилма-хил савол туғилади. Баъзисига киши ўзи жавоб топса, баъзисига бошқалар билан суҳбатлашиб, баҳслашиб жавоб топади. Русчада — «человек решенных вопросов» деган гап бор экан. Билсаларингиз керак: «Менга ҳамма нарса маълум» дейдиганлар шундай деб аталар экан. Мен сизларни унақа демоқчи әмасман-ку, лекин ҳар ҳолда...

Тўртинчи курс вакилининг биринчи курс вакилларига қаратилган бу жиддий пичинги группанинг обрўси учун жон куйдирадиган ҳар бир студентга тегиб кетиши керак эди. Чиндан ҳам, юзида тиртифи бўлишига қарамай истараси иссиқ туюладиган бир йигит:

— Бизнинг группани қийнаётган бир нарса бор,— деди.— Диалектиканинг белгиларини ҳаммамиз била-миз. Лекин бирор ҳодисани олиб, шунга татбиқ қилиб кўрсатинг деса, қилолмаймиз.

Очил «тушундим» деган маънода бош ирғаб кулимсиради:

— Биринчи курсда мен ҳам тўрт белгини ёдлаб олиб, диалектика фақат китобда бор нарса деб юрар эдим. Энди билсам, диалектика фақат китобда эмас, модда бор жойнинг ҳаммасида бор экан. Модда эса... Атом заррасидан тортиб бутун-бутун қитъаларгача — ҳаммаси модда. Ҳозир шу ерда ўтириб истаган бир нарсани олиб қарасак ўзига ҳос диалектикаси чиқади. Мана, масалан...

У пастки лабини чап қўлининг икки бармоғи билан чўзиб бирпас ўйлади-ю, кейин ўша қўлини ҳавога енгил силтаб қувониб деди:

— Ҳа. Бирор эрка ўсган йигит ё қизни мисолга олинг. Эркажон бўлиш нималарга боғлиқ? Ҳамма нарсага осонлик билан эришишга боғлиқ. Дунёда энг нодир нарсалардан бири — одамнинг одамга ҳурмати. Эркажоннинг ўзи ҳурматга лойиқ бир иш қилмаган бўлса ҳам, ота-онаси машҳур одам бўлгани учуноқ унга ортиқ ҳурмат билан муомала қиласидиганлар учраб туради. Бу «текин» ҳурмат уни ҳурматсизликка ўргатади. Ўзи жонини койитиб пул топмайди-ю, ойисига бир эркаланади, ойиси чўнтагини пулга тўлдириб беради. Текин пул меҳнатни қадрламасликка ўргатади. Кишиларнинг олқишига арзийдиган бир иш қилмаган бўлса ҳам, афти-башараси ёқимлироқ бўлса, яхши кийиниб юрса, ҳамма: «Вой, қандай яхши», деб меҳр изҳор қиласи. Бу нарса уни меҳр-оқибатсизликка ўргатади. Ўртоқларининг бир хили унинг машина минишига, яхши кийинишига, пулига ишқибоз бўлади, «мен фалончининг ўғли билан дўстман», деб керилиб юради. Ўртоқларининг бошқа хили унинг хулқини ёқтирмайди, камчиликларини сезиб юради-ю, лекин «бундан узоқроқ бўлиш керак» деб ўзини четга тортади, курашмайди, аралашмайди. Хуллас, эркажон бўлиш учун мана шунаقا талай сабаблар, шарт-шаронтлар бўлиши керак. Ҳодисаларнинг бир-бирига боғлиқлиги, бирининг содир бўлиши учун бошқасининг бўлиши шарт эканлиги шунда ҳам кўринадими, йўқми?

— Кўринади,— деб Гавҳар уни яхши тушунган маънода бош ирғаб қўйди.

Очил боя қўполлик қилиб чиқиб кетган эркажонларнинг группадаги хайриҳоҳларига теккизиб гапираётгани Гавҳарни завқлантиради. У билар эдикни, ҳозир яхши группадошлари эркажонларнинг ўз ҳолига ташлаб қўйилгани ҳақида ўйлаб, тўртинчи курс вакиллари олдида ўнғайсизланяпти.

— Энди тараққиёт қарама-қаршиликлар курашидир, деган нуқтаи назардан қарайлик. Эркатойларнинг маънавий жиҳатдан ўсиши улардаги камчиликларга қарши кураш билан боғлиқ. Бу курашда принципиал ўртоқлар қандай катта ёрдам беришлари мумкинлигини гапириб ўтирасам ҳам бўлар. Ўзларингиз биласизлар.

— Иўқ, гапираверинг,— деди Гавҳар.  
Яна бир неча жойдан гапиришини талаб қылган овозлар эши билди.

## 26

Маҳкам энди Очилдан бутунлай хотиржам бўлиб ўрнидан турди ва уни муваффақият билан табриклаб, кафтини кафтига қисиб силкитди-да, секин чиқиб кетди.

У ўз таклифининг амалда шундай яхши натижа берганидан ва бу Гавҳарнинг кўзи олдида бўлганидан суюниб, қувончини ичига сифдиролмай борарди. Мұҳаббат ва муваффақият бирлашиб ҳосил бўлган бу қувонч уни қизиқ қилиб қўйганди. У коридорда ёш боладай иргишлагиси, ўзидан-ўзи кулгиси, овозини қўйиб ашула айтгиси келарди. Лекин бу мумкин бўлмагани учун қўлларини параддагидай баланд кўтариб сермар, оёғини ерга ўйнаб босиб қадам ташларди. У ҳали бошқа группаларда ҳам ишни шундай йўлга қўйиш кераклигини унуган эди.

Лекин қаршисидан чиққан биринчи кишиёқ бунни ёдига туширди. Бу Шоазим эди. Маҳкам у ва Зийнатуллаев билан қандай тортишганини эслади. Кейин ҳар бири бир олам бўлган Лола, Сотиболдиев, Зокир, Очил, Фарида, Мирсанд кўз олдидан ўтди-ю, «бизга жуда кучли агитатор керак», деб ўйлади. У аспирантурда биринчи йил ўқиётган ёшгина комсомол аъзосини таклиф қилмоқчи бўлиб юрган эди. Энди Очил ўтказган суҳбатни кўриб чиққандан кейин аспирантга нақадар қийин бўлишини аниқ тасаввур этди. «Ярмимиздан кўпимиз ташкилотчи, Акбаровдай, Платон Макеевичдай гапи ўтадиган коммунистлар келмаса бўлмайди. Ўқитувчилар студентлар билан яқиндан алоқа боғлаши керак деб кўп гапиришади-ку. Деканатга кириб, Ҳакимовга айтсаммикин?»

Маҳкам шу фикр билан кўча эшиги олдидан орқасига қайтди. Деканатга яқинлашар экан, уни кўп ўйлантирган зиддият яна эсига тушди, ҳозир ўша Ҳакимов билан учрашиб гаплашишини кўз олдига келтирди-да, юраги дукиллаб ура бошлади.

Лекин декан уйнга кетиб қолган экан, унинг кабинетида Эшонбоев кимгадир телефон қилмоқда экан. Унинг трубкани қўйгани бериги хонадаги параллел ап-

паратда қисқа жиринглаб билингач, Маҳкам салом бериб ичкарига кирди.

Салқин ва сокин кабинетда Эшонбоевнинг юзи жуда тиниқ ва истараси жуда иссиқ туюлди. Тоза шерстдан тикитирилган тўқ кўкиш костюми, оппоқ шойи кўйлагининг ёқа ва енглари унинг чеҳрасини, қўлларини яшнатиб кўрсатарди. У очиқ юз билан мулоим қулимсираб қўл бераётганда муомаласи ҳам Маҳкамга жуда ёқимили туюлди.

Кейин Муҳаммаджон қора чарм диванинг ўшандаги Акбаров чўкиб ўтирган жойига, Маҳкам эса ярим юмшоқ стулнинг бир четгинасига ўтириди. Маҳкам кенгашни ва унда белгиланган чораларнинг қандай амалга оширилаётганини айтиб бераётганда Эшонбоев нуқул бош ирғиб, «яхши» «эшитдим», «биламан», «яхши» деб қулоқ солди. Фақат ҳозир биринчи группада Очил Самадовнинг қандай яхши иш бошлаганини эшитиб: «қайси группа?», «ким?» деб қайтариб сўради. Охирида яна «яхши» деган бўлса ҳам, нимадир унга ёмон таъсир қилгани кўзининг бир лаҳза қоронғилашганидан, овозининг билинар-билинмас ўзгарганидан сезилди. Лекин юзининг табиий қизиллиги, лабларининг осойишта тахи ҳеч қанча ўзгармади. Буни қўрган Маҳкам ўзининг ёмон таъсир қилди деган тахмини асоссизми ёки Эшонбоев ички кечиримларини билдиримай ўргангандан одамми эканини билолмай қолди. Ниҳоят, у юқори курсларга ўқитувчилардан агитатор таклиф қилиш тўғрисидаги фикрини айтиб, маслаҳат сўради.

— Маҳсадингиз тушунарли-ку,— деди Муҳаммаджон,— лекин ўқитувчилар студентларга агитатор бўлсин деган гап ғалати эшитилади. Улар ўз лекцияларидаги коммунистик ғояларни бусиз ҳам тарғиб қилишлари керак.

Маҳкам бу ёфини ҳеч ўйламаган экан, эътиroz қиломай қолди.

— Шеф тариқасида юборсак,— деб овоз чиқариб ўйларди Эшонбоев,— ўрта мактабдаги синф раҳбарларига ўхшаб кетади. Сизлар ҳозир, ҳар ҳолда, мактаб боласи эмассизлар.

Маҳкам ўнғайсизланиб қулимсиради-да:

— Энди, агитатор деб атамаймиз-да бўлмаса,— деди. У ҳали ҳам Эшонбоевнинг аввалги эътирозига жавоб қидирмоқда эди. Эшонбоев унинг фикрига қизиқиб

қолгандай диққат билан қулоқ солди.— Шеф ҳам демаймиз. Группамизга аъзо қилиб оламиз. Комсомоллар коммунистларни фахрий аъзоликка қабул қиласидарку.

— Маъқул. Хўп,— деди Эшонбоев қўлини диванинг болишига тираб.— Икки-уч кундан кейин менга бир учранг. Кимлар боришини айтаман.

— Раҳмат. Лекин мен кимлар борса яхши бўлиши ни ҳам ўйлаган эдим.

— Шунақами? Қани-қани?

— Платон Макеевични. Кейин Сабоҳат Нажимовна ни. Кейин...

Маҳкам Акбаровни айтайми-айтмайми деб бир лаҳза иккиланди. Аммо Акбаровнинг редколлегияда қандай яхши гапирганини эслади-да, «бу ҳам ташвиқотнинг бир тури эди-ку, масалан, менга катта таъсири қилиб, ҳозирги ишларимга ҳам сабаб бўлди-ку», деб ўйлади. Сўнг:

— Темир Акбаровични,— деди.

Эшонбоевнинг кўзи кучли ялтиллади, ранги аввалигидай қизил бўлса ҳам, энди бу бошқача қизиллик эди. Овози металлдай қаттиқ ва совуқ жаранглади:

— Нега энди именно шулар бўлиши керак? Нега, масалан, Виталий Александрович эмас, Бегимов эмас?

Маҳкам нима дейишини билмай қолди. Акбаровлар яқинроқ, синаштароқ деса, Бегимовлар узоқроқ, бегонароқ деган маъно чиқади, таъсирироқ гапиради деса, фақат шакл масаласини ўйлаган бўлади. Лекин бирор нарса дейиш керак эди, чунки Эшонбоев унга синовчан назар билан тикилиб, жавоб кутарди.

— Энди бу бир истак-да, яна у ёғини ўзингиз биласиз. Фақат Оқил Бегимович...

Маҳкам давомини айтмади, лекин унинг юз ифодаси «бормагани яхши» деган маънони билдириб турарди.

— Ҳа, Оқил Бегимович тўғри келмайдими дейман?

— Билмадим, шу бизникилар... Умуман лекцияларида ухлаб ўтиришади, бир хил саргузаштлар бўлади. Илгари шу курсни ўқиган одам жуда жонли ўқир экан. Шуни эслашади.

— Тошевними? Кимлар эслайди?

— Ҳа, шу... кўрган, эшитган ҳамма.

— Жумладан сиз ҳам?

— Мен ҳам...— деб Маҳкам унинг терговга ўхшаб кетаётган саволларига жавобан бир оз совуқ оҳангда гапирди:— мен ҳам кўрганим бор.

— Демак, Тошевни эслаб турасизлар. Бегимовдан яхши эди деб-а, шундайми?

— Э мен ундаи демоқчи эмас эдим.

— Студентларга ҳеч ким ўқитувчи танлаш ҳуқуқини бермаган эди-ку? Шахсий симпатия-антисимпатияларга ҳалитдан бундай берилсаларинг, катта бўлганда нима қиласизлар?

— Йўқ, ахир мен шахсиятга бораётган бўлмасам...

— Хўп, майли, айтганларингизни ҳисобга оламан.— Эшонбоев энди унинг гапига эътибор бермасди.— Кимни юбориш масаласини ўзимиз ҳал қиласиз. Маннонов сизга айтади. Бўлдими?.. Сизга жавоб.

Маҳкам яна ўша ҳамма нарсадан кўнгилни совутувчи хира шубҳа ва номаълум гуноҳ туйғуси билан деканатдан чиқди. Қизиқ. Аввал, «Йкки уч кундан кейин учранг» деган эди, энди «Маннонов айтади» деди, демак Маҳкам билан бошқа гапиришни истамади. «Сизга жавоб» демаса ҳам чиқиб кетар эди-ку. Ё бу «тезроқ кет» деганими? Акбаровга ҳурмати борлиги, Бегимовни севмаслиги, Тошевни эслаб туриши шунчалик ёмонми?

Унинг назарида Эшонбоев жуда муҳим сиёсий сирларни билар эди-ю, ўша сирлар чўққисидан қараб Маҳкамнинг ҳар кимга ҳам кўринавермайдиган жиддий нуқсонларини кўрарди. Шунинг учун Маҳкам уни шахсиятга боради деб ҳеч ўйламасди, аммо ҳозир икковининг гапирган нарсаларига совуқ шахсият аралашганини сезарди, «мендан бўлдими?» деб нуқул ўзидан айб қидиарди.

Шу оғир туйғулар билан коридорда секин бораётган эди, комсомол хонасидан Каримов деган учинчи курслик бюро аъзоси чиқиб, унга қараб кела бошлади.

— Қаерда юрибсиз? Сизни боя шунча қидириб тополмадим.

Маҳкам унинг ташвишли юзига қараб, «яна бир бало бўлиби, шекилли», деб ўйлади. Ҳа, маълум бўлнишича, бугун иккинчи курсда ўтказилиши керак бўлган суҳбат ўтмабди. Ҳамма уйига кетиб қолибди.

— Мен айтдим Зокирга, дастлабки кунларда шу ишга ҳаммамиз қарашайлик, дедим,— Каримов куюниб сўзларди.— Нуқул комитетда ҳисоб бераман дейди,

менга доклад тузинглар, Маҳмудовга курс бюролари қа-  
рашади, дейди. Мана қаравшгани! Ҳали бу нима. Шун-  
дай кетаверса, ҳали кўп провал бўлади.

Маҳкам чуқур уҳ тортди ва панжаларини тугун қи-  
либ чўнтағига тиқди.

## 27

Зокирнинг комитетда ҳисоб берадиган куни стипен-  
дия кунига тўғри келди.

Кўпинча ёпиқ бўладиган касса дарчасидан энди  
ёқимли зарҳал нур тушиб турарди. Ўқишдан чиқсан ҳа-  
лоийқ булутдай ёпирилиб келиб дарча анчагача кўрин-  
май кетди. Лекин кечга томон Зокир комитетдан терлаб,  
қизариб чиқсанда дарча олдида тўрттагина одам турар-  
ди. Улардан бирини Зокир орқасидан таниди. Гўштдор  
қорамағиз гарданига ва қаппайиб турган мумдай қора  
сочига қараб:

— Ҳа, Мирсаид.— деди.  
— Э Зокиржон, сизмисиз? Хўш, қалай, қутулиб чиқ-  
дингизми?

— Ҳа-е. Қониқарли деб топилди.  
— Э, табриклаймиз бўлмаса.  
— Раҳмат, раҳмат.

Зокир персонал стипендия олар эди. Мирсаид унинг  
дастлаб қўйнига солаётган пулига ҳавас билан тикилиб  
деди:

— Катта стипендияни ҳам ҳалоллаб оласиз-да. Ай-  
ниқса шу ой.

Бу Зокир учун ҳар қандай хушомаддан холи бўлган  
ва ҳақиқатга тўғри келадиган мақтов эди. Чунки Мир-  
саид воқеанинг нимадан бошланганини ва қанчалик  
чиғаллашиб кетганини билиб гапирмоқда эди. Ўшанда  
интизом масаласи ва редколлегиядаги тўқнашув сувга  
ташланган бир тош бўлди-ю, муҳокама доираси сув  
юзидағи доиралар каби борган сари кенгайиб кетавер-  
ди. Давомат аллақачон яхшиланган бўлса ҳам, деворий  
газета бошлаган гап тўхтамади. Танқид нуқул Маҳкам  
ва унинг ўртоқларидан чиқар эди. Ўша тош гўё Маҳкам  
билан Зокирнинг ўртасига келиб тушган эди ва икко-  
вии қарама-қарши томонга олиб кетар, бир-биридан  
тобора узоқлаштиради. Маҳкамга Зокир ўсмай тўхтаб  
қолган киши бўлиб кўринса, Зокирга Маҳкам ўсиш ба-

ҳонаси билан кўзга яққолроқ ташланмоқчи бўлаётгандай кўринар, иккови ҳам ўзини ҳақ, бошқасини ноҳақ деб биларди. Маҳкам Зокирга қарши бориб кенгашни дискуссияга айлантириди. Зокир эса Маҳкамга қарши бориб кенгашда белгиланган чораларни қувватламади. Группаларнинг баъзисида агитация ишлари яхшиланса, баъзисида бутунлай тўхтаб қолди. Зокир бир ойдан ортиқ елкасида кўтариб юрган оғир тошни шу бугун мэррасига элтиб ташлагандай бўлди. Энди енгил тортиб елка ростлаётгандага учраган Мирсаиднинг бундай самимий қойил бўлиши унга жуда ёқди.

— Ҳақиқатан,— деди у,— шу ой қаттиқ ишладим. Овқат ейишга ҳам вақт қолмайди денг, лекцияларга тайёрланиш у ёқда турсин. Мана бугун ҳали обед қилганим йўқ. Қорин занг чаляпти.

Мирсаид хандон ташлаб кулди.

— Бўлмаса бир яхши ошхона бор-да, Зокиржон.

— Қаерда?

— Олиб борайми? Йўқ, йўқ, борганда биласиз.

Кўчага чиққанларида Зокир кўйлак ёқасининг бир тумасини ечиб, кўкрагини кечки шабадага тутди.

— Ҳаво ҳам исиб кетяпти,— деди Мирсаид гўё бунга изоҳ бериб.

Зокир япроқлари баландда мулоим шивирлаб турган оқ теракларга, шода-шода баргларни қулф уриб кўкарган акацияларга, ерни аллақачон қоплаб олган ва майин тебранаётган кўкатларга қаради. Кўз илғаган ҳамма жой, ҳамма майдон ва кўчалар мусаффо барра япроқлар яшиллигига чўмган эди.

Апрелнинг ўрталаридаёқ Тошкентга алоҳида ҳусн ва файз бериб кўкарадиган дарахтларнинг гўзаллиги юзларни ҳам, кийимларни ҳам одатдан ташқари нафис ва тиниқ қилиб кўрсатарди. Бутун шаҳарни ўз оғушига олиб, денгиздай мулоим ва қудратли шовиллаётган бу яшил дунё гўё бирдан пайдо бўлиб қолган эди. Шу турган дарахтларнинг энди асалари қанотидай майда ним раинг япроқ чиқараётганини Зокир гўё эрталаб кўрган эдин-ю, бугун ҳисоб бериб чиққунча ҳаммаси таниб бўлмайдиган бир тарзда яшнаб кетганди. Кейин ҳисоблаб қараса, бу бир ҳафта давомида юз берибди. У бош чайқаб:

— Вақт ўтганини ҳам сезмайди одам-а,— деди.

— Ишга жа берилгансиз-да. Ўзи кун ҳам бирдан

исиб, шаҳар тез кўкарди. Лекин ишингиз кўз очирмай қўйгани бор. Ушанда дейман, Акбаров аралашмаганда иш бунчалик кўпаймас ҳам эди. А, ё чакки айтдимми?

Буни эслаш Зокирга ёқмас эди, лекин у кўкаламзорларнинг кишини мулойимлаштирувчи ҳуснига берилаб анча юмшаган товуш билан:

— Йўқ, тўғри,— деди.

— Деканат жиловини тортиб қўймоқчи эмиш деб гап бўлувди. Стенографистлар ҳам келувди. Кейин жим бўлиб кетди-а?

Зокир энди кўзини яшил дарахтлардан олиб, Мирсаиднинг кўкимтири-қора юзига тикди ва маъноли кулимсираб:

— Ҳе, бу жимлик вақтинча,— деди.

— Ҳа-а,— деди Мирсаид қалин қошларини кўтариб.— Сиз биласиз-ку, албатта...

Мирсаид унинг кўп нарсадан хабардор эканига ҳавас қилиб, тилини қичитган бўлса ҳам Зокир ўзини босди.

— Сиз ҳам кейинчалик билиб қоласиз,— деб қўяқолди.

— Ишқилиб, бир жиловини тортиб қўйишса бўлди,— деди Мирсаид қўлларини лаззат билан ишқаб.

Ўтган йилги имтиҳонда у бир шериги билан ташқарига ўғринча билет чиқариб, комбинация ишлаётган пайтда Акбаров тутиб олган ва бутун факультет олдида қаттиқ изза қилган эди. Зокир шуни эслаб:

— Акбаровни сиз ҳам ёмон кўрасиз-а,— деди.

— Ҳа, энди ўзи ёмон одам-да. Э мана, автобус ҳам келиб қолди. Қани, Зокиржон, чопдикми.

Улар чопа-чопа автобусга чиқишиди ва тиқилинчда терлаб-пишиб сердараҳт тош кўча бўйидаги чиройли ресторон олдига келиб тушишди. Ўзи очиқ, лекин ипак дарпардалари ёпиқ деразалардан джаз-оркестр садолари учиб чиқди. Зокир гардеробга похол шляпасини топшираётганда ёқимли пиёздоғ ҳиди димогига урилиб, оғзи сув оча бошлади. Кейин залга кириб Мирсаидни дераза яқинидаги бўш ўринларга бошлар экан:

— Бу ерни биз ҳам билар эдик,— деди.

— Э шундайми?

— Ҳа, бир келиб ўтириш қилганмиз. Лекин қандай келганимни биламану, қандай кетганимни билмайман.

**Мирсаид кула-кула менюни олиб келди.**

— Зокиржон дейман. Тўрт йилдан буён ҳамкурсмиз-у, бирон марта ўтиришганимиз йўғ-а... Лекин сабаб кўп. Бугун бир катта ишни битирдингиз. Стипендия куни.

— Шундай-ку, лекин дарс тайёrlаш керак-да, ўртоқ. Имтиҳонлар келяпти. Кўп нарсадан қолиб кетганман. Инқилиб юрсак...

— Сиз-а? Э, қўйинг-э. Мақтаган бўлмасинку, лекин сиз унча-мунча одамнинг ишини ойдинда оёғингиз билан қилиб қўясиз.

Официантка заказ олгани келди. Ичкилик масаласини гапиришаётганда, Мирсаид:

— «Лейтенантга» қалайсиз, Зокиржон?— деб қолди. Зокир тушунмаган эди:— Э, уч юлдузлик конъякда,— деди.— Ё капитаниданми? Девушка, тўрт юлдузлик арман конъягидан борми?

Овқат кутиб бирпас жим қолиши. Ҳаво ўзи иссиқ эди, бунинг устига ошхонанинг тапти уриб, зал жуда дим бўлиб кетган эди. Мирсаид қўнғир каверкот пиджагини ечиб, столнинг суюнчиғига ташлади. Унинг қизил шойи трикотаждан чиройли кўйлаги бор эди ва гўштдор баданида жуда яхши турарди. Зокир кўйлакнинг янгилигини кўриб:

— Буни бир олган экансиз-да,— деди.

— Яхшими?

— Менга жуда ёқади. Магазинлардан қидириб топмаяпман.

— Э-э, менга айтмабсиз-да. Ўзи магазинлардан олиб бўлмайди. Мана шунақаси бўлса бўларми?

— Худди шунақасига ошиқмиз-да, ўртоқ.

— Размерингиз неча? Ўттиз тўққизми?.. Ният холисда! Ўйда битта ўттиз тўққиз турибди. Жиянимга олган эдим, катта келди. Сизга буюрсин.

Столда Тошкент суви, конъяк ва закускалар пайдо бўлди, янги бодрингнинг ҳиди анқиди. Мирсаид қадаҳларни тўлдириб:

— Қани, Зокиржон,— деди.— Биринчи рюмкани сиз учун кўтарамиз, сизнинг муваффақиятингиз учун!..

— Раҳмат...

— У-фуўх...

— Э, конфетдан тишланг, бунга конфет кетади,— деб Мирсаид кафти билан лабини артди.

Учинчи қадаҳдан кейин Зокирнинг гўштга санчмоқчи бўлган вилкаси тарелкага санчиладиган, лаблари улама лабдай қўпол қимирладиган бўлиб қолди.

Лекин кўнгли ортиқча тормозлардан халос бўлиб борар, боя орқа-олдига қараб гапираётганда унча қовшумаган суҳбат энди тобора авжига чиқар эди. У Мирсаиднинг редколлегияда ён босганини эслади, қўлида мастона чайқалиб турган қадаҳни кўтариб:

Мирсаид,— деди,— сиз менга яхшилик қилдингиз. Бошқалар ём-монлик қилганда сиз яхшилик қилдингиз. Ме-ен шуни сиз учун кўтараман!

— Ойнанайин!— деб Мирсаид уни чўпиллатиб ўпди.— Мен жонимни яхшилик йўлига тикканман, Зокиржон. Мен отамни ўлдирганга ҳам яхшилик қиласман. Сиз-ку, жонажон дўстимсиз.

— Ме-ен уларни билмаган эканман. Эҳҳ!

— Ишингиз бўлмасин, қасд қилган паст бўлади. Қани, ғалабангиз учун яна битта-битта тўлдирайлик.

Лекин шишада қолгани қадаҳларни тўлдиришга етмади.

— Эй!— деб Зокир официанткани чақирди.— Тўртюлдузлигидан борми? Опкелл, пулини ўз-ўзим тўлайман.

Мирсаид ҳам бир-икки марта босиб-босиб ичди-ю, чулдираб қолди. У кайф қилган сари чапанилашар, «офрай-ни» деб гоҳ ўзининг кўкрагига урас, гоҳ Зокирнинг елкасига шапатиларди. Лекин мастлигида ҳам ҳурмат талааб бўладиган Зокир буни ёқтирамади.

— Ме-ен жўрабоши эмасман, билиб қўйинг,— деб Мирсаидни жеркиб ташлади.— Мен комсомол вожагиман!

Лекин бу бир минутлик хархашани ҳам спирт ювиб кетди. Ҳар қадаҳ кўнглининг бир богичини ечар эди. Охири қалбининг энг тубига яширилган ҳисларга ҳам навбат келди. Зокир гандираклаб оркестр олдига борди, битта эллик сўмлик узатиб, озарбайжонча «Фарида» күйини заказ қилди.

Сўнгги ҳафталарда Зокирнинг кўзига дунёни тор қилиб кўрсатган яна бир нарса бор эди: Фарида уни ёқтирамайдиган ва яқинига йўлатмайдиган бўлиб қолганди. Зокирнинг биринчи курсдаги муваффақиятсиз изҳоридан кейин улар бир йилча шундай бўлиб юришганди, лекин Зокир Наримон билан танишгандан бери ҳеч бундай бўлмаган эди. Зокир Фарида билан дўстлик доира-

сидан чиқмай муомала қилишга ўрганган эди. Улар кўпинча имтиҳонларга бирга тайёрланишарди. Бунинг учун Фариданинг хонасидан тинч жой йўқ эди. Дам олиш минутларида Фарида унга пианино чалиб берар, фото-альбомларини, кутубхонасини кўрсатар, ўқиган китоблари ва кўрган томошалари ҳақида гапирав эди. Зокир илгари китоб ўқишга унча ишқибоз бўлмаса ҳам, Фариданинг таъсирида кўп ўқийдиган бўлганди. Лекин у кўпроқ «севги уч бурчаги» тасвирланган китобларни ёқтиради. Аввал бир йигитга кўнгил берган қиз қандай ҳолларда иккинчи йигит билан бўлиб кетишига, ҳатто яхши кўриб теккан одамидан ҳам чиқиб, қай ҳолда бошқа бирорга эрга тегишига жавоб излар эди. Ич-ичидан ўша кейин афзал кўрилган қаҳрамонлар каби бўлишни истар ва Фариданинг эътиборини мумкин қадар шу қаҳрамонларга тортар эди. Фарида жуда кўп китоб ўқиган қиз эди ва иккови баъзан бир-биридан қолиш масдан баҳслашарди. Бундан бир ойча бурун Зокирнинг ташаббуси билан факультетда Коптяеванинг «Иван Иванович» деган романи бўйича ўтказилган мунозарада ҳам Фарида Иван Ивановични ҳимоя қилиб гапирганди.

Зокир баҳсада ўз фикрини очиқ айтмади-ю, кейин Фаридаларнига тарихий материализмдан бирга тайёрлангани борганда гап очди. Ўша куни Фарида унга ҳар қачонгидан ҳам жозибали кўринар, Зокир ўзининг шу жозибадан маҳрум эканини ҳар қачонгидан ҳам оғир ҳис қиласарди. Гап догматизм ҳақида бораётганда у ҳазиломуз деди:

— Баҳсада Ленага нисбатан бир оз догматик муносабатда бўлдингиз-а? Шахсий баҳт масаласи жуда мураккаб масала.

Ф а р и д а . Ҳар қанча мураккаб бўлганда ҳам, киши ўз баҳтини бошқа бирорнинг баҳтсизлиги ҳисобига қурса ёмон. Ольга ҳам, Тавров ҳам Иван Ивановичга нисбатан бераҳмлик қилишди.

З о к и р . Улар бераҳм эмас, ҳаёт бераҳм. Агар Иван Ивановичга раҳм қилишса ўзлари баҳтсиз бўлишарди. Ҳар ҳолда бир кишининг баҳтсизлигидан икки кишининг баҳти муҳимроқ эмасми?

Ф а р и д а . Ольга Иван Иванович билан баҳтиёр эдику, шу ҳам икки кишининг баҳти эмасмиди?

З о к и р . Эди. Лекин фақат эди.

**Фарида.** Нега шу ўтмишга айланнаб кетди? Аржанов ёмон одам бўлгани учунми? Йўқ, у ажойиб одам! Ольга Тавровни ундан кўра меҳрибонроқ деб оғиб кетди.

**Зокир.** Гап фақат меҳрибонликда эмас, Фарида, маънавий яқинликда.

**Фарида.** Маънавий яқинликдами, меҳрибонликдами, ишқилиб, ҳамма Ольганинг йўлидан борса садоқат керак бўлмай қолади, вафо йўқолади. Чунки, тўхтанг, энг меҳрибон деган одамингдан ҳам меҳрибонроғи бор, энг яқин деб юрган кишингдан ҳам яқинроғи топилади.

**Зокир.** Ҳар ҳолда, киши садоқат деб инсоний эркини қурбон қилмаслиги керак-да.

**Фарида.** Лекин инсоний эрк инсоний масъулиятни ҳам йўққа чиқармаслиги керак. Эркинлик — англанган заруратdir, деган формулани садоқат масаласига тадбиқ этиб кўринг.

**Зокир.** Лекин, ҳар ҳолда, бу соҳадаги эрк бошқа. Агар бу соҳада зарурат билан эркдан бирини танла дейишса, мен эркни танлар эдим.

**Фарида.** Сиз айтган эрк фақат ўзингизга кепрак, мен айтган масъулият бошқаларга ҳам.

**Зокир.** Ў-хў! Энди мени индивидуалист ҳам дерсиз?

**Фарида.** Ҳар ҳолда сиз... Сиз Тавров бўлишни истармидингиз?

**Зокир.** Мен Тавров бўлишни истасам ҳам бўломмайман. Чунки сиз Ольга эмассиз.

**Фарида.** Йўқ, Зокир, очиғини айтинг: истайсизми?

**Зокир.** Хафа бўлмасангиз айтаман.

**Фарида.** Айтинг.

**Зокир.** Ҳа. Лекин Наримон билан баҳтиёр бўлсангиз ишим йўқ. Агар бўлмасангиз ернинг тагидан ҳам этиб келаман.

Фарида ҳеч нарса демай ўрнидан турди. Унинг авзойи бузилганини кўрган Зокир китоб ўқишини давом этказиб, ўнғайисизликни тарқатмоқчи бўлди. Аммо Фарида давом этказишини истамади. Хайрлашаётганда Зокир унга яна «қачон тайёрланамиз» деган эди, «раҳмат, энди бу ёғини ўзим ўқийман» деди. Шундан кейин факультетда ҳам уларнинг муомалалари расмийлашиб, саломаликдан нарига ўтмайдиган бўлиб қолди.

Зокир сир бой бериб қўйгани учун ўзини гуноҳкор сезар, Фарида билан бирга ўтган дамларни жуда қўм-

сар эди. У Фарида яқин борганда ўзини софроқ ҳис қилар, фикрлари ҳам бошқа ҳеч ким билан шундай эркин парвоз этмас эди.

Фарида комсомол аъзоси бўлса ҳам жамоат ишларига деярли қатнашмасди. Зотан бу ишлар унга китобдаги воқеалардан кўра рангизроқ, зерикарлироқ туюлар, шунинг учун жамоат ишига бериши керак бўлган вақтини ҳам бадиий асарлар ўқишга сарфларди.

Аразлашганларидан кейин бир марта Зокир ярашишга уринди, «айт деганингиз учун айтдим», деб ўзини оқламоқчи бўлди, лекин Фарида безиллаб жавоб берди:

— Сиз баҳтли бўлишни истайсиз, бунинг учун Наримон баҳтсиз бўлиши керак. Даҳшатли истак!

Зокир тушундики, кўнгилсиз изҳор унтуилмагунча Фаридани ўз ҳолига қўйиб бериши керак, акс ҳолда унинг дўстлигидан ҳам ажраб қолиши мумкин. Сўнг утишини тишишга қўйиб чидай бошлади.

Аммо ҳозир ичиб яримлатилган қадаҳни кафтига қисган ҳолда бошини қуйн солиб, «Фарида» куйини эшитар экан, ундаги бу чидам қаёққадир йўқолди. Унга энди воқеанинг энг оғир томонларигина кўринарди: қизнинг «индивидуалистсан» деган маънода гапиргани, ўзи айтинг деб яна ўзи тумтайгани... «Нега ахир? Менинг айбим нима?— Фижинарди у ичидат.— Нега мени ноҳақ хафа қиласди?»

Маст одамга ҳеч нарса ноҳақ кўринмасин. Зокир қўлидаги қадаҳни тақ этказиб столга қўйди, кейин аччиқ билан итариб юборди. Қадаҳ тарелкага урилиб чилчил синди, хрустал синиқлари сарқитга аралашиб кетди, оқ дастурхон хўл бўлиб қорайди.

— Эй, девушка, счет! Рюмканинг тованини ҳам ёз. Ме-ен ажрим қиласман буни. Юлинг Мирсаид, гувоҳим бўласиз.

Мирсаид бир оз ҳушёр тортди.

— Қаёққа?

— Юр-ринг дейман.

Кўчага чиққандан кейин маълум бўлдики, у Фаридаларнига бормоқчи.

— Йўғ-э, Зокиржон бу аҳволда яхши эмас. Эртага яна ўзингиз қайтармабсан деб хафа бўласиз.

— Қайтарманг, Мирсаид. Қайтарманг, хафа қиласман!

Мирсаид подъезд олдида турган бўш «Победа»ни имлади.

— Ўтиринг, тезроқ борайлик бўлмаса.

Лекин ўзи шоферга Зокирларнинг адресини айтди.

Зокир машинадан тушиб кўча чироқларининг ёруғида ўзларининг ҳаво ранг дарвозаларига кўзи тушди-ю, сўкиниб машинага қайтиб кирмоқчи бўлди. Мирсаид қаршилик қила бошлади. Шу пайт ичкаридан чиққан пижамали киши салобатли овоз билан:

— Зокирмисан?— деди.

Зокир акасини таниб дарров шахдидан қайтди. Мирсаид бунинг прокуратурада ишлайдиган Манионов эканини пайқади-ю, шоша-пиша изоҳ берди.

— Кечирасиз, Нодир Маннонович, бир ўртоғимиз именина қилган экан, ҳеч қўйишмади.

— Ҳамкурсум Мирсаид,— деб ғулдираб тақдим этиди Зокир.

## 28

Эрталаб Зокир жуда ланж бўлиб турди ва ўқишига бормади. Ўрнида «Сиёсий иқтисод» дарслигини бирпас варақлади, лекин қақшаб оғриётган бошига ҳеч нарса кирмасди. Хотиралар ҳам доғдай хира. Мирсаид билан ўпишганлари бошқа вақтда эсига тушса балки ғаши келган бўларди, унинг усталик билан йўлни адаштириб уйга олиб келгани эса илиқ миннатдорлик туйғусини қўзғаши мумкин эди, лекин ҳозир Зокирнинг ҳамма туйғулари гўё балчиққа ботириб олинган ва бири бирига ўхшаб қолганди.

Ниҳоят, тушга яқин ойиси қилиб берган аччиқ хўрданни ичинб, бир оз ўзига келди ва бугун бюро ўтказиши керак бўлгани учун факультетга чиқди. Ўқув залининг очиқ деразаси олдидан ўтаётib, китоб устига эгилган бошларга, тўхтаб-тўхтаб конспект олаётган қўлларга кўзи тушди-да, ўзича аҳд қилди: «Бугун бюородан чиққан минутимдан бошлаб бўш вақтларимнинг ҳаммасини ўқишига бераман. Ҳисобот бериб қутулдим. Бас. Имтиҳон яқин».

Зокир комсомол хонасига кирганда, Маҳкам; Каримов, Сотиболдиев ва яна икки киши кутиб ўтирас эди. У ҳамма билан кўришар экан, Маҳкамнинг бугун одатдагидан анча мулојим ва бир оз ҳаяжонли эканини пай-

қади: «Комитет қониқарли топгандан кейин шунаقا бўлиб қолибдимикан?»— деб ўйлади.

Маҳкам қўлларини столга тираб ўрнидан турди-да, Зокирнинг: «Комитетда ташкилий масалалар ҳам кўтарилид» деган сўзини таъкидлади, факультет комсомол ташкилотининг структураси ишни яхши йўлга қўйиш учун унча мослаштирилган эмас, деб қолди. «Ие, бу нима демоқчи ўзи?»— деб Зокир таажжубланиб қулоқ сола бошлади.— Маҳкам группалар билан факультет бюроси орасидаги курс бюrolари нуқул сансалорликка сабаб бўлишини айтиб:

— Менингча, шу курс бюrolари бизнинг шаронти-мизда ортиқча,— деди.

— Нима, нима?— сўради Сотиболдинев.

Зокир стол тортмасидан оқ қоғоз олди ва ёзишга тайёрланиб:

— Нима мақсадда курс бюросини тугатмоқчисиз, қани, аниқроқ билайлик-чи?— деди.

— Гап бундай, Зокир,— деб Маҳкам уни уришмасларидан олдингидай оти билан атади,— курс бюроси ташкилотимизнинг энг кучсиз бўғини-а, тўғрими?

— Фараз қилайлик.

— Ўтган йил кучсиз дер эдик, бу йил кучсиз деяпмиз, эндиgi йил ҳам кучсиз десак керак. Бунга энг асосий сабаб — бизда курс бюrolарининг зарурати йўқ. Бундай ўйлаб қарабса, шу бюrolарнинг бутун вазифаларини группалар билан факультет бюроси тўлиқ ўз зиммаларига олишлари мумкин. Қаранг, факультетда ҳаммаси бўлиб уч юзта одам бор. Кечаларни курс бўйича ўтказайлик десангиз ўттиз-қирқтагина одам келади, клубга юқ ҳам бўлмайди. Шунинг учун доим факультет бўйича ўтказамиз. Суҳбатлар, ўқишга онд ишлар, кўп мажлислар группада қилинади. Диспутлар, лекциялар факультет бўйича ўтказилади. Шундай қилиб, курс бюrolари ё ҳеч иш қилмаслиги керак, ё факультет бюроси билан комсоргларнинг ишини қилиши керак.

— Бўлдими?— деди Зокир сабрсизланиб.

У Маҳкамнинг гаплари бюро аъзоларининг кўпчилигини жуда қизиқтириб қўйганини сезиб, ичи эътиrozга гўлиб борар, лекин атайлаб охирини кутар, бошқалар ҳам жим эшитарди.

— Ҳозир. Мен бешинчи курслилар билан гапиришган эдим. Биз келмасдан бир-икки йил олдин курс бю-

ролари йўқ экан. Эллигинчи йилда юқоридан кўрсатма келди, дейишди. Лекин, менингча, ўша кўрсатма бизнинг факультетлар шароитига нотўғри татбиқ этилган. Эшитган бўлсаларингиз керак, баъзи Москва вузларининг ҳар факультетида бир ярим минг, икки минггacha студент бор. Демак, ҳар курсда тўрт юз, беш юз студент. Яъни улардаги курс биздаги факультетнинг ўrniga ўтади. Шунинг учун улар курсовой бюросиз ишлай олмайди. Биз ишлай оламиз. Қайтага яхши ишлаймиз.

— Бўлдими? — деди Зокир яна. — Энди сиз қулоқ солинг. Курсовой бюродагилар қиласиган ишини аниқ билмаса аниқлаб бериш вазифамиз. Биз билан группогларни подменять қилишаётган бўлса бунга йўл қўймаслик ҳам бизнинг вазифамиз. Ахир комсомол иши арифметика эмас, қайси факультетда қанча одам борлиги иккинчи даражали масала. Ҳаммасини ишнинг сифати ҳал қиласиди. У бюrolар бизнинг беш курсдаги беш бармоғимиз. Бармоғингизни яхши ишлатса олмасангиз, бўлмайди деб кесиб ташлай олмайсиз-ку!

Зокир кўпчиликнинг юзида кулги кўриб, энди бюро-нинг фикрини ўз томонига ағдарилаётганидан суюниб қўйди. Фақат соchlари жингалак, сарғиш юзли кўк кўз Каримов жиддий ўйланиб ўтиради. Унинг чап қўлидаги бош бармоғи иккита бўлгани учун номи Ортиқ эди, ўртоқлари баъзан ҳазиллашиб Олти деб ҳам чақиришарди. Зокир уни ҳам ўз таъсирига олиш учун энг ўткир далил қидирди.

— Агитация масалаларида бир ихтиро қилиб кўрдингиз, дуруст томонларидан биз ҳам хурсандмиз. Лекин комсомол бюроси, ҳар ҳолда, заводлардаги ихтиро-чилар бюросидан фарқ қиласиди, ўртоқ Маҳмудов. Курс бюrolари биз учун бошланғич ташкилот. Ҳозир ҳамма эътибор бошланғич ташкилотларни мустаҳкамлашга қаратилган бир пайтда бундай таклиф киритиш... Бунинг сиёсий хатодан фарқи нима? А, ўртоқ Каримов?

Ортиқ гапириши кераклигини сезди-да:

— Умуман олганимизда, — деди хипча гавдасига мос келмайдиган йўғон, дўрилдоқ бир овоз билан, — айтганингиз тўғри, Зокир ака. Лекин конкрет олганимизда мен Маҳкам акага қўшиламан.

— Ие? — деди Зокир ҳайрон бўлиб.

— Қечирасиз-да, энди, мен очигини айтяпман. Мана, мен академсекторман. Тунов кунлари прогул кўпайиб

кетиб нималар бўлганини биласизлар. Ўшанда ҳам шу сансалорлик тоза ишнинг белига тепди. Мана, ҳозир агитаторларнинг ишини олиб қараганимизда, яна комсорглар билан курс бюролари ишни бир-бирига оширади, бир нарса бўлса айбни бир-бирига тўнкайди.

— Ҳа, арифметика-ю, ишнинг сифатига келсак,— деб Маҳкам унинг гапини давом этказиб кетди,— сон ҳам сифатга жуда таъсир қиласди. Қўйчивон кўп бўлса қўй харом ўлади деган мақол бор. Бизда ҳақиқатан қўйчи кўп, бир эмас олтига було.

— Э, оғзингизга қараб гапиринг!— жеркди уни Сотиболдиев.— Комсомол бюроси қўйчи бўлса, комсомоллар қўйми?

— Манионов бюрони бармоқقا ўхшатганда мен қўйчига ўхшатсан-ўхшатибман-да. Мақол бу, қилдан қийик қидирманг унақа.

— Ўртоқлар,— деди Зокир жиддий.— Биз бу масала бекорга вақт кеткизяпмиз. Ташқарида одамлар кутиб турибди.

Маҳкам ҳамма бюро аъзоларига бир-бир қараб чиқди: Ортиқдан бошқаларида ҳали Зокирнинг таъсири кучли. Зотан, у ўзи ҳам яқиндагина Зокирнинг таъсирида эди-ку! Бундан ташқари Маҳкам кўтарган масала кўплар учун жуда кутулмаган масала эди, улар ҳали чуқур ўйлаб кўришга улгурмаганди. Шунинг учун Маҳкам:

— Биз бу масалани ҳозир бу ерда ҳал қилолмасак керак,— деди.— Мен мажлисга қўйилишини таклиф қиламан. Кўпчилик билан тезроқ ҳал бўлади.

— Мен бунақа нарсалар учун мажлис чақириб жинни эмасман,— деди Зокир.— Комсомолларнинг эътиборини асосий ишлардан четга тортишни истамайман.

— Ташкилотимизнинг структурасини яхшилаш ҳам асосий иш эмасми?

— Структурани яхшилаш эмиш. Комсомол раҳбар органларининг кўрсатмасини ревизия қилиш дейди буни! Курсовой бюро ЦК комсомолнинг тавсияси билан ташкил бўлган, билдингизми?

Зокир бу гапни баҳснинг охирига сақлаб ўтирган эди. У Маҳкамнинг юзига тикилиб, қўрқув ифодасини қидирди, лекин тополмади.

— Лекин,— деди Маҳкам,— ЦК комсомолнинг қарорларида бошқа бир тавсия ҳам бор. Ҳар бир қарорни

ўз шаронтинг билан ҳисоблашиб тадбиқ эт, ҳар бир кўрсатмага ижодий муносабатда бўл, деган. Биларсиз? Ҳозир ҳукуматимиз давлат аппаратларидағи ортиқча штатларни қисқартияпти-а? Менингча, ўшанақа ортиқчаликлар бизда ҳам йўқ эмас.

— Бу вулгаризация! — хитоб қилди Зокир.

— Менинг назаримда, сиз қарорни ижодий тадбиқ этолмай формализмга йўл қўйяяпсиз. Ким ҳақ? Мажлисга қўямыз, коллектив ажрим қилсанн.

— Қетмайди бунақа авантюра! Ҳамма айтган нарсаларингизни ёзма равишда олиб келасиз, мен ҳам ўз фикримни айтиб комитетга бераман. Комиссия тузадими, ўша ёққа чақириб сўрайдими, ўзлари билади.

— Керак бўлса комитетга ўзим ҳам элтиб бера оламан. Сиздан фикр сўрашса алоҳида билдираверинг.

— Бўйти, гап тамом. Шунча вақтимиз бекорчи сафатага кетди. Қани, ўртоқлар, асосий масала бўйича яна ким гапиради.

Ҳамма тарқаб кетгандан кейин Зокир бюородан олдинги ниятини эслаб, столининг пастки яшигиндан конспектларини олди. Тўхтаган жойидан давом этказмоқчи бўлиб очди-ю, лекин ўтган сафар қаерга келиб қолганини эслай олмади. Маҳкам билан тортишиб, зеҳни гўё лойқаланиб кетганди, кўз кўриб турган жумлаларни зеҳни бу лойқа ичидан илғай олмас эди.

Хаёлида у ҳали ўша баҳсни давом этказарди. Борди-ю, Маҳкам ҳақ бўлиб чиқса. Бошқа фукультетларда ҳам, бошқа кичикроқ олий мактабларда ҳам у айтгандай қилинса қандай катта иш бўлиб кетади. Кейин эшитган одамлар Зокирни рутинер дейдими? Агар бутун масъулиятини Маҳкамга юклаб, умумий мажлисда муҳокамага қўйса... йўқ, Зокир секретарь бўлгандан кейин ҳар бир нарса бўлса у балога қолади. Эҳ... Балки Маҳкам ёзиб келишдан чўчиб индамай, кетар? Лекин чўчимасачи? Ҳар ҳолда у қўрқоқлардан эмас.

Зокир соатига қаради. Олти, ҳали комитет секретари Зуҳриддинов шу ерда, бориб бир маслаҳатлашиш мумкин. У конспектини апил-тапил аввалги жойига қайтариб солди ва устидан қулфлаб, комитетга кетди.

Зуҳриддинов райкомсомолга кенгашга кетаётган экан, шошиб жавоб берди:

— Агар Маҳмудов таклифларини ёзиб келса, коми-

тёт масалани ўрганиши мумкин. Демак, тарих факультетида курс бюроларининг аҳволи ёмон эканки, бунаقا таклифлар тушибди-да? Агар шундай бўлса, ҳозироқ шошилинч чоралар кўришингиз керак.

Бу гапдан кейин Зокир курс бюроларига алоҳида аҳамият бера бошлади. Ўзи ҳар куни ўқишдан кейин биттадан курс бюросини тўплаб, кенгашлар ўтказиб чиқди. Бу орада Маҳкам билан Ортиқ ўз фикрларини ёзма равишда комитетга элтиб берибди деб эшилди. Шундан кейин курс бюролари орқали суҳбат ва лекциялар ўтказишга ҳам бир-икки кун вақти кетди.

Ниҳоят Биринчи майга бир неча кун қолганда кечга яқин бўш вақт топиб комсомол хонасига кирди ва стол ғаладонига қулфлаб кетган конспектларини олиб ўқишига ўтирди. Лекин яна бўлмади. Сал ўтмай эшик журъатсизлик билан тақиллади ва юзи қассобларнидек ёғли, шопдай мўйлови ҳам йилтираб турган бир киши кириб келди.

— Ассалому алайкум. Кечирасиз, укажон, сиз Зокиржонмисиз?

— Ҳа, келинг. Хизмат?

Мўйловли киши чап қўlinи кўкрагига қўйниб кўришиди.

— Мен Мирсаиджоннинг амакисиман.

— Не, шундайми! Жуда яхши, қани ўтиринг.

Мўйлов стулга ўтирасар экан, кўзи бир зум Зокирнинг ёғнидаги чиройли шойи тенискада тўхтади. Мирсаид бу кўйлакни шу амакиси бозорга чиқараётган кўйлаклар орасидан танлаб олиб келган эди.

— Тинчликми? Мирсаид бугун кўринимади?

— Ҳа, шукур, тинчлик. Мирсаиджон сизга салом айтдилар, укажон. Ўртоғингиз бошига бир мушкуллик тушди. Бир номард савдо гарлик қилиб қўлга тушган экан, «Мирсаид ҳам шеригим эди», деб туҳмат қилибди. Э, акаси айлансан Зокиржон, одамларда инсоф қолмабди... Ҳа, обиска ҳам қилишди, ҳеч нарса топилгани йўқ. Ахир ўзи асли бўлмаса! Мени Мирсаиджон юборди: «Зокиржон менинг кимлигимни яхши биладилар, бориб айтинг», деди. Мирсаиджонга раҳбар экансиз, бир ҳамият қилинг, акангиз айлангур.

— Мирсаидни олиб кетишдими?

— Қамоққами? Йўғ-э! Ўша, нима дерди, ҳали, ҳа, отделениеда.

— Мен нима қилишим мумкин? — деб Зокир бўшашиб елка қисди. — Биздан сўрашмасаям бошқа гап эди...

— Сўрашяпти-да, акангиз айлантур, сўрашяпти. «Мирсаидни биз биламиз, унақа одам эмас», деган мазмунда бир энлик характеристика керак экан. Мирсаиджон мени шунга юборди. Қиёматгача миннатдор бўлади, бечора ўзи сагир ўсган бола.

— Туҳматлиги аниқми, ахир?

— Э, акангиз айлансанин Зокиржон, мана, тепамизда худо турибди, туҳмат балосидан асрасин экан!

Зокир икки кафтини кўзи аралаш пешонасига босиб, бармоқларини сочи орасига тиқди ва бошини маҳкам қисди. Милиция учун характеристика... Юрагининг бир чеккаси ваҳимада титрайди, бир чеккаси Мирсаидга ачшиди. Мөҳрибон ўртоқ; яхши жамоатчи, редколлегия аъзоси, комсомол жазоси олган эмас. Характеристика бол сўзлар ўзи қуюлиб келарди.

Охири у мўйловга қараб:

— Бўлмаса бир соатдан кейин келинг,— деди.

Конспектларини яна йифиштириб ғаладонга тиқди-да, характеристиканинг лойиҳасини ёзди. Кейин декан ё унинг муовинига ҳам қўл қўйдириш учун деканатга олиб чиқди. Аммо ҳеч қайсисини топа олмади.

— Ҳаммалари ректоратда,— деди секретарь хотин,— кутманг, ҳали-бери келишмайди.

— Майли, бўлмаса, бир ўзим қўл қўйиб бера қоламан. Нима ректоратда кенгаш бор эканми? — Зокир секретарнинг юзига қараб гап нимадалигини пайқагандай бўлди ва овозини пасайтириб сўради: — Ё Зийнатуллаев масаласи билан кетишдими?

Секретарь хотин индамади. Бу унинг «ҳа» дегани эди.

## 29

Зийнатуллаев ҳақида гап қўзғалишига Зокир ҳам сабабчи эди.

Зокир ёзаётган студентлик докладига Зуфар Ҳакимович илмий раҳбар эди-ю, бир кун гап орасида: «Сиз менинг иккинчи тўлқин шогирдимсиз,— деганди.— Биринчи тўлқин — Муҳаммаджон». Бу гап Зокирга жуда ёқкан эди, чунки у келажакда Эшонбоевдай диссертант, Ҳакимовдай олим ва декан бўлишни истарди. Бир тўлқин борган жойга иккинчи тўлқин ҳам бора олишини кўз ол-

дига келтирганда ўз истагининг амалга ошиши муқар-  
пардек туюларди. Мана шу келажак туфайли Зокир ўз  
устозига доим кўнглини очиб гапиради. У ўз группала-  
рида Зийнатуллаевдан эшитган латифани ҳам оқ кўнгил-  
лик билан айтиб берганди.

Зуфар Ҳакимовичнинг авзойи қескин ўзгарди.

— Қачон?.. Лекция вақтида-я? Лекция ўрнига ўй-  
нашлар ҳақида bemaza латифалар айтди дегин! Ҳа, бу  
Зийнатуллаев соғлом одам эмаслигини сезган эдим, ле-  
кин тутқич бермай юрган эди. Мана энди тумшуғидан  
илинибди!

Зокир бу латифага унча аҳамият бермай юргани учун  
хижолат бўлиб қолди.

Бир неча кун ичида Зийнатуллаев масаласи деканат-  
дан ректоратга чиқди. Зуфар Ҳакимович уни мафкураси  
бузуқ одам деб ишдан бўшатишга ҳаракат қила бош-  
лади.

Зийнатуллаев лекцияга саросима бўлган, ранги ўчган  
ҳолда келар, тўртинчи курслилар: «Шу латифани биз  
қўймай айтдирган эдик, группамиздан кимdir бориб ча-  
қибди», деб унинг юзига қарай олмас эдилар. Шоазим  
чақимчини қидирар, «топсам бетига туфлайман!» деб  
дўқ уради. Зокир кўнглида бор нарсасини ишонган ки-  
шисига айтиб бергани учун ўзини чақимчи деб ҳисобла-  
мас, лекин гапни кўпайтирмаслик учун «мен айтдим»  
ҳам демасди.

Шоазим Маҳкамдан шубҳаланди. Бироқ Очил ва яна  
бир неча киши Шоазимни уришиб ташлади: Маҳкам  
унақа эмаслиги, латифа ёқмаганини рўй-рост айтгани  
ҳаммага маълум эди.

Шундай бўлса ҳам Маҳкам Зийнатуллаевнинг олдида  
ҳаммадан ортиқ ўнғайсизланарди. У Зийнатуллаевни  
бундай жазога сазовор деб билмас, Ҳакимов унга тақа-  
ётган оғир айбларга қўшилмасди. Лекин ўшанда ўзи ҳам  
латифадан айб топгани учун энди Ҳакимовнинг қилми-  
шига беихтиёр шерик бўлаётганга ўхшар ва руҳан азоб-  
ланарди. Маҳкам Зийнатуллаевга ачинган сари, ундан ўн-  
ғайсизланган сари, унинг баъзи бир нуқсонларини ҳам  
кечирар, унутар ва илгари уни хушламай юргани учун  
ўзидан норози бўларди.

Акбаров Зийнатуллаевни ишдан бўшатишга қарши  
чиққанини эшитиб, Маҳкам ичида ундан миннатдор  
бўлди.

— Тўғри, Зийнатуллаев шу суюқ латифани лекция вақтида айтиб хато қилибди,— дерди Акбаров.— Лекин токайгача кишининг хатосини бўйнига тош қилиб осиб, чўқтириб юборамиз? Ҳакимов Зийнатуллаевни чақириб сабабини суриштирдими? Хатосини тушунтиришга ҳаракат қилдими? Йўқ! Дарҳол ишдан бўшатиш ҳаракатига тушди. Бу қораланган метод. Кишининг тақдирин бунақа ҳал қилинмаслиги керак!

Професор Задорин ҳам, доцент Нажимова ҳам Зийнатуллаевнинг хатосини ўртоқларча танқид йўли билан тузатиш керак, деб гапирдилар.

Бу фикр ректоратга маълум бўлгач, проректор Назаровнинг кабинетида маҳсус кенгаш бўлди. Охири Зийнатуллаевни ректор ўз олдига чақирди.

Ўша куни тўртинчи курсда Зийнатуллаевнинг лекцияси бор эди. У аудиторияга одатдан ташқари қизарип, кўзлари оловланиб кириб келди. Маълум бўлишича, Султон Алимович уни уришибди, огоҳлантирибди-ю, лекин ишда қолдирибди.

Бу хабар кўпларни, шу жумладан Маҳкамни ҳам, қувонтириди. Энди унга Зийнатуллаев илгаригидан бошқачароқ, обрўлироқ, Акбаровга ўхшаганроқ бўлиб кўринарди. «Акбаров масаласи ҳам мана шундай тинчидекатди» деган фикр Маҳкамга ёқимли хотиржамлик бағишларди.

Лекин бу хотиржамлик узоқ давом этмади.

\* \* \*

Маҳкам гавжум ётоқхонада яшаб, кутубхонанинг ўқув залида мутолаа қилишга ўрганган, сўнгги вақтларда жамоат ишлари билан жуда банд бўлса ҳам, бу одатини тарқ этмасди. Ўша оқшом у негадир кўп ўтиrolмали ва ҳар кунгидан эртароқ чиқиб, кўчанинг нариги юзи билан ётоқхона томонга йўл олди.

Май кунлари, баҳор авжида. Осмон ойсиз бўлгани учун юлдузлар одатдагидан кўра тозароқ, каттароқ, ёрқинроқ кўринарди. Кўм-кўк дараҳтларга бурканган бинолар шаҳар чироқларида элас-элас кўзга ташланар, кечки салқинда баҳор латофати кучлироқ ҳис этилар ва ҳамма ёқ афсонавий бир гўзалликка чўмиб ётарди. Кўчада ҳали қатнов кучли бўлса ҳам, оқшом сукунатини њеч нарса бузмаётганга ўхшарди.

Лекин Маҳкам нариги ўқув корпусига етай деганда кўчадан ўтган «тез ёрдам» машинаси тарих факультети томонга чинқириб бурилди. Маҳкам подъезд чироқлари ёруғида машинанинг кескин тормоз бериб тўхтаганини, олдиндан аёл врач, орқадан носилка кўтарган оқ халатли икки эркак чопиб тушганини, подъезд олдида турган Сабоҳат Нажимовна уларни тез ичкарига бошлаб кетганини кўрди ва юраги шув этиб кетди. У чопиб бориб, факультетга кирди ва тарих кабинетининг эшиги ланг очиқ турганини кўрди. Муҳим мажлислар доим шу кабинетда ўтказиларди. Маҳкам кимсасиз коридордан тез-тез юриб, ўша эшик қаршисига борди.

Ичкарида атрофи одамлар билан қуршалган ва ранги мурданикидек сарғиш-кўк тусга кирган Акбаров оқ халатли кишилар ёрдамида дивандан аста кўтарилимоқда эди. Стол устида шпириц қутиси очиқ туарар ва дори ҳиди анқирди — врач укол қилиб уни бир оз ўзига келтирганди. Оқ халатлилар Акбаровни брезент носилкага солмоқчи бўлишди, лекин у мадорсиз қўл ҳаракати билан рад этди ва икковининг елкасига икки қўлтифи билан суяниб зўрға юриб чиқа бошлади.

Маҳкам лол бўлиб одамларнинг юзига қаради. Ўн беш чоғлик киши (уларнинг орасида Ҳакимов, Лачинов, Зийнатуллаев, Бегимовлар ҳам бор), бири ачинган, бири ташвишланган, бири ҳаяжонланган ҳолда Акбаровни жим кузатиб қолмоқда эди. Сергей Чумичкин оқ халатлиларнинг қўлидан носилкасини олиб, ёнма-ён борар ва Маҳкамни кўрса ҳам эътибор бермас, ёки сезмасди. Нимадандир қўрқиб ранги ўчиган Эшонбоев дам врачга кўзини жавдиратиб қарап, дам ўзини ҳаммадан кўра осоишига тутаётган Ҳакимовга савол назари билан тикиларди.

Ҳакимов врачни илтифот билан билагидан олиб, гап сўраш учун четроққа тортди. Эшонбоев ҳам дарҳол уларнинг олдига борди. Жуда паст овоз билан гапирилган гаплардан Маҳкам фақат иккитагина сўз эшитди: «Инфарктга яқин». Наҳотки, Акбаровнинг юрак касали шу мажлисда инфарктга яқинлашган? Маҳкам Сергейга ёндашиб, елкасидан тортди-да, ўзига қаратди ва :«Нима бўлди?»— деб пичирлаб сўради. Сергей лабини очди-ю, лекин «кейин» деган маънода бош чайқади. Маҳкам унинг лабларида ҳаяжон титрофи ҳали босилмаганини кўрди. Демак, ёмон бир нарса бўлган, жуда ёмон нарса.

Акбаровни машинага солиб жўнатганларидан кейин, кузатиб чиқсанлар қайтиб кириб кетди. Маҳкам мурдадай қонсиз юзни кўз олдидан ҳеч узоқлаштиромай ётоқхонага борди, лекин ичкарида ўтиrolмай, ҳовлига қайтиб чиқди.

У Акбаровнинг бошида кўпдан бери тўпланиб юрган булутлар бир кун эмас бир кун чақин чақишини билар эди, аммо ҳозир кўрган нарсасини сира кутмаган, сира хаёлига келтирмаган эди. Акбаров ноҳақ қоралашлар қаршисида чора тополмай довдираб қоладиган таъсирchan киши эканини, Зокирнинг анчайин ҳамлалари шошириб қўйган одамни Эшонбоев ва Ҳакимовдай кишиларнинг шунча вақт тайёрлаб юрган даъволари қанчалик ларзага келтириши мумкинлигини ўйлаб кўrsa ҳозирги воқеа тасодиф эмасга ўхшарди. Бунинг устига сўнгги вақтларда Акбаров ўз атрофида нимадир бўлаётганини сезиб, юрак касали қўзиб юрган бўлса...

Йўқ, бу ҳаммаси гумон, ноаниқ гумон. Балки, у катта бир айб қилган-у, бугун фош бўлгандир. Балки мажлисдан чиқсанлар шунинг учун бу қадар ҳаяжонли ва камгапдир. Балки Сергей шунинг учун «кейин» деб титраб айтгандир. Ундай бўлса нега Сабоҳат Нажимовна жон куйдириб югуриб юриди? Нега Эшонбоевнинг кайфи учган-у, Ҳакимов босик?

Маҳкам ҳовлида Сергейнинг келишини кутар эди. Мажлис кўп давом этмади шекилли, Сергей тез қайти ва иккови ҳовлининг доирасимон гулзори билан кичкинагина фонтанчаси орасига қўйилган скамейкага бориб ўтиришди. Маҳкам мажлис ёпиқ бўлганини билгани учун ҳеч нарса сўрамади, фақат ўзининг Эшонбоев билан Акбаровлар орасида қандайдир зиддият сезганини, лекин ким айборд эканини тушунолмай юрганини гапирди-да:

— Бир оғиз айт,— деди,— ким ҳақ экан, билдилирингми?

Сергей оғир тин олиб:

— Билиб бўлмайди,— деди.— Тўғрироғи, исбот қилиш қийин. Менга шундай туюладики, Акбаров... Ҳа, сендан сўрамоқчи эдим. Акбаров Андижон қўзғолони ҳақида нималар дегани эсингда борми?

Ҳа, Маҳкам буни яхши эслайди. Бир кун лекцияда кимдир Акбаровга савол берди: илгари қай асосда Андижон қўзғолонига ижобий баҳо берилган эди, кейин бу баҳо нега нотўғри бўлиб чиқди? Акбаров бу саволга ба-

тафсил жавоб берди. «Илгари қўзғолонни бутунлай прогрессив деганлар ҳақ эмас эди, ҳозир уни бутунлай реакционга чиқариб ўрганмай қўйғанлар ҳам, менингча, тўғри қилмаяпти, чунки бу кўп қиррали ҳодиса, унинг ҳамма қирралари тўлиқ ўрганиб чиқилмагунча аниқ ху-лоса чиқазиш қийин», деди.

— Илгариги нуқтаи назарни айтиб бераман деб пропаганда қилган эмасми?

— Пропаганда? — Тушунмадим Маҳкам.— Қанақа пропаганда?

— Яъни илгари берилган ижобий баҳонинг асосларини очиш баҳонаси билан ўша баҳони ёқлаб чиқкан эмасми? Ҳайрон бўляпсан-а? Бу менинг гапим эмас. Мажлисда Акбаровга тақилган айблардан бири...

— Йўқ, мен унақа пропагандани сеизганим йўқ. Илгари Акбаровнинг ўзи ҳам хато баҳо берган экан. Бизга шуни айтиб, қандай хато қилганини тушунтириди. Шу пропагандами?

— Билмадим. Қандайдир, конспектлар бор эмиш, стенограмма бор эмиш. Кейин Акбаров чоризмни танқид қиласман деган баҳона билан Ўрта Осиёнинг Россияга қўшиб олиниши прогрессив ҳодиса эканини инкор этганиш.

— Ким айтади шуни?.. Сергей, биз сен билан шу тўғрида бир гапиришган эдик-а? Ҳакимов билан Бондарев иккаласи ўтган йилги илмий тўпламда нима ёзиб чиққанини биласан-а? Қара, ахир, келиб-келиб генерал-губернатор Куропаткинни мақташадими? Ўлканинг эҳтиёжларини қондириш учун реформалар ўтказган тараққийпарвар ҳоким эмиш! Наҳотки, Ўрта Осиёнинг тақдирида Россия ўйнаган прогрессив ролга мустамлакачи Куропаткинларни ҳам шерик қилиш керак? Акбаров буни қаттиқ танқид қилди, рус халқининг хизматларини Куропаткинларга бериб, чоризмнинг мустамлакачилик сиёсатини прогрессивга чиқариш ўша вақтдаги энг реакцион газеталарнинг иши эди, деди, ўша газеталардан бир талай цитаталар келтирди. Ҳакимов шундан ҳам айб топса. Индамадиларингми ахир? Аким Борисович йўқмиди?

Сергей Маҳкамнинг қизишаётганини кўриб елкасидан кучди-да, кўкрагига босди:

— Чудак-человек, биз шуни гапирмадик деб ўйлайсанми? Гапирдик. Лекин Акбаровга қарши бир папка айнома тайёрланган бўлса нима қиласан! Ишонасан-

ми — бутун бир шахсий иш. Энди майли, мен сенга ҳаммасини айтиб бера қолай. Бугун бўлмаса эртага шунаقا мажлисларга борадиган одамсан, сенга айтиш мумкин. Хўп, мана эшиш.

Мажлис факультетда идеологик ишларни юқори кўтариш мавзусида эди, Акбаровнинг шахсий иши ҳам шу мавзуга киради. Эшонбоев Акбаровнинг мафкураси ҳақида масала қўйишдан олдин унинг ўз ижтимоий чиқиб келишини яширгани тўғрисида деканнинг номига келган бир хатни ўқиб берди. Хатда айтилишича, Акбаровнинг отаси Акбарбой деган ном билан танилган, катта бир темирчилик дўконининг эгаси бўлган, киши кучидан фойдаланган. Босмачилар билан борди-келди қилган, тоғларга яширинча чиқиб, уларнинг ишини бажарган, кейин ҳукумат бундан хабар топиб қўлга олмоқчи бўлганда йиққан тилласини олиб Тошкентга қочган. Акбаров эса бунинг ҳаммасини яшириб, меҳнаткаш темирчининг ўғлиман деб ёзган. Мажлисни ҳайратда қолдирган бу хатни аноним деб бўлмасди. Унга А. Бузруков деган ўқитувчи имзо қўйган. Акбаров туғилган район марказининг адреси ёзилган эди. Эшонбоев қўшимча қилинб айтдики, бу маълумотлар Фарғона водийсига командировкага борган бир ишончли тарихчи орқали текшириб кўрилди. У тарихчи ҳам Бузруковнинг ёзганларини тасдиқлайдиган хат ёзиб берди. Мажлисда иккинчи хат ҳам ўқилди. Кейин Акбаров партияга алдамчилик қилиб кирган деган масала кўтарилди.

Мажлис Акбаровдан изоҳ кутар эди. Бу маълумотларнинг борлигини кечагина билган ва хийла довдираб қолган Акбаров ҳаммасини тухмат деб атади ва анкетада ёзган нарсаларини такрор айтиб берди: отасининг кичкина бир темирчилик дўкони бўлган, ҳамма ишни ўзи қилган, фақат ўғли дастёрликка ярайдиган бўлгунча бир жияни дам босиб қарашиб юрган; у от тақалаш, пичноқ ясаш, қурол-яроғ тузатиш ҳунарлари билан танилган одам бўлган. Шаҳарчани босмачилар босганда уни ўзларига керак қилишиб, тоққа ҳайдаб кетишган, лекин икки кун ўтмасдан қочиб қутулишга муваффақ бўлган, бир кечада хотин бола-чақасини олиб Тошкентга қараб қочган, Тошкентга келиб темирчилик артелига кирган, кейинчалик артель раиси бўлган ва қирқинчи йилда вафот этган, бойлару босмачилар билан ҳеч қанақа борди-келдиси бўлмаган.

— Биз ҳам шу вақтгача шундай деб ўйлар эдик,— деди Ҳакимов.— Лекин мана бу ҳужжатлар аксини кўрсатяпти. Ҳужжатни фақат ҳужжат билан рад этиш мумкин.

Акбаров тутақиб кетди:

— Мен ўлиб кетган босмачилардан бориб отамнинг борди-келдиси бўлмаганига ҳужжат оламанми? Нега маълумот берган нотаниш кишидан ҳужжат сўрамайсиз-у, мендан сўрайсиз? Бу қанақа туҳмат қанақа ўлармандлик!..

Унинг аччиқ устида айтган гапларини Эшонбоев мажлисга ҳурматсизлик деб атади. Лекин Платон Макеевич туриб, Акбаровга ҳам қийин эканини айтди, «балки Бузруковнинг ғарази бордир?» деди. Аммо Акбаров Бузруковни танимас экан, ўттиз беш йилдан бери туғилган шаҳрига фақат бир неча марта борган экан, ғараз қўзғайдиган ҳеч иш қўймаган экан.

Сулаймон Зийнатуллаевич туриб:

— Масала яхши тайёрланган эмас, қолдирилсан, маълумотлар яна текширилсан,— деб таклиф қилди.

Аммо Виталий Александрович Бондарев унга қаттиқ эътиroz билдириди:

— Мажлис Акбаров туғилган жойга бориб текшириб юра олмайди, ҳеч қандай ғарази йўқ бир ўқитувчидан маълумот келган экан, Эшонбоев буни бошқа бир бегараз киши орқали текширитириб кўриб, тўғри топган экан, демак, бир гап бор. Биз текширишни энди бу ердан бошлишимиз керак. Тушган сигналларга Эшонбоев тўғри реагироват қилган. Аммо Акбаров... унинг анкетасида мени шубҳага солган бир-иккита жойи бор. Масалан, негадир, отаси дастёр ёллагани аниқ айтилмаган.

— Ёллаган эмас, ахир, жиянини дам босишга чақирган.

— Бари бир, қариндошларининг кучидан фойдаланувчи эксплуататорлар ҳам бўлган, буни биз биламиз,— деди Ҳакимов.— Маълумки, темирчилик дўконида бир киши ишлай олмайди. Бир ёки бир неча ёлланма ишчи бўлиши шарт.

Шундай қилиб, Акбаров ўзининг ижтимоий чиқиб келишини яширгани ҳақидаги даъвони ҳужжатлар билан рад эта олмади. Рад этилмаган бу айб илгак бўлди-ю, Ҳакимов бошқа хилма-хил айбларни шу илгакка келтириб илаверади. Эшонбоев чиқиб, Акбаровнинг партияни

бундай алдашига сабаб бўлган нуқсонлари кундалик ишида ҳам намоён бўлаётганини айтди. Студентларнинг конспектларидан, стенограммадан цитаталар келтириди. Лекин у: «Акбаров чоризмни танқид қилиш ниқоби оғтида Ўрта Осиёning Россияга қўшиб олиниши прогрессив воқеа эканини инкор этяпти», деяётганда Сергей эътиroz қилди. Масалага диалектик нуқтаи назардан қараш кераклигини, қўшилишнинг прогрессив моҳиятини очиш учун чоризмнинг реакцион мустамлакачилик сиёсатини оқлаш керак эмаслигини, ўтган йилги илмий тўпламда Ҳакимов билан Бондарев худди шундай бир хатога йўл қўйганини айтди. Виталий Александровичнинг жаҳли чиқди:

— Сиз жуда маҳмадона экансиз, йигит. Партияга ўтганингизга икки кун бўлган эмас, яна ҳали кандидатсиз-у, бунақа катта гапирасиз!

Шу ерда Эшонбоев ҳам Сергейнинг деворий газетада қилган танқидини эслади.

— Ёшлар орасида партия ташкилотининг обрўсими тўкишдан мақсадингиз нима эди? — деб дўқ урди.

— Ташкилотнинг эмас, фақат сизнинг камчиликларнингизни кўрсатган эдик.

— Бари бир,— деди Бегимов,— бу киши шу ташкилотнинг парторги бўлгандан кейин ташкилотнинг обрўси тўкилади.

— Лекин парторг билан партия ташкилотининг орасига мусова қўйиш тўғри эмас,— деб Сабоҳат Нажимона Сергейга бўлишиди.— Ташкилот бу ҳаммамиз, фақат Эшонбоев эмас.

— Парторгни партия ташкилотидан ажратиб қўймоқчимисиз? Мақсадингиз нима? — деб Эшонбоев унга ҳам дўқ ура бошлади.

Кўйиб-ёниб ўтирган Акбаров гапга қўшилди:

— Ахир, гап яхши парторгни ёмонлардан ажратиб қараш ҳақида-ку! Қизиқ! Мен сизни энди биляпман. Агар ташкилот мақтовга арзирлик бир иш қилса дарров «парторг сифатида мен» деб кўкрак кериб олдинга чиқасиз, кўпчиликдан ажralиброқ кўринишга ҳаракат қиласиз. Йўқ, агар танқид бўлиб қолса дарров ўзингизни кўпчиликнинг ичига урасиз, ташкилотга қўшилиб кўринмай кетасиз, «биз», «ташкилотимиз», «коллективимиз» деб гапира бошлайсиз. Сизга тил тегизилса дарров умуман ташкилотга, умуман партияга тил тегизиляпти деб

даъво қиласиз. Ким сизга шундай ҳуқуқ берди? Нега ёш коммунист Чумичкин сизни танқид қилолмайди? Танқид қачондан бери маҳмадоналиқ бўлиб қолди?

Ташаббус қўлдан кетаётганини сезган Ҳакимов дар-ров баҳсни бошқа ёққа буриш ҳаракатига тушди.

— Ўртоқлар, Эшонбоевнинг ишини муҳокама қилиш учун ҳисобот-сайлов мажлиси бор. У ҳали ёш коммунист, баъзан тажрибасизлик қилиб қўйиши мумкин. Лекин ҳозирги гап жуда жиддий ғоявий масалалар ҳақида бора-ётиди.

У Акбаровнинг Андижон қўзғолони ҳақидаги лекциясидан цитаталар келтира бошлади. Бу кўчирмалар конспектлардан шундай териб олинган эдик, Акбаров Андижон қўзғолонига илгари қандай қилиб ижобий баҳо берилганини айтиш баҳонаси билан ўша хато нуқтани назарни тарғиб қилган бўлиб чиқарди. Акбаров бу кўчирмаларнинг ғаразлий ўйларидан териб олинганини, у фақат масаланинг тарихини ёритганини айтди. Ҳакимов ишончсизлик билдираётганидан қаттиқ норози бўлди.

Мажлиснинг Акбаровни ҳурмат қиладиган қисми олдиндан хабар топмаган ва тайёрланиб кела олмаган эди, кутилмаган оғир айблардан хийла эсанкираб қолди. Бунинг устига гап чуқур ўйланишни талаб қиладиган жуда нозик сиёсий масалалар ҳақида борарди.

— Мен Ўзбекистон тарихидан мутахассис бўлмасам ҳам биламан, Акбаров тарихий ҳақиқатни қайта тиклаш учун курашяпти,— деди Зийнатуллаев.

Лекин гапнинг исботи учун ҳеч қандай далил келтирмади. Фақат тунов куни Акбаров уни ёқлаб чиққани учун ҳозир у Акбаровнинг ёнини олаётгани билиниб қолди.

Ҳакимов буни ҳам Акбаровга қарши ишлата бошлади: кўл кўлни ювар деган мақолни келтирди. Акбаров билан Зийнатуллаевнинг ўзаро муносабатини принципсиз ҳамкорлик деб атади.

— Мана ҳозир Акбаровнинг асл мақсадини Зийнатуллаев айтди. Андижон қўзғолони ҳақидаги эски реакцион фикрни қайта тиклаш тарихий ҳақиқатни қайта тиклаш эмиш, эшишиб қўйинглар!

— Сиз менинг фикримни бузиб изоҳлаяпсиз!— деб Зийнатуллаев ҳар қанча эътиroz қилса ҳам бўлмади.

Эшонбоев ва Ҳакимов гапни шундай хуносага олиб келдиларки, Акбаров бир вақтлар душман синфидан чи-

қиб, партияга алдамчилик йўли билан кириб олган ёт одам, ҳозир ёшларнинг онгини заҳарлаётгани ҳам шундан, уни дарҳол фош қилиб, ишини тегишли жойга ошириш керак.

Рўй-рост айтилмаса ҳам, гап мазмунидан чиқиб келаётган бу даҳшатли айбларни Акбаров кўтара олмади. Охири Маҳкам кўрган аҳвол юз берди.

— Менга шундай туюладики,— деди Сергей боя бошлаган, лекин тамомламаган гапини такрорлаб,— Акбаров айбдордан кўра қурбонга кўпроқ ўхшайди — бирор қасоснинг қурбонига. Лекин бу фақат гумон.

— Партбюорога бориб айтсанг бўлмайдими? Ё, айтишмоқчи, Караматов ҳозир йўқ-а? Командировкада.

— Караматов командировкадан келганда ҳам... айтиш мумкин. Лекин мен бир марта арзга берганман. Ҳу, газета масаласида. У жуда яхши одам, лекин уни ишонтириш учун исбот керак, факт керак. Ҳакимовнинг қўлидаги фактлардан бир неча баравар зўр факт керак. Чунки Ҳакимов декан. Декан бўлгандан кейин юқоридаги раҳбарларга синаштароқ, ишончлироқ бўлади. Тез-тез қўриниб турди. Ҳар қандай деканни асоссиз ёмонлайдиган кишилар ҳам бўлади. Шуннинг учун бирор нарса деб борсанг «шунақалардан эмасмикан» деб аввал сени текшириб кўришлари мумкин. Бу табиий, чунки ёмонлаб борган ҳар бир одамнинг гапига ишониб деканни текшираверишса, ҳар қандай яхши деканнинг ҳам боши ғалвадан чиқмай қолади. Хуллас, бу ҳаммаси жуда мураккаб иш. Маҳкамчик. Лекин Акбаровга киши жуда ачинади. Үнга ёмон бир соя ташланди, то бу сояни устидан олиб ташлагунча...

— Сен унга ишонасанми?

— Айтдим-ку, кўнглим у томонда. Лекин бу... ҳар ҳолда мен асоссиз жазо берилишига кучим етгунча қарши тураман. Ҳозир вазият ҳам илгаригидай эмас, унча куюнма... Хўп, бориб ётамизми энди?

Лекин шу кечаси Маҳкам тонг отгунча ухлай олмади. У Сергей билан гаплашмасдан олдин «Мажлисда ниша бўлганини билсам ҳамма саволларимга жавоб топаман» деб ўйлаган эди, лекин гаплашгандан кейин жавобсиз саволлари аввалгидан ҳам кўпайиб кетди. Бу саволлар фақат Акбаров ва Эшонбоев, Тошев ва Ҳакимов орасидаги зиддият ҳақида эмас, йўқ, ҳаётда ҳақ ва ноҳақни, рост ва ёлғонни, ҳаққонийлик ва қалбакиликни

тўғри фарқ қилиш, тўғри белгилаш, тўғри баҳолаш ҳақида. Илгари у мана шу тўғрилик жамиятимиз қонунларига биноан осонгина, ўз-ўзидан чиқиб келади деб ўйларди. Маҳкам биргина шу Акбаров ва Тошев масаласидаги ҳақни ноҳақдан, ростни ёлғондан тўғри ажратиб, тўғри баҳолаш учун қанча куч, вақт, қунт, ирода кераклигини энди аниқ кўз олдига келтириди. Кўз олдига келтириди-ю, жамиятимизда ҳақиқатга хизмат қилаётган қонуниятлар миллионлаб кишиларнинг қанчалик катта гайрати, қанчалик зўр иродаси, қанчалик қизғин кураши орқали амалга ошаётганини ҳам бутун борлигина кўргандай бўлди. Шундан кейин Акбаров воқеаси қалбидан пайдо қилган совуқ туманни ёриб, илиқ бир истак ўса бошлиди.

У ўн саккиз ўшга кирганда партиявий ўшга қадам-қўйдим деб ич-ичидан суюнганди. Шундан бери партияга ариза бериш истаги қалбида яшарди. Аммо шундай улуғ бир партияга аъзо бўлиб киришини ўзи учун катта мукофот деб билар ва мукофотга арзирлик бир иш қилишни ўйларди. Революциядан олдин партияга кирган одам қамоқхоналар, муҳтожликлар хавфини бўйнига олиб киради, у вақтда партияга кириш бир қаҳрамонлик эди. Уруш вақтида кирганлар ҳам энг оғир фронтларда жонбозлик қилишни бўйнига олиб киради. Ҳозир ҳам ишлаб чиқаришда, колхозларда, бошқа кўп жойларда оғир участкалар йўқ эмас. «Лекин мен давлатдан стипендия олиб ўқиб, тайёр ётоқхонада туриб, ариза берсам нима оғирликни бўйнимга олган бўламан? Битиргандан кейин маъсулиятлироқ ўринга ишга кирай, ношум ёғлироқ бўлсин деб ариза берадиган мансабпастдан қандай фарқ қилишим мумкин?»

Ҳозир у яна шу саволга жавоб излар экан, жуда соғвижден, жуда катта ирода, жуда зўр куч талаб қиласидан қийин ва шарафли бир иш ҳамма жойда ҳам борлигини тушунди. Бу жамиятимизнинг ҳақиқат қонуниятини ҳар бир кишига нисбатан тўғри тадбиқ этиш, ҳар бир коллективда тўлиқ амалга ошириш эди. Бу ишнинг маркази эса партия ташкилотлари эканини ҳам у шу бугун билди. Ташқаридан болаларча қизиқиб қараш, «фалон мажлисда фалон масада кўрилибди» деган гаплар энди ундаги истак ва интилишларни қондира олмасди. Энг азиз ниятлари шу марказда натижалироқ амалга ошиши энди аниқ эди. Охири ҳамма ҳис-туйғулари, ўй-

хаёллари «ариза бериш керак» деган қарор ҳолига кирди-ю, у тинчиб, уйқуга кетганини сезмай қолди. Фақат тонг ёришиб, деразалар оқара бошлагани эсида.

## 30

Акбаровни мажлисдан касалхонага олиб кетишгани бир неча кун дув-дув гап бўлиб юрди, лекин Маҳкам кундалик ишлари ва партияга ўтиш тайёрлиги билан жуда банд эди, гап-сўзларга қулоқ ҳам солмади. Фақат бир кун Очилдан эшитганлари унга жуда ғалати туюлди.

— Жой дардидা ҳеч нарсадан тоймайди бу ноинсофлар,— деди Очил кечқурун ётоққа келиб.

Унинг Акбаровга куюниб шундай деяётганини сезган Маҳкам:

— Қандай жой? Ким?— деб сўради.

— Иш жойи, ёғлиқ ўрин — тушунмайсизми? Эшонбоев аспиратурани битиряпти, кафедрада вакант ўрин йўқ, борини Акбаров банд қилиб турибди, яна Ҳакимовнинг камчиликларини кўрсатяпти, икковига ҳам ҳалақит беряпти.

— Энди миш-мишларга мунча берилманг-да, Очил. Ҳар ҳолда анигини билмаймиз-ку.

— Қанақа, аниғи керак, мен ўзим эшитганман. Ҳакимовнинг жой тўғрисидаги «фалсафасини» ўз қулогим билан эшитганман. Бир кун деканатга жадвал кўргани кирсан Эшонбоевга гапириб турибди, мени кўрмади. Илгари ҳамма ёқ оғзини очиб ётар эди, дейди, наборни тўлдириш учун областларга одам юборилар эди, дейди, аспирантурага ҳам одам қидирар эдик, дейди, кафедралар диссертант ўқитувчига зор эди, дейди. Энди ҳаммаси аксинча эмиш. Жой топиш ҳозир студент учун ҳам энг биринчи масаламиш, аспирант учун ҳам, диссертант учун ҳам. Сизни аспирантурага олганимизда Ўзбекистон тарихи бўйича алоҳида кафедра очамиз деган эдик, дейди, лекин очилмади, дейди. Акбаров ярим ставкани сизга бермайди-да, бўлмаса, жон деб буйруқ чиқарар эдим, дейди. Ё берадими?— деб кулади тағин.

— Балки ҳазил қилиб айтгандир?

Очил истеҳзо билан кулиб:

— Э, сиз юрган экансиз,— деди,— балки Акбаров ҳам ҳазил қилиб касалхонада ётгандир?

Маҳкам ҳозир Очилнинг бир хусусиятига ҳавас қилиди. Очилнинг юрагида, туйғуларида компас магнитини эслатадиган бир хислат бор ва бу хислатга у компасга ишонган йўловчиидай ишонади. Магнит ўз атрофидаги нарсаларга лоқайд қололмагани каби Очил ҳам ҳеч кимга нисбатан лоқайд муносабатда бўла олмайди: у албатта кимгадир қизиқиб қарайди, кимнидир севади, кимнидир хушлайди, кимгадир ёрдам бергиси келади, кимдандир завқланади, кимнидир ёқтирумайди, кимдандир нафраланади, кимгадир қарши чиқади. Унинг бир нарсани аниқлаши, бир қарорга келиши шу ички магнитининг ёрдами билан Маҳкамдагига нисбатан хийла тез бўлади.

Худди шу кунлари ССР тарихи кафедрасида Эшонбоевнинг диссертациясидан икки боби муҳокамага қўйилган, ҳамма қизиқувчилар ҳам таклиф қилинган эди. Очил биринчи группадаги суҳбатлардан бирини Ленинга бағишиламоқчи эди. Эшонбоев «Туркистанда Совет ҳокимиятини ўрнатишда В. И. Лениннинг тарихий роли», деган мавзуда диссертация ёзаётганини билиб, унинг бобларини ўқиб кўргиси келди ва кафедрага борди.

Қўллёзмани олиб кетиш мумкин эмас эди. У лаборант қиз қаршисидаги бўш стол ёнига ўтириб ўқий бошлади.

Кейин у Акбаровнинг бу боблар тўғрисида салбий фикрда бўлганини Маҳкамдан эшитди-ю, «ҳа-а,— деди ўзича,— бир чеккаси шунинг учун ҳам унга ҳужум қилишган. Энди Акбаровсиз осонгина ўтказишмоқчи».

Очил муҳокамага астойдил тайёрлана бошлади. Лаборант қизнинг қаршисида узоқ-узоқ ўтириб қўллёзма ўқиди, кутубхонадан адабиётлар олиб келиб солишитириб кўрди. Шундай азиз бир мавзуда ёзилган илмий иш газета, журнallарда, китобларда чиққан ва ҳамма аллақачон биладиган фактлардан, фикрлардан ортиқ ҳеч нарса бермас эди. Очил бир-икки жойда келтирилган архив материалларини ҳам аввал қаердадир кўргандай бўлди ва қидириб-қидириб ўтган йилги журнал мақолаларидан топди. Эшонбоев бу материалларни ўзи қидириб топгандай архив делоларининг номларини батафсил келтирганди, шунда ҳам бир-иккита рақамни журналдан ноаниқ кўчиргани билиниб қолганди.

Энди Очил муҳокамада албатта гапирмоқчи бўлди ва кафедрага эртароқ борди.

Деворлари кўргазмали материаллар билан бёзатилган шинамгина хонанинг ҳар иккала деразаси очиқ,

одамлар ёзлик оқ кийимларда. Оқ шойи кўйлак, оқ шо-  
йи шим кийган, оқ камар таққан, юзи ҳаяжондан қизар-  
ган Эшонбоев ҳаммага тўйдаги куёвдай мулоим ва бир  
оз уятчан муомала қиласди. Кафедра мудири бўлган Зу-  
фар Ҳакимович, оқ туфлини оёғини дераза томонга чў-  
зиб, қатланган рўмолчаси билан эринибгина елпинарди.  
Унинг ёнида калта енгли сариқ тенинска кийган, ёши  
ўттиз бешларда бўлса ҳам, гавдаси жуда тўлишиб, сочи  
сийраклашиб қолган доцент Бондарев. Берироқда кафед-  
ранинг яна бир доценти, икки старший ўқитувчи, бир ас-  
пирант, беш-тўртта юқори курс студентлари ва Очил ўти-  
пар эди. Мана, профессор Аким Борисович Задорин ҳам  
келди, ҳамма билан қуюқ сўрашиб, садаф сопли қўл  
таёгини дераза токчасига сяб қўйди ва ўша томонга  
стул суриб ўтирди.

Шундан кейин Зуфар Ҳакимов ўрнида турниб, қўл-  
ларининг учини стол устига тираган ҳолда кафедра кен-  
гашини очди. Эшонбоев тез ўсиб келаётган кадрлардан  
эканини, анча пишиқ илмий иш ёзганини айтди-да, му-  
ҳокамага докладчи қилиб тайинланган декан муовини  
Муслимовга сўз берди.

Ўзи озгин, кўзлари жавдираб турадиган Мўмин Мус-  
лимов Ҳакимовдан қўрқадиган, конфликтлардан мумкин  
қадар узоқ юрадиган беозор киши, Очил буни билади.  
Айтидан, Муслимов докладчи бўлишни истамаган, лекин  
Ҳакимов айтгандан кейин йўқ дея олмаган. Энди ҳар  
гапида бир тутилар, қиррали нарса учиб қолса, у ёқ-бу  
ёғидан сийпалаб ўтарди. Эшонбоевнинг жуда шарафли  
мавзуда илмий иш олиб бораётганини, ўта масъулиятли  
тариҳий воқеаларга мурожаат қилганини мақтарди. Ун-  
дан кейин сўзлаган бир-икки киши ҳам ишнинг ўзи тўғ-  
рисида эмас, мана шу ўта шарафли мавзу тўғрисида га-  
пирди. Қамчилик кўрсатиш керак бўлиб қолса, «фалон  
жумла фалондай тузилса тўғрироқ бўлармиди», «фалон  
қисми фалондай фактлар билан тўлдирилса қалай бў-  
ларкин?» дейишиди. Шу тарзда бобларнинг яхшилигига  
ишонса бўладиган даражада гапирилгандан кейин, Ҳа-  
кимов стол тортмасида қўлда ёзилган икки варақ ёзув  
чиқарди.

— Мана бу ерда бир киши ўқиб беришни талаб қи-  
либ юборган (Ҳакимов «талаб» сўзини истеҳзоли айтди)  
тақриз ҳам бор. Яъни, ҳаммага маълум Акбаров. Мен  
бошдан-оёқ ўқиб вақтларингизни олиб ўтирмайман. Ху-

лосасини ўқий қоламан... «Хуллас, муҳокамага тақдим этилган боблар жуда паст назарий савия билан ёзилган, янги илмий фикрлар, янги фактлар билан суғорилмаган» ва ҳоказо. Бу холосанинг асоссиз эканини бу ерда гапирган ўртоқлар исботлаб берди. Беғараз эмаслиги эса,— деб у Акбаровнинг шахсий иши кўрилганига ишора қилди,— ўз-ўзидан сезилиб турибди.

Ў кунги партия мажлисига бетоб бўлиб қатнаша олмаган Аким Борисович тақризнинг қачон ёзилганини сўради. Ёзувда Акбаров касалхонага кетмасдан олдинги число туарар эди.

— Лекин истаган чисолосини қўйиб юборавериши мумкин эди,— деди Зуфар Ҳакимович бунга ишонмай.— Ҳар ҳолда биз ўтган куни олдик.

— Талаб қилган бўлса,— деди Аким Борисович,— ҳаммасини эшитсанк бўлар эди. Афсуски мен ўзбек тилини билмаганим учун бобларни ўқиёлмадим. Лекин бу мавзунинг мутахассиси бўлган доцент Акбаров касал ҳолига қарамай тақриз юборган бўлса... ўзи кўп ҳам эмас шекилли.

Зуфар Ҳакимович йўқ деёлмади ва ўқиш учун доцент Бондаревга берди. Одатда жуда ифодали ўқийдиган Виталий Александрович ҳозир ўз гапига ишонмай гапираётган кишиндек овози тушшиб, истар-истамас ўқий бошлади. Лекин кўпчилик эътибор билан тингларди.

Акбаров ҳам мавзунинг олижаноблиги, юксаклиги, янгилиги ҳақида ёзган, бу ўзига яраша инсоний олижаноблик, назарий юксаклик, илмий теранлик талаб қилишини айтганди. Сўнг Эшонбоев бу талабларга жавоб бера олмаганига далиллар келтирган эди. Очил бобларни ўқиётганида сезган, лекин аниқ жумла ва умумлашма ҳолига келтира олмаган фикрларни Акбаровнинг тақризидан топди. Эшонбоев тарихда шахснинг роли ҳақида ги марксча-ленинча назарияни ўз мавзуига тадбиқ этолмаган. Ленин Туркистондаги меҳнаткашлар оммасининг революцияга келишига тўсқинлик қилган қийинчиликларни минглаб кілометр наридан бехато кўра олган, бу қийинчиликларни бартараф қилиш учун унуглиларни ёрдамлар уюштирган, диссертант эса буни очиб бермаган. Туркистонда Совет ҳокимияти қандай зўр қийинчиликларни енгиш йўли билан ўрнатилганини кўрсатмай тарихий тараққиётни зафар маршига ўхшатиб таърифлаган. Илмий асар эмас, юбилейларда қилинадиган тантанали

доклад ёзган. Иши фанга осон йўллар билан «корқа эшикдан» кирадиган кишиларнинг ишига ўхшаб қолган.

«Тўғри, ҳаммаси тўғри», деди Очил ичидаги Виталий Александрович ўқиб бўлгандан кейин орага тушган қисқа жимликада Очил қўл кўтариб:

— Мумкинми? — деди.

Бунаقا салобатли муҳокамаларга қизиқиб келадиган ва тортиниб-писиб ўтирадиган студентлар жуда камдан-кам сўзга чиқишарди. Сўзга чиққанлари ҳам асосан яхши таассуротларини гапиравар, ҳамма буни табиий деб билар эди. Шунинг учун бирдан Эшонбоев ёзган нарсаларни ишонарли далиллар билан танқид қила бошлаган Очилнинг нутқи кўпларга ғайритабии туюлди. У кичкина блокнотини дам очиб, дам ёпиб, қўлинни гоҳ чўнтағига солиб, гоҳ итоатсиз соchlарини орқага сурив, кўпроқ Аким Борисовичга ва Муслимовга мурожаат этиб гапираварди. Бобларни аввал нима мақсад билан ўқиганидан тортиб, Акбаровнинг тақризидан қандай таъсиrlанганигача ҳам таассуротларини дангал ҳикоя қиласарди. Муслимов ундан кўзини олиб қочар, Аким Борисович, аксинча, кўз узмай қаради. Қип-қизил Эшонбоев истеҳзоли табассум қилмоқчи бўлар, лекин қилолмасди. Акбаровнинг тақризидан кейин бобларнинг яхшилигига шубҳалана бошлаган холис эшитувчилар энди Очилга ишониб, ҳатто хиёл завқланиб қаради. Зуфар Ҳакимович раислик столидан буни пайқаган сари қовоғи солиниб, лаблари бир-бирига ботиб борарди. У Виталий Александровичга қаради ва Очилнинг овозини босиб кетадиган тўлиқ товуш билан:

— Гапирасизми? — деб сўради.

— Пожалуй<sup>1</sup>, — деди Виталий Александрович ҳам тўлиқ овоз билан.

Ҳали Очилнинг сўзи тамом бўлмасдан қилингандан бу савол-жавоб уни эътиборга сазовор бўлмаган маҳмадона қилиб кўрсатиши керак эди.

Очил сўзини тамом қиласар-қилмас Виталий Александрович сўзга чиқди. У Самадовнинг гапларини эшитиб, Чумичкиннинг яқиндаги «маҳмадона» лигини эслаганини, ёшларнинг бир қисми ўзидан катта ўртоқларининг йиллар давомида қилган ишларини бирпаста йўққа чиқа-

<sup>1</sup> «Гапирам дейман» маъносидаги.

ришдан уялмаслиги унга тушуниб бўлмас бир жумбоқ эканини айтди.

— Лекин жумбоқни ечиш мумкин,— деди Зуфар Ҳакимович.

— Ҳа, факультетимизнинг энг яхши аспиранти ёзган салмоқли илмий ишни Самадов ҳам Акбаровга ўхшаб албатта уриб яксон қилишини истаётиди. Бу тасодифий бўлмаса керак. Алоҳида камчиликлари ҳақида гапириш мумкиндир, ишловини меъёрига етказиш ҳақида гапириш мумкиндир. Лекин ҳаммамиз ҳар қандай йўл билан ёрдам беришимиз керак бўлган ёш илмий ходимнинг биринчи ишини бундай яксон қилиш — бу энди, мен ҳатто қандай баҳо беришимни ҳам билмайман,— танқидбозлик, субъективизм, нима десангиз денг, фақат беғараз танқид эмас.

Зуфар Ҳакимович ўз нутқида бу фикрларни янада тараққий этдириб, янада чуқурлаштириб, Очилни жуда шошириб қўйди. Ҳали бундай катта одамлардан бунчалик қаттиқ гап эшитмаган Очил ўзини қандай мудофаа қилишини билмас, энди Аким Борисовичга қарашга ҳам ботинолмас эди.

Аким Борисович бу гапларни эшитгандан кейин бобларни ўқиши имконияти йўқлигидан яна бир марта афсусланди ва Ҳакимовдан сўради:

— Ҳозир бўлмаса ҳам кейин, диссертация тўлиқ муҳокамага қўйилганда, русчага таржима қилдириб бўлмасмикан?

— Афсуски, бунақа мақсадлар учун пул йўқ,— деди Зуфар Ҳакимович.

— Ректоратдан сўраб бўлмасмикан? Ҳар ҳолда диссертациянинг тақдири учун ҳамма кафедра аъзолари жавоб бериши керак, лекин тилни ҳамма билмайди. Мен Виталий Александровичга ҳавас қиласман, тилни билмаса ҳам, мана бугун шунча гапирди. Лекин менда ўқимасдан гапиришга истеъдод йўқ.

Пичингни сезган Виталий Александрович:

— Ну, Аким Борисович,— деди,— ўқимаган бўлсан ҳам авторини яхши биламан-да. Кўп гаплашганимиз.

— Ҳар ҳолда мен қўллэзма билан гаплашишни афзал кўрардим.

— Хўп, Аким Борисович, ректоратдан сўраб кўрамиз. Хўп. Бошқа ҳеч кимда сўз йўқми?.. Бўлмаса охирги сўз диссертантга.

Аким Борисович гапирган пайтда Очил ўзини сал енгил ҳис қилган эди. Бондарев ва Ҳакимов айтган раз ҳақидаги фикрни Эшонбоев «қасд қилганни паст қиласиз», деган маъногача давом этдиригандан кейин у қизишиб, терга ботиб кетди. Бугунги танқиди учун қачондир бир вақт Эшонбоев, Ҳакимов ўч олиши тушунарли эди. Аммо Очилни бундан ҳам ортиқ қийнаётган нарса ҳозир шунча одамнинг олдида ўзининг беғаразлигини исбот қилиб бера олмаслиги эди.

## 31

Орадан бир неча кун ўтгандан кейин коридорда ёзги имтиҳон ва зачетлар жадвали пайдо бўлди. У деворнинг икки метрча жойини эгаллаганди ва дастлабки кунлари олдидан одам узилмасди. Маҳкам Очил билан жадвал олдидан ўтар экан:

— Кўрдингизми? — деди.

— Ҳа, ёзиб ҳам олдим.

— Лекин ҳеч тайёрлигингиз кўринмайди. Қачон қарасам ё шеър ёзаётган бўласиз, ё Эшонбоевни танқид қиласман деб юрасиз, ё ўзингиз танқид еб чиқиб, аламига роман ўқийсиз.

— Тўғри айтасиз, жўра, энди қаттиқ ўтирумасам бўлмайди. Сиз бораверинг, жадвални мен яна бир кўрай. Ҳозир ҳеч ким йўқ экан.

— Юринг, менинг ҳам қараб ўтадиган жойим бор, — деди Маҳкам.

Жадвал биринчи курсдан бошланиб, ўнгда, тўртинчи курс билан тамом бўларди. Очил Маҳкамни «ўзимизнинг курсникига қарап», деб ўнг томонга йўл берди-да, ўзи чапда қолиб, биринчи курсникини ёдлаб олмоқчи бўлди. Лекин Маҳкам ҳам наридан туриб биринчи курсникига томон бўйин чўзиб келарди. Қўққисдан иккови бир-бирига бошини уриб олди.

— Э, жўра, бизнинг курсники нариги четида.

— Сиз нега бу ёқдан жилмайсиз бўлмаса?

Иккови бир-бирига қараб кулиб юборди.

— Яширинг-э! — деди Маҳкам.

— Яширинг, деб ўзингизга айтинг!

— Ўзимми? Мана, мен Гавҳарнинг имтиҳонларини ёзиб олмоқчиман, — деб Маҳкам авторучкасини оча бошлиди.

— Мен агитатор сифатида биринчи группага тааллуқли жойини,— деди Очил, пойнакли қаламини коломенка шимининг чўнтағидан чиқариб.

— Оҳ-ҳў! Бу бечораларнинг шўри бор-ку,— деди Маҳкам,— олтида имтиҳону бешта зачет-а.

— Дадам шу. Ўртоқ Ҳакимов ҳаммасини ёзга йиғиб юрадилар. Кун исиб мия ачийдиган вақтга. Қишида шуларнинг имтиҳони битта эди. Сессия-сессия, деб қўрқишишади, сессияси ҳеч гап әмас экан-ку, деб дўппини яримта қилиб юришувди. Мана энди кўради.

— Юринг, Очил, ўқув залига бориб бирпас Бегимовни ўқийлик (улар кўп фанларни ўқитувчининг номи билан атаб ўрганган эдилар).

— Ўқув залингизга ҳозир ё терлаш учун бориш керак, ё ухлаш учун.

— Рост, кун исиб кетди, юринг, паркка борамиз бўлмаса.

— Соатингизга қаранг-чи? Мен олтида у ёққа боришм керак.

— Қаёққа? Ҳа.

Маҳкам қаёққалигини яхши биларди. Улар кеча бешолти киши бўлиб Акбаровни кўргани боришган, хайрлашиб чиқаётгандарида Темир Акбарович Очилни тўхтатиб: «Шеърларингизни олиб келинг, бир кўрайлик» деган ва бугун соат олтини айтган эди.

— Ҳали уч,— деди Маҳкам.— Бегимовдан хийла ўқиши мумкин. Юринг.

Парк кечаси ясанг-тусанг одамлар, ранг-баранг чироқлар, хилма-хил ажойиботлар билан тўлиб жуда катта кўринар экан шекилли, кундузи офтобда алланечук кичрайиб қолганга ўхшарди. Қуёш қиздираётган аллеялар бўш, скамейкаларнинг оқ қовурғаси офтобда ялтиллайди. Ишчилар узун резинка ичакни у ёқдан-бу ёққа судраб, чанқаб қолган гулларга, чанг ўтира бошлиган дарахт баргларига сув сепишарди. Ичак билан водопровод уланган жойдан кумуш симдай ингичка фонтанча гажжак бўлиб отилиб турар, иккита митти қизча унга қўлини тутиб ўйнарди.

— Кечака мен кечгача шу ерда ўтирган эдим,— деди Очил.— Ҳу ана у липанинг тагида салқин бир скамейка бор.

— Тарихшуносликни ўқиганмидингиз? Сув қилиб ингандирсиз бўлмаса.

— Ўқишига олиб чиққан эдим. Лекин ўзим сув бўлиб оқдим.

Четларида пастак яшил акация буталари ўсган скамейкага бориб ўтиридалар. Очил дафтарининг қатидан тўрт букланган оқ тахта қоғоз олди. Бу майдалаб ёзишган шеър эди.

— Бари бир дафтарда қоладиган нарса. Мана кўринг.

\* \* \*

Ҳаво соф, боғ кўм-кўк, баргларда шудринг,  
Беҳад гўзал эди баҳор эртаси.  
Шу тонгдай гўзал қиз истаган шеърга  
Кўпдан топилмасди мос сарлавҳаси.

Сарлавҳа қидириб қалбимга боқсам  
Ялтилаб кўринар ўтли бир ният.  
Ниятки, ҳаётим ва ёшлигимни  
Сарфласам ҳам майли, эришсам фақат!

Дедингиз севаман адабиётни,  
Билинг: адабиёт — танлаган йўлим.  
Шу йўлда топишсам севаман мангур.  
Шу йўлда тортинимай сўзлайди дилим.

Қўнгилда бор туйғуларимни  
Сизнинг ақлингиз-ла ўлчасам,  
Меҳр тўла кўзларингизда  
Муҳаббат рамзини кўрсам.

Интилиш бир, мақсад бир бўлса,  
Истаганим сиз бўп чиқсангиз.  
Сиз ҳам аста «Бахтлиман» дея,  
Кўзларимга кулиб боқсангиз.

Ҳаво соф, кўм-кўк, баргларда шудринг,  
Беҳад гўзал эди баҳор эртаси.  
Шу тонгдай гўзал қиз истаган шеърга  
Сарлавҳа топилди — сарлавҳа ўзи!

Маҳкам Очилнинг руҳий азобларини билгани учунми,  
ё шеър кучли таъсир қилдими, кўзи ёниб гапирди:

— Жуда яхши-ку. Беринг, эгасига буюрсин.

Очил маъюс жилмайиб, бош чайқади.

— Нега ахир? Узи истаган бўлса...

Очил бир шода акация баргини бир-бирига қўйиб таҳлашга ҳаракат қилас ва жилмайиб, бош чайқарди. Фақат энди у Маҳкамнинг ижод фантазиясига тушунмаганидан жилмаярди. Замира унга «адабиётни севаман» ҳам демаган, қанақа шеър исташини ҳам айтмаган, ҳам масини Очилнинг ўзи ўйлаб чиқарган эди. У ҳаётида эриша олмаган баъзи нарсаларга хаёлида, тасаввурнида эришарди ва бу ҳар ҳолда йўқдан кўра дуруст эди.

— Нега бермайсиз? — таажжубланди Маҳкам.

— Одам одамга юрагидан азизроқ нарса беролмайди-а? Мен шуни берсам юрагимни берган бўламан. У эса — ҳеч нарса. Бир томонлама. Битта ёғоч уй бўлмайди.

— Ҳали ҳам илгариғидаймисизлар? Мен бу суҳбатлар ораларингни яқинлаштиргандир, деб ўйлаган эдим.

Ҳа, Очил ҳам аввал суҳбатлардан шундай бир натижга кутган эди. Замира гапга аралашмай ўз жойида жим ўтириб қулоқ солган пайтларида умиди амалга ошаётгандай бўларди. У асли жуда бардошлиқ қиз эканми, ёки фақат Очил борида шундай бўладими — ўтирган жойида безовталаниш, ўринсиз ҳаракатлар қилиш одати сира ҳам йўқ эди. Гўё у Очилнинг суҳбатига берилиб, лекциялардан чарчаб чиққанини ҳам, ўша қаттиқ стулда олти соат ўтирганини ҳам унутар эди. Очил ҳар замонда унинг юзига, кўзларига назар ташлаб, ўзига аталган бир эътибор, бир меҳр, бир завқ топгандай бўлар ва юраги баҳтга тўлиб кетарди. У ўтказаётган суҳбатнинг бурилишлари, гоҳ алангаланиб, гоҳ пасайиши, гоҳ қийин бир аҳволда тўхташи Замиранинг кўзларида узлуксиз акс этар, бу ҳам ундаги яширин меҳрнинг нишонасига ўхшарди. Лекин Замира гапирса, мунозарали масала бўйича ўз фикрини айтса ёки савол берса жим ўтирганида Очилга кўринган нарсалар гўё қаёққалир йўқоларди. Аудиторияда ўтирган бошқа ҳамма студентлар Очилга қандай муомалада бўлса, у ҳам шундай муомалада бўлаётгани билинарди.

Кейинги бир суҳбатда болалар Очилдан шеър ўқиб беришини сўраб қолишиди. У аввал Гейнедан рус тилида битта лирик шеър айтди, сўнг «ўзингизникидан», деб қўйишмагандан кейин таваккал қилиб «Гўзал ўткинчи»ни ўқиб берди. Бениҳоя кучли туйғу билан жуда таъсир-

ли ўқиди ва шунда яна Замирага қараб унинг қип-қизарib кетганини кўрди.

Аудитория бу шеърни Очил аввал истагандай тушуни. Яъни Очил билан Замира барг ва ёмғир томчиси сингари бир-бирига ҳамроҳ бўлолмабди, деган маънода тушунди. Илгари Очилда бир оз тама бор, деб ўйлаганлар ҳам энди уни, «куйганлардан экан, тақдирига тан берган мард йигит экан», деб аввалгидан ортиқроқ ҳурмат қиласиган бўлди. Шу билан бирга Очил ва Замира бир-бирига ҳамроҳ эмаслиги ҳақидаги фикр гўё ҳақиқатга айланди. Ҳамма томонидан тан олинди ва шубҳасиз факт қаторига киритилди. Энди Очил Замирадан умидини чинакам узиши керак эди — бўлмаса шеъри ёлғон чиқар ва шунча одамни алдаган бўларди. Аммо умидини уза олмасди.

Энди у илгаригидай Замира билан «дўстлашиш» ҳақида гапиришга тили бормасди. Шу тўғрида тортишган пайтларига нисбатан бу орқага кетиш эди. У Маҳкамга ҳозир маъюсланиб айтган гапларнинг сабаби ҳам шу эди.

Лекин Маҳкам унга жуда ғалати бир нарсани айтиб қолди.

— Гавҳар бир кун айтиб берувди,— деди,— гап ташиган бўлмайин, деб сизга айтмаган эдим. Анча бўлди. Гавҳар, унга ҳам қийин дейди. Бир кун ичи тўлиб юрган экан дейди, аудиторияда йиғлаб олди дейди. Йигитлар хафа қилдими деса, мен йигитларни хафа қилдим-ку, дермиш. Сизни тилга олса ранги ўзгариб кетган эмиш.

— Нимага?

— Ким билади?

Очил қийналиб йиғлаётган Замирани кўз олдига келтирди-ю, тупугини қилт этиб ютди. Сўнг:

— Соат неча?— деди.

Маҳкам унга тушунган маънода кулимсираб:

— Олтига ҳали анча бор,— деди.

— Ҳа, олтида у ёққа бормоқчи эдим-ку. Хўп, кетдик.

Улар ҳозирги Шарқ тарихи китобини навбатма-навбат ўқиб ва эшитиб ўтирганларида Очилнинг кўз олдига дам-бадам эзилиб йиғлаётган Замира келар, бунинг учун у ўзини гуноҳкордай ҳис қилас, дарҳол бориб, қўлидан келган ёрдамини бериш истаги билан ёнарди. Илгари у Замираларнинг ётоғига боришни

хаёлига яқинлаштирмас, «чақирилмаган мәҳмон» бўлишдан қўрқар эди. Энди эса: «Акбаровникига қизлар ётоги олдидан ўтиб кетилади-ку,— деб ўйланарди,— балки ёрдамимга муҳтождир? Бир мунут кириб, аҳвол сўраб ўтсаммикин?»

Шу ният билан китоб-дафтарларини Маҳкамда қолдириб, паркдан эртароқ чиқди. Юраги гурс-гурс уриб қизлар ётогининг зинапоясидан иккинчи этажга чиқаётганда Замиралар турган хона томондан қизларнинг қий-чувни ва кулгиси эшитилди. Зинапоя тамом бўлган жойдан узун коридор ўтар эди. Қий-чув шу коридорга чиқди ва изма-из чопиб келаётган икки қиз кўринди. Очил зинапоя қанотига қўлини қўйиб тўхтади. Олдинда Анна—чит сарафанинг этагига сув сачраган. Орқадан қувлаб келаётган Замиранинг енгиз халати шалаббо ҳўл, қўлида ярим графин сув, лунжи шишган. Анна ундан анча нарида тўхтаб, ўйинчоқ ўйната бошлиди: кичкина сариқ эшикча магнит билан оғзини карракдай очиб-ёпар эди. Замира буни кўриб сувини пуркаб юборди. Иккови ҳам кула-кула яна қувлашиб кетишиди. Очилни кўришмади ҳам.

«Салқинлаб юришибди, роҳат қилиб»,— деди Очил ичидан секин орқасига қайтиб, Акбаровларникига кетди.

## 32

Икки деразали хонанинг ўртасида ҳаво ранг дастурхон ёпилган юмaloқ стол, уч-тўртта стул. Бир томонда ойнабанд китоб шкафи, иккинчи томонда пастак, ихчам диван, бурчакда радиоприёмник. Унинг бир қулоғига кичкина қўл соат кумуш браслети билан осиб қўйилган. Тўрда ҳам эшик бор— Темир Акбарович ҳозир ўша эшикдан ичкарига кириб кетди.

Очил орқа томонига қараб, ажойиб йигитнинг рамага солиб қўйилган портретини кўрди ва дурустроқ тикилиб Наримонни таниди. Бурни, қош чизиги, яна аллақаери отасиникига ўхшайди. Лекин Акбаров ҳам бир вақтлар ўғлидай юзи ажинсиз, қуюқ қора сочи пешонасига тушиб турадиган, ёноқлари, бўйни қуйма ва ихчам бўлганини тасаввур этиш қийин эди. Айниқса ҳозир касалликдан кейин Темир Акбаровичнинг ранги ўчиб, юзи алланечук салқи бўлиб қолганди. Сочи тўки-

либ кетган пешона устининг йилтираши қиёфасидаги кексалик белгиларини бўрттириб кўрсатарди. Мана, у йўл-йўл қўнғир вижамада ичкари хонадан бир қути «Казбек» олиб чиқди ва уни тирноғи билан қирқиб очар экан:

— Шундай қилиб, самарқандликмисиз? — деди.

— Самарқанднинг бир районидан: аслимиз қирқ уруғидан.

— Э, «жўқ» чиларданмисиз? Тилингиздан таниб бўлмайди. Чакинг,

Очил ўзига томон сурилган очиқ папирос қутисига қаради-ю, чеккиси келса ҳам уялиб:

— Раҳмат,— деди.— Тилимни Тошкент ўзгартириб юборди. Биринчи курсда сиз дарс бермадингиз-да, бўлмаса роса кулар эдингиз. «Ж» лардан қутулмоқчи бўлиб, «жуда» ни ҳам «юда» деб айттар эдим.

Темир Акбарович оғзидан папирос тутунини чиқарар экан, овозсиз кулиб деди:

— Кўп ажойиб ҳалқ шоирлари чиққан-а. Сиз ҳам дўмбири чертиб айтишни биларсиз?

— Сал-пал.

Очил ўтган куни ўртоқлари билан келганда Эшонбоевнинг боблари қандай муҳокама қилинганини Акбаровга сўзлаб бергиси келган, лекин айтолмаган, шахсий ишининг нима бўлишини сўрашга ҳам ботина олмаганди. Бугун келаётib албатта шу тўғрида гап очишга аҳд қилиб қўйганди. Аммо Темир Акбарович гапни бу соҳага яқин келтирмасди. У умуман ўзи тўғрисида жуда кам гапирадиган одам эди. Лекин Очил ҳам кўнглига туккан нарсаенин амалга оширмасдан қўймайдиган, гапнинг ўринли-ўринсиз бўлиши билан ҳисоблашмайдиган йигит эди. Ҳозир у кутилмаганда гапни дўмбирадан Эшонбоевнинг муҳокамасига бурди.

— Тақризингизни ўқиб беришди, мен ҳам чиқиб гапирдим.

Темир Акбарович ҳаяжонланганида қиласиган қўл ҳаракати билан қош устини силаб:

— А-ҳа,— деди.

Лекин ҳеч нарса сўрамади, гавдаси билан стол устига энгашди-ю, жим қолди. Шундай бўлса ҳам Очил муҳокаманинг қандай ўтганини ҳикоя қилиб берди ва охирида Акбаровнинг ноҳақ жабр кўраётганига ишора қилиб:

— Наҳотки, бу ҳаммаси шундай қолаверса?—деди.

— Ҳа...—Акбаров бу сўзнинг охирини кучанишга яқин бир товуш билан айтиб, бошқа нарса дейишдан ўзини тутди.

У тузалгандан кейин туғилган юртига бормоқчи, отаси тўғрисида топиш мумкин бўлган ҳамма ҳужжатларни топиб келмоқчи, ўқиган лекцияларини ўрганиш учун партком томонидан комиссия тузилишини сўрамоқчи эди. Лекин буни Очил тушуниши учун мажлисда нима бўлганини билниши керак эди. Акбаров эса ҳозир бунақа нарсаларни гапириб бера олмасди. Умуман у студентларни бунақа чигалликларга аралаштиришни истамасди. «Ёшларнинг хато қилиши осон,— дерди у ўзича,— Ҳакимов эса ёмон кўрган одамнинг хато қилишини пойлайди. Очилга ўхшаганлар сал хато қилса уриб майиб қилиши ҳеч гап эмас».

Очил ёрдамга келиш, Акбаров буюрган ишни қилиш истаги билан ёниб жавоб кутарди. Темир Акбарович унга миннатдор кўзлари билан қаради-ю, лекин:

— Сиз ўзингизни ўтга-сувга уриб, ўқишини унутиб қўймаслигиниз керак,— деди.— Бу ёқда шеър ёзиши касбингиз бор экан. Хўп, қани, эшитамизми?

Очил «гапим ўринисиз бўлди шекилли», деб бир оз уялиб, бир оз ранжиб шимининг чўнтағидан қора жилди қалингина дафтарча олди ва стол устига қўйди. У бир марта редакцияга борганда дафтарчасини қўлидан олиб ўзлари ўқишиган, кейин фикр айтишганди. Лекин Темир Акбарович узоқ эшитишга чоғланиб креслосига чуқурроқ ўтириди.

— Шеърини эшитган дуруст-да,— деди.

— Хўп. Фақат қайси бўлимидан ўқишини...

— Бўлимлари ҳам борми?

Ўн тўрт ёшидан бери шеър машқ қилиб юрган Очил «бу соҳада стажим катта» деб ўйлар, устига «Танланга'и шеърлар», деб ёзилган шу дафтарчасига бирор киши баланддан қараса, у ўзини янада баландроқ тутишга ҳаракат қиласди. Ҳозир Темир Акбарович унинг шу нозик жойига сал тегиб кетди.

— Тўртта бўлими бор,— деди Очил дона-дона қилиб ва салмоқ билан тушунтира бошлади:— биринчи— ишчилар синфиға бағишлиланган, иккинчи бўлим— колхозчиларга, кейин — интеллигенция ҳақида. Тўртинчи бўлим— бошқа ҳар хил темаларда.

— Бўлмаса аввал ҳар бўлимдан битта-битта ўқинг.  
Ўзининг энг яхши деб ҳисоблаганларингизни.

Очил анча вақт дафтарини у ёқдан-бу ёққа варақ-  
лаб, ниҳоят бир саҳифада тўхтади ва устидан силаб  
қўйиб деди:

— Биринчи бўлимдан, «Янги заводлар» деган шеър:

Нақадар қудратли, нақадар азиз,  
Ватанинг кўксига ўсар тўхтовсиз,  
Табиат ҳукмини енгар аёвсиз,  
Янги заводларнинг оқ корпушлари.

Иккинчи бандда завод трубалари осмон билан  
ўпишгани, учинчи бандда завод тайёрлаган машина-  
лар шамолдан тез юриши айтилганди. Ҳар банднинг  
бошида «Нақадар», ўртароғида «завод», охирида «тус-  
ларп», «барн», «сари» деган сўзлар учрар эди.

Темир Акбаровиҷ иягини кафтига қўйиб креслога  
чўкиб ўтирас, юзи ҳам, гавдаси ҳам ҳаракатсиз кўри-  
нар, шунинг учун қандай таассурот олаётганини би-  
либ бўлмасди. Фақат Очил ўқиб бўлганда «тушундим,  
давом эт» маъносидаги:

— Бу— ишчилар ҳақидагиси,— деди.

Овозига қараганда шеър ҳеч таъсир қилмаганга  
ўхшайди. Очил ўнғайсизланиб юзини ишқади ва йўтал-  
ди. «Колхоз ГЭС»и деган иккинчи бир шеърни ўқиётган-  
да товуши ўзига ҳам сўник эшитилди.

Бу шеърга ҳам Акбаров ҳеч нарса демади. Очил  
терлаб кетди ва:

— Янами?— деди.

— Ҳа, яна иккни бўлими борми?

Счил «тўрт бўлим» деганига энди пушаймон бўлди.

Акбаров индамай ўқитгани-ўқитган эди. Бу ерга ке-  
лаётгандаги бир-биридан яхши кўринган шеърлар энди  
Очилга кучсиз, ширасиз туюла бошлади, уларни ўқиши  
эса қийноққа айланниб кетди. У Акбаров билан баҳсла-  
шиш ва шеърларни мудофаа қилишни истар эди. Ниҳо-  
ят, сабр косаси тўлиб кетди.

— Темир Акбаровиҷ, ҳаммаси эсингиизда қолар-  
микин?

— Эсада қоладигани учрармикин, деб ўтирибман.

Очилнинг оғзи қақраб, тили қийинлик билан айла-  
на бошлади.

— Шу ўқиганларимда учрамаган бўлса бу ёғида учраши қийин.

— Ҳаммаси шунақами? Бошқа дафтарда йўқми?

— Бўлгани шу,— деди Очил совуқ оҳангда.

Темир Акбарович креслодан кўтарилиб, стол устига энгашди ва «Қазбек» қопқоғини кўтариб Очилга таклиф қилди. Очил боя ибо қилиб чакмаган эди, энди чўнтағидан «Ракета» чиқарди-да, Акбаров билан бирга тутатди.

— Кечирасиз, Темир Акбарович, нимаси ёмон, нима етишмайди, билсак мумкинми?

— Одам етишмайди. Завод дейсиз — ишчилар йўқ, тарих дейсиз — тарихчилар йўқ. Кимсасиз шеърлар. Ваҳоланки, завод ҳам одам билан тирик. ГЭС ҳам, Шеър ҳам.

Энди бу ўз-ўзидан маълум-ку, завод ишлайти десангиз, ишчилар ишлайти деган бўласиз.

— Ўз-ўзидан маълум нарса ҳақида шеър ёзиш нима керак? Яна бир марта маълум қилиш шарт бўлса икки энлик газета хабарида айтиш ҳам мумкин-ку!

— Ие, ахир газета хабари янги заводлар темасини поэзияга олиб киролмайди-да.

— Бўлмаса мана бунақа шеър олиб кирадими? Мана шу уйга ё эшик орқали кирасиз, ё дераза орқали, шундайми? Адабиётнинг эшиги ҳам, деразаси ҳам одам. Унга нима кирса фақат одам орқали киради. Одамнинг қалби, кечинмалари, ҳис-туйғулари орқали киради. Газета хабарида шу йўқ. Лекин хабарнинг шуниси афзалки, поэзиянинг эшигини очаман, деб чиранмайди, ўзига лойиқ ишини қилиб кетаверади.

— Кимсасиз, дейсиз, Темир Акбарович, тема шунақа бўлса нима қилай? Масалан, Ватан ҳақидаги шеърда ёки пейзажда конкрет одам бўлиши шарт эмас-ку?

— Лебедев-Кумачнинг Ватан ҳақидаги шеърида одам йўқми? Бор, ватанпарвар одам бор, ўшанинг юрак ҳарорати кишига жизиллаб тегади. Пейзаж ҳам шу.

— Шошманг бўлмаса,— деди Очил, дафтарчасини яна чўнтағидан олиб.— Одам образи орқали очилган темалардан ўқишим ҳам мумкин. Бундай дейишингизни билганимда аввалгиларини ўқимас эдим. Мана, «Пайвандчи Нодира» деган шеър: «Ястаниб ётади дарё бўйида, азamat қурилиш, ўти ялтиллаб».

Шеърда Нодира пайвандчиллик касбини эгаллаб яхши қилгани ва ҳамманинг ҳурматига сазовор бўлгани айтилган, охирида яна биринчи тўртлик такрорланган эди. «Универсалчи йигит» ҳам, «Пиллачи Тўти хола» ҳам шу хилда ёзилганди. Очил уларни ўқиб берди-ю, Акбаровга «Энди қалай?» дегандай қаради. Лекин Акбаров ҳамон осойишта ва хомуш эди. У папирос олиб, қути устига тўнтариб қоқар экан:

— Манекен деган нарсани биласиз-а? — деди.

— Манекен?.. Маникюрга алоқаси йўқми?

— Бўлса керак. Универмагларнинг витринасида турган ёғоч одамлар. Мумкин қадар бўяб, чиройли қилиб қўйишишади. Хизмати шуки, устига кийгизилган кийимни тарғиб қиласди. Сиз ҳам шунаقا манекен ясадисиз-ку, айтмоқчи бўлган фикрингизни шунчакни устига кийгизиб тарғиб қиласиз.

Агар бу гап шундай осойишта, шундай жўн айтилмаганда Очил уришиб кетар эди. У дафтарини чўнтағига асабий тиқиб, лаблари пирпираб ўрнидан турар экан.

— Кечирасиз бўлмаса,— деди.— Мен бекорга вақтингизни олибман.

Лекин Темир Акбарович уни шу аҳволда чиқариб юборишни истамас эди. Очил билмас эдики, у қанчалик яхши кўрса, шунчалик аёвсиз муомала қиласди.

— Ўтилинг-ўтилинг,— деб у Очилни қайтариб ўтқазди.— Бу, хотин қаёқقا кетди экан? Чой-пой ҳам йўқ. Қани, мен бир ичкарини кўрай.

У ичкариги хонадан иккита пиёла билан яшил термос кўтариб чиқди.

Стол тортмасидан бир ликопча сояки майиз олди.

— Кўк чой бор экан. Қани, слинг. Менинг нега бундай деганимни тушунгандирисиз?

Очил индамас, лекин аччиғлангани босиб-босиб чой ҳўплашидан ҳам билиниб турарди.

— Мавзуи яхши деб мақтамаганимга хафа бўлдингизми? — деди Акбаров.— Бошқалар аввал мавзун яхши, ундей-мундай, деб силаб-сийпаб, кейин камчилик кўрсатган бўлса керак-да, а? Мана шунаقا силаб-сийпаш ёшлиқда кишини қанчалик алдайди, ҳақиқий шеър билан қалбаки шеърни фарқ қилишда қанчалик чигаллик чиқаради, биласизми? Билмайсиз-да. Мен бир оз билганим учун айтияпман.

Темир Акбарович бу сўзларни шундай бир ички дард билан айтди, Очил беихтиёр «қаёқдан биласиз?» деган маънода унга тикилиб қолди. Лекин Темир Акбарович оғрийдиган жойига бир нарса тегиб кетишидан қўрққандай эҳтиёт билан саволни четлаб ўтди:

— Нима ҳақда ёзиш ҳам жуда муҳим масала,— давом этди у.— Лекин... мана шу тюль,— деб у деразаларга тутилган нафис гулли оппоқ тўрни кўрсатди.— Мана шу чиройли тўр аъло навли пахтадан тўқилган. Худди шу пахтадан бўз тўқиши ҳам мумкин, вақтида тўқиганлар ҳам. Энг аъло навли пахтадан тўқилган энг сифатсиз бўзни кўрсангиз нима дейсиз? Шу пахта шундай ажойиб тўр бўлиши мумкинлигини билсангиз нима деяр эдингиэ? Бўз кўримсиз бўлса ҳам пахтаси яхши, деб мақтармидингиз? Ё шундай пахта шу бўзга ҳайф бўлибди, деб ичингиз ачирмиди? Нега энг яхши мавзудаги энг кучсиз шеърга шундай демайсиз? Лекин Горький айтар эди, яхши мавзуни ҳайф қилганларга Горький жуда қаттиқ гапиради.

Очил бўш пиёлани қўлида айлантириб, бурни терлаб ўтирас, энди уялганидан Акбаровга қарай олмас эди.

— Мен мана шу томонини ўйлаб айтяпманки, агар ҳамма ёзганларингиз шу дафтарчада бўлса... Қани, пиёлани тутинг чой қуяй.

Очил пиёлани тутаётганда Темир Акбарович унинг анча ўзгариб қолганини сезди.

— Ё бошқа жойда ҳам борми? Бўлса тортинманг, тортинаидиган жой эмас.

— Энди... бори ҳам шахсий-да.

— Шахсий?

— Яъни интимний...

Темир Акбарович тушунган маънода қошларини баланд кўтариб деди:

— Ҳа, ҳа, ҳеч кимга кўреатиб бўлмайдиганими? Ё бирортасини кўрсатасизми?

— Кўрсатсам бўлар эди, лекин ёнимда йўқ.

— Ёддан биларсиз?

Очил чиндан ҳам «Интим» шеърларининг ҳаммасини ёддан биларди.

— Бўлмаса...— деди ёлғон гапиргиси келмай.— Утган янги йилни биз ётоқда кутгай эдик, ҳаммамиз йигитлар эдик. Биласиз, бизнинг группада қизлар кам.

Гап бунда эмас-ку, энди шеърда шунақа бир жойи бор.

— Йўқ, тўғри, масалан, биз ўқиганда баъзи ўзбек группаларида битта ҳам қиз бўлмас эди. Сизларда ҳар ҳолда бор. Ҳозирги биринчи курсда кўп, кейин бориб яна кўпаяди. Хўп, гап бунда эмас.

— Ҳа шу... сарлавҳаси «Янги йилга»деган. Энди... айб қилмайсиз-да, бу шунақа ўртоқлар доирасида ўқиш учун ёзилган.

Очил деразага тикилиб, гапираётгандай жўн ва дона-дона қилиб аста ўқий бошлади:

### I

Юрак тўла орзу, келажак яқин,  
Янги йил, аввало, тинчлик бер.  
Меҳнатда чиниқиб ўсан ёшлармиз,  
Олгин эвазига тинч меҳнатдан тер.

### II

Ёш кўнгил шодликсиз ўса олмайди,  
Шодлиги йўқ ҳаёт — ёмғирсиз булут.  
Янги йил, биз сени шод кутиб олдик,  
Энди сен шодликдан гулдасталар тут!

### III

Дейдилар, ёлғиз от чанг чиқармайди.  
Чанг чиқарганда ҳам чиқаролмас донг.  
Янги йил, дўстлардан ажратма бизни,  
Дўстлар билан отсин ҳар қувончли тонг.

### IV

Янги йил, биз сендан сал уятлимиз,  
Ҳозир даврамизда қизларимиз йўқ.  
Япроқсиз гул бўлмас, севгисиз йигит —  
Севгимиз бор! Лекин севгилимиз йўқ.

Жўшқин қалбимизга жуфт келадиган,  
Бутун умримизга шерик ва сафдош,  
Ҳусндор, меҳрибон, ақлли бир қиз —  
Янги йил буни ҳам сендан кутамиз.

Очил Акбаровга «буни ҳам яксон қиласи» деб қўр-қиб-писиб қаради. Лекин Акбаровнинг юзига негадир қизиллик югурган, кўзи бир оз қисилиб кучли порлар, лабининг устини силаган бўлиб кулгисини кўрсатмасликка тиришар эди.

— Шу,— деди Очил.— Қофияси ҳам чўлоқроқ.

— Яна борми?

Очил бир оз иккиланди-ю, кейин:

— Бир ўртоғимнинг муваффақиятсиз севгисига аталган,— деб «Гўзал ўткинчи» билан «Ёмғирли тун» ни айтиб берди.

Очил шеърни айтаётганда уни ёзгандаги ҳисларини яна бир бошидан кечириб хийла қизишди ва аввал уялиб тилга олмаган нарсаларни ҳам чиқара бошлади.

Булардан бири бугун Маҳкамга ўқиб берилган сарлавҳасиз шеър эди.

Ҳаракатлари тезлашиб қолган ва хумори ортиб папирос тортаётган Темир Акбарович:

— Мана буларда одам бор,— деди.— Муҳаббат изҳор қилингани учун шахсий деб юрибсанми? Йўқ, шеър ёзиш ўзи муҳаббат изҳор қилишдай гап. Қизга муҳаббатни, дўстга муҳаббатни, халққа муҳаббатни,— масштаби ҳар хил бўлиши мумкин, лекин манбани бир. Манбай юрак. Сиз юрагингиздан қайнаб чиққанини «шахсий» деб яширасиз-у, боягидай кучсизларни «темаси яхши» деб ўқувчига бермоқчи бўласиз. Шоир бўламан деган одам «шахсий» билан «ижтимоийни» бунақа ажратмайди. Ўша катта мавзуларни ҳам юрагида қайнатиб, «шахсий» қилиб чиқаради. Маяковскийни олинг. А! Бутун дунё юрагига сиқкан, ҳамма мавзулари «шахсий» бўлиб ёниб чиққан. Сизнинг чўғининг ҳозирча мана шу кичик мавзуларни ёндирибди. Хайриятки шу чўғ бор экан. Шонрман деб юрадиганларнинг баъзинида шу ҳам бўлмайди. Лекин бу чўғдан катта бир гулхан чиқара оласизми, йўқми? Аввал шу саволга жавоб топинг. Лекин ўзингизни алдаманг, пушаймони ёмон бўлади. Бошимдан ўтгани учун айтяпман.

Очил боятдан бери: «Бу одам поэзияни қаёқдан билади?»— деб ҳайрон бўлиб ўтирган эди. Энди шу саволга жавоб олиш умидидан унга томон интилди. Акбаров елкасига оғир бир юқ олгандай эгилиб кўкрагини стол четига тиради-ю, қўлларини тиззалари орасидан пастга туширди.

— Мен ҳам мавзун яхши шеърлар ёзар әдим. Катта шоир бўламан деб адабиёт факультетини битирганман. Тушунмаган одамга шеър ёзиш жуда осон. Тушунгандан кейин, бундан қийини йўқ. Мен кеч тушундим. Ясама шеърлар билан қўлим қотиб қолганда билдим. Адабиётдан бош олиб чиқиб кетишга тўғри келди. Мана, охири ўзимни тарихдан топдим.

Очил Акбаровнинг адабиёт факультетини битириб, бир неча йилдан кейин тарих аспирантурасига кетганини эшитган эди, энди эслади. Лекин бунаقا сабаби бор, деб ҳеч ўйламаган эди. Умуман поэзия Акбаровдай бир кишининг тақдирида шунаقا бурилиш ясами мумкинлигини хаёлига келтирмаганди. Ўзи шоир бўлишни ҳавас қилганда ва «адабиёт танлаган йўлим», деганда фақат кўнглининг бир четигинаси билан айтганини, адабиётнинг масъулиятини чинакам ҳис этган одам бунаقا бўлишини у энди сезди ва уялиб кетди. «Тўрт бўлимдан иборат» деб дафтарини керилиб очгани ҳам, сиз жуда яхши одамсиз-у, лекин поэзияни унча тушунмас экансиз» деган маънода Акбаровдан аччиғланиб чиқиб кетмоқчи бўлгани ҳам, истаган мавзуда шеър ёзиб ташлай олишидан фахрланиб юрган пайтлари ҳам — ҳаммаси ҳозир кўзинга аянч кўриниб кетди.

Лекин Акбаров унинг қалбida ачиниш, уят, ҳайрат билан бирга яхши бир ҳаяжон ҳам қўзғатган эди. У «дафтарда қолади» деб писанд қилмай юрган шеърларидан кутилмагандан чўғ чиқди. Ўзида шунаقا чўғ борлигига у энди биринчи марта чинакам ишонди ва бу ишонч оддий ҳавасни жуда масъулиятли бир мақсадга айлантира бошлади.

Мана шу ҳис ва ҳаяжонлар билан бўлиб, у энди Акбаровга бир сўз ҳам деёлмай, фақат тинглар эди. Темир Акбарович яна папирос олиб, устма-уст ичига тортар экан, қўққисдан ўқиш масаласига ўтди:

- Зачетлардан нечтасини топширдингиз?
- Эртага бошламоқчиман.
- Дипломга мавзу танладингизми?
- Йўқ, шу... вақт масаласи...
- Тўрт бўлимни тўлдириш учун вақт топасиз. Хайриятки, бир-иккитаси чиқсан эмас. Чиқса ўзингизни столга ортиб олармидингиз. Кейин сиздан на шоир чиқади, на тарихчи. Ахир ўйланг: ҳозир сизнинг оладиган пайтингиз-ку! Ёзиш— олганини бериш бўлади. Ҳозир

олиб қолмасангиз нарироққа бориб заводингиз тўхтаб қолади-ку. Юрасиз кейин ҳамма нарсанинг юзида қалқиб.

Хозир Очилнинг қалбида Акбаровга нисбатан шундай бир самимий меҳр оловланар, унинг гапларини шундай ихлос билан қалбига жойлар әдики, ўқишга бунақа эътиборсиз қараса оқибати ёмон бўлишини фақат тушунибгина қолмай, бутун борлиги билан ҳис қилиди. «Заводи» тўхтаб қолишини, ўзининг на тарихчи, на шоир бўлишини, юзада кўпикдай қалқиб юришини гўё олдиндан кўрди ва ҳатто бир лаҳза ўша аҳволга тушиб чиқди. У Акбаровларницидан қандай чиқиб кетганини билмайди. Фақат ётоққа бориб дарслик ўқишга ўтирганда борлиги тўлиб кетганини, бошига ҳеч нарса кирманётганини сезди. Турниб, чўнтағидаги қора жилдли дафтарчани шкафнинг ортига, қўл етмайдиган жойга ташлади-да, яна ўтириди. Ўқийдиган нарса шу қадар кўп! Бешта зачет, тўртта имтиҳон. Вақт шу қадар оз. Улгурармикан? Отни қамчилаши керак. Халақит берадиган ҳамма нарсани ташк бўлиб янчиб ўтиши керак. Ўқиши керак, ўқиши!

### 33

Тома-тома кўл бўлур деган мақол ҳаммадан кўра билим олишга яхши тадбиқ этилса керак.

Бир хил булоқлар бўлади, суви у ер-бу еридан бир қатим ипакдаккина сизиб чиқади-ю, лекин ёни-верига қарасангиз тўлқинлари шамолдан чимирилаётган туташ кўлчаларни, барглари салобатли шовиллаб турган дараҳтларни, қулф уриб кўкарган гиёҳларни кўрасиз. Шунча сув шу томчилардан тўпланганига, шунча кўкаламзор шу сизиб чиқаётган қатимча туфайли бино бўлганига дафъатан ақл бовар қилмайди.

Шунга ўхшаб, мактаб партасида, дарсхонада, аудиторияда, кутубхоналарда ўтказилган ҳар бир кун билим деб аталувчи фактлар ва фикрлар дарёсидан кишининг онгига бир неча томчи олиб киради, билган нарсалар қисман «бурланиб кетиб» хотирадан ўчса ҳам, томчилар кўлчаларга, кўлчалар оқар сувга айланиб боради ва одамнинг ички дунёсини обод қиласди, лекин бу дафъатан унча сезилмайди. Булоқ атрофидаги ободончиликни эслатувчи фазилатларнинг пайдо бўлиши ва гапда, муомалада, юэда, ишда акс этиши, хусусан, одам-

нинг ўзига сезилмайди. Бир неча йил кўришмай юриб дуч келиб қолган ёру дўстлар, «войбўй, таниб бўлмайди-ку, ўзгариб кетибсан-ку», деб хитоб қилишса тушумай ҳайрон бўласиз. Илгари мактабда одатдан ташқари билимдон кўринган ўқитувчилар энди жўн, оддий мутахассислар экани билинса ва болаликда ақл қамраб ололмайдиган даражада улкан туюлган баъзи кишиларнинг энди «шифти» кўриниб қолса ҳам таажжубланасиз. Гўё студентликда ўқиган, билган нарсаларингиз фақат сессиядан ўтиш учун эди-ю, бунаقا ўзгаришларга сабаб бўлмаслиги керак эди.

Лекин аслида фақат имтиҳондан ўтиш учун шошиб пишиб ўзлаштирилган нарсалар тез ёғиб ўтган ёмғирдай тез бугланиб кетади. Ёмғир кўлмакларининг атрофи бир-икки ҳафта кўкаради-ю, кейин йил бўйи қипқизил тақир бўлиб ётади (худди тома-тома кўл бўлар деган мақолнинг иккинчи бандида томмай қолса чўл бўлар дейилгани каби). Булоқ атрофидаги кўкаlamзор эса жазирама иссиқларда ҳам сўлмайди, қишин-ёзин ўлмайди.

Маҳкам яхши кўрган фанларини мана шундай «томчи-томчи» қилиб, сингдириб ўзлаштирар, тарихий ҳодисаларни ақлидаги мезонлар билан ўлчаб, хотирасига маълум бир тартибда жойлаштирар эди. Илгари мактабда эканида бунаقا тартиб йўқ эди, бори ҳам дарс жадвалига ўхшаган жуда ибтидоний эди. Зотан у вақтда адабиётни тригонометрия билан, тарихни черчения билан бирлаштириш қийин эди. Лекин мактабда тарихнинг ўзи ҳам турли мамлакатларга ва даврларга бўлиниб, тасаввурда парча-парча бўлиб яшар эди. У алоҳида кўлчаларга ўхшаган тарих парчаларини бирлаштириб, ҳисобсиз тарихий воқеаларни бир бутун жараёнга айлантиришни ва ҳамма «сабабларнинг сабабига» тушунишни истар эди. Бу асли одамзод ҳаётини билиш ва ундан ўз ўрнини топиш истаги эди.

Илгари минг йиллаб жавобсиз қолган саволларга Маҳкам энди бир неча йил ичida жавоб оляпти. Ўтган йили диамат ўқиган эди. Кеча сиёсий-иқтисоддан имтиҳон топширди. Мана ҳозир тарихий материализм бўйича тайёрланяпти.

Унинг хаёлида алоҳида-алоҳида бўлиб яшаётган тарихларга шу уч фан келиб қўшилди-ю, ҳаммаси бирлашиб, яхлит бир жараён ҳолига келди. Гўё алоҳида-ало-

ҳида кўлчаларга кучли оқим келиб қўшилгандан кейин улар ичида тўлиб-тошиб, бир-бири билан бирлашиб оқар сувга айланди.

Энди Маҳкам ўрганаётган нарсалар гўё ўз-ўзидан хилланар эди: дунёқараш деб аталадиган эътиқодлар, тасаввур ва мезонлар системаси ҳар бир янги факт учун жой қидирар, топар ва ҳаммасини яхлит қилиб тартибга келтиради. Акс ҳолда у ўрганаётган нарсасини тушунмаган бўларди. Лекин бу тартибга келтириш ҳам ўрганиш жараёнига қўшилиб ўз-ўзидан юз берарди. Маҳкам эса шу топда ўзига энг яқин турган бир мақсадни— имтиҳон топширишни кўзлаб ўқир эди.

У ўтирган ўқув залида ҳамма ўринлар банд. Ясси қора столларнинг ён-вери одамга, усти эса уюм-уюм китобга тўла. Саҳифалар шитирлайди. Кимдир оёқ учиди юриб ўтади. Кимдир пичирлаб гаплашади. Деразалар ланг очик, баъзан кўчадан бирор овоз учиди киради. Сўнг яна жимлик чўкади-ю, саҳифа варақланиши, перо қитир-қитири эшитила бошлайди. Китоб устига энгашган бошлар: оқ-сариқдан тортиб лак қоралигига-ча рангба-ранг соchlар, бириники завивка қилинган, бириники гардишли телпакка ўхшайди, бириники ўрим-ўрим бўлиб елкасига тушган, бириники «полька» қилиб қирқтирилган, бириники типратикан шаклида. Фақат тўрда сочи устара билан қирдирилган бир кишининг боши артилган пиёзга ўхшаб ажралиб туради.

— Бу — Маҳкам билан ёнма-ён ўтириб Ф. Мерингни ўқиётган Очил. У зачетларни топшириб бўлган, лекин сиёсий-иқтисоддан қаттиқ тайёрланаётган кунлари боши оғрийдиган бўлиб қолди. Кун иссиқлиги, сочининг ҳаддан ташқари қалинлиги, дамба-дам юзига тушиб ғашини келтириши кўп ўқиб бошининг ғовлаши устига қўшилди-ю, жуда халақит бера бошлади. «Танк бўлиб янчиб ўтиш керак» деган аҳдига амал қилиб олдириб ташлади. Сочи юзини анча оқартириб кўрсатар экан эндп соч ўрни кўкимтири оқ тус билан ажралиб, офтобда қорайган пешонаси ва юзи одатдагидан қорароқ бўлиб қолди. Фақат чеҳраси бир оз очилиб, қош чизифи яққолроқ кўринар ва кўзи кучлироқ порлар эди.

Кечаки у сиёсий иқтисодни «аъло»га топширди-ю, «соҷ олдирганим фойда қилди» деб кулиб чиқди. Унинг яна учта имтиҳони бор эди. Маҳкам эса тезроқ каникулга чиқиш учун жадвалнинг охиридаги Бегимовни

муддатидан олдин топширган, энди фақат иккита имтиҳони қолганди.

Аммо Маҳкамнинг бошқа бир зўр имтиҳони бор эди. У Платон Макеевич ва яна бир коммунистдан тавсия олган, комсомол мажлисларидан ўтган, яқинда райком комсомол ҳам тасдиқлаган, лекин ҳали партия мажлислари ва райком олдинда эди. У Эшонбоевнинг мажлислардан олдинги сұхбатга чақиришини кутиб юрар, янаги ўқув йилига қолиб кетишидан жуда хавотирланарди.

Бир томонда Зуҳриддинов унинг курс бюроси ҳақида ёзиб берганларини ҳалигача кўриб чиқмагани кўнглини безовта қиласарди.

Улар иккови ё шу ўқув залида, ё ичкари жуда дим бўлиб кетса, паркда тайёрланишарди. Бугунги имтиҳонга охирги соатлар қолганда бир-бирини текшириб кўриш билан бўлиб, бир оз кечикиб келишди.

Одатдагидай, имтиҳон бораётган хонанинг эшиги олдида одам кўп эди. Лекин бу сафар ҳамма эшик тирқиши олдига уймалашиб, ниманидир кўришга, эшитишга интилар, дамба-дам «тишш!..» деган товушлар эшитиларди.

— Оҳ!—деб, Фарида, мулоим куюниб, қўлини қўлига овозсиз уриб қўйди.

У кўкраги ва этагининг бир четига нафармон кашта тикилган калта енгли оқ шойи кўйлакда ва қизил басоножкада эди. Гавдаси жуда нозик, юмалоқ қора кўзи устига қовоғи хиёл босиб тушган, қошлари пайваста, лаби ниҳоятда чиройли, юқори лабининг устида эса билинар-билинмас сабза мўйловчаси бор. Унинг дарҳол эътиборни тортадиган қизлик жозибаси ҳозир ўқинч билан бир оз хиракашганди. Ичкарида бўлаётган аллақандай кўнгилсизлик учун у ўзини айлаётганга ўхшар, ачиниб бош чайқар ва тилини чуқулларатди.

— Фарида, салом, топширдингизми?— сўради Маҳкам ва «ҳа» жавобини олиб таажжубланди:—Нега бунақа қилиб юрибсиз?

— Зокир,— деди Фарида.

«Иккови араз эди-ку»,— деб Маҳкам яна ҳайрон бўлди.

— Ўзи ҳам қизиқ-да. Иккінчи марта билет олиб нима қиласар эди,— деб тўпдагилардан бири эшик тир-

қишидан нари кетди. Маҳкам унинг ўрнига ўтиб, йўл-йўлакай ҳамма билан жимгина қўл сиқишар экан, ичкарига қаради.

Тарихий материализм ўқитувчиси Амин Расулович қора гардишли кўзойнагини қаншаридан пастроқقا тушириб, кўзойнак тепасидан Зокирга қарап, Зокир эса столда очиқ турган зачет дафтарчасини унга томон суриси, паст товуш билан бир нарсалар дерди. Фақат «Амин Расулович» деб такрорлаётгани эшитиларди.

— Уртоқ Маннонов,— деди Амин Расулович яхши эшитиладиган баланд товуш билан.— Қўшимча савол ҳам бердим, бир марта билет ҳам алмаштирдингиз. Асл манбаларни ўқимабсиз.

Зокир қўлларини стол четига тираб, ўқитувчи томонга энгашиб яна паст товуш билан гапира бошлиди — афтидан у коридордагиларга гапининг эшитилишини истамасди.

— Фақат баъзи жойларини унуган бўлсангиз кошки эди,— деди Амин Расулович.— Маркснинг «Сиёсий иқтисод танқидига доир»ини қўлга ҳам олмабсиз, Плехановнинг машҳур асарларини ўқимабсиз. Яна баҳо талашасиз.

Зокир куйиб-пишиб ҳамон алланарсалар деярди.

— Ҳе, секретарь эканингиз маълум,— деди Амин Расулович унинг гапини бўлиб.— Лекин секретарлик имтиҳонда енгиллик талаб қиласдими? Аксинча эмасми? Ижтимоий иш кўп бўлган бўлса...

Зокир ётиғи билан ҳар қанча гапирса ҳам фойдаси йўқлигини сезди. Қаддини ростлади, бошини кескин силтаб сочини орқага ташлади:

— Хуллас,— деди ҳамма эшигадиган баланд овоз билан,— мени персонал стипендиядан маҳрум қилмоқчи экансиз-да! Деканат бор, ахир!

— Э йигитча, мени қўрқитаман деб ўйламанг. Сиз деканатни билсангиз мен ректоратни ҳам биламан. Олинг бу зачёткангизни!

Зокир зачёт дафтарчасини столдан юлқиб олди-ю, эшикни шиддат билан очиб чиқиб кетди.

— Қани ким?— деб Амин Расулович очиқ эшикка мурожаат қилди.— Киринг!

Зокирнинг бу аҳволга тушганини кўрганлар киришга юраги бетламай қолди. Кейин Очил билан Маҳкам иккаласп киришди.

Маҳкам еллигичга ўхшатиб қўйилган билетлардан четкисини тортди ва одатдагидай номерини айтар экан, саволларга тез кўз ташлаб чиқди. Сўнг топшира олишига ишонч сезиб баданига иссиқ югурди. Шу ишонч пайдо бўлса доим хотираси алланечук яхши ишлар, керакли нарсалар яшин тезлигида эсига тушар, жавоб гўё ўз-ўзидан қуюлиб келарди. Ўқитувчилар ҳам, «етарли, кейинги саволга ўтинг», деб туришарди.

Лекин ҳозир Амин Расулович ҳар саволнинг жавобини охиригача эшитар, Зокир билан бўлган жанжалдан қисман таъби хиралашган, қисман хаёlinи дуруст йифиштириб ололмас эди. Фақат устқурма шакллари ҳақида қўшимча савол бериб, жавобини охиригача эшитмади, «бўлди» деб тўхтади. Сўнг кўзойнагини тўғрилаб, зачёт дафтарчасини олдига тортди.

Маҳкам гўё унинг қандай баҳо қўйинши кўргиси келмагандай Очил томонга қаради. Очилнинг шошилиб алланарсалар ёзаётганини, юзи жуда ҳаяжонли эканини кўриб, аҳволи яхими, ёмонми эканини била олмади.

Амин Расулович Маҳкамга зачёт дафтарчасини қайтариб берар экан:

— Мана,— деб бир силкитиб қўйди.— Аъло.

Худди бу аълони ўзи олгандай ҳорғин ва қувончили кулимсиради.

Кўп ўтмай Очил ҳам «аъло»га топшириб чиқди.

— Бир омадим келди-да,— дерди у ниҳоятда қувониб.— Сизга тушган саволлар менга тушганда куними кўрар эдим. Омад борлигига шу бугун ишондим. Уфф. Энди бугун бир дам олайлиг-э. Қолган имтиҳонлардан унча қўрқмасак ҳам бўлади. Ўзимизнинг қадрдон Платон Макеевични тўрт йилдан бери биламиз. Бегимов эса, ҳар ҳолда инсоф қилас, ўзи кўп нарса бермаганидан кейин кўп талаб ҳам қилмайди, деб эшитган эдим.

Маҳкам коридорнинг нариги четнида деворга нафис суюниб Зокир билан гапиришиб турган Фаридани кўрди. Улар ёлғиз эди. Очил билан Маҳкам шу томонга келаётганини кўриб, Зокир секин Фариданинг билагидан олди ва «чиқамиз» деб ишора қилди. Иккови ҳам ярашган кишиларда бўладиган мулойим қиёфада кўча эшигига қараб кетдилар.

— Ҳар ёмон ишнинг бир яхши оқибати бўлар эканда,— деди Очил файласуфона.

Маҳкам бугун кечқурун ўзи ҳам Гавҳар билан учрашмоқчи эканини эслади-ю, юраги ёқимли сиқилди. Олдиндаги оқшом кўзига чироқдай кўрина бошлади.

## 34

Улар Театр майдонида учрашилари ва иккинчи трамвайга тушиб «Фалаба» ўрмон-паркига боришлари керак эди. Маҳкам Театр майдонига қадам қўйган заҳоти «Пахта» фонтанига кўзи тушди. У эрта кўкламда Гавҳар билан шу ерда учрашиб, театрга кирганда фонган, темирлари кўриниб, «жим турган» эди, пиллапояга ўхшаб зинама-зина чуқурлашиб борган ҳовуз ҳам сувсиз ётганди. Энди эса терак бўйи сув осмонга пуркалиб чиқар, шалоладай қудратли шувиллаб, қайтиб тушар ва ҳали ботмаган қуёш нурларида оппоқ бўлиб ялтиради. Шалола ичиде улкан пахта чаноғи элас-элас кўзга чалинар, шу туришида чаноқдан сув эмас, оппоқ пахта сувдай пуркалиб чиқаётганга ўхшарди. Фонтан ҳовузи ҳам зилол сувга тўлиб чайқаларди. Тўлқинлар гоҳ қуёш нурларини гранит қирғоқлар сайқалига туширас ва гўё тошини ҳам ёндирад, гоҳ гранит қирғоқлар сайқалини ўзида акс этдириб жилваланарди. Кечки шабада дам мусаффо сув ҳидини, дам атрофдаги гулларнинг ажойиб ҳидларини, дам ёқимли сув чангини олиб келарди. Тошкентнинг иссиқ оқшомларида фонтан атрофи ўтириб, юриб салқинланади. Рангба-ранг кийимли халойиққа тўлиб кетарди.

Лекин майдонда одам қанчалик кўп бўлса ҳам, оқ йўлли қизил штапель кўйлак кийган Гавҳарни Маҳкам жуда узоқдан ажратди. Унинг бугун имтиҳонга шу кўйлакда келаётганини Маҳкам кўрган эди. Ўзи оддий кийингани учун (унинг биттаю битта шойи кўйлаги бор эди, уни ҳам кеча ювдиришга берган, ҳозир коломенка шим-китель кийиб чиққанди), Гавҳарнинг ҳам жўн кийинишини жуда ёқтиради. Аммо Гавҳар фавқулодда бир сабаб бўлмаса, доим учрашувга кийимини алмаштириб чиқарди. Бугун ҳам бирор ҳодиса юз бердимикин?

Маҳкам Гавҳарнинг юз ифодасини ажратиш мумкин бўлган даражада яқин келгандан кейин чиндан

ҳам унинг ранги сўлғин эканини пайқади. Кўришаётганда кўзлари ҳам қизариб қолганини, қовоғи одатдан кўпчиброқ турганини кўрди.

— Ҳа, нима қилди? Топширдингиэмий?

Гавҳар титрай бошлаган пастки лабини тишлаб, ёш ҳалқаланаётган кўзини ерга қаратди-да, бош чайқади.

— А бу... қандай... нима савол тушди?

— Қадим... қадимги Миср... Конфуций,— деб Гавҳар сўзларини бўлиб-бўлиб зўрға гапирар эди.

Маҳкам ҳайрон эди. Наҳотки Гавҳар қадимги дунё тарихининг шундай машҳур жойларини ҳам яхши билмаса?

— Бутунлай жавоб бера олмадингизми? Учга ҳам-а?

— Қайтариб юборди,— деди Гавҳар ўпкаси тўлиб.

Одамлар қараётганини сезиб, Маҳкам Гавҳарнинг билагидан олди-да, остановкага бошлади.

— Нима деб қайтарди? Яна олар эканими?

Гавҳар уч кундан кейин яна кириши керак эди.

Лекин ўшандан бир кун кейин уларнинг навбатдаги имтиҳонлари бор эди. Киши сессиянинг ўртасида бир издан чиқиб кетса, қайтиб изга тушиши жуда қийин бўлишини, зинаපояннинг битта зинасидан сирғангандан кейин бошқа зиналарида ҳам оёқ яхши турмаслигини Маҳкам яхши биларди. Гавҳар қайта топшириш билан андармон бўлиб, келаси имтиҳонлардан йиқилиб чиқиши мумкин эди. Лекин қайта топширишга бормаса, умуман, биринчи курсда қолиб кетарди. У ёғи ҳам ёмон, бу ёғи ҳам.

— Ахир нега бундай бўлди, Гавҳар?

Гавҳар ўрмон-паркка боргандагина сал очилиб гапирди. Улар кўл билан анҳор туташган жойга тепаликдаги дарахтлар тагидан қараб турганларида:

— Қуриб кетсин шу қадимги замонлари ҳам,— деди.— Ўқийман-ўқийман. Қаёқдаги номлар, папируслар, чаппароста йилиномалар. Ҳеч бири эснмда қолмайди.

Маҳкам ғишт заводи ортида сўниб бораётган шафақдан кўзини олмай:

— Ие, тарих ўзи шу-да,— деди.

— Қизиги йўқ менга бунақа тарихнинг!

— Қанақасининг қизиги бор бўлмаса?

— Билмайман.

Маҳкам Гавҳарни ҳеч вақт бугунгидай кескин қиёфада кўрмаган эди. Ўзи ҳам бир оз кескин гапирди:

— Тарих факультетида ўқиган одам билиши керакдир!

Гавҳар яна ўпкаси тўлиб гапиролмай қолди. Маҳкам унинг кўзида ёш кўриб, кескин гапирганига пушаймон бўлди.

— Гавҳар, ахир қизиги йўқ деб ўзингизни шундай аҳволга соласизми? Энди сессия сизга қандай қийин бўлишини билсангиз эди... Қўйинг, майли, кўз ёши қилманг, менинг битта имтиҳоним қолди, бирга тайёрлаймиз. Энди бўлар иш бўлибди, қўйинг.

Лекин Гавҳарнинг кўзидан юм-юм ёш оқар, у рўмолчасини лабларига босиб ҳўнграб юборишдан ўзини зўрға тугарди. Елкалари ҳам силкина бошлаганини кўрган Маҳкам уни икки билагидан ушлаб ўзига қаратди.

— Қўйинг энди, Гавҳар, қўйинг шунга шунчами? Гавҳар йифи аралаш бўғиқ товуш билан ўзининг тарихга қизиқмаслигини, бу факультетга адашиб кириб қолганини айтди-ю, ҳўнграб юзини Маҳкамнинг кўкрагига босди.

— Йўғ-э, қизиқмисиз,— деди Маҳкам ўз баданида унинг иссиқ нафасини ҳис қилиб.— Қиши имтиҳондан ўтолмаса ҳар хил хаёлларга бораверар экан-да!

— Кошки эди, хаёл бўлса.

Гавҳарнинг йифи аралаш бўғиқ овози Маҳкамга ўз кўкрагидан чиқаётгандай бўлди. Бу овозда чуқур англаган бир дард бор эди, киши арзимас нарсадан бундай йиғлаши мумкин эмасди. Маҳкам буни сезар, Гавҳар билан тарих ҳақида баҳслашганларини эслар, аммо унинг хато қилиб кириб қолганига ишонгуси келмасди. Ишонишни истамасди, чунки бундай хато иккови учун ҳам жуда қимматга тушини мумкин эди. У кўкрагида йиғлаётган Гавҳарни нима қилиб юпатишни билмай, унинг юзини аста кўтариб, ёшли кўзларидан ўпди, кейин лабига лабини босди...

Гавҳар электр токи теккандай сачраб унинг қучоғидан чиқди. Маҳкам то хаёлинни йиғиштириб олгунча у бир аллеяга бурилиб кетди. Маҳкам унинг шўртаккина нафис лабларини ҳали ҳам ўз лабларида ҳис қилиб, лекин нима бўлганини дуруст англай олмай, Гавҳарга етиб борар экан, энди унинг елкаси силкинма-

ётганини кўрди ва сал енгил тортди. Аммо етиб олиб гап қотганда Гавҳар ерга қараб, жавоб бермади. Маҳкам уни хафа қилиб қўйдимми деб қўрқиб, ўзи ҳам анчагача индаёлмади.

Лекин парк ёпилишига яқин иккенинг қўл ушлашиб яшил панжарали дарвозадан шод-хуррам чиқиб кетишиди. Улар энди ҳамма нарса тўғрисида гаплашар эдилар-у, фақат Маҳкамнинг ўпичи ва Гавҳарнинг тарихга қизиқмаслиги мавзуидан қочардилар— гўё бу нарсаларнинг бири иккинчисини бекитиб, ёпиб ётарди.

Тарих ҳақидаги гап янги имтиҳондан кейин қўзғалди. Маҳкам кутгандай, Гавҳар қадимги Шарқ тарихига ўралашиб СССР тарихи имтиҳонига дуруст тайёрлана олмади. Маҳкамнинг ёрдамлари ҳам кор қилмади, қадимги дунёни топширган кунининг эртасига йиқилиб чиқди.

— Энди нима қиласиз?— деди Маҳкам.

Улар коридорда туриб гаплашардилар.

— Нима қилишимни билсам эди!

— Агар бошқа факультетга кўнглингиз бўлса...

Маҳкам давомини айтишдан қўрқиб тўхтади.

У Гавҳарнинг бошқа факультетта ўтишини ўйласа дунёси қоронfilaшар эди, бошқа институтга кетишини эса хаёлига ҳам яқинлаштиrolмасди. Лекин Гавҳар ҳам бундай хаёлдан қўрқарди. Бир йиллик умр, давлатнинг шунча пули, тарихга қизиқувчи бошқа бир йигит ёки қиз ўтган йил олиши керак бўлган ўрин— бунинг ҳаммасини бирдан ҳавога совуриш даҳшатли эди.

— Энди қаёққа ҳам бораман? Ўтган йил кўнглимга қарасам бўлар эди. Энди вақт ўтган. Тақдирим шу экан-да.

Шу куки тушга яқин Маҳкамни деканатга чақирдилар. Ўэртага партия мажлиси борлигини Сергеидан эшитган эди, Эшонбоев суҳбатга чақирган бўлса керак деб ўйлаб, юраги гурс-гурс уриб кирди. Лекин кабинетда Зуфар Ҳакимович ҳам ўтирибди. Эшонбоев Маҳкамга берироқдан жой кўрсатди-ю, ўзи деканнинг столи ёнига стул суриб ўтирди.

— Сессияни аъло билан тугатибсиз, табриклаймиз,— деди.— Яхши! Бу яхши... Лекин умумий аҳвол ёмонку! Шу боришида бизнинг факультет охиригина ўринда қолиб кетса керак. Бу қандоқ бўлди?

— Билмадим,— деб қўя қолди Маҳкам.

— Сиз билмасангиз, бошқалар билмаса, ким билади? Факультетдаги қолоқлик учун комсомол ташкилоти ҳам ўзини айбдор ҳисоблайдими, йўқми?

— Ҳисоблаши керак.

— Нима масалада, фикрингизни билайлик-чи?

Зуфар Ҳакимович креслонинг бир томонига сал оғиб, иккинчи томонига қўлини тираб, тирсак кериб, суҳбатни индамай кузатар ва керак бўлган заҳоти гап бошлишга тайёр туради. Маҳкам унга бир қараб олиб деди:

— Шу масаладаки, биз... бизнинг ташкилот ҳар бир комсомолнинг ҳаётига... ҳаётини тўлиқ қамраб олгани йўқ. Ҳар бир комсомол аъзосининг ҳаётидан биз қамраб олган қисми жуда оз процентни ташкил қиласди.

Эшонбоев ҳам, Ҳакимов ҳам унинг батафсил гапиришини истаётгандай жим ўтиришибди.

— Хуллас,— деди Маҳкам,— биз ҳар бир ёмон баҳонинг сабабини вақтида пайқамаймиз. Шунинг учун олдини ололмаймиз. Нуқул натижаларга қарши курашамиз-у, сабаблари қолаверади.

— Шуми? Лекин сиз бошқа сабабни айтмаяпсиз. Комсомолларнинг ҳаётига кириб бориш учун аввало нима керак? Аҳиллик керак. Сизларда шу йўқ: уришасизлар, аразлашасизлар, бир-бирларингга чап бўлиб олиб, у ёқдан-бу ёққа қофоз ёзиб югурасизлар.

— Ким қофоз ёзиб югурибди?— деди Маҳкам гумонсираб.

— Сиз!— деди Эшонбоев тез.— Имтиҳонга қизғин тайёргарлик кетаётган пайтда курс бюролари йўқотилсин деган таклиф билан чиқиб, колективнинг эътиборини асосий ишдан четга тортмоқчимидингиз?

— Нега... Ие, ахир...— деб Маҳкам кутилмаган ҳужумдан гангид қолди.

— Маннонов тўғри қилибди— ён бермабди. Лекин сиз уни енгиш учун атрофингизга одам тўплаб, комитетга петиция ёзиб чопибсиз.

— Ким айтди шуни? Ёлғон айтибди, мен ҳозир ту<sup>з</sup> шунтираман...

— Бизга бирорвонинг гапи керак эмас, қўлимиздаги ҳужжат ўзи етарли,— деб Эшонбоев портфелини шарақлатиб очди. Маҳкам ўзи ёзиб тўлдирган дафтар варақларини унинг қўлида кўрган заҳоти таниди. Эшонбоев сўнгги варақдаги имзоларга бармоғи

билан ниқтаб гапиради:— Атрофингизга группа тұпламаганингизми бу? Группабозлик биз учун сиёсий ёт нарса эканини биласиами ўзи?

— Биламан, шошманг, ўртоқ Эшонбоев. Ахир бунинг нимаси группа? Мен билан Каримов иккализ-ку!

— Бу озми?— Беш-үн киши бўлса ҳисобмиди? Биз зарарли нарсаларни куртагида эзib ташлаймиз, билиб, қўйинг. Шубҳали таклифларни аёвсиз фош этамиз...

— Ие, бунинг нимаси шубҳали? Нимаси?

— Факультетни бешта комсомол бюросидан маҳрум этиб нима қилмоқчи эдингиз? Қуролсизлантирмоқчи эдингизми?

— Йўқ, ахир мен фақат яхши... мен нима... мақсадим ҳаммаси шу қоғозда ёзилган. Бошқа ҳеч нарсани билмайман.

Гангид қолган Маҳкам ўзини уқувсизгина мудофаа қилас, кутылмаганда қаттиқ калтакланаётган одамга ўхшарди. Бу калтак баданига эмас, гўё онгига, қалбидаги энг азиз туйғуларига бориб тегмоқда эди. Бундан бир неча соатгина олдин у ўзини колективга жон куйдиралиган соф дил одам деб биларди. Лекин Эшонбоев бунинг аксини кўрсатадиган айбларни устма-уст тўнкамоқда. Маҳкам худди устига тош бостирилаётгандай эзилиб кетяпти, лекин бу тошларни улоқтириб ташлолмаяпти. Йўқ, булар тош эмас, калтак зарбидан пайдо бўлаётган шишлар. Шишини улоқтириб бўлмайди.

Шу пайт Зуфар Ҳакимовичнинг одатдан ташқари осойишта овози Эшонбоевни тўхтатди.

— Бу йигитни кўп эзманг, Муҳаммаджон. Ешлик қилиб тушунмагандир, ахир. Аввал суринтириб билайлик.

Зуфар Ҳакимович ўткир кўзларини Маҳкамга тикиб суринтира боцлади: отаси ким, онаси ким, нима ишлар қилган, қаерларда бўлган. Гап секин унинг ўқишига, ўқитувчиларига ўтди.

— Тошевни билсангиз керак,— Ҳакимов маъноли кулимсираб унинг Гавҳар билан «юриши»дан хабардор эканини сездирди.— Ҳозир нима қилиб юриди?

Маҳкам Тошевнинг Москвадан қайтганини, иши бутунлай ҳал бўлган бўлмаса ҳам, лекин ижобий йўналишдан бораётганини, диссертацияси яхши мута-

хассисларга тақризга берилганини, ҳозир тақризни кутиб ўтирамай, биринчи варианти бўйича қаттиқ ишлаётганини Гавҳардан эшигтан эди. Лекин буни айтиб ўтиришни лозим кўрмади.

- Уша музейда ишляяпти деб эшигтаман.
- Кўришиб турасизми?
- Иўқ,— деди Маҳкам қизариб.
- Группаларингда у ҳақда кўп гапиришармиш.
- Унча кўп эмас.
- Нима деб? Бегимовдан кўра яхши лекция ўқирди дебми? Сиз ҳам шундай фикрдамисиз?

— Менинг яхши эсимда йўқ. Ҳар ҳолда қизиқарлироқ ўқирди шекилли. Зуфар Ҳакимович, гап келиб қолди, мен сиздан илтимос қилмоқчи эдим. Оқил Бегимовичнинг ўзларига унча сезилмаслиги мумкин. Бир жойда ўтириб, бир бурчакка қараб ўқийдилар, зерикарли чиқади. Эндиги йилдан лекцияни сал жонлантирсалар яхши бўлар эди. Бўлмаса ҳар хил кераксиз гаплар чиқади.

- Қанақа гаплар?
- Масалан, лекцияга қатнашиш ихтиёрий бўлсин деган гаплар.

Зуфар Ҳакимовичнинг мускуллари таранг тортилди, овози таҳдидли пасайиб:

- Ким айтади шуни?— деди.
- Маҳкам ортиқча сир бериб қўйганини сезиб оқариб кетди.
- Энди шунчаки...
- Кимнинг гапи?
- Самадовникими?— қўшилди Эшонбоев.

Икки томондан савол ёғила бошлади. Лекин Маҳкам Шоазимнинг балога қолишини ва ўзи чақимчи бўлишини ўйлаб айтмади.

- Демак, бу — сир, — деди Зуфар Ҳакимович.— Курс бюороларини кимнинг маслаҳати билан йўқотмоқчи эдингиз? Е буни ҳам айтмайсизми?

— Менга ҳеч ким маслаҳат берган эмас.

— Демак, ҳаммасини тушуниб билиб қиляпсиз. Бўлмаса нега Эшонбоев группабоз деса аччиғланасиз? Группа бўлиб олиб, бу ёқдан ўқитувчиларни ковлаштирасанлар, бу ёқдан комсомол ташкилотини вайрон қилмоқчи бўласанлар, бу ёқдан лекцияларни анархияга айлантиришнинг пайига тушасанлар.

— Мени уларга қўшманг, домла, мен қарши ганирганман, мен...

— Сиз ўзи кимсиз?— деди Эшонбоев,— партияга нима мақсадда кирмоқчиениз?

— Мақсадим... Мақсадимни эртанги мажлисда айтаман.

— Менимча, сиз эртанги мажлисга тайёр эмассиз. Аризангизни янаги ўқув йилида кўрамиз.

Маҳкам ҳеч нарса дея олмади. Бутун вужуди совуқ ларздан титраб, коридорга чиқди. Бу ғазаб ларзаси эмас эди. Қўрқув деб аталадиган паст бир инстинкт қалбига босиб келар ва ҳамма нарсани шубҳага, ишончсизликка чулғаб кўрсатарди. У қўрқиб яшашдан ҳазар қиласарди, аммо хоин инстинкт шивирлаб дерди: «Сен сөфсан, лекин Ҳакимовлар бунинг аксини исбот этиб беролмайдими? Бекорга уриб юборолмайдими? Ҳозир кўрдинг-ку бунинг қанақа бўлишини, сўз топиб беролмай қолдинг-ку!» У бир аудиториянинг очиқ эшиги олдидан ўтаётганда ичкаридан Очилнинг:

— Маҳкам,— деб чақиргани эшитилди.

Кейин Очилнинг ўзи чиқиб келди. Маҳкам аввало унинг хотиржам эканига эътибор берди ва ўзи ҳам бир соат олдин шундай бўлганини эслаб юраги эзилди.

— Биласизми мен кимни кўрдим? Э, жўра, доцент Умаров чиқиб келибди.

— Ким?— деди Маҳкам негадир кайфи учиб.

— Умаров-чи, Тошев масаласига аралашиб қамалган Умаров? Ўша оқланиб келибди. Мен ҳозир кўчада кўрдим. Балки тургандир ҳам. Юринг... Э нега титрайсиз? Тобингиз йўқми?

Маҳкам ҳозир қамалиб чиққан кишини кўришдан юраги безилларди. Лекин Умаров чиқаверишдаги катта акациянинг соясида бир-иккита тарихчилар билан гаплашиб турган экан. Очил Маҳкамни унга тўғри қилиб:

— Раҳим Умарович, танийсизми?— деди.

Сочи жуда калта қирқилган, юзи далада кўп юрган кишиникидек қорайиб пишган Умаров қўл бериб кўришар экан, Маҳкам унинг кафти тошдай эканини ҳис қилди.

— Ёшлар тез ўзгаради-да,— деди Раҳим Умарович.— Бўлмаса кўрганман, лекин таниёлмаяпман.

Маҳкам учун унинг таниганидан танимагани яхши эди. У ҳозир Умаровнинг айбизи киши сифатида чиқиб келганига ишонмасди. Унинг мана шу қорайган юзида, қадоқли кафтида қандайдир жиноятнинг излари борга ўхшарди. Маҳкам бу излардан ҳазар қиласди. Айниқса ҳозир ўзини-ўзи гуноҳкор ҳис қилаётгани учун бу ҳазар чидаб бўлмас даражада эди.

У тез хайрлашиб, нари кетди.

### 35

Очил сўнгги имтаҳонга бўш аудиторияда ўтириб тайёрланмоқда эди. Аудитория ўқув заличалик дим эмас, бундан ташқари, Замирани факультетда тасоди-фан кўриш осонроқ. У Замиранинг сессияни муддатидан олдин ва «аъло» якунлаганини, энди ўқув залига бормаслигини, фақат обходной тўлдириш, отпуска пули олиш учун факультетга келиб-кетиб туриши мумкинлигини биларди. Ўша куни телефон станциясидан қайтиб, ажрашганларидан бери иккови бирор марта ҳам ёлғиз гаплашмаган эди. Яккама-якка дуч келгандарида ҳам Очил унга расмий салом берар, Замира ҳам шунга яраша алик оларди. Лекин барибир Очил уни ҳар куни узоқдан бўлса ҳам бир кўрмаса туролмасди. Бирга пахта териб суҳбатлашганлари, кечада бирга ўтирганлари, телефонга бирга борганлари ҳали ҳам такрор-такрор эсига тушарди. Лекин энди илгариги хафаликлар хотиридан ўчиб, фақат мана шу унтуилмас биргалик туйғусигина қолган эди. Ўша дамлар ҳам ғанимат экани энди билинар, у яна бирпасгина бирга юришни орзу қиласди. Қани энди Замира коридорда ёки бўш аудиторияда дуч келиб тўхтаса-ю, икки оғизгина гапирса, «кетяпман, хайр» деса. Балки адрес берар, Очил хат ёзиб турар. Балки... Йўқ, фақат бирпасгина гапиришиб турса ҳам майли. Очил ўзининг унга муштоқ эканини билдирамайди, ўзини ерга урмайди, ялпангламайди. Фақат сессияни аълога якунлагани билан табриклайди, оқ йўл тилайди. Кейин балки...

Шу туйғулар билан Очил аудитория эшигини очиб қўйиб Бегимовни ўқир, коридордан эшитилган ҳар бир шарпага сергакланиб қулоқ солар, эшикдан қараган ҳар бир кишига умид билан юз ўгиради. Ниҳоят кечга томон коридордан ўтаётган сингил қадам товушлари

танишга ўхшади. Очил қайрилиб қараб, гулоби ранг кўйлак кийган Замирани ён томондан кўриб қолди. Ко-ридорнинг нариёғида кимдир уни кутиб турган эканми, уялинқираб бошини қуий солиб ўтди, Очилни эса пай-қамади.

Очил папирос тутатиб коридорга чиқди. Нурдай сарғиш, шойи китель-шим, оппоқ туфли кийган, қопқа-ра сочи кўпчиб, юзи яшнаб турган Эшонбоев комсомол хонаси олдида Замира билан мулойим кўришмоқда эди. Замира унинг қаршисида қимтиниб, алланечук кичрайиб қолганга ўхшарди. Мұҳаммаджон енгил қўл ҳаракати билан комсомол хонасининг эшигини ичкари-га итариб очди-да, Замирага йўл берди. Замира ҳая-жондан хиёл нўноқлашган қадамлар билан ичкари ки-рар экан, Очил унинг томошага отлангандай башанг кийиниб чиққанини сезди. Кейин иккови кириб кетган хонанинг эшиги аста ёпилди.

Очилнинг юрагини бир нарса қаттиқ тортди-ю, кес-кин қўйиб юборди ва аъзойи баданидан ловиллаб ўт чиқиб кетгандай бўлди. Замира Бастиларнинг уйига бориб турари деб эшигтан эди, Бирдан шу эсига туш-ди: телефонда ойисига «дугонамнинг акаси» деб Эшон-боевни айтганмикан? Очилдан шуни яширган эканми? Наҳотки?

Очил уларнинг муносабатлари шу даражага борга-нига ишонгиси келмади. Замира «ўқишимни битиргу-нимча ҳеч нарсага қизиқмайман» дегани учун Очил бу жиҳатдан бехавотир юарди. Лекин ҳозир бирдан хаёллари ағдар-тўнтар бўлиб кетди.

У комсомол хонасининг эшигига қандай келиб қол-ганини ҳам сезмади. Лекин ичкаридан эшикнинг илга-ги солиб олинган эди. Очилнинг бўғинлари бўшашиб кетди.

Тамом. Ё бу фақат Эшонбоевнинг ишими? Ичкари-га бир қарай олса эди. Эшитилмайди ҳам. Умидини узиши керакми-йўқми? Ёз бўйи мавҳум тахминлар билан юрадими?

Комсомол хонаси катта аудиториянинг бир чекка-сидан фанер билан ажратилиб қурилган эди. Шифтга-ча етиб бормаган фанер тўсиқ орқали гаплар барабалла эшитиларди. Очил шуни эслади ва бирорларнинг га-пига қулоқ солишдан қанчалик ҳазар қилса ҳам, тўсиқ олдига борди.

Тўсиқнинг нариёғида Эшонбоев гапирмоқда. Замира у олиб келиб берган поезд билетини бир қўлига сиқиб, иккинчи кафтига ўша панжасининг орқасини қўйиб ва ҳар иккала қўлини бир оз олдинга чиқариб қулоқ соларди. Унинг юзи чўғдай қизариб кетган, қошларининг устида тер мунчоқлари йилтирайди. Очил буни кўрмас, лекин Эшонбоевнинг сўзларини баралла эшитарди:

— ...Утган каникулга кетганингизда сездим, Замира. Жуда ҳам ўрнингиз билинди. Қайтиб келгунингизгача ўзимни қўядиган жой тополмай юрдим. Умримда бунақа бўлган эмас эдим. Мен ёш бола эмасман, ўткинчи бир туйғу бўлса билар эдим. Узингиз ҳам мени яхши биласиз. Бир коллективдамиз, бу ерга келган кунингиздан бери танийсиз. Уй ичимизни кўрдингиз, ойим, синглим сизга жуда меҳр қўйганини ҳам биласиз. Холам уйингизга бориб, ойнингизни ҳам яхши кўриб қолибдилар, борди-келди қиласиз деб аҳд қилибдилар.

Замира Муҳаммаджоннинг юзига қарай олмас, лекин ҳаяжонланиб гапираётганини овозидан сезарди. Бироқ муҳаббат изҳор қилган йигитнинг бу қадар бехато гапиришини илгари ҳеч тасаввур этмаган эди. Умуман бу ишнинг ҳозиргидан мураккаброқ, қийинроқ бўлишини кутганди. Муҳаммаджон қийин нарсаларни ҳам осон қила оладиган, ҳар қанча ҳаяжонланса ҳам ўзини йўқотиб қўймайдиган йигит бўлгани учун шундайдир. Ҳа, Замира уни билади, уйларини ҳам билади. Алдаб кетадиган киши бўлганда уй ичиси билан таништириб, бошқа қилиб юрмас эди. Лекин ҳар ҳолда...

— Замира, нега индамайсиз? Гапиринг, бир оғиз айтинг.

Нимани айтсин? Яхши кўраман десинми? Яхши кўриш қанақа бўлади? Яхши кўрганда қизлар ақлини йўқотиб қўяди дейишади. Замира ақлини йўқотиб қўйганда хаёли шундай равshan бўлармиди? Ё ақлини йўқотиб қўяди дегани ваҳима гапмикин? Салобатли, обрўли бир йигитнинг муҳаббат изҳорини эшитиб, чўғдай қизиб, ҳаяжондан юраги, гурсиллаб ураётиби-ку. Муҳаббат шумикин?

— Замира...

Замира билакларидан секин ушлаган қўлнинг со-вуқлигини ҳис қилди ва титраб ўзини нари тортди.

Шу пайт негадир Очилнинг қанорға пахта тиқаётгандаридан тегиб кетган қўлини эслади: у қўллар жуда иссиқ эди.

— Замира, ё мени ёмон кўрасизми? Айтинг!

— Билмасам,— деди Замира зўрға эшитарли қилиб.

У чиндан ҳам Муҳаммаджонни ва ўзининг у ҳақдаги ҳис-туйғуларини яхши билмас эди. Муҳаммаджон унга, масалан, Очилчалик яқин келган эмас. Ҳозир муҳаббат изҳор қилаётган пайтда ҳам унинг ҳали сирли томонлари кўпдай туюлади. Лекин Замира яна ўйлаб кўрса, уни яхши биладигандай бўлади. Аслида эса, Замира Муҳаммаджоннинг фақат умумий томонларини билар, тафсилотларини эса ўз хаёлидаги идеал йигитдан олиб қўшар эди. Муҳаммаджонни баъзида ўйчан, баъзида ташвишли, баъзида жиддий, баъзида хурсанд кўриб, катта ишини, зўр масъулиятини, кишиларга қиласиган ғамхўрликларини ва бошқа нарсаларни тасаввур этарди. Муҳаммаджоннинг юзида қандай ифода бўлмасин, Замирани кўрган заҳоти мулоим ва қувончли табассум билан алмашинарди. Шунинг учун ҳам Замира унга ўз хаёлидан чиқариб қўшган тафсилотлар нуқул яхши тафсилотлар бўлар эди. Йўқ, у билмайман деб хато айтди—у билади. Муҳаммаджонни ёмон кўрмаслигини билади.

— Кечирасиз, мен айтган эдим,— деди Замира.— Ойим айтиб юборганлар. Мен ўқийман. Ойим...

— Албатта ўқийсиз. Сизнинг бу аҳдингиз менинг ҳам аҳдим. Мен ўзим ўқиганман, ўқишнинг қадрини биламан.

Муҳаммаджон яна унинг билагидан ушлади.

— Кўйинг. Одамлар кўрса нима дейди.

— Замира, мен ҳам гап-сўз бўлишни ёмон кўраман. Шунинг учун бир йилдан бери ҳеч кимга билдиримай юрибман. Лекин эртага кетяпсиз. Қанча вақт кўришмаймиз. Ойингиз билан бизниги бир келинглар. Е аввал бизниклар борсинми?

— Меҳмон бўлиб борсалар майли.

— Фақат меҳмонми? Замира, бундан кейин мен ўзимни аввалгидай тутиб муомала қилишим қийин бўлади. Сезиб турибман. Ойиларимиз билдириб қўйишиша, ўзаро келишиб, унаштирганга ўхшатиб қўйишиша, ҳеч ким гап қилишга ҳадди сифмайди.

Энди Замиранинг чиндан боши айлана бошлади. Ҳаёлида яратиб юрган йигит шуми? Солиштириб кўрай деса, бошини қандайдир туман қоплаб олганга ўхшайди. У нимадандир қўрқарди.

— Майлими? — дерди мулойим, титроқ овоз.

— Мен... ўқишим...

— Мен кутаман, Замира! Тўй ўқишингиз битгандан кейин бўлади. Кутаман. Майлими?

— Кейин.

— Ойимлар боради, Замира, уялтириб қўйманг тағин. Борсингларми?

Муҳаммаджон унинг титроқ лабларига суқланиб қаради-ю, лекин журъат этолмай, қўлидан чўпиллатиб ўпди.

Фанер тўсиқ ортидаги Очилга бу — ўпишишдай эшитилди.

Очилнинг ҳозирги мақсади анигини билиш, мавхумликдан қутулиш бўлгани учун дастлабки секундларда: «Заб билдим, — деб ичиди асабий кулиб қўйди. — Эшифтмаганимда аҳмоқ бўлиб юрар эдим, кутиб, ўйлаб, иззат-нафсим изтироб чекиб, кулги бўлиб». Унда энг аввал тилга кирган нарса орият эди ва ҳаммаси аниқланганини бир ғалабага ўхшатиб кўрсатарди. Кераксиз интизорликдан, кулги бўлишдан қутулганини ўйлаб хурсанд бўлиши керакдай туюларди. Аммо бутун вужуди шундай қизиб кетган эдики, хурсандлик, хафалик каби оддий нарсалар оқиз ва ортиқча бўлиб қолганди. Ҳаёли эса дафъатан дуч келган нарсалар атрофида ўралашарди.

Замиранинг ўқишдан бошқа нарсага қизиқмайман деб лоф ургани, охири аҳдининг устидан чиқа олмагани Очилни ўзига ҳақ кўрсатарди. Қелиб-келиб шу Эшонбоевни танлагани эса (Очил айниқса ўша боблар муҳокамасидан бери Эшонбоевни жуда паст қўяр эди) Замирани унинг кўзи олдида янада паст туширади. Шу вақтгача Замира унинг назарида жуда юксак ва қўл етмас қиз эди, хиёл пастроқ тушишини, тенглашишини истаган вақтлари кўп бўларди. Ҳозир шу истаги амалга ошгани ҳам иззат-нафсига қувват берди. У файри-табиий бир дадиллик билан аудиториядан чиқди, орқасидан эшикни ҳам унутмади.

Шу пайт Замира ҳам ичкаридан чиқди. Бир лаҳза кўз-кўзга тушди. Йккови ҳам бир-бирини ҳеч қачон бу

қиёфада кўрмаган эди. Замира Очилнинг ҳамма нарсанни эшитганини юзидан, қарашидан сезди-ю, жойида қотиб қолди. Кейин карахт лабларини очиб салом бермоқчи бўлганда Очил китоблари турган нариги аудиторияга бурилиб кетди. Бурилаётib Замиранинг юзидаги гуноҳкорона ифодани аниқ кўрди. «Ҳа-ҳа, — дерди унинг қасоскор иззат-нафси. — Ҳали пушаймон ҳам бўласан, лекин энди тамом. Шунча ўйларим, туйғуларим ҳайф кетди. Энди бас. Қайси чиройли қиз вафо қилибдики, сен вафо қилсанг!»

У очиқ турган китоби олдига қайтиб келди. Таажжуб: фикрига қаёқдандир ёруғ тушиб турарди. Аъзойи бадани таранг тортилиб титраса ҳам, боя Омонуллахоннинг ислоҳотларига келиб қолгани эсига тушар ва ўқиса ўқиб кетгудек эди. Жойига ўтириб, бироз ўзини босиш учун юзини қўллари билан бекитди. Айни вақтда коридорда енгил қадам товушлари эшитилди. Замира бир ўзи қайтиб кетаётидими? Ё бир нарса демоқчи бўлиб бу ерга келяптими? Мана, яқин келди, яқин... йўқ, ўтиб кетди.

Қадам товушлари тинди. Атроф мунча жимжит? Ўқиши керак. «Афон шоҳи Омонуллахон...» Боя шу ҳарфлар иссиқроқ кўринармиди? Ҳа, боя кўзи шу ҳарфларда эканида коридорга сергаклик билан қулоқ солар, кимнидир оловланиб кутарди. Қани у кутиш? Ҳарфларга ҳам тапти урган олов қани? Борлигини тўлдириб юрган Замира қани?

Очил воқеанинг бутун даҳшатини энди сезди... Қисқа ловиллаб уни бир кўтарган нарса иззати-нафс ўти эди, муҳаббат ўз ҳукмини ўтказа бошлагандан кейин тез сўнди, фикрига тушиб турган ёруғ ҳам йўқолди, ҳарфлар ҳам маъносиз шаклларга айланди. Олдинги умидлар, интизорликлардан айрилганини тушунган сари тишлари тушиб кетган оғиздай хунук бир бўшлиқ кўз олдини қоплай бошлади.

Четдан қараган одам уни тинч ўтириб, китоб ўқияпти дейиши мумкин эди. Аммо бу китоб ўқиётган кишининг сурати эди. Ётоққа ҳам суратдай хомуш қайтиб борди. Ўзининг бахтсизлигини уйқуда унутиш умиди билан ҳаммадан олдин ётди.

Койкаси унга яқин бўлган Маҳкам ярим кечада қандайдир инграшдан уйғониб кетди. Уй ёруғ эди. Сергей стол лампасини ўчирмай ухлаб қолганди. Маҳкам

бошини кўтариб, кўзи юмуқ, лаблари йиғлаётгандек тортилган Очилни кўрди. Унинг ярим очиқ оғзидан оғир дард тортаётган кишиникига ўхшаган ёмон бир инграш учб чиқмоқда эди. Маҳкам туриб пешонасига кафтини босди. Муздай.

— Очил, — шивирлади у, — Очил. Нега инграйсиз? Дуруст ётинг.

Очил кўзини очди. Кўзлари одатдан ташқари қуруқ эди.

Маҳкам чироқни ўчириб, яна уйқуга кетди. Лекин Очил бошқа ухлай олмади.

Эрталаб туриб қарашса, унинг ўрни бўш, йиғиштирилмаган. Қаникулга чиқиб уйларига кетиш ҳаракатида юрган Маҳкам куни бўйи уни кўрмади. Кечқурун Шоазим Бегимовнинг имтиҳонидан чиқиб келиб:

— Очил чатоқ бўлди, — деди.

— Йиқилдими? Йўғ-э! — деб Маҳкам ишонмади.

Очилнинг Шарқ тарихига оид китобларни суйиб ўқиши, бу фанни Бегимов ўқитишидан қатъий назар кўп нарса билиши унга маълум эди.

— Лекин, — деди Шоазим, — Ҳакимов ҳам комиссия бўлиб кирди. Бегимов иккови Очилнинг бир ўзидан қирқ минут сўради-да. У ёғини ўзингиз билаверинг. Мен билетга тайёрланиб ўтирувдим, кўрдим, Очилнинг ҳам илгариги шахди йўқ эди. Ҳуши учган... Билмайман. Шундай бўлса ҳам роса чида берди-е! Қаёқдаги числолару Истамбул газеталарию Отатуркнинг мақолалари-ю...

— Йиқилмадими ахир?

— Ўрта олди. Стипендиядан ажралгандан кейин йиқилгандан фарқи нима?

Очилнинг уйдан оладиган ёрдами катта эмас эди, бир чеккаси шунинг учун радиога, газеталарга хабар ёзиб юради.

— Эшонбоевни танқид қўлгани жуда қимматга тушибди-да, — деб бош чайқади Маҳкам.

— Мен шундай десам, айни ўзинга олади. «Шулар билганчалик билиш мумкин эди», дейди.

Очил ўша куни келмади. Эртасига туш пайтида Маҳкам поездга чиқмоқчи бўлиб чамадонини йиғиштираётгандан келди. Юзи сирқиган, кўзлари ичига тушиб кетган.

— Қаерда эдингиз?

- Редакцияда.
- Қечаси-я?
- Ҳа. Навбатчилик қилдик.

Редакциянинг бир ходими икки ойлик отпускага кетган, Очил унинг ўрнига ишга кирмоқда эди. Бугун кечаси номер чиқараётган навбатчи билан қолиб бир оз иш ўрганганди.

— Юринг,— деди у Маҳкамнинг чамадонини кўриб,— вокзалга чиқариб қўйай.

— Йўқ, раҳмат. Гавҳар чиқмоқчи эди. Сиз дам олинг. Хайр, дўстлар, каникулларингиз яхши ўтсин...

### 36

Шаҳар фақат офтобдан эмас, ер ости оловларидан ҳам қизиётгандай ернинг тапти юзга уради. Чанг босган дарахтлар гўё ёмғирга, салқин шамолларга интизордек сукут этади. Эриб юмшаган кўча асфальтида оёқ кийимларидан чуқур из қолади. Сал кам миллион туп дарахти бор Тошкентда нима кўп, серсоя жойлар кўп. Лекин сояда ҳам иссиқ қирқдан ошгандан кейин киши ўзини қўядиган жой тополмай қолади. Нур кўплигидан қисилган кўзлар қурқшаб йилтирайди. Тер қуйилади. Бир кўчадан ўтгунча неча қайта тўхтаб сув ичасиз. Троллейбус ёки трамвайга тушганда очиқ деразага томон интиласиз, у ерда ўзини шамолга солиб ўтирганлар чинакам баҳтиёр кўринади. Бироқ ўзингиз ўтириб қолсангиз дераза темири ҳам қизиб кетганини, шамол ҳам олов пуркаётганини сезасиз.

Фақат Анҳор Чимён тоғларидан олган муздай сувини иссиқ жойлардан суръат билан олиб ўтади-да, кун олов бўлиб ёнганда ҳам бағридаги тоғ ва тонг салқинлигини йўқотмай, шаҳар бўйлаб оқади. Туш пайти унинг ҳар иккала қирғоғи чўмилувчиларга тўлиб, шифил солган жийда шохидай бўлиб кетади, суръатли қўнғир тўлқинлари эса қулоч ёзиб сузаётгандарни ҳам, резинка камерага миниб олган болаларни ҳам ҳокимона олға суради.

— Жуда тез-э.— деди Зокир сувдан чиқиб Фарида-нинг ёнига чўзилар экан. У ҳансирар эди.— Шунча қилсам ҳам мўлжаллаган жойимдан чиқолмадим.

— Елкангиз қизариб кетибди,— деди иссиқ қумда ёнбошлаб ётган Фарида.— Ёмон шўнғибсиз, шекилли.

— Йўқ, совуқдан қизарган. Сувни қаракг — ях.

— Рост-а, бояги иссиқлар қаёққа кетди? Ҳаммаси тушга ўхшайди.

— Яна келмайман дейсиз. Нима азоб уйда димиқиб ўтириб? Қаранг, қанча одам чўмилиб юрибди.

Улар ҳали қуриб битирилмаган стадион яқинида ўзларини офтобга солиб ётардилар. Гандирдай қизиган ер ва муздай тоғ суви туташган бу жойда, ҳамма ёқни тўлдирган чўмилувчилар орасида Фарида ўзини табиатнинг оддий бир қисмидай сезар, Зокир билан жўн ва бемалол муомала қиласарди. У саккиз-тўққиз ёшида ўзи тенги ўғил болалар билан мана шундай бемалол ўйнаб юриб сузишни ўрганган, кейинчалик Наримон билан ҳам чўмилишга келган эди.

— Наримон жуда шўнгийди-да, — деди у шуни эслаб. — «Хўп» дейди-ю, йўқ бўлиб кетади. Анчадан кейин қарасангиз аллақаердан бориб чиқади. Мен ҳеч шундай қилолмайман.

— Машқ қилсангиз қийин эмас. Кўпроқ ҳаво оласиз-у, дамингизни чиқармай турасиз.

— Хо, жуда осон бўлибди-да!

— Ҳа, мана исиниб олай, кўрсатаман.

— Уҳ, уҳ, куйдим, ёндим, — деб Фарида ўзини дарахт соясига олди. Сариқ купальнигининг этагидан, оппоқ сони ва елкасидан қум тўкилди. Зокир қумга беланиб юз тубан ётган ҳолда бошини буриб унинг чиройли баданига қарар ва ширин жилмаярди. Фарида унинг бу қараши ва жилмайшини сезиб қолди.

— Ҳеч қораймабсиз, — деди Зокир нега қараганини осойишта тушунтириб.

— Вақт қани? Бу сессия тоза боплади-ку бизни!

— Лекин мен учун яхши сессия бўлди.

— Олинг-э. Нимаси яхши, стипендиантликдан тушганингизми?

— Ҳа.

Бир сиқим қумни тиззасига қўйиб ўйнаётган Фарида унга таажжубланиб қаради.

— Мен тушдим-у, — деди Зокир, — сиз аразингизни ташладингиз. Бўлмаса жуда узоқлашиб кетган эдик.

Фарида бу гапни бошқа жойда эшитганда ким билади, нима деб жавоб берарди! Лекин ҳозир тиззасига қум қўйишда давом этиб беозор кулиб қўйди. У энди Зокирни кечирган эди. «Менга барибир, — дерди

ицида,— лекин Зокирга қийин. Майли,— дўстлйгимиз қолаверади». Фариданинг яқин дугонаси йўқ. Наримон эса аспирантуранинг охирги курсида диссертация ёзиш, тажрибалар ўтказиш билан жуда банд, Ленинграддан қачон келиши ҳалигача номаълум. У Наримонсиз ҳеч қаёққа кетмай, каникулни шаҳарда ўтказмоқда.

— Рост,— деди у Зокирнинг гапига жавоб берил,— ўшанда мен ўзим келиб ярашдим. Биласизми нега? Истматдан шунақа бўлиб чиққанингиз учун мен ўзими гуноҳкор сездим. Рост, орамиз бузилиб, сизнинг ўқишдан хаёлингиз бўлинганмикин, дедим. Киши сезиб туриб шундай оғир пайтда ёрдамга келмайдими?

— Раҳмат, Фарида.

Фарида кафтини кафтига уриб қоқди-да, ўрнидан турди.

— Келинг, яна бир тушиб чиқайлиг-у, кетайлик!

— Мен ҳали исиниб бўлганим йўқ,— деб Зокир туриб ўтиради.— Мунча шошиляпсиз?

— Соат тўрт бўлиб қолгандир. Нақ тўртда почта келади.

Зокир унинг Наримондан хат кутаётганини эслади.

— Мен кетдим. Ушланг!— деб Фарида югуриб борид-ю, сувга томдан сакрагандай оёғи билан сакраб тушди.

Зокир дўнгликка кўтарилиб боши билан шўнғиди ва унинг олдидан кесиб чиқиб бир қўлини белига солди.

— Ушладим-ку!

— Э қўйворинг, чўкаман.

Балиқдек совуққина тана бир силтаниб, Зокирнинг билагидан чиқиб кетди. Фарида қурбақа сузиш қилиб қирроққа қараб борар экан, сув пуркаб кулди.

Кўп ўтмай улар кийиниб, кўприкка томон йўл олишди. Иккови ҳам хушвақт эди. Анҳор салқини ҳамон Фариданинг баданидан кетмас, Зокир эса, балиқдек совуққина танани ҳали ҳам ҳис этиб турганга ўхшарди.

— Биз чўмилиб чиққунча кўчалар ҳам салқин бўлиб қолибдими?— деди Фарида.

— Ҳа, қиши киряпти, хабарингиз йўқми?— деб Зокир қаҳ-қаҳ уриб кулди.

— Ие, ҳа, иссиқ қайтгани йўқми бўлмаса?

— Йўқ, Ахборнинг салқинидан кейин шундай туюляпти. Ҳали бу кечгача кетади.

— Йўқ, барибир, куннинг тафти қайтган.

— Қайтгани йўқ.

— Қайтган. Юринг, кўрасиз. Бизнида термо-метр бор.

— Юринг.

Лекин Фарида уйларига келиб хат-хабар йўқлигини эшилди-ю, термометрни ҳам унуди.

Печакгуллар қоплаган айвонда Фариданинг ойиси Раҳима Салимовна елпиниб ўтиради. Томнинг соясида бўйи баланд майкачанг бир йигитча боғлоғлиқ турган итга тош отиб ўйнарди. Зокир Раҳима Салимовна билан сўрашаётганда Фарида ичкарига кириб кетди.

— Яхши дам олиб юрибсизми, қани ўтиринг,— деди Раҳима Салимовна унга истар-истамас жой кўрсатиб.— Уфф, бу кунга бир бало бўлди. Ҳамма ёқ ёниб кетяпти.

Зокир ўтираётганда кучук вангиллади.

— Ким у?.. Ҳой, Шавкат, бу нима қилганинг? Бу ёққа кел. Боғлоғлиқ кучукни ҳам урадими дунёда?

— Тегиб кетди-да,— деди бола айвонга чиқар экан.

Зокир боланинг калта қирқилиб пешонасига тушириб қўйилган сочиға қараб уни илгари ҳам шу ерда бир кўрганини, Фарида «тогамнинг ўғли, ўнинчида ўқийди» деганини эслади.

— Қел, аканг билан кўриш,— деди Раҳима Салимовна.

Шавкат Зокир билан индамай кўришди-да, тўқима стулни четроққа суриб ўтириди. Ҳамма ёқ иссиқдан мудраётганда пашшалар ғайратланиб учарди. Уларнинг ғинғиллаши орага тушган жимликни ўнғайсиз қилиб таъкидлади. Зокир бирор нарса дейиш учун:

— Мактабни битирдингизми, йигит?— деди Шавкатга. Тасдиқ жавоби олиб табриклади ва давом этди.— Энди йўл бўлсин? Яна ўқийсизми?.. Қаерда?

Шавкат оёғининг тагига қараб елкасини қисди.

— Ҳамма жойда ҳам ўқиб кетса бўлади,— деди Раҳима Салимовна.— Лекин қандай киради? Ҳозир

ўқишга кириш учун ё медаль керак, ё ошина-бәйни. Бунда на униси бор, на буниси, Фариданинг отасига умид боғлаб юриб эди, у киши ҳам курортга кетиб қолди.

— Тарихга ҳавасингиз борми?— деди Зокир болага қараб. Унинг бу гапи «тарих факультетига киргизб қўяйми?» дегандай эшитилди. Шунинг учун Шавкат ҳам, аммаси ҳам баравар:

— Ҳа,— дейишиди.

— Кирсанг мана шу Зокиржонлар билан ўқиисан-да,— деди Раҳима Салимовна Шавкатга.

«Э бу киши менинг отимни билар экан-ку»,— деди Зокир ўзича. Фариданинг ойиси шу вақтгача «Зокиржон» деган эмас эди. Зокир шу болани ўқишга киргизса ўзининг бу уйдаги обрўси қанчалик ошишини тасаввур этди.

— Бу йилги қабулга менинг ҳам бир оз алоқам бор,— деди у ўзининг комсомол секретари эканини назарда тутиб,— ҳаракат қилиб кўришим мумкин.

— Жуда катта иш бўлади-да, Зокиржон. Бир умр эслаб юрадиган яхшилик қиласиз.

Ичкаридан сочини орқасига турмаклаб, енгиз гулдор халат кийиб Фарида чиқди. Зокир унинг ҳам бир оғиз мамнунлик билдиришини истарди. Лекин Фарида ўз ғами билан эди:

— Телефон заказ қилсаммикин-а?

У Наримонни ўйлаган сари Зокир эътибордан четда қолар ва руҳан қийналарди, лекин буни билдириласликка ўрганган эди.

— Ҳа мунча. Йўлига қараб ёзни ҳам ўтказиб юборяпсан, на дам олиш бор, на бошқа. Бу ердагиларнинг ғамини ҳам есанг-чи? Шавкатни факультетингга ўрнаштири деганимда кулувдинг. Мана, Зокиржон ҳаракат қилса бўлади, дейдилар.

— Зокир-а?— деди Фарида Зокирга таажжуб билан ўгирилиб.— Дам олиш уйига кетмоқчи эдингиз-ку?

— Путёвкани қайтариб бердим. Нима керак? Тошкентда ҳам яхши дам олиш мумкин, а йигит?— деди Зокир Шавкатга.

Йигит бош иргиб маъқуллади.

— Барibir энди кечикди,— деди Фарида қовоғини солиб,— бизнинг факультетга ариза қабул қилиш тўхтатилган,

Раҳима Салимовна умид билан Зокирга қаради. Зокир Фариданинг менсимаганини сезиб, ўзининг нималарга қурби етишини кўрсатиб қўйгиен келди. Раҳима Салимовнанинг бу умидвор қарави эса ғайратига ғайрат қўшди. «Жуда бўлмаса акамга айтаман,— деб ўйлади у,— бир телефон қилса иш битади».

У Фаридага:

— Майли-да,— деб осойишта жавоб берди.

Фарида «нима керак?» дегандай елка қисди. Зокир эса Шавкатга юзланди:

— Лекин имтиҳонларга яхши тайёрланасиз-да. Айниқса тарихдан. Хўпми?

— Хўп.

— Бўлмаса эртага соат... ўн бирларда келинг. Бизнинг қабул комиссиясини биласиз-а? Марказий корпусда конференц зал бор. Ёзувларига қараб бир-пасда топасиз.

### 37

Қабул комиссиясини эшикдаги ёзувидан ҳам олдин одам чумолидай қатнаётганидан топса бўлар эди. Айниқса ҳозир ҳамма аудиториялар бўшаб ётгани учун бу гавжумлик кўзга яққол ташланарди. Турли шаҳар ва қишлоқлардан келганликлари турлича кийим ва шеваларидан билиниб турган ёш-ёш йигит-қизлар конференц залнинг ичи-сиртини тўлдириб юрган эди. Зал бўйлаб айланасига қўйилган столларда ҳар факультетнинг ўз вакили ўтирибди. Тарих факультети қабул комиссиясининг секретари Эшонбоев тўрдаги стол ёнида бўлиши керак эди, лекин Зокир эшикдан кириб, одам кўплигидан уни анчагача кўра олмади.

Ҳужжатларини қоғоз папкага солиб қўлтиқлаб олган Шавкат ҳам шу ерда эди. Зокир бирорга суйкалиб, бирорни итариб, зал тўрига уни эргаштириб бора бошлади. Шу пайт қаршиларидан чиқиб келаётган Эшонбоевнинг боши кўринди. Бир талай одам уни қуршаб орқасидан эргашиб келар ва «ўртоқ Эшонбоев, ўртоқ Эшонбоев» дер, у бош чайқаб, нуқул: «Бўлмайди, қабул йўқ, гап тамом», дерди. Халойиқ Зокир билан Шавкатни бир чеккага суриб ташлаб, Эшонбоевни наридан олиб ўтиб кетди.

Зокир ўз бўйнига олган ташвишнинг нақадар қийинлигини энди сезди ва терлаб кетган Шавкатга қараб ўшқирди:

— Кучук уриб юрмай ҳужжатни эртароқ топширсангиз бўлмасмиди.

— Топширган эдим, конкурсадан ўтолмайман деб бугун қайтариб олиб келдим-ку!

Қаерга топширган эдингиз?

— ТОШМИга.

«Бу ҳам Раҳима Салимовна менга ишонгандари туфайли»,— деди Зокир ичида истеҳзо қилиб. Сўнг Шавкатга «шу ерда тур» деб ишора қилди-ю, Эшонбоевни кўздан йўқотмаслик учун ташқарига шошилди.

Эшонбоев ўзига эргашган одамларни битта-битта орқада қолдириб деканатга қараб борар эди. Сўнгги бир неча киши деканат эшиги олдидан қайтди. У ичкарига кирди-ю, дарҳол эшикни ёпиб олди. Зокир келганда юзи ва бўйинларидан терини артар ва:

— Энди ҳеч кимни киризманг-э,— дерди секретарь хотинга.— Кошиб келдим. Уфф...

Лекин Зокирни кўриб дарров овозини ўзгартирди:

— Қаерда юрибсиз? Қабул масаласида комсомол ташкилоти бизга ёрдам берадими, йўқми? Ё бу сиёсий аҳамиятга эга бўлган компания эканини унудингизми?

— Нега? Мана, келдим, ёрдам керак бўлса жоним билан,— деди Зокир қувониб.

— Бўлмаса бундай,— Эшонбоевнинг бир оз чехраси очилди,— ҳозир конференц залда биздан ҳеч ким қолмади. Менинг бир-икки соатлик ишим бор. Сиз бориб ўтириб туринг. Навбатчи бўлиб. Қиладиган ишингиз шуки, кирувчиларнинг саволларига жавоб берасиз. Ариза билан келишса, ҳозир қабул қилинмайди, қирқта ўринга тўрт юзта ариза тушди, дейсиз. Имтиҳонларга киритилганларнинг рўйхатини сўрашса индин чиқади, дейсиз. Ҳужжатини қайтиб оламан дейдиганлар бўлса обеддан кейин келсин, мен ўзим бориб бераман. Тушунарлими? Боринг тезроқ. Битта-яримта келиб қолса гап тегади.

Шундай иссиқ пайтда тиқилинч залнинг тўрида бир неча соат ўтириш унча ёқимли бўлмаса ҳам Эшонбоевнинг топшириғи Зокирга ёқди. «Энди иш

осон кўчади,— деди у ичида,— бирор киши ҳужжатини қайтиб олса ўрнига буни қабул қилинг дейман».

Шу умид билан у соат бешларгача ўтириди. Эрталаб иштаҳаси бўлмай овқат емаган эди, энди обед ҳам қилмай, роса қорни очди. Ҳужжатини қайтиб олувчилар ҳам бўлмади. Аксинча, ҳамма ариза топширишни истар, «яна биттагина қабул қилсангиз ҳеч нима қилмас, барибир ҳали конкурс бўлади-ку», дерди. Зокир нуқул, «йўқ, битта ҳам мумкин эмас», деб жавоб берарди. Шу атрофда қофоз папкани қўлтиқлаб юрган Шавкат эса: «Ёлғон, битта мумкин» деяётгандай бўларди.

Иссиқ қайтиб одам сийраклашиб қолганда Эшонбоев келди. Унинг сал шишинқираган қовоқлари ватиниққан юзи тушда ҳузур қилиб ухлаганидан, йилтираётган тишлари ва ёғлиқ лаби уйқудан туриб, яхши овқат еганидан дарак берарди. Зокир унга қараб қорни очганини оғир ҳис этди. Лекин секретарлик ўрнини бўшатиб берди-ю, бир ютуниб олиб деди:

— Муҳаммаджон ака, рухсат беринг, укам билан таништирай. Шавкат, бери кел...

— Хўш, хизмат?— деб Эшонбоев Шавкатнинг қўлтиғидаги қофоз папкага қараб қўйди.

— Тарихга ҳаваси борлигини кечроқ билиб қолдик,— деди Зокир пешонасини ишқаб.— Ҳужжатларини олиб келувди. Нима қилсак экан?

— Бу йил энди ҳеч нарса қилолмаймиз.

— Бир йил умри бекор кетмасин, Муҳаммаджон ака,

— Бугун ўзингиз ҳаммага нима жавоб қилдингиз? Зокир гап тополмай қолди.

Бухороча зар дўппи кийган иккита қиз келиб турган эди. Эшонбоев ўшалар билан гапиришгунча Зокир ўзини четроққа олиб турди, сўнг уни холи топиб, яна мурожаат қилди:

— Муҳаммаджон ака, мен сизга ҳеч бундай илтимос билан келган эмас эдим. Албатта, бошқаларни қайтариб, ўзимга яқин одамни ўтказмоқчи бўлаётганга ўҳшайман. Лекин бундай эмас. Қўлимдан келса ҳеч кимни қайтармас эдим. Иложи йўқ... Фақат битта шунга ёрдам берсам ҳам катта гап.

— Ҳамма ҳам битта кишига ёрдам берай дейди,

лекин ҳаммасини йиғиб келсангиз масъулияти қанча бўлади-ю, кимнинг бўйнига тушади?

— Шундай-ку, энди...

Яна кишилар келиб, гап чала қолди. Зокир ундан узил-кесил «йўқ» жавоби олиб, кейин бошқа йўлини қўилмоқчи эди. Масалан, факултет қабул комиссияси-ни бошқараётган Ҳакимовга учраши мумкин. Лекин бунинг бир ёмон томони шуки, конкурс пайтида иш-каллик чиқиб қолса Ҳакимов иккинчи марта илтимо-сини қондирмайди. Зокирнинг режасига биноан ўша-нақа оғир ишкалликка Ҳакимов запас туриши керак-эди. «Э майли, имтиҳонга киргизсам ҳам катта гап, у ёғини эплолмаса айб ўзида дейман».

Шу фикр билан яна Эшонбоев ўтирган столга яқинлашди. Шавкат унга соядай эргашиб юарар эди.

— Ҳали ҳам шу ердамисиз?— деди Эшонбоев Шавкатга.— Бугун вақт ўтди, йигит, уйга кетаверинг.

Шавкат Зокирга «кетайми?» дегандай қаради.

— Ҳа, майли... Мен... Ҳа, ўзим телефон қиласман,— деди Зокир

Шавкат кетди.

— Ўзингизнинг укангиҳими?

— Ҳа, ўгай укам,— деб Зокир бу мавзудан тезроқ ўтиб кетишга ҳаракат қилди:— Энди холоса ни-ма бўлди, Муҳаммаджон ака, узил-кесил иложи йўқ-ми?

— Сизга бир топшириқ бор,— деди Эшонбоев унинг саволига аҳамият бермай.— Қабул қилинган ҳужжатларни кўриб улгурмаяпмиз. Комсомол секретари сифа-тида сиз ҳам бир қисмини кўриб беришингиз керак. Мана, элликта папка.

— Элликта?!

— Қўрқманг, ҳар папкада бир кишининг ҳужжа-ти бор холос. Справкалар тўлиқми, анкетасида ёмон доғ йўқми, шу нуқтаи назардан қараб чиқинг. Балки битта-яримтаси ғалвирдан тушиб қолар. Унда муш-кулингиз осон бўлади.

Зокир кўзларининг паҳтасини чиқариб, «бу мени синаб кўрмоқчими ё чини билан айтяптими?»— деб қа-рарди.

— Лекин жуда тез қилиш керак,— деб Эшон-боев жиддий галирар эди,— уйга олиб кетиш мумкин

эмас. Бугун олтидан кейин қоламиз. Эртага ўн иккигача зал бўш бўлади...

Зокир ошхонага бориб келди-ю, кечаси ўн биргача, сўнг эрталаб ўн иккигача ҳужжат титди. Ишга ўз манфаати ҳам аралашгани учун тирноқ тагидан кир қидиришга виждони йўл бермас, кўнглининг тубида эса бирон кишининг ҳужжатлари бутунлай яроқсиз чиқиб, ҳаққоний йўл билан ўрин бўшашини истар, лекин бунаقا папка ҳеч учрамас эди.

— Наҳотки ҳаммаси беками-кўст бўлса? — деди Эшонбоев ишонинқирамай.

— Майда-чуйда нуқсони бор, лекин...

— Қанақа нуқсон, қани?

— Мана бу Жумаев деганинг доктордан справкаси йўқ.

Эшонбоев дарҳол ўша папкани олиб, ўзи қараб чиқди.

— Шуни майда нуқсон дейсизми ҳали? Балки бунинг юқумли касали бордир?

— Лекин суратига қаранг, касали бор одамга ўхшамайди. Девдай қишлоқ йигити.

— Суратига қараб соғлиғини билиш мумкин бўлганда доктордан справка талаб қилиб юрмас эдик, — деди Эшонбоев ва умумий рўйхатдан Жумаевни топиб ўчирди. — Укангизнинг ҳужжатлари қани?

— Бу ерда йўқ, — деди Зокир бўшашиб. Бир кишининг орзу-умиди хато ёзилган бир ҳарфдай бемалол чизиб ташлангани уни танг қолдирди.

— Боринг, тез олиб келинг, лекин ўзи кириб юрмасин.

Зокир аввал Жумаевни қидириш фикрига борди: агар топилса — баҳти, топилмаса — Шавкат! у коридорни, вестибюлни, зинапояни қаради, одам тўпланиб турган жойлардан:

— Жумаев йўқми? Жумаевни ким билади? — деб сўради.

Лекин ҳеч кимдан садо чиқмади.

Шу билан бир оз виждони тинчланган Зокир кўчага чиқди ва автомат телефон орқали Фаридаларни кидан Шавкатни чақирди.

Икки кун ўтгандан кейин вестибюль деворини тўлдирган узундан-узоқ бўйруқ рўйхатда Шавкатнинг фамилияси ҳам чиқди.

Лекин ҳали энг қийини олдинда эди. Унинг конкурсдан ўтишига Зокир бир оз шубҳа қилар, ҳужжат топширилган куни зиёфат қилиб берган Раҳима Салимовна эса: «Зокиржон бор, албатта ўтади, менинг кўнглим тўқ», деб ишонч билдирарди. Бу ишончни оқлаш учун баъзи бир эҳтиёт чоралари кўриш керак эди. Шавкатни биринчи навбатда имтиҳон берадиган группа га киритиш керак, чунки йиқилиб чиқса иккинчи навбатдагилар билан қайта топширишини уюштириш мумкин.

Шу ният билан Зокир яна Эшонбоевнинг олдига борди, лекин «қараашгани келганини» айтиб улгурмасдан залда Очил пайдо бўлди. Зокир у билан келган йигитни кўрди-ю, юраги шув этиб кетди: Жумаев! У ҳақиқатан бўйин ва жағ мускуллари бўртиб турган барваста йигит эди.

— Ўртоқ Эшонбоев,— деди Очил,— бу киши менинг ҳамқишлоғим бўлади. Кўпдан бери археолог бўламан, деб орзу қилиб юрганини биламан. Районимизга борган археология экспедициясида ер қазувчи бўлиб ишлаган. Лекин доктордан икки энлик справкани кечикиб келтиргани учун ҳужжатларини қайтиб берибсиз.

— Ҳа, сизнинг ҳамқишлоғингиз бор экан деб қоидани бузишимиз керакми?— Истеҳзо қилди Эшонбоев.

— Қоидани бузинг деяётганим йўқ, шароит билан ҳисоблашинг демоқчиман. Қишлоғимиз кичкина, врач сельсоветда. Жумаев ҳужжатларини юбораётганда врач ҳам отпускага кетган экан. Шунинг учун справкани кеча ўзи билан олиб келибди. Наҳотки шуни тушуниш қийин бўлса?

— Сизни бу ерга ким воситачи қилиб юборди ўзи?

— Агар бировнинг воситачи қилиб юбориши шарт бўлса, мана, марҳамат,— Очил чўнтағидан тўрт букланган яrim бет қофоз чиқарди.— Мен редакциядан келдим.

Эшонбоев тепасига босмахона ҳарфлари билан ёзилган редакция бланкасини кўриб бир кайфи учди, лекин гувоҳномани ўқиб, муваққат эканини билди-да, қаддини ростлади.

— Редакция сизни шу ишга воситачи қилиб юбордими?

— Махсус шу ишга эмас, умуман...

— «Умуман» икки кунлик гувоҳнома билан дўқ уриб, редакциянинг номидан қариндошингизни ўқишига жойлаб қўймоқчимисиз? Ким сизга шундай ҳуқуқ берди?

— Э ака, Самадов сизга дўқ ургани йўқ,—деб Жумаев гапга аралашди. Унинг бастига яраша жуда кучли овози бор эди.— Бу киши сиз айтган одамлардан эмас. Мени яхши билгани учун бирга келди. Ҳамқишлоқ бўлгандан кейин йўл-йўриқ кўрсатмайдими, ахир? Ўзингиз дўқ уряпсиз-ку, ака!

Эшонбоев бошқа гапиришни истамай ичкари хонага кириб кетди. Жанжал чиқишидан қўрқаётган Зокир Жумаевга гап қотди:

— Ўтган куни қаерда эдингиз? Мен справка кераклигини сизга айтмоқчи бўлдим, лекин қидириб топа олмадим.

— Ўтган куни мен йўлда эдим... Э бу қанақа одам ўзи!—деди Жумаев тутақиб.— Тарихнинг кўчасидан ўтмаган болаларни имтиҳонга киргизибди-ю...

— Агар шунақа бўлаверса бу йилги биринчи курс бўлганича бўлади,— деди Очил Зокирга қаратади.— Энг яхшилар кирсин деб конкурс қилинади-ю, энг ёмонлар киради.

Зокир бир қўли билан юзини ишқади ва кутилмаганда:

— Юринглар,— деди,— Эшонбоевдан иш чиқмайди. Энди фақат ректорат имтиҳонга киритиши мумкин. Қўшимча рўйхат бўлади деб эшитган эдим. Үтириб ариза ёзинг. Тез!

Зокир уларни тўғри ректорнинг қабулхонасига эргаштириб борди. Арзга келганлар кўп эди, секретарь аёл ректорнинг тезда зарур иш билан чиқиб кетишни айтиб, кутманглар деди. Лекин Зокир Жумаев билан Очилга, «ишларинг бўлмасин» дегандай ишора қилиди-ю, ректорнинг кабинети эшигига яқин бир жойда тикка туриб кута бошлади. Кўп ўтмай эшик очилиб, Султон Алимович кўринди. У жужунча костюм кийган, бўйи ўртадан кўра пастроқ, соchlари мош-гуруч рангда, лекин ҳали қалин, юзи қорамағиз киши эди. Ҳеч кимга қарамай тез чиқиб кетаётганда Зокир унга биринчи бўлиб салом берди.

— Султон Алимович, мен тарих факультетининг комсомол секретариман, ярим минутлик гапим бор эди.

кечирасиз,— деб уни тўхтатди.— Мана бу ўртоқ бизнинг факультетга жуда муносиб. Ўзи археология экспедициясида ҳам ишлаган.

Султон Алимович Жумаевга қаради. Зокир Жумаевнинг рўйхатдан қандай тушиб қолганини қисқа ва лўнда қилиб айтиб берди. Султон Алимович унинг қўлидаги аризани олди-ю, қабулхонадаги стол ёнига бориб, тикка турган ҳолда резолюция қўйди ва секретарига берди.

— Бундан буён ишни пухта қилинг, йигит,— деб Жумаевга қараб мулойим кулимсиради-ю, чиқиб кетди.

Улар учови ректордан ҳам, бир-бирларидан ҳам жуда хурсанд бўлишиб кўчага чиқдилар. Айниқса Зокир бир гуноҳдан соқит бўлгандай енгил тортмоқда эди.

— Бу бизнинг ҳамкурсими Зокир Маннонов, танишиб қўй,— деб Очил уни Жумаевга энди танитди.

— Раҳмат, aka,— деди Жумаев Зокирга.— Секретарь экансиз, факультетларингизга кирсам ҳар қанча топшириқ бўлса ҳам «ғинг» демай бажараман.

— Зокир, сиз шу ердамисиз?— сўради Очил хайрлашаётиб.— Мен командировкага кетадиганман. Шу ерда бўлсангиз бу йигитдан бир хабар олиб қўймайсизми? Конкурсдан ўтса керак-ку, лекин билиб бўлмайди-да. Битта-яримтаси суриб ташлайдиган бўлса...

— Хўп, албатта, агар шу ерда бўлсан хабар оламан,— деди Зокир.— Нима, чинакам мухбир бўлиб кетдингизми энди?

— Йўқ, вақтинча. Ўқиш бошланса чиқаман.

Зокир улар билан хайрлашди-ю, кираверишдаги ақация соясида бирпас иккиланиб турди. Эшонбоевнинг олдига боргиси келмасди. Уни қанчалик ҳурмат қилмасин, «бусиз мумкин эмас» деб баъзи ишларини қанчалик кечирмасин, Фарида кўз олдига келса виждони азобланарди. У Раҳима Салимовнага берган ваъдасини қандай амалга ошираётганини Фаридага билдирамас, фақат натижасидан хабардор қилиб борар, лекин билса ёмон бўлишига кўзи етарди. Аммо сўзининг устидан чиқмаса ҳам бўлмайди. Мақтанчоқ деб кулишлари мумкин, Раҳима Салимовнанинг энди пайдо бўлиб келаётган меҳридан айрилиши мумкин. Бу меҳр унга жуда керак. Йўқ, сўзининг устидан чиқиши шарт. Зуфар Ҳакимович айтгандай... яхши мақсадга ёмон восита билан эришиш айб эмас.

У қатъий юриб конференц залга қайтди. Энди кирувчилар имтиҳон тараддуни билан тарқаб кетган ва залда одам сийраклашиб қолган эди. Эшонбоев аллақаердан вентилятор топиб келиб, ўзини шамолига тутиб ўтирад, стол устидаги қофозлар қанот бойлаб учадигандай талпинарди. Зокир Эшонбоевга ўз мақсадидан гап очган эди, Эшонбоев шу қофозларга ишора қилиб сўради:

— Бизнинг муҳокамада бормидингиз?

Унинг боблари муҳокама қилинганда Зокир йўқ эди, лекин одоб юзасидан «ҳа» маъносида бош иргади.

— Протоколини кўриб турибман. Акбаровнинг бузуқ гаплари эсингиздами? «Илмий иш пропагандистнинг мақоласидан фарқ қилиши керак» эмиш. Фанга пропагандани қарши қўймоқчи. Буржуа олимлари шунаقا «тоза» фан учун жон куйдиради, сентябрда яна муҳокама бўлади, кўрамиз. Сиз менинг ишимни ўқигансиза?

— Тўлиқ эмас,— деди бутунлай ўқимаган Зокир.— Энди тўлиқ ўқимоқчиман.

— Марҳамат, бир нусха беришим мумкин. Акбаровнинг тақризини ҳам кўриб чиқинг. Фикрингизни айтсангиз яхши бўлади... Хўп, укангизни гапирмоқчи эдингизми?.. Шундайми? Майли, мана, биринчи гуруҳга киргизамиз.

### 38

Зокир кутгандай, Шавкат конкурсдан ўта олмади. Тарихдан «ўрта» олиб чиқди. Бутун қилиқларидан мустақил эмаслиги, ҳамма нарсага осонгина эришиб ўргангани билиниб турган бу бола Зокирнинг кўзига балодай кўрина бошлади. Кўчада ўша акациянинг соясида туриб, ачитиб-ачитиб гапирди: гап орасида Фаридага ҳам тил текизилди.

— Ҳеч бўлмаса тарихдан ёрдам бермайдими? Қанақа опа у?

— Аммамлар ҳам шундай деб уришдилар. Наримон ака келмайдиган бўлгани учун жини қўзиб юрибди.

— Қимнинг, Фариданингми?— деди Зокир беихтиёр қизиқиб.

— Ҳа, Фарида опамни.

— Нега келмайдиган бўлибди?

Шавкат аччиқ гаплардан қутулганини сезиб, ба-  
тафсил гапира бошлади.

— Билмасам. Иши кўп эмиш. Августда келади, деб  
юрувди. Энди боролмайман дебди. Бир ўртоғи келган  
эди, ўша айтиб келди. Ҳеч бўлмаса хат ёзиб ҳам бер-  
мабди. Шунга жуда аччиғланди.

— Фарида аччиғландими?

— Йўқ, Фарида опам йиғлади. Аммам аччиғланди.  
Яхши кўрса бунақа қилмас эди, бошқа бирорни топиб  
олган, дедилар.

— Фарида нима дейди?

— Қулоқ солмайди. Қейин бир марта аммам сизни  
айтдилар. Дам олишга бормади, укангнинг ҳаракатини  
қилиб юрибди, дедилар. Жонингни бер десанг бергу-  
дай, дедилар. Наримоннинг ўзи келмаса чақирсам эди,  
томуша қилиб келар эдинг, дедилар. Икки энлик хатга  
ҳам лойик кўрмабди-я! Э, муҳаббат ҳам кўр бўлар  
екан-э, дедилар.

— Фарида-чи?

— Фарида опам йиғлаб ҳовлига чиқиб кетди.

Зокир ўнг қўлини акация танасига тираб, чап қўлини  
белига қўйиб, узоқларга тикилиб ўйланиб қолди. Шав-  
кат унинг оғзини пойлар, навбатдаги саволига ҳам дар-  
ҳол жавоб беришга тайёр эканини бутун важоҳати билан  
билдириб турарди.

— Нима, аммангиз Наримонни ёқтирмайдими?— де-  
ди ниҳоят Зокир.

— Ҳа, Наримон акамнинг отасини ҳам ёқтирмайди-  
лар. Фариданинг ойисида мешчанлик қолдиги бор де-  
гандан бери.

— Ким, Акбаров шундай дебдими?

— Ҳа. Эшигтан одамлар аммамга келиб айтди.

— Ҳўп, боринг,— деди Зокир,— аммангизнида ўти-  
ринг, керак бўлса телефон билан чақираман.

Энди Ҳакимовга учрашиш керак эди. Аммо у дека-  
натга келиб бирталай кутувчиларнинг устидан чиқди.  
Бирорлар Ҳакимовнинг номига хат қилдириб келган, би-  
ровларнинг ҳомийлари бирга ўтирибди, бирорлар ёлғиз.  
Деканинг ўзи йўқ. Унинг кабинетида дам-бадам теле-  
фон жиринглайди. Зокир секретардан Ҳакимовнинг қа-  
чон келишини сўради.

— Айтиш қийин. Ҳа, ҳозир бораман деганига бир  
соат бўлди.

Зокир кўпчиликка қўшилиб уни яна бир соат кутди. Ниҳоят Зуфар Ҳакимович иссиқдан ҳалпиллаб кириб келди. Малла шойи шим ва енги қалта кўйлақда семизлиги жуда билиниб қолган эди. Ҳамма туриб салом беришга шошилди, лекин ҳеч ким йўлини тўсиб арз қилмади. Афтидан, ҳамма кабинетда яккама-якка гаплашишни истарди.

— Имтиҳондан ўтолмаганларни киргизманг,— деди Ҳакимов секретарига,— барибир ҳеч нарса қилолмайман. Бошқа масала билан келганлар бўлса марҳамат.

Энди ҳамма унга қараб интилди: бир неча қўл бирдан хат узатди, кимдир ўзини фалончи директорнинг укаси деб танитди, аллаким ўз отасининг Ҳакимов билан бирга ишлаганини айтди.

— Яхши, яхши. Лекин мен ҳеч нарса қилолмайман. Конкурс шунаقا бўлади. Ўнталарингдан биттани олишимиз мумкин, қолганлар ишлаши керак... Йўқ, йўқ, менинг ҳаққим йўқ. Фақат ректор рухсат бера олади... Ҳа, ректорга боринг, ректорга.

Ҳакимов шундай деб шоша-пиша кабинетига кирди. Зокир унинг ортидан кирмоқчи эди, эшик олдида турган бир бола чаққонлик қилди. Бу Эшонбоев айтган секретарнинг жияни эди. «Бу ҳам йиқилибди-да,— деб ўйлади Зокир.— Агар шу рухсат олса, менга ҳам беради, бўлмаса кутишнинг фойдаси йўқ, акамдан илтимос қилиш керак».

Бола қайтиб чиққач, ҳаммага «йўқ, бўлмади» деб жавоб берди, лекин ёлғон гапираётгани юзидағи қувончдан билиниб турарди.

Бир неча кишидан кейин Зокир кирди.

Ҳакимов аллакимга телефонда рад жавоби бермоқда эди.

— Уфф,— деди у трубкани шақиллатиб қўйиб.— Бундай дардисар ишни кўрганим йўқ. Ҳар бир қариндошингнинг ўқишига кирадиган бирор қариндоши бўлади, ҳар бир танишингнинг конкурсдан ўтолмаётган бирорта таниши бор. Ё шу таниш-билиш, қариндош-уругдан кечиш керак, ё бу ишдан... Манноновмисиз?— деди Зокирни энди таниб.— Хизмат?

Зокир гап бошлагунча бўлмай яна телефон жиринглади. Ҳакимов афтини азобли буриштириб трубкани кўтарди.

— Ҳакимовман. Ҳўш. Ҳа, ҳа... Йўқ, иложи йўқ. Мум-

кин эмас. Битта сизнинг қизингиз эмас-да, ахир тўрт юз кишининг уч юз олтмиштаси шунаقا... ҳа, тўғри, ўзбек қизларини биринчи навбатда олишимиз керак. Лекин конкурсдан ўтса... Ҳа, юқоридан берилган кўрсатма шу... Ким?.. Faфurov?.. Жилуправлениедаги Faфurovgami?.. Беринг, майли, беринг.

Ҳакимов Зокирга қўли билан эшикни кўрсатди-да, ўтирган жойида дераза томонга ўгирилиб, паст товуш билан гапира бошлади. У «чиқиб тур» деган эди, Зокир эшикнинг қия очиқ эканини кўриб «ёпиб қўй» деган маънода тушунди. Эшикни маҳкам ёпди-да, секин дивана га ўтириди.

— Раҳмат, Неъмат Faфuroвич. Ўзингиздан сўрасак?— деди Ҳакимов трубкага. Унинг кулимсираб гапи раётгани овозидан билиниб турарди.— Ишлар дурустми?.. Неъмат Faфuroвич, идорангизда бизнинг ариза ҳам ётгандир... Борку-я, лекин ўғилни уйлантирганимиздан бери торлик қилиб қолди. Ўзингизга маълум — ўзбекчилик. Ҳа, буни ўғилга қолдирсанкевдим. Ҳа, Неъмат Faфuroвич, ҳа... участка бўлганга яраша баҳаво жойдан бўлса... Ким? Э шундайми?.. Қариндошлиги бормиди?.. Менинг хабарим йўқ. Хўп, хўп. Ботирова Рая-да. Ҳа, майли, эртага келсин, ўзим имтиҳон оламан. Ҳа, исключение сифатида. Ҳа. Демак, янаги ҳафта учрашамизми?... Хўп, Неъмат Faфuroвич, хўп. Хайр, хайр.

Ҳакимов бу гал трубкани жойига секин қўйди ва рўмолчасини олиб шошилмай артинди. Унинг юзи ва ҳаракатлари мамнунлик ифода этарди. Бироқ эшик томонга ўгирилиб Зокирни кўрди-ю, ранги қув ўчди:

— Э... А.. Нима гап? Нима қилиб ўтирибсиз?

Зокир сакраб ўрнидан турди:

— Кечирасиз... Мен кутиб ўтирувдим...

— Хўш?

— Укамни ўзимизнинг факультетга киргизмоқчи эдик. Мактабда тарихдан яхши эди. Кеча имтиҳонда домланинг сирин босибдими, шошиб қолибдими, дуруст жавоб беролмабди.

— Бермаган бўлса мен нима қилай?

— Қайта топширишга рухсат берсангиз,— деди Зокир ва одатдагидай кескин бош силтаб сочини орқага ташлади.

Ҳакимов «ялт» этиб унинг юзига қаради ва ҳаммасини эшитганини сездида, бир оз бўшаши. Стол устидаги рўйхатни олдига тортиб сўради:

— Ким деган? Маннонов Оқилми?

— Йўқ, Бозоров Шавкат.

Ҳакимов қаламдондан қизил қаламини олди, қофозга теккизмай рўйхат устидан юргизиб Бозоровни қидира бошлади.

Шу пайт Эшонбоев кирди. У ҳам Ҳакимов сингари уҳ тортиб халойиқдан шикоят қиласар эди:

— Таниш-билишнинг кўплиги қабул комиссиясида ишласанг билинар экан. Уйда ҳам қўймайди, кўчада ҳам, факультетда ҳам. Зуфар Ҳакимович, комиссиянгизда ишлайман деб диссертациям қолиб кетди, ҳали муҳокамада оппонентим мени тириклай ейди!

— Егизгани қўймаймиз,— деб Ҳакимов Зокирга қаради:— Мана бу ёқда комсомол бор, ёрдам берар ахир, а? Акбаров бир нарса деса Самадовга ўхшаган саккизтаси таёқ олиб югуради. Нега Эшонбоевни ҳимоя қилувчилар кам? Хўп, дейлик, менга унча тўғри келмайди, бир нарса десам аспирантининг тарафини оляпти дейишади. Сизга-чи?

— Тўғри, ўшанда мендан ўтди,— деди Зокир.— Эндиғи муҳокамада албатта чиқмоқчиман.

— Ҳа, бундай нарса ҳар кимнинг ҳам бошига тушиби мумкин. Ёшлар чиқаётганда ўрнимни йўқотаман деб тўғоноқ солувчилар бўлади. Эшонбоевга ҳам шунаقا одамлар халақит беряпти. Буни ёшлар фош қилмай ким қиласади? Мана, ҳар қанча материал керак бўлса Муҳаммаджон топиб беради. Акбаровнинг кимлигини мақолаларидан ҳам билиш мумкин, диссертациясидан ҳам. Ҳаммасини текшириб кўриш керак.

— Айниқса, қилган ишидан билиш мумкин,— деди Эшонбоев.— Баъзи бир студентларни бузәётгани ҳам тасодиф эмас. Уша Маҳмудовнинг зарарли таклифи ҳам Акбаровнинг маслаҳати билан бўлган бўлиши керак.

— Шундайми?— таажжубланди Зокир.

— Яширишади-ю, лекин сезиши қийин эмас.

Зокир керакли материалларни тезроқ беришни сўради.

— Ҳозир бўш вақт кўп,— деди у,— тайёрланиб юршишм мумкин.

— Марҳамат, бир қисмини эртагаёқ бераман.

— Хўп,— деб Зокир эшикнинг қабзасидан олди, лекин Ҳакимовнинг олдида очиқ турган рўйхатга қараб тўхтади. Ҳакимов ҳам унинг қандай жавоб кутаётганини тушунди.

— Нима қиласиз,— деди у Эшонбоевга,— рухсат берамизми?

Эшонбоев Зокирнинг нега бу ерда турганига энди тушунди ва ўзи бошқа одамга рухсат олмоқчи бўлгани учун рўйхушлик бермади. Лекин Ҳакимов:

— Майли, комсомол вожагининг сухани ерда қолмасин,— деди.— Боринг, укангизга айтинг.

Зокир чиқиб кетгандан кейин у Эшонбоевга тушуни тирди:

— Ҳозир бизга энг кераги мана шунаقا ёрдамчилар. Ректорат Үмаровни биздаги ўрнига тиклаб буйруқ чиқаряпти.

— А? Шу одамнинг соқит бўлиб келгани чинми энди?

— Чин бўлмаса ҳам, бизга келгандан кейин тинч ўтирамайди. Ў ёқда Тошевнинг иши тўғриланаетган эмиш. Ҳамма ёқ афви умумийга айланиб кетдими, тушунолмай қолдим. Балки вақтинча шундайдир. Ҳар ҳолда... Акбаров ҳам тишини қайраб юрибди. Янги ўқув йили қийин бўладиганга ўхшайди. Ёрдамчилар керак. Мен отпускага чиқмай бу ерда бекорга сасиб ўтирибманми, ахир? Муҳаммаджон, сиз ҳам кейин ёрдами тегадиган одамларга кўпроқ қарашинг.

Зокир ташқи хонада навбат кутиб турганларни кўриб бир қувониб қўйди: буларни мавҳумлик кутяпти, у эса мавҳумликдан ўтди, мақсадига эришди. Энди «иттифоқчи»ларига телефон қилиб севинтириши мумкин. У фақат Раҳима Салимовнани иттифоқчи бўлади деб умид қилган эди, кутилмаганда Шавкат ҳам унга тарафдор бўлиб чиқди. «Қандай яхши!»— деди у қувониб.

Аммо негадир бу қувончининг иссиғи йўқ эди. Кўнглининг тубида аллақандай совуқлик ётар, хаёлига кўримсиз, чиркин нарсалар босиб келарди. У соғ бир кишининг ёнида бўлишни, кўнглидаги совуқликдан қутублиб, қайноқ ҳисларга чўмишни истарди.

Телефонда Фаридаларнинг номерини терар экан, «трубкани ўзи олса эди» деб зориқиб кутди. Лекин уни иттифоқчилари кутар эди, трубкани Шавкат олди-ю,

дарров аммасига берди. Раҳима Салимовна хушхабарни жуда болохонадор ташаккурлар билан кутиб олди.

— Зокиржон, мантини яхши кўрасиз, деб эшитган эдим, бугун мантиназни чақирдим, келинг,— деди.

— Хўп... Раҳмат... Хўп... Фарида бормилар?— деди ниҳоят Зокир кўнглидаги истакка бўйсуниб.

Раҳима Салимовна «ҳозир чақираман» деб трубкани қўйди. Узоқлашаётган қадам товушлари эшитилди, кейин анча вақт жимжит бўлиб кетди. Афтидан Фарида айвонда экан. Мана, қадам товушлари яқинлаша бошлиди, трубкани кимдир олди. Юраги гурсиллаб ураётган Зокир:

— Ало, Фарида? Салом,— деди.

— Иўқ, бу мен,— деб яна Раҳима Салимовнанинг овози келди.— Энди хафа бўлмайсиз, Зокиржон, Фаридангиз кеча Наримон билан телефонда гаплашувди. Ўпка-гина қилиб, уришиб қолибди. Шундан жуда хафа. Қизларнинг феъли шунаقا бўлади, Зокиржон, бир йигитдан хафа бўлса бошқаларидан ҳам аразлайди.

«Э, жуда жиддий-ку,— деди Зокир ичнда.— Киши яхши кўрган одамидан айниса шундай бўлади деб эшитувдим.»

— Тушунаман, Раҳима Салимовна, тушунаман,— деди у трубкага,— «ҳамманг шунақасан» деган ибора борку. Майли, мендан салом денг... Ҳеч қиси йўқ, Раҳима Салимовна, агар мен ҳам бугун боролмасам хафа бўлмайсиз. Шавкат бутунлай ўтиб олсин, кейин албатта манти ейишга борамиз.

Зокир Фаридани кўришни, бирга дардлашишни ҳар қанча истаса ҳам, Раҳима Салимовна «келинг» деб кўп қистаса ҳам бормади. У уч йилдан бери бунақа истакларини енгиб, ўйлаб иш тутиб ўрганиб қолган. Кутади. Фариданинг кўнгли бир оз ёзилсин, Шавкатнинг иши битсин, кейин зафар билан боради.

Шавкат конкурс талаб қилган балга етганда Зокир: «Энди қутулдим», деб ўйлаган эди, лекин Эшонбоев уни деканатга чақириб, кутилмаган бир нарсани айтди:

— Биз қирқ киши олишимиз керак эди, конкурснинг асосий шартини эллик тўрт киши бажарди: олтин медаллар ўн олтига, балини етказганлар ўттиз саккизга. Шулардан бештаси «зapas» учун қолдирилса, тўққизтаси «нушхўрд»га чиқиши керак. Бизнинг вазифамиз шахсий делоларни ўрганиб, сухбатларга чақириб, ким «нуш-

хўрд»га чиқишини белгилаш. Бу масъулиятли ишга комсомол ташкилоти ҳам бош қўшиши керак. Биз Зуфар Ҳакимович билан масалани ўрганиб лойиҳа туздик, сиз ҳам кўриб чиқинг, қўшилсангиз қўл қўйиб берасиз.

Зокир юраги пўкиллаб, аввал тўққиз кишилик рўйхатга кўз югуртириди. Хайрият, Шавкат Бозоров учрамади. Кўнгли бир оз тинчид, катта рўйхатга қараса, Бозоров бешинчи бўлиб турибди. Олтинчи — ўша Ботирова Раја. Демак, Ҳакимов телефонда берган сўзининг устидан чиқибди. Эшонбоев-чи? Ҳа, мана, унинг ҳимоясидагилар ҳам бор. Бу тўққиз кишилик машъум рўйхатга ким тушган экан? Яна аввалги рўйхатни қўлига олди ва Жумаев деган фамилияни кўриб бошини кўтарди.

— Муҳаммаджон ака, бу ўша Жумаевми?

— Ҳа, ўша Самадовнинг қадрдони.

— Лекин шу қолса бўлар эди-да. Тарихга ихлоси зўр экан, экспедицияда ҳам ишлаган экан.

— Ишласа ишлабди-да.

— Ҳар ҳолда қишлоқдан отилиб чиқсан йигит экан...

— Шундайми? Бўлмаса кимнинг ўрнига ўтказайлик?

Бозоровнингми?

Зокир қип-қизил бўлиб кетди. Бир «ҳа» демоқчи бўлди-ю, лекин шунча жойга олиб келиб, энди ташлаб кетишга кучи етмади.

— Яна-тағин ўзингиз биласиз,— деб минғиллади у нима дейишини билмай.

— Ҳаёт шунақада-да, йигит. Киши сассиқ деб бурни кесиб ташлай олмайди... Қани, қўл қўясизми?

Зокир қўл қўйиб, сўнг коридорга чиқар экан, ўн бир яшарлигига бошидан кечирган чиркин ишлар хаёлига босиб келди. Қирқ учинчи йилда озиқ-овқат карточкала-ри тарқатадиган идорада унинг бир тоғаси ишлар эди. Зокир ўша вақтда велосипедга жуда ишқ қўйганди. Аммо отаси бир йил олдин урушда ҳалок бўлган, акаси ҳали фронтда, ойиси рўзғорларидағи буюмлардан сотиб тирикчилик тебратар эди. Зокирнинг велосипедга ҳаваси жуда баланд эканини билган тоғаси бир кун унга яшириқча тўртта нон карточкаси берди. «Ҳар куни нонини олиб сотасан, пўлинин менга келтириб берасан, ойнинг охирида велосипедли бўласан», деди. Бир кило нон фалон пул. Зокир кўп ўтмай уйга велосипед етаклаб келди, ойисига «торам олиб берди» деди. Қейин чарм пальто олгиси келди, осон пул топиш йўлига тушиб, чайқовчилар

оламига яқинлашди, милиционерларга чап беришни ўрганди, қонундан қўрқиш инстинкти пайдо бўлди.

Агар акаси фронтдан қайтмаганда ва уни дарҳол қўлга олмаганда ким билади, ҳозир қаерларда юарди! Тоғаси кейин пул алмаштириш вақтида қўлга тушиб, 25 йил олиб кетди.

Зокир ўша йилиёқ тоғасининг олами билан алоқани бутунлай узган эди. Сал ақли киргандан кейин даҳшатли жарнинг лабига бориб қайтганини тушунди, юқори синфларда актив жамоатчи бўлди, мактабни олтин медаль билан битирди, тарих факультетидаги ҳам энг яхши студентлар қаторига кирди. Аҳлоқида пайдо бўлган ёриқ битиб кетди. Фақат кўнглида яра изига ўхшаш бир ғадир-будур из қолди. Яхши мақсад йўлида баъзан ёмон воситалардан тортина маслиги ҳам шу ғадир-будур изга мос бўлса, эҳтимол.

Сув айланиб ёригини топар, деганлариdek Шавкат масаласи келиб-келиб мана шу эски ёриққа урилди. У ўнгирдай қорайиб турган ёриқнинг изини кўриб қўрқиб кетди: бу ёриқ очилиб кетса унинг ичига қора олам отилиб киради. Худди ёриқ кемага сув киргандай кириб ичини тўлдиради-ю, чўқтириб юборади.

«Қочиш керак,— деди у ичи музлаб.— Лекин қаёқ-қа?» Ҳаёлида ёриғ ва соф бир жой қидирар экан, дарҳол Фарида кўз олдига келди.

У Жумаев учраб қолиши мумкин бўлган коридор ва вестибюллардан тез ўтиб, кўчага чиқди ва автобусда Фаридаларникига кетди.

Одатдаги табриклашлар, ташаккур изҳор қилишлардан кейин Раҳима Салимовна мантига уннаб кетди. Пианинолик хонада Зокир Фарида билан ёлғиз қолди.

Фарида пианинога суюниб тикка турар, силлиқ қора пианино тахтаси устида бугун Наримондан келган хат очиқ ётар эди. У Зокирнинг руҳи жуда сўник эканини кўриб:

— Мен ҳам раҳмат айтишим керак эди,— деди,— айтмаганимга хафа бўляпсизми?

— Йўқ, Фарида, мен раҳмат учун қилганим йўқ. Хафа бўлсан ҳам бошқа нарсадан хафаман. Ҳаётда соф нарса билан жирканч нарса аралаш эканидан хафаман. Соф нарсага қўл бериш учун жирканч нарсага ҳам қўл уришга тўғри келар экан.

— Шавкатни ўрнатиш жирканч иш бўлган, лекин ме-

ни деб қилгансиз. шундайми? Зокир, мен буни истаган эмасман, билганимда сира ҳам қўймас эдим.

Зокир унга жавобаи деди:

— Истамаганингизни биламан. Лекин истаганингизда ҳам йўқ демас эдим. Мен сиз учун ҳамма нарсага тайёрман, Фарида.

Зокир бу гапни бояги ички кечинмалари таъсирида шундай ҳаяжонланиб айтдики, Фарида ростлигига ишонди. Зокирнинг жавобсиз севгиси нақадар қийин савдо эканини ҳам Фарида энди жуда чуқур ҳис қилди ва қаттиқ ачинди. Аммо бу ишонч ҳам, ачиниш ҳам унинг қалбидаги бошқа азиз ҳисларни емираётгандай бўлди. У мувозанатини йўқотиб бир нарсага таянмоқчи бўлган кишидек қўлини Наримоннинг хатига босди.

— Тунов куни телефонга келмаганимда ҳам хафа бўлгандирсиз-а? Ӯшанда жуда таъбим хира эди. Наримон билан уришиб қолувдим,— Фарида ўтмишга айланган кулгили бир нарса ҳақида гапираётгандай кулиб қўйди.— Мен қаттиқ гапиравудим. Бошқа топиб олган бўлсанг очиқ айт, деб. У аччиғланиб труккани қўйиб қўювди. Кейин хати келди. Ҳаммасини ёзибди.

— Ишқилиб,— деди Зокир,— сиз баҳтиёр бўлсангиз бўлди. Мен ҳар замонда кўриб турсам бас... Ҳозир мен қандай олдингизга келганимни билсангиз эди, Фарида. Гўзаллик, софлик шундай нарса эканки, киши энг оғир минутларда бирпас яқинида бўлишни истаркан. Кўнгил шундай қўмсаркан, шундай оқаркан...

Унинг муҳаббат изҳорини жим әштиш яхши эмаслигига Фариданинг ақли етарди, албатта. Лекин бу тошга тушаётган томчилардай хавфсиз туюларди. Томчи тошни ҳам кесиши мумкинлиги унинг хаёлига келмасди.

— Наримон ёзибди,— деб у гапни мулойимлик билан бурди,— гидротрубина заводида тажриба ўтказяпман дебди. У энергетик-да, биласиз-ку. Ҳозир ишининг жуда оғир пайти экан. Бунинг устига мен телефонда хархаша қилдим, икки кеча ухламай чиқибди. «Унақа эмас эдинг-ку, нима бўлди?» деб ёзибди. Истасанг кел, дебди. Бориб нима қиламан? Ишига ҳалақит бериб. Энди кеч ҳам, каникул тамом бўляпти. Сиз ҳам менга қўшилиб каникул қиломадингиз-а?

Зокир унга тикилиб тураг, Наримон ҳақидаги гапни таъсиrlаниб әшитаётгани кўзлари чақнаётганидан билинарди. Бу ўт азоб ўти эканини Фарида сезарди.

— Манти пишганча бир Аңдорга тушиб чиқамизми?—  
деди қиз тўсатдан.

— Майли,— деди Зокир қувончли жилмайиб.

— Мен ойимга айтай... Ойи, ҳо ойи, биз Аңдорга  
кетяпмиз.

Раҳима Салимовнанинг овози келди:

— Бора қолинглар, салқинлаб келасанлар. Энди ка-  
никулнинг қолганини каниулдай ўтказинглар, болала-  
рим.

## 39

Тун. Маҳкам супада юлдузларнинг милтиллашига ти-  
килиб, Сирдарёнинг бир қиёмда шовиллашига қулоқ со-  
либ ётар ва ухлашга ҳаракат қиласарди. Тоғ томондан эс-  
ган шамол ўқтин-ўқтин завод шовқини ва паровоз чин-  
қиригини олиб келарди — уларнинг уйлари завод билан  
дарё оралиғидаги шаҳарчада эди. Шаҳарча атрофида  
дарёдан чиққан каналлар билан заводга борадиган те-  
мир йўллар чатишиб ётар, табиат ҳам механизмлар ҳам  
айниқса кечаси қудратли товуш берарди. Ёшлиқдан та-  
ниш бўлган бу товуш ва юлдузларнинг сирли милтилла-  
ши каникулни дастлабки кунларида Маҳкамни тез ух-  
латарди. Лекин бора-бора булар ҳам одатдаги нарсалар  
қаторига кирди ва таъсир қилмай қўйди.

Мана, ўн иккига ҳам гудок чалинди. Ҳадемай отаси  
кечки сменадан қайтиши керак.

Маҳкам ёнига ағдарилиб ётди ва кўзини юмди. Ле-  
кин бутун вужуди сергак эди. Гоҳ супа четига экилган  
райхон ҳиди димоғига урилар, гоҳ том орқасидаги йўн-  
ғичқазорда ҳашоратларнинг бир қиёмда чириллаши  
эътиборини тортар, гоҳ дарёning нариги томонидан ўта-  
ётган поезднинг тарақа-туруқига қулоқ солиб, Тошкент-  
га борадиган пассажир поездимикин деб ўйланарди.  
Сўнг яна имтиҳондан йиқилиб нима қилишини билмай  
юрган Гавҳар кўз олдига келар, ўрта йўлда қолдириб  
келган аризасига, Эшонбоев шубҳали деб атаган так-  
лифларига хаёли кетарди. Бу ҳаммаси ҳаётининг энг  
нозик, энг муҳим томонлари эди ва ҳаммаси муаллақ бир  
аҳволда на у ёқлик, на бу ёқлик бўлиб ётарди. У хил-  
ма-хил тахминлар чакалагидан чиқа олмас, бўш вақти  
кўп бўлгани учун хаёли бир кунда юз хил қўчаларга  
кириб чиқар, каникул жуда секин ўтаётгандай бўлар,

кутиш, соғиниши ҳислари тобора изтиробли тус олиб борди.

Бу ёққа келишда у Гавҳар билан ёзишиб туришга вайдалашган, иккови ҳам хатларни почтадан «Довостребование» бўйича оладиган бўлган эди. Маҳкам ҳар куни почтага қатнаб, бир ярим ойда фақат битта хат олди. «Қимматли Маҳкам ака» деб бошланиб, «Сизнинг Гавҳарингиз» деб тамомланган варақни ўқийвериб ёд қилиб юборди. Ҳозир ётган жойида кўзини юмиб ёддан яна бир ўқиб чиқди. Қандайдир хафалик, безовталик руҳи бор. Маҳкамнинг иккинчи хатига уч ҳафтадан бери жавоб бермаяпти. Нима қилиб юрган экан? Ҳар ҳолда мактабни медаль билан битирган қиз биринчи курсда қолиб ўтирса ҳазилакам бахтсизлик эмас. Маҳкам у билан кўпроқ бирга бўлиши, мумкин қадар далда бериши керак эди. Лекин Ҳакимовларнинг олдидан эшитиб чиқсан нарсалари таъсирида у ҳам алланечук бўлиб қолган ва Гавҳарга керагича ёрдам бера олмаганди. Шундан хамамикин?

Ботинка нағалининг кўча тошларига урилиб ҷақиласи эшитилди-ю, Маҳкамнинг хаёли бўлинди. У отасининг ишдан келаётганини сезди, ухламай ётганини кўрса «яна ўйланиб ётибсанми?» дейиши мумкинлигини ўйлади-да, энди астойдил ухламоқчи бўлиб, юзини ёстиққа қаттиқ босди.

Маҳмуд ака ёруғ тушиб турган деразага томон ўтар экан, ток сўриси тагида тўққиз яшар қизчасини ухлатаман деб ўзи ҳам ухлаб қолган Зарифа хола сапчиб ўрнидан турди: Маҳмуд аканинг қадам товушини уйқусида ҳам танирди чамаси.

— Тавба, кўзим кетибди-я,— деди у бошидаги дока рўмолини тузатиб.

— Болалар ухладими?

— Ҳа, ухлаб қолди.— Уларга орқа ўгириб қимирламай ётган Маҳкам онасининг овозидан ўзи томонга бир қараб қўйганини сезди.— Овқатингизни берайми?

— Яхна чойингдан борми? Жуда ичим куйиб кетди.

— Нега мунча?— деди Зарифа хола сувга ботириб қўйилган яхнани шишадан косага ағдарар экан.

Маҳмуд ака яхнани тикка туриб симирди-да, лабини кафти билан артиб, деди:

— Ҳалиги катта заказни шу бугун уздик,— у бир вақтлар омочга тиш қўяр экан, ҳозир заводнинг қуюв

цеҳида нозик деталлар бўйича ишлайди.— Болаларнинг уйқуси бузилмасин, овқатни ичкарига бера қол.

Зарифа хола ошхонадан овқат олиб ўтди. Кейин очиқ дeraза орқали уларнинг ўзаро гапиришгани эшишилди.

— Э, балиқ қовурғанмидинг? Бай-бай-бай...

— Маҳкамингиз тутиб келувди...

— Дарёдан тутибдими? Ол ўзинг ҳам.

— Мен янгигина едим, ош бўлсин. Тўғоннинг тагидан тутармиш. Қумри бориб айтиб келди, акам сувга тикилиб ўйланиб ўтирибди деб.

Маҳмуд ака кулди.

— Балиқ тутиш ўзи шунаقا бўлади-да.

— Йўқ, ўғлингизнинг бу йил илгариги шахди йўқ.

Пати ётиб кетибди.

— Бэ... Узини тўхтатиб олгани учун шундай. Умри узоқ бўлсин, бу йил анча босилиб келибди. Босиқ йигит бўлади.

— Узи болалигидаям оғир эди. Бунинг ўй суриши бошқа нарсадан. Болам бечора ойда-йилда бир келади. Сиз ота бўлиб бундай кўнглига қўл солиб ҳам кўрмайсиз. Олти ойдан бери нима бўлган, нима қўйган.

— Менинг билганим шуки,— деди Маҳмуд ака,— мактабида бир-иккита нобоп одам бор экан. Ёшлиқ қилиб, ўшалардан сиқилиб юрибди. Киши ҳар нарсани кўнглига олаверадими? Торга тор дунё, кенгга кенг дунё.

— Шундай деб насиҳат қилдингизми ахир?

— Қилдим. Лекин насиҳат билан иш битмайди, хотин. Киши яхши-ёмонни ўз кўзи билан кўрмаса пишимайди. Майли, пишисин... Яхши балиқ экан. Қани, сочиқ қаерда?

— Ана, ёнингизга қўйибман... Бошқа ҳеч нарса сезмадингизми?

— Маҳкамдами?

Маҳкам ҳозир сири очилишини сезиб юраги гурсиллаб ура бошлади.

— Тавба,— деб қўйди Зарифа хола,— қўйнига бир сурат солиб юрибди. Ҳар куни овлоқда ўшанга тикилиб ўтиради. Бу ким экан, деб ҳайрон бўламан. Кеча Қумридан сўрасам, «мен кўрдим,— акам бир қизнинг суратини олиб юрибди», дейди.

— А?

— Ҳа. Бугун ўша суратга қараб ўтирган пайтини пойлаб устига кирдим. «Бу ким?» десам, қизариб-бўза-

риб, «ўзимизнинг мактабда ўқийди» дейди. «Шунин олмоқчимисан» десам айтмайди. Тошкентлик қиз экан, бошини айлантирган бунинг.

Маҳкам ётган жойида юзи қизиб кетганини сезди ва отасининг нима дейишини сабрсизлик билан кута бошлади.

— Мактабидан бўлса, қўрқма,— деди ниҳоят Маҳмуд ака.— Кўриб-билиб иш тутади.

Маҳкам отасидан беҳад миннатдор эди. Зарифа хола норози бўлиб:

— Бирам бепарвосиз-эй,— деди.— Олса ҳам ўзи кўриб-билиб олармиш, бу киши қараб турармиш. Ўғлини уйлантирадиган оталар қанақа бўлар экан?

— Тўйдан олдин ноғора чалма, хотин, ҳали ўғлинг уйланадиган бўлгани йўқ. Аввал ўқишини битирсан иши тайин бўлсин. Кейин кўрамиз. Ҳозирча суратига қараб юрса юрар. Чойни бер.

— Чой қўйганим йўқ. Болалар сизга қовун узуб қўйибди.

— Қаерда? Үтири, ўзим олиб келаман.

— Маҳкамнинг шафтолиси бор-ку, ўшанинг тагида.

Ховлида шохлари ҳосилдан майишиб турган шафтоли бор эди. Маҳкам уни тўққизинчи синфда ўқиб юрганида экиб, парвариш қилган эди. Бошқа шафтолилардан фарқ қилиш учун ойиси унга «Маҳкамнинг шафтолиси» деб ном берган эди. Маҳмуд ака ўшанинг тагидаги иккита қовунни ичкарига олиб кириб кетди.

— Маҳкам бугун пиёзни сугордими?

— Ҳа, пиёзни сугорди, кечки тарвуузни чопиб қўйди. Кейин ўртоқлари билан дарёнинг нариёғига ўтиб келди.

Маҳмуд ака қовун еяр экан, сувини ҳаво билан бирга ячига тортиб:

— Дарёнинг нариёғида нима қилибди?

— Маҳкамжонми? Ҳў, ўша эски минорани кўриб келди. Сиз кетдингиз-у, Вася билан Умрзоқ масала та-лашиб келди. Ўша минорани бири Чингизхондан қолган дейди, бир Искандар Зулқайнар (Зарифа хола Зулқарнайн дёёлмасди) қурган дейди. Қайсимизники тўғри, деб Маҳкамжонга келибди. Ўғли тенги бола икковининг масаласини ечиб берса бўладими? Буни Қўқон хони қурдирган дейди. Бухоро хони билан чап экан-ку! Гапира-верса оғзимиз очилиб қолибди. Ҳаммасини ўзи кўргандай билади-я!

— Ҳа, энди ўқигандан кейин билади-да.

— Ўқиганларни ҳам биламиз... Мен ошхонада эдим. Вася кетаётиб олдимга кирди. «Зоя опа, дейди, ўғлинг во, молодес», дейди.

Маҳкам ичида куларди: Вася «во», демаган бўлса ҳам ойиси қўшиб айтмоқда эди.

Маҳмуд ака онда-сонда гапириб қўяр, лекин иккови ҳам ўғилларидан кўнгиллари тўлиб сұхбатлашаётганлари билиниб турар ва бу Маҳкамга ажаб бир хотиржамлик бағишларди. Унга энди атрофдаги ҳамма нарса беҳад осойишта туюлмоқда эди. У тиниқ дарё, мусаффо осмон, чексиз кенгликлар ҳақида ўйланар ва хаёли шундай улкан нарсаларни бемалол қамраб олаётганидан ҳайрон бўларди.

У бунинг қандай бўлишини текшириб кўра бошлади.

Мана унинг тасаввури. Мана Мирзачўлни Тошкент томондан бир зумда қирқиб ўтди-ю, Сирдарёning чап қирғоғидан чиқди. Қаршидан шамол эсади. Шундай зўр шамолки, дарёning бир томони очилиб, тубидаги тошлари кўриниб қолган, суви Маҳкам турган қирғоққа йифилиб кетган. Ҳаво совуқ. Сув қирғоқдан тошиб чиқди-ю, муз бўлиб қота бошлади. Щу музнинг устидан Гавҳар яхмалак отиб келар эди. У ёзги кийимда, шамол оқ шойи қўйлагининг этакларини тортқилайди. Маҳкам унга: «Тўхтанг,— деди,— мана бу пиджакни олинг, совқотасиз». Гавҳар бир тўхтаб: «Мана, қаранг, совқотганим йўқ», деди-да, кулиб ўтиб кетди. Маҳкам уни қувиб бориб ушлади, лекин сочи эркакча қирқилганини кўриб ҳайрон бўлди, юзига қараса Эшонбоев. «Ҳа, нима керак?»— деди аччиғланиб. Шундан кейин Маҳкам анчагача нима бўлганини билмай қолди. Бир маҳал тўғон тагига бориб, тўр билан балиқ тутмоқчи бўлди. Лекин тўр волейбол тўри экан, ён томондан Сергей унга тўп ташлаб берди. Маҳкам бўйи баланд бўлгани учун, факультет командасининг энг кескир ўйинчиларидан эди, тўпни «кешиб» урди. Лекин судья устма-уст ҳуштак чалди. Маҳкам тутақиб унинг ноаниқ ҳуштак чалаётганини айтмоқчи бўлганда ўйғониб кетди.

Қараса, кун ёйилган. Ойиси самовар кўтариб ўтди. Маҳмуд ака «Москвич» приёмнигини бурав, приёмник қаттиқ ҳуштак чалар ва қитир-қитир қиласарди.

Маҳкам эрталаб ухлаб қолган кунлари отаси уйда бўлса, радиони мана шундай баланд қўйиб ўйғотарди. У

ўрнидан турган заҳоти қанчалик кеч уйғонганини билмоқчи бўлиб сояларга қаради.

Тўлқинсимон азбест билан ёпилган пачаққина уйларнинг деразаларига офтоб тушиб қолганди. Ишком ва шафтолилар участка четидаги қовун-тарвуз палаклари устидан, ўз сояларини йифиб олмоқда эди. Фақат ўсиқ анжир буталарининг нари ёғида Маҳкам ҳар куни зарядка қиласиган пана жой ҳали сояга чўмиб ётарди. У ўша ерга келди. Соядаги тонг салқини беҳад ёқимли ва алланечук сирли эди. Ғарқ пишган қовун, шафтоли ҳидларини майин шабада димоққа оҳиста келтириб уради. Фақат пишиқчилик пайтларида ва фақат боғ-полиз аралаш участкаларда бўладиган бу дилкаш эрта кишига аллақандай ғалати бир енгиллик беради.

Маҳкам зарядка қиласиган экан, хаёллари бир мавзудан иккинчисига енгил учиб ўтар, кечаси ўйлаган нарсалари ҳозир унчалик оғир ва тубсиз сезилмас эди. Оlam шу қадар кенг кўринардики, отаси айтган «бир-иккита нобоп одам» туфайли дунё тор бўлиб қолмаслиги энди унга шубҳасиз эди. Мана, отаси радиода неча минг километр йўл босиб Москвани топди. Маҳкам ариқчанинг икки лабига икки оёғини кериб ташлаб совуқ сувда юви наётганда узоқдаги дикторнинг «дух Женеви» деб гапи раётганини эшилди. Тўрт улуғ давлат вакиллари учрашгандан кейин воқеалар қаёққа қараб кетаётгани Маҳмуд акани жуда қизиқтирап эди.

Кейин бутун нонушта давомида гап шу мавзуда кетди. Маҳмуд аканинг Маҳкамга қарашида, муомаласида ҳеч қандай ўзгариш сезилмасди, кечаси Зарифа хола айтган «сир»ни аллақачон унутганга ўхшарди. Лекин Маҳкам биларди: отаси нимага кўп аҳамият берса, ўша нарсанни ким тилга олади ва мумкин қадар кўзга ташланмайдиган қилиб кўнглига жойлайди. Айниқса, ҳозир Маҳкамнинг кўнглида эҳтиётсиз тегинишлардан оғрийдиган нарсалар кўп бўлгани учун у отасининг бу феълидан жуда миннатдор эди. Умуман Маҳкамнинг тарбиясида бир устун томон шу эдики, ота-она «ундай қилмамундай қилма» деярвермас, ҳар хил панд-насиҳатларни жуда кам қилишарди, унинг ички дунёсига бостириб боришимас эди. Шунинг учун Маҳкам уйда ўзини жуда эркин сезар, отаси сўз орасида (кеча кечасидагидай) айтиб ўтадиган фикрлар унга соатлаб қилинган насиҳатлардан ортиқроқ таъсир қиласиди. Маҳкамнинг олдида

Маҳмуд аканинг оталик обрўси шунчалик баланд ва бағри шунчалик кенг эдики, «ҳаётим чида бўлмас даражада тор келган пайтда ҳам мана шу кенг бағр мен учун очик-ку!» деган ўй унга катта бир маънавий таянч бўлиб туюларди.

Маҳкам нонуштадан кейин почтага бораётганда кўнгли кечагидан анча кўтарилиб қолганини сезди. Тушида Гавҳарнинг хушвақт кулимсираб тургани — фақат кулимсирагани, бошқа тафсилотлари эмас! — қайта-қайта эсига тушар ва соғинч ҳиссини бир қадар бўлса ҳам босарди. «Шу бугун хат бўлса керак,— ўйланарди у,— тушҳам ўнг келиб турибди, юрагим ҳам олдиндан сезаётганга ўхшайди».

Ҳақиқатан ҳам Гавҳар уни бугун соат ўн иккига телефонга чақирган эди.

Маҳкам соатга қараса, ўн бир. Демак, бир соатдан кейин Гавҳарнинг овозини эшитади, уни бир кўргандай бўлади, ҳамма саволларига жавоб олади, хат ёзиб жавоб кутиб ўтирумайди.

Ўтли севинч унинг бутун вужудини яйратиб юборди. Алоҳида кабинетлари бўлмаган кичкинагина поча бўлимида битта телефон аппарати бор эди ва Маҳкам харномани берган қизнинг ёнига ўтириб гаплашиши керак эди. У бир соатни бир амаллаб ўтказди-ю, аппарат ёнига келганда бирдан хавотирланди: «Фавқулодда бир сабаб билан телефон қиляптимикин? Тинчлик бўлсинда». Устма-уст: «Алло, Тошкент, алло»лардан кейин жуда узоқдан Гавҳарнинг заиф овози келди:

— Ким гапиряпти? Қимсиз?

— Менман, Гавҳар, мен! — дерди Маҳкам ҳаяжондан ўзгарган товуши билан.

У «Гавҳар» сўзини жуда ўзига хос қилиб талафуз этар эди. Гавҳар шундан таниди, шекилли овозидаги бегонасираш бирдан йўқолди:

— Маҳкам ака, сизмисиз? Салом. Яхши дам оляпсизми? — деб ҳол-аҳвол сўрай бошлади.

Кейин Маҳкам сўрашга ўтди:

— Хатни олдингизми, эсон-омонмисиз, нега шунча вақтдан бери жавоб бермайсиз?

— Безовта эдим! — деди Гавҳар. — Бошқа жойга ўқишга кираман деб югуриб юрувдим.

— Нима? Қаерга? Кирдингизми? Кирдингизми?

— Ҳа, архитектура институтига кирдим.

Маҳкамнинг оғзи қуруқшаб кетди, сочининг тагидан чаккаси ва пешонасига тер оқиб туша бошлади.

— Нима? Қайси архитектура институти?

— Москвадаги институт. Москвадаги. Икки кундан кейин жўнаяпман. Икки кундан кейин.

Маҳкам қайтариб-қайтариб сўрар, Гавҳар видолашаётгандай овози қалтираб жавоб берар, сўзларидан ҳам бурун мана шу овозининг қалтираши унинг чиндан кетаётганига ишонтиради.

— Ахир нега бундай қилдингиз, Гавҳар? Нега?

Гавҳар унинг бу саволини «нега телефон қилдингиз» деб тушунди шекилли:

— Хайрлашиб кетмоқчи эдим. Сиз каникулингизни бузманг. Яхши дам олиб келинг. Мен икки кундан кейин кетяпман. Хат ёзаман. Ҳаммасини ёзаман.

— А, бу... Гавҳар, наҳотки шундай кетаверсангиз? Ахир бу нима қилганингиз? Мен... мени... Гавҳар! Мен ҳозироқ йўлга чиқаман. Мен бораман, ўша ерда гаплашамиш.

Гавҳар йиғладими ёки трубка товушини щунчалик ўзгартирдими, унинг:

— Маҳкам ака, қўйинг, каникулингиз бузилади,— деган сўзлари йиғлаб айтилгандай эштилди.

Агар чини билан йиғлаб айтган бўлса, демак, у ҳам Маҳкамни кўриб қолишга муштоқ.

— Гавҳар, менга қаранг, Гавҳар. Бугун кечқурун фонтаннинг олдида... Йўқ, бугунги поезд кетди. Тунги поезд билан бораман. Йўқ, бораман. Ахир Тошкентда ҳам архитектура факультети бор-ку. Қандай кўнглинигиз бўлади... Йўқ, мен... эртага соат ўнда факультетда учрашамиш. Факультетда. Ўшангача кетаман демай туринг.

Гавҳар унинг пега бундай деяётганини тушунмай:

— Айтдим-ку,— дерди,— яна икки кун бор, эртага келсангиз факультетга бораман. Ўнда дейсиэм?

Маҳкам саросима бўлиб қолди: наҳотки ҳамма нарса усиз ҳал қилинса? Наҳотки беш йиллик ҳижроннинг Маҳкамга алоқаси бўлмаса? Гавҳарга бир гап бўлган. Тезроқ етиб бориш керак!

У поездни ҳам кутиб ўтирмади. Кечга томон дуч келган бир юқ машинасига минди-ю, кислород баллонлари устида, туни билан силкиниб, эрталаб Тошкентга етиб келди.

Ўқув корпуслари одатдан ташқари сұжутға чўмган эди. Қириш имтиҳонлари тугаган, янги ўқув йилига ҳали одам йиғилган эмас, ёзда қабул ишларига ўралашив дам ололмаганлар ҳам энди ҳар қаёққа тарқаб кетган.

Гавҳар бўм-бўш вестибиоль ва коридордан ўтиб ўз аудиторияларининг олдига борди. Эгнида гулли крепдешин кўйлақ, оқ сумкачаси, сочини битта қилиб ўрган, юзи қофрайган, анча озган, кўзлари одатдан ташқари ўтли, лекин юриши жуда осойишта. У атайлаб ўндан олдин келган ва кутиб сабрсизланмас эди. Энг ташвишли кунлар энди орқада қолган, ҳамма нарса ҳал бўлган эди.

Фақат коридор ва аудиториялар сукунатида юракни майин эзувчи хотиралар қўзғалар, у ҳамма нарсага видолашиб қарап эди. Бир вақтлар у мана шу аудиторияга ўз келажагига қадам қўйгандай ҳаяжонланиб кирганди. Бир вақтлар шу коридорда Маҳкамни учратганди. Атрофдаги нарсалар унинг қувончини ҳам, ғамини ҳам, изтиробини ҳам, ютуғини ҳам, муваффақиятсизлигини ҳам кўрган эди, бир йиллик умрига гувоҳ бўлганди. Шу бир йиллик умр хотираси жимликда гўё тилга кириб гапирав, «энди тақрорланмайди, хайр, абадий хайр» деярди.

Бирдан коридорнинг нариги четида кимнингдир тез юриб келаётгани эшитилди. Гавҳар ўғирилиб Маҳкамни кўрди. У чуст нусха дўппи, ёзлик оқ кийим кийган. Йўлда шамол еган юзи чўғдай ёнар, тунн билан ухламай йўл қоқиб кўйган бўйса ҳам қайикул давомида олган дами бирдан юзига чиқиб бутун бөрлиғидан куч ёғилиб турар эди. Зўр ички бўроғи фақат унинг қарашларидан ва беозвта юришидан билинарди. Уни ҳеч вақт бундай қиёфада кўрмаган Гавҳар бирдан титраб кетди.

Маҳкам аввал у билан қўл бериб кўришди, кейин бу иккови учун ҳам оз эканини сезди-ю, Гавҳарнинг титроқ лабидам ўпди.

Икки томон ҳам истаган бу ўпич Маҳкамнинг изтиробларини дарҳол пасайтириб, ичидаги бўронни бирдан босди. Аллақандай бир ўтишиг ҳарорати ва ёруғи уни бир зумда юмшатиб, гўё маст қилиб қўйди. У нам-

ли, иссиқ лабларидан яна ва яна ўпкиси келарди. Лекин Гавҳар қўлларини унинг кўкрагига қўйиб заифгина қаршилик қилас, уят аралаш майин товуш билан ни-мадир деб пичирларди.

— Шундаям соғиндим, Гавҳар,— деб Маҳкам қувончли ва уятчан кулимсираб изоҳ берди.— Келинг, мана бу ёққа кира қолайлик. Айтмоқчи, бу сизларнинг аудиторияларингиз-ку!

Гавҳар «ҳа» демоқчи бўлиб оғиз жуфтлади-ю, лекин айттолмади. Йўқ, энди бу ерда унинг аудиторияси йўқ. У энди меҳмон. Маҳкам унга бир қараб шу фикрни тушунди-ю, эшик олдида тўхтади. Эшик қабзасидан ушлаб тортди, очилмади. Қулфлаб кетилган эди.

— Гавҳар, нима бўлди? Мен кечадан бери ўйлаб ўйнимга етолмайман. Нима бўлди.

Гавҳар қандай катта бир маъсулнотни бўйнига олганини, қилаётган иши Маҳкамнинг ҳаётida ҳам қийин бир бурилиш бўлишини энди тўлиқ ҳис қилди. Тўғри, у тарихга қизиқмаслигини сезганда ва бошқа ихтисос ҳақида ҳафталаб ўйлаганда Маҳкамни бир минут ҳам унутган эмас эди. Маҳкам унинг ҳамма ўйларида бор эди. Лекин шу вақтгача Маҳкам унинг учун ҳаётдан ўз ўринини қидириб топишга чорловчи бир куч эди. Агар Маҳкам бўлмаганда, агар унинг тарихга ихлосини Гавҳар жуда яқиндан кўрмаганда, агар ихлос билан ўқишининг гўзаллигини юракдан ҳис қилмаганда, у балки имтиҳондан йиқилганига бошқа сабаб топар, кузда бир амаллаб «думни» йўқотар ва ўзини мажбур қилиб бўлса ҳам ўқиб кетар эди.

Аммо бунинг учун муҳаббатдан қанот боғлаб парвоз этмаган бўлиши керак эди. У эса ўзини Маҳкамга муносиб деб билган пайтларида қаноти жуфт бўлиб баҳт осмонида учиб кўрганди. Фақат диплом учун йиқилиб-сурилиб ўқиш унинг қанотини қайирар ва учгани қўймас эди. Бир йил йўқотиш, бир ўринни ҳайф қилиш каби андишалар уни қанчалик тўхтатмасин, ич-ичида бошқа йўл қидирар эди.

Отаси Москвага борганде илгариги қўшнилари Юрий Карповични кўрган экан. Кекса архитектор Гавҳарни кўп тилга олибди, унинг болаликдаги аҳди-ни эслабди, архитектура бўйича ўқимаганидан афсусланибди. Абдураҳмон Тошевич буни Москвадан қайтгандан бир ой кейин эслаб, шунчаки бир тафсилот си-

фатида айтиб берган бўлса ҳам Гавҳарга бир башоратдек туюлди. У каникул кунларида шу ҳақда тобора кўп ўйланадиган бўлди, Юрий Қарповичга чизиб кўрсатган расмларини қидириб топди. Қўлим қотиб қолмадимикин, деб яна чизиб кўрди. Бекорчиликда кераксиз қоззларга, доскага ҳар хил шакллар чизиб юриш унинг болаликдан қолган одати эди. Шу одати ҳам энди кўзига бошқача кўринди. Ииллар тупроғи остида қолган ҳавас уруғи ҳали чиримагандек, парвариш қилса кўкариб кетадигандек туюлди. Оғир изланиш кунларида янги куч билан қайтариб келган бу ҳавас бирдан мақсадга айлана бошлади.

Маҳкам узоқда эди. Гавҳар имтиҳондан йиқилиб чиққанини ҳали отасига билдирамаган эди. Бир кун буни йифлаб ҳикоя қилас әкан, охирида ўз ҳавасини ҳам айтиб берди. Абдураҳмон Тошевич калавасини йўқотиб, бир-икки кун ҳеч нарса деёлмади. Кейин ойиси хабардор бўлди, унинг бошқа жойда ўқимоқчи эканини билиб, дарҳол норозилик билдириди. Қизининг бир йиллик умрини ҳайф қилиш онага мумкин эмасдай кўринарди.

Лекин онанинг норозилиги Абдураҳмон Тошевичнинг бир хулосага келишини тезлаштириди. У ихлоссиз ўқиши кишига ҳеч нарса бермаслигини билар эди. Бунда бир йили ҳайф кетса, зўрлаб ўқиганда бутун беш йили, бутун ёшлиги ҳайф бўлиши мумкин. Бундан давлат ҳам кўпроқ зарар кўради. Гавҳар ҳам. Яхвиси, унинг архитектурага қанчалик қобилияти борлигини аниқлаш кераг-у, кейин шунга қараб иш қилиш керак.

Гавҳар мактабни олтин медаль билан битиргани учун бу йил ҳам имтиҳонсиз кириши мумкин эди, фаяқат расм ва черчениедан имтиҳон берар эди. У аввал политехника институтининг архитектура ва қурилиш бўлимига кирмоқчи бўлди. Лекин у севган соҳаси бўйича албатта Москвада ўқиши керак эди.

Гавҳар ўйланиб қолди. У болалигидан Москвани кўришни орзу қиласарди. Лекин Маҳкамни қандай ташлаб кетади? Бир йилда бир келиши мумкин. Бундай узоқ айрилиққа муҳаббатлари тоб берармикан? Бир-бирини йўқотиб қўйишмасмикан?

Муҳаббат ҳозир Гавҳарга ботирлик талаб қиласиган бир томони билан кўринар, у бошқа вақтларда қилолмайдиган ишларни қилишга интиларди. Охири шундай

фикрга келдики, муҳаббатлари, бу айрилиққа тоб берса — бир умр фахрланишга арзийди, тоб беролмаса... Иўқ, тоб беради!

Гавҳарнинг ўқиганга яраша Бутуниттифоқ институтидаги ўқишига ва Москвада тарбия олишига Абдураҳмон Тошевич ҳам тарафдор эди. Унинг ёрдами билан Гавҳар ойиси ва бувисини ҳам кўндиради. Ҳозир Маҳкам билан факультетдан чиқиб, сквердаги серсоя йўлкадан бораётганида у мана шу нарсаларни батафсил айтиб берди. Фақат жуда муҳим бир нарсани—бундай қарорга келиши Маҳкамга муҳаббат таъсирида бўлганини айтишдан уялди. Агар уялмаганда ҳам, юрагидаги кўп ҳисларни аниқ бир фикр шаклига солиб, сўз билан тушунтириб беролмас эди. Маҳкам учун эса энг мавҳум нарса Гавҳар қандай қилиб бу қарорини муҳаббат билан бирга кўнглига сифдира олгани эди. У ўзи бу икки нарсани бир кўнглига сифдиролмай азобланмоқда эди.

Маҳкам Гавҳарнинг қизиқадиган соҳаси бошқа бўлиб чиққанига ва факультетдан кетиши шарт эканига табиий бир йўқотиш деб қарап ва қалби ҳар қанча оғриса ҳам ақл билан маъқул кўрарди. Лекин Тошкентда ҳам архитектор бўлиш мумкинлигига қарамай узоққа кетаётгани муҳаббати кучли эмаслигидан деб ўйларди. Бу ўй унинг энг азиз орзу-умидларига қақшатғич зарба бўлиб тушарди. У ҳозиргина Гавҳар билан ўпишганда унинг муҳаббати чинлигига ишонган бўлса, унинг кетиши аниқ эканлигини эшитгандан сўнг, юрагига қаёқдан-дир шубҳа ўрмалаб кела бошлади.

— Сиз унча зерикмаган бўлсангиз керак-да,— деди у маъюс товуш билан.

У зерикиш деб соғинишни айтар, Гавҳар ҳам шундай тушунарди. У ташвишдан қўли тегмаган бўлса ҳам, Маҳкамни жуда соғинган эди. Лекин буни очиқ айтишга нимадир халақит берди.

— Иўқ, шу югур-югур билан бўлиб...

— Мен охирги кунларни соат санаб кеч қилар эдим. Ҳар куни почтага қатнаб... Эҳ, билсангиз эди!

Маҳкам биринчи марта муҳаббат изҳор қилмоқда эди.

— Биламан,— деди Гавҳар қизариб кетган юзини ерга қаратиб.— Мен ҳам...

— Лекин мен шундай қилолмас эдим, Гавҳар.

— Қандай?— сўради Гавҳар унинг гапидаги гинани

энди сезиб.— Яхши кўрган соҳангиз бўлса қилмасмидингиз?

— Яхши кўрган соҳам Тошкентда ҳам бўлса қиломас эдим.

— Мен истаган соҳа бўлмаса-чи?

— Гап бунда эмас. Агар мен тарихчи бўлишни истасам умумий тарихдан янги тарихнинг фарқи бор деб, шунча жойга кетмас эдим.

— Маҳкам ака, ахир тарихнинг йўриғи бошқа-ку?

— Нега? Архитектор бўлмоқчи бўлсангиз Тошкентда ҳам мумкин экан-ку! Истаган кафедрангиз йўқлиги албатта минус. Лекин шу минусни бир томонга қўйса, меҳри қучли одам бошқача қиласр эди.

Гавҳар унинг шубҳасига нима деб жавоб беришини билмай қолди.

— Беш йил-а,— деб Маҳкам уҳ тортди.

Гавҳар бошдан уни чалғитмаслик учун:

— Беш йил эмас,— деди.— У институт олти йиллик.

Буни эшитиб Маҳкамнинг юзи янада азобли тус олди.

— Е мен сизни яхши билмас эдимми, Гавҳар?

— Үлмасак кўрасиз. Шубҳангиз бекор чиқади, кейин биласиз.

— Олти йилдан кейинми?

— Ахир уруш вақти эмас-ку! Мен хавф остида бўлмайман. Москвадай яхши шаҳарга кетяпман.

— Москванинг яхшилигини ким билмайди? Москва га боришини ҳамма ҳам орзу қилади. Лекин мен сизни билганимдан берн ўйлар эдимки... Ҳамма орзуларимиз бирга ушалсин дер эдим. Москвага ҳам бирга борамиз деб ўйлар эдим.

— Нима қилай?— деди Гавҳар кўнгли бузилиб,— Бирга боролсак жон дер эдим. Кейин биласиз, мен унақа эмасман. Бошқа ҳеч кимни... Кейин биласиз.

Маҳкам унинг самимий гапираётганини билар эди, лекин бу унинг шубҳасини йўқота олмасди. У «меҳр кўзда» деган мақолга бутунлай ишонмаса ҳам қисман ишонарди. Гавҳар ҳозир ўзининг меҳри мустаҳкамлигига ишонаётган бўлса ҳам, олти йил жуда катта муддат эканини яхши тушунмай, ўз кучига ортиқча баҳо беряпти деб ўйларди. Умуман у чуқур ўйламай, ёшлиқ фўрлиги таъсирида кетаётиди деб биларди. Бунинг учун Маҳкам энди Гавҳарни айбламасди, унинг кўзида ёш кўриб:

— Гавҳар, бўлмаса бир хотиржам гаплашайлик,—<sup>1</sup>  
деди.— Ҳозир ишингиз йўқми?

Гавҳар чўчиб соатига қаради. У тушгача поезд билетини олиши керак эди. Маҳкам унинг кетиши муқаррарлигини яна бир марта ҳис қилиб:

— Ўзингиз биласиз,— деди.— Майли.

— Бўлмаса кечқурун...

Гавҳар давомини кутиб тўхтади.

Маҳкам Ўрмон-паркни айтди.

Кечқурун ўша аввалги йўллар билан анҳор ва кўл тулашган жой қаршисидаги тепаликка келдилар. Лекин энди ғарбда шафақ йўқ эди — кунлар қисқариб қолгани учун барвақт қоронғи тушганди. Ана, нариги тепаликда танца майдонининг чироқлари ёнди. Улар чопа-чопа пастга тушиб, кичкина ёғоч кўприкчадан ўтдилар, ерга ўйиб ишланган зиналар билан танца тепалигига кўтарилилар. Бу — паркнинг энг баланд жойи эди ва атроф кафтдек кўринарди.

Чироқлар, жимир-жимир тўлқинланар. Тепадан осмон ҳисобсиз қора кўзларга ўхшаб қарайди. Юлдузлар гўё шу кўзларнинг шаффоғ ўти. «Сирень» тангоси бу ўтнинг муҳаббат ўти эканини соғинч туйғуларига тўлиб куйлади. Соғинч... Олти йил давомида Маҳкам соғинч довонларидан қанчасини ошиб ўтиши керак. Гавҳар-чи? Мана у ҳозир бир қўлини Маҳкамнинг елкасига қўйиб нафис ҳаракатлар билан танца қиляпти. Юзи шундай гўзал, қарашлари шундай баҳтиёр. Наҳотки, у эрта-индин узоқ айрилиқ бошланишини ҳис қилмайди, юраги эзилмайди?

Гавҳар эса унинг бағрида ўзини баҳтиёр ҳис қилиб, ҳамма нарсани унутган эди. Маҳкам ажрашув тошини ўзига оғир олгани сари Гавҳарнинг улуши енгиллашарди, чунки аслида бу яхлит оғирлик учун бир томон ўзини қанчалик ортиқ уринтиrsa, иккинчи томонга шунчалик енгил бўлади. Маҳкам билмас эдики, йўлга чиқаётган киши олдинда катта янгиликлар борлигини сезиб, бир оз овунади, қолаётган киши эса атрофдаги ҳамма нарсада ажрашув белгиларини кўриб кўпроқ қийналади. У фақат шуни билар эдики, ўзидағи ҳислар, куйинишлар Гавҳарда йўқ. Шунинг учун хаёлига кутилмаган нарсалар келарди.

Бир ҳафтадан кейин, бир ойдан кейин, балки яна шунаقا бир гўзал оқшомда Гавҳар танца залига киради.

Балки унинг шу иссиққина қўли бошқа бир йигитнинг елкасида бўлар. Балки ипак кўйлак орқали сезилиб турган нафис белидан бошқа бир йигит қучар. Ӯшанда ҳам ҳозиргидай баҳтиёр, гўзал кўринармикин?

Маҳкам шу ўйга бориб ортиқ танца қилгиси келмади. Бошини панжаранинг совуқ темирига қўйиб, кўлда сузиб юрган қайиқларга ўйчан қараб қолди.

— Маҳкам ака, юринг, қайиққа тушамиз,— деб Гавҳар унинг қўлидан шўх тортқилади.

У Маҳкамнинг энди баҳслашмай қўйганидан хурсанд эди — ҳаммасига тушунди деб ўйларди. Пастга тушиб, юқорига чиқиб, ёй шакли баланд кўприкдан ўтиб, қайиқ станцияси турган оролчага етгунларича Гавҳар каникул давомида кўрган ва эшигтан кулгили нарсаларини гапириб берди. Лекин Маҳкам кулмас эди.

— Кўйинг энди, Маҳкам ака, қовоғингизни очинг. Бир кулинг. Қаранг бу ёққа, наҳотки баҳрингиз очиласма?

Кўл ҳам, парк ҳам қайиқдан бениҳоя маъсум туюлар, чироқларнинг акси тўлқинларда беҳисоб кўпайиб кўринарди. Сув юзини олов-устунларнинг жилvasи тушиб кетган. Тинимсиз тўлқинлардаги чироқлар акси қирғоқ яқинида сув тубига тушиб борган олтин илдизларга ўхшаса, ўртароқда аланга тилларини эслатарди. Қирғоқ дарахтлари ортидаги усилителдан Ғулом Абдураҳмонов айтаётган ашула шамолда дам пасайиб, дам бирдан баландлашиб эшитиларди:

Богим бор-у, бо-о-огим бор, айлашай,  
Богимда ан-о-орим бо-ор.  
Бахти кулган йи-игитма-ан,  
Лабзи ҳалол ё о орим бо-ор.

Гавҳар қайиқнинг нариги четида ўтириб, Маҳкамга тикилганича ашулага секин жўр бўлди. Маҳкам Гавҳарнинг ашула айтганини ҳеч эшигмаган эди. Ҳозир унинг овози фақат қизлардагина бўладиган бир нафосат билан Маҳкамнинг юрагига жуда мулоийм тегди. Қайиқни кўлнинг ўртасида тўхтатиб эшкакни йиғиб олдида, бирон нарса айтиб беришини сўради.

Гавҳар анчагача унамади, охири тортиниб «Бошимга қилич келса ҳам сен ёримни дерман» деган ашулани айта бошлади. Унинг алоҳида яхши овози бўлмаса ҳам

куйни фақат Маҳкамнинг бир ўзига аталган паст товуш билан шундай юракдан чиқариб айтдики, Маҳкам баҳт туйғусидан бошқа ҳамма нарсани бутунлай унуди. Қирғоққа қайтиб чиққанларида у Гавҳарни қўлига кўтариб, чакалаклар панасиға олиб ўтди ва ерга қўймасдан унинг кулган лабларидан ўпди.

Гавҳарнинг сумкаси ерга тушиб кетди. Маҳкам Гавҳарни ерга қўйиб пастга энгашди-ю, очилиб кетган сумкадан кичкина бир конвертча оқариб чиқиб турганини кўрди.

Ёруққа солиб қараса— поезд билети. Эрта оқшомга. Эрта шу вақтда Гавҳар йўлда бўлади.

Маҳкамнинг юраги қаттиқ сиқилди.

— Бу хайрлашув оқшомимиidi, Гавҳар?

Гавҳар ҳам маъюсланиб тасдиқ маъносида бош иргади.

— Балки бу оқшом энди ҳеч тақрорланмас,— деди Маҳкам чексиз дард билан.— Балки охирги мартадир?

— Нега бундай дейсиз?— Гавҳарнинг лаблари яна титрай бошлади. — Агар билсангиз, сиз ўзингиз ҳам сабаб бўлдингиз.

— Мен?

— Агар бир йил олдин учрашганимизда бундай бўлмас эди.

Гавҳар ўз севган соҳасини Маҳкамга муҳаббати орқали топганини назарда тутиб гапирап эди. Лекин Маҳкам буни тушунмади.

— Қандай бўлмас эди?

— Тарих факультетига адашиб кирмас эдим.

— Ие, а биз..., унда биз умуман учрашмаслигимиз мумкин эди-ку!

— Учрашар эдик. Мен... Мен учун бошқа ҳеч ким йўқ. Ўлмасак кўрасиз. Ҳозир ишонмасангиз майли.

— Ишонаман, Гавҳар, ҳозир шуни самимий айтибисиз, биламан. Лекин олти йил шундай қолиши қийин. Қийин.

— Балки сизга қийиндир. Мен ўзимни биламан. Мен сизни ҳам қийинчиликка чидамингиз катта деб ўйлаган эдим.

— Гап чидамда эмас, Гавҳар. Чидамга боғлиқ бўлмаган нарсалар бор ахир.

Маҳкам Гавҳарнинг ўзгариши мумкинлигини назарда тутиб гапиради. Аммо Гавҳар унинг ўзида ўзга-

риш бўлади деб тушунарди. Улар илгари бир-бирини сўзсиз ҳам тўғри тушунар эдилар, юракларида борини бир-бирига етказиб турадиган сирли бир нарса бор эди. Ҳозир шу нарса бузилган эди. Қизни шу қарорга тайёрлаган эътиқод неча ой давомида ўсиб, ичидан «пишиб» чиққан эди. Тўсатдан хабар топган ва кескин бурилишдан хийла эсанкираб қолган Маҳкамда бундай чуқур эътиқод йўқ эди. Унга воқеаларни кўпроқ ёмон томонидан кўрсатаётган яна бир нарса бор эди. Ҳозир у Эшонбоевларни эсга олмаётган бўлса ҳам, лекин улардан тушган соя ҳали ҳам қалбida эди. У Гавҳарга ҳозир илгариgidan бошқачароқ кўринаётгани ҳам қисман шу сабабли эди.

Иккови бир аччиқлашиб урушиб олишганда ҳам, балки, момақалдироқ ҳавони тозалагани каби, оралари майда-чуйда нарсалардан тозаланган бўлар эди. Аммо Маҳкам майда-чуйда нарсалар учун уришавермайдиган, уришса ҳам жуда қаттиқ уришадиган тоифадан эди. Шунинг учун ўзини босиб муомала қилар, лекин иситма ичга урганда ёмон бўлганидай, ораларида ёмон бир ғубор пайдо бўлиб, ўсиб борар эди.

Эртасига вокзалда хайрлашаётгандарни ҳам, у Гавҳарга бу ғубор орасидан қаарарди. Тез-тез хат ёзиши тайинлаб:

— Яна бир илтимосим бор, Гавҳар,— деди у ва титраб гапирди:— борди-ю, бошқа киши яқинроқ туюлса... Энди айтиб бўлмайди-да. Агар бошқа бирор билан бўлиб кетсангиз мендан яширманг. Шу бирга ўтказган дамларимиз ҳурмати очиқ айтинг. Менга бундан мавҳумлик ёмон. Мабодо ўшандай бўлса икки энлик хат... Ҳўпми?..

Гавҳар кўзидан тирқираб чиққан ёшни нарироқда турган ота-онасига кўрсатмаслик учун вагон йўлагига тез кириб кетди. Маҳкам тамбурдан пастга қайтиб тушди ва Абдураҳмон Тошевичнинг ёнига келди.

Гавҳар Маҳкамни ўз ота-онасига ҳозир шу вокзалда танидти. Бошқа вақт бўлганда Маҳкам улардан жуда уялган бўларди. Абдураҳмон Тошевичга ўша илгариги ўй-хаёллари таъсирида қизиқиб, ҳаяжонланиб қарashi мумкин эди. Лекин, ҳозир у алланечук паришон бўлиб қолганди ва уларни деярли сезмасди. Ўйда Гавҳар ва унинг кетаётганидан бошқа ҳеч нарса йўқ эди.

Ётоқхона ҳам ҳувиллаб қолган. Олти койкадан фақат биттасида Очилнинг тўшаги турар, қолганлари, сим тўри йилтираб, яланғоч ётарди. Маҳкам комендан тўшак ҳам олмаган ва кеча командировкадаги Очилнинг койкасида ётган эди. Кеч соат ўнга яқин поезд жўниди-ю, у деразадан қўй силкита-силкита кўринмай кетган Гавҳарни кўз олдидан кеткизолмай вокзалдан секин чиқди. Бўш ётоқقا қайтгиси келмай, пиёда кетди.

Лекин у қанчалик секин юрса поезднинг тинмай узоқлашаётганини шунчалик қаттиқ ҳис қиласарди. Охирги дақиқалар унинг кўзи олдида расм каби қотиб қолган эди-ю, айни вақтда поезднинг тарақлаб елиб бораётгани узлуксиз сезилиб турарди. Мана, у бир қадам ташлади. Шунгача Гавҳар ўнлаб қадам узоқлашиди. Ҳар юрак уриши бир неча метр узоқлик. Бу узоқлик тинмай ўсади, тўрт кеча-кундуз узаяди-ю, кейин кунлар, ҳафталар, ойлар давомида ҳеч қисқармайди.

Кетди. Кетди.

Ҳар сафар шуни ўйласа юраги бир зирқирар, кўчаларни тушидагидай элас-элас пайқаб ўтарди.

Ётоқхона ҳовлисига кириб, ўз ётоқларининг деразасида ёруғ кўрди, лекин бу ҳам таъсир қилмади. Эшикни очди-ю, койкада китоб ўқиб ётган Очилни кўрди. Негадир фақат унинг сочи ўсиб, тарашга яраб қолганини, қулоқларининг олди болаларникига ўхшатиб қирдирилганини пайқади.

Очил сакраб туриб, яланг оёқ унга қараб чопди ва қучоқлаб, ердан даст кўтариб бир айлантириди. У ёз бўйи ётоқда ёлғиз яшаб, ўртоқларини жуда соғинган эди. Ўзларининг районлари томонга командировкага бориб, отасини, қариндош-уруғларини кўриб бир оз ёзилиб келган бўлса ҳам бугун поезддан тушган заҳоти бўш ётоқхонани кўз олдига келтириб юраги зириллаган, «биров келган бўлса эди», деб ич-ичидан истаган эди.

— Об-бо жўражон-эй, бу сиз экансиз-да,— деди у қувонганидан Маҳкамнинг хафалигини ҳам сезмай.— Чамадонингизни ҳам таниб бўлмайди, ўзгартириб келибсиз. Келсан мана бу саватчанинг таги ҳўл, шафтолоси билан кишишиб узуми бор экан, бузилиб, суви оқиб ётибди. Қачон келган эдингиз? Қаерда юрибсиз?

Маҳкам унинг қувончига яраша ўзини хушвақт тутишга ҳаракат қилди.

— Э, сўраманг, Очил... Шу майда-чуйдани олмайин деган эдим-а, машинада эзилиб қолган бўлса керак. Ҳарқалай, газеталарни гуллатиб юрибсизми? Ўзингиз қаерда эдингиз?

Очил гапириб берди. Сўнг:

— Қаердан келяпсиз?— деб унинг юзига тикилиброқ қаради-ю, беихтиёр:— Тинчликми?— деди.

— Ҳа, шу... Вокзалдан келяпман.

Маҳкам бир тўхтаб олди. Киши баъзан оғриқдан безор бўлганда энг нозик жойига атайн қаттиқ тегади. Шунга ўхшаб у:

— Гавҳарни Москвага кузатдик,— деб шартта-шартта гапира бошлади.— Архитектура институтига кетди.

— А? Чини биланми?

— Ҳа, бизнинг факультетга хато қилиб кирган экан.

У ички оғриқдан ёнган кўзларини Очилга тикди. «Гавҳарнинг шундай қилгани тўғрими, йўқми?» деган саволга холис жавоб бериши керак бўлган кишилардан биринчи учрагани Очил эди. Маҳкам унинг фикрини билишни истар, унинг юзидан ўзининг кўнглидаги шубҳага далил қидирарди. Лекин ҳозир Очилга энг кучли таъсир қилган нарса — шундай айрилиқдан кейин Маҳкамнинг ўзини дадил тутиши ва босиб-босиб гапириши эди. Унга бу бир қаҳрамонликдай кўринди, у Маҳкамга ачиниб эмас, қойил бўлиб қаради.

Маҳкам унинг қаравандаги маънони тушунди. Юз берган воқеанинг кишиларга дадиллик бўлиб кўринувчи томони ҳам борлигини у энди сезди. Шунинг учун Очилнинг қаравандан ўнғайсизланиб изоҳ берди:

— Тошкентда ҳам архитектор бўлиши мумкин эди, мен кўп қайтардим. Лекин яхши кўрган соҳаси у ёқда экан... Кетди.

Охирги сўзни айтганда у бирдан яна Гавҳарнинг ҳамон тўхтовсиз узоқлашиб кетаётганини ҳис қилди. Бирлаҳза жимлика поезднинг сўниб бораётган шовқини ҳам эшитилгандай бўлди.

Унинг куюниши Очилга ўз дардини эслатди. Очил яланғоч койканинг сим тўрини шиқирлатиб ўтирида, бошини қуий солиб:

— Жуда қимматга тушибди хатоси,— деди.— Нима, хафалашдиларингми?

Маҳкам бош чайқаб унинг қаршисидаги койкага ўтириди.

— Ораларинг аввалгидайми ахир?.. Ҳа, жўра, кутиш, шубҳаланиш жуда ёмон нарса. Лекин кутадиган одаминг бўлмаса бундан ҳам ёмон бўларкан. Умид узилгандан кейин шубҳа ҳам тансиқ кўринар экан. Шубҳанинг бир четида умид учқунланиб турари, шекили-да. Шу учқундан ҳам ажрагандан кейин. Э-э, жўра, сиз ҳали билмайсиз. Шу ёз менинг бошимдан нималар ўтганини ма-на шу хона билади-ю, ўзим биламан.

— Нима қалди? Замирага бир гап бўлдими?

— Бошқа киши билан бўлиб кетди. Биласизми ким билан?

Маҳкам Эшонбоевнинг номини эшитиб ишонмади. Лекин Очил ўз қулоғи билан эшитган гапларни, ўз кўзи билан кўрган нарсаларни бир-бир айтиб берди.

— Кейин, эшитдим, оналари Наманганта бориб, унаштириб келишибди,— деб гапини тамомлади-ю, ту-габ қолган папиросидан яна бир папирос ёндириб олди ва аччиқ-аччиқ тутун юта бошлади.

Маҳкам энг аввал ҳис қилган нарса ўзманинг дарди Очилничилик оғир эмаслиги эди. Лекин шу заҳоти аллақаердан этни музлатувчи шубҳа пайдо бўлди: «Гав-ҳар ҳам шунақа бир киши билан бўлиб кетсан-чи?

— Қизларни билиб бўлмас экан-да, Очил.

— Қизлар... Лекин қизлар мен томфа одамни ёқти-маса нима қиласиз? Мен олдин ҳаммасини Замирадан кўрдим. Мени алдади деб газабландим. Кейин ўйлаб қа-расам — унда нима айб? Мени севаман деб ишонтирган бўлмаса, ваъда берган бўлмаса, ўзини шунча узоқ олиб юрса. Мен ўзимни ўзим алдаган эканман. У яхши кўра-диган ҳеч қандай фазилатим йўқ экан, кейин тушундим. Тушундим-у, ўзим-ўзимга шундай ҳадрсиз бўлиб қўрмий-дим, шундай руҳим тушиб кетди... Бунинг устуга имти-ҳонда яниқалиб чиқдим, денг. Ўзимни ҳутариб юргим келмай қолди. Ишонасизми? Одам ўзидан кўнгли айниса жуда ёмон бўлар экан. Иш билан шеър мадад берма-ганда, билмадим, ҳозиргacha нима бўлар эдим?

Очил илгари газетага фақат хабар ёзмб алтиб берар ва кичкинагина бўлиб чиққанда кўрар эди. Йиға киргач, хабарнинг ёзилишидан то газетада босилиб чиққунингача ўтадиган мураккаб йўлини ичдан кўрди. Ҳар бир ҳарф, ҳар бир сўз учун бутун Республика олдида масъудият

сезицнинг ҳималигини ҳам билди. Қўл ёзмадан машинкага, машинкадан денотипга, денотипдан версткага, версткадан прессга, прессдан ялтироқ металл барабанларга ўтиб, ниҳоят қудратли гувиллаётган босма машинасида минутига ўнлаб нусха босилиб, дарёдай оқиб чиқадиган газета уни ўзи оқимиға ҳокимона бўйсундириб, оғир ички дардан тобора узоққа олиб кета бошлади. Ҳали яғи ходим бўлган Очилдан бу иш жуда катта эътибор талаб қилас, жазирама иссиқларда ҳам у куни бўйи тинмасди.

Фақат ётоқхонага тунагани келганда ўзи билан ўзи ёлғиз қолар ва мана шу яланғоч койкалар тўрининг ҳар ёриғидан бир азобли ўй чиқиб унга ёпишаётгандай бўларди. У баъзан тонг отгунча ухлай олмасди. Баъзан мудрай бошлиған пайтда ўзининг ўртавиб интрашидан уйғошиб кетарди.

У бир-икки марта шеър ёзишга уриниб кўрди, лекин бутун вужуди булат тўпланиб, дим бўлиб ётган ўзи ҳавосига ўхшарди. Ҳаддан ташқари иссиқ булат ёмғирга айланмагани кабы, унинг ҳозирги фикр-туйғулари ҳам шеърга айланмасди. Фақат ишда ўша кучли ҳаёт оқимиға тушиб оқар, майда-чуйда мақолалар ёёса бинойидай чиқарди. Кечаси ётоққа келса — яна ўша руҳий қийноқ.

Бир кун оқшом у яна ухлай олмаслигини сезди-да, шаҳарни айланиб юриб кинотеатрга бориб қолди. Ҳиндча «Байжу Бавра» фильмни бораётган эди. Очил ҳам кўпларга ўхшаб ҳинд фильмларининг музикасини яхши кўрарди. Унга шундай туюлардики, кўп азоб-уқубатларни бошидан кечирган улкан ҳалқ ўз руҳий қечицмаларни муҳаббатга, меҳр-шафқатга айлантириб, музикага жойлаган, шунинг учун бу музика кўзига қайноқ ёш олиб, энг яқин дўстига юрак дардини айтиб бераётган соғ бир кишини эслатади.

«Байжу Бавра»да Очилга жуда кучли таъсир қилган яна бир нарса шу эдик, унда муҳаббат билан поэзия юракда бирга туғилғани, лекин Байжу, ҳаётда уларни бир-бири билан қовуштиромай охири ўзи икки ўтнинг орасида қолиб куйиб кетгани кўрсатилар эди. Очил ўзининг юрагида ҳам шунақа ўт бирга туғилганини энди сезди. У жавобсиз севгидан қутуламан деб шеърни унинг йўлига ғов қилиб кўтарганда муҳаббати қайтага кучлироқ ёнганди. Энди билса, ўтни ўт билан ўчириб бўлмас

экан, фақат янада кучли алангалантириш мумкин экан. Аксинча, қалбидаги муҳаббат ўтига умидсизлик суви сепилиб ёнмай қолгандан бери шеър ҳам аланга олмай қолганди.

Шунча кундан бери ичини тўлдириб юрган булутлар энди шу юракни эзувчи музика таъсирида ёмғирга айланмоқда эди. У Байжунинг кўл бўйида, эски ибодатхона олдида айтган ашуалаларини, ошиқ-маъшуқлар бирбирини «Садо бер», деб йўқлаганини юм-юм йиғлаб эшитди. Бу қайгу ёшлари эмас эди. Оғир аламни енгиб ўтгандан кейин, ҳаддан ташқари зўр ички кечинма маълум жойга бориб қарор топгандан кейин кишига алланечук енгиллик келтирувчи, юракни мулойимлаштирувчи халоскор ёшлар эди.

Ўша кечаси у биринчи марта тинч ухлади ва эрталаб туриб, ўзининг уйқусиз ўтган илгариги тунларига узоқдан қарагандай бўлди. Бу тунларнинг саратон жазира масига ўхшаган ҳароратини энди қофозга тушириш мумкин эди.

Очил шу ерга келганда гапдан тўхтаб, тумбочка томонга энгашди-да:

— Кўрганингиз йўқми? — деб сўради.

Маҳкам тумбочкининг пастки хонасидаги бир даста газетани келган куни кўрган, ҳаммаси бир сондан эканини пайқаб, бир оз таажжубланган, лекин очиб қарамаган эди. Очил газетанинг иккинчи бетини очиб кўрсатди. Адабиёт саҳифасида Очил деган имзо билан катта бир шеър чиққан эди.

— Сизникими?..

Маҳкам узун сатрларга кўз югуртира бошлади.

— Ўзим ўқиб берайми? — сўради Очил.— Келинг.— У газетани олиб ёнига қўйди. Одатдагидай паст товуш билан ёддан ўқий бошлади.

## МУҲАББАТ ЖАЗИРАМАСИГА

Ярим тун. Тўшакда эшилиб ётиб  
Кўз юмдим, буркандим — уйқу келмади.  
Баъзида дарровоқ ухлатадиган  
Газета ҳаттоқи эснатолмади.  
Зеҳн солсан — асад ҳам, қалб ҳам, идрок ҳам  
Ухламас, тинчимас мисли аланга.  
Томирлар оловли шнурдай ёниб,

Қон билан ўт ташир бутун баданга,  
Портлаш ларзаси бор қалб тепишида...  
Сенми бу, жавобсиз севги қийноғи?  
Ичимга қамасам бўғмоқчи бўлиб,  
Ўзимни бўғади ўтли чанқоғинг.  
Вужудим саратон кўкидай қизган.  
Сенми бу, муҳаббат жазирамаси?  
Сенданми безиллаб сояга қочган  
Тўралар, шўлалар, мўртлар — ҳаммаси?  
Майли! Мен қочмайман, яширинмайман.  
Ёғодан эмасман куйиб бўлсан кул.  
Уснмлик сифатим йўқми, ҳижронинг  
Сўлдирса мисоли узилган бир гул.  
Юрагим нишонда турган фанермас  
Бир ўқдай қадалсанг, тешасан бедаво.  
Орзуларим — шароб, кўнглим — қадаҳмас,  
Синдиранг ва тўксанг, этсанг бенаво.  
Кўз ёши, оҳувой, зорланиш-э, йўқ  
Буларни ўтмишдан олганинг етар.  
Сенинг жазираманг саҳрова хавфли,  
Бизнинг қалдан эса дарёлар ўтар.  
Саратон саҳросин сарғайтган қуёш  
Дарёлар воҳасин яшнатгани ҳақ.  
Аёвсиз иссиқда сўлмай ўсишга  
Дарёли юраклар бўлар муваффақ.

Муҳаббат, жавобсиз бўлсанг ҳам, сенга —  
Кўксимни тутаман, соча бер оташ.  
Куйишдан қўрқмайман, чунки юрагим  
Шу юртини яшнатган дарёга туташ.

Очил фақат юракдан ёниб чиққан нарсаларни айтгандагина бўладиган бир эҳтирос билан ўқир экан, Маҳкам шеърда ифода қилинган туйғулардан бир неча баравар ортиқ нарса ҳис қилди. У бир вақтлар Очилга «муҳаббатни бўғманг, қиз севиш-севмаслигидан қатъий назар қўйиб беринг» деганда бунинг қанчалик қийин эканини тасаввур этмаган эди. Ўшанда муҳаббат Маҳкамга фақат шодлик бағишловчи томонлари билан кўринар ва ҳамма нарса осон туюларди. Мана энди, муҳаббатига яраша муҳаббат сезмай қийналиш ўз бошига тушган бир пайтда, у Очилнинг юрагидаги жазирамани жуда яқин-

дан ҳис қилди. Очил унга ҳар қачонгидан ҳам синаштароқ, қадрдонроқ кўринди.

Маҳкам вокзалдан келиб Очилни учратганига энди суюнса бўлар эди. Аммо ҳозир унинг кўнглига севинч сифмасди. Очилниң бошидан ўтган нарсаларни Маҳкам ўзининг кечинмаларига солиштириб кўриб, «бундан қийинларини ҳам енгиш мумкин экан-ку», деб тасалли топса бўлар эди. Лекин ҳозир у евғиш ҳақида ўйламасди, чунки юз берган нарса ундан қилча ҳам узоқлашган эмас, эскирган эмас, енгиб ўтиш керак бўлган бир тўсиқ-қа айланган эмас. У фақат Гавҳарнинг минут сайн узоқлашаётганини ҳис қилас, дардли бир товуш билан:

— Шу экан-да,— дерди.

Очил унга тасалли бераман деб уринмасди, чунки биларди: Маҳкам вазмин йигит, унинг қалбида бўрон қўзғалиши қанчалик қийин бўлса босилиши ҳам шунчалик қийин.

## 42

Сентябрь. Осмон янгидан бино бўлгандай ва ҳали ҳеч гард юқтирганда мусаффи. Ҳаво пишиқчилик ҳидига тўйинган. Шаҳар атрофидаги боғларнинг муаттар нафаси марказий кўча ва майдонларга ҳам уриб туради. Офтобнинг тапти қайтган, лекин одамлар ҳали ёзги кийимларини ташлаган эмас.

Олтин ранг хитойи жужунчадан китель-шим кийган Эшонбоев факультетга кираверишда бир тўп студентларга дуч келди.

— Муҳаммаджон ака, қаллиқ билан табриклаймиз!— деди студентлардан бири.

Бошқалар жавоб кутиб жим туради. Улар Эшонбоев Замира билан аҳд-паймон қилибди, деб эшитишган, энди бунинг қанчалик ростлигини билмоқчи бўлишарди.

— Раҳмат, раҳмат!— деб Муҳаммаджон тўхтамай ўтиб кетди.

У ўзининг катта бир режаси амалга ошганидан жуда хурсанд эди. Энди тез куыда диссертациясини муҳокамадан ўtkазишга тайёрланар, бу режаси ҳам кўнгилдаги-дек амалга ошишишга шубҳа қилмаеди.

Бироқ кутилмаган ташвишлар халақит бера бошлади.

Комсомол комитетининг секретари Зуҳриддинов уни партбюро олдида кўриб қолиб:

— Ўртоқ Эшонбоев,— деди ранжиган товуш билан,— сиз курс бюоролари ҳақидаги таклифни шубҳали деб қанча вақт папкангизга солиб юрдингиз. Маҳмудовни текшириш керак дедингиз. Мен ҳам бепарвөлик қилган эканман. Ҳақли равишда гап эшийтдим.

— Нима бўлди? Арзга борибдими?

— Арзга боргани йўқ, лекин борса ҳам ҳақли эди. Унинг таклифлари республика ЦК комсомолининг эътиборини жалб қилди. Бошқа жойлардан ҳам шундай таклифлар тушган экан. Секретаримиз ўртоқ...нинг ўзи Москвага борганда ЦК комсомолда гапирибди. Ҳозир масала ўрганиляпти.

— Бошқа жойлардан ҳам таклиф тушган бўлса ўрганишга сазовордир, лекин Маҳмудов мени иккилантиргани бежиз эмас,— деди Муҳаммаджон ва Маҳкамнинг «урилиб кетган» Тошевга куёв бўлмоқчи эканини, Зокир билан қандай уришганини айта бошлади.

У Зуҳриддинов партбюорода гап қилиб юрмасин, деб олдини олиб қўймоқда эди.

Аммо факультетда бунинг олдини олиш қийинроқ бўлди. Маҳкамни кандидатликка тавсия этган Платон Макеевич ёзда унинг аризаси нега мажлисга қўйилмаганини сўраганда Эшонбоев курс бюоролари ҳақидаги гапни сабаб қилиб кўрсатган эди. Энди бу сабаб бекор чиқди. Эшонбоев Маҳкамни асоссиз қоралагани маълум бўлди. Платон Макеевич Эшонбоевдан қаттиқ ранжиб, Караматовга бориб гапирмоқчи бўлганда Зуфар Ҳакимович орага тушди-ю, шошилинч мажлис чақиртирди. Маҳкамнинг аризаси биринчи навбатда кўрилди. Бироқ уни кандидатликка қабул қилиш масаласи овозга қўйилгандага Ҳакимов ўзи бетараф қолди. Комсомол бюросидаги ноаҳилликни, Маҳкам ҳали ҳеч жойда ишлаб кўрмаганини, ҳаётий тажрибаси йўқлигини сабаб қилиб кўрсатди.

Эшонбоев деканинг бетараф қолиш сабабини протоколга яхшилаб ёзив қўйди, чунки бу бюорода катта далил бўлиб хизмат қилиши керак эди.

Сўнг у Караматовга ўзининг оперативлигини кўрсатмоқчи бўлди-да, протоколни дарҳол Маҳкамнинг делосига тикиб, партбюорога олиб кетди.

Лекин у бюро эшигини очаман деганда ичкаридан Акбаров чиқди. Муҳаммаджон унинг кўзлари чақнаб

турганини, лаблари тўлқинланиб гапирганидан далолат бериб титраётганини кўрди. «Караматовга арз қилганга ўхшайди,— деб Муҳаммаджоннинг юраги шувиллаб кетди.— Караматов ўшанда чақирганини эслармикин? Мен Акбаровга атайин кечикиб айтганимни билган бўлса... Йўғ-э, билиши мумкин эмас».

Муҳаммаджон Караматовга қўрқа-писа юзланди ва гапни табрикдан бошлади: Обид Йўлдошевич очган қадимги кондан заводга яраша руда запаси чиқмаган бўлса ҳам, тоғ ишининг тарихи учун жуда қимматли материаллар топилган эди, яқинда Караматовнинг ташаббуси билан геология кафедрасида музей ташкил этилганди.

Обид Йўлдошевич бу табрикнинг қанчалик самимиyllигини билмоқчи бўлгандай Муҳаммаджонга синовчан назар билан тикилиб раҳмат айтди. Муҳаммаджон унинг Акбаров тўғрисида гап очишини кутар эди. Лекин Караматов Акбаровнинг шахсий иши кўрилган мажлис протоколини келтириб беришини сўради-ю, бу ҳақда гапирмади. Муҳаммаджон энди ўзининг текширилиши мумкинлигини сезди, юраги така-пука бўлиб, Зуфар Ҳакимовичнинг олдига борди. Зуфар Ҳакимович эса дарҳол проректор Назаровнинг ҳузурига кетди.

Муҳаммаджон Караматов сўраган қофозларни ўша куниёқ келтириб берди. Эртаси куни Обид Йўлдошевич уни яна чақирди ва Бузруковнинг маълумотини текшириб тўғри топган тарихчини сўради. Эшонбоев унинг Тошкентдан кетиб қолғанини эшитган, лекин адресини билмас эди.

— Билиб келинг,— деб Обид Йўлдошевич уни чиқариб юборди.

Муҳаммаджон бир кун овора бўлиб, тарихчи Тожикистоннинг узоқ бир районига ишга кетганини (қайси район эканини ҳеч ким айта олмади) зўрға билди. Бу орада Обид Йўлдошевич факультетга келиб, Зийнатуллаевни сўраган, уни тополмаган, Аким Борисович билан суҳбатлашган эди. Муҳаммаджон буни эшитиб бадтар саросимага тушди. Ў тарихчининг адресини тополмаганини айтиш учун Караматовнинг олдига келгандаган ранги бўздай оқариб кетган эди.

— Сиз нега бетайин кишиларнинг туҳматига ишониб шахсий иш туздингиз?— Сўради Обид Караматович одатдагидай паст, босиқ товуш билан.

— Кечирасиз, Обид Йўлдошевич,— деди Муҳаммаджон совуқ терга ботиб,— мен тушуна олмаяпман. Агар мумкин бўлса, гап нимадалигини билсам?

— Акбаров таржимаи ҳолини яширди деган маълумот уйдирма эканини билмасмидингиз? Мана, Акбаров ўзи туғилган жойидан ҳужжат келтириди. У ерда Бузруков деган ўқитувчи йўқ ва бўлган эмас деб справка беришибди. Хўп, бу-ку, ниқобланган аноним экан, сиз у тарихчининг туҳматига қандай ишондингиз?

— Бунчалигини билмабман, Обид Йўлдошевич. У тарихчи бир вақтлар Зуфар Ҳакимовичнинг қўлида ўқиган экан. Ўзи лектор эди.

— Биз ҳали у одамни топамиз, тегишли идораларга айтсан топиб беради. Лекин сиз парторгисиз. Бу нима деган гап? Қаёқдаги туҳматга ишониб, бир доцентнинг ҳаётини хароб қилсангиз нима бўлар эди?

— Мен бундай қилмоқчи эмас эдим, Обид Йўлдошевич,— деб Муҳаммаджон узр сўрай бошлади.

— Акбаров сизнинг диссертациянгизни нима деб танқид қилган эди? Қачон?

Караматовга шу тўғрида ҳам гапиришганини сезган Эшонбоев диссертациясининг муҳокамаси Акбаровнинг иши мажлисга тушгандан кейин ўтказилганини таъкидлаб айтди. «Акбаров ўша мажлисда аччиғлангани учун диссертацияни ҳам ерга урди» деган фикрни сўз билан айтмаса ҳам, юз ифодаси билан билдириди.

Обид Йўлдошевич ўйланиб қолди. Акбаров унга жуда самимий кўринган, Ҳакимов нотўғри метод билан иш олиб бораётганини куюниб гапирган эди, лекин Муса Назарович, Ҳакимовдан, эшитган далилларига асослалиб, Акбаровда ғараз бор деярди.

— Акбаров билан Зийнатуллаев иккови ҳаммани танқид қиласди, аммо бир-бирини ёқлади. Хабарингиз бор, ўша заарли латифа масаласи кўтарилиганда Акбаров Зийнатуллаевни ёқлаб чиқсан эди. Кейин Акбаровнинг иши кўрилганда уни Зийнатуллаев асоссиз гаплар билан мудофаа қилди. Бу ғаразли ҳамкорлик эканини ҳамма сезди.

Обид Йўлдошевич бу гапларга Акбаровдан эшитгандарини солиштириб кўрди. «Зийнатуллаев баъзан гапни ўйламай гапиради, лекин ўзи яхши ўқитувчи,— деганди Акбаров.— Соф дил одам, студентлар орасида обруси катта». Кейин Караматов профессор Задориннинг айт-

ганларини эслади: «Ким ҳақлигини аниқ билмайман, лекин шахсан Акбаровни ҳурмат қиласман, шу тугунни ечиб берсангиз жуда яхши бўлар эди».

— Муса Назарович, балки ғараз бошқа томондадир? — Қараматов.— Ўша Акбаровнинг шахсий иши чуқур ўрганилмаганини сиз ҳам сезмаган экансиз.

Муса Назаровичга бу гаплар қаттиқ ботди.

— Обид Йўлдошевич, ҳар ҳолда мен тарих факультетининг маъсулиятини бўйнимга олган эдим, Ўтган куни Акбаров келибди, текшириш бошлабсиз. Менга бир оғиз айтмабсиз. Балки мендан кўра Акбаровга кўпроқ ишонарсиз?

— Йўқ, энди масалани бундай қўйиш тўғри эмас-да...

— Қандай қўйсангиз ҳам ўзингиз биласиз,— деди Муса Назарович ва ўз кабинетига чиқиб кетди.

Шундан кейин Обид Йўлдошевич ректорнинг олдига кирди. Кўп ўтмай Муса Назарович ва Зуфар Ҳакимович ҳам Акбаров масаласи билан ректорнинг ҳузурига чақирилди. Султон Алимович физиклар билан кенгаш ўтказмоқчи бўлиб турган эди, шунга қарамай учовининг фикрини батафсил эшига бошлади.

— Мен бошдан айтиб бераман,— деди Зуфар Ҳакимович сўз олиб,— мана, Муса Назарович биладилар. Мен Акбаровнинг ижтимоий чиқиб келиши масаланинг фақат жузъий бир қисми деб аввал ҳам айтганиман. Ҳозир Акбаровнинг таржими ҳоли аниқланди. Эшонбоев тажрибасизлик қилиб, ишни хомроқ тайёрлаган экан, мендан ҳам ўтган экан, буни бўйнимизга оламиз. Лекин масаланинг бу чалкаш томони аниқлангани яхши бўлди. Чунки энди бутун эътиборни асосий масалага жалб қилиш мумкин. Асосий масала — Акбаров ўқиётган лекциялар ва қилаётган танқидларнинг гоявий йўналиши ҳақида. Ў билан Зийнатуллаев иккови муҳим сиёсий масалаларни чалкаш ёритиб, студентларни чалғитаётганида. Мана, масалан, Андижон қўзғолони тўғрисида...

Шу билан гап тарихдаги мунозарали масалаларга кўчди-ю, бусиз ҳам мураккаб бўлган нарсалар янада мураккашлашиб кетди. Султон Алимович соатига қаради: қабулхонада физиклар кутиб ўтирасида.

— Бу жуда чуқур ўрганишни талаб қиласиган масала экан,— деди у.— Ўргангандан ҳам, мутахассислар ўрганиши керак. Сиз билан мен, Обид Йўлдошевич, ҳар ҳолда, тарихчи эмасмиз.

— Ректорат билан партбюро уч кишилик комиссия тузса яхши бўларди,— деди Зуфар Ҳакимович.

— Комиссияга раис бўладиган тарихчимиз ҳам бор,— деб Султон Алимович унга қўшилди.— Партбюро билан ректоратдан Муса Назаровични кўрсатсак, нима дейсиз, Обид Йўлдошевич?

Обид Йўлдошевич боя Назаровнинг хафа бўлиб чиқиб кетганини эслади. «Йигирма йиллик ўртоғимга ишонмайман? Бекор гап!»— деб ўйлади-ю, ректорнинг таклифини қувватлади.

— Фақат мен профессор Задорин комиссия аъзолигига ўтишини истардим,— деди у.

\* \* \*

Комиссия тузилгандан кейин Эшонбоевнинг кўнгли хийла тинчиди. У энди диссертациясининг муҳокамасини тезлатишга урина бошлади.

— Лекин, деди Зуфар Ҳакимович яна унинг шахтини қайтариб,— диссертациянгизни таржима қилдиришга тўғри келади.

— Чўзилиб кетади-ку, Зуфар Ҳакимович. Ноябрда муҳлатим битади.

— Биламан. Мавзу ўзгартирганингизни айтиб, яна олти ой муҳлат қўшиб беришларини сўраяпман, йўқ де-йишмас. Энди муҳокамани аввалгидай ўтказиб бўлмайди. Ҳозир Умаров ҳам Акбаровнинг ёнига киради. Сезяпсизми, бу Умаров келгандан бери Муслимов ҳам биздан унча ҳайиқмай қўйди. Бу ёқда Задорин, таржимаси бўлмаса бўлмайди, деяпти. Шу одам Қараматовга айтган экан. Қараматов ректорга айтиб таржимага пул ажратдирибди. Бундан ташқари Задорин ҳалиги комиссияга ҳам аъзо.

— Лекин шу комиссия бир қарорга келгунча...

— Э бу комиссиядан қўрқманг, ҳали-бери бир хуло-сага келолмайди. Масалани истаганингизча чўзишингиз мумкин. Кейин, сиз ҳам қараб турмайсиз-да, ахир! Ҳозир қизиги ўтгунча ўзингизни мудофаа қиласиз-у, кейин яна чиқасиз. Мафкураси бузуқ бўлгандан кейин фош этиш сизнинг бурчингиз. Ҳозирча диссертацияни пишига-веринг. Ўзаро гап-ку, Муҳаммаджон, сизда бир оз ялқовлик бор. Қадалиб ўтиришни унча ёқтиромайсиз. Биламан, эртаю кеч букилиб ўтириб ёзиш ҳеч кимга ҳам ёқ-

майди. Лекин нима қиласиз? Мана бу душманларингиз бўлмаса ҳам майли эди. Энди уч-тўрт ой қийинчиликни бўйнингизга олиб ишланг. Муҳлатини узайтириб бериш менга тан. Асистентликни давом этказаверасиз. Кейин мана бу комсомолларни бир қолипга солиш керак.

— Ҳа, шу тўғрида мен сиз билан маслаҳатлашмоқчи эдим. Маннонов бу йил ҳам умидвор кўринади. Лекин Зуҳриддинов уни хушламаяпти.

— Ҳа,— деди Зуфар Ҳакимович,— бу боланинг сири кетиб қолди. Ҳали унча сири кетмаган болалардан танлаш керак.

## 43

Зокир бошқа нарсалардан унча-мунча хабардор бўлса ҳам Ҳакимовнинг бу фикрини билмасди. Унинг кабинетига маслаҳатга кирганда «ўзингиз қоласиз» деган гапни кутар эди. Бироқ Зуфар Ҳакимович дабдурустдан:

— Кимни кўрсатсан экан?— деб сўради.

Зокир қувлик қилиб, унга ёқмайдиган номни айтди:

— Масалан, Маҳкам Маҳмудов бор.

Зуфар Ҳакимович қовоғини солди. Зокир қувлик кетмаслигини сезиб дарров:

— У бўлмаса Турсун Сотиболдиев бор,— деди. Яқинда кандидатликка ўтди. Бюрова ишлаб кўрган.

Зокир бу гапни айтиётганда лаби алам билан титрар эди. Бунинг сабабини сезиб турган Зуфар Ҳакимович:

— Албатта ўзингиз қолсангиз бўлар эди,— деди.— Сизнинг тўғрингизда яхши фикрлар бор. Мана, охирги курсга ўтдингиз. Битирувчилардан битта-яримтасини аспирантурада қолдиришимиз керак бўлади. Шуни мен ҳозирдан ўйлаб юрибман. Сиз энди бошқа катта ишлардан вақтинча бўшаб, бутун кучни дипломга, илмий ишга берсангиз қандай бўлади?

— Раҳмат, Зуфар Ҳакимович, жуда яхши бўлади,— деб Зокир анча енгил тортди.— Ўзим ҳам шуни орзу қиласман.

— Бўлмаса сизни бу йил қолинг деб зўрламаймиз. Сотиболдиев дейсизми? Ёмон йигит эмас-а? Бир оз сергапроқ-ку, лекин...

— Бу иш ўзи сергап бўлишни талаб қиласи, Зуфар Ҳакимович,— деб Зокир Сотиболдиевни ёқлади.

Зокир учун Сотиболдиевдан маъқулроқ номзод йўқ эди. Сотиболдиев бюро аъзоларидан унга энг яқини эди, кейин Зокир бўлажак секретарнинг ўзидан баланд бўлишини истамасди. Фақат пастроқ бўлса одамлар Зокир секретарлик қилган вақтини баланд қўйиб эслашлари мумкин. У ҳеч бўлмаса шундай бир эсадалик қолдиришга интиларди. Ҳисобот докладини ҳам шу интилишига мос қилиб, ишининг ижобий томонларини кўпайтириб тайёрлади.

Лекин сал кам уч юз кишилик мажлис унинг докладини шундай зерниб эшитди ва музокараларда чиқиб уни танқид қилганларга шундай қизиқиб қулоқ солдики, бюронинг иши қониқарсиз топилсин деб кўтарилиган қўллар саналаётганда унинг юраги орқасига тортиб кетди. Бу қўллар муштга айланиб бошига тушишидан қўрқандай юзини пастга қаратди, кифтини қисиб, саноқнинг охирини зориқиб кутди. Лекин ҳисоб тинмай ортиб борарди. Раислик қилаётган Сотиболдиев адашиб кетди-ю, яна қайтадан овозга қўйди. Пастдан икки киши туриб зални иккига бўлиб санай бошлади. Ниҳоят:

— Қирқ олти! — деди ўнг томонни санаган Сергей.  
— Олтмиш! — деди чап томондаги Омон.

Бир юз олти. Яна йигирма уч киши қарши қўл кўтарганда қониқарсиз топилар эди. Факультетнинг тарихида бўлмаган бир шармандалик бўлар эди.

Сотиболдиев «хайрият» дегандай унга қувониб қаради-ю, раислик ўрнидан чиқа бошлади. Улар олдиндан келишиб қўйган эдилар, мажлис шу ерга келганда жиловни Зокирнинг ўзи олиши керак эди. У президиумда ўтирган Эшонбоев, Платон Макеевич ва яна бир неча кишининг орқасидан айланиб ўтиб, Сотиболдиев бўш қолдирган жойга келди. Тикка турган ҳолда қўнғироқ-қа қўлини қўйиб:

— Ўртоқлар, энди янги бюро сайлашга ўтамиз,— деди.

Зал бирдан жимиб, очиқ деразалардан машина шовқинлари эштилди. Зокир доклад қилаётганда бири ўзини панага тортиб китоб ўқиётган, бири сабрсиз қимирлаб ўтирган, бири қўшнисига секин гапираётган комсомоллар энди баравар унга қаради. Уларнинг орасида Зокир дарҳол Фариданинг кўзларини ажратди, бу кўзлар унинг раислик ўрнига келганини ва залда ўзгариш юз берганини кўриб бир оз завқланаётганга ўхшарди.

Зокир дерәза олдида ўтирган биринчи курслик қизга қараб сўради:

— Кимда қандай таклиф бор?

Бу қиз бошқалардан кейин қўл кўтарган бўлса ҳам, энг аввал сўз олди ва олдиндан пишишиб қўйган гапни айтди:

— Мен биринчи курсдан ўртоқ Игорь Кузаков рўйхатга киритилсин деб таклиф қиласман. Мактабни олтин медаль билан битирган. Актив жамоатчи бўлган.

— Ўрнидан турсин!— деган овозлар эшишилди.

Залнинг орқароқ қаторидан мўмингина йигитча оёққа турди ва тўрт тарафдан ёпирилган қарашлар таъсира ида қизариб, уятчан кулимсираб, бир оз қалқиб кетди. Зокир унинг беозор кўриниши ва уятчанилигини ёқтириб номзодлар рўйхатига киритган эди. Ҳозир унга қараганлар ҳам ҳеч қандай нуқсон топмади ва кимдир:

— Киритилсин!— деди.

Президиум столи орқасига кичкина доска келтириб қўйилган эди. Унга «1» рақамини ёзиб қўйиб, бир қўлида бўр, бир қўлида латта билан команда кутиб турган Сотиболдиев дарҳол рўйхатни бошлади. Иккинчи номзод учун қўл кўтарғанлар орасида Зокир Мирсаидни қидириб топди.

— Ўртоқлар, мен,— деб Мирсаид тантанали гапира бошлади,— бешинчи курснинг энг зўр ташкилотчилари бўлган Зокир Маннонов билан Турсун Сотиболдиевни кўрсатаман! Мана, иккови ҳам ҳозир ҳақли равишда президиумдан жой олган. Менинчя, залда буларни билмайдиган одам йўқ. Шунинг учун ортиқча характеристика сўраб ўтирамай рўйхатга киритилсин деб таклиф қиласман.

Зокир бу гапни бош эгиб эшиди-да, сўнг алла-иечук жим турган залга тортинибгина мурожаат қилди:

— Кимда қандай таклиф бор? Балки отвод берувчилар бордир? Бўлмаса менда отвод бор... Ўртоқлар, ишончларингиз учун раҳмат, мен икки йил бюорода бўлдим, охирги йил секретарлик қилдим. Энди бўшатишлирингизни сўрайман. Бу йил бошқа одам ўтсин. Узрли сабабларим бор.

Зокир мажлисдан қаттиқ эътиroz кутиб гапирар эди. Лекин фақат бир киши қандай узрли сабаби борлигини сўради-ю, бошқа ҳеч ким эътиroz билдирамади,

нлтимоси осонгина қондирилди. Навбат Сотиболдиевга келганда зал яна нимадандир тараддудлангандай жим бўлиб қолди. Зокир Очилнинг қўл кўтараётганини кўриб, қарши гапиришидан қўрқди ва дарҳол ўзи сўзлай бошлади. У Сотиболдиевни мақтаб узоқ гапирди. Ҳар бир киши ҳақида шунча вақт гапирилса, мажлис чўзилиб кетишини сезганлар сабрсизланиб:

— Биламиз! — дейишиди. — Киритилсин!

Бир қанча жойлардан буни қувватлаган овозлар эшитилди. Зокир Очил томонга атайлаб қарамас эди. Сотиболдиев ўнғайсизланишдан кўра қувончга яқин бўлган бир табассум билан доскага ўзини иккинчи қилиб ёзди ва залга юзланди.

Зокир яна номзод кўрсатишга кўтарилиган қўллардан фақат кераклисими қидириётган эди, Очил ўрнидан сапчиб туриб:

— Бу қанаقا гап, ўртоқ Маннонов! — деди. Бутун зал унга қаради. — Кўзингиз фақат белгили жойларни кўради-я? Мана бу ёқда одамлар боятдан бери сўз сўрайди, нега кўриб кўрмасликка соласиз?

Очил Сергейни кўрсатмоқда эди. (Сергей комсомол билетини топширмаган ва мажлисларга қатнашиб юради). Зал бирдан шовур-шувур бўлиб кетди. Зокир қўнғироқни жиринглатиб, одамларни бир оз тинчитдию, сир бой бермасдан деди:

— Дарров тирноқ тагидан кир қидирасиз-а, Самадов? Зал катта бўлгани учун бир қараашда ҳаммани кўриш қийин ахир. Чумичкин, марҳамат.

Яшил тенниска кийган, ёзда офтобда қорайгани ҳали ҳам кетмаган Сергей ўрнидан туриб олдинги стулнинг суянчиғига қўлини қўйди-да, осойишта гапира бошлади. У янги составга энг кучли активистлар сайланishi кераклигини, олдинда мушкул ишлар, тузатилиши керак бўлган камчиликлар кўплигини айтди.

— Менимча, мана шу қийин вазифанинг уддасидан чиқадиган комсомоллардан бири Маҳкам Маҳмудов, — деди у. — Балки мен адашарман, лекин ўтган йил сайланган бюромизда энг яхши ишлаган киши — Маҳмудов десам... лоф бўлмас. Киши баъзан ўз яқинида бўлаётган нарсаларга унча аҳамият бермайди. Бизда Маҳкамнинг агитаторлар масаласидаги ишини назарга илмаган одамлар бор. Лекин қўшни факультетларга бориб қаранг: унинг иш методини миннатдор бўй

либ татбиқ этишаётгирлар. Маҳмудов десангиз ҳамма билади. Унинг курс бюrolари ҳақида қилган таклифлари ҳам фақат чин кўнгилдан ишлайдиган...

— Ўртоқ Чумичкин, ҳали ўрганилаётган ноаниқ масала билан мажлиснинг эътиборини чалғитиш яхши эмас,— деб энди Эшонбоев эътиroz қилди.

— Лекин эътиборга, ўрганишга сазовор бўлгани яхши! Майли, бу ҳақда гапириш балки эртадир. Фақат мана шу ўқув йилининг ўтган уч ҳафтасини олинг. Шу вақт ичидаги бюро қайта сайланишини сезиб кўп аъзолар деярли ишламади. Лекин мен газетада бўлганим учун кузатиб юрдим: Маҳмудов билан Каримов аввалгида сидқидиллик билан ишлади; мана биринчи курслилардан ҳам сўранглар. Бошқа курслар ҳам билса керак.

— Тўғри!

— Биламиз Маҳмудовни.

— Киритилсин.

— Каримов ҳам, Каримов ҳам!

Зал Чумичкини қизғин қувватлагандан кейин Зокир саросима бўлиб Эшонбоевга қаради. «Режа бузиятику, гапирасизми?» деган саволни Муҳаммаджон тушунди, албатта. Лекин кўпчилик Маҳкамни чиндан ёқтиарди, Чумичкиннинг асосли гапларини инкор этиш осон эмас эди. Муҳаммаджон ҳозир гапиришни ўринсиз деб билди ва қовоғини солиб юзини Зокирдан ўғириб олди. Зокир шошиб қолиб, заифгина эътиroz қилди:

— Ўртоқлар, ахир эски составдан бунча одам кирса ортиқчалик қилмайдими?

— Нега?— Платон Макеевичнинг овози келди.— Ортиқчаси яширин овозда тушиб қолади.

Зокир ўзига топширилган ишни уddyalай олмаганини Эшонбоевнинг юзидағи норозиликдан сезди. Ўзини ўқотиб, навбатдаги номзод учун кўтарилиган қўллардан тўғри келганига сўз бериб юборди.

— Биз,— деб иккинчи курслик Муродов ёнидаги ўртоқларини ҳам кўрсатиб қўйди,— группамизнинг аълочи студенткаси бўлган Замира Азимхоновани кўрсатамиз. Азимхоновани ҳамма билади. Жуда принципial қиз. Юз хотирга бормайдиган...

Иккинчи қаторда ўтирган Замира кўпчиликнинг талаби билан ўрнидан турар экан, қизил атлас кўйлагининг ранги ўзига ургандай қип-қизариб кетди. У ёқ-бу ёқдан маъқулловчи овозлар эшиғилди:

— Яхши комсомолка.

— Киритилсин!

— Зокир иккинчи курсликларнинг бу фикрини аввал ҳам эшитган, лекин Эшонбоев рўйхушлик бермагандан кейин Замиранни режага киритмаган эди. Ҳозир у яна Эшонбоевга: «Нима қиласиз?» дегандай қаради.

Ҳамма Замирага тикилганда Мұҳаммаджон ерга қараб қизариб кетди ва шу билан залнинг эътиборини ўзига тортди. Ҳозир у Зокирга бирор нарса деб кўрсатма беролмасди. Фақат доскага Замираннинг номи ёзилиб, навбатдаги номзодга ўтганларидан кейин у олдиаги тахта қофознинг ярим варагига бир нарса ёэди-да, тўрт буклаб пастга ташлади.

Олдинги қаторда ўтирганлардан бири туриб келиб қофозни ердан олди, устидаги адресини ўқиди. Кейин Замира ўтирган жойни кўзи билан қидириб топиб ўша томонга узатди. Хат етиб боргунча ўнлаб кўзлар унинг кимдан кимга бораётганини алоҳида қизиқиш билан кузатар, баъзилар нима ёзилганини тахмин этасhtгандай кулимсиради.

Замираннинг Мұҳаммаджонга унаштирилгани ҳали ҳам одамларга фавқулодда бир янгилик бўлиб қўринарди.

#### 44

Номзоди кўрсатилгандан қаттиқ ҳаяжонланиб, юзи чўғланиб ўтирган Замира хатнинг юқоридан қандай тушиб келганини пайқамади. Дастрлабки сатрлари ҳам олов ҳовури орқали хира кўринди.

«Замирахон!

Шундай катта шарафга сазовор бўлаётганингиз мени ҳам фахрлантиради».

Замира бирдан ҳушёр тортиб, «М» деган имзога қарди-ю, такрор ўқиди:

«...Мени ҳам фахрлантиради. Фақат ўқишингизга ха-лақит бермасмикин, деб хавотирланаман. Бошимдан ўтган, биламан, шарафига яраша иши ҳам кўп. Ҳали яна рўйхат муҳокама бўлади. Истасангиз самаотвод беринг. Яна ихтиёр ўзингизда.

Сизга содиқ «М.»

Замира ҳар қанча уялиб ўтирган бўлса ҳам хатни ўқигач юзига «лоп» этиб қизиллик урди. У бошини кўта-

риб, президиумдан меҳрибон кўзлар билан тикилаётган Муҳаммаджонни кўрди, атрофдагилар унга қарамасликка ҳаракат қилиб, сергакланиб, жим ўтирганини сезди, хат ўзига етгунча қанча қўллардан ўтиб келганини, қайча одам турли хаёлларга борганини энди тасаввур этди ва қаттиқ ўнғайсизланиб бошини қўйи солди.

У Муҳаммаджон билан ўзининг орасидаги янги муносабатга ва одамларнинг бунга алоҳида эътибор бериб қарашларига ҳеч ўргана олмасди. Ёзда Муҳаммаджоннинг онаси ва холаси боргандада Маствура опа яхши кутниб меҳмон қилди-ю, лекин Замира ўқишини битирмагунча күёвга чиқмаслигини айтди. Йигит томон ҳам шунга тарафдор эди, фақат Замира кўзга яқин қиз бўлгани учун йигитлар кўп орқасидан тушишини, бирор кори ҳол бўлмасин учун олдини олиб қўйиш кераклигини айтишди. Очил билан Омоннинг Замирага қилган муомалалари ҳам гапирилди. Муҳаммаджоннинг мавқеи, келажаги, бардоши, Замирага бир йилдан бери акаларча аҳамият қилиб келгани кўп тилга олинди. Маствура опа меҳмонларнинг айтгандарини Замирадан эшитгандари билан солиштириб кўриб, тўғри топди. «Яна шундай йигит учрайдими-йўқми?»— деб ўйлаб қолди. Замиранинг бувиси эса, «баҳт бир марта келади, нон синдириб қўйинглар», деб ундади. Замира «мен комсомолман!» деб эскича одатга қаршилик қиласди. Охири оналар ичкарида нон ушатдилар-у, ташқарига: «Замира билан Муҳаммаджон ўқишдан кейинга аҳди паймон қилди», деб маълум этдилар. Замиранинг хоҳиши билан Маствура опа шундай шарт қўйди: қизнинг ўқиши битгунча Муҳаммаджон аввалгидаи акаларча муомалада бўлади, ўқишига қўлидан келганича ёрдам беради. Йигит томон бу шартни дарҳол қабул қиласди ва ҳали-ҳозир сўзсиз бажарниб келяпти.

Муҳаммаджон Замиранинг ўқишига яхшироқ шароит түғдириб бермоқчи экани каникул вақтида бир билинди. У ётоқхона Замирага унча тўғри келмаслигини, бир ишончли кампирнинг бўш хонасини факултет ҳисобидан ижарага олиб бериш мумкинлигини Маствура опага холаси орқали айтди. Маствура опа Замиранинг бирон синашта дугонаси билан ижарада туришига қарши ҳисаб эди. Лекин Замира ётоқقا, кўпчиликка ўрганиб қолгани учун аввал унча рўйхушлик бермади. Кейин бориб ижарага бериладиган хонанинг жуда тинч ва қулай

еканини кўрди. Мұҳаммаджон чиндан ҳам унинг яхши ўқишига шарсит туғдириш ҳаракатида эканини тушуни ва Руқия деган физматлик дугонаси билан ётоқдан сўчиб кетди.

Ҳозир у ўша кампирникида туради.

Кампир билан Мұҳаммаджоннинг қариндошлиги ҳам бор экан. Замира буни яқинда билиб бир оз ҳайрон ўйлди. «Мени тергаб турадиган одамнинг олдига олиб келиб қўйдими?»— деб шубҳаланди. Аммо ўтган куни қол-аҳвол сўрашга келиб, бирпас ўтириб кетган Мұҳаммаджон унинг бу шубҳасини осонгина тарқатди: қариндошлиги бўлгани учун ҳам жойи ишончли-да, бўлмаса у синашта бўлмаган бегона бир кишининг уйини Замирага раво кўрармиди! Замира буни ҳам бир ғамхўрлик деб тушунди.

Мана, ҳозир мажлисда ўтирганда ҳам у Замиранинг ўқишини ўйлади, халақит берадиган нарсани яқинига ўйлатмайин дейди. Лекин унинг хатини ҳамма кўрди, энди Замира ўзига-ўзи отвод берса одамлар буни Мұҳаммаджон буюрди, деб ўйлашлари мумкин. Шу ўй Замиранинг кўнглида қандайдир ғашлик қўзғади, чунки у ҳеч кимнинг буйруғига бўйсуниб яшашни истамайди, ўзини доим эркин ҳис қилгиси келади. Лекин, ахир, бу хат буйруқ эмас-ку! Мана, «ихтиёр ўзингизда» деб турнибди, фақат билиб маслаҳат беряпти. Унинг бир кўнгли бюорода бўлишни истайди, шунча одамнинг ҳурмати қалбига жуда ёқимли тегади. Лекин бир кўнгли чиндан ҳам ўқишига вақт кам қолишини таъкидлайди. Сўнгра, ўзи-ўзига отвод бермаса Мұҳаммаджон уни жуда амал-параст экан, деб ўйлаши ҳам мумкин.

Замира ўйга чўмиб мажлиснинг қандай давом этаёт-ганини ҳам сезмади. Фақат ётоқхонадаги қўшниси Анна Погорельская ҳақида гап бораётганда хаёlinи йиғишириб доскага диққат билан қаради.

Рўйхат ўнинчи номерга бориб қолган. Сотиболдиев ўн биринчи қилиб Аннани ёзар эди. Шундан кейин залдан номзодлар кўрсатиш тўхтатилишини таклиф қила бошладилар.

Рўйхатдаги номзодлар бирма-бир муҳокама қилиниб, кўплари таржимаи ҳолини айтиб бериб, навбат яқинлашган сари Замиранинг юраги қаттиқроқ дукилларди. Мана, ниҳоят у ўзига ўзи отвод бериш учун ўрнидан турди.

— Ўртоқлар, мени,—деб бошлади-ю, ҳаяжондан овози олиниб, биринчи сўзлари бутунлай эшитилмади. Бошини эгиб йўталиб олди:— мени рўйхатга киргиз-масликларингизни илтимос қиласан. Узоқ жойдан келганман, ўқишини яхши эпласам ҳам катта гап.

Зокир юқоридан туриб унинг гапини қувватлади. Лекин кўпчилик эътироz қилди, «аъло» ўқниди, узоқдан келганлиги сабаб эмас, ҳамма ҳам шунаقا, деб уни рўйхатда қолдиришиди.

Энди ҳаяжон Замирани алланечук элтиб қўйгандай бўлди: у вақт ўтаётганини сезмас, одамлар ҳисоб комиссиясини кутиб, сабрсизланишига тушунмас эди.

Ана, кетиб-кетиб озайиб қолган кишилар гуриллаб ичкари кирди ва Шоазим президиумда ёлғиз туриб, на-тижани эълон қила бошлади. Замиранинг қулогига дастлабки сўзлар узоқдан келаётгандай эшитиларди:

- Кузаков — тарафдорлар 240, қаршилар 12;
- Сотиболдиев — тарафдорлари 223, қаршилар 29;
- Маҳмудов — тарафдорлар 247, қаршилар 5;
- Каримов — тарафдорлари 245, қаршилар 7;
- Азимхонова —

Замирага бу сўз алланечук қаттиқ ва ўнғайсиз эши-тилди, бир лаҳзалик пауза ҳам узоққа чўзилиб кетган-дек бўлди:

- Тарафдорлар 242, қаршилар 10.

Замира бундан кейин фамилияларни эшитса ҳам уқ-мас эди. У гоҳ 242 тарафдорини кўз олдига келтирас, гоҳ «10 киши мени хушламас экан-да, нега қарши экан-а?» деб таажжубланарди.

Кейин одамлар тарақала бошлади-ю, Эшонбоев билан Зокир янги аъзоларни вазифа тақсимотига бошлаб кетди.

Замира Аннага яқинроқ юришга ҳаракат қиласиди. Анна Замирани орқароқда олиб қолди-да, пичирлаб тегишиди:

— Барибир, ётоқдан қочсанг ҳам, бюрода қўлга тушдинг. Нега ҳеч келмайсан? Янги жойинг яхшими?

— Яхши, тинч жуда,— деди Замира ҳам олдиндаги-лар эшиitmайдиган паст товуш билан.

Комсомол хонасида янги аъзолар кўндаланг қўйил-ган стол атрофига ўтиридилар. Раислик столини Эшон-боев эгаллади. Зокир янги сайланганлардан юқорироқ, Эшонбоевдан пастроқ ўтирди. Сўнг Муҳаммаджон қим-

матбаҳо хитой жўжунчасидан тикилган кителини стёлнинг хира фанерига мумкин қадар тегизмасликка ҳаракат қилиб янги биронинг биринчи кенгашини бошқара бошлади.

Замира уни бошқарувчи ролида кўп тасаввур этган, лекин ҳозир биринчи марта кўрмоқда эди ва ҳар бир гапи, ҳар бир ҳаракатини ер тагидан диққат билан кузатиб бораради. Муҳаммаджон ҳам унинг шу ердалигини ҳис қилиб, ўзининг бутун тажрибаси ва қобилиятини ишга солмоқда эди. Мана, у янги составни факультет партия ташкилоти номидан қизғин табриклади.

— Энди сиз бизнинг суюнган тоғимизсиз,— деди,— энг биринчи ёрдамчиларимиз бўласиз.

Бу сўзлар ҳозиргина сайланган ва ҳали ўзларини омонатгина сезаётган аъзоларга жуда кучли таъсир кўрсатди. Улар бир йил давомида қиласидан ишларини шу одамнинг қўлидан бир инъом каби оладигандай зўр эътибор ва ишонч билан қулоқ сола бошладилар. Муҳаммаджон ҳам кимнинг қайси участкада кўпроқ фойда келтиришини бехато билган одам каби тақсимотни одатдагидан бошқачароқ бошлади. Секретарь сайлашдан эмас, академсектордан бошлади. Замиранинг назарида у шу билан ҳам ўқишнинг қанчалик муҳим эканини таъкидлагандай бўлди.

Кейин навбат сиёсий-тарбиявий секторга келди. Замира беихтиёр Маҳкам томонга ўгирилди ва бугун биринчи марта унга яқингинадан эътибор бериб қаради. Маҳкам сўнгги вақтда анча озган, бурни аввалгидан узуунроқ, юзи чўзиқроқ кўринарди. «Гавҳар кетиб қийналибди-да», ўйлади Замира ва унга бир оз раҳми келди. Лекин, яна бир қараб, Маҳкамнинг юзида кишининг раҳмини келтирадиган ҳеч нарса топа олмади. Аксинча, Эшонбоевга бошқалар ишонч ва ҳурмат билан қулоқ солаётган бир пайтда Маҳкам унга қарши гапиришдан ўзини зўрга тутиб тургандай хўмрайиб қарап ва ҳар замонда безовталаниб қимирлаб қўярди.

Замира унинг шу билан бошқалардан ажralиб турганини ва ўзини мустақил сезаётганини кўриб «секретарь бўлса керак» деб кўнглидан ўтказди.

Тўртинчи курслик пастаккина қорача қиз Раъно Суярова, Маҳкамнинг ўтган йилги секторига биркитилгандан кейин Замира бу тахминига шубҳа қилмай қўйди. Каримов билан Анна Погорельская маданий-оммавий

секторга бириктирилгандан кейин, навбат Замираға келди ва Муҳаммаджоннинг товуши бирдан мулойимлаши:

— Замирахон, энди сиз...

Бошқаларни фамилия билан атаб келиб уни бирдан оти билан атагани, яна одатдагидай «хон» қўшиб айтгани уларнинг орасидаги шахсий муносабатни алланечук таъкидларди.

Замира у билан ўзининг шахсий муносабатини кўпчилик орасида, айниқса, бююрода таъкидламасликка уринар, лекин Муҳаммаджон билибми-билмайми, бунинг аксини қиласр эди. Замира бундан яна уялиб қип-қизарив кетди, лекин энди бу уят унга малол келди, чунки у ҳозир ўзини бошқачароқ тутишини истарди.

— Замирахон, сиз қайси секторга хоҳиш билдирасиз?— деб Муҳаммаджон иккинчи марта сўради.

Бу савол ҳам ғалати эди: ҳаммаси бўлиб физкультура ва ташкилий ишлар сектори қолди. Замиранинг физкультурачи эмаслиги маълум, демак, фақат техник секретарь вазифасини бажарадиган ташкилий секторга ўтиши мумкин. Ихтиёр Замирада бўлганда маданий-оммавий секторда Анна билан ишлаган бўлар эди. Лекин у сектор энди банд бўлди. Шунинг учун Замира:

— Билмасам,— деди.

— Ташкилий секторни оласизми? Секретарнинг ўнг қўли бўласиз-да. Менимча, сизга жуда мос.

— Майли.

Шундан сўнг Муҳаммаджон Зокирга ўйчан қараб:

— Ўртоқ Маҳмудовга қайси секторни берсак экан?— деди.

Зокир физкультура секторига мўлжаллаган йигит яширин овоз вақтида тушиб қолган эди. Ҳозир у мамнуният ва тантана билан кулимсираб, Маҳкамнинг яхши волейболчи эканини айтди ва спорт секторига тавсия қилди.

— Ўзингиз нима дейсиз?— сўради Муҳаммаджон ва Маҳкамдан жавоб кутмай қўшиб қўйди.— Менимча, Манноновнинг таклифи жуда тўғри.

Маҳкам бу гапга жавобан истеҳзо билан кулмоқчи бўлди, лекин бутун вужуди қизишиб, юз мускуллари таранглашиб кетган эди, лаби кулгига келмади.

— Гапингиз қизиқ!— деди у кутилмаган бир кескинлик билан.— Танлаш учун бошқа сектор қолмагандан кейин ихтиёр сўраш нима керак?

Каримов уни қувватлаб кулимсиради. Бир неча киши Эшонбоевни ўнғайсиз аҳволда кўришдан тортиниб, ерга қаради. Замира ҳам ҳозир унинг юзига қарай олмасди.

— Йўқ, ҳали кеч эмас,—деди Муҳаммаджон дарҳол ўзини ўнглашга уриниб.—Ҳали энг катта секторимиз туриди. Мен секретарлик ўрнини назарда тутяпман.

— Секретарлик ўрни ҳам одатда энг олдин тўлдириларди,—деди Маҳкам.—Билмадим биз...

— Биз,—деб Муҳаммаджон унинг сўзини тез илиб олиб давом этди,— ярим кеча бўлиб кетганини ҳисобга олиб тезроқ ўтказайлик деяпмиз. Ўртоқ Маҳмудов дискуссия қилмоқчи бўлсангиз, марҳамат ҳали кеч эмас.

Замира Муҳаммаджоннинг овозидаги металлдай қаттиқ ва совуқ оҳангни энди биринчи марта эшиитди ва алланарсадан қўрққандай эти жунжикиб кетди. Силиқ бораётган тақсимотнинг бирдан кўнгилсиз тус олгани баъзи янги аъзоларни чўчтиб, эсанкиратиб қўйди. Шу вақтгача Эшонбоевга бундай кескин гапирмаган Маҳкам ҳам ўзининг нима қилиб қўйганига дуруст тушунолмас, ичидан тошиб келаётган норозиликни ҳамон босишга ҳаракат қиласди.

— Секретарлик ўрни ҳали бўш, марҳамат.

Муҳаммаджон бу гапнинг давомини айтмади-ю, лекин Маҳкамга кўзидан ўт сочиб қаради. «Секретарь бўлмоқчи бўлсанг айт!» деган маънони ҳамма сўзсиз англади. Замира унинг кўзи шунаقا ўт соча олади деб ҳеч ўйламаган эди.

Маҳкам эса ўзининг гапи секретарлик тама қилишга ўхшаб кўриниши мумкинлигини энди сезди. Агар Муҳаммаджон: «Секретарь бўлмоқчимидинг!» деб очиқ сўраганда, балки у ўзини ортиқ тутиб тура олмаган бўлар эди. Лекин шубҳа очиқ айтилмаган ва ўтирганлар факат ичидан тахмин этаётгани учун у ўз мақсадини тўғри тушунтиришга уринди, холос:

— Ўртоқлар, мен комсомол демократияси бузилмасин, демоқчи эдим, бошқача тушунманглар. Шунча одам ишонч билдириб сайлагандан кейин мен иш танламайман. Майли, жамоат ишининг яхши-ёмони йўқ.

Муҳаммаджон ғолибларга хос юмшоқ овоз билан:

— Жуда тўғри,—деди,— жамоат ишининг яхши-ёмони йўқ.

Шундан кейин у ўзининг ва деканатнинг номидан Турсун Сотиболдиевни секретарликка тавсия этди. Бирлаҳза жимликтан сўнг:

— Қаршилар йўқми? — деб сўради.  
— Йўқ, — деди Зокир.  
— Бўлмаса, — деб Муҳаммаджон энди овозига таннали тус берди: — Ўртоқ Турсун Сотиболдиев бир овоздан секретарь қилиб сайланди. Қани, табриклаймиз энди!

— Табриклаймиз! — қўл чўзди Зокир ҳам.

Турсуннинг сарғиши юзини давомли бир ҳаяжон алланечук қонсизлаштириб қўйганди. У бир нарсадан қути учганга ўхшарди. Лекин кўзлари хумор бўлиб сузилар, олдиндаги катта шарафдан лаззатланаётгани билиниб турар, қақраган лабларини дам-бадам тили билан ҳўллар эди.

Муҳаммаджон янги состав олдида турган катта вазифаларни яна бир марта эслатиб, ҳаммага муваффакият тилади-ю:

— Гапимнинг охирида, — деди, — бир нарсани таъкидлаб айтмоқчиман. Ўтган составимизнинг ишига халақит берган гуруҳбозлиқ, ноаҳиллик бўлди. Биз ҳам гуруҳбозликнинг сабабчиларига либералларча муомала қилдик. Тажриба бунинг нотўрилигини кўрсатяпти. Энди илгаригидақа бузуқчилик кетмайди! Энди бюронинг ишига халақит берадиган бузуқларни аёвсиз жазолаймиз.

Бу таҳдидли гаплар Маҳкамга қаратилганини ҳамма сезди. Маҳкам қошлиари йўғирилиб, Эшонбоевга қадалиб қаради ва: «Очиқроқ гапиринг, олишсангиз олишман, қўрқмайман!» дегандай давомини кутди. Бошқалар ёмон бир нарса бўлишидан чўчиб дамларини ичига олиши. Лекин Муҳаммаджон гапини айтиб бўлган эди, кенгашни ёпиқ деб эълон қилди.

## 45

Кишининг истак ва интилишлари зўр бир чолғу бўйлаб тортилган хилма-хил торларга ўхшайди, ҳаёт қайси бирига қаттиқ тегиб кетса, ўшаниси кучлироқ товуш беради. Гавҳар жўнаб кетар экан, Маҳкамнинг қалбида мисли кўрилмаган бир куч билан овоз бериб, бошқа ҳамма товушларни босиб кетган туйғу — ўз муҳаббатига

яраша муҳаббат истаги эди. Лекин бу истакнинг охири Гавҳарга бориб туташганди, гувиллаб овоз берадиган торнинг бир учи қизда кетган эди. Шунинг учун хайрлашиш беҳад қийин туюлганди. Шунинг учун Гавҳар йўлда эканида, Маҳкам у тушган поезднинг товушини дам-бадам ўз кўкрагидан эшитгандай бўлганди. Шунинг учун ҳозир Гавҳар Москвада юрганда, Москва радиосининг товуши ҳам Маҳкамга репродуктордан эмас, ўз юрагидан эшитилаётгандай бўларди. Айниқса, радиода Кремль куренти занг чалмасдан олдин бир лаҳза эштилиб турадиган қудратли шаҳар шовқини уни ҳаяжонга соларди: шовқиннинг ичидаги Гавҳарнинг товуши ҳам бордай ва буни ажратиш мумкиндай туюларди.

Гавҳар босиб ўтган зўр масофа ва уни оғушига олган азим шаҳар Маҳкамнинг қалбига муҳаббат туйфулари орқали янги бир тусда кириб келарди.

Унинг Гавҳар ҳақидаги изтиробли ўйлари, хотиралари ҳали ҳам тинмай товуш берарди. У Гавҳарни кўрган, Гавҳар билан бирга бўлган ҳамма жойлар (ҳатто мажлислар ҳам) «севгилинг қани?» деб сўроқлаётгандай бўлар, «кетди» деган жавоб ҳар сафар қалбини вокзалдан ёлғиз қайтаётгандагидек эзиб ўтарди. Деярли ҳар куни Маҳкам ётоқхона деразаси олдида тикка туриб, нима қилаётганини ўртоқларига билдирамай, Гавҳарнинг суратига тикилар, ундан келган хатни қайтақайта ўқирди.

Гавҳар қандай ўрнашгани, нималар кўргани, институтлари қанақалиги, кимлар билан танишгани, томошаларга боргани тўғрисида батафсил ёзарди. Лекин Маҳкамни қанчалик кўп ўйлаётгани, соғиниш-соғинмаслиги ҳақида ёзмас, хайрлашиш пайтида бўлган оғир суҳбатларни давом этдирмас эди. Гавҳар кетаётгандаги Маҳкамнинг кўнглида пайдо бўлган ғубор буни ҳам ёмон бир шаклга солиб кўрсатди. «Сен бўш вақтларингни орзик, эслаш, соғиниш, хат кутиш билан ўтказсанг, у томошаларда, киноларда ўтказади»,— дерди совуқ бир овоз.

Гавҳар муҳаббат ҳақида ёзишдан тортинган бўлиши мумкин деб ўйламасди. Тортинганда ҳам бир неча варақ қоғоз унинг ҳаётини, ҳамма ўйларини тўлиқ акс этдириши қийин эди, лекин Маҳкам бунга тушунмасди. У ўзининг бутун ҳис-туйфуларини бир томонга, Гавҳарнинг хатини иккинчи томонга қўйиб солиштирас ва ал-

батта шубҳасини тасдиқлайдиган номуносиблик топар эди.

Фақат хатнинг бошида: «Қимматли Маҳкам ака!»— охирида: «Сизнинг Гавҳарингиз» деган сўзлар чироқдай ёниб туар эди. У хатни тақрор-тақрор ўқигандагё шу чироқни қўлига олиб, хатнинг бошқа жойларидан ҳам меҳру оқибат қидиради.

Лекин кунлар ўтиши билан Маҳкамнинг бошқа истак ва интилишлари ҳам товуш бера бошлади. Курс бюролари ҳақидаги хабар, Акбаровнинг ишидаги ўзгариш, аризаси дарҳол мажлисга қўйилгани унинг руҳини кўтарган эди. Сотиболдиевга тавсия берган Ҳакимов кейинчалик унга бетараф қолгани, бюро сайловида Эшонбоев комсомол демократияси билан ҳисоблашмай иш тутгани ва таҳдид қилиб гапиргани унинг қалбини яна портловчи зарядларга тўлдира бошлади. Гавҳар тўс-тўптон қилиб кетган фикри ҳам энди бир марказга тўплана бошлади.

Илгари бу марказда у Зокир билан олишарди, Эшонбоевдан гап эшитганда эса саросима бўлиб, ўзини зўрға мудофаа қиласар, ҳужумга ҳужум билан жавоб беришни хаёлига ҳам келтирмасди. Чунки у Эшонбоевни қўл етмас баландликда кўрар, унинг тажрибаси ва мантиқидан ҳайиқарди. Гавҳар шу ерда эканида унинг учун ҳам масъулият сезар: «Менга отилган тош унга тегиб кетмасин», деб қўрқар эди.

Энди Гавҳар ўз тақдирига ўзи эга бўлиб узоққа кетди. Маҳкам гёё ҳислар алансасида ёниб, пишиб чиқди, сўнгги бақтда Эшонбоевни ҳам анча яқиндан билди ва ундан тап тортмайдиган бўлди.

«Агар Эшонбоев коллективнинг манфаатини ўйланганда Сотиболдиевни секретарликка тавсия этмас эди,— деган фикр кўнглига келди.— Ўз манфаатини ўйлаб, Сотиболдиев ҳам Зокирдай итоат қиласади, деб тавсия этди. Бу шахсиятга бориши эмасми?» У буни бюрода айттолмагани, «секретарлик ўринини талашгандай бўламан» деб андиша қилгани учун ўзидан ҳам норози бўлди. Ўшанда Эшонбоевнинг таҳдидига жавоб беролмай қолгани бунинг устига қўшилди. «Ҳақиқат мен томонда эди, лекин у гапга чечанлик қилиб енгиб кетди» деган ўй қалбини ёмон тирнарди.

У Эшонбоевни ҳар кўрганда мана шу аччиқ норозиллик туйғусини яшира олмас, ундан хафа экани юзи-

дан, муомаласидан билиниб туарди. Эшонбоев эса Замира ташкилий секторга ўтгандан бери комсомол хонасига тез-тез келар эди. Маҳкам унга шу ерда дуч келса комсомол хонасида иккита қарама-қарши қутб пайдо бўлганга ўхшаб кетарди. Студент билан обрўли диссертант орасидаги бу зиддиятни сезган бюро аъзолари нимадандир ҳайиқиб жим бўлиб қолар эдилар. Маҳкамнинг Муҳаммаджонга қарши бир қутб бўлиб юриши айниқса Замирани хавотирлантиради. Унинг назарида Маҳкам студентга ўхшамасди. Айни вақтда Маҳкамнинг Муҳаммаджонга аталган мұхим бир гапи (балки ёмон гапдир?) борлигини сезар ва бунинг нималигини билгиси келарди.

Сотиболдиев эса Эшонбоев томонда туриб, бюрода Маҳкам билан ҳисоблашмасликка ҳаракат қиласарди. У ўз ҳомийсининг маслаҳати билан бюрода редколлегиянинг янги составини тасдиқдан ўтказмоқчи бўлди. Маҳкам Сергей билан Очилнинг янги составда йўқлигини кўриб, тасодифан тушиб қолгандир деб ўйлади ва Турсунга ҳазиломуз кулиб эслатди. Бироқ Турсун унга жиддий туриб тушунтирдики, деканат ва партгруппа бу йил редколлегияни кучайтириш ниятида Сергейнинг ўрнига Виталий Александровични ўтказаётиди. Очил эса аввал «ўрга»лардан қутилиб олиши керак.

— Мен бунга қаршиман,— дерди Маҳкам бирдан кескин эътиrozга ўтиб.— Редколлегиянинг энг ишchan аъзоларини чиқариб ташлаш кимга керак бўлиб қолди? Нима бўляпти ўзи?

— Энди мен билан ҳам қийпичоқ бўлмоқчимисиз, ўртоқ Маҳмудов? Яна носозлик бошланяпти шекилли!

Сотиболдиевнинг баҳслашиши ҳам алланечук сийقا, бачкана эди. Маҳкам у билан тортишишин истамай:

— Бас, овозга қўйинг,— деди.

— Биз бу ерда Чумичкинни овозга қўёлмаймиз. У кандидат, масалани партгруппа ҳал қиласади. Самадовга келганд... Ўртоқлар газетага ҳамма жиҳатдан на мунали одамлар ўтиши керак. Лекин Самадов тўртинчи курсни «ўрга» билан битирди. Хўп, қани овозга қўяман.

Маҳкамни фақат Каримов ва Анна қувватлаб чиқди, Сотиболдиевнинг таклифига тўрт кини овоз берди. Протокол олиб бораётган Замира эса бошини кўтармай ёзишда давом этарди. Маҳкам унинг нега овоз бермай

ганини сўради. Замира қизариб, бошини янада пасайтириб бетараф қолганини айтди.

— «Ўрта» олгани учунми? — деди Маҳкам заҳарханда билан.

Бу гапнинг тагида: «Ўрта» олганига сен ҳам сабаб чисан!» деган маъно ётар эди. Замира бу маънони тушунди ва қўли ручкага қўшилиб қотиб қолгандай ортиқ ёзолмай тўхтади.

У сўнгги вақтларда Очилдан жуда ўнғайсизланадиган, унинг олдида ўзини осойишта тута олмайдиган бўлиб қолган эди. Айниқса Очил уларнинг группаларнiga суҳбат ўтказишга келганда бу жуда билинар эди. Замира энди унга эътибор бермасликка ҳаракат қиласди, ҳозир бетараф қолгани ҳам шундан эди. Лекин, барибир у Очилни кўрса ўзгариб кетар, Бости буни акасига етказиб турарди.

Муҳаммаджон Замира билан ўзининг яқинлашишига Очилнинг агитаторлиги ҳам тўсиқ бўлишини сезди-да, Раъно Суяровадан агитаторлар рўйхатини талаб қилди. Рўйхатдан Самадовни топиб:

— Бу қанақаси,— деди.—«Қониқарли» баҳо олганилар ҳам агитаторми? Ўзи яхши ўқимаган агитатор қандай қилиб бошқаларни яхши ўқишига чақиради? А?

— Кечирасиз, Муҳаммаджон ака, ҳалигача эски составнинг хатоларини тузатиб улгурмаяпмиз. Тўғри айтасиз, албатта, ўзгартириш керак.

Очилнинг ўрнига юқори курсдан тезда одам топилмади-ю, Раъно ахборот ўтказиб туришни Омонга юклади.

Спорт секцияларига кўпроқ одам тортиш ва мусобақалар уюштириш ҳаракатида юрган Маҳкам буни эшишиб тутақиб кетди. Агитация ишини илгариги қуруқ расмийт ҳолига қайтараётган Суярова ундан қаттиқ гап әшитиб, Сотиболдиевга шикоят қилди. Турсун шундан сал олдин Эшонбоевга редколлегия масаласи қандай овозга қўйилганини айтиб берган эди. Энди бориб: «Маҳмудов Суярова билан уришибди», деб арз қилди.

Муҳаммаджон лекциядан кейин комсомол кабинетига кириб, Маҳкамга дуч келди. Турсун билан Раъно ҳам шу ерда эди. Замира иш планини оқقا кўчирап, Маҳкам ундан берироқда илланнинг ўзига тегишли жойига қандайдир ўзгариш киритмоқчи бўлиб ўтирас эди. Раъно, Турсун ва Замира Муҳаммаджонга ўринларидан туриб

салом бердилар. Маҳкам ўтирган жойида бош ирғиб саломлашиди-ю, ишини қилаверди. Замира ҳам ёзувни давом этказиши учун жойига қайтиб ўтираётib, Муҳаммаджоннинг жеркиб гапирганини эшилди:

— Ўртоқ Маҳмудов, ҳали ёшсиз, ўзингизни унча катта олманг!

Замира бошини кўтариб, унинг кўзидағи заҳарли олов бугун жуда таҳдидли эканини кўрди ва тез Маҳкамга қаради.

Маҳкам қўлидаги планнинг бир варагини жойига қўйиниши ҳам унтиб сапчиб ўрнидан турди:

— Мен? Мен-а?!

— Сиз!

— Ие... а... Ҳозир ўрнимдан туриб салом бермаганимгами?

— Сиз,— деб Муҳаммаджон одатдагидай жуда тез гап қайтарди,— Маннонов секретарь бўлганда писанд қилмай уришиб юрдингиз. Сотиболдиевни секретарь қилдик, яна назарингизга илмай ўзбошимчалик қиляпсиз!

Маҳкамнинг лаблари бирдан кўкариб, қўлидаги қоғоз титрай бошлади.

— Ие, бу... ўртоқ Эшонбоев...

— ...Суяровага дўқ урасиз. Нима ҳаққингиз бор? Ким сизга шунақа ҳуқуқ берди?

Маҳкам яна ноҳақ айбларни шунча одамнинг олдида рад этолмай кўтариб кетиши мумкинлигини сезди-ю, қўлида титраётган қофозни жойига отди, панжаларини мушт қилиб чўнтағига қаттиқ тиқди ва овозини қатъий кўтариб:

— Гапиришга навбат берасизми-йўқми?— деди.— Мана Суярова ўзи шу ерда, айтсин,—у Раънога юзланди,— дўқ урган бўлсан айтинг!

Раъно ерга қараб, аламли товуш билан:

— Нега айтмас эканман, айтаман,— деди.—Ишнини барбод қилдинг демадингизми? Меҳнатинг сингмагани учун ҳаммасини буздинг деб уришмадингизми?

— Рост-да, ахир, меҳнатингиз сингмагани учун туппа-тузук ишни бузиб ўтирибсиз. Самадовни нега агитаторлар рўйхатидан ўчирасиз? Унақа агитатор бизда жуда кам! Билган одамлардан сўранг, мана,—деб Маҳкам Замирага юзланди. Замира унинг титроқ вужуди ва ҳаддан ташқари оловли қарашига тоб беролмай

стол ўстига пастрәқ энгашди. Маҳкам буни кўриб қарашларини ундан тез нарига олиб кетди.— Мана, биринчи группа яқин, бориб холис одамлардан сўранг! Сўранг, ҳаммасини айтади! Сизларга Самадовдан бошқа агитатор керакми, деб сўранг!

Маҳкам «Замирадан сўранг» демагани, у ҳам Эшонбоевга ён босиб холис гапира олмайди» дегандай эшитилди. Маҳкам ҳозир бунақа ўйларга борадиган бир аҳволда бўлмаса ҳам, унинг «группадан сўранг» деганини Замира худди шундай тушунди ва кўнглига қаттиқ ботди.

Маҳкам қизишиб гапираётганда унга ясама совуқ-қонлик билан қараб турган Муҳаммаджон бирдан истеҳзоли кулимсиради:

— Демак, сизнинг меҳнатингиз сингган ишларни бошқалар барбод қилибди-да. Демак, бу атрофда Самадовчалик керакли одам йўқ. Керакли одам бўлиб ниша қаҳрамонлик кўрсатибди? Сиз меҳнатингиз сингиб қандай улуғ иш қилдингиз? Об-бо, сиз икковингиз бўлмасангиз аҳволимиз жуда хароб бўлар экан-да! Жуда бебаҳо одамлар экансизлар-да, а?

Сотиболдиев овозсиз кулиб қўйди. Замира Маҳкамнинг юзидан қони қочиб, кўзлари ғазабдан хиралаша бошлаганини кўрди ва ёмон бир нарса бўлишини сезиб ўридан турди.

— Сиз, сиз...—деб Маҳкам хириллаган товуш билан Эшонбоевга жавоб бермоқчи бўларди, лекин муносиб сўз тополмас эди.— Сиз ноҳақ гапиряпсиз! Кўра-била туриб... ахир...

Аммо бу сўзларнинг ҳеч бири ундаги чексиз норозиликни ифода эта олмасди. Эшонбоев ҳамма жойга ўз одамларини қўйиб, мавқенини мустаҳкамлаб олиб, сўнг яна кўкламдаги ур-йиқитни давом этдирмоқчи экани унга энди раешан эди. Шунча вақтдан бери эшигтан ноҳақ қоралашларнинг алами қалбида бирдан янгиланди, беҳад чигаллашиб кетган тутуилар тўсатдан қўзгалиб, уни босиб қолаётгандай бўлди.

Унинг сўз тополмай қолганини кўрган Муҳаммаджон енгилиб саросимага тушяпти деб ўйлади-ю, тўлиқ ғолиб келиши учун ҳужумни янада кучайтирди:

— Билиб қўйинг, биз ўзини катта олиб амал талашгандарнинг кўпини кўрганмиз. Кўпнинг шохини синдиригандиз!

Маҳкам мушт қилган қўлларини бир силтаб чўнта-  
гидан олди ва ҳар сўзида муштини бир силкитиб, гўё  
шу билан керакли сўзларни осонроқ топиб:

— Сиз ўзингиз шунақасиз! — деди. — Сиз ичиқора  
одамсиз!

Эшонбоев қути учиб:

— Нима, нима? — сўради.

— Фаразгўй одамсиз! Йўқ айбларни тақиб туҳмат  
қиласиз!

— Э, сен болага бу кунинг кўплик қилибди!

Маҳкам аввалгидай ҳар бир иборада Эшонбоевга  
бир мушт силкитиб:

— Кўплик қилса, қилсин, мен қўрқмайман! — деди. —  
Осмон қўлингизда бўлса ташлаб юборинг! Сиздан мана  
булар қўрқади, — деб Сотиболдиевни кўрсатди. — Мен  
ҳурмат қилар эдим, ишонар эдим! Қип-қизил туҳматчи  
эканлигингизни билмас эдим. Энди билдим. Ўзингиз уч-  
чига чиққан фаразгўйсиз-у, мени фаразгўй деб туҳмат  
қиласиз! Мен энди билдим сизни! Бюрони ҳам ўз ман-  
фаатингизга мослаштиromoқчисиз! Бас! Бюрога сиздақа  
одам хўжайнинлик қиладиган бўлса керак эмас менга  
бұнақа бюрода ишлаш! Бас! Бердим сизларга!

Маҳкам эшикни қарсилатиб ёпиб чиқиб кетди.

Стол атрофида тикка турғанича қолган тўрт киши  
нима бўлғанини дуруст тушунолмай бирпас караҳт бў-  
либ турди. Замира кутилмаган жанжалдан қалт-қалт  
титрар эди. Муҳаммаджоннинг юзида қон қолмаган,  
лаблари пирпираб учарди.

— Э, бу безори бола экан-ку! — деди у алланечўк  
заиф товуш билан...

Замира унинг қўрқувдан ранги ўчганини овозидаги  
шу заифликдан билди.

— Энди жазосини берамиз бунинг, — деди Сотибол-  
диев, нимадандир мамнун бўлиб. — Сиздай одамни ҳақо-  
рат қилди. Туҳматкаш деди. Яна бир нарса деди... Яна  
нима деган эди? — деб у Ръёндан сўради. — Ҳа, ичиқора  
деди. Бұнақа бюро керак эмас ҳам деди. Мана, ҳамма-  
миз гувоҳ. Тегишли чорасини кўриш керак!

Замира совуқ айномага гувоҳ бўлиб қўл қўйишини  
тасаввур этиб эти музлаб кетди ва ёрдам истаб Муҳам-  
маджонга қаради.

— Янаги бюронгизга масаласини тайёрланг, — деди  
Муҳаммаджон Сотиболдиевга. У ўзини ўнглаб олгандан

кейин овози яна қаттиқ ва таҳдидли жаранглай бошлади.— Амалпараст! Нечук секретарь қилмадиларинг деб, уришмаган одами қолмади-я!

«Шундайми?— сўради Замира ўзидан.— Ҳаммасини ўз кўзим билан кўрдим-ку. Шундайми? Гувоҳ бўламан-ми? Гувоҳ... Ҳаммасини... Йўқ, ҳаммасини эмас. Бил-п майман. Билмайман».

Унга кабинетда ҳаво етишмаётгандай туюлди. Бўғиқ товуш билан.

— Кечирасизлар, мен...— деди-ю, гапини ҳам тамомлай олмай, қофозларини йиғиширишни ҳам унутиб эшик-ка йўналди.

## 46

Орадан икки кун ўтгач студентлар пахтага отландилар.

### Пахтага!

Бу сўз ҳеч қаерда Ўзбекистондагидай жаранглаб эшитилмаса керак. Осмони ҳафталаб булат кўрмайдиган, ёзи ва кузи очиқ кунларга тўлиб етадиган гўзал водийлар октябрга бориб қийғос очилган ғўзалардан оппоқ бўлиб кетади. Ҳаво ҳамон очиқ, кундузлар ҳамон илиқ бўлса ҳам, тун совуғи қишининг қилич қайраб келаётганини айтиб туради. Пайкаллар шунчалик улкан, ҳосил шунчалик катта, ваъда шунчалик зўр, келаси ҳафталарнинг обу ҳаво маълумоти шунчалик ноқулайки, ҳосилни вақтида териб олишга пахтакор қўллар етишмай қолади.

Мана шундай пайтда «пахтага» деган сўз бутун республика бўйлаб тўлқинланиб таралади-ю, юз минглаб шаҳарликларни ёрдамга отлантиради. Дала йўллари ҳар қачонгидан ҳам серқатнов, пайкаллар ҳар қачонгидан ҳам гавжум. Шаҳарларда эса одам сезиларли даражада камайиб қолади. Район комсомол комитетларининг эшигига: «Райком ёпиқ, ҳамма пахтага кетди» деган ёзувлар учрайди. Бутун республиканинг ягона хўжалик экани, бутун халқ бир тан-бир жон бўлиб меҳнат қилаётгани мана шу кунларда айниқса чуқур сезилади.

Замира уйдан Руқия билан бирга чиқди-ю, вокзalда ўзларининг салкам бир ярим минг кишилилк катта колективларига бориб қўшилди. Поездлар далага жўнаётган одамларни ташиб улгура олмасди. Улар маҳсус сос-

ав берилишини кутиб, вокзалнинг бир четидаги аллаандай запас дарвоза қаршисида анча вақт ўтириб қоишди.

Дала иши учун кийиб чиқилган эски, қўпол кийимар, ҳар хил чамадонлар, тугунлар одеял ўралган портледлар, «ана жўнаймиз», «мана жўнаймиз» деб кутиш ошқа вақтда ёки киши бир ўзи бўлганда жуда ноқулай а кўнгилсиз туюлиши мумкин эди. Лекин кўпчиликнинг расида, «шунча одам нима бўлса мен ҳам шу-да», деган икк ҳар қандай ноқулайликни аҳамиятсиз қилиб қўярни. Ҳозир дала кийимларининг қўпполлиги эмас, истаганий ўтириб туришга, бел ушлашиб олишишига халақит ермаслиги сезилар, йигитлар ҳадеб бир-бирларига тешар:

— Э, э, дазмол бузил-ди!— деб кулги чиқаришарди.

Курслар, группалар бир-бирига аралашиб кетган, ҳар им ўз таниши билан топишиб, учта-тўртта киши бир тўп ўлиб олганди. Эр-хотин Сотиболдиевлар билан Зокир а Фарида бир тўп бўлиб, декан муовини Муслимовнинг угуни олдида туришарди. Уларга энг яқин тўп — Замира, Руқия ва Басти учови эди. Навбатма-навбат аллақақларга бориб состав қачон берилишини билиб келаётган Ҳакимов ва Эшонбоев кўпроқ шу икки тўпга қараб тардилар. Ҳамма составни кутаётгани учун, диққат юаркази ҳам шу ерда эди. Кўпчиликнинг эътиборини ўзи а тортаётган яна бир тўп ётоқдан бирга чиқиб келган Даҳкам, Очил ва Сергей эди. Маҳкамнинг масаласи ҳали бюрога қўйилмаган бўлса ҳам унинг Эшонбоев билан аландай урушгани ҳаммага ошкор бўлиб кетган эди. Очилининг эса яқинда яна бир қанча шеъри чиққан, бошада факультет студентлари баъзан тарихчилардан: «Шоир болаларинг қайси?» деб сўрайдиган бўлганди.

Замира Очил томонга қарамасликка ҳаракат қиласи, иккунинг унинг шу ердалигини сезиб, қалбida қўзғалаётган изобли зиддиятни боса олмасди.

Агар Очил ҳозир ҳам ундан хафа бўлганда ва : «Эскилик қолдиги бу!»— деганидагидай аччиғланниб салом-иашмай юрганида эди, Замира бундай ички зиддиятга чрамаслиги мумкин эди. У ёз бўйи Очилни мана шундай аччиғланган эскилик қолдигини ўртага солиб танқид қилган бир қиёфада тасаввур этар, «аччиғланишингизни кузда бориб кўрамиз», деб ғижиниб қўярди. Үқишиш бошланган куни улар кўча эшиги яқинида дуч

келдилар. Замира қизлар ётоғи төмөнидан, Очил қарши, даги йигитлар ётоғидан чиқиб қолди. Бир-бирларини кўрган пайтлағидан то кўча эшигига етгуналарича йигирма-ўттиз қадам бир-бирларини қаршилаб боришлари керак эди. Қизиқ: шунча ишлар бўлиб ўтганига қарамай Очил Замирани кўрди-ю, қувониб кетди. У Замирани соғинганди, энди шу йигирма-ўттиз қадам юзма-юз бориш дийдор кўришишнинг ўрнини босиб, соғинч туйғуларини бир қадар қондиради.

Замира ундан буни ҳеч кутмаганди. У ёздагидай ач-чиғ қиласи, салом ҳам бермайди деб ўлаган Очил қувончли чехра билан салом берди. Замира ҳам бўлиб ўтган нарсаларни бир лаҳза унутиб, қувониб алик олди. Кейин улар қўл бериб кўришадиган даражада яқин келдилар. Аммо кўришмадилар. Шунда Замира Очилга яна бир марта қаради ва каникулда дам олмаганини, озиб гўё бир неча ёш улғайиб қолганини, лабининг кескин тахида қандайдир бир кулфатнинг изи борлигини пайқади-ю, бирдан ўзгарди. Очил унга йўл берди. Замира унинг ёнгинасидан ўтаётуб, аллақандай оловдан куйиб кетадигандай ўзини тортиб, шошилиб ўтди.

Кейин ҳам Замира Очилнинг кўриниши, қарashi, саломлашиши илгаригидек эмаслигини сезди. Илгари Очил ҳар хил тахминларга бориб, дам умид қилиб, дам шубҳаланиб юргани учун Замиранинг олдида майда-чуйдалардан ҳам авзойиң ўзгариб кетаверар эди. Илгари у Замирани кўрса ҳозиргидай қувона олмасди. Чунки муҳаббатининг жавобсизлигидан ранжиши, севги истагини бўғишига уриниши дийдор қувончини босиб кетар эди.

Ёзда мана шу ортиқча ранжиш, муҳаббатга муҳаббат тама қилиб ҳар куйга тушиш гўё бир хасдай куйиб битди. У энди Замирадан муҳаббат кутмагани учун майда-чуйдаларга ҳам эътибор бермай қўйди. Ўзини босиб, иккиланмай муомала қиладиган бўлди. Замира унда ўзини тутиб олган йигитларга хос жозибали қатъият ва мулоимликни энди биринчи марта кўрди.

Очил Замирани ҳали ҳам яхши кўрар эди. Лекин муҳаббат севинчсиз яшай олмайди. Очил энди ҳамма нарсадан қатъий назар Замиранинг «шу дунёда борлигидан» ва уни ҳар замонда кўриб туриш мумкинлигидан қувонарди.

Замира бу қувончининг сабабига тушунмасди. Очид ўзини вазмин тутиб табиий муомала қилган сари Зами-

а ўнғайсизланар, сунъий равишда босиқ бўлишга уриарди. Доим бўлажак келинойиси билан бирга юрадиан Бости эса Замирадаги бу ҳолатни синчилаб кузар ва уни бадтар ўнғайсизлантирадар эди.

Хозир вокзалда Замира мана шу ўнғайсизликдан тезоқ чиқиш учун ҳам состав келишини сабрсизланиб курарди.

Ниҳоят, кечга томон состав берилди-ю, студентлар ий-чув кўтаришиб қизил вагонларга жойлашиб олиши. Факультетни декан муовини Муслимов бошқариб орарди. Ўқитувчилардан Платон Макеевич билан Рам Умарович ҳам бор эди. Зуфар Ҳакимович ёзда қаул ишлари билан бўлиб дам ололмагани учун курортга тланар, Муҳаммаджон эса диссертацияси устида ишлани керак эди. У синглиси билан Замирани Очиллар ушган вагонга чиқармади-ю, Муслимов чиққан вагонга иқариб ўрнаштири ва «доим бирга бўлинглар» деб айта-қайта тайинлаб қолди.

Поезд қўзғалгандан кейин Замира ажойиб бир енгилек ҳис қилди. Вагон тўла студентлар ҳам энди ашула-и бошладилар. Фиддиракларнинг тарақлаши қизил вонда жуда яққол эшитилар ва поезднинг бир текис тебаниши билан бирга музика тактидай ашулага ёрдам еради.

Вагоннинг ўртасидаги дарвозасимон эшикдан пайлар, боғлар, полизлар кўриниб ўтарди. Октябрь ки-иб, ишкомда узумлар, полизда қовунлар оз қолган, ленин янги пишиқчиликкача таъми офииздан кетмайдиган тириинлари қолган. Ҳали яшиллигини йўқотмаган япроқарнинг кечки офтобдан жилоланишида ҳам, шамолдан тайин тебранишида ҳам, ҳавонинг очиқлиги ва тиниқигида ҳам мана шу сўнгги меваларни таъмига ўхшаш ансиқ бир жозиба бор. Бу йилги булутизиз илиқ кунлар, шил япроқлар, тўкин-сочин мевалар мавсумининг фаният бир қисми қолгани юракни алланечук орзиқтиради.

Поезд Вревскийдан ўтгандан кейин қоронги тушиб, қитувчилар ўтирган бурчакда фонарь ёнди.

Замира вагон эшигидан алланечук ҳаракатланиб ўтган қоронфиликка тикилиб, яна хаёл суреб кетди.

Муҳаммаджон уни пахтадан олиб қолмоқчи эди. Ўқимаган нарсаларингизни ўқийсиз, кутубхоналарда тириб ишлаймиз, мен ҳам шу ерда бўламан», деганди. Иекин Замира қолишига сабаби йўқлигини, кўпчиликнинг

Олдида ўнғайсизланишини айтди. Муҳаммаджон қулиб: «Истасангиз сабаб топилади,— деди.— Тобим йўқ деб қўя қоласиз, справка-писправка керак эмас, деканатга ўзим кириб айтаман».

Замира унинг юзига ҳайрат билан қараб: «Уятга қолмайманми?»— деди. У биринчи марта Муҳаммаджоннинг юзига тик қараб гапирган эди.

Муҳаммаджон: «Сиз ҳадеб уялаверар экансиз-да!»— деб кулди ва гапни ҳазилга бурди. Аммо Замирани чиндан олиб қолмоқчи экани шубҳасиз эди. «Нега?— ўзидан сўради Замира.— Яна ўқишимга ғамхўрлик қилибми? Еки кутубхоналарда бирга бўлиш учунми?»

Бирга бўлиш...

Замира бу сўзларнинг мазмуни нақадар чуқур эканини энди биляпти. У илгари ҳамма билан бирга эди, ҳамма унга баравар эди. Энди Муҳаммаджоннинг ғамхўрлиги, Бастининг биргалиги ва кишиларнинг бунга қараши уни фақат Эшонбоев оламига қўшар ва бошқа одамлардан кўринмас бир девор каби ажратарди. Унинг тасаввурида Эшонбоевни ҳурмат қиласиганлар, ундан ҳайқадиганлар бир томонга, унга қарши турганлар бошқа томонга ажралиб кўринар, у ўзини мана шу қарама-қарши томонлар орасида кўриб ваҳми келарди. У оралиқдан тезроқ чиқиб кетишни истаган пайтда Муҳаммаджон ёрдам қўлинни чўзиб унга ўз таъсирини ўтказишга интиларди. Маҳкамнинг амал талашиб уришганига, Очил ва Сергейнинг кўролмовчилиги борлигига, Акбаров ўрнимни йўқотаман деб уларнинг учовини Муҳаммаджонга қарши қайраётганига, обрўли одамнинг шунаقا душмани кўп бўлишига Замирани ишонтирас эди. Лекин Замира уларни кўп студентлар ҳурмат қилишини кўргандан Маҳкамнинг: «Ичиқора одамсиз, шунинг учун ноҳақ қоралайсиз!» деганини беихтиёр эсларди. Муҳаммаджон бу сўзларни батамом ювиб юборадиган бир иш қилиши керак эди.

Аммо у пахтадан олиб қолмоқчи бўлиб ғалати гапларни айтди-ю, Замиранинг хаёлларини бадтарчувалаштирди. Шунинг учун ҳозир Замиранинг кўнглидан ўтаётган нарсалар ҳам вагон эшиги олдидан алланечук сирли ҳаракатланиб ўтаётган қоронғилик каби тубсиз ва бир оз ваҳимали эди.

Поезд ярим тунда Мирзачўлнинг бир разъездига бориб тўхтади.

Охири юлдузли осмонга бориб туташган кенг ва со-  
вук ялангликда пахта ташийдиган ўн филдиракли юк ма-  
шиналари қаторланиб турарди.

Ҳамма поезддан тушиб машиналарга йўналди. Зами-  
ра бир қўлида майда-чуйда солинган тўр, иккинчи қўли-  
да адёл қўшиб ўралган чамадонча билан четки машина-  
га борди. Машинага олдинроқ чиқиб олган йигитлардан  
бири борт тахтаси орқали пастга энгашиб шошилиб:

— Қани, беринг! — деди.

Замира қоронгида Очилнинг овозини таниб тўлқин-  
ланиб кетди. Очил унинг юкини олиб кейин ўзига қўл  
чўзди. Замира ҳаяжонидан алланечук бўшашиб қолган  
эди. Очил уни бир қўлидан тортиб чиқаролмагач, иккин-  
чи қўли билан қўлтиғи тагидан ҳам олди. Юзи-юзига  
яқинлашганда Замира аввалгидан бадтар титраб кетди.

Очил Бастини ҳам шундай тортиб олди. Моторлари-  
ни гувиллатиб бирин-кетин бурилаётган машиналар фа-  
ри бирдан Замиранинг юзига тушди-ю, Очил унинг тит-  
раётганини, кўзлари фараларнинг ўткир ёруғидан ҳам  
қисилмай катта очилиб турганини кўрди.

— Совқотдингизми? — деди устидан фуфайкасини еча  
бошлаб.

— Йўқ, йўқ.

Замира совқотмаганини кўрсатмоқчи бўлгандай ка-  
бинанинг тепасига қўлини қўйиб, шамолга юзланди:

Бasti буюмлар орасига чўкди (Руқия поезддан ту-  
шиб ўз факультети билан кетганди). Сўнг Очил ҳам ка-  
бина тепасига қўлини қўйиб Замирага ёима-ён турди.

Машина жимжит ухлаб ётган бир тўда уйлар олди-  
дан ўтди-да, қорайиб кўринаётган далаларга кириб  
кетди.

Замира машина шамолига юзини қияроқ тутиб Очил-  
дан сўради:

— Бу йил ҳам колхозга бораф эканмизми?

Унинг саволи дарҳол ўтган йилги пахтага чиқишни  
эслатди. Очил ўшанда Замира билан қандай ҳамсуҳбат  
бўлганини кўз олдига келтирди ва ҳозир ўшандай бирга  
бўлолмасликларини ўйлади-ю, бир лаҳза сукут қилиб,  
овози хиёл олинниб жавоб берди:

— Йўқ, совхозга чиқамиз, деб эшитдим.

Замира унинг кўнглидан ўтган нарсани овозидан ва  
бир зум тўхтаб жавоб берганидан сезди. У, Очилнинг  
муносабати илгаригидай эмаслигини, бунга ўзининг

«банд» эканлиги сабаб бўлаётганини унугиб савол берган эди, ҳозир бирдан эслаб қаттиқ уялди. Очил ундан гина қилса, «нега оғрийдиган жойимга тегасан?» деб хафа бўлса бу уят ҳисси балки унча озор бермасди. Лекин Очил «йўқ» сўзини ҳам алланечук тортиниб айтди, мумкин қадар беозор ва сипо жавоб берди. Бу сиполик Замирага жуда оғир ботди.

Очил қоронфида унинг юзини кўрмасди. Фақат Замира қўлинин кабинанинг устидан олиб, Басти ва яна бир қизнинг ўртасига ўтираётганда унинг ўнғайсизланганини пайқади.

## 47

Шаҳар ва йўл шовқин-суронидан кейин совхоз посёлкаси одатдан ташқари жимжит туюлади, айниқса дала-да киши ҳеч нарсани эшитмаётгандай гарангисиб қолади. Қизиқ: оёқ тагида қовжироқ барглар шитирлайди, у ёқ-бу ёқдан теримчиларнинг товуши келиб туради, киши ҳатто ўзининг нафас олишини ҳам эшитади. Бироқ ҳамма товушлар чексиз кенгликларга ёйилиб шунчалик енгил чиқадики, шаҳар ғала-ғовурига ўрганган қулоқлар энди бирдан ҳеч нарсани эшитмаётганга ўхшаб қолади. Шаҳарда минут сайин ўтиб турган машиналарнинг ҳиди деярли сезилмайди, лекин дала йўлидан онда-сонда бир автомобиль ўтиб қолса, бензин ва резинка ҳиди димоққа дарҳол урилади, ҳавонинг нақадар тозалигини шундан ҳам билса бўлади.

Марказий посёлкадан отда чиққан Обид Йўлдошевич даланинг мана шу сирли сукунати ва мусаффо ҳавосини ҳис қилиб, тарих факультети жойлашган отделение томонга бормоқда эди. Штабга келган маълумотларга қаранганди, бу факультетнинг иши жуда суст. Бундан ташқари, Обид Йўлдошевич тарих факультетида кўнгилсиз чигалликлар борлигини тобора аниқ сўзларди. У Маҳкам Маҳмудовнинг аризасини бирордан ва умумий партия мажлисидан ўтказиб, районга юбормоқчи бўлиб турганда Эшонбоев келиб, кутилмаган нарсаларни айтиб берди: Маҳмудов Тошев билан Акбаровнинг муҳлиси экан, амал талашиб жанжал кўтарган, «бюронгда ишламайман», деб ҳаммани ҳақорат қилган ва ҳоказо. Обид Йўлдошевич Маҳкамни кандидатликка қабул қилиш олдидан у билан сухбатлашганда жанжалкаш йигитга ўхшама-

ган эди. Аксинча, жуда камтар кўринган, ниманидир айтмоқчи бўлиб оғиз жуфтлаган, лекин журъат эта олмаган эди.

«Эшонбоевнинг бу гапини ҳам текшириб кўриш керак,— деб ўлади Обид Йўлдошевич.— Ким қандайлиги факультетдагидан кўра далада тез билинади. Кечаю кундуз бирга бўлгандан кейин ҳар бир кишининг иши ҳам, хулқи-автори ҳам кўпчиликка яққол кўринади».

Обид Йўлдошевич аввал тарихчилар жойлашган мактаб биносига борди. Хоналар тартибсиз, полга тўшалган пичан коридорларга тўзғиб чиққан. Йиғиштирилмаган бир хонада тўрт киши домино ўйнаб ўтирибди. Обид Йўлдошевич: «Нега теримга чиқмадиларинг?»— деса, «дежурмиз», дейиши. Маълум бўлишича, ҳар бир хонадан биттадан навбатчи қолдирилган экан. Ваҳоланки, ҳамма хоналар учун битта навбатчи етарли эди.

Далада ҳам фақат Платон Макеевич бригадирлик қилаётган бешинчи курслилар дуруст ишлар, бошқа бригадаларда беш киши пахта терса ўн киши гаплашиб, папирос чекиб, дам олиб ўтирас ва кун ботишини кутар, «қачон шаҳарга қайтар эканмиз?» деб кун санашар эди. Сотиболдиев биринчи курсга бригадир бўлган, «биз нормани 120 процент бажариш мажбуриятини оламиз», деб катта гапирган, лекин ҳалигача 80—90 процентдан чиқолмай кулги бўлиб юрасди. Уни биринчи курслилар ҳам писанд қилишмас, қуруқ маҳмадоналиги учун «Турсуни қурсин» деб мақол чиқаришган эди.

Табиати жуда юмшоқ бўлган Мўмин Муслимович эса ҳеч кимга гапини ўтказа олмасди.

Обид Йўлдошевич ким яхши ишлаётганини сўради ва Маҳкам Маҳмудовни эшитиб хиёл таажжубланди.

— Ўзи шаҳардан хафа бўлиб чиққан эди,— деб тушунтириди Муслимов.— Ҳеч ким билан иши йўқ. Аламини ҳам ишдан олади, шекилли, куни бўйи тинмайди. Юз элликка етказиб теряпти.

— Қаерда ўзи? Менга учрамади.

— Ҳў, ана, пайкалнинг четида,— деб Муслимов қўнғир спортча кўйлак-шим, қора кепка кийган ва ёлғиз пахта тераётган Маҳкамни кўрсатди.

Обид Йўлдошевич унинг олдига келди.

— Ҳорманг, йигит!

Маҳкам ўгирилиб Караматовни кўрди-ю, кўзлари ҳаяжондан чақнаб кетди. Пахта тўла этагини бир қўли

билан ушлаб ўзини сал орқага ташлаб шошилиб кўришиди.

Обид Йўлдошевич унинг ишини тўхтатмай суҳбатлашмоқчи эди, ёнидаги эгатга тушиб, пахта терар экан:

— Баъзи ўртоқларингиз,— деди,— ўттиз килога ҳам етказмаётган эмиш, сиз қандай қилиб юздан оширасиз?

— Билмадим,— деб Маҳкам ўнғайсизланиб кулимсиради.

Қўл ҳамма нарсага тез ўрганадиган ёшлик чоғларида у мактаб билан пахтага чиқиб бир колхозчи қиздан икки қўллаб тезу тоза теришни ўрганиб қайтганди. Ўшандан бери пахта териш Маҳкам учун фақат кўп вақт ва куч талаб қиласидиган бир ишгина эмас, завқ берадиган ва кўнгилнинг чигилини ёзидиган бир гўзаллик ҳам эди.

Мана, ҳар бир чаноқдаги пахта бир неча паллаларга бўлиниб, кўпчиб турибди. Ишнинг кўзини билмаган одам ҳар палладаги пахтани бир ушлаб тортади, шунида ҳам чаноқнинг тубида пахта қолади, қовжироқ баргларни тозалаб ўтириш ҳам кишини хит қиласиди, чаноқ тубида қолган чаласи эса кўзга тушган оқдай ёмон кўринади. Киши ўз ишидан қониқмагандан кейин чарчаши ҳам, зерикини ҳам осон бўлади.

Маҳкам эса ҳар бир чаноқда бўладиган кўринимас бир марказни топиб ўрганганди. Қўли шу марказга тушса ҳамма паллалардаги пахта бир қисқа ҳаракат билан осонгина юлиниб чиқар, бармоқларида пахтани «чиپ» этиб дамига тортадиган бир магнит борга ўхшар ва завқини келтиради. Бир лаҳзада лўппи чаноқ бўшаб қолар, спрлангандай ялтироқ туби топ-тоза бўлиб кўринар ва бу ҳам уни қувонтиради. Пахта чаққон олингандан кейин ғўза шохларининг титраб қўйиши ҳам, чаноқларнинг бир-бирига тегиб ёнгил шилдираши ҳам, алланечук жуда ёқимли туюларди.

Кейин этагининг тез тўлиши, эгатнинг бошига олдин чиқиб қолиши, қанорининг бошқаникidan кўпроқ тарози босиши, уч хонали рақам ҳаммани унга қаратиши қизиқишини яна ва яна оширади.

Маҳкам шуни Обид Йўлдошевичга қисқагина қилиб айтиб берди.

— Демак, ўрганиш керак экан-да. Қам тераётган ўртоқларингизга нега ўртатмайсиз? Ё энди бюорода ишлашни бутунлай бас қилдингизми?

Маҳкам ялт этиб унга қаради, Эшонбоев билан уриш-

ганидан хабардор эканини сезди-да, уялиб қип-қизил бўлиб кетди. У Эшонбоев билан астойдил курашиш ўрнинга ўзини йўқотиб қўйиб болаларча урушгани учун руҳан азобланиб юрар эди. Чунки энди Эшонбоев унга жанжалкаш деб айб тақиши осон эди. «Узи-ку, баҳона тополмай юрган эди,— деб куюнарди Маҳкам ичидато.— Энди мени жанжалкаш деб айтиб борса нима бўлади? Райкомнинг бюросида кўриладиган масала кўп бўлади деб эшитган эдим. Ортиқча текширишга вақт бўлмаса-ю, «ҳа, йигит, ҳали хомроқ экансиз» деб қайтаришса. Ё текшириш чўзилиб кетса-ю, тавсияномаларимнинг муҳлати тугаса. Ахир беш ой бўлиб боряпти! Нима қилиш керак? Нима бўлади?»

Маҳкам ҳозир Обид Йўлдошевичга уят аралаш қарап экан, мана шу саволларга ундан жавоб олишни истар эди. Обид Йўлдошевич қўлидаги пахтани унинг этагига солди-да:

— Нега ўндаи бўлди?— деб сўради.

Маҳкам тўлиб кетган этагини қанорга бўшатиб келди. Кейин иккови яна бир этакни тўлдиргунларича бутун воқеани айтиб берди. Эшонбоевга аввал қандай ишонгани, курс буролари масаласида нима гаплар бўлгани, Сотиболдиев секретарликка қандай сайлангани, Сергей ва Очил редколлегиядан қандай чиқарилгани — ҳаммасини бирма-бир айтиб берди. Караматов унга Акбаров ва Ташев ҳақида саволлар берди, Маҳкам бу тўғридаги ўйлари ва тахминларини ҳам гапирди. Унинг ҳикоясига Обид Йўлдошевич ишонч билан қулоқ солгани юзидағи мулоҳим эътиборидан билиниб туарди. Лекин охирида у Маҳкамдан ранжиб гапирди:

— Демак, Эшонбоевдан хафа бўлганингиз учун буоронинг ишини ҳам қилмай қўйибсиз-да. Бўлмаса комсомолларга айтинг эди, ўрнингизга бошқа одам сайлашсин эди. Бу нима деган гап? Факультетларинг графикни бузиб маломатга қоляпти, аҳволларингга қараб бўлмайди. Бир буоро аъзоси бунаقا аразлаб юрса. Факультет учун ким жон куйдиради?

Маҳкам, «Сотиболдиев қилган ишга аралашмайман», деб юргани бачканалик эканини энди чинакам сезиб турар, бошини кўтармай жим пахта терарди. Унинг юзи бўртиб, уядан қизариб кетганини кўрган Обид Йўлдошевич бошқа гапирмади ва Сергей Чумичкиннинг олдига кетди.

Қараматов шу куни кечгача тарихчиларнинг орасида юрди-ю, оқшом актив тўплаб, ачитиб-ачитиб гапирди, бошқа факультетларнинг теримдаги муваффақиятлари-ни айтиб берди.

— Нега сизларда ижтимоий ишлар тўхтаб қолган? Нега мусобақа оғизда бор-у, амалда йўқ?

\* \* \*

Эртаси куни далада ҳам активистлар кўпроқ шу тўғрида гапирар эдилар. Бугундан бошлаб ётоқ жойларда қизлардан битта, йигитлардан битта навбатчи қолдирилди-ю, бошқа ҳамма пахтага чиқди ва теримчилар сони тўрт кишига ортди. Бир тўп бешинчи курслилар орасида пахта тераётган Сергей қизишиб гапирарди:

— Агар ҳамма ҳеч бўлмаса нормани бажариб турганда бунчалик орқага кетмас эдик. Эшилдиларингми? Бизнинг факультет олтинчи ўрининг тушиб кетибди. Боя йўлдан физматли ўртоқларим ўтган эди, тошбақа юриш қилиб кулишади.

— Ҳа, бир-икки киши юз килодан тергани билан ёз бўлмайди,— деди Очил.— Коллектив қўзғалмаса бекор.

— Қани коллектив?— деб Сергей янада қизишиб сўради.— Коллектив деган бир бутун организм бўлади, ҳамма бирлашиб иш қиласди. Бизда ҳар ким ўз ҳолича. Ҳар курс бир бригада-ю, ҳар бригада ўз қозонида қайнаиди.

Бу гапларни кинояли табассум билан эшитаётган Шоазим:

— Вой белим!— деди-ю, эгатга ўтирди.

Лола ва бошқа қизлар пиқирлаб кулишди.

Бугун Маҳкам ҳам кўпчиликка қўшилиб термоқда эди. Обид Йўлдошевич аввал уни хўп уялтирган бўлса ҳам, кейин кетар олдида: «Аризангиздан хотиржам бўлинг, мен ўзим райкомга бориб айтаман», деган эди. Маҳкам кўпдан бери қалбини безовта қилиб юрган тугунларни унга очиб кўрсатиб руҳи жуда енгиллашган, хаёллари ҳам гўё қандайдир лойқадан тозаланиб, тиниган эди. Пахтани ҳам бошқача бир иштиёқ билан термоқда эди.

Буни кўрган Шоазим:

— Тиришинг-е, ўртоқ Маҳмудов, тиришинг,— деди,— мукофотни ўзингиз оласиз!

Қизлар яна кулишди. Маҳкам қаддини ростлаб, Шоазимга тик қаради.

— Узумга бўйи етмаган бир тулки ҳам мана шу сиздай ялпайиб ўтириб «пуф-е, аччиқ!» деган экан.

Қизларнинг кулгисига энди Очил ҳам қўшилди. Лекин унча-мунча гапни ўзига олмайдиган Шоазим:

— Аччинғланманг, Маҳкам, мен сизга қойил бўлиб гапирияпман,— деди.— Ҳайронман, белингиз резинкаданми дейман? Бир кўсакда икки-уч грамм пахта бўлса, яна ҳар кўсакнинг бешта палласи бўлса. Юз кило териш учун қўл неча юз марта бориб-келиши керак, бел неча минг секунд эгик туриши керак?

— Юз тонна териш учун-чи, миллион тонна териш учун-чи!— Сўради Очил унга жиддий тикилиб.— Бу йил икки миллиондан ошиқ...

— Хўп, хўп, хўп,— деб Шоазим кулгили бир тусда ўрнидан турди.— Сиз агитацияни бошладингизми, демак, қаққайиб туриб эшлиши керак!

Шоазимнинг майнавозлиги кўп одамга ёқар эди.

— Қизиқ,— деди Очил ҳозир буниг сабабига тушуниб.— Кун санаб зерпишиб юрганларга Шоазим овушкоқ бўлиб қолибди. Шунинг учун нормасини бажармаса ҳам — қаҳрамон! Русча айтганда, герой дня.

— Шуниси ёмон-да,— деб яна Сергей гапга қўшилди.— Гапга чечан одам ишга чечан одамни ютиб кетяпти, Биринчи курс қолоқ деймиз, лекин уларда ҳам илфорлар бор. Қаюмов деган бир йигит етмиш кило терибди. Мен боя «Жанговар варақага» ёзмоқчи бўлиб бордим. Қаюмов ким, деб сўрасам, Садри дегани кўкрагига уриб, «мен!» дейди. Ҳамма кулади. Чунки Садри йигирма килодан теради. Қара: Қаюмов Садрининг устидан кулмайди-ю, Садри Қаюмовнинг устидан кулади.

«Нега?— деб ўйланарди Маҳкам.— Яхши ишининг обрўсими кўтармаганимиз учунми? Яхши ишлаган билан ёмон ишлаган аралашиб билинмай кетяпти. Фақат тарозининг олдида бир билиниб қолади-ю, тамом».

— Агар менинг қўлимдан келса,— деди Очил ғижиниб,— нормани берганларнинг пешонасига бир хил, бермаганларнинг пешонасига бошқа хил чироқ ёқиб қўяр эдим. Шахтёрларнинг пешонасидаги чироқка ўхшаб доим узоқдан кўриниб турсин эди.

Кундуз куни далада пешонасига чироқ ёқиб пахта териб юрган кишиларни тасаввур этиш кулагили эди. Яна

Шоазим буни ҳам кулгига олди-ю, ҳаммалари ҳахолаб юбориши. Лекин этагини бўшатмоқчи бўлиб марзадаги қанорга қараб кетаётган Маҳкам бирдан жиддийлашиб:

— Эй, шошманглар, шу гапнинг жони бор! — деб қайтиб келди.

Очилнинг гапи унинг энг зўр бир интилишига — ҳақни ноҳақдан, тўғрини нотўғридан, яхшини ёмондан яқъолроқ ажратиш ҳақидаги интилишига мос келар эди. Буни бошқа мураккаб соҳаларда амалга ошириш қийин бўлса ҳам, балки теримда мумкинди? Яхши ишлаганин ёмон ишлагандан чироқ билан ажратиб бўлмайди, албатта, лекин бригадалар билан ажратиш мумкин эмасмикин? Қолхоз ёки совхозда бунинг иложи йўқ, чунки доимий бригадалар фақат теримда эмас, бошқа ҳамма мавсумларда ҳам керак, уларнинг состави ўзгармас ва қатъий бўлиши шарт.

— Аммо биз,— деб Маҳкам қўл силкитиб гапиради,— муваққат бригадалармиз. Ҳаммамизнинг қиладиган ишимиз бир — пахта териш. Бу ерда курсдан курснинг фарқи йўқ, ўн саккиз ёшдан ошган соғлом йигит-қизлар бирининг қилганини бири қила олади. Шунинг учун бригадалар курслар бўйича эмас, кўрсаткичлар бўйича тузилса. Мана масалан, биринчи бригада. Теримда энг илфорлар киради. Мана, иккинчи бригада,— деб Маҳкам қаппайган этагининг бир четига уриб қўйди.— Нормани бажарганлар киради. Мана, охирги бригада. Йигирма-үттизда юрганларнинг ҳаммаси тўпланади. Бир бригададан иккинчисига йўл катта очиқ, қолоқликдан чиқдингми, марҳамат, шарафли бригадага ўт. Илфорликдан бошинг айланиб ишни бўшаштириб юбордингми, бас, тошбақа бригадага туш!

Сергей қизиқиб кулимсираб турарди.

— Чёрт возьми! Жуда оддий, шубҳали даражада — оддий фикр. Албатта рад қилишади. Одамлар коса-товоқ эмас, токча-токчасини топиб қўйгани, дейиншади. Лекин... Қолоқларни бир бригадага тўплаб ўз ҳолига қўйиб берсанг ҳеч бало чиқмайди, албатта. Агар ҳамма проJECTорларни ўша бригадага тўғриласанг, «Жанговар варача» борми, юмор кечалари борми, тажриба алмашиш борми, агитация борми, тарбия иши борми — ҳаммасини баравар ишга солсанг бир нарса чиқиши мумкинди. Мени шу ёғи жуда қизиқтиряпти.

— Кейин энг кучли бригадирни ҳам ўшаларга тайинлаш мумкин,— деб қўшимча қилди Очил.

— Ҳа-ҳа.

— Демак, гапимиз бир жойдан чиқяпти,— деди Маҳкам қувониб.

— Мажлис чақирилишини сўраш керак.

— Йўқ, аввал Платон Макеевич билан бир масла-ҳатлашиб олиш керак.

Кул ранг дала плаши, чарм кепка ва этик кийган Платон Макеевич пайкалнинг нариги четида эди.

Туш пайтида бир от қўшилган солдатча поход кухнисида посёлкадан иссиқ овқат олиб келаётган Мирсанд кўринди. У эски қора гимнастёрка устидан бир ёнига фотоаппарат, иккинчи ёнига сумка тақиб, ювош тўриқ байталнинг жиловини олифталик билан силкитиб борарди.

Платон Макеевич ҳаммани овқатга чақирди.

Кухня ариқ бўйидаги катта толлар олдида тўхтаган эди. Бир қисми қуриб, бир қисми ҳали ҳам кўкариб турган ажриқ ва кўкатлар устига одамлар одатдагидай тўп-тўп бўлиб ўтириши. Маҳкамлар бугун четроқдан жой олишди-да, ўз давраларига Платон Макеевични чақириб келишди ва буғланиб турган мошхўрда устида ўз фикрларини батафсил айтиб беришди.

Улар учови ҳам шундай ишонч ва яқдиллик билан гапирав әдики, Платон Макеевич уларнинг алланечук бошқача, янгича ишлашга ташна эканликларини дарҳол тушунди ва ўйланиб қолди. У биларди: ёшлиқда киши ҳар қандай янги ғоядан тез оловланади. Далага ўрганолмай зерикаётганлар, пахта теришни эмас, тезроқ шаҳарга қайтишни ўйлаб кун санаб юрганлар, тертўкиб ишламагани учун кучнини, вақтини қаерга сарфлашни билмай безовта бўлаётганлар шу ғоя билан ёнмасмикин? Факультетнинг обрўси учун курашни шу йўл билан юқори кўтариб бўлмасмикин?

Уч ўртоқ қўйган саволларга бу фикрлар ҳам қўшилиб, кечқурун бригадирлар хонасида узоқ муҳокамага сабаб бўлди. Сотиболдиев бу гапнинг Маҳкамдан чиққанини эшитган заҳоти: «Қандайдир ўйин-ку, мусобақани ўйинчоққа айлантириш-ку!» деб эътиroz билдириди. Мўмин Муслимович бунаقا айб тақмас эди-ю, лекин бир нарса бўлса балога қоламан, деб журъат этолмасди. Раҳим Үмарович билан Платон Макеевич умумий

мажлис чақирилишини талаб қилишар, «агар кўпчилик қувватласа масъулиятини ҳаммамиз кўтарамиз», дейишарди.

Охири «Теримнинг бориши ва факультетимизнинг ҳозирги вазифалари» деган умумий мавзуда мажлис чақирилди ва ҳаммага маълум бўлган чақириқлар, насиҳатлар орасида бригадаларни кўрсатгичларга қараб тузиш масаласи кўтарилид-ю, дарҳол ҳамманинг эътиборини ўзига қаратди.

Кўпчилик маъқуллаб чиқди.

## 48

Замира Басти билан бирга териб, бирга тортдиради. Иккови этакларини умумий қанорга баравар бўшатиб туришса ҳам, Басти ялқовлик қилиб нуқул пуч этак билан келар, кечқурун пахталари тарозига қўйилганда терғанлари икки нормага етмай қоларди. Шунинг учун Замира ҳам Басти билан қолоқлар бригадасига тушди.

Биринчи куни янги бригадага кулиб-кулиб чиқишиди.

Ҳар ҳолда бу ишга ўйиннинг бир тури, деб қараш бор эди, баъзилар тапни ҳазилга бурса дарров кулги кўтарилади. Қечаси мажлисда ҳам кулган, кулимсираган одамлар кўп эди. Бригадаларга ном қўйиншаётганда бирор «Қийғир» дер, бирор «Штурмовик» дер, бирор «Бажарган» дер, қолоқ бригадага эса гоҳ «Тошбақа қадам», гоҳ «Бажармаган», гоҳ «Штрафной батальон» деган номларни таклиф қилишар ва ҳар сафар тур-гур кулги кўтарилади. Сотиболдиев туриб: «Айтмадимми, бу ўйинчоқ иш демадимми?» деса ҳам кулги чиқарди. Охири биринчи бригадага «Факультетнинг шарафи» деб ном беришиди ва 70 килодан оширганлар (норма 50 эди) киради, деб қарор қилишиди. Нормасини бажараётгандар бригадаси «Иккинчи ўриндагилар» деб аталаидиган бўлди. Қолоқлар эса «Уят эмасми?» деган ёзув билан юриши керак эди.

Қечаси билан Маҳкам бошлиқ активистлар бу номларни кўзга узоқдан кўринадиган қилиб ёзib чиқишган эди. Эрталаб олтин ранг билан «Факультетнинг шарафи» деб ёзилган яп-янги алвон тагига ўн беш чоқли киши тўпланди. Эскироқ алвонга «Иккинчи ўриндагилар» деб ёзилган, бу алвон ёнида анча одам турарди. Нормани бажармаганлар бригадаси ҳам биринчи бригада-

дан икки баравар катта эди. «Турсуни қурсин», деб ча-қирган Садри, биринчи бригадага ўтиб кетган ҳамкурси Қаюмовни масхара қилиб сўради:

— Шу ҳам бригадами? Ё кўсанинг соқолими?

Орқадан кулги товуши келди. Шоазим Садрининг ёнида туриб галирди:

— Ҳалиям бўлса бизнинг бригадага қўшилиб қўя қолинглар. Яхши бригаданинг одами ҳам қалин бўлади. Қаранглар: салобатли бригада бунаقا бўлади!

— Қаранг, аввал ўзингиз қаранг,—деб Очил иккинчи бригададан унга гап қотди.

Шоазим беихтиёр у ишора қилган томонга қаради: эски бир фанерга узоқдан кўринадиган қора ҳарфлар билан «Уят эмасми?» деб ёзилганди. Фанернинг иккита бақувват дастаси бор эди ва бир дастасидан Шавкат, иккинчи дастасидан Омон ушлаб келарди. Шу икки сўзнинг юқорисига майдароқ қилиб: «Бу бригадада ҳар куни йигирма-ўттиз кило тераётганлар бор» деб ёзилганди. Тагига эса пашша қўриб ўтирган Садри ва Шоазимнинг ваҳимали карикатураси чизилганди.

Шоазим ҳам, унинг галидан кулаётганлар ҳам бир лаҳза дамлари ичига тушиб жим қолиши. Нариги бригадалардан қаттиқ кулги эшитилди.

— Э обор, нарроғ-е! — жеркди Садри Шавкатни.

— Қўймайди, ахир.

— Ким?

Шавкат орқадан келаётган Платон Макеевичга ўғирилди.

Платон Макеевич уларга яқинлашиб кўнгилсизгина салом берди-да:

— Мени сизларга бригадир қилиб юборишиди, — деди, сўнг бирдан Замирани кўриб: — Э, сиз ҳам шу ердамишиз? — деб таажжубланди. Замира уялиб қип-қизил бўлиб кетди. — Бюро аъзоларидан яна ким бор? Ҳа, Кузаков ҳам шу ердами? Дуруст, дуруст.

— Омма билан алоқани узишмайди-да,— деб Шоазим кесатди.

Биринчи киши ҳиринглаб кулиб қўйди.

Биринчи бригада ўйлга тушди. Улар алвонни ҳилпиратиб ашула айтиб бораёттанди:

— Оббо! — деб Шоазим яна истеҳзо қилди.—Бориша талтайишади-ю, ҳали келишда шалпайишади.

Сўниб қолган кулги яна оловлана бўшлади. Кулги,

қизиқчилик уларнинг энг зўр қалқони эди. Садрига ўхшаган уч-тўртта андишасиз йигитлар ва уларга қўшилиб папирос чекадиган Раја Ботирова деган қиз бир тўп бўлиб олишган, кулгиси лаблари учнда тайёр турад ва Шоазимнинг ҳар бир гапидан хахолашарди.

Пайкал бошида уларга арава ҳайдаб келаётган бир совхоз ишчиси учради ва фанердаги ёзувни ўқиб отини тўхтатди-да:

— Ким ўша йигирма кило терған, оёқ-қўли ҳам борми ё мўнди кўзами? — деб кулги қилди.

Игорь Кузаков Садрини кўрсатаётган эди, Ҳусни отининг биқинига билдирамай перо санчди. От шаталоқ отиб, аравакаш аравасига йиқилиб тушди. Садрининг ўртоқлари овозларининг борича хахолаб кулардилар.

Бу кулги бошқаларни ҳам бир оз ҳимоя қилар, шунинг учун қўшилиб кулувчилар кўп эди. Платон Макеевич уларга ортиқча гапирмас, фақат ҳаммани зимдан кузатарди.

Садрилар пайкалда вақтни ўйин-кулги, гап сотиш билан ўтказишар, баъзан аллақаёқларга йўқолиб кетишарди. Ётган хоналарида ҳам кўпчилик бўлиб олишган, кечаси эшикни бекитиб «йигирма бир» ўйнашар, карта ни далага ҳам олиб чиқишар ва овлоқроқ жой топиб, ўйинни давом этдиришарди. Платон Макеевич:

— Қаёққа? — деб сўраб қолса, Садри қорнини ушлаб:

— Бизга бу ернинг овқати ёқмаяпти, шу маза йўқ,— дерди.

Ўртоқлари эса хахолаб маъқуллашарди.

Бу хахолашга ҳозирча энг кўп халақит берадиган нарса — фанердаги ёзув ва карикатура эди. Ёзув тушгача ўтган-кетганинг эътиборини ўзига тортиб пайкалнинг бошида турди, тушдан кейин Платон Макеевич Омон ва Игорь билан сухбатлашиб пахта теришаётганди бирдан йўқолиб қолди.

Уни Садри майдалаб ариққа оқизиб юборганди. Кечқурун қайтишда Садри яна қизиқчилик қилиб, бригадани кулдириб борди:

— Об-бо, аттанг, бугун ўзим кўтармоқчи эдим-а? Муборак ёғочга қўлим тегмай қолди-я. Об-бо аттангги-на-эй!

Платон Макеевич буни писанд қилмасдан:

— Майли, ҳали кўп кўтарасиз, — деди.

Кечаси у Маҳкам ва бошқа активларни «штаб» деб аталувчи хонага тўплаб, аҳволни айтиб берди.

— Бошда мен бир нарсадан ҳавфсираган эдим. Қолоқлар битта-иккита бўлса уялтириш осон, лекин ўн беш-йигирматаси бир жойга тўпланиб, коллектив бўлиб олса ҳеч нарса таъсир қилмайди. «Коллектив — катта куч» деган аксиома бу ерда ҳам ўзини кўрсатди. Ҳозирча бизнинг бригададаги қолоқларни кулги бирлаштириб коллективга ўхшатиб турибди. Лекин, аслида бу ҳали — коллектив эмас. Садри улфатлари билан бошқалардан жуда фарқ қиласди. Кузаковга ўхшаганлар теришни яхши билмаганлиги учун қолоқлар орасига тушиб қолган. Шоазимга ҳам, «дипломантсан, бешинчи курсни ерга қаратма», деб гапириб қўйдим. Хуллас, ҳар бирига конкрет ёндашиб, Садрилардан ажратиш керак. Садриларнинг нималар қилишини ипидан игнасигача аниқлай олсаларингиз яхши бўлар эди, карикатура чизиб чиқараардик. Сиз, Маҳкам, эртага бизнинг бригадага чиқиб теришни яхши билмайдиганларга бир оз тушунтирангиз қандай бўлади?

— Майли, тажриба алмашамиз, — деди Маҳкам кулимсираб. — Платон Макеевич, менда ҳам бир таклиф бор. Бугун иккинчи курслик Муродов 75 кило терибди. Эртага бизнинг бригадага ўтиши керак. Шуни ҳамма кўрса, яъни бригадалар эртага ҳам бугунгидай бир жойга тўпланса-ю, тантана билан эълон қилинса...

— Э, бу бўлмайди, ивисиб кеч чиқадиганлар бор,— деб Очил эътиroz қилди,— ҳамма тўлангунча «совуб» қолади.

— Аксинча, — деди Маҳкам. — Ҳамма кутиб турганда кеч чиқадиганлар тез кўзга ташланади, кутиб туриш кўпчиликнинг жонига тегади, бунга қаршилар кўпаяди.

— Менимча, — деди Платон Макеевич, — бу ҳам ташкилотчиларга боғлиқ. Агар ҳамма бир вақтда уйғотилса, ҳар бир хонадаги студентларнинг кечикмай чиқишига жавоб берадиган кишилар бўлса, унда эрталаб тўпланиб жўнаш яхши. Бригададан бригадага ўтказиши кўпчиликнинг олдида қилганга нима етсин!

— Бўпти, ҳозир ҳамма хоналарга кириб чиқамиз, — деб Маҳкам ўрнидан тура бошлади.

Шундай қилиб, эртаси куни ҳамма бир вақтда уйғотилди-ю, уч бригада кечагидай уч жойга тўпланди. Факат бугун қолоқ бригаданинг «эмблемаси» жуда бошқа-

ча эди. Иккита бақувват дастага катта сариқ картон қоқилган. «Уят эмасми?» деган қора сўзларнинг юқорисида Садрилар қорнини чанглаб, буталарнинг орасига кириб борар, пастида эса уларнинг пана жой топиб ўлиб-тирилиб карта ўйнаётгани тасвиirlанганди.

Нариги бригадалардан гап ташлай бошладилар:

— Ҳа, кечаги фанерни нима қилдиларинг?

— Битта-яримтаси обедга қўшиб еб юборгандир!

— Э шундайми? Айтдим-а, бу бечоралар қоринлари ни чанглаб пана жойга чопяпти деб. Фанерни ҳазм қилиш осонми?

— Шоазим кўринмайдими? Ҳў, Шоазим!

Шоазим бугун ўзини панага олмоқда эди. Очил чақиргандан кейин чиқди.

— Нима дейсиз, ўртоқ Самадов? Е булар еган фанердан сиз ҳам емоқчимисиз?

Шоазим «булар» деб, фанер йўқолишини ўзидан соқит қилаётганига сабаб бор эди: энди у ўзини Садриларга яқин тутишдан уяларди. Платон Макеевич буни сезиб, ич-ичидан қувониб қўйди.

— Лекин, бу фанерни есаларинг пашшадай қулайсанлар, бунга мухоморнинг сувидан суртганмиз.

— Ҳў, Шоазим,— деб Очил яна кулиб гап ташлади.— Ёнингизда турган йигит ким? Ажнабий матодан почаси тор шим кийганини айтаман!

— Картабозларнинг гүшнаси шу-да,— деб бошқа бирор жавоб берди.

— Шундайми? Эй, йигитча, бу ёққа қаранг. Илоҳим ютқизманг-у, лекин бир фалокат бўлиб ўша чипор шиммингизни ютқизиб қўйсангиз менга айтинг. Бир танишим ҳангисига тўқим қидириб юрган эди, ўшанга пуллаб бераман.

Кулгининг кети узилмасди. Садриларнинг кулгидан қилинган қалқонини энди кулги тешмоқда эди.

Шу пайт қўлида қофоз ушлаган Муслимов пайдо бўлди. Унинг ёнига бригадирлар тўпланди. Уларнинг жиддийлигини кўриб, ҳамма жим бўлиб қолди.

Муслимов Муродовнинг етмиш килодан ошиқ терганини ва ҳозир биринчи бригадага ўтиши кераклигини ёълон қилди. Муродов орадаги йигирма қадамча масофа ни ҳаяжонланиб босиб ўтаётганда биринчи бригададагилар ўзларининг кўпайишаётгандаридан қувониб қарсак

чалиб юбориши. Бу ҳаммага бир лаҳза қаттиқ таъсир қилди, гўё ҳазил-ҳазил билан бошланган ишнинг жиддий мазмунини кўпчилик энди чинакам ҳис қилди.

Картоннинг тагида Замира деярли кўринмасди — у ҳам Шоазимга ўхшаб ўзини панага оларди. У кеча жонжхаҳди билан ишлаган, аммо яна икковининг тергани иккни нормага етмаганди. Платон Макеевич унга алоҳида теришни маслаҳат берар, лекин Замира ўртоғига хнёнат қиласидигандай ботинолмас эди. Ҳозир картонни кўтариб боришга ҳеч ким кўнмагандан кейин кимдир:

— Бюро аъзолари кўтарсин,— деди.  
— Тўғри, кўтаринг, ўртоқ Азимхонова!

Замира ер ёрилса кириб кетгудек эди. Омон унга қайшишиб:

— Замира опа, беринг менга,— деди.

(Уша хат воқеасидан кейин улар беш-олти кун аразлашиб юришган, ярашганларидан кейин эса Омон «Замира опа» деб гапирадиган бўлганди).

Иккинчи томондан Игорь кўтарди. Бу нарса ҳали қўпсансалор бўлишини сезган Платон Макеевич ҳамма билан келишиб, ким қайси куни кўтаришига тахминий рўйхат тузиб қўйди.

Қўшни пайкалдан Маҳкам келди, Платон Макеевич айтгандай «тажриба алмашиниб», тушгача Игорлар билан бирга терди.

Садри ва унинг ўртоқлари эрталаб масхаралари чиққандан бери аччиқ қилиб юришар, карта ўйнаганлари ҳақида «айғоқчилик» қилгани қидиришарди. Ниҳоят, сизи бўшроқ Шавкатдан гумонсираб, уни бир четга олиб чиқиб кетишиди.

Шавкат тушликдан кўзи моматалоқ бўлиб, пешонасида фурра билан қайтди. Платон Макеевич сабабини ҳар қанча сўраса ҳам, «йиқилиб тушдим» деб айтмади. Садри унга пичоқ кўрсатган, «айтсанг, қорнингни ёраман» деб қўрқитганди.

Шунинг устига кеча бригаданинг пахтасини қабул қўлган тарозбон чол жигибийрони чиқиб бир халта тош кўтариб келди:

— Қайси номард пахтага тош қўшиб тортилди? Э мен сизларни муллаваччалар десам, муттаҳамбаччалар ҳам бор экан-ку! Уят эмасми, мўйсафид кишини алдаш? Қани, катталаринг қани, сизларни шунча йил ўқитиб мулла қилолмаган домлаларинг қани?

Бу номардлик кимдан чиққанини кўпчилик сезиб турди. Энди шу Садрилар билан бирга бўлиш ўз қадрини билганларга чиндан ҳам уятли туюла бошлади.

Эртаси куни эрталаб иккинчи бригада Игорь билан Шоазимни қарсаклар остида ўзига қўшиб олди.

Платон Макеевич Замира билан Бастига иккита қанор келтириб, яна алоҳида-алоҳида теришни сўради. Бу сафар Замира йўқ демади.

— Вой, мени оз теради дейсиз шекилли!— деб Басти қанорнинг бирини ердан юлқиб олди.— Майли, ҳар ким ўзича бўлса бўлаверсин. Акам бир нарса деса сиз жавоб берасиз.

Ўша куни у ҳам ориятини қўлдан бермай жон-жаҳди билан терди. Кечқурун тортдирғанларида Замираники нормадан ўн кило ортган, Бастиники эса фақат уч кило етишмас эди.

— Лекин, шу бугун бирга тортдирсаларинг икковалинг ҳам бажарап экансизлар,— деб кулди Платон Макеевич.— Майли, Басти, эртага яна бир ҳаракат қилисангиз Замирани қувиб етасиз. Мана, бугун Омон ҳам бажарди.

Платон Макеевич бригададан кетаётганларни қувонч билан кузатиб қоларди.

Битта-яримта фалокат босиб илфор бригададан орқадагиларга юмалаб тушувчилар ҳам бўлар, уларни умумий кулги билан кутиб олишар, лекин, ҳар ҳолда, олдинги бригадага ўтувчилар кўпроқ эди ва кўпайиб борарди.

Дастлабки кунларда бекор юрган бюро аъзолари энди бош қашлашга фурсат топишолмасди. Анна билан Ортиқ кечқурунлари тинмай бадиий кеча тайёрлашар, бутун карикатуралар ва «эмблемаларни» Архипов чизар, Рифқат эса факультетнинг кундалик кўрсаткичларини қизиқарли шаклда эълон қилиб бораарди. Энди бошқа факультетларнинг ишлари билан қизиқувчилар, «нечанчи ўринда боряпмиз?» деб сўровчилар кўп эди. Шунинг учун ҳар куни марказий штаб билан алоқа боғлаб, қайси факультет неchanчи ўринда бораётганини билиш ва кўзга кўринарли бир жойга маълумот ёпишириб эълон қилиш Игорь Кузаковга топширилди.

Шу ишлар қилинадиган кичкинагина хонадан оқшомлари одам узилмасди. Студентлар бу хонани «Кичик штаб» деб, Маҳкамни эса, «Кичик штабнинг бошлиғи»

деб аташарди. Бошда бу ишга қарши чиққан Сотиболдиев энди бир четга чиқиб қолган эди. Раъно Суярова эса соғлиғи ярамай пахтага чиқмаганди. Ҳозир Сотиболдиев ўзига яқин олиб дардини айтадиган бирдан-бирю бюро аъзоси Замира эди.

— Маҳмудов ўзини оқлаш учун югуриб юрибди,— дерди у.— Ҳа, бюорода масаласи кўрилгунча ўзига тарафдор йиғяпти. Кўрамиз ҳали.

Лекин Замира Бастидан ажралиб, иккинчи бригадага ўтгандан кейин Анна Погорельская уни «Кичик штаб» даги ишларга торта бошлади.

У ерда ҳар куни икки тилда «Жанговар варақа» чиқариларди. Гус тилидагисини Сергей тайёрлар, Архипов кўчиради. Очил тайёрлайдиган ўзбек тилидаги «Жанговар варақанинг» хушхат кўчирувчиси йўқ эди. Анна Замиранинг хати жуда яхши эканини биларди, уни шу ишга таклиф қилди.

Замира оқшомлари Очил билан бирга ишлашини, у ёзган, таҳрир қилган нарсаларни оққа кўчиришини тасаввур этиб, юраги гурсиллаб ура бошлади. «Бюро аъзосиман, Сотиболдиев бошқа топшириқ бермаса нима қиласай», деб ичиди ўзига важ кўрсатди-ю, оқшом тозакийимларини кийиб, Анна билан бирга «Кичик штаб»га кирди.

## 49

Катта қора стол устига юз шамлик қалпоқсиз лампочка шундай паст тушириб осилган эдики, ўтирган кишининг пешонасига иссиғи уриб турарди. Стол атрофидаги табуреткаларнинг ҳаммаси банд: бирида Игорь факультетнинг иккинчи ўринга чиққанини одатдагидан ҳам катта ҳарфлар билан ёзяпти, бирида Рифқат диаграммадаги эгри чизиқнинг «тумшуғини» янада юқори кўтаряпти. Бошқаларида Маҳкам ва Сергей ўтирибди, тикка турган Очил баланд овоз билан бир материални ўқиб беряпти.

Сергей ва Маҳкам қизларни кўриб ўринларидан турди. Замирани кутмаган Очил алланечук оқариб кетди. Кўришаётганларида Анна унга:

— Мана сизга хаттот,— деб тушунтириди.

Очил Замиранинг бирга ишлашини энди билиб:

— Ш-ш-ундайми? — деди дудуғланиб ва шошиб давом этди:— Кечирасиз. Бу хона кичик. Стол-стул...

— Жой бор, қани ўтиринг,— деб Маҳкам Замирага ўз табуреткасини берди.

Нариёқдан Рифқат ҳам ишини битириб, ўрнидан турди. Очил унинг табуреткасини Замирага яқин қўйиб ўтириди. Лекин унинг иссиғинга тоб беролмагандай дарҳол ўрнидан турди. Бир бет ватман билан жанговар ва-рақа бланкасини олиб келди-да, Замиранинг олдига ёйди.

— Ўу қоғоз юпқароқ, сиёҳ тарқалади,— деб бланкани кўрсатиб изоҳ бера бошлади.— Шунинг учун мана бу босмахонада босилган жойини қирқиб, ватманга ёпиширамиз-у, мақолаларни тўғри ватманга ёзамиз. Мана, мен колонкасини чизиб қўйиблан. Мана бу материаллар. Сарлавҳаси... Мана бу ерда карикатуранинг ўрни бор. Сарлавҳаси билан карикатурани Архиповга чиздирамиз. Рангдор қилиб чизади. Ўрнини қолдирамиз. Сарлавҳанинг ўрнини: Мана бу... Ҳа, буни айтдим. Ҳўш, энди...

Очилининг қувониб ва шошилиб гапираётгани, Замира ҳаяжондан ёниб унга қараёлмаётгани ҳаммага сезилиб турарди. Замира эса ватманни ҳам, кўчириш керак бўлган нарсаларни ҳам узоқ бир жойдан кўраётганга ўхшарди. Маъносини ҳам элас-элас тушунарди. Мақолалардан бири: «Терим ҳам санъат, санъатни эса эгаллаш керак» деб аталар эди.

Замира кўчиришни шу мақоладан бошлади. Аммо қўли алланечук қўполлашиб қолганга ўхшарди. Ҳарфлар нотекис чиқар, сатрлар ҳам қийшайиб кетарди. Кимдир унга чизғич ва қалам узатди, сатрларнинг ўрнини чизиб олишга маслаҳат берди. Очил ўзининг ҳадеб гузатилаверганидан чаплашиб кетган ёзувларини айблар, дам-бадам изоҳ берар, мумкин қадар озодароқ таҳрир қилишга уринар, аммо боши яхши ишламай баттар англишарди.

Шу тарзда ишлар жуда секин силжиди. Аввал Игорь, кейин Сергей билан Маҳкам ишларини битириб кетишди. Сарлавҳалар билан карикатуralарга ҳали-бери навбат келмаслигини кўрган Ким, «бирпас айланиб кела-ман», деб чиқиб кетди.

Иккови ёлғиз қолгандан кейин Замира бошини кўтабиб Очилга дадил қаради. Унга дала ёқибди шекилли,

ёноқлари қорайиб тўлишибди, ёзда хила чўкиб қолган қовоқлари ҳам соғлом кўпчиб турибди.

Очил Замиранинг қараганини сезиб, таҳрир қилаётган нарсасидан кўзини тез олди. Кўз-кўзга тушганда Замира Очилнинг каникулдан кейинги босиқлиги ва си-полигидан асар ҳам қолмаганини кўрди. У яна кўкламдаги каби ўзини яхши идора этолмас ва бунинг учун ўзидан ҳам, Замирадан ҳам норози бўлаётгани билиниб туарди.

— Хўп, энди мана бу тўртликларга ўтдингизми?— сўради у Замирага ишни эслатиб.

Уша кечаси машинада Замиранинг ўзини ғалати тутгани, кейин терим кунларида Очилдан нимадир кутаётганга ўхшаб қарагани ва бу бугун ҳамманинг олдида титраб-қалтираб ҳаяжонлангани Очилнинг юрагини жуда яйратар эди. Лекин зўрға йифиб олган хаёллари аввалгидан ҳам бадтарчувалашиб, изтиробли тахминлар кўпайиб борарди. Агар Замира Эшонбаев билан аҳди-паймон қилмасдан олдин шундай ҳаяжонланиб, шундай муомала қилганда Очил ўзини фақат баҳтиёр ҳис қилган бўлар эди.

Аммо шундай бир жазирамадан ўтгандан кейин яна орқага қайтиш, яна «севадими? ёки адашяпманми?» деб иккиланиш жуда қийин эди. «Севади» деб фараз қилганда ҳам ўша куни фанер орқали эшитилган ўпишиш дарров ёдига тушарди. Замиранинг ётоқдан кетиб, бир кампирнида тургани ҳам Эшонбоев билан бемалолроқ ўпишиши учун деб ўйларди. Бунга энди у кўнигиб қолган, унаштиришгандан кейин табиий деб ҳисоблар эди. Аммо Замиранинг ҳозирги ҳаяжонида, қаравида нима маъно бор? Эшонбоевни севмайдими? Қандай қилиб кежагини унга муҳаббатсиз боғлайди? Наҳотки Замира шундай енгилтак, шундай бекарор бўлса?

Бу тахминлар Очилнинг Замира ҳақидаги юксак фикрига, ихлосига путур етказарди. Шунинг учун у Замиранинг аввалгидай бўлишини, ўзини «банд» қиздек узоқроқ тутишини (юраги аксини истаса ҳам) афзал кўрарди.

Замира эса нимадир демоқчи бўлиб кўчиришдан тўхтади. Аммо нима демоқчи эканини айтмади. Кераксиз бир қоғозга чизиб жим ўтираверди.

У Очилдан «нега ёзда шундай бўлди?» деган савол кутарди. Шундан кейин ўзи ҳам сўрамоқчи бўлган нар-

саларини сўраши мумкин эди. Бироқ Очил бундай савол беришга ҳаққим йўқ деб ўйларди. У «тўртликларим ёқмаган бўлса айтишдан тортиняпти», деб ўйлади.

— Қамчилиги бўлса... Ёқмаётибдими?

— Буниси эмас,— деди Замира бошини кўтариб.

Очил таажжубланиб:

— Қайсиси?— деди. Замира унинг яна қайси шеърларини билади?— Газетада чиққаними?

Замира бош чайқади: у Очилнинг республика газетасида чиққан шеърини ўқимаган эди.

— Группаларингизда ўқиб берганимми? «Гўзал ўткінчи-я?»

— Ха.

— Нимаси ёқмаган эди? Айтинг.

Замира ўшанда ноҳақ ҳажв қилингандай хафа бўлганди. Ахир, наҳотки у ёмғир томчисидай беқарор ва ўткінчи қиз бўлса?

Очил сўраб-сўраб шуни билди-ю, ўнғайсиз кулимсираб, нима дейишини билмай туриб қолди.

— Э, унинг маъноси бошқача... Йўқ, чиндан худди шундай. Уни ёзган одам ўзини ҳам алдаган, бошқаларни ҳам адаштирган.

— Ёзган одам? Ким ёзган?— Ҳайрон бўлди Замира.

Очил Замирага атаб ёзган, лекин унга кўрсатмаган шеърларини эслади-ю, ҳаммасини айтиб бергиси келди. Фақат «мен» деб айтишга тили бормади.

— Сиз билмайсиз, бунинг тарихи узоқ,— деди.— Уша шеърни ёзган йигит бир қизни яхши кўриб қолган бўлади. Лекин қиз уни яхши кўрмайди. Йигит шеър ёзиб, ўзини бир япроқقا, қизни бир томчига ўхшатиб кўнгли унча-мунча тасалли топади. Жавобсиз севгидан қутулгандай бўлиб юради. Лекин тўсатдан қизга дуч келади-ю, ҳеч нарса ўзгармаганини, севгидан қутулиш осон эмаслигини билади. Эртаси кун ёмғирли тунга қараб ўтириб бошқа бир шеър ёзади. Мана, эшитинг...

Очил шеърни титроқ товуш билан ўқир, ҳозир ҳар қачонгидан ҳам ўтли кўринган кўзларини Замиранинг юзидан узмас эди. Замира ўзи чўғланиб ўтирас, шунинг учун унинг ўтини унча сезмас, фақат кўзи Очилнинг кўзига тоб беролмай пастга тушиб кетар, у кўпроқ Очилнинг эҳтиросли лабларига қараб тингларди.

— Бу ғамгин шеър. Буни ёзган йигит ўзига ишончи зўр авлоддан эди, маъюсликда узоқ яшай олмас эди. У

Ўша йили ўртоқлари билан янги йил кутганда ҳаётдан шодлик тилаган эди. Мана.

Янги йил тўртликларининг охиридаги:

«Ақлли, меҳрибон, ҳуснли бир қиз, янги йил, буни ҳам сендан кутамиз» деган сатрлар доим кулгига ёки табасумга сабаб бўларди. Аммо Замира буни ҳам жиддий эшилди. У ҳатто қимирламасди.

— Кейин,— деб давом этди Очил,— баҳор келиб ҳамма ёқ яшнаб кетган кунларда йигит хаёлида қиз билан топишганга ўхшаб юради. Қиз бир кўз қараши билан йигитга адабиётни севаман дегандай, бир шеър истагандай туюлади. Кейин йигит қувноқ бир шеър ёзади.

Ҳаво соф, bog кўм-кўк, баргларда шудринг...

Тўсатдан эшик очилди ва Архипов новча қаддини эгиг осто надан ўтди. Очил уни кўриб дарҳол ўзига келди.

Ўнгайсиз жимлика Замира тез ишга уннади.

Шу куни бу тўғрида бошқа гапиришолмадилар. Лекин Замира шеърнинг давомини эшитишни истарди. «Гўзал ўткинчи» учун унинг олдида гуноҳкор эканини энди билган Очил эса гўё фақат шу гуноҳни юниш учун ҳаммасини айтиб бергиси келарди.

Хозир улар бир бригадада эдилар.

Эрталаб эгатлар тақсимланәётганда тасодифанми, ёки иккови бир-бирига ихтиёrsиз интилаётгани учунми, ёнма-ён тушиб қолишиди. Бошқалардан етарли даражада узоқлашаётганларидан кейин Замира тамомланмай қолган шеърни эслатди.

Кенг далада кундуз куни пахта териб юриб айтилаётган шеър кеча оқшом иккови кичик хонада ўтиргандагидай таъсирили эшитилмаслиги керак эди. Аммо офтоб нурида Очилнинг юзига тикиб турган зўр кечинмалари ниҳоятда аниқ кўринар ва айтаётган нарсаларини майдачуда тафсилотларигача изоҳлаб турар эди. Замира умрида сира бундай юзни кўрмаган, бундай таъсирили овоз билан шеър эшиитмаган эди.

Очил очиғини айтмасди.

— Йигит қиздан муҳаббат кутиб юргани учун — дерди у,— майда-чуда ўпка-гиналарга боради, аммо қиз бошқа йигит билан бўлиб кетгандан кейин ўпка-гиналари ноҳақ эканига тушунади, ўзини-ўзи алдаб юрганини билади-ю, оғир аҳволда бошқа шеър ёзади.

Очил «Мұҳаббат жазирамаси»ни ўқиб берди-да, бир-тас жим қолиб:

— Энди тушундингизми? — деди.— Қүёш тегса буғанынбет кетадиган ўткинчи томчи нималигини йигит энди тушунади. Гүзәл ўткинчи — мұҳаббат әмас, йўқ, қиз ҳам әмас. Гүзәл ўткинчи йигит ўз хаёлида яратган сунъий тасалли. Тушундингизми? Ҳар сафар мұҳаббат офтоби тегса бу тасалли ўша томчидай бирпасда буғланыб кетади. Тушундингизми? Йигит шеърида бирор нарсанинг ўстидан кулган бўлса ҳам, фақат ўзининг бў тасаллисидан кулган. Энди у бунақа томчиларга умид боғлашдан кўрқади. Ўзини ўзи алдашдан қўрқади. Тушундингизми?

Очилнинг ҳадеб «тушундингизми» деб сўрашига сабаб Замиранинг бир сўз ҳам демай алланечук гангиб ёшигаётгани эди. У «тушунаман» деган маънода бош иршар, аммо ҳали аниқ бир нарса англамасди. У Очилнинг севгисини бутун борлиғи билан ҳис қиласарди, ҳамма туйгулари гўё гувуллаб овоз берарди, фақат бу овознинг нималиги ва унга жавобан нима қилиш кераклигини билмасди.

Очил ҳам ўзининг шеър билан мұҳаббат изҳор қилганини англамасди. «Мен фақат қарзимни уздим,— деб ўйшарди у.— Замирага аталган нарсаларни кўксимда шунга вақт сақлаб юрган эдим, энди ҳаммасини бердим-у, кўнглимини ортиқча юқдан холос қилдим. «Гүзәл ўткинидан» хафа бўлган бўлса тушунсин, мен уни хафа қилмоқчи әмас эдим».

Улар иккени ҳам этаклари қандай тўлаётганини, атрофдагилар эътибор бериб қараётганини пайқамас эдипар. Уларнинг сўзлари эшитилмаса ҳам, юзларини кўрган одам гап нималигини тахмин этиши қийин әмас эди.

## 50

Шу пайкалда улардан анча олдинда Зокир билан Фарида ҳам яkkама-якка суҳбатлашиб пахта термоқда борди. Зокир секретарликдан тушгандан бери комсомол шашларга деярли аралашмай қўйган, Ҳакимовнинг тавсияси билан кўп тиражли газетанинг редколлегиясига аъзо бўлиб кирган, номи улуғ, ташвиши оз бу иш унга жуда маъқул тушганди. Бундан ташқари у ҳозир Фаридалага ҳар қачонгидан ҳам ортиқ берилганди. Фарида Зокирнинг мұҳаббат изҳорларига халақит бермай қўйгандан бери,

суҳбат донраси жуда кенгайиб кетган, узун терим кунларида ва оқшомларида икковининг гапи адо бўлмасди. Фарида ҳали ҳам Наримонни дер, лекин шунга қарамай Зокир билан муносабати дўстлик чегарасидан чиқиб интим тус олиб борар, бу эса кўп одамга эриш кўриниарди.

Хозир Очил билан Замира ҳам шуларга ўхшаб кўрина бошлади. Уларнинг кўзлари алланечук сузилиб гўё тўхтаб қолгани, юзларидан кучли ҳаяжон кетмаётгани бригада тушки овқатга чиққандан яққол кўринди. Замира «банд» қиз бўлгани учун баъзилар ҳайрон бўлиб, баъзилар «шу-да» дегандай лаб буриб қаарарди. Яна, бахтга қарши Фариданинг ҳам, Замиранинг ҳам кўёви диссертация ёзиш билан банд ва бу ерда йўқ; унинг ҳам, бунинг ҳам орқасидан бешинчи курснинг таниқли йигитлари юрибди; у жуфт ҳам, бу жуфт ҳам фақат аҳду паймонни бузиб қовушиши мумкин.

Очилни мана шу тикилиб қаравшлар ва тасодифий ўхшашлик ўзига келтирди. У ҳали ҳам ҳушини йиғиб ололмай ўтирган Замирага қараб: «Эҳ,— деб қўнгли эзилди,— банд эмаслигингда одамлар гап қиласди, деб бўлар бўлмасга ўзингни олиб қочар эдинг. Энди «бир йигитни қўйиб, иккинчиси билан юрибди» деб чиндан ҳам гап қилишлари мумкин бўлган пайтда ўзингни мудофаа қилишдан ожиз бўлиб ўтирибсан. Йўқ, мен сенинг гап-сўз бўлишнингни истамайман. Зокирга ўхшашни ҳам истамайман.»

Очил Замира билан якка қолмасликка ҳаракат қила бошлади. Аммо бу уни қийнарди. Зокирга ўхшашдан қочиш, Замирадан ҳам қочиш эди. Шунинг учун энди Зокирнинг Фарида билан эртаю кеч бирга юриши унинг гашини келтирас, эгатлари яқин тушиб қолганда уларга тиканли гаплар ташлаб қўярди. Охири бу гаплардан бири муҳаббат тўғрисида қаттиқ баҳс чиқишига сабаб бўлди.

Зокир муҳаббатни кишининг ақли, иродасига бўйсунмайдиган юрак стихияси дерди.

Очил эса бунга ўзининг «Севгига ҳам мен бўлмайман қул» деган шиорини қарши қўярди.

— Нега биз бошқа соҳаларда иродаси мустаҳкам кишиларни мақтамиз-у, муҳаббатга қолганда «Сердцу не прикажешь» деб иродасизликни оқлаймиз?

— Сиз оддий нарсани тушунмаяпсиз,— деди Зокир.— Муҳаббат онгдан эмас, юракдан чиқади!

— Э, ахир ўша юрак одамнинг ўзиникими? Одам ўзини идора эта олиши керакми-йўқми? Ҳақиқий одам ўз туйғуларининг қули бўлмайди, хўжайини бўлади. Садоқат билан вафодорлик фақат мана шунаقا одамдан чиқади.

— Демак, сиз муҳаббатда эркни тан олмайсиз? — деб Зокир кинояли кулди. — Одам ўз муҳаббатини онгига бўйсундириб, истаган томонга буриб, истаган кўйга солиши керакми?

— Йўқ, энди гапни бурманг-да. Онг билан эркинлик бир-бирини инкор этмайди-ку. Эркинлик — англанган заруратдир, деган формулани унутманг, жўра.

— Сиз яна муҳаббатда юракни ҳисобга олмаяпсиз, — деб Фарида гапга қўшилди. — Муҳаббат масаласидаги эрк бошқа, у формула бошқа. Муҳаббат онг билан бўладиган нарса эмас, юрак билан бўладиган нарса. Шунинг учун муҳаббат англанган зарурат бўлолмайди.

Зокир чангали тўла пахта билан қаддини ростлаб Фарида гапни завқланиб тикилди. Бир вақтлар Фарида ҳам Очил айтган гапни айтиб Зокир билан баҳслашмаганимид? Қандай ўзгарган. Қандай яхши!

Очил чаноқлар билан ҳам баҳслашаётгандай пахтани қаттиқ-қаттиқ юлиб терар ва баланд овоз билан гапиради. Улар учови ҳам ишлаб баҳслашаётганлари учун секин гапирилса яхши эшитилемас, қаттиқ гапириш эса баҳсни баттар қизитарди.

— Муҳаббат онг билан йўлга солинмаса кўр-кўронга бўлади, шуни билиб қўйинг. Муҳаббатнинг онгдан бошқа кўзи йўқ. Кўр муҳаббатда эрк борми? Киши юрак стихиясини илоҳий бир куч деб билса-ю, муҳаббатга кўр-кўrona итоат қилса, кўзини чирт юмиб оқимга қараб оқса — бунинг нимаси эрк? Қул-ку. Қул бўлганда ҳам иродасиз қул! Яна буни юрак стихияси деб кўкларга кўтариб, мақтайдиганлар бор. Менингча, бирорлар тушумай мақтаса, бирорлар вафосизликни оқлаш учун мақтайди.

— Сиз догматиксиз, — деди Зокир.

— Бекорларни айтибсиз!

— Вой, уришиб кетманлар тағин... — деб Фарида қаҳ-қаҳ уриб кулди. — Очил, менга қаранг. Сиз вафодеб нимани тушунасиз ўзи? Татьяна Ларинанинг қари генералга вафосиними?? Ундай бўлса Анна Каренинани нима қиласиз? Агар Анна ҳам ўз онгига бўйсуниб иш

қилганда, Вронскийни севмас эди, ўша калтакесак эри билан яшайверар эди.

— Анна Каренина... Каренинанинг... яъни шундай жамиятда эдикни, муҳаббат билан онг...

— Йўқ, сиз китобий гапни қўйининг,— деди Зокир Очилнинг шошилиб қолганидан қувониб,— аввал бир нарсани айтинг: Анна Каренина ўз муҳаббатини онгига бўйсундирганида нима бўлар эди? Шу бизни мафтун қилган улуғ муҳаббат бўлармиди?

— Ҳа, бунда,— деб Очил энди аниқ жавоб топди.— Ҳамма гап онгнинг қанақалигида. Анна муҳаббатини онгига бўйсундиргандан ҳам меҳнатсиз ҳаёт кечираётган аристократ хонимнинг онгига бўйсундирар эди. Бундай онг чинакам инсоний муҳаббатни идора этолмасди. Агар Анна меҳнаткаш бўлганда, ёки революцион ишларга қатнашгандা онги ҳам бошқа бўлар эди, муҳаббатига ҳам тўғри йўл топа олар эди, унақа трагедия ҳам бўлмаслиги мумкин эди. Демак, ҳамма гап онгнинг қанақалигида.

— Йўқ, ҳамма гап муҳаббатнинг қанақалигида!— хитоб қилди Фарида.— Кучсиз муҳаббатни онгга бўйсундириш ҳам осон.

— Чин муҳаббатни ҳам бўйсундириш мумкин. Фақат бунинг учун зўр онг, зўр ирода керак.

— Сизнинг фалсафангиз Дон Жуанга ҳам ёқиб тушса керак,— деди Зокир.— Узини яхши идора этиб, артистдай ўйнаб, «онгли» равишда муҳаббат изҳор қилиб юрадиган субтсизларга нима дейсиз?

— Қайтага Дон Жуанлар сизнинг фалсафангиздан кўпроқ фойдаланади, жўра. Бир йигит билан қиз дўстлашади, севишади-ю, бир-икки йил турмуш қургандан кеянин ё униси, ё буниси бошқага оғиб кетади. Фалсафа тайёр: аввал уни севар эди, кейин буни севиб қолди, севигига эркинлик керак. Тамом! Қиши шу йўл билан ўн мартараб севгини алмаштириши мумкин эмасми?

— Ҳа, бу характерга боғлиқ-да.

— Онгга боғлиқ денг.

— Яна онг!— Қичқирди Фарида.— Ахир ғаразли мақсад билан севадиганлар ҳам ўз туйғусини онгига бўйсундирди-ку, наҳотки шуни тушунмасангиз? Бойлигига қизиқиб турмушга чиқувчилар, квартирали қайлиқ қидирадиган йигитлар...

— Бу энди муҳаббат эмас... Кейин гап яна онгнинг

қанақалигига. Индивидуалист, эгоист бўлса, албатта...

— Сиз айтгандай, кунда бир кишини севиш ҳам муҳаббат эмас-да, бўлмаса!

— Хўп, ундан бўлса муҳаббат нима?

Баҳс яна бошидан бошланди. Улар умуман муҳаббат ҳақида баҳслашар эдилар-у, лекин ҳар ким ҳозир ўзи бошидан кечираётган нарсаларнинг нимасинидир рад этар, нимасинидир ёқлар, шунинг учун жуда берилиб тортишарди.

Очил ҳозир ирода кучига муҳтож эди, Замирага қараб интилаётган туйғуларини иродасига бўйсундириш учун жон-жаҳди билан ҳаракат қиласарди.

Фарида эса фақат Очил билан эмас, ўзини лангар каби ушлаб турган тушунчалар билан ҳам баҳслашарди. Шунча вақт Наримонсиз лангар ташлаб туриш, Зокир томондан келаётган устма-уст тўлқинларга тоб бериш жуда қийин эди. У лангардан бўшаб сузишни истарди.

Унинг бу истагини ҳозир ҳеч ким Зокирчалик чуқур тушунмади. Улар бир тараф бўлиб баҳслашар эканлар, ўша лангардан бирга бўшаётгандай бўлишар ва алларса икковига бирдай ёқимли туоларди.

Кеч кирди. Баҳсда ҳеч ким енга олмади-ю, Очил пахта тўла қанорини орқалаб ҳирмонга кетди. Фарида билан Зокир аввалдан маслаҳатлашгандай индамай теришда давом этдилар. Кейин фир-шира қоронғилик тушиб, кўсакни баргдан ажратиш қийинлашганда эгат бошидаги қанорлари олдига келдилар.

Пайкалда ҳеч ким қолмаган эди. Қаллакланган тутлар девори ортида қутб юлдузи порлаб турарди.

Иккови жимгина бир-бирларининг этакларини ечишга ёрдам бера бошлишди. Аъзойи бадани титраётган Зокир Фариданинг ҳам титраётганини сезди.

Фарида кийган фуфайканинг тугмалари солинмаган эди. Зокир қўлинни фуфайка тагидан ўтказиб унинг белидан олди ва аста ўзига тортди. Кўкраги қўкрагига тегиб кетди.

Алланечук бўшашиб, итоаткор бўлиб қолган Фарида қаршилик қилмасди.

Ариқ бўйлаб яқин келиб қолган Сотиболдиев уларнинг қанор олдида ўпишаётгандарини кўрди-ю, қаттиқ йўталди.

Фарида кўзини очди ва сесканиб лабини олди. Зокир ам қўлини қўйинб юборди.

— Даракларинг йўқ, у ёқда мажлисга чақиришяп-и,— деди Сотиболдиев. Сўнг кўнгилсизланиб хабар қил-и:— Бизга байроқ тегибди. Караматов топширишга елибди.

Зокир билан Фариданинг дами чиқмас эди.

— Ҳа, айтмоқчи,— деб Сотиболдиев бирдан жонла-иб гапирди,— Эшонбоев келди. Эрта-индин кетамиз ейди.

— Чинданми?— сўради Зокир.

Унинг овозида баҳт титроғи бор эди.

## 51

Пахтадан қор учқунлаб турган совуқ ва бадқовоқ унда қайтдилар. Факультет ҳам ҳувиллаб, совуб ётар-и. Лекин яна ўқиш бошланиб аудитория ва коридорлар дамга, ҳаракатга, товушларга тўлди-ю ҳамма ёқ одат-ан ташқари илиқ ва файзли бўлиб кетди. Дала шамо-ида қорайған юзлар, фўзага тирналиб, иссиқ-совуқни ўп кўриб чиникан қўллар (сўнгги икки кун қор чангаль-иаб кўсак юлишга тўғри келганди), жисмоний меҳнатда ишган навқирон гавдәлар ҳозир ҳар қачонгидан ҳам тлироқ эди. Комсомол хонасига киргизиб қўйилган ва урчакни яшнатиб турган қизил баҳмал байроқ ҳам ловдай ёниб гўё факультет ҳавосини иситарди. Дала ининчиликлари ва муваффақияти одамларни бир-бири-а яхшироқ танитган, дўстлар, қадрдонлар ўртоқлар тархри билан ёнувчилар кўпайған, қарашлар, қўл сиқиш-ар, сухбатлар аввалгидан қизғинроқ, бевоситароқ бў-иб қолганди. Шунинг ҳаммаси бирлашиб, файзли ва ҳароратли бир муҳит пайдо қилганди.

Лекин бу ҳарорат Муҳаммаджон Эшонбоевни безов-иа қиласарди — худди куйған жойга иссиқ тегиб ачишти-аётгандай безовта қиласарди. Байроқ олиш тантанасида кўпчиликнинг орасидан кимдир:

— Ўртоқ Эшонбоев, ўринларингиз билинд!— деб ҳичинг қилгани унинг эсидан ҳеч чиқмайди.

Бу гапда «сиз билан Ҳакимов бўлмаганларинг учун байроқ олдик» деган маъни бор эди. Улар қўллаб-қув-затлаган Сотиболдиевнинг бир четга чиқиб қолгани ҳам, улар ёмонлаб юрган Маҳкамнинг обрў қозонгани ва кўп-

чилик бюро аъзоларини ўз таъсирига олгани ҳам бу гапни исботлаётгандай бўларди. Қараматов ҳам байроқ топшираётнб Маҳкамни ташаббускор комсомол вожаги деб атаган, буни ҳамма қарсаклар билан маъқуллаганди. Маҳкам теримда иш кўрсатганлар қатори Республика Олий Советининг Фахрий Ёригига тақдим этилганди.

Энди Муҳаммаджон Маҳкамга берган ўта салбий баҳосини Қараматовнинг олдида бир амаллаб изоҳлаши керак эди. Тантанали мажлисдан кейин у Қараматовни кўчага кузатиб чиқди-ю:

— Обид Йўлдошевич, бизнинг бу Маҳмудовимиз жуда ўзгариб кетиби,— деди.— Мен бунақалигини билмас эдим.

Машина эшигини очаётган Обид Йўлдошевич алларсадан чўчиғандай унга кескин ўгирилиб қаради. Симёғочдаги лампадан тушаётган заиф ёруғликда Муҳаммаджон унинг кўзи жаҳлдан қисилганини, мўйлови алланечук йўғирилиб кўтарилганини кўрди.

— Билгансиз,— деди Обид Йўлдошевич паст, қатъий товуш билан.— Курс бюролари ҳақидағи таклифидан билгансиз. Лекин биз сизни билмаганмиз. Хато қилган бўлсангиз яхшиликча бўйнингизга оларсиз, деб умид қилган эдим. Ҳозир яна шумлик қилиб қутулиб кетмоқчисиз. Ҳаммаси учун партия мажлисида ҳисоб берасиз!

Ҳисобот сайлов мажлиси яқинлашётганидан ташвишланиб юрган Муҳаммаджонга бу гаплар яшин зарбасидай таъсир қилди. У лампочкали симёғочга суюниб қанча вақт туриб қолганини билмайди. Ҳушини йиғиширгандан кейин дафъатан хаёлига келган нарса — Қараматовга кимdir чақиби деган гумон бўлди. «Ким? Ким?»

Пахтадан қайтишда Сотиболдиев Маҳкам билан Қараматовнинг узоқ суҳбатлашганини айтиб берди-ю, Муҳаммаджон ўз гумонига жавоб топди. У Маҳкамдан комсомол хонасида эшитган гапларнинг аламини ҳали унутмаган эди. Энди устига бу қўшилди.

Йўқ, бугина эмас. Маҳкам ва Очил пахтада унинг қайлигини ҳам «айнитган» эди. Замира энди Маҳкамни ҳурмат билан тилга олар, бюрова унга ён босар, Очилнинг номини эшитганда эса юзи хиёл оқариб, лаблари бир-бирига қаттиқроқ ботар, кўзлари севинчдан порларди. Тўғри, Замира Очил билан ўзининг орасида беҳад

муҳим воқеа юз берганини ҳали тушуниб етмаган эди. У фақат Муҳаммаджоннинг: «Сиз туфайли Очил мени кўйолмайди», деганини эслаб, паҳтада буни сезмаганини, Ўчил Муҳаммаджонга қарши бир оғиз ҳам гапирмаганини, қайтага унинг қайлиғи гап-сўз бўлмасин деб ўзи-и тортиб муомала қилганини сўзлаб берганди. Муҳаммаджон Маҳкамни қоралаганига эса Замира беозор сабаб топганди: «Уни яхши билмагансиз, бошқалар ёмонласа ишонгансиз» деярди. Муҳаммаджон, «ҳа балки бир оз ўзгаришгандир» деяр, аммо Очил билан Маҳкам ўзининг бўлажак оиласвий баҳтига ҳам халақит бераётганидан ғазаби келарди.

Муҳаммаджон аввало Маҳкамдан аламини олишни истарди. Лекин ҳозир Маҳкам колективнинг диққат марказида турар, мувваффақият ва кўпчиликнинг эътибори унга катта ишонч ва руҳий куч берар эди. Муҳаммаджон Маҳкамга еб қўйгудай бўлиб қарап экан, ундағи осойишта қатъиятни кўриб, кўзини беихтиёр олиб қонарди. Сўнг бу ожизлик белгиси эканини сезиб аччиғи ғелар, Маҳкамни писанд қилмасликка уринар, лекин унинг олдида ўзини осойишта тута олмасди.

Мана бугун ҳам Муҳаммаджон комсомол кабинетидаги шкафдан ҳисобот докладига керак бўлган материалларни олмоқчи бўлиб кирди-ю, Маҳкам, Замира ва Раъно ўтирганини кўрди. Маҳкамнинг юзи қувончли эди. Бунга Муҳаммаджоннинг ғаши келди ва у тескари бурилди.

— Ўртоқ Эшонбоев,— деб Маҳкам кулимсираб унга гап қотди.— Ўша куни қўполроқ гапирган эканман. Мазмуни тўғри бўлса ҳам, шакли қўпол чиққан экан. Бунинг учун кечирим сўрашим керак.

«Мазмуни тўғри бўлса ҳам» деган сўзлар Муҳаммаджонга истеҳзодай эштилди. Яқиндагина анчайин дўйдан терлаб кетадиган, довдираб гапини йўқотиб қўядиган студентнинг энди бундай осойишта кулимсираб гап бўшлагани, шу билан ўз устунлигини намойиш қилгани Муҳаммаджоннинг ғазабини келтирди.

— Йигитча, сиз нимангизга мунча кериласиз?— деб ўшқирди у.— Мени Қараматовга ёмонлаб берганингизгами? Фийбатчилигингизгами?

— Қизиқ,— деди Маҳкам унинг ўшқириғига мос келмайдиган босиқ товуш билан.— Қараматов ўзи келиб сўраганда мен рост гапни айтсан, ғийбат бўлади-ю, сиз

ёлғон-яшиқ қўшиб ёмонлаб борсангиз ғийбат бўлмайдими?

— Ёлғон-яшиқ сендан чиқади!.. Ғийбатчи, тўҳматчи!!— деб Муҳаммаджон оғзига келган гапни қайтармай бақира бошлади.

Кейин бу воқеадан Зуфар Ҳакимович хабар топиб, уни кабинетига чақирди,

— Шу ёш болалар билан тенг бўлмоқчимисиз? Ё сиз ҳам боламисиз? Мен сизни ақлингиз кирган деб тавсия қилган эдим. Бунақа одатингиз борлигини билмаган эдим. Энди ҳисобот сайловида шарманда бўласиз. Бир ўзингиз шарманда бўлсангиз ҳам гўрга эди, бу ёқда мен балога қоламан!

— Кишини кўп камситманг, Зуфар Ҳакимович,— деб Муҳаммаджон унга тик гапирди.— Мен нима қилган бўлсам ҳам сизга әргашиб қилганман, сизнинг маслаҳатингиз билан қилганман.

Зуфар Ҳакимович дарҳол ўзига келди. У Муҳаммаджондан осонликча юз ўгириб кета олмас эди.

— Ахир мен сизга шулар билан уришинг деб маслаҳат берганмидим?— деди у мулоимроқ товуш билан ранжиб.— Ўйлаб иш қилиш керак! Ҳозир у боланинг омади келган. Кеча райкомнинг бюросидан кандидатликка ўтиб келибди. Сотиболдиев бўлса четга чиқиб қолибди. Қараб ўтирадиган бўлсак, эрта-индин бюро аъзолари Маҳмудовни секретарь қилиб сайлашади. Қараматов ҳам, комсомол комитети ҳам буни қувватлайди. Ташаббус қўлимиздан кетади. Ташаббус катта гап. Уни биз ўзимиз секретарликка тавсия этишимиз керак. Тушундингизми? Эртага бюро чақиринглар дедим, комитетга айтиб қўйдим, вакил юборади.

Муҳаммаджон унга: «Ие, илгари бунақа ишларни менга буюрар эдингиз-ку, энди менсиз қиляпсизми?» де-моқчидек қаради.

— Бу тугузни ўзимиз ечсак,— деди Зуфар Ҳакимович,— сайловда сизнинг ҳам юзингиз ёруғ бўлади.

— Барибир, мен унақа ғийбатчининг секретарь бўлишига қаршиман.

Зуфар Ҳакимович уни қистамади. Аксинча, унинг ўжарлигидан ўзича мамнун бўлди ва Эшонбоев йўл қўйган камчиликни тузатган киши бўлиб, Маҳкамни секретарь қилиб сайлашга иштирок этди.

У оғизда ҳамон Муҳаммаджонга ён босса ҳам, амал-

а ундан бир амаллаб қутулиш ҳаракатига тушиб қоланди. Ўтган йиллари Ҳакимов Эшонбоевни обрўси орб бораётган, ўёли очиқ турган шогирд сифатида қўлаб-қувватларди.

Лекин ҳозир-чи? Куз бўйи диссертациясини жон-жаҳи билан қайта ишлади, таржима қилдирди, лекин ҳали ам муҳокамага қўйишга юраги дов бермайди, чунки энди Муслимов ҳам уни ёқлаб гапириши маҳол Зуфар Ҳакимович муҳлатини олти ойга чўзаман деб ваъда ерган эди, ректор фақат тўрт ойга рухсат берди. Марта муҳлати битади. Парторгликка қайта сайланаслиги эса энди аниқ. Ҳамма йўллари бир-бир бекиаётган бундай шогирдининг Ҳакимовга нима кераги ор?

Ҳозир у Муҳаммаджоннинг йиқилаётиб уни ҳам ториб кетишидан қўрқарди.

— Танқиддан қўрқманг, ҳисобот бусиз бўлмайди,— ёб шогирдини қийинчиликка тайёрларди.— Бу ташвишан қутулинг-ку, диссертациянгизни тезроқ битиринг. Нги семестрдан бир ставка иш тўғрилаб бераман. Жуда ўлмаса менинг курсимни оласиз. Менга кафедра муаррихи билан деканлик етиб ортади. Ҳозир ҳам берсам ўлар эди-ю, лекин диссертациянгиз битсин деб беряпман.

Зуфар Ҳакимович кўп нарсаларни унга билдирамасди. Парторгликка Бегимовни тавсия этмоқчи эканини, лекин Караматов Акбаровни мўлжаллаётганини, бунинг олдини олиб, Зокир Манноновга бир мақола тайвалатаётганини Эшонбоевдан сир тутарди, чунки энди унга ишонмасди.

## 52

Уч деразали катта кабинет. Баланд суюнчили стуларга, юмшоқ креслоларга оқ ниқоб ёпилган. Ёзув стоили устида қимматбаҳо мармар сиёҳдои, иккита телефон аппарати. Улардан биро узоқ жиринглади.

Юмшоқ креслода Обид Йўлдошевич билан юзма-юз гириб қизишиб гапираётган Муса Назарович ўрнида ўриб келди-ю, трубкани кўтариб қўйиб, телефонни им қилди.

— Тарих — сиёсий фан, Обид Йўлдошевич. Бу соҳа-а спёсий ҳушёрлик жуда муҳим.

— Ҳа, лекин сиёсий ҳушёрликни асоссиз шубҳадан фарқ қилиш ҳам муҳим. Софдил кишиларимизни заарали шубҳадан, туҳматдан ҳимоя қилиш ҳам сиёсий ҳушёрликка киради.

— Демак, мен Акбаровга тумат қиляпман-у, сиз уни мендан қўриқлаяпсизми? — сўради Муса Назарович тикка турган ҳолда.

Караматов ҳам ўрнидан туриб, унга рўпара бўлди. Юзига дўстона тикилиб туриб:

— Нега бундай қиласиз, Муса? — деди. — «Алломиш» ўшандаги нотўғри қоралангани энди ҳаммага маълум. Ҳозир матбуотда дискуссия бораётганини биласиз. Акбаров бу тўғрида нима деганини текшириш учун энди комиссия керак эмас. У айтган бошқа мунозарали фикрлар ҳам дискуссия йўли билан аниқланиши мумкин. Шунинг учун профессор Задорин комиссия ортиқча деяпти. Менимча ҳам, «Акбаровнинг иши» деган гап энди тугатилиши керак. Яхши бир доцентни Ҳакимов шунча вақт қийнагани ҳам етади!

Муса Назарович бир оз юмшай бошлаган эди, Ҳакимов ҳақидаги гап унга яна оғир ботди. У безовталаниб Обид Йўлдошевичнинг олдидан нари кетди.

Бир вақтлар Ҳакимов унинг таклифи билан декан қилиб сайланган эди. У: «Ҳакимов Тошевни фош қилган одам», деб мақтар эди. Ректорнинг Ҳакимовга ишончи ҳам кўпроқ Муса Назаровичнинг таъсирида пайдо бўлган эди. Энди бунинг ҳаммаси чиппакка чиқса, Муса Назарович шунча вақтдан бери ўзини ҳам, ректорни ҳам, партбюрони ҳам алдаб юрган бўлади. Қандай даҳшат!

— Йўқ, бу мумкин эмас, — деди у ўз столи ёнига ўтиб ўтирас экан. — Сиз ўша Акбаровни Эшонбоевнинг ўрнига парторгликка тавсия этмоқчисиз. Бу жуда қалтис иш. Агар бир нарса бўлса...

— Мен сизга ҳайронман, Муса Назарович. Сиз Акбаровни биласизми ўзи? Унинг парторг бўлишини кўпчилик истаяпти. Мен холис ўқитувчилар билан ҳам гаплашиб кўрдим, студентларнинг фикрини ҳам билдим, ўзи билан ҳам кўп суҳбатлашдим. Эътиқод билан иш олиб бориш методини эгаллаган одам у. Коллектив учун жон куйдирадиган софдил коммунист. Шунинг учун энг илгор студентлар унга эргашади. Ўқитувчиларнинг ҳам кўпчилиги уни ҳурмат қиласи.

— Жўмладан Зийнатуллаев ҳам. Йўқ, Обид Йўлдошевич, Акбаров қалтис одам. Ҳакимов сиёсий жиҳатдан пухта декан, Акбаровнинг кимлигини билади.

— «Ҳакимов билади». Сиз ўзингиз-чи, Муса Назарович, факультетга бориб кўпчиликдан сўраб кўрдингизми? Ё фақат Ҳакимовдан билганингизга асосланиб юрибсизми? Афсуски, мен ҳам сизни йигирма йилдан бери биламан деб юрган эканман! Сиз қоғозларга ўралашиб, кабинетга бекиниб олиб, оммадан узоқлашиб кетган экансиз, мен буни хийла кечикиб пайқабман. Ахир ўйланг: ҳозир Ленинча партиявий нормалар кенг татбиқ этиляпти. Сиз эса Ҳакимовни декан қилиб кўтарганингиздаги кайфиятлар билан юрибсиз. Ҳаётдан орқада қолиш дейди буни!

Муса Назарович таҳдидли овоз билан:

— Ҳаддингиздан ошманг, ўртоқ Қараматов! — деди.

— Ўртоқ Назаров, ким ҳаддидан ошганини бюро ҳал қиласди. Келаси бюрода Акбаровнинг иши бўйича ахборот берасиз.

— Йўқ, мен аввал ректорга ахборот бераман!

— Яхши қиласиз. Ректор ҳам партбюро аъзоси, келиб ўз фикрини айтади.

\* \* \*

Майин қор ёғиб турибди. Фир этган шамол йўқ. Енгил қор парчаларининг осмондан учиб тушишида ҳам, ерда кўпчиб туришида ҳам, том ва дараҳтларга қўнишида ҳам нафис бир хотиржамлик бор.

Темир Акбарович факультетдан чиқиб, автобус остановкасига борар экан, оёғи тагидаги қор оқ кигиздай мулоим туюлиб, завқини келтирди. Кейин кўча бўйидаги қоратол хивичлари ва миrzатераклар қорни ўзига кўп олмаётганини, уларнинг текис бириккан чиройли навдлари тик ва силлиқ бўлгани учун қор парчалари тойиб юмалаб кетаётганини пайқади. Бу юмалаш ҳам унга алланечук енгил ва завқли кўринди. Қишида қоратол ва миrzатераклар бошқа дараҳтлардан гўзалроқ кўринишини у гўё энди сезди ва катта бир янгилик очгандай қувониб қўйди.

Ҳозир Темир Акбарович ҳамма нарсанинг қувончли, завқли томонларини яққол кўраётганинга унинг қалбидаги ажиб бир хушвақтлик сабаб бўлмоқда эди. Йўқ, унинг иши ҳали узил-кесил ҳал этилган эмас, партбюро икки

кундан кейин тўпланади. Лекин юз хил юмушлар билан банд бўлган Караматов бу ишга шунча вақтини сарфлаётгани, шунчалик жон куйдираётгани Темир Акбаровичнинг бошини кўкка етказяпти. У ҳозир Ҳакимов қилган ёмон ишлар ҳақида эмас, Караматовдан кўраётган яхшилиги ҳақида ўйлади. Бора-боргунча ҳамма одамларга, ҳамма нарсага шу ихшилик нуқтаи назаридан қувониб қарайди.

Мана, ўзлари турган икки қаватли бино ҳам оппоқ қор билан безаниб, Темир Акбаровичга одатдагидан кўркамроқ кўринди. Сўнг у квартиralарига кираётиб почта қутисида хат кўрди ва: «Яна бирон хушхабар бўлса-я», деб сабрсизланиб қутини очди.

Лекин ўғли Наримоннинг таниш ёзувини кўрди-ю, қалbidаги қувонч ўрнига бирдан оғир безовталик босиб келди. У пальтосини ечмасдан йўлакда тикка туриб конвертни йиртар экан, Фарида қилган ишни хаёлидан узоқлаштиришга уринар, лекин узоқлаштира олмас эди.

Фарида билан Зокир турмуш қурмоқчи эканини, тўйлари қишки каникулда бўлиши кераклигини ҳозир ҳамма биларди. Faқat Наримон билмайди. У диссертациясини битирган, кўкламгача ёқлаб келиши керак. Шу вақтгача у отасига Фарида ҳақида гапиришдан уялар, хатларида ҳам уни камдан-кам тилга оларди. Лекин студентлар пахтага чиқиб кетгандан бери Фарида унга хат ёзмас, телеграммаларига жавоб бермас, телефонга чақирса ҳам келмас эди. Бундан қаттиқ изтироб чекаётган Наримон: «Бирор гап бўлганми?»— деб отасига хат ёзиб сўрамоқда эди.

Темир Акбарович ўғлининг зориқиб жавоб кутаётганини кўз олдига келтирди-ю, «кутма, кутишингга арзимайди», деб дарҳол телеграмма бергиси келди. Лекин эшик олдидан қайтди: бу хабар бирдан жуда оғир тегиши, бирон кори-ҳол бўлиши мумкин. Хат ёзиб ётиғи билан тушунтиргани яхши. Бироқ, юракка ханжардай ботадиган бу хабарни хатда айтиш ҳам беҳад оғир эди. Айтмайин деса Наримон бекорга кутиб қийналётгани минут сайн эсига 1ушарди. «Ҳали Адолат эшитса қанча хафа бўлади,— деб у ишдаги хотини тўғрисида ўйлади.— Бевафо қиз. Ҳеч бўлмагандан рости ни айтса, бекорга илҳақ қилиб қўймаса инсофдан бўлар эди-ку».

Темир Акбарович ўғлига ҳам жавоб ёза олмай, хотинига айтишга ҳам тили бормай тонг отдириди, Бешинчи курсда лекцияси бор эди, тушга яқин факультетта келди. Лекин коридордаёқ ҳамма унга ҳар кунгидан бошқачароқ қараётгандай бўлди. Баъзилар ачинаётганга ўхшар, баъзилар ундан кўзини олиб қочар эди. Темир Акбарович ҳайрон бўлиб ўқитувчилар хонасидаги диванда қўнғироқ чалинишини кутиб ўтирганда, Зийнатуллаев унинг ёнига келиб ўтирди ва шивирлади:

— Сизга яна тош отишяпти дейман-а?

— Қанақа тош? Нима?— деб Темир Акбарович Зийнатуллаевнинг атир ҳиди келаётган юзига ва чиройли галстутига қаради.

— Э, ҳали ўқиганингиз йўқми?

Сулаймон Зийнатуллаевич «молния» занжирлик олтин рағг папкасини бир қўл ҳаракати билан очиб, «Фан учун» номли кўп тиражли газетанинг янги сонини олди ва буклаб қўйилган бетининг тепасидаги «Бузуқ йўналиш» деган сарлавҳани кўрсатди.

Темир Акбарович бу кичик форматли газетанинг варафини ёзиб, аввал мақоланинг имзосига қаради: «Дипломант Зокир Маннонов». Сўнг сатрларга кўз юргуттириб гап ўзининг диссертацияси ва сўнгги илмий тўпламда босилиб чиққан иши ҳақида бораётганини кўрди.

Бу икки иш ҳам Ленин юборган Турккомиссиянинг Ўзбекистонда совет ҳокимиятини ўрнатиш ва мустаҳкамлаш учун слиб борган курашига бағишлиланган эди. Зокир шу мавзуда диплом ёзаётганини, Акбаровнинг илмий ишларидан муҳим фактлар, тўғри йўл кўрсатадиган фикрлар қидирганини, лекин бутунлай бошқа нарсаларга дуч келганини айтиб гап бошлаган эди. У студент бўлган ҳолда бир доцентни кескин танқид қилиб чиққанига шундай изоҳ берганди. Сўнг ўша йилларнинг қийинчиликлари тўғрисида Акбаров ёзган нарсаларни териб олиб, ўзининг «Бузуқ йўналиш» деган сарлавҳасига далил қилиб келтирганди.

Зокирнинг мақоласини ўқиган одам: «Акбаров фақат шу нарсалар тўғрисида ёзган экан-да», деб ўйлаши мумкин эди. «Э, ахир бу ҳаммаси асосий фикрнинг исботи учун келтирилган алоҳида далиллар-ку!— деб тутақарди Темир Акбарович.— Асосий фикр — зўргалабалар катта қийинчиликларни енгиш йўли билан

қўлга киритилгани ҳақида эмасми? Қийинчиликларни айтмасан туриб қаҳрамонона кураш жараёнини қандай кўрсатиш мумкин? Буни шу вақтгача ҳеч ким инкор этган эмас эди-ку!»

Зокир Маннонов эса инкор этарди. У Акбаровнинг яхши ниятларига ишонмасди. Турккомиссия енгиб ўтган қийинчиликлар ҳақидаги гапларни контекстдан узиб олиб, «Акбаров аллақачон тузатилган камчиликларни ковлаштиряпти», дерди.

Темир Акбарович норозилик туйфусини ичига сифдира олмай, ўрнидан кескин кўтарилид. Лекин, кўз олди қоронфилашиб, бир лаҳза ҳеч нарсани кўра олмай қолди. Юрак уриши ҳам беҳад тезлашиб кетганини сезди ва қайтиб ўтириди.

У газета ўқиши билан бўлиб қўнғироқ чалинганини сезмаган, ўқитувчилар хонасида у билан Зийнатуллаевдан бошқа ҳеч ким қолмаган эди.

— Ҳақиқат учун курашиш қийин, Темир Акбарович,— деди Зийнатуллаев газетани папкасига қайтиб солар экан.— Бўлмаса шу сиз ёзган воқеалар ҳаммаси бўлган. Лекин... Тўғрисини айтсангиз туғишганингизга ҳам ёқмайсиз-да!

— Нима?.. Йўқ, мен... Бу мақоланинг қандай чиққанига тушунмаяпман?!

Зийнатуллаев Акбаровга томон энгашиб, овозини пасайтириб гапира бошлади.

— Бу бола редколлегия аъзоси, Ҳакимовнинг шогирди. Мақола Ҳакимовга мос метод билан ёзилганини кўрмаяпсизми? Ҳакимов сизнинг партторг бўлишингиз мумкинлигини сезгандан бери талвасага тушиб қолган эди. Мана энди тинчиган бўлса керак. Чунки индин партбюорода сизнинг масалангиз ҳал бўлмайди. Комиссия ҳали мана бу мақолани ўрганиши керак дейишлиари аниқ. Яна бир-икки ой ўрганишади деяверинг.

«Ҳа, бир-икки ой бўлмаса ҳам анчага кетади— деб ўйланди Темир Акбарович.— Партиюронинг сайлови яқин. Қараматов ўзининг ҳисбот доклади билан бўлади. Кейин у қайта сайланадими-йўқми?»

— Майли,— деб Темир Акбарович ўрнидан оғир кўтарилид.— Бузуқлик бу мақоланинг ўзида эканини қачон бўлса ҳам исбот қилсан бўлди.

Сулаймон Зийнатуллаевич ҳам ўрнидан туриб у билан бирга чиқар экан:

— Исботларсиз-у, лекин барибир-да,— деди.— Ҳа, айтмоқчи боя сизга профессор Задорин учр~~ан~~<sup>ан</sup> йўқмиди? Сиз келмасдан олдин гапириб турган эди.

— А? Нима деб гапирган эди?

Аким Борисович Задорин Акбаровнинг иши босилган тўпламнинг муҳаррири эди ва бу ишга юксак баҳо берганди. Боя ўқитувчилар орасида ҳам бу баҳосини такрорлаган, Зокирнинг мақоласини, «Критическая дубинка<sup>1</sup>» деб атаган, уни босган газетадан норози эканини Қараматовга айтгани кетган эди.

Сулаймон Зийнатуллаевич коридорда шуни гапириб берди-ю:

— Ҳафа бўлманг, мен ҳам сиз томонингиздаман,— деди ва учинчи курснинг аудиториясига қараб кетди.

Темир Акбарович бешинчи курснинг аудиториясига кирад экан, бир неча киши қаттиқ айтишаётганини эшилди. Очил газета қоғозига «тарс-тарс» уриб заҳарханда қилмоқда эди:

— Ҳа, бу ғаразли мақола Фаридахонга муносаб тўй совфаси бўлади!

Темир Акбарович гап нимадалигини сезди ва беихтиёр Фаридага қаради, унинг оппоқ оқариб кетганини, Очилга бошини кўтариб қарай олмаганини кўрди. Сўнг унинг ёнида гердайиб ўтирган Зокирни кўрди-ю, кўзини тез бошқа ёққа бурди. Шу топда Зокир унинг кўзига тикан бўлиб қадалгандай туюлди.

Бугун Темир Акбарович урушдан кейинги давр ҳақида лекция ўқиши керак эди. Аудитория унинг гапларини одатдан ташқари сукут қилиб тингларди. Лекин унга ҳозир лекция ўқиш оғир эди, жимлик ҳам ишини қийинлаштиради, чунки ёмон бир нарса юз берганини дам-бадам эсига тушуради. Фақат меҳр ва ҳамдардлик билан қараётган таниш кўзлардан унинг ёниб турган қалбига ёқимли салқинлик тегиб, аҳволини енгиллаштираётгандай бўлар эди.

Буларнинг бир жуфти ўрта қаторда ўтирган Маҳкамнинг кўзлари эди. У Темир Акбаровичга Очилдай яқин бўлмаса ҳам, уни кўп ўйлаши, унинг тақдиди учун жон куйдириш юзидан, қаравишидан, муомаласидан биллинар эди. Маҳкам Акбаровни яхши кўришини гўё билдирмай юрарди. Лекин буни Темир Акбарович яхши

<sup>1</sup> Танқиддаги ур тўқмоқ.

биларди, чунки у ўзи ҳам Маҳкамни яхши кўрарди. У ўз студентларининг, хусусан Маҳкам билан Очилнинг катта келажагига ишонгани сари ўзига ҳам ишончи ортиб борар эди, чунки у мана шу ёшлар учун меҳнат қилмоқда эди.

Ҳозир ударнинг кўзларидаги меҳрни, жонкуярликни кўриб кўнгли анча кўтарилди ва танаффусга қўнғироқ чалинганда чиқиб кетгиси келмади.

Ун чоғли студентлар уни қуршаб олиб, аввал лекция мавзууда гапиришди. Кейин гап Манноновнинг мақоласига ўтди.

— Темир Акбарович, сиз хафа бўлманг,— деди Маҳкам юрак сўзини айтгандагина бўладиган бир қизғинлик ва самимият билан.— Илмий ишларингизни ҳаммамиз ўқиганмиз. Маннонов ишонмаса биз ишонамиз, мақоласини группада муҳокама қиласиз!

Бу гаплар Темир Акбаровични ҳам алланечук қизитиб, ҳаяжонлантириб юборди.

— Раҳмат дўстлар. Сизлар ҳар ҳолда... Балки бу нарсани кафедра муҳокамага қўйгани маъқулдир?

«Қўйиши шарт!— деган ўй унинг хаёлида чақиндай чақнади, Ҳакимов чўзишга ҳаракат қылади. Лекин, негамен бунга йўл қўяман? Қараматов бор. Аким Борисович, мана... булар... Нега мен муҳокамани тезлатишни талаб қилмайман? Бас! Ҳозироқ бораман!»

Темир Акбарович қатъий қадамлар билан деканат томонга кетди.

### 53

Маҳкам секретарь бўлгандан кейин Очил яна Замираларнинг группасида сұҳбатлар ўтказа бошлиган эди. Иккинчи курслилар уни бугун лекциялардан кейин кутмоқда эдилар.

Очил қайтадан агитатор бўлиб келганда, бутун группа жуда қувониб қарши олган, ҳозир ҳаммалари илгаригидан ҳам қадрдан бўлиб кетгап эди. Фақат Замира билан унинг орасида доим Эшонбоевнинг сояси турада ва эркин муомала қилгани қўймасди. Пахтадан келгандан бери, Замира жуда мураккаб кечинмалар билан яшаётгани Очилга унча-мунча сезиларди. Маҳкам ҳам: «Замира аввалгида эмас, Анна икковимиз иккичу марта сўрадик, лекин очигини айтмади», деганди. Очил ўзи ҳам сўраб билишни жуда истарди. Аммо За-

эди, албатта. Маҳалласидагилар ҳам, уйдагилар ҳам, «тезроқ уйлан, умринг ўтиб кетаётибди», деб қисташар, ўзининг ҳам тоқати-тоқ бўлиб борарди.

Сўзда у ҳали ҳам Замира ўқишини битиргунча сабр қилиш тарафдори эди. Чунки ўқиш Замирани бошқа йигитлардан мудофаа қилмоқда эди. Амалда эса тўйниузоги билан эндиғи ёзга мўлжалларди. Бу мўлжалини амалга ошириш учун энг яқин йўлни ҳам топиб қўйганди.

У Замиранинг ҳирсини уйғотмоқчи эди. Йигитлар билан бунақа муомалада бўлиб кўрмаган қиз унинг тегинишиларидан қаттиқ ҳаяжонланиб, тезроқ тўй бўлишини ўз-ўзидан истаб қолиши керак эди. Бу кампирникидан ижара тўғрилаб, Замирани ётоқдан олиб келгани ҳам — холи жойда учрашиб туриш учун эди. Лекин пахтадан олдин Муҳаммаджон Замиранинг янги жойга ўрганишини кутиб тегмаганди. Энди мана бу ўзгаришлар. Очил ва Маҳкамнинг орага кираётгани уни тезроқ ҳаракат қилишга ундай бошлади.

Лекин унинг хатти-ҳаракатлари Замирага у кутгандан бутунлай бошқача таъсир қиласарди. Замира ўзининг унга чинакам муҳаббати йўқлигини, унинг бегона йигит эканини энди аниқ билиб борар ва ундан ўзини олиб қочарди.

Руқия ҳам Замиранинг Муҳаммаджондан безиллашини кўп кўрган эди.

— Унаштиришганда,— деди Руқия Очилга,— аввалгидай жўн акаларча муомала қиласман деб ваъда берган экан. Пахтага чиқмасимиздан олдин тинч эди. Кейин бир кун Замира кинодан йиғлаб келди, сўрасам, осилиб қўймаяпти дейди. Турган жойимизга ҳам мен йўқ пайтда келишга ҳаракат қиласди. Бор бўлсан кампир менга иш буюриб икковини ёлғиз қолдирмоқчи бўлади. Замира менга кетманг, деб ёлворади, ё йигитни ташлаб бирга чиқади.

— Ундай бўлса нега аҳду паймон қиласди ахир?

— Мен ҳам ҳайрон бўлар эдим. Кейин билсан аҳду паймон қилмаган экан, фотиҳа бўлган экан.

— Оббо. Абу...

— Ҳа, Замира тузоққа тушган экан. Бир кун, мен ҳам бор эдим, радиодан берган музикага Эшонбоев Замира билан танца қилди. Шу...— Руқия «кўкрагига

кўкрагини ишқади» деган сўзларни айтольмай қизарди.—Хуллас Замира силтаб ташлади. Йиғлаб туриб: Сиз мени алдаб юрибсиз,—деди,—ўқишимга ғамхўрлик қилганингиз ҳаммаси ёлғон, мени бу уйга ҳам ма-на шунақа ишлар учун олиб келгансиз», деди.

— Э, а, ётоқхонага ўтса бўлмасми?—куюниб сўради Очил.

— Уялар эди. Ўзлари ҳаммага гап бўлиб кетган экан. Сезишимча, ўигит ҳам қўрқитган, орани узса «сарқитим» деб гап тарқатмоқчи бўлган.

— Муттаҳам!—деб Очил қўлидаги чамадоннинг қабзасини қисиб ғазабли силкитди.

Трамвай вагонининг орқа майдончасига чиқишиди. Юклар олдида юзма-юз турганларида Руқия Очилга дурустроқ қаради-ю:

— Сиз бешинчи курсдансизми?—деди.—Шеър ҳам ёзасиз-а? Замира айтар эди.

— Замира?—сўради Очил ишонмасдан.—Нима дер эди?

— Сиздан уялар экан. Гапингизга кирмаган эканми, ё сизни хафа қилган эканми, йиғлаб келганда шунақа деган эди.

— Мен... Мендан уялиб нима?

— Ишқилиб, Замира бечора уятига чидаёлмай кетиб қолган. Яшшамагурлар...

Очил боя ғазаби қайнаб турганда дарҳол Эшонбоевни қидириб топмоқчи ва Замира учун қасд олмоқчи эди. Лекин ҳозир Замирани йиғлаган, иложсиз бош олиб кетган бир аҳволда кўз олдига келтириб, юраги беҳад эзилди. «Шу вақтгача қаерда эдинг, аҳмоқ», деб ўзини сўкди. Руқияни элтиб қўйиб, ётоқхонага келди-да, ўртоқларидан самолёт билетига етадиган қарз топиб беришни сўради.

Маҳкам билан Сергей уни қайтармоқчи бўлишиди. Лекциядан қолишини, Замира билан телефонда ҳам сўзлашиши мумкинлигини айтишиди. Аммо Замирани Эшонбоев ҳам телефонга чақираётган бўлиши мумкин эди, бу тугунни узоқдан туриб ечиб бўлмасди. Очил ҳозир юрак садосига қулоқ солиб дарҳол жўнамаса кейин бир умр армон қилиб юриши мумкин эди.

Ўртоқлари Очилнинг Наманганга бориб келишига етадиган пул тўплашди. Сўнг кечаси Маҳкам уни аэроромга кузатиб чиқди.

Эртаси куни узоқ тоғлар оша Очилнинг телеграммаси келди:

«Ойиси қатъий қарши, шу ердаги институтга кўчирмоқчи, тезда телефон қилиб гаплашинглар». Телеграммада Замиранинг ойиси ишлайдиган боғчанинг телефон номери ҳам кўрсатилган эди.

Маҳкам Зуфар Ҳакимовичнинг олдига кирди, воқеанинг тафсилотларини айтиб ўтирумади-ю, Замира қолдириб кетган аризанинг жавобини сўради.

Зуфар Ҳакимович нозик пайтда (индин партгруппанинг ҳисобот сайлов мажлиси бўлиши керак) юз берган бу ишдан кўнгилсизланиб юрган эди, Замирани тезликда қайтишга ундовчи шошилинч телеграмма юбортириди. Маҳкам кечроқ телеграфга бориб, Мастура опани телефонга чақирди.

Бахтга кўра, бугун телефонда овоз жуда яхши эшитиларди. Маҳкам ўзининг комсомол секретари эканини айтгандан кейин трубкадан келаётган майин товуш ўзгаргани, алланечук ҳаяжонли чиққани сезилди.

— Ҳа, Замира сизни айтган эди... Э, укажон, сиз сўраманг, мен айтмай. Биз жуда маломатга қоладиган бўлдик. Бу Эшонбоев аввал бошқача ваъда берган эди, кейин бошқача ишлар қилибди. Қизим хоҳламайман дейди. Мен ҳам зўрламоқчи эмасман. Энди нима бўлса бўлди, ўзимнинг олдигинамда ўқисин... Йўқ, йўқ, қайси юз билан боради?

Маҳкам унга Замиранинг ўз колективидан кетиши нақадар ёмон бўлишини гапира бошлади. Мастура опа бунаقا гапларни Очилдан ҳам эшитган экан шекилли, тўсатдан:

— Бу келган йигит ким? — деб сўраб қолди.

Маҳкам нима дейишини билмай бир лаҳза жим турди-ю, кейин:

— У йигитми? У бизнинг энг яхши активистларимиздан, — деди. — Ҳа, Замираларнинг группасида агитатор. Ҳа, ҳа.

— Узи ҳам шундай дейди. Мен ҳайрон бўламан, шундан шунга келиб тушунтирадиган агитатор ҳам бўладими деб ишонгим келмайди.

Маҳкам кулимсирашини сездирмасликка уриниб:

— Йўқ, ишонаверинг, бизнинг агитаторлар шуна-қа, — деди. — Ҳа, Замиранинг аҳволидан хабар олмаганимиз учун биз ўзимиз айбормиз. Шунинг учун ўзи-

миз йўл харжисини тўғрилаб жўнатдик. Сиздан сўраймиз, агитаторимизнинг шахтини қайтарманг. Бундан буён Замирани ҳимоя қилиш бизга тан. Ўзимиз ҳимоя қиласиз.

— Бугун деканларинг ҳам телеграмма юборибди. Лекин, укажон,— Мастура опанинг овози бўғиқ эшитилди,— қизим жуда гап-сўз бўлади-да. Ўзимиз гап-сўздан қўрқиб унаштирган эдик.

— Гап-сўздан қўрқманг, Мастура опа. Қайтага қўрқандада шунаقا бўлади. Аяган кўзга чўп тушар, дейдилар-ку!

— Шу гап ҳам рост экан. Ўзингизни кўрмасам ҳам яхши сўзингиз учун раҳмат, укажон. Сизларни яхши тарбиялашган экан-у...

Охири Мастура опа Замирани эртага поездда жўнатадиган бўлди. Маҳкам унга Анна турадиган ётоқхонадан жой тайёрлаб қўйишга кетди.

Орадан икки кун ўтди-ю, эрталаб Очил кириб келди.

Унинг кийимларида поезд ҳиди қолган. Юзи қотган, қовоқлари ичига чўккан — йўл азоби ва тунни уйқусиз ўтказгани билиниб турибди. Лекин кўзларида алоҳида бир ўт ёнади — баҳтиёрик ўти. Лабининг алланечук ёйилиб туриши ва ҳорғин титрашидан жуда ҳаяжонли дамларни бошидан кечиргани ҳам сезилади.

— Э, жўра,— деди у Маҳкамга.— Мириқиб гаплашгинг келса узоқ йўлга бирга чиқ экан. Ўҳ-ҳў! Оилаларининг тарихини гапираверса оғзим очилиб қолибди. Мен кўп нарсага тушуммай хафа бўлган эканман.

— Нима, тўғри уйларига бориб тушдингизми?

— Нега? Аввал меҳмонхонага жойлашиб, соқолмўйловларни олиб (Очил шўх ҳаракат билан юзини силади), кейин агитатор сифатида (у кўкрагини керди) салобат билан кириб бордим.

— Об-бо сиз-эй. Агитатор бўлиб келдим деб охири ишонтирдингизми?

— Ҳа, сиз телефон қилгандан кейин бемалол ишонишиди.

— Демак, мириқиб гаплашдиларинг?— Сўради Маҳкам Очил билан лекцияга бораётиб.— Тўй ҳақида ҳам гаплашдиларингми?

Очил кулимсираб бош чайқади. У Замиранинг юзида, гапларида, муомаласида ўзига нисбатан зўр бир ишонч сезар, лекин бу муҳаббат эканини ҳали билмас

эди. У Замиранинг дўстона ишончини ҳам ўзи учун чексиз баҳт деб биларди, чунки бунга кўпдан бери эришомай юрган эди. Замира уни бултур кўкламда ноҳақ силтаб ташлаганини кеча поездда эслаб, уялиб, афсусланиб гапирди:

— Урушда қўрқоқча аввал ўқ тегади дейишувди,— шу айтган мен бўлдим.

— Ишқилиб, ўқиши бошқа... нарсага қарши қўймайдиган бўлдингизми?

«Бошқа нарса» деб Очил дўстлашишни айтмоқчи эди, Замира буни тушуниб, қоп-қора кўзларини порлатиб кулимсиради ва «ҳа» деди.

Бу «ҳа» билан Замира Очилнинг дўстлашиш ҳақидаги илгариги таклифига энди розилик берди. Шундан кеъин Очил қалбини ёздан бери тирнаб юрган бир «сирни» унга очди. Эшонбоев уни ўпганини фанер тўсиқ орқасидан эшитганини айтди. Замира анчагача бунинг нималигига тушунолмай турди. Сўнг Эшонбоев қўлидан ўпганини эслади ва Очилга айтиб берди.

— Демак мен бекорга...

— Ажаб бўлинг, ким сизга бирорларнинг галига қулоқ сол деди?— деб Замира кулди.

Ҳозир Очил у билан ётоқхона олдида хайрлашаётуб, пайшанба куни кечқурун томошага бирга боришга ваъдалашган эди. Энди мунтазам учрашиб туришларини кўз олдига келтириб баҳтиёр товуш билан:

— Тўйгача ҳали гап кўп, жўра,— деди Маҳкамга.— Биз аввал бир-бирилизнинг характеримизни ўрганишимиз керак.

## 54

Бошқа вақтда Маҳкам бу гапдан ҳузур қилио кулган бўлар эди, чунки характер ўрганиш баҳона-ю, дийдор ғанимат эканини яхши биларди. Лекин ҳозир Гавҳар эсига тушди ва у билан мунтазам учрашиб юрган пайтлари узоқ ўтмишга айланганини ўйлаб, юраги қаттиқ эзилди. Улар ҳали аввалгидай хат ёзишиб турардилар. Лекин кунлар ўтган сари Маҳкамнинг соғинч ҳисси чидаб бўлмас даражага чиқиб борар, хатлар энди бирлаҳза дийдор кўришишнинг ўрнини боса олмас эди. Шундай пайтларда Гавҳарга алоқаси йўқ нарсалар ҳам Маҳкамнинг кўнглидаги дардни янгиларди.

Сотиболдиев пахтада Зокир билан Фариданинг ўпиштанини кўрдим, деб хотинига айтган. Лола бу «янгиликни» дарҳол тарқатган, бироқ Маҳкам: «Фарида бошқани севади, бир юракка икки муҳаббат сиғмайди», деб ишонмаганди. Тўғрироғи, ишонгиси келмасди, чунки Фариданинг вафосизлигини ўйласа негадир Гавҳар ҳақидаги шубҳалари қўзғала бошларди.

Маҳкам учун «қизлар» деган оловли сўз ҳам, «қиз севгиси» деган романтик тасаввур ҳам, қиз садоқатига бўлган ишонч ҳам Гавҳар атрофида айланар эди. Мана шу айланишда бутун қизлар олами унинг қалбидағи Гавҳарга алоқадор бўлиб чиқарди. Китобдами, кинодами, суҳбатдами гап бирор қизнинг маънавий гўзаллиги, чексиз садоқати ва соғ севгиси ҳақида борса, Гавҳар унинг кўзига мана шу фазилатлар орқали кўринар ва ишончини оширади. Йўқ, агар гап бирор қизнинг енгилтаклиги, вафосизлиги ҳақида борса, Гавҳар унга шу иллатлар орқали аввалгидан ишончсизроқ кўрингандай бўларди. Балки у қизлар оламидан фақат Гавҳарни билгани учун шундайдир. Балки айрилиқда Гавҳарнинг ҳаётини узоқдан тасаввур этиб юргани ҳам сабабдир. Лекин Фариданинг Зокирга оғиб кетгани унинг кўнглига оғир ғашлик солган эди.

Замиранинг Эшонбоевдан айниб, Намангандан Очил билан бирга келгани ҳам четдан Фарида воқеасига ўхшаб кўриниши мумкин эди. Бугун Шоазим Очилни кўриб:

— Яшасин бизнинг дипломантлар, ҳамма диссертантларнинг қайлигини тортиб оляпти,— деб қизиқчилик қилганди.

Лекин Маҳкам Очил билан Замиранинг ўёриғи бошқа эканини билар, уларнинг оралари поклигига шубҳа қилмас эди. Шундай бўлса ҳам, Очилдаги висол қувончи ундаги ҳижрон дардини бўрттириб кўрсатарди.

Бир вақтлар шунга ўхшаган кечинмалар билан қийналиб юрган Очил:

— Ҳе, жўра, дунё айланар экан-да,— деди.— Хафа бўлманг, ер шари яна бир айланса сиз истаган нарсалар ҳам бўлади.

— Айтмоқчи, кеча ҳисобот мажлисларингиз бормиди? Ким парторг бўлди?

Маҳкамнинг юзига бирдан қувонч югурди:

— Акбаров,— деди у чуқур мамнуният билан.

— Йўқ, ҳазил қилманг. Ростми?

— Ҳа, Ҳакимов Бегимовни тавсия этган эди. Аким Борисович Акбаровнинг номзодини кўрсатди. Қараматов ҳам бор эди, қувватлаб чиқди. Кўпчилик овоз билан Акбаров ўтди.

— А, бу Манноновнинг мақоласи нима бўлди?

— Акбаровга овоз берганлар ҳаммаси бу мақолага қарши қўл кўтарди ҳисоб.

— Ие, Ҳакимовлар индамадими?

— Нима дейди? Ҳакимов ўзини зарбадан зўрға олиб қочди. Эшонбоевнинг иши қониқарсиз топилди, устози ҳеч нарса демай бетараф қолди.

— Ажойиб... Лекин, энди Ҳакимов Акбаров билан қандай муроса қиласди?

Маҳкам ҳам шу тўғрида ўйлай бошлади. Сўнг ўйлари ўзининг Ҳакимов ва Акбаровга боғлиқ бўлган секретарлик ишига ва дипломи мавзуига кўчди.

\* \* \*

У тўртинчи курсда илмий тўгаракка қатнашиб, ўзи туғилиб ўсган ишчилар шаҳарчасининг тарихидан доклад ёзган ва шу асосда диплом иши тайёрламоқчи бўлган эди.

Лекин Акбаровнинг лекция ва суҳбатларида шаклни мазмундан фарқ қилмоқчи бўлиб, Эшонбоевнинг шу тўғридаги гапларини англашга уриниб, сўнгра ўзи олиб бораётган жамоат ишига янгича шакллар қидириб юриб, шакл ва мазмун тўғрисида кўп ўйланадиган бўлди.

«Дунёдаги ҳамма нарсанинг, одамлар қилаётган ҳамма ишларнинг ўзига хос мазмуни ва шакли бор,— деб хаёл сурар ва шу иккитагина сўз билан бутун дунёни, бутун одамзодни бирдан қамраб олгандай бўларди. Бундан завқи келиб ўйини давом эттиарди.— Мана, зўр бир мисол: Совет ҳукумати — пролетарлар диктатурасининг бир шакли. Ленин бу шаклнинг узоқ қидиришлар натижасида катта революцион жанглардан топилганини айған. Мана, кичик бир мисол: Очил агитатор бўлиб ўтказган суҳбатлар. У ҳам кўп меҳнат қилгани, ишга жон-жаҳди билан киришгани учун яхши шакл топди. Сотиболдиев бўлса газетанинг мазмунини қуруқ қилиб айтиб қўя қолар эди. Лекин бу — шаклсиз мазмун бўлар эди. Йўқ, шаклсиз мазмун бўлмайди. Шакли қиди-

риб топилмаган хом, ноchor мазмун бўлар эди. Демак, ҳар ишнинг мазмунига мувофиқ шаклини фақат меҳнат қилиб, қидириб топиш мумкин. Эшонбоев эса «мазмун шаклдан келиб чиқади» деган фикрни «шакл ўз-ўзидан осонгина пайдо бўлади» деган маънода тушунади. Шаклни иккинчи даражали, аҳамиятсиз нарса деб билади. Шунинг учун сийқа гапларни хом-хатала қилиб такрорлашдан нарига ўта олмайди, жамоат ишини қуруқ расмиятга айлантиради. Ҳа, расмиятнинг энг катта манбани мана шу ерда. Киши ўзи қилаётган ишига янги шакллар қидирса, топса, ижодий меҳнат қилган бўлади».

Маҳкам узоқ-узоқ ўй суриб мана шундай хулосаларга келган эди. Секретарь бўлиб сайлангандан кейин комсомол ишини ҳамма секторлар бўйича жонлантиришга ҳаракат қила бошлади. Жонлантириш деган сўз — ҳамма жойда ишнинг талабга, шароитга мос келадиган янги, жонли шаклини топиш деган сўз эканини у энди аввалгидан чуқурроқ, аниқроқ ҳис қилди. Шундан кейин шакл ва мазмун масаласини яхшироқ ўргангиси келди: «Диплом ишини шу мавзуда олсан, балки бюородаги ишим билан боғлаб олиб борарман», деб ўйлади.

Тарих факультетида ўқиб, фалсафий мавзуда диплом ёзиш одати йўқ эди. Лекин сўнгги вақтларда Маҳкам жуда соз бўлишига ҳаракат қилаётган Зуфар Ҳакимович унинг бу истагига қаршилик қилмади. Фалсафа кафедраси билан гаплашиб берди, профессор Смоленская Маҳкамга илмий раҳбар бўладиган бўлди. Ҳозир Маҳкам раҳбари тавсия қилган адабиётларни кутубхоналардан топиб ўрганиш, план тузиш билан банд.

У дипломга ҳафтанинг икки оқшоми ва дам олиш кунини қатъий ажратиб қўйганди. Шундай қилмаса, бошқа ишлари жуда хилма-хиллашиб, кўпайиб кетган, катта интилишларини майда-чўйда истаклари кўмиб қўйинши осон эди. Аввалгидай, унинг энг катта интилиши — одамларга кўпроқ нафи тегадиган натижали иш қилиш. Лекин ташкилотда нечта одам бўлса, бу ишнинг шунча қирраси, варианти бор, чунки ҳар бир кишига нимадир етишмайди, буни билиш учун ҳар бир кишини яқиндан ўрганиш керак. Ўрганиш учун эса жуда кўн вақт ва қунт керак. Аммо уни факультетдаги мажлислардан ташқари ҳали комитетнинг кенгашига, ҳали профкомнинг йиғилишига, ҳали студсоветнинг мажлисига айтиб кетишади, ҳали ундей, ҳали бундай қарор юбо-

мира уни кўрса озорланаётганга ўхшар, Очил савол берса у билан Эшонбоевнинг интим ҳаётига аралашади-гандай бўларди. Шунинг учун ўзини тутарди.

Бугун у суҳбат ўтказишга келиб Замирани группасида кўрмади ва юраги «жиг» этиб кетди. Қасалми? Еки бошқа бирон нарса бўлдими?

Суҳбатдан кейин Очил Муродни тўхтатиб:

- Азимхонова кўринмайдими? — деди.
- Эшитганингиз йўқми?
- Нима бўпти? — деб Очил кайфи учиб, энтикиб сўради.

- Наманганга кетиб қолибдилар.
- А?! Нега? Қачон?
- Бугун билдик. Бу ерда ўқимайман деб ариза ташлаб кетибдилар.
- Энега? Нима бўпти?
- Билмайман. Бир хафалик ўтган бўлса керак.
- Уйларида ми?
- Йўқ, уйларида бўлса сўраб кетмасмидилар?

Аризани ҳам бирга турган қиз келтириб берибди. Кетишиларини у қиз ҳам билмай ҳолибди. Кена кечқурун бўш ўринларидан шу аризани топибди-ю, деканатга олиб келиб берибди.

Очилнинг рангида қон қолмаган, аъзойи бадани қалт-қалт титрарди.

— Муроджон, ука, ўша жой... Менга ўша қизнинг адреси керак.

— Ҳозир билиб чиқаман, сиз шошмай туринг.

Мурод деканатдан адрес олиб чиқди. Очил шу адрес бўйича шинамгина бир ҳөвлига келди. Ёши олтмишга борган, лекин қошларини терган ва юзига упаэлик қўйган семиз кампир чиқиб, Руқияни истар-истамас чақириб берди.

Руқия кўча эшигига енглари шимарилган, кийими-га чанг ўтирган ҳолда чиқиб келди. Очил ўзини таништириб, Замирани сўради.

— Кечирасиа,— деди қиз,—ичкарига таклиф қилай десам ҳамма ёқ тўполон. Кўч йиенштиряпман.

— Кўчяпсизами?

— Ҳа,— деб Руқия орқасига хавотирли қараб қўйди.

Орқада кампир у-бу қилган бўлиб ўралишиб юрар ва гап пойларди.

— Ётоқхонагами?— деди Очил.— Бўлмаса, юринг, мен ҳам кўтаришиб борай.

Чамадон ва тугуларини кўтаришиб кўчага чиққанларида:

— Шу ялмоғиздан қутулганим чин бўлсин-а,— деди Руқия.— Бечора Замира ҳам ўша йигит билан мана шу кампирнинг дастидан қочиб кетган.

— Нега? Уришиб қолишганми?

Руқия «ҳа» деди. Лекин бу жавоб унча аниқ эмас эди.

Муҳаммаджон Эшонбоев ўн саккиз ёшидан бери ҳар хил қизлар билан «юриб» кўрган ва шоирона мавзуларда «қуруқ» суҳбатлашиб юришни, қизнинг ички дунёсини ўрганаман, деб ўзининг кўнглини очиб кўрсатишни ёқтирамай қўйган эди. Чунки унинг қадди-қоматини, яшнаб турган юзини, муомаласини ёқтирган қизлар ички дунёсини билгандан кейин ундан айний бошларди. Бир-икки марта шундай бўлгандан кейин Муҳаммаджон «афлотун муҳаббати» бекорчи нарсага чиқарган, қоронғи кино залида тиззасига қўлини қўйса индамайдиган қизлар билан юрадиган бўлганди. Аммо у бунақа қизларга уйланишни хаёлига ҳам келтирмасди. У ҳеч ким билан юрмаган, юришни ҳам истамайдиган, «онаси ўпмаган» қизни изларди. Бундай қиз дўстлашиб юрмасдан, ички дунёсини ўрганаман демасдан, фақат ташқи қиёфасини кўриб, тафсилотларини кишилардан эшишиб, ота-оналар воситаси билан унинг қучоғига келиши керак эди. Шунда Муҳаммаджон ҳар хил гаплардан изтироб чекмас, ўзини тушунтириш, қизни тушуниш ташвишларидан холос бўларди. Бу ташвишлар бир неча марта унинг зарарига ҳал бўлгандан кейин у юрагини олдириб қўйганди.

Замира Муҳаммаджоннинг идеалига ҳамма жиҳатдан тўғри келарди. Фақат унинг севиш-севмаслиги но маълум эди. Аммо бу Муҳаммаджонни унча ўйлантирмасди. У муҳаббатнинг ўткинчи нарса эканига тўлиқ ишонган кишилардан эди. «Ҳар қандай севги ҳам тўшакда тез ўтиб кетади, лекин одамлар бир-бирига ўрганиб қолгани учун турмушларини давом этдиравера-ди,— деб ўйларди у.— Шундай бўлгандан кейин тўйга етгулик меҳр бўлса бўлди-да. Ундан нарёғида севган ҳам баравар, севмаган ҳам».

У Замирининг ўқиши битгунча кутиб юрмоқчи эмас

риб, ижросини талаб қилишади, у ҳаммасини бажо келтиришни истайди, бироқ минг қилса ҳам вақти етишмайди.

Истак билан имконият, «керак» билан «мумкин» мана шундай пайтда бир-биридан узилиб қолса киши ўзини оқимга қўйиб беради-ю, «барибир улгуролмайман, ундан кўра гап эшитмайдиган йўлини қиласай», дейди. Сўнг оммани унудиб, фақат ҳисобот учун, расмият учун ишлай бошлайди. Маннонов билан Сотиболдиевнинг қандай қилиб расмиятчиликка ўтиб кетганларини Маҳкам энди жуда яхши тасаввур этарди. Уларнинг аҳволи-га тушмаслик учун ҳозирдан ишларнинг энг зарурини ва энг муҳимини тайлаб қилиши, расмиятчиликка ондларини қатъий рад этиш керак эди. «Бунинг учун баъзан комитетдан гап эшитсам ҳам майли,— дерди у ўзи-ча.— Кўпчиликка фойдам тегса, охири бориб шу юзимни ёруғ қиласай».

Лекин курс бюролари масаласида у ҳали ҳам ўз фикрини амалга оширолмай юарди.

Ниҳоят бир кун уни комитетга чақиришиб, ВЛКСМ Марказий Комитетининг курс бюролари ҳақида чиқарган маҳсус қарорини кўрсатишди. Қарорда аввалги тавсияга аниқлик киритилган, яъни ҳар бир факультет ўз шароити билан ҳисоблашиб, курс бюроси керак, ёки керак эмаслигини комсомолларнинг умумий мажлисида ҳал этсин, дейилганди. Бундан буён шунаقا масалаларни бошлангич тшкилотларда кенг муҳокама йўли билан ечиш ва жойлардаги ташабbusга йўл очиш тавсия қилинган эди.

«Курс бюролари бўлмасмиш», «Маҳмудовнинг таклифи Москвага борибди», «ЦК комсомолдан янгича кўрсатма келибди» деган гаплар факультетга жуда тез тарқалди. Бу «миш-мишлар» унча аниқ бўлмаса ҳам фойдали иш қиласар эди: одамларнинг эътиборини маълум нарса атрофига тўплар, онгли комсомол аъзолари «нега?» деб ўйланар ва мунозарага шайланар эди.

Маҳкам комсомолларнинг умумий мажлисида: «Курс бюролари қанчалик керак» деган саволни ўртага ташлаганда зал тўла одам қисқагина шовур-шувур қилиб олди. Кейин сув қўйгандай жимлик чўкди. Маҳкам бу шовур-шувурда ҳаяжон ва қизиқиш борлигини, жимлик эса юзлаб кишининг диққат-эътиборидан вужудга келганини сезиб гапиради. Бир жойда у ўз фикрини яхшироқ ис-

ботламоқчи бўлиб гапни чўза бошлаган эди, залда алланечук тарқоқ шовур-шувур ўса бошлади. Бирорлар сабрсиз қимирлаб олар, бирорлар ёнидагига нимадир деб пичирлар, бирорлар қаттиқ нафас чиқарар, бирорлар қаддини ростлаб, қўлининг ҳолатини ўзгартирас, бирорлар у ёқ-бу ёққа бурилиб қаар, шунинг ҳаммасидан ҳосил бўлган майда-чуйда овозлар бирлашиб, Маҳкамнинг товушини пасайтирас эди. У залнинг диққат-эътиборини ўз ихтиёридан чиқариб юбораётганини шундан билди. Кейин гапни қисқартириб, ўзларининг шароитида курс бюролари ортиқча эканига далиллар келтира бошлаган эди, майда-чуйда ҳаракатлар, товушлар бир-бир тиниб, яна ўша кишини рағбатлантирувчи жимлик пайдо бўлди. Маъқуллаб ёки эътироуз қилиб луқма ташлай бошлашганда, у гапнинг чинакам қизиётганини сезди.

Музокаралар пайтида ҳам мажлис нимани кўпроқ исташи шу айрим товушлар ва тўлқинланишлардан билиниб турарди.

Баҳс курс бюролари масаласидан бошлаб, тобора кенгайиб, катта-катта масалаларга ўтиб борарди.

Ортиқ Қаримов Садри ва унинг ўртоқлари пахтада ўзларини жуда ёмон тутганлари, кейин қочиб кетиб қолганлари ҳақида гапирди, уларга қарши ҳеч қандай чора кўрмаган деканатни танқид қилди. Кейин бир неча киши лекцияларни ҳам жонлантириш кераклигини, Оқил Бегимовичнинг лекцияларидан қониқмаётгандарини гапирдилар.

Зуфар Ҳакимович ҳам президиумда ўтирган эди. Бегимов ҳақидаги гапдан кейин, у Маҳкам томонга эглиб:

— Кун тартибидан кўп ҳам четга чиқмайлик, — деб пичирлади.

Маҳкам тасдиқ маъносида бош иргаб қўйди. Шу пайт унинг бу ёнида ўтирган Темир Акбаровиҷ сўз сўради.

Акбаров минбарга чиқаётгандан Очил ва Шоазим ўтиргани жойдан қарсак эшитилди-ю, дарҳол бутун залга тарқалди. Маҳкам ҳам қувониб қарсакка қўшилди ва жуда берилиб эшитишга тайёрланиб, минбар томонга ярим ўгирилди-да, юзини кафтига қўйди.

Сўнгги тўрт-беш ой давомида Акбаровнинг сочида оқ кўнайиб, лекин юзи, кўзлари аввалгида ички бир ўтдан ёришиб турар, гапни ҳам аввалгида ишончли ва ширави товуш билан жуда жўн гапирар эди.

— Кўпинча у йўқ, бу йўқ деб кўнгилсизланамиз-у, лекин энг бебаҳо бир нарса ҳаммамида ҳам борлигини ҳисобга олмаймиз. Бу бебаҳо нарса — вақт. Йигирма тўрт соатлик кун, ўттиз кунлик ой қайсимида йўқ? Лекин шу бебаҳо нарсанинг қанчаси бекор кетади — ҳеч ким ҳисоблаб кўрдимикин? Мана, шунга ўхшаган уч юз кишилик мажлисни олинг. Шу ҳозир ҳамманинг кўнглига ўт ёқиб, ҳаммага бир наф бериб ўтятпти. Жуда яхши. Шуни шундай яхши тайёрлаган бюрга балли!

Яна Очил ўтирган жойдан қарсак бошланди-ю, дарҳол бутун зални қамраб олди. Маҳкам қизариб кетди, лекин Акбаровдан кўзини олмай гапнинг давомини кутди.

— Лекин шу мажлис шундай тайёрланмаганда, факт ҳисобот учун ўтказилганда нима бўлар эди? Ахир шунаقا мажлислар ҳам бор. Уч юз кишининг уч соат вақтини ҳисоблаб кўринг...

— Тўққиз юз.

— Демак, камида юз ўн иш куни бекор кетар эди. Бир тасаввур қилинг: киши баъзан бир кунни бекор ўтказолмай тарс ёрилиб кетади, а бу — бир юз-у ўн кун! Мен шу билан нима демоқчиман? Мана, бешта курс бюроси. Шулар ҳар ойда иккитадан мажлис ўтказса ўнта бўлади. Бу ёқдан факультет бюроси курс бюролари билан ишлаш ҳақида мажлис ўтказса, бу ёқдан группалар курс бюроси билан алоқани мустаҳкамлаш ҳақида мажлис ўтказса...

Жимжит залдан кулги товушлари эшитилди. Маҳкам ҳамон Акбаровдан кўзини узолмай завқли илжайиб қўйди.

— Ҳаммаси йиғилиб битта ана шундай залга сифадиган ташкилот учун шунча мажлис кўп эмасми? Ташкилотларингизни ихчамлаштириш шу жиҳатдан ҳам жуда керак. Бу ерда курс бюроларининг ортиқча эканига кўп далил келтирдиларингиз. Мен бунга вақт ҳақидаги далилни ҳам қўшиб, ташаббусларингизни қувватламоқчи эдим. Энди биринчи курс ҳақида. Бу курсдаги аҳвол ўқитувчиларни ҳам жуда хавотирлантиряпти. Мана, Платон Макеевич пахтада кўп нарсани сезган экан (Президиумда ўтирган Платон Макеевич устма-уст бош ирғаб буни маъқуллади). Мен ҳам лекцияларда кузатиб боряпман. Умумий савия, интизом, ўқишга қизиши аввалги биринчи курсларнинига ўхшамайди,

пастроқ. Билмайман, қабул вақтида тасодифий кишилар кириб қолганми? Еки...

— Бу ерда унақа гапнинг жойи эмас, Темир Акбарович,— деб Ҳакимов тўсатдан қип-қизариб эътиroz билдириди.

Унинг қабул масаласида гап очилишидан безиллаётгани сезилиб қолди. Шунинг учун бу масала дарҳол ҳамманинг эътиборини жалб қилди.

— Нега жойи эмас? Йўқ, Зуфар Ҳакимович, менимча, биринчи курсдаги аҳволни тузатиш бутун колективнинг иши. Биринчи курс масаласини биз яқин кунларда партия мажлисида муҳокама қилмоқчимиз. Масалани ўрганишда, камчиликларнинг сабабини очища комсомоллар бизга ёрдам бериши керак.

Темир Акбарович ўқиётган лекцияларнинг сифатини кўтариш ҳам ҳозир партия ташкилотининг диққат марказида турганини гапирав экан, Очил секин ўрнидан туриб, залдан чиқиб кетди.

Ҳамқишлоғи Жумаев қабул имтиҳонларини яхши топширган бўлса ҳам ўқишга кира олмагани ҳақида унга хат ёзган эди. Очил, ётоқхонага бориб, шуни олиб келди.

Бу орада Шоазим сўзга чиқиб, Садри ва унинг ўртоқлари студентликка муносиб эмасликларини, безориликдан ҳам хабардор эканини, пичоқ кўрсатиб дўйқ уришини гапирмоқда эди. Очил унинг сўзи тамом бўлишини эшик олдида тик туриб кутди.

Сўнг сўз сўраб қўл кўтарди-ю, минбарга чиқиб бораётгандаёқ гап бошлади:

— Садрилар бизнинг факультетга тасодифан қабул қилинган эмас,— деб Очил Жумаевнинг хатини, унга Ҳакимов ва Эшонбоев қандай муносабатда бўлганини гапириб берди.— Мана, Жумаевни қабул қилмаган одамлар Садрини қабул қилган. Нега? Буни текшириш керак. Мен ўтган йилги қабул бўйича текшириш ўтказилсин, деб таклиф қиласман.

— Қабул масаласини текшириш камсомолларнинг иши эмас!— деб ўшқирди Зуфар Ҳакимович.

Шовур-шувур кўтарилиди.

— Ўртоқлар, ўртоқлар. Очил бир оз чегарадан чиқяпти,— деб Маҳкам мажлиси тинчлантиришга уринди.— Мана, Темир Акбарович айтди, эшитдиларингиз, партия ташкилоти лозим топса, текширади.

Лекин қаттиқ тўлқинланаётган мажлисни энди аввалги мавзу доирасида ушлаб туриш қийин эди. Маҳкам музокараларни мумкин қадар тез якунлади-ю, курс бюоролари тугатилсин, деган таклифни овозга қўйди.

Кўпчилик бунга тарафдор эди.

Мажлис ёпилди. Одатдагидай залдагилар президиумда ўтирганлардан олдин чиқа бошладилар. Маҳкам ҳам Ҳакимов ва Акбаровнинг ёнида ҳамма чиқиб бўлишини кутиб турар эди.

— Студентларни деканатга қарши отлантиряпсиз, ўртоқ Акбаров,— деди Зуфар Ҳакимович шовқинда бошқаларга эшитилмайдиган паст, аммо таҳдидли товуш билан.— Бу мажлисда кўтарилган хунук шов-шув учун сиз жавобгарсиз!

Маҳкам беихтиёр Акбаровга қаради.

— Йўқ, Зуфар Ҳакимович,— деб Темир Акбарович истеҳзоли кулимсиради,— сиз яна танқидни шов-шув деб қоралаяпсиз. Агар мен шов-шув кўтармоқчи бўлганимда бошқа нарсани айтар эдим. Шарқ тарихини Бегимовдан олдин ўқиган профессор Тошев тўғрисида ги хушхабарни айтар эдим.

Зуфар Ҳакимовичнинг ранги бўздай оқарди.

Кеч кузда Совет давлатининг бошлиқлари Тошкентда бир қўниб Ҳималай оша Ҳиндистонга учиб кетганларидан сўнг газеталар икки улуғ халқнинг дўстлигига бағишлиланган қизғин учрашувлар хабарини, ажойиб нутқлар текстини келтирганда, Маҳкам Абдураҳмон Тошевичнинг диссертация мавзуини кўп эслаган, бу воқеалар унинг олимлик тақдирига албатта ижобий таъсир кўрсатади деб ишонган эди. Чиндан ҳам, яқинда Тошевнинг қайта ишланган диссертацияси тасдиқланган, бошқа ишлари ҳам тўғриланган, ўқитувчилар институти уни ишга таклиф қилган эди. Темир Акбарович буни шу бугун эшитганини айтиб:

— Бегимовнинг ўрнига Тошевни таклиф қилиш вақти етди, Зуфар Ҳакимович,— деди.— Лекин буни бошқа каттароқ мажлисда муҳокама қиласиз.

— Қанча муҳокама қиласангиз ҳам, мен Бегимовдай сиёсий чиниқсан бир доцентни Тошевга қурбон қилмайман.

Маҳкам Зуфар Ҳакимовичнинг кўкариб титраётган лабига қараб, «Бегимовга бунча меҳрибон?» деб ҳайрон бўлди.

Лекин Темир Акбарович бу меҳрибонликнинг сабабига яхши тушунарди: Тошев қайтиб келса, Ҳакимов деканлик креслосидан ажралиши мумкин эди.

## 55

Тошкентнинг ўзгарувчан иқлами қор тингандан кейин билинади. Офтоб ҳали қор ташлаган суюқ оқиш булутлар ортидан чиқмаган бўлса ҳам, тушга бориб ҳамма ёқ илиб кетади. Тарновлардан тушган томчилар оппоқ ҳорга хол қўяди. Еру кўк илк кўкламдаги дай юмшаб қолади.

Лекин кечаси осмон чарақлаб очилади-ю, аёз ўн-үн беш даражага чиқиб кетади. Томлардан оқиб тушишга улгурмаган қор суви узун сумалакларга айланади.

### Қирчиллама қиши.

Бироқ тонг отиб, офтоб чиқади-ю, кўлмаклар музитешила бошлайди, тарновлар яна тилга киради, тун совуғида юпқа туюлган пальтолар кундуз зилдай оғирлашиб кетади.

### Айни навбаҳор.

Офтоб ботиб, юлдузлар чиққач, тарновлар яна сукутга кира бошлайди, бўғотлар соқоли узая кетади, оёқ тагида қатқалоқ тақиллашга тушади.

Шунақа, ҳар куни тушда навбаҳор-у, тунда қирчиллама қиши, тонг отгандан кейин эса яна аста-секин кўклам кираётгандай бўлади.

Зуфар Ҳакимовичнинг кайфияти ҳам бир қанча вақт шундай кескин тебраниб юрди. Кўнгли зимистон бўла бошлаганда бирдан ё проректор Назаров ёрдам қилиб қолар, ёки Зокирнинг мақоласига ўхшаган бирор нарса пайдо бўлар ва кўнглини яна кўклам қилиб қўяр эди. Лекин сўнгги вақтларда унинг кўнглидан аччиқ қиши совуғи ҳеч аримай қолди.

Караматов яна партбюорота секретарь бўлиб сайланди. Ҳакимов билан проректор Назаров бу йил партбюро составидан тушиб қолди, мажлисда иккови ҳам кадрларга нотўғри муносабатда бўлгани учун танқид қилинди. Лекин бу ҳам ҳолва экан.

Акбаровга тұхмат қылган Н. Бузруков ҳам, сохта аноним хатни текшириб тўғри топдим деган тарихчи ҳам бир киши — яъни Ҳакимовнинг қўлида ўқиган

ўша тарихчи экани аниқланди. Терговда ундан: «Нега Акбаровга туҳмат қилдинг?»— деб сўрашганда: «Ҳакимов мени унинг ўрнига ишга олишга ваъда берган эди», деган экан. Қараматовнинг хатига ўша районнинг милиция органи юборган жавобда шу ҳам келтирилганди. У тарихчи узоқда қўлга олинган ва Ҳакимовнинг бундай деганига бирор гувоҳ ёки ҳужжат келтиролмаганди. Шунинг учун Зуфар Ҳакимович «бу ҳаммаси туҳмат» деб қатъий рад этди.

Лекин у туҳматчи бекорга шундай қилмагани, Ҳакимов бекорга унинг туҳматини Акбаровга қарши шафқатсизларча ишлатмагани энди Муса Назаровичга ҳам сезилиб туради. Ҳакимовга ишониб алданиб юргани учун ҳам ғазаби ортаётган проректор унинг ишларини текширишга ҳаммадан кўра қаттиқ киришди. Ўтган йилги қабулнинг ҳужжатлари кўтарилди. Садри ва унинг ўртоқлари мактабни «З» баҳолар билан битиргани, бироқ қабул имтиҳонларидан нуқул «5» ва «4» олганлари маълум бўлди. Лекин бу ерда ҳам Ҳакимовни фош қи́увчи аниқ гувоҳ ёки ҳужжат йўқ эди. У бунақа ишларни пухта қиласади. Шунинг учун ҳозир: «Мактабда яхши ўқимаганлар ҳам севган соҳасига кираётганда яхши имтиҳон топшириши мумкин», деб баҳона кўрсатди. Лекин Садрилар тарихни севади дейиш кулгили эди. Муса Назарович холис ўқитувчилар билан бирга уларнинг билимларини синаб кўриб, Ҳакимовнинг бу баҳонасини чиппакка чиқарди. Кейин Жумаевнинг қандай қайтариб юборилгани ҳақидаги хат ҳам ректоратга етиб борди. Зокирнинг Акбаров ҳақидаги ғаразли мақоласи Ҳакимовнинг ёрдами билан ёзилганини Мўмин Муслимович сезган эди, проректорга айтиб берди.

Оёғи остида ер қимиirlаётгандай саросимага тушган Зуфар Ҳакимович иши партгруппанинг мажлисида муҳокама бўлишидан бир кун олдин Акбаровни қидириб, комсомол хонасидан топиб, кабинетига чақириб кирди. уни қора чарм диванга ўтқазди. Ўзи пойгакроққа ўтирди ва пешонасини қаттиқ қисиб, ҳазин товуш билан:

— Темир Акбарович, мендан хатолик ўтган экан, энди тушундим,— деди.— Сиз тўғри айтиб экансиз, Тошевни аллақачон чақиришимиз керак экан. Юқоридан кўрсатма ҳам бўлган эди. Лекин ректоратда янги ўқув йилини кутайлик дейишиди.

«Ҳа-ҳа,— деди Темир Акбарович ўзича,— мени ректоратга ёмонлаб борар эдинг, энди ректоратни менга важ қилиб кўрсатяпсан. Нега? Қизиқ».

Зуфар Ҳакимович қўлини пешонасидан олиб, Акбаровга қисқа бир назар ташлади-ю, унинг таажжубланиб жим ўтирганини кўриб давом этди:

— Бугун бориб ректоратдан талаб қилдим, Тошевни Бегимовнинг ўрнига кафедра мудири қилиб чақирадиган бўлишди. Аввалги курсини ҳам ўзига берамиз.

— Жуда яхши,— деди Темир Акбарович давомини кутиб.

— Хурсандмисиз? Кеч бўлса ҳам маслаҳатларингизни амалга оширяпмиз. Энди ўтган ишга саловот, Темир Акбарович,— деб Ҳакимов қаддини ростлади ва Акбаровга қўлини тутди:— Мана менинг қўлим. Ярашдикми?

У жуда сунъий илжаярди.

— Уришганимиз йўқ эди, шекилли. Майли агар қўлларимиз ёмонликдан тозаланаётган бўлса...

«Қўлларингиз» деган маънони Ҳакимов тушунди, албатта. Акбаров анчагача қўл бермаганининг устига бу гап қўшилиб у жуда ўсал бўлди. Лекин, ҳамон сунъий кулимсираб:

— Ҳа, тозаланаётибди,— деди.— Энди қолганини бирга тозалайлик. Ҳар қандай раҳбарга ҳам сиздай юз-хотирага бормайдиган бир...— (Зуфар Ҳакимович «маслаҳатчи» демоқчи эди, лекин озлик қиласидигандай бўлди),— бир мададкор керак. Биласиз, факультетимизнинг энг катта кафедраси менда. Буннинг устига деканлик. Қийин бўлаётибди.

Ҳакимов гапираётганда Акбаров унинг кўзларини кўришни истарди. Аммо Зуфар Ҳакимович ўйчан ва маъюс гапираётган киши бўлиб нуқул деразага, деворга, полга қаради.

— Мен сиздан маслаҳат сўрамоқчи эдим. Аввал ўзингизнинг олдингиздан ўтиб, кейин номзодингизни кўрсатмоқчиман. Кафедра мудирлигига.

«Об-бо,— деб Темир Акбарович коса тагидаги нимкосага энди тушунди. — Мендан ҳам шамол эсаётганини сезиб паррагини тўғрилаб қоляпти. Об-бо. Қандай тили боради? Қандай юзи чидайди? Ўз айбларини вижданан бўйнига оладиган куни ҳам бўлармикин? Ё шунақа қилиб юриб ўтиб кетармикин? Ҳа, десам мақсадни айтса керак. Қани?»

— Раҳмат, Зуфар Ҳакимович, сиз шундай ишонч билдирангиз мен қандай йўқ дейман.

— Розимисиз ахир? Жуда соз. Мен ҳозир сизнинг ёрдамингизга муҳтоҷман. Ҳозир талаб катта бўляпти, ҳамжиҳат бўлиб иш кўрмасак қийин. Демак эртага... Энди... ўзингиздан қолар гап йўқ...

— Бир гап бўлса тарафимни ол демоқчисиз-да?

Зуфар Ҳакимович бу гапдаги заҳарли истеҳзони сезиб кўкариб кетди. Акбаров кескин ўрнидан турди. Зуфар Ҳакимович ҳам ўрнидан тураётib:

— Ноҳақ гап бўлса демоқчиман, ноҳақ гап бўлса,— деб бидирлади.

— Келинг, Зуфар Ҳакимович, ҳеч бўлмаса энди ростини айтинг. Сиз ноҳақ гапдан қўрқмайсиз. Ноҳақ гап бўлиб қолса маҳкам ёпишасиз, «менга ноҳақ гапиради», деб дод солиб қутулиб кетишингиз осон бўлади. Сиз ҳозир ҳақ гапдан қўрқасиз!

— Йўқ, ахир мен сиздан тўғриликча маслаҳат сўрамоқчи эдим.

— Тўғриликча, маслаҳат сўраш шунақа бўладими? Болага ширинлик ваъда қилиб ишга солиш мумкин. Лекин мени бола деб билганингизда ҳам, кафедрани ширинлик деб билмаслигингиз керак эди. Виждонингиз йўл бермаслиги керак эди!

У Ҳакимовнинг қаттиқ норозилик билдиришини, аччиғланишини истарди. Лекин ҳозир бирдан-бир чора «эгилган бошни қилич кесмас» деган мақолга амал қилиш эканини сезган Зуфар Ҳакимович бўшашиб, қути учиб, аянч бир аҳволда дерди:

— Нима десангиз ҳам ўзингиз биласиз, Темир Акбарович, лекин мен хато қилганимни тушуниб тузатмоқчи бўляпман. Кафедра мудирилигига сизни кўрсатишдан олдин истагингизни билишим керак эди, бу қоидада бор, ўзингиз биласиз.

Темир Акбарович деканатдан чиқиб кетаётib тоҳ ундан нафратланар, тоҳ йиқилганга мушт кўтараётгандай ўнғайсизланарди.

Лекин эртаси куни Караматов билан Назаров қатнашган партия мажлисида Темир Акбарович Ҳакимовнинг ҳозир туваётган йўлига ҳам тушунди. У ҳужжат ва гувоҳ билан исботлаб бўлмайдиган айбларини мутлақо тан олмасди, рад этиб бўймайдиганларини эса дарҳол бўйнига олар, «билмай хато қилибман, энди

тушундим, кўр эканман, кўзим очилди», деб тавба қиласар эди.

Бу тавбалар ҳам Ҳакимов шу вақтгача тутиб келган йўлнинг давоми эди. У одам энг тўғри йўлни эмас, энг осон йўлни танлар эди.

У декан сифатида ўз одамларини дуруст ўрганиб, ҳар бирининг онгига, эътиқодларига, фазилатларига таяниб, ўзи шахсий намуна кўрсатиб раҳбарлик қилиши кераклигини биларди. Лекин унда кишиларга намуна бўладиган катта фазилатлар йўқ эди, ҳар бир одамни ўрганиб, олижаноб таъсир кўрсатиб бошқариш жуда қийин эди. У эса бошқаришни жону дилидан яхши кўради. Нима қилсин? Осонроқ йўлни танлади.

Маълумки, кишиларни бошқаришда осон йўллардан бири — қўрқитиб бошқариш йўли. Ҳакимов ўзининг ғашига тегиб юрган одам ҳақида гапирса, «шуни бир қўрқитиб олишим керак-да, кейин ипакдай майин бўлиб қолади», дерди. Муслимовга ўхшатиб, «майин» қилиб олгандан кейин эса, «э, илгари дами жуда баланд эди, бир қўрқитиб, гаҳ деса қўлга қўнадиган қилиб олдим», деярди. Бу соҳада унинг энг катта муваффақияти — Умаровнинг қамалиб кетиши ва Тошевнинг оғир жазо олиши эди. Шундан кейин унга қарши чиқадиган одам ўшанақа оқибатни кўз олдига келтириб, «ёмондан қўрқ», «ёмонга бас йўқ», «ёмон билан тенг бўлма», деган насиҳатларни енгиб ўтиб чиқарди. «Мендан қўрқишилари, ҳайиқишилари факультетда тартиб сақлашга ёрдам беради,— дерди у ўзича.— Демак, натижа эътибори билан яхши. Мендан ҳисоб олганда аввало натижасига қарашади. Бу натижага қандай методлар билан эришганим иккинчи даражали масала. Вақт бўлса сўрашади, бўлмаса натижасига қараб баҳо беришаверади».

Ўзидан «пастроқ» турганларнинг қўрқиб ҳурмат қилишига ўрганган Ҳакимов ўзидан «юқори» турганларни қўрқиб ҳурмат қиларди. Қеча Акбаровнинг олдида тиз чўккандай бўлгани, бугун мажлисда тавба қилаётгани ўз гуноҳларини тушунгани туфайли эмас, виждони азоблангани ёки руҳан эзилгани туфайли ҳам эмас, кўпчиликнинг ғазабидан ва жазодан қўрққани туфайли эди.

Ҳозир буни ҳар қачонгидан ҳам аниқ сезиб турган Темир Акбарович:

— Бу қўрқишу қўрқитишларнинг заҳари факультетда қанча кишининг онгини заҳарлаганин? — деди. — Коммунистик тарбияга қанчалик путур етказганин? Арзимаган нуқсонга ҳам «сиёсий тус» бериб, кимнидир йиқитишга қаратадиган Ҳакимов ўзининг хатоси мафкуравий хато эканини сезмаса керак. Чинакам коммунистлар оммани бошқаришда кишилардаги энг яхши интилишларга таянади, энг яхши фазилатларга йўл очади. Лекин Ҳакимовнинг қўрқитиб иш тутиши кишидаги энг паст инстинктларга суюнади, энг ёмон одатларнинг ўсишига сабаб бўлади...

Умрида биринчи марта шундай қизғин мажлисга қатнашаётган ва Акбаровга чўғланиб қулоқ солаётган Маҳкам беихтиёр бош иргаб унга қўшилиб қўйди. Шу пайт у кўнглида қатланиб ётган оғир таассуротларининг сабабига тушунган эди: ҳар сафар, Эшонбоев ва Ҳакимовнинг сиқувидан кейин кўнглида пайдо бўладиган совуқ туман, ҳафсалани пир қилувчи хиралик, ҳамма нарсани шубҳага кўмувчи гуноҳкорлик туйғуси ўша қўрқитиш заҳари эканини у энди билганди.

— Қўрқувнинг энг заҳарли меваларидан бири ёлғон билан қаллоблик. Ҳеч ким ўз-ўзидан ёлғончи бўлмайди. Ахир ростгўйликнинг афзаллигини, гўзаллигини ким билмайди? Лекин киши рост гапни айтишдан қўрқса-ю, бирор нарса дейишга мажбур бўлса ёлғон гапиради. Бир марта, икки марта, уч марта шундай қилади-ю, кейин ёлғон билан мушкулини осон қилишга ўрганиб қолади. Аввал қўрққанидан ёлғон гапирган киши, кейин ёлғоннинг фош бўлишидан қўрқиб ёлғон гапиради. Бу ёлғон аввалги ёлғонга қўшилиб бадтар қўрқитади. Кейин қўрқувдан — ёлғонга, ёлғондан — қўрқувга узлуксиз йўл очилаверади. Агар ҳамма Ҳакимовдай қўрқитиб бошчилик қилиш йўлига ўтса, ҳамма ёқин ёлғончилик, қаллоблик босиб кетар эди.

— Ўйлаброқ гапиринг, ўртоқ Акбаров! — деб Бегимов ўтирган жойида безовта қимиirlаб олди. — Ҳакимов қўрқитиб бирорга пичоқ ўқталибдими? Бир айни очилса йўқ жойдаги гуноҳларни ҳам тақайверар эканда киши!

— Тўғри, пичоқ ўқталиб қўрқитгани йўқ. Лекин энг азиз сўзларимизни, ғояларимизни, энг азиз ахлоқ нормаларимизни пичоқ қилиб ўқталиб қўрқитган эмасми? Партия душманга санч деб берган ғоявий найзаларни

әмон кўрган ҳар бир кишисига — совет кишиларига ҳам санчган эмасми? Нега санчасан деса, «бу душман, бу ёт одам», деб важ кўрсатмаганми? Ленинча партиянинг ҳаққоний қўли шундай ноҳақ санчилган найзани Тошевдан суфуриб олиб ташламадими? Умаровдан суфуриб олиб ташламадими? Мен бу билан эски яраларни янгилаомоқчи эмасман, ўртоқлар, мени тўғри тушунинглар. Ҳакимов ўз гуноҳларига чин кўнгилдан иқорор бўлганда мен ўтган гапларни қўзғамас эдим. Қўзғасам ўринисиз таъна бўлар эди. Лекин Ҳакимов ҳозир фақат жазодан қўрқиб тавба қиляпти. Демак, жазо хавфи кетса-ю, шароит тўғри келиб қолса яна қўрқитув йўлига ўтиши мумкин, партия берган ғоявий ўқларни яна шахсиға ёқмайдиган софдил одамларга отиши мумкин.

Темир Акбарович шундай деб кеча деканатда Ҳакимов билан бўлган гапни айтиб берди.

— Агар менинг сизга муносабатим шахсиятга асосланганда эди,— деб у Ҳакимовга тикилиб давом этди,— шу кечаги бош эгишимиз билан қониқар эдим. Гап бошқа нарсада. Партия омманинг ташаббусини ошир, ижодий фикрини ўстир деяпти. Ташаббус, ижодий фикр доим журъат талаб қиласди, катта мақсад йўлида ихтиёrsиз адашсам тўғрилаб қўядиган одамлар кўп деб ишонгандардан чиқади. Биласизлар, баъзан юзта тўғри фикрга битта хато фикр ҳам илашиб чиқади. Хас илашгандай ноилож илашиб чиқади. Беғараз одам шу битта хасни олиб ташлаб, юзта тўғри фикрдан фойдаланади. Қўйнига тош солиб юрган одам бўлса ҳамма эътиборини шу хасга қаратади-ю, битта хатога қўшиб юзта тўғри фикрни ҳам уриб чангини чиқаради. Буни кўрган учинчи бир киши хато қилишдан қўрқиб, журъат талаб қиласдиган ҳар қандай ишдан қоча бошлайди.

— Жуда тўғри!— деб кутилмаганда Муслимов садо берди ва ҳамма ўзига қараганидан қизариб кетди.

— Бир ойдан кейин,— деб Темир Акбарович азиз нарсаларни тилга олганда бўладиган майинлик билан гапира бошлади:— Йигирманчи съезд очилади. Ҳар бир колектив съездни ўз совфаси билан кутиб олади. Факультетимизнинг ҳавосини бу губордан тозаласак, ҳақни ноҳақдан ажратиб, ижодий ташаббусга кенг йўл очиб берсак, шу ҳам, менимча, бизнинг съездга совфамиз бўлади.

Маҳкам Обид Йўлдошевичга қаради ва унинг бош иргаб маъқуллаётганини кўрди-ю, негадир завқи келди, сўнг нимадандир фахрланди.

## 56

Кишилар дунёning бир жойида туриб бутун жаҳонни ва бутун одамзодни кўришга қадимдан жуда зўр эҳтиёж сезган бўлсалар керакки, Ойнаи жаҳон ҳақида гўзал эртаклар яратилган.

Лекин ҳар қандай афсонавий орзу ҳам рўёбга чиққанда эртакдагидан мураккаброқ, бойроқ бўлади, баъзан таниб бўлмас даражада ўзгарили.

Ҳар сони ўн-ўн икки бет бўлиб чиқаётган «Правда» Тошкентда бир кун ўтиб тарқалар ва минглаб километр нарида бораётган улуғ съезднинг Ойнаи жаҳони орқали бутун дунёни, бутун одамзодни кўрсатиб туарди. Одамлар шу газета қофозида Ойнаи жаҳон бор деб ўйламаган бўлиши мумкин. Лекин мамлакатимизнинг бутун дунёning ҳаққоний аксини доклад ванутқлардан қидирган ва топган ҳар бир киши газетага беихтиёр Ойнаи жаҳоннинг хизматини юклар. Ойнаи жаҳонга қарангандай қаради.

Эртак қаҳрамонлари Ойнаи жаҳонни қўлга олгач, ўз ҳаётларига бевосита боғлиқ бўлган бирор муаммони ечишга, бирор нарсани қидириб топишга қаратадилар. Шунга ўхшаб, доклад ва нутқлар текстини қўлга олган ҳар бир киши ўз соҳасига тааллуқли жойига тезроқ етиб борар, ўз интилишларига алоқадор сатрларини такрор ўқир ва энг муҳими деб шуни ҳисоблар эди. Лекин агроном учун энг муҳим туюлган сатрларни ишчи учун энг муҳим туюлган сатрларга, ўқитувчи такрор-такрор ўқиган саҳифаларни инженер ҳаяжонланиб тикилган саҳифаларга қўшиб, сўнг буни барчага зўр таъсири кўрсатган назарий ва амалий фикрларга жамлаб қаралса ҳамма жойи ҳам жуда муҳим, жуда керакли бўлиб чиқарди.

Темир Акбарович ҳозир кунларни «Правда»нинг янги сони билан бошлаб, Москва радиосининг сўнгги ахбороти билан тамомларди. У тарихчи бўлгани учун съезднинг Ойнаи жаҳонида акс этаётган ҳамма тарихий жараёнларни кўришга, англашга ҳаракат қиласар,

айни вақтда ўз соҳасига, ўз истак-интилишларига оид ҳар бир сатрни ҳаяжонланиб ўқир эди.

Ҳозир факультетда имтиҳон сессиясининг охири ҳафтаси борар, ўқитувчилар ҳам, студентлар ҳам кам тўпланишар ва бир-бирларини кам кўришарди. Лекин икки тарихчи учрашган жойда дарҳол съезддан гап чиқар, «ўқидингизми?» ёки «буғун съезд кундалигини эшила олдингизми?»—«Кимлар нутқ сўзлабди?» деган саволлар, «қаранг-а!» «ажойиб-а!» деган хитоблар, «йўқ, сиз бошқачароқ тушунибсиз, менингча...» деб бошланадиган эътиrozлар эшитилиб қоларди. «Съезд кундалигида» машҳур тарихчи академик Панкратова нутқ сўзлагани эълон қилинганда: «О-о! Шунча фан соҳаларидан тарихга сўз берилибди-я!— деб фахрланиб галиришарди. — Тексти индин чиқиб келармикан?»

Темир Акбаровиҷ газетанинг ҳар сонини почта қути-сининг олдидаёқ очар ва аввал нутқлар билан бирга чиқаётган портретларга кўз югуртиради. Мана! Темир Акбаровиҷ 22 февраль сонида кекса академикнинг му-лоим кулимсираб турган суратини кўрди-ю, столга етиб боргунча ҳам бўлмай, газетани йўлакдаги чироқ ёруғига солиб, деворга суюниб, тикка турган ҳолда ўқий бошлади.

Академик Панкратова юксак минбардан унинг кўнглидагини ҳам кўриб гапирганга ўхшарди. Академикнинг тарих фанига оид фикрлари, тарихий фактларни субъектив равишда «юлиб» олишга, қийинчиликларни бўяб кўрсатишга қарши айтганлари, ленинча миллий сиёsatнинг ғалабасини ҳар томонлама чуқур очишга даъват этиб гапирганлари Темир Акбаровиҷнинг қизғин фикрларини қувватлар, қалбидағи кучли оҳангларга мос келар эди.

Съезд материалларини ўқий бошлагандан бери кўпайиб, кучайиб бораётган оловли таассуротларига бу ҳам қўшилди-ю, Темир Акбаровиҷ ҳаяжонини боса олмай қолди: гоҳ стол ёнига келиб ўтирас, гоҳ яна туриб кетарди. Шу топда у съезд Ойнаи жаҳонида тарихнинг улуғвор ҳаракатинигина эмас, бу ҳаракатнинг ўз ҳаётига таъсирини ҳам яққол кўриб турганга ўхшарди.

Сўнгги икки-уч йил давомида юз берган зўр воқеалар шундай улкан съездга замин тайёрлаганини у билар эди, албатта. Лекин бу воқеалар ўзининг ҳаётига зўр бир тўлқиндек таъсир этиб, алланечук кўтариб,

олға олиб келганини у энди чинакам ҳис қилмоқда әди.

«Фақат менинг ҳаётимми? Умуман бутун факультеттинг ҳаёти шундай ҳаракатга келиб, кўтарилиб, олға кетгани йўқми?— деб ўйланарди Темир Акбарович.— Ҳа, бу воқеалар халқнинг ҳаётини янги бир тарихий босқичга кўтаряпти. Бизнинг факультетдаги кўтарилиш — шунинг бир зарраси. Ҳар биримизнинг ҳаёти-мизда Йигирманчи съезднинг ўз ўрни бор. Буни ҳар бир студент, ҳар бир ўқитувчи юракдан ҳис қилиши керак».

\* \* \*

— Жуда маъқул, съезд материалларини ҳаётга ма-на шундай боғлаб муҳокама қилаётган бўлсаларингиз жуда яхши,— деб Тошев Акбаровга қараб қизғин бош иргади. Шунда унинг қалин оппоқ сочи одатдагидай мулойим силкинди.— Демак, индин соат бешга актив тўплайпсиз. Ёзиб қўймасам, бошқа майдада ишлар ҳам кўп...

Абдураҳмон Тошевич тиззасига қўлини тираб, енгил бир ҳаракат билан ўрнидан турди. Қора чарм диванда ўтирган Темир Акбарович унинг ёшига унча мос келмайдиган тез ва шахдам ҳаракатларини завқланиб кузатар, кичик, чайир гавдасига нисбатан хийла йўғон туюладиган овозига берилиб қулоқ соларди.

Мана, Абдураҳмон Тошевич тез юриб тўрдаги ёзув столи олдига келди. Қаламдондан қизил қалам олди, тикка турган ҳолда ёзмоқчи бўлиб, қимматбаҳо стол календарини олдига тортди. Лекин календарда бир ярим ой олдинги числони ва нотаниш қўл билан пала- partiш қилиб ёзилган «1. Райком. 2. Бегимов» деган ёзувни кўриб, ҳайрон бўлиб тўхтади. Сўнг уни орқага варақлаб яна шунга ўхшаган ёзувлар учратди-ю, бирдан тушунди:— бу — Ҳакимовнинг қўли эди!

Абдураҳмон Тошевич бехосдан ёмон бир иш қилиб қўйган одамдай чўчиб қўлини тортди ва тез қаддини ростлади.

— Урганолмаяпсиз-а,—деди Темир Акбарович буни кўриб.

Кечагина ишга тушган Абдураҳмон Тошевич стол ҳам, кабинет ҳам Ҳакимовга хизмат қилганини гўё энди ҳис қилди, келиб-келиб календардан чўчигани учун

кулиб қўйди. Сўнг календарь устига энгашиб очилмаган ҳафталарни тез варақлаб ўтди-да, 11 март деган бетига керакли нарсаларни ёза бошлади.

— Бунга ўрганиш қийин эмаску-я. Лекин...— У ёзиб бўлиб Темир Акбаровичнинг олдига қайтар экан, сўзида давом этди:— лекин, студентларни яхши танимайман. Ҳозирча шу активга келадиганлари тўғрисида ба-тафсилроқ гапириб берсангиз яхши бўлар эди.

— Маҳкам Маҳмудовни биласиз, бугун олдингизга кирган эди,— деб Темир Акбарович Маҳкам ва бошқа активистлар, уларнинг нималар қилгани тўғрисида бир-бир гапириб берди.— Ҳозир биринчи курс ҳам анча дуруст. Садри, Шавкат, Ҳусни деганлари безорилик қилиб милицияга тушган экан. Қабул материалларини текширишда маълум бўлган нарсаларга бу қўшилиб учови ҳам ҳайдалди. Қолганлари билан қаттиқ иш олиб боряпмиз.

Акбаров сўзини тамомлашга улгурмади.

## 57

—

Эшик шиддат билан очилди-ю, юзи ташвишдан ўзгариб кетган Платон Макеевич кирди (у ҳозир декан муовини) ва Ҳакимовнинг учинчи курсдаги лекциясига бир группа студентдан бир киши ҳам келмаганини айтди.

Ҳакимов қаттиқ виговор билан деканликдан ва кафедра мудирлигидан туширилган, энди фақат лекция ўқиб юрар эди. Ҳозир аудиторияда бир ўзи студентларни ярим соат кутиб ўтирган, ҳеч ким келмагач, тўғри ректоратга қараб йўл олганди. Унинг:

— Бу саботажни мен ректорга маълум қиласман,— деб кетганини Платон Макеевич Маҳкамдан эшигтан эди.

Акбаров шошилиб чиқиб кетди. Шу заҳоти телефон жиринглади ва проректор Назаров Тошевдан нима воқеа бўлганини сўрай бошлади.

Темир Акбарович нима бўлганини билиш учун аввал комсомол хонасига кирди, лекин ҳеч кимни топа олмади. Сўнг учинчи курсликлар турадиган ётоқхонага бормоқчи бўлиб кўчага чиқди. Бироқ, катта кўча йўлкасида бир тўп йигит-қизларни эргаштириб келаётган Маҳкамга кўзи тушиб тўхтади.

Ҳа, бу — ўша группанинг студентлари. Маҳкам уларни кутубхонанинг ўқув залидан қидириб топган, нега лекцияга келмаганларни сўраганда: «Биз Ҳакимов ўқийдиган лекцияни ўзимиз мустақил ўрганяпмиз», деб жавоб беришган эди. Йўлда Маҳкам Ҳакимовнинг ректоратга арзга кетганини, энди иш бошлаган Тошевнинг ёмон аҳволга тушишини айтиб, уларни хийла койиган эди. Ҳозир Темир Акбарович ҳам уларни ташвишли юз билан қарши олди, лекциядан «ташкилий» равишда кешиб қолганларини эшитиб жуда хафа бўлди. Буни кўрган учинчи курслилар ўзларини оқлай бошладилар:

— Биз сизларга ёрдам бермоқчи эдик, лекцияга қатнашиш ихтиёрий бўлса Ҳакимовдан қутуласизлар, деб шундай қилдик.

— Ҳомийлари бор эмиш унинг!

— Биз хоҳламаганимиздан кейин Ҳакимовни бу ерда ҳомийлари ҳам ушлаб туролмайди.

— Лекцияга қатнашиш ихтиёрий бўлса, фақат сизлардай яхши ўқитувчilar қолади. Прогул деган гап ҳам йўқолади.

— Сиз ташвишланманг, Темир Акбарович. Съездда ҳам айтилди, омманинг фикрига катта йўл очилсин, дейилди. Биз омма бўлсак, фикримиз мана шу!

— Бас, энди Ҳакимовга ўхшаганлардан қўрқадиган вақтлар ўтди!

Яхши истак ва тез ўсиб бораётган умумий активлик бунаقا ёмон йўлга кириб кетганини ва чигал бир тугун пайдо бўлганини сезган Темир Акбарович:

— Шошманлар, шошманлар,— деб ҳаммани жим қилди.

Сўнг группани аудиторияга бошлаб кирди-да, «наазарий жиҳатдан ҳам асосланган» бу хунук иш қандай бошланганини сўрай бошлади;

— Ҳакимовнинг ҳомийси бор деб қаёқдан эшитдиларинг? Лекцияга қатнашиш ихтиёрий бўлсин, деб ким гап бошлади?

Учинчи курслилар Темир Акбаровичнинг авзойи бузилганини кўриб жим бўлиб қолиши. Акбаровнинг саволига ҳеч ким жавоб бермагач, Маҳкам ўтган йили ўз группаларида Шоазим шунаقا нарсаларни гапириб юрганини айтди.

— Менинг эсимдан ҳам чиқиб кетган эди. Шоазим буларга пахтада жуда ёқиб қолган экан, агитатор бў-

либ келсин деб сўрашди. Шу ишни жонлантирармикан, деб мен ҳам рози бўла қолган эдим. Агитаторларинг гап қўзғаган бўлса керак-да?— деб Маҳкам группага юзланиб сўради.

Анча жимлиқдан сўнг кимдир:

— Йўқ, ўзимиз шу фикрдамиз,— деди.

Уларнинг ким гап қўзғаганини яшираётгани билиниб турар, бу Темир Акбаровичга оғир тегарди.

— Бизга ёрдам бериш учун шундай қилган бўлсаларингиз, демак биз бу ишнинг илҳомчиси эканмизда?— деди у куюниб.— Раҳмат-э! Бўниг учун Ҳакимовни эмас, бизни қувишилари керак-ку!

— Темир Акбарович, сиз бунча хавотирланманг,— деди учинчи курслилардан бири.— Сулаймон Зийнатуллаевичга қаранг, ҳеч кимдан қўрқмайди-ку!

Темир Акбаровичнинг қўзлари алланечук катта очилиб кетди: бу группага Зийнатуллаев ва Шоазим кўпроқ таъсир қилаётганини у энди англади. «Ҳамма гапни ўшалар бошлаганмикин?» деган фикр тўсатдан қалбини тирнаб ўтди.

Узи Ҳакимов амалидан тушгандан бери Зийнатуллаев унга жуда ҳурматсизлик билан муомала қиладиган бўлиб қолган эди. «Ҳакимовининг бошига Тошевининг кунини солиш керак, лекин бизнинг кучимиз етмаяпти, ё журъат қилолмаяпмиз», деб гижиниб гапирганини Темир Акбарович бир неча марга эшифтганди. «Яна ур-йиқит бўлишини истайсизми?— деб у Зийнатуллаевининг ҳовуруни босишига ҳаракат қиласарди.— Йўқ, унақа методлар энди архивга топширилиши керак. Ҳакимов учун энг катта жазо — унинг кимлигини ҳамма билиб қолганида, амалидан айрилганида. У илгари деканлигидан усталик билан фойдаланаарди, раҳбарлар доирасига тезроқ яқинлашарди, ўзини яхши кўрсата оларди, ниятини осонроқ амалга оширади. Шунинг учун деканлик креслосига ўн қўллаб ёпишган эди. Ҳозир бу йўқ. Энди илгариги ишини қилолмайди. «Қалови топилса қор ёнар» деганлар, агар биз йўлни топсак, аста-секин ўзгариб кетиши ҳам мумкин».

Сулаймон Зийнатуллаевич Акбаровга: «Содда-

сиз!»— деб пичинг қилар ва Ҳакимовнинг ҳозир яна қаддини ростлаб олаётганини гапирди.

Чиндан ҳам, Ҳакимов «эгилган бошни қилич кесмас» деган мақолга фақат текшириш кетаётган вақтда амал қилгани энди аниқ билинмоқда эди. Тавба-тазаррулар билан партбилети чўнтағида қолгандан бери у яна тирноқ тагидан кир қидирадиган, бир нарса бўлса ректоратга, райкомга арзга югурадиган бўлиб қолган эди. Съезд ҳақида гап борганда эса доклад ва нутқларнинг дуч келган жойини кўкларга кўтариб мақтар, бюрократизмга қарши кўкрагига уриб сўзлар, ленинча партиявий нормаларнинг қайта тикланишига ҳаммадан ортиқ қувонч билдиради. Билмаган одам уни бюрократизмга йўл қўйган ва партиявий нормаларни бузган деб эмас, аксинча, бузганлардан жабр кўрган, деб ўйлаши мумкин эди. Бу қилиқлари билан колективни ўзидан бадтар совутарди. Бугунги юз берган кўнгилсизликнинг сабабларидан бири шу эканини Темир Акбарович сешиб турарди.

Лекин ҳозир Темир Акбарович: «Ҳакимовни қувишга кучимиз етмаяпти ёки журъат қилмаяпмиз», деб юрган Зийнатуллаевни. ва, «сизларга ёрдам бериш учун лекцияга бормадик», деб турган бу студентларни чигалликнинг бош сабабчилари деб билар, бу ишларинг билан бизга ёрдам берганларинг йўқ, тўғаноқ солдиларинг, дерди.

Учинчи курсликлар бу гапнинг ростлигига жуда тез амин бўлишди. Уларнинг лекция ихтиёрий бўлиши керак, деб «ташкилий равишда прогул қилганлари» шов-шув бўлиб кетди ва бу шов-шувда Зуфар Ҳакимовичнинг овози тобора баланд эшитила бошлади:

— Мана, Акбаров билан Зийнатуллаевнинг фаолиятини амалда кўряпмиз! Акбаровнинг журъат ҳақидаги абстракт гаплари мана шунаقا натижа беради! Бу саботажни Акбаров билан унинг шогирди Самадов уюштирган! Самадов учинчи курсликларга, «лекцияга қатнашиш ихтиёрий бўлсин», деб гапирганини эшитганлар бор! Факультетда интизом бузилиб кетяпти! Ҳамма ёқни прогул босиб кетяпти!

Бу вайсашибнинг тагида ҳақиқий фактлар ҳам йўқ эмас эди. Ўзи қишики каникулдан кейинги биринчи кунларда прогул хавфи кучли бўлади: узоқ жойга кетганлар қайтиб улгурмайди, ёздагидай тўйиб дам ололмаган ва

аудиторияни ёздагида йоғинмаган студентлар ўқишига эриниброқ киришади. Шу сабабларга кўра яқинда яна прогул деган сўз кўп эшитила бошлаган эди. Сўнг бу худди ўтган йилдагидек, «савияси паст лекциялар ҳам прогулга сабаб бўляпти», деган гапларга сабаб бўлганди. У куни танаффусда учунчи курсликлар даврасига тушиб қолган Очил яна Шоазимнинг фикрига қўшилиб, лекцияга қатнашиш ихтиёрий бўлгани яхши, деб гапирганди. Бу оғиздан оғизга ўтиб, Зуфар Ҳакимовичга ҳам етиб борган эди.

Лекин Зуфар Ҳакимович Шоазимга тил тегизмас, нуқул Очилни қоралар: «Акбаровнинг шогирди прогулчиликни тарғиб қиляпти, интизомсизликка чақирияпти, учинчи курсликларни шулар бузган!»—деб жар соларди. Очилни ҳали комитетга, ҳали ректоратга чақиришар, Темир Акбаровичдан эсарайком ҳам изоҳ талаб қилган эди.

Учинчи курслилар нақадар хунук иш қилганларини энди яхши сездилар.

— Дардимиз ичимизда,— деб уларнинг группорглари Маҳкамга келиб кўнглини очди.— Мен фақат сизга айтаман, Маҳкам ака, лекин шу Сулаймон Зийнатуллаевич ҳам... Үзимиз-ку лекция ихтиёрий бўлсин, деган гапларни Шоазим акадан эшитиб қизишиб юрган эдик. «Катталар амалидан айрилишидан қўрқади, сиз билан биз нимадан қўрқамиз?» деб оловга мой сепиб нима қиласарди!

— Қим? Зийнатуллаевми?

— Ҳа. «Акбаровнинг ботирлиги амалга мингунча экан, ҳозир Ҳакимовнинг жазосини беришга ҳам журъат этолмай қолди, дейди. Буни гапирсак чақимчилик бўлади-ку, лекин Очил ака билан Темир Акбарович бекорга балога қолишапти-да. Үрни келгандада уларда айб йўқлигини айтиб қўйинг.

Маҳкам бу гапларни аввал Шоазимдан эшитишни истарди. Лекин Шоазим ҳамма айбни Ҳакимовга ағдарар:

— Яна пашшадан фил ясад ур-йиқитни бошляяпти,— деярди.

— Ӯша филга айланган пашшани Ҳакимовга сиз бергансиз!— Зарда қилиб деди Маҳкам.— Мард бўлсангиз буни бўйнингизга олинг, Очилни балогардон қилиб қўйиб, ўзингиз панада юрманг!

— Э, мен панада юриб нима қилибман? Лекция ихтиёрий бўлсин деганимни бирордан яширибманми? Яширган бўлсан юринг айтаман! Юринг деканатга! Юринг дейман!

Тошев келгандан бери Маҳкам деканатга ҳуда-беҳуда киришдан жуда тортинарди. У Тошев тўғрисида жуда кўп нарса эшитган, жуда кўп фикр юритган, лекин у билан яқиндан гаплашиб кўрмаган эди. Бунинг устига у Гавҳарнинг отаси эканини унотолмай жуда ўнғайсизланаради. У янги деканнинг олдига биринчи марта кирганида қизариб, терлаб дуруст гапира олмаганди. Абдураҳмон Тошевич ҳам уни вокзалда Гавҳар жўнаётганда кўрганини эслаган ва унга беихтиёр ўз қизи нуқтаи назаридан ҳам қараган эди. Қейин аксига олиб мана бу кўнгилсизлик юз берди-ю, Маҳкам Тошевдан бадтар уялиб, унинг кўзига кўринмасликка ҳаракат қиласидиган бўлиб қолганди.

Бироқ ҳозир Шоазим жазаваси тутиб, уни деканатга томон тортар:

— Мен номард бўлсан юринг бу ёқقا! Юринг ҳозир! — деярди.

Маҳкам унинг Очил учун ҳам, учинчи курсда юз берган ҳодиса учун ҳам виждони азобланиб юрганини энди сезди. Шоазимнинг Тошевга ихлоси баландлигини ўйлади, «шунинг учун додини унга бориб айтгиси келаётгандир», деб тахмин қилди-да, бирдан:

— Юринг бўлмаса! — деб ўзи биринчи бўлиб олдинга интилди.

## 58

Маҳкам Тошевни хафа бўлган бир қиёфада кўрарман деб ўйлаган эди. Бироқ кабинетга киравериша Очилга кўзи тушди, сўнг тез ва шахдам ҳаракатлар билан у ёқдан-бу ёқقا юриб гапираётган Абдураҳмон Тошевични кўрди, улар иккови ҳам қизгин ва самимий сўзлашаётганини сезди-да, хавотирлиги хиёл босилди.

Ҳали ҳам ўзини тутиб ололмаётган Шоазим даб-дурустдан:

— Мен ўзимни панага олган эмишман! — деб гап бошлиди. — Абдураҳмон Тошевич, мана, сизнинг олдингизда айтаман: лекция ихтиёрий бўлсин деган гапни мен қўзғаганман! Жазолаш керак бўлса мени жазолангизлар, Очилда айб йўқ.

Абдураҳмон Тошевич кабинет ўртасида тўхтаб, гап нимадалигига тушунолмай Маҳкамга қаради. «Бу йигит ким? Нега бундай дейди?» деган саволни Маҳкам дарҳол фаҳмлади.

— Шоазим ҳам бизнинг курсдан. Ўша группанинг агитатори.

— Э, шундайми? — Абдураҳмон Тошевич ўсиқ қошлирини «тушундим» деган маънода юқори кўтарди.

— Ҳа, лекин мен бу гапни агитатор бўлиб айтган эмасман! — деди Шоазим. — Мана, Очил билади, коридорда жўн гапиришиб турган вақтимизда айтганман. Улар шундай қилишини билган эмасман! Мен сизнинг факультетга қайтишингизни чин юракдан кутган эдим, домла. Энди қайтган пайтингизда билиб туриб шундай номардлик қиласманни ахир?

— Гап бунда эмас, йигит. Ўтиинглар, ўтириб гапиришайлик. Ҳозир, мана, Самадов билан ҳам шу тўғрисида сўзлашашётган эдик. Ўзи бунаقا чигал ишнинг сабаби битта-иккита бўлмайди. Менинг билишимча, баъзи бировлар ташаббусга нотўғри тушунган, баъзи бировлар интизомни журъатга қарши қўйган. Бунга яна бошқа сабаблар келиб қўшилган-у, охири шу иш юз берган. Менингча, аввал шу тугуиларни бир-биридан ажратиб олиш, кейин бирма-бир ечиш керак.

Маҳкам Абдураҳмон Тошевичнинг юзига яқингинадан қарап ва бир оз таажжубланар эди. У ҳар ҳолда Тошевни ишнинг равишига бундай тез ва жўн киришиб кетади деб ўйламаганди. «Мен ҳам афандиман,—деб Маҳкам ўзидан кулиб қўйди.— Турмушнинг шунча аччиқ-чучугини татиб кўрган одам учинчи курсликлар қилган ишдан эзилиб қалавасини йўқотиб ўтирадмид?» Бу ўй Маҳкамни катта бир хижолатдан халос қила бошлади.

— Лекцияга қатнашиш ихтиёрий бўлсин, деган гап ҳам шу ишнинг сабабларидан бири-а, тўғрими? — Сўради Тошев Шоазимдан. — Ҳа, бу ўзи мунозарали гап. Бир баҳслашсак бўлар экан.

Шоазим ўнғайсизланиб ерга қаради: ҳозир унинг кўнглига баҳс сиғмас эди. Маҳкам ҳам, «Ҳозир баҳслашнуб ўтирадиган пайтми?» деган ўй билан Тошевга яна таажжубланиб тикилди.

— Ўтган йили биз бир баҳслашган эдик.— Очил ўз ўртоқларига ер тагидан қараб қўйди.

— Қимлар? — қизиқиб сўради Абдураҳмон Тошевич.— Сиз билан сизми? — У Очил билан Маҳкамга юзланди.— Э, бу киши биланми? Ким енгган эди?.. Сизми? — деди у Шоазимга.

Ушанда Шоазим гапга чечанлик қилиб баланд келгани Маҳкамнинг ёдига тушди-ю, эски оғриқ гўё янгиланди. Бунинг устига Шоазим ўзини камтар тутиб:

— Ҳеч ким енголмаган эди шекилли,— деди.

Маҳкам бирдан қизишиб, баҳслашгиси келиб:

— Йўқ, сиз баланд келган эдингиз, камтарлик қилманг,— деди Шоазимга.— Лекин ўшанда мен бир нарсанни унутган эканман.

— Қани, қани,— деб Абдураҳмон Тошевич уни гапиришга ундан бош ирғади.

Шу топда у Маҳкамга машҳур олим бўлиб эмас, Гавҳарнинг отаси бўлиб ҳам эмас, ўртадаги оғир юкни бирга кўтаришни истаётган оддий ҳамкор бўлиб кўринди. Унинг «қани-қани» дегани ҳам Маҳкамга, «қани бир чеккасидан олинг, бирга кўтарайлик», дегандай эшитилди. Маҳкам бу юкнинг мумкин қадар оғир қисмини кўтариб, Тошевнинг улушкини мумкин қадар енгиллатишни истаб ва бутун диққат-эътиборини бир жойга тўплаб, бутун ақл-идрокини ишга солиб гапирди:

— Лекция ихтиёрий қилинса фақат қизиқарли лекциялар қолади, ўқитувчиларнинг ҳам фақат яхшилари хилланади дейишади. Лекин бу ҳаётдан узилиб қолган қуруқ гап. Бундай дейдиганлар биз социализм даврида яшаётганимизни унутиб қўйишади, ҳали коммунизмга чиқмаганимизни ҳисобга олишмайди.

— Ие, ана энди!..— Баҳс Шоазимни ҳам беихтиёр дамига тортди.

— Шошманг, сиз нима демоқчисиз ўзи? Ўқиш студент учун энг қизиқарли нарса бўлсин, энг биринчи эҳтиёжга айлансин дейсизми? Лекин ўқиш ўзи нима? Меҳнатнинг бир тури. Меҳнат эса фақат коммунизмда энг биринчи эҳтиёжга айланади. Шунинг учун ўқиш ихтиёрий қилинсин деган гап студентлар дарҳол коммунизмга чиқарилсин деган гапдай кулгили!

Абдураҳмон Тошевич ҳеч нарса демас, ким гапирса ўшанинг юзига кўз тикиб, диққат билан тингларди.

— Шошманг, Шоазим, ўқиш ҳар хил бўлади, билализ,— дерди Маҳкам.— Лекин мен фан чўққисини кўзлаб, қийинчилкларни чидам билан енгиб, бутун кучини

ишига солиб ўқиётганлар ҳақида гапиряпман. Бундай ўқиш ижодий меҳнатга киради!

— Лекин ижодий меҳнат ҳам ихтиёрий бўлади, жўра,— Очил тўсатдан Шоазимга бўлишди.— Лекциялар ихтиёрий бўлса ўқишнинг ижодий меҳнатга айланиши учун катта йўл очилади. Биринчидан, студент мустақил ишлашга ўрганади. Ижодий меҳнат эса мустақил ишландагина бўлади. Иккинчидан, чинакам илмий иш учун вақт кўп қолади.

Маҳкам аввал ўртадаги оғир юкни бир ўзи ердан узгандай ва қўтариб елкасига қўйгандай бўлган эди. Очилнинг бу гапларидан кейин юк бирдан зилдай оғирлашиб кетди. У алланечук зўриқиб, майишиб Очилнинг гапига яраша сўз қидирди, лекин топа олмади.

— Сизлар айтган фикр амалга ошса жуда яхши бўлар эди-я,— деб Абдураҳмон Тошевич кутилмаганда Шоазим билан Очилга юзланиб гап бошлади.

Маҳкам тез ўгирилиб, унинг юзи алланечук тўлқинли эканини кўрди, овози ҳам ҳаяжондан ингичкароқ чиқаётганини сезди. Лекин Тошев Шоазимнинг фикрини яхши дегандан кейин Маҳкамнинг елкасидаги оғирлик беҳад ортиб, уни тоғдай босиб эза бошлади.

— Ҳақиқатаң, лекцияга ихтиёрий қатнашишнинг афзал томонлари кўп,— давом этди Абдураҳмон Тошевич.— Менингча қачондир бир вақт ихтиёрий бўлади. Лекин, қачон? Сизлар ҳозир масаланинг назарий томонини олиб, амалий томонига унча аҳамият бермаяпсизлар. Ҳамма лекциялар барча талабларни қондирадиган даражада яхши бўлсин деяпмиз. Бунинг учун аввало нима керак? Савиаси баланд, исътедоди зўр лектор кадрлар беҳад кўп бўлиши керак. Бундай кадрларга бўлган эҳтиёж ҳамма жойда тўлиқ қондирилиши керак. Ваҳоланки ҳали энг катта олий мактабларда ҳам бундай кадрларга эҳтиёж зўр. Уларин керагича етказиб бериш давлат аҳамиятига эга бўлган проблема ҳисобланади. Бу проблемани тўлиқ ечмасдан туриб лекциялар ихтиёрий қилинса нима бўлади? Фалвир билан сув ташиш бўлади!

— Бу ёғи бор,— деб Очил ўнғайсизланиб юзини ишқади.

— Революциядан олдин лектор кадрлар ҳозиргидан кўп бўлмагандир,— деди Шоазим бўш келмай.— Шундай бўлса ҳам лекцияга қатнашиш ихтиёрий экан.

— Тўғри, лекин у вақтда олий мактабларнинг ўзи бошқача эди-да. Уларда буржуазияга хос анархия ҳукм сурган. Бойваччалар катта пул тўлаб ўқиган. Маъмурият учун уларнинг ўқишидан кўра тўлайдиган пули муҳимроқ бўлган. Тўғри-да, пул тўлаб кинога билет олганингиздан кейин кириб кўрдингиз нима-ю, кўчада юрдингиз нима — маъмурнят учун бари бир эмасми? Биз ҳам ўқишга шундай қарасак нима бўлар эди?

Маҳкам енгил нафас олиб ўзини стулнинг суюнчиғига ташлади, юзи терлаб кетганини энди сезди. Титроқ қўлининг кафти билан юзини артар экан, қувончили кулимсираб қўйди.

— «Мангу студент» деган иборани эшитганмисиз? — сўради Тошев Шоазимдан.— Йўқ, бу кулги учун айтилган гап эмас.. Эски олий мактабларда умр бўйи ўқиб, умр бўйи ўқишини битира олмаганлар кўп бўлган. Лекцияга қатнашиш ихтиёрий бўлгандан кейин вақтини бошқа нарсаларга сарфлаб, ҳар курсда тўрт-беш йил ўқишиган. Бундайлар ҳозирги буржуа мамлакатларида ҳам кўп. У куни мен Франциядан келган меҳмонлар билан гаплашиб қолдим. Биттаси университетда дарс берар экан. «Лекцияга қатнашишнинг ихтиёрий эканлиги ҳам бошимизга битган бало бўляпти», дейди. Уларда бир қонда бор экан: «Фалон лекцияга кимлар келмоқчи?»— деб олдиндан сўрашар экан, истаган студент ёзилар экан. Истеъодди профессорларнинг лекцияларига ҳамма олдиндан қизиқиб ёзилар экан-у, лекциянинг ўзига ўнтадан биттаси ҳам келмас экан. «Баъзан энг яхши студентлар ҳам ўткинчи нарсаларга ўралашиб, энг яхши кўрган лекциясига ҳам келмайди», дейди ҳалиги француз. Тарихий шароитнинг, муҳитнинг роли каттада. Бундан ташқари биз «мангу студентчиликка» мутлақо йўл қўёлмаймиз. Мутахассислар етиштириш бўйича давлат плани бор, олий маълумот олишни истаб навбат кутаётган минг-минглаб ёшлар бор. Қелажакда биз лекцияни чинакам онгли асосга кўчириб ихтиёрий қилишимиз мумкин, лекин бунга анархия йўли билан эмас, план йўли билан келамиз, аввал шарт-шароит яратамиз. Маҳмудовнинг гапида ҳам жон бор,— Абдураҳмон Тошевич Маҳкамга бир қараб олди.— Ихтиёрий лекция чинакам самарали бўлиши учун ўқиш барча студентларнинг энг биринчи эҳтиёжига айланиши керак. Бу эса меҳнат кишининг энг биринчи эҳтиёжига айланиши билан боғлиқ.

Абдураҳмон Тошевичнинг бошқа гапларига жавоб тополмай ерга қараб ўтирган Шоазим:

— Ахир ўқиши билан меҳнатнинг орасида фарқ борку!— деб бошини кўтарди.

— Тўғри, фарқ бор, мен буни тан оламан,— деб Маҳкам хийла юмшаган товуш билан гапирди.— Лекин, сиз ҳам тан олинг: ўқишдан асосий мақсад — баланд савияли меҳнатга ўрганиш. Шунинг учун ўқишнинг тақдирни меҳнатнинг тақдирига боғлиқ.

— Шоазим, жўра, биз бу томонларини ўйламаган эканмиз,— деб Очил тилини чуқуллатиб бош чайқади.

Шоазим индамай ўрнидан турди. Унинг баҳсда енгилгани кўпчиган юзидан ва кўзини олиб қочаётганидан билиниб турар эди.

Бошқалар ҳам ўриниларидан кўтарилиди. Абдураҳмон Тошевич уларнинг учовига юзма-юз туриб:

— Бундай қилсак,— деди ишchan кишиларга хос бир бир оҳангда,— лекция ихтиёрий бўлсин деган гап учинчи курслиларни қандай чалғитганини кўрдик. Қўйиб берсак, бошқаларни ҳам чалғитиши мумкин. Қўплашиб шунинг олдини олишимиз керак. Суҳбатлашиб тушунтириш мумкин. Студентлар ҳар бир масалага жиддий қарашга ўрганишлари учун бу жуда характерли бир сабоқ.

«Интизомни бузишни қаҳрамонлик деб билмасликлари учун ҳам!»— Маҳкам унинг гапини юракдан маъқуллаб қўйди.

Абдураҳмон Тошевич ҳозир унинг кўзига илгаригидан бошқача, алланечук жуда синашта ва қадрдан кўриниарди. Бундан буён ҳамма муҳим ишларни Тошевга қўшилиб, ундан ёрдам олиб қилишини ўйлаганда ўзини аввалгидан кучлироқ ҳис қиласди. Қалбida ишонч, фарх, севинч ўтлари бири-бирига туташиб ёнар ва олами беҳад равshan қилиб кўрсатади.

## 59

Учинчи курслиларнинг хатоси кўпчиликка тушунтирилгандан кейин шов-шув гаплар тез босилди. Лекин, шу муносабат билан Темир Акбаровичнинг кўнглида Зийнатуллаевга нисбатан бир шубҳа пайдо бўлди-ю, кетмай туриб олди.

Агар Зийнатуллаев, «бу хунук ишга мен ҳам бенхтиёр сабабчи бўлибман», деб вижданан иқрор бўлганда

эди, Темир Акбарович, «ўйламай гапирадиган одатингиз бор», деб уни ўртоқларча койиб қўя қолиши мумкин эди.

Лекин Зийнатуллаев студентларни Ҳакимовга қарши отлантиргани ва сохта қаҳрамонликка ундағанидан қилча ҳам афсусланмасди.

— Учинчи курслилар менинг тўғри фикримдан нотўғри фойдаланган бўлишлари мумкин,— деярди Акбаровнинг танқидига жавобан.— Лекин бунинг учун мен ҳеч кимни айбламайман. Чунки, масалан, химфакнинг студентлари занги кислота билан йўқотишни тажриба қилиб кўришса ҳеч ким ҳеч нарса демайди. Нега истфак студентларининг синааб кўришга ҳаққи йўқ?

Темир Акбарович унинг ҳамма нарсани аралаштириб юбораётганини, у айтган «тажриба» тузук нарсаларни бузиб қўйиши мумкинлигини тушунтирмоқчи бўлди. Лекин Сулаймон Зийнатуллаевич жуда ўжар кишиларга хос бир кибр билан унга нуқсон кўрсатди.

— Бир вақтлар сиз ҳам, Темир Акбарович, хато қилишдан қўрқмаслик керак, деб дадил гапирап эдингиз. Афсуски, сўнгги вақтларда шу дадилликни қўлдан бериб қўяяпсиз. Билмадим, балки ҳар қандай киши ҳам бошлиқ бўлгандан кейин шунаقا ўзгариб қолар...

Зийнатуллаевнинг бу гаплари ўйламай ё тушунмай айтилган гаплар эмас эди. У Темир Акбаровичнинг қанақа хато ва қанақа дадиллик ҳақида гапирганини яхши биларди.

«Тушуниб, билиб ўзининг «кислотасига» қўшиб ишлатмоқчими?— Темир Акбарович энди биринчи марта Зийнатуллаевнинг қанчалик холислиги тўғрисида жиддий ўйлади:— Бу гапларини шундай самимий оҳангда, шундай яхши кийинган, ёқимли жилмайган ҳолда тажрибасиз ёшларнинг юзига сирдошларча тикилиб туриб айтса нақадар таъсирили чиқиши мумкин? Наҳотки бу шунаقا йўллар билан обрў орттирадиган демагоглардан бўлса? Ҳалигача сезмай юрган эканмизми?»

Темир Акбарович проректор Назаровнинг бир гапини эслади.

«Мен илгари сизни яхши билмас эканман, энди биляпман,— деган эди Муса Назарович қишки имтиҳон кунларида.— Сизга битта дўстона маслаҳатим бор. Бундан буён Ҳакимовдан ҳам эҳтиёт бўлинг, Зийнатуллаевдан ҳам. Ҳа, мен шу Зийнатуллаевни сиз билан бир тоифада

деб юриб панд едим. Эсингизда бордир, деворий газета Ҳакимовларни танқид қилганда: «Акбаров оммани катталарага қарши отлантиряпти» деган гап чиққан эди. Бу гап фақат Ҳакимовдан чиққан эмас. Зийнатуллаев ҳам: «О-о, бутун катталар бопланибди-ку!»— деб шу гапнинг қўзғалишига сабабчи бўлган. Ҳар сафар Зийнатуллаев сизнинг фикрларингизни ўзи истаган томонга буар экан-у, Ҳакимов унинг гапини сизниги қўшиб «иккови ҳам бир бузғунчи», деб бизни ишонтирар экан. Мен буни энди биляпман. Менинг гапимга кирсангиз, Зийнатуллаев билан ўзингизнинг орангиздаги «марзани» аниқроқ тортинг. Менимча, у сизга бегона одам.

Акбаров ўшанда буни Муса Назаровичнинг одатдаги эҳтиёткорлигидан кўрган ва унутиб юборган эди. Бироқ, энди ўзи ҳам «Зийнатуллаев қанчалик холис одам?» деб ўйланаётган бир пайтда проректорнинг гумонлари так-рор-такрор эсига тушадиган бўлиб қолди.

Бир вақтлар Зийнатуллаевнинг энди ёқлайман деб турган диссертациясидан космополитик хатолар топилган эди. Ушанда у жамоатчиликнинг қаттиқ танқидини тан олган, «диссертациямни тубдан қайта ишлайман», деб сўз берган, лекин ишламай ташлаб қўйган эди. Мана энди муқоваланган қўллёзмасининг чангини артиб Абдураҳмон Тошевичнинг олдига кўтариб кирди.

— Биз ҳам сизга ўхшаб ноҳақ жабр кўрганлардан-миз, Абдураҳмон Тошевич. Мен илгари бошқа институтда ишлар эдим. Лекин у ерда ҳам Ҳакимовга ўхшаганлар бор эди. Космополитликда айблаб мендан қасдини олган эди.

Тошев олимлар советининг раиси эди, диссертация билан таниша бошлади. Унинг диссертациясида буржуазия энг ашаддий синфий душманимиз экани бўяб кетилган, кўп масалалар объективистларча талқин этилган эди. Тошев шуни айтиб:

— Космополитизм ҳам буржуазиянинг шамоли,— деди,— шунинг учун биз унга қарши курашмай туролмаймиз.

— Ҳа, танқидимизнинг асосий нишони ҳам буржуазия сиз буни унумаслигинги керак,— деб Темир Акбарович гапга қўшилди.— Мана, Абдураҳмон Тошевич четтилларни яхши билади, империалистик пропаганда ҳозир қанақа «назариялар» ўйлаб чиқараётганини айтиб бериши мумкин. Бу «назариялар»дан бирин шуки, гўё

Маркс давридан бери буржуазиянинг очилмаган иллати қолмаган эмиш, энди биз фақат ўз «иллатларимиз»ни очиш билан шуғулланаётган эмишмиз. Сиз буни эшитмаган бўлишингиз мумкин, лекин студентларга айтган гаппингиз беихтиёр мана шу «назарияга» мос келади.

— Қачонгача биз империалистларнинг оғзига қараб иш қиласми?— қаттиқ норози бўлиб деди Сулаймон Зийнатуллаевич.— Нега душман гапирган камчилигимизни ўзимиз гапиришдан қўрқишимиз керак?

— Мен тоғдан келсам, сиз боғдан келяпсиз, Сулаймон Зийнатуллаевич. Қамчилик ҳақида душманларча гапириш мумкин, дўстларча гапириш мумкин, шуни фарқ қилинг демоқчиман. Партиямиз мислсиз жасорат билан очган камчиликларни душманлар боягидаقا «назарияга» солиб, бизга қарши қурол қилиб ишлатаётиди, сиз шу қуролга ўқ берманг деяпман! Соғлом нарсалардан иллат қидириб, студентларни чалғитманг. Синфий кураш позицияларидан чекинманг деяпман!

— Доҳиёна насиҳатларингиздан миннатдормиз!— деб заҳарханда қилди Зийнатуллаев ва Тошевнинг столи устидан ўз қўллэзмасини олиб, ўрнидан турди.

Шу-шу, Зийнатуллаев Акбаров тутган йўлни Ҳакимов тутган йўлга улаб, ҳаммасини догматизм деб атайдиган бўлди. Ўзи эса камчиликларни қўрқмай танқид қилувчи, тўлиқ ҳақиқат учун изчил курашувчи ботир ролида чиқа бошлади.

## 60

Мана шу кунларда Очилнинг ҳислари ҳаракатдаги пўлатлар орасига тушиб қолган магнит стрелкасидай титраб у ёқдан-бу ёққа бориб келар эди. Аудиторияда ҳам, ётоқхонада ҳам ҳаяжонли мунозараларнинг охири узилмас, Очилнинг таъсирчанлиги ва ёрқин фактларга мафтун бўлиб қолиш одати ҳамма нарсани одатдан ташқари бўртдириб, гоҳо бир томонлама қилиб кўрсатарди. У кўпинча Шоазимга қўшилиб Маҳкам билан баҳслашарди. Очилнинг назарида, ҳозир Зийнатуллаев факультет жамоат фикрини ботирона олға бошлар, Акбаров эса ортиқча эҳтиёткорлик қилиб орқага тисарап эди.

Ҳозир Сулаймон Зийнатуллаевич елканларини мувофиқ шамолга тўғрилаб, тўлқинларни ёриб ўтаётган

кемадай чаққон сузар, ўнгу сўлидан қарсаклар эшитилиб қолса боши осмонга етгандай бўларди.

У қарсакларни жону дилидан яхши кўрарди. Узи минбарга чиқиб бораётганда, таъсири қилиб гапираётганда, ҳаммани қойил қилиб тушиб кетаётганда қарсаклар океан тўлқинларидаи қудратли тулдураб эшитишини илк йигитлик йилларидан бери орзу қиласарди. Лекин ўзининг бу орзуси ушалиши мумкин бўлган ҳаёт чўққиларига кўтарила олмаганди: истеъоди ҳам етишмаган, нуқул шуҳратни ўйлагани учун онги ва иродаси ҳам ноchorлик қилган эди. Аммо у ҳаммасини «ташқи шароитдан», «ҳаёт»дан кўрар, ўзи кўтарила олмаган чўққиларни ерга уриб ҳовуридан тушар эди. Ўзининг ҳамма юксак нарсалардан иллат қидириши, обрўси ортган ҳар бир ҳамкасбига танқид кўзи билан қараши шундан эди.

Зийнатуллаев ўзини Акбаровдан кам деб билмас эди. Шунга қарамай ўзининг «қуруқ» қолгани, ҳатто диссертациясини ўтказа олмагани, Акбаров эса кафедра мудири бўлгани унинг ғашини келтиради. У Акбаровни журъатсизликда айблар экан, ўзининг ундан устун эканини кўпчиликка кўрсатишни беҳад истарди. Айни вақтда у ўзининг ҳақиқат учун курашиб олдинда бораётганига, докториклар билан ботирона олишаётганига ҳам ишонарди. Шунинг учун гаплари таъсирили чиқар ва қарсакларга сабаб бўларди.

Сўнгги вақтларда Зийнатуллаевга қарсак чалувчилар қаторига, ҳаммани ҳайратда қолдириб, Муҳаммаджон Эшонбоев ҳам қўшилди. Илгари бир-бирини еб қўйгудай бўлиб юрадиган бу кишилар энди бир-бирларидан бир талай яқинлик белгилари топдилар.

Ҳакимов Муҳаммаджонни тор жойда ташлаб кетгандан кейин устоз билан шотирднинг ораси кескин бузилган эди. Ҳозир Муҳаммаджоннинг Ҳакимовга нафрати Зийнатуллаевницидан қолишмасди, фақат баъзи бир гуноҳларини бирга қилгани учун очиқ айтольмасди. Илгари Акбаровга яқин бўлган Зийнатуллаевнинг энди уни Эшонбоев қатори ёмон кўриши ҳам икковини бир-бираига яқинлаштиради. Бундан ташқари Эшонбоев ҳам Зийнатуллаев каби, ҳаёт чўққиларига интилиб, чиқа олмай, қаттиқ лат еган одам эди. Зийнатуллаев ҳозир ҳамма айбни «ташқи шароитта», «ҳаётга» ағдариб, Эшонбоевнинг лат егаю жойига малҳам қўяр эди. «Ҳа,

ҳа, ҳаёт ўргатмаганда мен шундай қилмас эдим, ҳаёт мажбур қилдики, шундай бўлди», дерди Муҳаммаджон ва Зийнатуллаев билан бирга ҳаётдан айб қидиради.

Темир Акбарович шу вақтгача билмай юрган жуда муҳим бир нарсани энди уларга қараб билди:

Зийнатуллаев ҳам, Ҳакимовга ўхшаб, ҳамма ишда ўз шахсий манфаатини кўзларди. Лекин уларнинг ўртасидан гўё катта йўл ўтган-у, иккиси икки четга чиқиб кетган. Бири, масалан, тарихий ғалабаларимизни қуруқ қайд қилиб, уларнинг қандай қийинчиликлар билан эришилганини айтмай кетса, иккинчиси, аксинча, фақат қийинчиликларнинг ўзини олиб кўрсатади-да, уларнинг устидан эришилган ғалабаларни айтмай кетади. Сўнг униси ҳам, буниси ҳам фақат ўзиникини ҳақиқат деб билади-ю, бири иккинчисини мутлақо инкор этади. Ва ҳоланки униси ҳам, буниси ҳам улкан ва ўлмас ҳақиқатнинг бир парчасини узиб олган. Шунинг учун унисини ҳам, бунисини ҳам мутлақо инкор этиб бўлмайди.

Зийнатуллаев билан Ҳакимов бир-бирларининг тўғри фикрларини ҳам нотўғри фикрларига қўшиб, тўлиқ инкор этар, натижада гоҳ униси, гоҳ буниси ноҳақ жабр кўради. Шу ноҳақ жабр натижасида гоҳ унисининг, гоҳ бунисининг асл ёлғони ёпилиб, шувалиб кетарди.

Уларнинг ёлғонини ростдан ажратиш яна шунинг учун қийин эдики, иккови ҳеч вақт бевосита, яккама якка олишмасди. Тўғри йўлдан бораётган кишиларни орага солмаса уларнинг нотўғри йўл тутаётганлари дарҳол билиниб қоларди. Шунинг учун илгари Ҳакимов Акбаровни Зийнатуллаевга қўшиб қоралар эди. Шунинг учун ҳозир Зийнатуллаев ҳам Акбаровни Ҳакимовга қўшиб ёмонламоқда эди. Аслида эса Зийнатуллаев ҳам, Ҳакимов ҳам Акбаровдан кўра бир-бирларига яқинроқ эдилар, чунки иккови бир медалнинг икки қарама-қарши томонидай гап эди. Эшонбоев Ҳакимовдан узоқлашгач, Акбаровдан кўра Зийнатуллаевиа тезроқ яқинлашгани ҳам бежиз эмас эди.

Темир Акбарович бунга энди чинакам тушунди-ю, бир вақтлар Ҳакимовнинг «қизил сўзлар» билан хаспўшланган амалпарастлигини очишга қандай зўр эҳтиёж сезган бўлса, ҳозир Зийнатуллаевнинг йилтироқ қора сўзлардан иборат қалбаки «ҳақиқатпарварлиги»ни очишга ҳам шундай зўр эҳтиёж сеза бошлади. Зийнатул-

лаевнинг қўлида зўр ҳақиқат бўлиб кўринаётган нарса — аслида улкан ҳақиқатдан узиб олинган бир «ҳақиқатча» эканини у энди аниқ кўриб турарди.

— Бизнинг ҳақиқатимиз тол эмас, исталган шохини кесиб олиб ерга тиқса тол ўсиб чиқавермайди,— деди Акбаров Зийнатуллаев ҳақидаги ҳамма фикрларни партия мажлисида ўртага ташлаб.— Бизнинг ҳақиқатимиз ҳам, одам организмига ўхшаб, дунёниг энг оддий, айни вақтда энг юксак элементларидан таркиб топган. Мана шу элементлар ҳаммаси бири бири билан диалектик равишда бирлашади-ю, тирик организмга айланади, ҳаёт яратади, дунёни ўзгартиради. Лекин мана шу қўлни танадан узиб олинг-чи, нима бўлар экан? Тенгсиз гўзалликлар ярата оладиган бармоқлар ўлиқ заҳридан бошқа нарса ярата олмай қолади. Баъзи одамлар улкан ҳақиқатнинг сояли томонларини мана шундай узиб олиб, «чин ҳақиқат!» деб осмонга кўтаряпти. Лекин улар узиб олган «ҳақиқатчаларда» ҳаёт тобора сўниб ревизионизм заҳри, ўлакса ҳиди пайдо бўляпти. Империализм калхатлари ҳид олиб, уларнинг тепасида айланиб қолаётгани ҳам шундан.

Очил бунинг ҳаммасини Маҳкамдан батафсил эшиди-ю (Маҳкамнинг ўзи ҳам жуда чигал бир нарсага әндигина тушунган кишидек қизғин ишонч билан гапиради), ҳаяжондан эти жимиirlab кетди. Шу топда ҳақиқат Очилнинг кўзига ҳаракатланиб бораётган... совуқ ёлғоннинг қават-қават музларни ёриб ўтаётган... муз ёрар бўлиб кўринди. Фақат бу музёрап шундай каттаки, унинг бир борти Шимолий қутбда бўлса, бир борти Памирда, бир учни Куриль оролларида бўлса, бир учни Қалининградда. Унинг азим жуссаси ёлғоннинг асрий музларини гоҳ пўлат кўкраги билан мажақлаб, гоҳ зўр ҳарорати билан эритиб ўтади.

Очил ҳозир ётоқхонада ўзининг рўпарасида турган Маҳкамни эмас, хаёлида гавдаланаётган шу музёрапни кўрарди. Маҳкамнинг овозини эмас, қарсиллаб синаётган музларнинг овозини эшишарди. Қалбидағи магнит стрелкаси ҳам энди шу музёрапнинг йўналишига тўғриланган ҳолда мустаҳкам турарди.

— Э ҳали кўрасиз, Зийнатуллаев ҳақ эканини кейин билиб қоласиз!— дерди Шоазим Маҳкамга.

— Ҳа, Зийнатуллаевга сиз сингари қарсак чаладиганлар ҳали кўп. Унинг ҳақиқатпарварлиги қалбаки

эканини ҳали кўп одам билмайди. Лекин энди студентларни чалғитишига ҳам йўл қўйилмайди. Мажлис уни қаттиқ огоҳлантирди.

— Шу-да, баҳслашиб енголмаганингиздан кейин дарров жазо таёғини кўтариб жим қиласизлар.

Очил қудратли музёарнинг гувиллаган товушини ҳам эшита бошлади. Фақат бу гувуллашнинг аниқ тўлқинлари бор эди. Шеър тўлқинига ўхаш...

Очил вужудида ҳаяжонли титроқ билан дераза олдига келди.

Ташқарида чақмоқ ялтираб, ёмғир қуймоқда эди.

— Баҳснинг ҳам ўз чегараси бор. Шоазим, шу чегарани бузган одам тартибга чақирилади,— дерди Маҳкам.

Очил ёмғирга тикилар ва музларни қарсиллатиб синдириб бораётган улкан кемани шеър тўлқинлари орасидан кўрарди. Шеърнинг сарлавҳаси... Сарлавҳаси кейин! Мана, музёар ўз бортида тўпланиб қолган чириндилар, супуриндиларни ташлаш учун маҳсус қувурларини очади. Шунда музлар: «Ана тешилди, мана ғўкади!»— деб шовқин кўтаради.

Лекин музёар уларни аёвсиз мажақлаб, суръат билан олға боради. Музларга совуқлар, довуллар ёрдамга келади. Музёарнинг сиртига сачраган сувлар муз бўлиб қотади. Музёарнинг палубасида тўнгадиган қанақа суюқлик бўлса, ҳаммаси тўнғиб музга айланади. Мажақланаётган муз парчалари довулда палубага учиб чиқади, пўлат танага илашади.

Буни кўрган музлар энди бошқачароқ чувиллайди: «Ана музлатдик, ана, ҳамма ёғи музга айланди, энди тамом бўлади!» Ваҳимачилар ҳам «музладик, тўнгдик!» деб саросима бўлиб чопади.

Музёар эса бу шов-шувларни, бўронларни енгиб, пўлат танасига илашган музларни парчалаб, янада зўр суръат билан олға боради.

Очил буни титроқ нафас билан шеърга солади.

Маҳкам ва Шоазим ҳамон баҳслашарди.

Ташқарида ҳамон чақмоқ ялтирас ва баҳор ёмғири салобатли шовилларди.

Баҳор... Уч туп ўрик бирдан гуллаб Фаридаларнинг ҳовлисини оппоқ гўзалликка тўлдириди. Лекин Фарида уларга қарамасди, бехосдан кўзи тушиб қолса оғир хўрсинарди. У ўтган баҳорни эслаганида юраги сиқилиб кетаётгандай бўларди. Чунки ўтган баҳорда у ўзини ёмғир ювган ўрик гулидай мусафро ҳис қиларди, ҳозир эса ўша ҳиссидан ажралган эди.

Фарида пок ҳислари кирланётганини Зокир Акбаровга қарши мақола ёзиб чиқсан кунлари бир пайқаган эди. Ӯшанда мақола муҳокама бўлган, гаразли экани тўлиқ исботланган, Зокир кўп тиражли газетанинг редколлегиясидан чиқарилган эди. Лекин у ўз айбини янада оғирлаштиришдан қўрқиб, мақоланинг лойиҳасини Ҳакимов ва Бондарев ёзиб берганини кўпчиликка айттолмаганди. Фақат Фариданинг ишончидан ажраламан деб хавотирланган ва уни ўз сирига бир оз шерик қилганди. «Бу қармоққа Шавкатни ўқишига киритаётib илинган эдим», деган ва Ҳакимов ёзда қандай топшириқ берганини айтиб берганди. Бир чеккаси у Акбаровнинг «бузуқ йўналишдан» бораётганига, Ҳакимовнинг бу ҳақдаги фикрларига чиндан ҳам ишониб юрар эди.

Фарида Зокирни гуноҳсиз бир қурбон деб билиб қаттиқ ачинди, унинг олдида Шавкат учун ўзини гуноҳкор ҳис қилди. Зокир бошқа ҳеч кимга айтмаган сирини унга ишониб айтганидан алланечук қувониб ҳам қўйди.

Шундан кейин тўй тайёрганини аввалгида давом этди.

Аммо Зокир «устозим» деб юрган Ҳакимовнинг айблари очилганда, Акбаров ҳақ эканлиги ҳаммага аён бўлганда, Шавкат ифлос ишлар қилиб факультетдан ҳайдалганда Зокир айтган сирнинг чиркин томонлари тобора яқол кўрина бошлади. Фарида энди бу сирни кўксига кириб қолган занги бир осколкадай озор чекиб кўтариб юради. Наримоннинг ёнида ўзини гулдай ҳис қилган пайтлари эсига тушар, бироқ энди у дамлар отилган ўқдай қайтиб келмайди деб ўйларди.

Отилган ўқдай қайтиб келмайди деб ўйлашига сабаб бўлган ишлардан бирин янги йил кечасида юз берганди. Студентлар балидан кейин Зокир Фари-

дани уйларига кузатиб келган ва бошқа ҳеч ким бўлмагани учун (Фариданинг ота-онаси янги йилни шаҳар четидаги ошналариникида кутиб, ўша ерда ётиб қолишганди) иккови бирга тунаганди. Зокир буни олдиндан билгандай чўнтағига шампанский солиб келган экан...

Фарида Зокирга бўшгина қаршилик қиласар экан, бир зумгина Наримонни эслаган: «Йўқ, Наримон бундай қилмас эди», деб кўнглидан ўтказганди. Аммо шу заҳоти бу ўйини хаёлидан қувган эди. Чунки Зокир билан Наримонни бир-бири билан таққосласа виждони азобланарди. «Муҳаббат — таққослаш у танлаш эмас, муҳаббат — ҳамма нарсани унтишу юрак стихиясига берилиш», деб шивирларди унга ширин бир ички овоз...

Шундай қилиб, янги йил туни ҳам тўй ҳозирлигини хийла тезлаштириди. Фарида ўзини оқимга қўйиб бериб кўйлаклар тикдирар, бошқа ҳар хил майдада-чўйда заруратлар билан шуғулланар, лекин кўнглининг бир чеккаси қандайдир хижолатдан, кирдан аримасди. Баъзан Зокирга қарагиси келмай қолар ва ўз ихтиёрига қарши ўлароқ илгариги дамларни қўмсар эди.

Зокир унинг Наримон билан ўтказган баҳтиёр дамларини унтуломаётганини сезганда жуда рашки келар ва жеркиб гапиради. Айниқса янги йил тунидан бери у Фаридага тик гапиришдан тоймайдиган бўлиб қолганди.

Жанжал арзимаган нарсадан чиқди. Зокир Фаридага пушти гулли панбархит ҳадя қилган, «шу рангни яхши кўраман», деб бирнеча марта айтган эди. Бироқ, Фарида буни қўйиб, сиренъ гуллисидан кўйлак тикдирди. Бу рангни Наримон яхши кўриши Зокирга маълум эди, жони чиқиб кетди:

— Наримонга берган ўпичларингиз ҳеч эсингииздан чиқмайди шекилли!

Фарида бу рангни Наримон яхши кўради деб танлаган эмас эди, албатта. Чунки у Наримонни ўйламасликка жон-жаҳди билан тиришарди, уни эслаганда қалби беҳад азобланарди. Лекин у Наримондан қолган хотиралари таъсирида беихтиёр шу рангни танлаган эдики, буни ўзи ҳам энди билди.

— Нима?— деди у, ҳам шуни билганидан чўчиб, ҳам Зокирнинг заҳархандасидан ҳанг манг бўлиб,

«Ҳали бунақа таъналари ҳам борми!» деб ўйлади-ю,

бирдан ғазаби келди:— Чиқмайди!— деди ўчакишиб. Аммо шу заҳоти Наримон чиндан ҳам эсидан чиқмаётганини янада чуқурроқ сезди-да, аламдан йиғлаб юборди.

Зокир унинг нега йиғлаётганини сезиб бадтар жаҳли чиқди.

— Чиқмаса нега бошқага ўпич берасиз! Киши биттани дейди-да! Бунақада нарироққа бориб учинчи бир киши...

— Бас!!— Фарида унинг ҳадясини шкафдан олди-ю, оёғи остига улоқтириди.

Тўй бузилди.

«Битта кўйлак туфайли тўйни бузманглар», деб насиҳат берувчилар кўп эди, албатта. Зокир ҳам жаҳлидан тушгандан кейин бу гапни кўп такрорлади.

Аммо, киши ҳамма нарсани кечирса ҳам, пок муҳаббатини куядай билинтирмай еган одамни кечира олмайди. Фарида ўзининг Наримонга муҳаббатини Зокир худди куядай билинтирмай егани ва булғаганига энди тушунганди.

\* \* \*

Наримон диссертациясини ёқлаб бўлиб, илк кўклиам пайти Ленинграддан қайтди. Маҳкам бир кун кутубхонага кираётиб, эшик олдида унга дуч келди. Наримон узоқ жойдан чопиб келган одамдай энтикар, бўғиқ овоз билан гапирав, кўзлари олазарак бўлиб атрофга қаради. Маҳкам унинг Фаридани кўрмоқчи эканини дарҳол сезди.

Залнинг тўрида Фарида диплом иши ёзиб ўтирган эди, Маҳкам уни чақириб, эшикни кўрсатди-ю, ўзи ичкарида қолди.

Маҳкам уларни анча вақт гапиришар деб ўйлаган эди. Лекин орадан беш минут ўтар-ўтмас Фарида йиқилиб тушадигандай мажолсиз бир аҳволда гандираклаб қайтиб кирди. Маҳкам унинг мурданикидай кўкимтирсарғиши юзига қараб қўрқиб ўрнидан турди. Қўлтиғидан суюб жойига олиб бориб ўтқазди.

Ўша куни Маҳкам ҳеч нарса сўрамади. «Наримон, алами келиб, қаттиқ гапирган бўлса керак», деб тахмин қилди.

Фарида кун сайн озиб, алланечук руҳи тушиб, кўпчиликка қўшилмайдиган бўлиб борар эди. Маҳкам бир кун аудиторияда уни холи топиб:

— Нима бўлди? — деб сўради.

Унинг саволида чуқур дўстона ҳамдардлик борлигини сезган Фарида бирдан қўзига ёш олди.

— Мен пок ҳисларимни ўткинчи ҳирсга қурбон қилдим. Ўзимга ўзим қилдим!.. Бошимни йўқотиб қўйтганим йўқ эди! Ўзимни қўйиб бериб балога йўлиқдим. Зокир оҳ деса оғзидан тутун чиққандай бўлиб, раҳмим келиб алдандим. Ўлганим яхши эди бу кунимдан!

Фарида юм-юм йиғлар эди.

— Ахир бўлмаса... — Маҳкам дудуғланиб қолди: — У куни Наримон нима... Хафа қилдими?

Йўқ, Наримон унга бир оғиз ҳам ёмон гапирмаган эди.

— Нега бўлмаса яраша қолмайсизлар?

Фарида йиғлаб бош чайқади: у она бўлиши керак эди.

— О, шундайми...

Фарида билан Наримоннинг ўша кунги учрашуви нега мунча қисқа бўлганини ҳам Маҳкам энди англади. Шундан кейин Зокир унга аввалгидан ҳам ёмон кўрина бошлади. Лекин унинг ота бўлиши кераклигини ўйлаб Маҳкам унга бир кун ўртоқларча гапириб кўрди.

Фариданинг ҳомиладорлигини биладиган Зокир бари бир тўй бўлади деб кўнгли тўқ эди.

— Мен шахсий ишларимни сизсиз ҳал қила оламан, — деб Маҳкамнинг гапини писанд қилмади.

Фарида бошқоронги бўлиб, овқат еёлмай, дармони кетиб қолган эди. Шунинг устига Зокир маст бўлиб бориб: «Тўйни бузувдинг, энди Маҳмудовга шикоят ҳам қилияпсанми?» — деб жанжал кўтарди. Устма-уст хафачилклар, оғир кечинмалар натижасида Фарида охири касалга чалинди-ю, ҳомиладан ҳам ажради.

Зокир довдираб қолди. Бундай пайтларда у аламини ароқдан оларди. Бир кун Мирсаид иккови оёқда туролмайдиган даражада маст бўлишди, телефон станциясига киришиб, арзимаган нарсадан жанжал чиқаришди-ю, хизматчиларга дўқ уриб, шикоят дафтарини талаб қилиб сиёҳдонларни ерга отиб, тўполон кўтаришди. Милиционер кириб ҳужжат талаб қилса беришмади.

— Кимсанлар? — деб сўраганда Мирсаид Зокирни

тарих факультетининг комсомол секретари деб танитди. Қип-қизил маст бўлган Зокир ҳам, ўтган йили секретарь бўлгани эсига тушиб, «Ҳа» деб тасдиқлади. Иккови шикоят дафтарига бемаъни талабларини ёзишиб, Маҳкам билан Очилнинг имзосини қўйиб чиқиб кетишиди.

Эртаси куни Маҳкамни комсомол комитетига чақиришиб, «қилган безориликларига» изоҳ талаб қилинди. Албатта, англашилмовчилик юз бергани тез маълум бўлди. Телефон станциясидагилар Зокир билан Мирсаиднинг қиёфасини гапириб бердилар.

Зокир факультетга келмас эди — ҳозир бешинчи курсда лекциялар тўхтаган, ҳамма диплом иши ёзар эди. Факультетта бир кириб чиқсан Мирсаид унга телефон қилиб, туҳматчилар қидирилаётганини ваҳимали тарзда айтди. Зокирнинг аъзойи баданидан совуқ тер чиқиб кетди.

Баъзан шундай бўлади: хафачиликлар бири ортидан бири келиб, тобора кўпайиб, кучайиб, чўққисига чиқади-ю, ё кишини эгиб синдиради, ёки ҳар қандай хафачиликларда ҳам ўзини йўқотмайдиган қиласди. Зокир ҳозир хафачиликларнинг мана шундай чўққисида эди. Севган қизи Фаридани оғир аҳволга солгани, Ҳакимовларга эргашиб, Мирсаид билан дўстлашиб туҳматчиликкача бориб етгани (ахир у Акбаровга ҳам туҳмат қилган эдику!) қўрқинчли бир тусда кўринарди.

«Бююда шахсий ишимни кўриб, туҳматисан деб комсомолдан ҳайдашса-я,— деб ўйласа борлиги ларзага келарди.— Балки билишолмас. Йўқ, телефон хизматчилари юзлаштирса айтиб беради. Маҳмудов билан Акбаров Энди боплаб қасд олишади! Аҳмоқман, ўзимни-ўзим тутиб бердим! Аҳмоқман! Энди уйдан чиқмай ёта берсаммикан? Милиция юборишса-чи?»

Милиция-ку юборишмади, лекин у билан Мирсаиднинг шахсий ишини комсомол бюросида узоқ муҳока мақалини килишиди.

«Бузук йўналиш» деган мақола лойиҳасини Ҳакимовлар ёзиб берганини ҳам Зокир шу бююода бўйнига олди.

## 62

Ўрик ғарқ пишган, ҳандалаклар энди ҳид таратган иссиқ ёз кунларини бирида Маҳкам Москвадан телеграмма олди: «Тўққизинчида, йигирма тўртинчи поездда, олтинчи вагонда йўлга чиқдим, кутиб ол, Гавҳар».

Қувонч ҳам кишини алангадай ловиллатиб кўтариб юборишини Маҳкам шунда билди. Қўзига узоқ ўрмонларни оралаб югуриб-елиб яқинлашаётган поезд, вагон деразасидан олдинга талпиниб қараётган Гавҳар кўриниб кетди. Поезд шовқини эса худди ўтган йил ёздагидай ўз кўкрагидан эштила бошлади.

Маҳкам тонг пайти вокзалга чиқди. У кутишга чиққанлар орасида Гавҳарнинг уйидан кимнидир учратарман деб ўйлаган эди, лекин ҳеч ким кўринмади. Гавҳарнинг яқин қолгани ҳар эсига тушганда қулоғига бир эштилаётган поезд шовқини, охири станцияга кириб келган поезднинг ҳақиқий шовқини билан алмашинди. Маҳкам вагон деразаларидан бирида Гавҳарни кўрди-ю, чиқаётган одамлар оқимига қарши шўниди. Кейин нима бўлганини аниқ билмайди. Гавҳарни қушиб купега тортдими, ёки у ўзи ҳали купедан чиқмаган эканми. Бир вақт қараса иккови ҳаммадан кейинда қолибди. Гавҳарни кўксига босиб титраб ўпяпти. Гавҳар унинг бўйнига қўлини солган. Маҳкам атрофда одам йўқлигидан қувониб дафъатан айтган гапи:

— Уйларингиздан ҳеч ким чиқмабдими?— деган сўзлар бўлди.

— Уйдагилар билмайди.

Маҳкам Гавҳарнинг ёлғиз учрашишни истаб, уйга атайлаб хабар бермаганини овозидаги ҳаёдан сезди ва миннатдорлигини қандай айтишини билмай яна ўпди. Кейин Гавҳар унинг ёноқларини боланикига ўхшатиб кафтлари орасига олди-да:

— Битирганингиз учун!— деб журъатсизгина ўпди.

Вагондан тушаётгандаридан Маҳкам Гавҳарнинг анча оқариб, тўлишиб келганини сезди. Ўзининг қуёшда қорайиб кетган қўлларига қараб:

— Тошкент иссиқ,— деб қўйди.

— Шу иссиқни ҳам соғинар экан киши.

Маҳкам унга «яна нимани соғиндингиз?» дегандай қаради. Гавҳар «сезмадингизми?» дегандай қилиб лабини қимтиб кулимсиради. Табассуми нақадар таниш!

— Хатингизни олдим,— деди Гавҳар табассумидек беҳад таниш овоз билан.

Гап қайси хат ҳақида эканини Маҳкам дарҳол англади. Баҳорнинг охирги кунларида у Гавҳарни беҳад соғиниб бир хат ёзган эди. Факультетда бўлган яхши ўсгаришлар, Гавҳар кетгандан бери бошидан кечирган

хилма-хил воқеалар Маҳкамнинг кўнглини ёритиб, ўзинга ҳам, одамларга ҳам ишончини беҳад оширган эди, бунинг таъсири ўша хатга ҳам урганди.

«Нима бўлдики,— деб у ҳозир ўша хатини эслади,— ўтган йил ёздан бери орамиздан ғубор кетмайди? Бу ғубор мени қанчалик қийнаганини сизга ҳали айтганим йўқ. Гапнинг рости, мен сизнинг тўсатдан олти йилга кетиб қолганингизни ҳали ҳам муҳаббатингиз кучсиз бўлганидан кўраман. Бошқа сабабларга ақлим етса ҳам, энг муҳим сабаб — ўша, деган гумон кўнглимдан ҳеч кетмайди. Бу гумонни тарқатадиган меҳр-муҳаббатни хатларингиздан қидирдим. Билинг, Гавҳар, мен сизнинг меҳр-оқибатингизни фақат ўзим учун қидирган эмасман. Меҳр-оқибат ҳам икки томондан бўлганда керак. Битта қанот кимга керак? Шунинг учун қидирдим. Мана, биз студентлик ҳаётидан чиқиб кетяпмиз. Энди янги бир ҳаётга қадам қўймасдан олдин ҳаммасини билмоқчиман. Сиз менга очиғини айтинг, гумоним нотўғри бўлса тўлиқ ёзинг...»

— Жавоб ўрнига ўзим келдим,— деди Гавҳар.

Бу унинг «ҳозир шундай учрашганимиз ўша хатнингизга жавоб» дегани эди. Маҳкам буни англади. Аммо, бу жавобни унинг ўз оғзидан эшилмаса воқеий бир нарсадай ҳис қилолмас ва кўнгли жойига тушмас эди. У Гавҳарнинг лафзи ҳалоллигига ишонар эди. Унингча, қиз бола муҳаббатини ўз тили билан айтса катта масъулият олган, зўр садоқат ваъда қилган бўларди.

Гавҳар ўтган йили Маҳкамнинг бу истагини ўринлата олмасди. Ҳаё қилишидан ташқари ҳали ўз туйғуларини сўз билан айтиб берадиган даражада яхши билмасди. Ҳаё қилишнинг ҳам бир сабаби ўзига ишончи у қадар зўр эмаслигидан эди. Лекин, энди севган соҳасида бир йил ўқиб, Москвада кўп нарсага янгича тушуниб, илгаридан хийла дадил бўлиб қайтганди.

Эртаси куни иккови ўша яхши кўрган ўрмон-паркларига сайлга чиқиб қайиқда сузаётгандарида:

— Ўзингиз нега унақа хатлар ёздингиз?— деди Гавҳар.

— Қанақа?

— Меҳр-оқибатни аввал ўзингиздан қидиринг эди. Сиз «муҳаббати кучсиз!» деган бўлсангиз, мен ҳам айрилиққа чидамингиз йўқ экан, меҳрингиз фақат кўзингизда экан, деб ўйладим.

— Нега айтмай юрдингиз бўлмаса?

— Ие, қайси қиз аввал айтади?

Маҳкам эшкак эшишдан тўхтаб, лабида давомли табассум билан унга тикилиб қолди.

У шу куни Гавҳарни ҳали ўзига номаълум бир қиёфада кўрди. Гавҳар унга муносиб бўлишни истаб ўз севган соҳасини қидирганини, муҳаббати кучли бўлганидан ва Маҳкамга чексиз ишонганидан шундай катта айрилиққа журъат этганини энди билди.

Шундан кейин суҳбат жўн ва эркин қуюла бошлади. Гавҳар ўзининг ўқиши (у биринчи курсни аъло баҳолар билан битириб келган эди), Москвадан олган таассуротлари ҳақида гапирап экан, бир неча марта ўзбек архитектурасини ҳам тилга олди. Классик архитектура фазилатларини ҳозирги давр архитектурасининг фазилатларига Навоий театри биносидаги каби пайванд қилиб кўрсатадиган бинолар ҳам кўп кераклигини айтди. Келажакда САГУнинг янги монументаль корпуслари Тошкентнинг қаерига тушиши мумкинлигини, Ҳамза театрининг янги биносини қандай тасаввур этаётганини тўлқинланиб гапирди. Кейин Навоий проспектидан ўтаётганларида, «баъзи бинолар бундай катта кўчага пастлик қиласи, архитектор шу ёғини ўйламабди» деб ҳам қўйди.

— Иккинчи курсга энди кўчган студентка учун бу кўплек қилмасмикин? — деди Маҳкам унинг танқидидан завқли кулиб.

— Фақат иккинчи курсгами? Бу ерда ўқиганим-чи? Утган бир йил ҳам бекор кетган эмас, билиб қўйинг. Кейин Москва шундай жой эканки, ундан Тошкент ҳам бошқачароқ кўринар экан.

— Бошқачароқ?

— Ҳа, янги томонлари билан кўринар экан, яққолроқ, тўлиқроқ бўлиб.

Маҳкам Гавҳарнинг русча гапиришга ўрганиб кетганини, баъзи фикрларни русчадан таржима қилиб айтиётганини энди сезди. Лекин бу фикрлар — унинг ҳаётига янги кирган, ички дунёсини бойитган ўтли фикрлар эди. Маҳкамга улар бир янгиликдай туюларди. Ў ҳозир ўзи ҳам сезмай Тошкентга Гавҳарнинг кўзлари билан қарар эди. Шу қарашда илгари ҳеч ўйламаган нарсалар хаёлига келарди:

«Ҳақиқатан ҳам,— ўйланарди у,— архитекторлар

ҳам ижодий интеллигенциянинг катта бир отряди-ку. Тошкентнинг ҳозирги машҳур ёзувчиларини, композиторларини, рассомларини биламиз, лекин нега шулардай машҳур архитекторларини билмаймиз? Ё архитекторлар камроқ чиққаними? Еки катта иш кўрсатгандарни камми?

Уларнинг ютуқларини бошқа ижодий отрядларни кига солиштириб қараганда оз кўринади. Гавҳар мана шу ютуқларни қўлидан келганича кўпайтириш орзуси билан ёнади».

Маҳкам Гавҳарнинг ўқишида нақадар катта маъно борлигини ҳам энди англади. Ўзи ҳам катта орзулар билан ўқигани учун Гавҳарнинг интилишига ич-ицидан ҳурмат сезди.

Бу оддий ҳурмат эмас эди. Одатда қизнинг гўзаллигини, ақлини ҳурмат қилиб севиш қийин эмас, лекин ишини ҳам чинакам ҳурмат қилиб севиш қийинроқ. Маҳкам билан Гавҳарнинг орасида узоқ вақт туриб қолган ғубор— бир жиҳатдан мана шу қийинчиликнинг ғубори эди. Ҳозир Маҳкам Гавҳарнинг интилишларини ўз интилишларида тушуниб, кўксида бир эмас икки юрак уриб тургандай куч, ишонч сезаётган бир пайтда кўнгли ҳам ғубордан тез тозаланарди.

Гавҳарда эса Маҳкамнинг севган ишига ҳурмат ўтган йилиёқ пайдо бўлганди. У Маҳкамнинг келажагига қараб, болаларга тарбия берувчи олижаноб бир ўқитувчини кўз олдига келтиради.

## 63

Лекин битирувчиларни ишга тақсимлаш вақтида Маҳкамни Тошкентнинг раҳбар комсомол ташкилотларидан бири ишга сўради. Уч юз кишилик ташкилотга бош бўлган Маҳкам энди юз минглаб кишини бирлаштирувчи ташкилотда бўлим бошлиғи бўлишини кўз олдига келтирди-ю, юраги дов бермади. Ўзининг орзуси бошқа эканини айтди.

Темир Акбарович бош чайқаб:

— Сиз ҳали ўзингизга яхши тушунмас экансиз,— деди-да, ўша куни Маҳкам билан узоқ гапиришди.— Биласиз, ҳар бир тарбиячи ўзи тарбиялаётган кишининг келажаги ҳақида орзу қилади. Энг зўр қобилият, энг

кўп маънавий куч талаб қиласиган ишларга борсин деб орзу қиласиди. Шундай иш нима, биласизми?

— Менимча,— ўйланиб қолди Маҳкам,— бундай ишлар кўп.

— Тўғри, лекин уларни битта сўз билан айтиш ҳам мумкин. Тарихда бизнинг жамиятимиздай яхши уюшган, ҳар томонлама марказлашган жамият бўлган эмас-а, тўғрими? Шунинг учун бошқа ҳеч қайси жамиятда раҳбарликнинг роли биздагичалик кўп томонлама, биздагичалик масъулиятли бўлган эмас. Агар билсангиз, ҳозир энг қобилиятили, энг чуқур билим, энг пок юрак, энг кучли ирода талаб қиласиган иш мана шу. Нега десангиз, одамларнинг кучи бирликда. Нега жамият деймиз? Чунки одам жамиятда одам. Нега шахсиятпарастларни ёмон кўрамиз? Чунки улар одамни одамдан ажратади, коллективнинг тўқимасини куядай билинтирмай ейди. Бизда яхши раҳбар юзлаб, минглаб кишиларнинг юрак ҳароратини бир жойга тўплаб учқундан аланга чиқарадиган одам. Бизда яхши раҳбар— коллективнинг ўқи: ўқ бўлмаса машинанинг деталлари сочилиб кетади. Бизда яхши раҳбар— ўзига хос геолог: одамларнинг қалбида ётган қимматбаҳо фазилатлар конини қидиради, топади, ишга тушуради. Бизда яхши раҳбар ҳаётни билишда олим бўлиши керак, одамларни бошқаришда— санъаткор. Бизда яхши раҳбар— энг яхши тарбиячи бўлиши керак, чунки тарбиянинг ҳам, раҳбарликнинг ҳам марказида одам туради, одамларга ғамхўрлик туради. Бир ўйлаб кўринг мана шунақа ҳар томонлама яхши раҳбар кадрларга эҳтиёж нақадар катта! Мен сизнинг келажагингиз тўғрисида орзу қилганимда, (ҳа, менинг сиз тўғрингизда ўз орзуларим бор!) мана шу энг қийин, энг муҳим ишга ярайсиз деб ўйлар эдим. Ҳозир ҳам ишонаман. Шунинг учун сизни бу ишга мен тавсия қиласиган эдим.

Маҳкам Акбаровнинг бу сўзларидан ниҳоятда таъсирланган эди. Ҳозир буни Гавҳарга айтиб бериб яна тўлқинланиб кетди.

— Мен бу гапларни умрбод унутмасам керак. Эҳ, Гавҳар! Дунёда шундай одамлар борки, бир эсга олсангиз кўнглингиз чироқдай ёруғ бўлиб кетади. Ўша куни Акбаров тавсия қиласиган ишга астойдил рози бўлдим. Кейин хайрлашаётганимизда: «Сизни бир хафа қилганман-а»,— деб қолди. Ҳў, ўтган йили мени бир

лекцияга киргизмаган эди-ку, шу эсида турган экан, «ҳали, ҳали ичим ачийди», дейди. Мен нима дейишимни билмай қолдим. «Э, қўяверинг, аллақачон унуганиб юборганиман», дедим. Ваҳоланки унуганим йўқ. Ушанда ҳам Акбаров менга яхшилик қилган экан, кейин билсам, мени аудиториядан эмас, Зокирнинг йўлидан чиқариб юборган экан.

Маҳкам нима ҳақда гапирмасин, Гавҳар буни ҳаммасини ҳозир ўз бошидан кечираётгандай бўларди. Шу билан бирга уни яхшироқ билиб бораарди. Мана, Маҳкам унга Зокир ва Фаридани, улар туфайли қандай ўйларга борганини, нималар қилганини бир-бир айта бошлади.

— Зокир анча дуруст бўлиб қолди,— деди у ҳикоясини тамомлаб.— Лекин, Фарида на унга бўлди, на Наримонга. Бахтимни янгидан қидираман деб Фарғона томонга ишга кетяпти. Тақсимот пайтида ўзи шундай сўради.

Гавҳар кўлнинг жимир-жимир тўлқинларига тикилиб бир лаҳза жим қолди. Гўё шу тўлқинлар Фариданинг муҳаббатини ютган эди-ю, энди Гавҳарнинг муҳаббатини чироқ нурига қўшиб жимирлатиб акс этдиарди. Гавҳар ҳам Фарида учун ачинарди, ҳам ўзининг нурдай тоза муҳаббатидан фахрланарди, ҳам садоқат нақадар юксак нарса эканини одатдагидай аниқроқ ҳис қиласарди. У бoshини кўтариб, Маҳкамнинг қалбида ҳам шундай туйғу борлигини сезди.

— Ҳалиги... Ким... Эшонбоев қалай?— сўради Гавҳар, қайиқдан тушиб морожное еяётгандарида.

Маҳкам Эшонбоевни сўнгги марта Темир Акбаровичнинг ҳузуринда кўрганини эслади. Хийла рангини олдириб қўйган. Диссертациясини муҳлатида тугата олмаган бўлса ҳам, лекин ҳисобот тариқасида кафедрага кўрсатгани олиб кирган эди. Темир Акбаровичдан яхши гап кутмаслиги, «ўшанда ерга уриб танқид қилган эди, ҳозир-ку, кафедра мудири», деб хавотирланаётгани билиниб турарди. Бироқ, у кузда «косонгина ёқлаб олиши»дан умидини узиб, анча меҳнат қилган экан. Темир Акбарович гапни кутилмагандага шундан бошлади. «Мана, ишласангиз бўлар экан,— деди.— Давлат сизни ўн саккиз йил ўқитди. Шу бекор кетмаслиги керак. Сиз Зийнатуллаева га қўшилиб ҳамма айни шароитга ағдариб юраверганингиз билан ҳеч нарса чиқмайди. Агар чиндан шароит айбдор бўлганда ҳаммамиз сиздақа ёки Ҳакимовдаقا бўй

тишимиз керак эди, чунки ҳаммамиз бир умумий шароитда яшаяпмиз. Яхиси ҳаётингиз шунақа бўлиб чиққанига ўзингиз қанчалик айбор эканлигинизни, Ҳакимов қанчалик айбор эканлигини бир ўйлаб кўринг. Диссертациянгиз бу сафар менга анча умидли кўринади: биз истаган ёрдамингизни берамиз». Бунақа гапларни мутлақо кутмаган Эшонбоев жуда таъсиrlаниб, «ўйлаб кўраман» деб чиқиб кетди. Темир Акбарович Маҳкамга ўйчан қараб: «Буни Зийнатуллаевнинг таъсиридан ҳам қутқариб олсак яхши бўлар эди-да», деб қўйди.

— Хуллас, факультетда ҳали иш кўп экан-да,— деди Гавҳар буни ва Зийнатуллаев тўғрисидаги гапларни ба-тафсил эшишиб.— Ҳа, айтмоқчи, сиз билан бирга тургандар ҳаммаси битирдими?

— Битирди. Шоазим ўз юртига ишга кетмоқчи. Сергей Чумичкинни билардингиз-а? Археология бўлимида эди. Ўтган йили ёзда экспедицияга қатнашиб, иккита қадимий хум ҳам топиб келган эди. У аспирантурада қолди. Май байрамида унинг Анна билан тўйини ўтказдик.

— Ҳалиги бизнинг агитатор-чи?

— Очилми?— кулди Маҳкам.— Э, у агитаторларинг шоир бўлиб кетди. Ҳа! Журналларда ҳам шеърлари чиқиб, нашриёт китобчасини қабул қилиб, анча танилиб қолди. Тақсим вақтида республика газетасидан одам келиб, ишга сўраб олди. Ишлайпти. Айтмоқчи мен сизга энг муҳимини айтмабман. Ҳозир, ҳозир...

Маҳкам чўнтагини ковлай бошлади.

## 64

Очил Маҳкамдан «ўпишасизларми?» деб сўраган пайтларида ўпишиш кинодагидай осон нарса деб ўйлар эди. Бироқ энди ўзи Замира билан томошаларга бирга тушиб, аудиторияларда бирга дарс тайёrlаб, ҳафталар, ойларни бирга ўтказса ҳам ҳеч ўпишга журъат этолмасди, биринчи ўпич унга тоғдан-тоққа сакрашдек қийин туюларди.

Унинг вужуди эҳтиросга тўлиб кетарди. Замира билан учрашмасдан олдин, «албатта шу бугун пайтини топиб ўпип оламан», деярди. Аммо Замиранинг олдига келгандан кейин, унинг маъсум юзига, оловли кўзларига маҳлиё бўлгандан кейин бусиз ҳам ўзини баҳтиёр ҳис қила бошларди. Бироқ ўпиш нияти ҳам эсидан чиқмасди.

Упиш катта бир синовдек (Замиранинг қанчалик севишини кўрсатувчи синовдек) кўринарди. Шу синовдан ўтмоқчи бўлиб, у Замиранинг юзига қаарарди. Аммо кўз кўзга тушар эди-ю, ўпич яна бир тоғдан иккинчи тоқقا сакраб ўтишдек ваҳимали кўриниб кетарди. Очил Замиранинг соф юзига ўз ўпичим билан доғ тушираман деб қўрқарди, айниқса унинг кўзларига қараб уялар, ҳайиқар эди.

Шундай бўлса ҳам бир кун аудиторияда иккови дарс тайёрлаб ўтирганларида Очил таваккал қилиб кескин бир ҳаракат билан Замиранинг лабига лабини қўйди. Бу ўпич эмас, шунчаки бир интилиш эди. У Замиранинг мулоим ва бир оз салқин лабини ўз лаби билан сезган заҳоти қилган ишидан чўчиб, сакраб ўрнидан турди. Бир неча қадам нарига чекиниб, алланарсаннинг портлашини кутган кишидек бўлиб Замирага кўзини жавдиратиб қаради.

Замира уялиб чиқиб кетди.

Биринчи марта шунақа ўзини деярли зўрлаб ўпган Очил, иккинчи марта, хилват кўчалардан бирида Замиранинг гўзаллигига маст бўлиб ўзини тута олмай ўпди. Шу вақтгача уларнинг муҳаббати битта зўр гулхандай ёнган бўлса, энди унинг ёнига гўё иккинчи зўр гулхан ҳам қўшилди-ю, ҳисларини мисли кўрилмаган даражада алангалашиб юборди. Энди Очил Замирани яrim кун кўрмаса туролмайдиган бўлиб қолди. Ётоқхоналари яқин, кунига икки уч марта боради, баъзан феъли тезлик қилиб айтишиб қолади, лекин сал вақт ўтмай яна ярашади.

Маҳкам уларнинг бирини ётоқхонада, бирини бюрода кўп кўрар, иккови бир-биридан бир соатга ҳам ажрашгиси келмаслигини сезар эди.

Сергей уйлангандан кейин улар шароит яхши бўлса оила ўқишга халақит бермаслигини ўз кўзлари билан кўришди. «Чиллаки чиллакини кўриб чумак уради» дегандай, Сергейларга қараб биринчи марта тўй ҳақида гап очишли. Очил Сергейларникига ўхшаган студентча тўй ўтказишни ўйлар эди. Лекин Замира ойисининг орзу-ҳавасларини айтди. «Опамнинг тўйи ҳам дуруст бўлмаган эди, маҳалланинг ошини кўп еганимиз, ойимлар уладилар», деди.

Шундан кейин Очил орзу-ҳавасли тўйга тайёрланиб, шеърларига теккан пулинни йиғди. Қишлоқда отаси ҳам

ир-иккита мол сотиб берди. Керакли сепларни иккови шу ердан олиб таҳт қилишди-ю, яқинда Замира Наманганга жўнади. Ойилариға гапнинг учини чиқариб, тайғарлик кўриб турадиган бўлиб кетди.

— Янаги ҳафта Наманганда тўй,— деб Маҳкам чўнагидан машинкада ёзилган таклифномалар олди ва Гавҳарга Очилларнинг тарихини айтиб бериб давом этди.— Одамларни тўйга айтиш менга юкландган, шунинг чун, мана, таклифномангиз. Замира ҳам сизни албатта келсин деб тайинлаб кетган эди.

— Шундан-шунга? Тўйга?

— Бўлмаса-чи! Лекин, ажойиб тўй бўлади-да. Ўйлаб ўринг: йигит бир юртдан, қиз бошқа юртдан, уларнинг ёру дўстлари бошқа юртдан. Ҳаммаси ҳар қаёқдан йўлга чиқиб бир жойда учрашади. Анча одам айтганмиз, ҳаммаси куёв тўра билан бирга йўлга чиқади. Шундай шарт қўйдик: ҳар ким йўл харажатини ўз ёнидан чиқади, Очилга ёрдами шу бўлади. Бўлмаса унга жуда қийин бўлиб кетар эди. Кейин булар йўлга чиқкан куни Самарқанд томондан Очилнинг қариндош-уруглари Ҳозосга келиб туришади. Очил ўтаётуб бирга олиб кетади. Гўйбошимиз Акбаров, ҳозир Шоҳимардонда дам оляпти, мен унинг муовиниман. Ҳа, индин пулни тугиб йўлга ниқишим керак, Темир Акбарович билан бирга олдинроқ бориб тайёргарлик кўриб турамиз.

— Мен бир ўзим.. бораманими?— деб Гавҳар беихтиёр маъюсланди.

Маҳкам унинг елкасидан қучди-да, қувониб силкитди:

— Нега? Ҳозир Замирага сиздай бир ўртоқ ҳам керакдир. Уйдан рухсат сўранг...

Очилнинг: «Мириқиб сұхбатлашмоқчи бўлсанг узоқ йўлга бирга чиқ» деган гапи нақадар тўғрилигини Маҳкам Наманганга Гавҳар билан бирга бораётуб билди.

Тўйни ўтказиб Замирани олиб қайтаётгандарига Шоазим Очилнинг беҳад очилиб кетганига ишора қилиб:

Очилди гули очилди-е,  
Очилди-е, омонёр!—

деб ашула тўқиди. У «Очилнинг» деган сўзини ҳам қишлоқча талаффуз билан «Очилди» деб айтиб чиборйли сўз ўйини топгани, яна буни кулгили қилиб айта-

ётгани жуда завқли ва ёқимли эди. Орага жимлик тушиб қолса, йўл зериктирса, ё Шаозим, ё бошқа бирор туриб-туриб:

Очилди гули очилди-е!—

деб ашула бошлаб юборар, шу билан ҳамма дарҳол кулиб хушчақчақ бўлиб кетарди.

Тошкентга тунда кириб келишди, Очил билан Замирани олдиндан тайёрлаб қўйилган ижара уйга тушириши-ю, тарқаб кетишди.

## 65

Маҳкам Гавҳарни уйларига кузатиб борар экан, тўсатдан:

— Каникул ҳам тугаяпти-я,— деб қолди.— Кейин яна кетасизми?

— Ҳа... Қетиб яна келаман.

Маҳкам анча жойгача жим борди. Ҳозир негадир Очил билан Замиранинг ширин бир қилиғи унинг эсига тушмоқда эди.

Қўқонда поезд тўхтаганда перронга тушмоқчи бўлиб ўринларидан туришди. Очилнинг шоҳи кители яғринига томон бир оз йиғилиб, буришиб қолган эди, Замира этағидан тортиб тўғрилаб қўйди. Мехр-муҳаббатини намоийиш қилиб эмас, аксинча, худди ўз бошидаги рўмолини тўғрилагандай жўнгина, енгилгина тўғрилади. Очил ҳам буни худди ўз қўли билан қилгандек Замирага жўн, табний бир меҳр билан қараб қўйди. «Фақат эру хотинларгина шундай қила олади», деб ўйлади Маҳкам, ҳозир буни эсларкан.— «Кечагина бир-бирини билмай юрган Очил билан Замира бугун эру хотин. Бир оила! Ажойиб!»

Оила қуриш нақадар юксак довон эканини Маҳкам энди биринчи марта шундай яқиндан ҳис қилмоқда эди ва ўзи учун бу довон ҳали узоқда эканини ўйлаб маъюсланарди.

— Мен сизга битирув кечамизда Очил бир шеър ўқиганини айтувдимми?— сўради у Гавҳардан.— Йўқми? Ҳозир шу эсимга тушиб кетди. «Учинчи илдиз» деган шеър. Ўтган йили бир жанжалли редколлегия мажлиси бўлувди, эсингиздами? Ўша кенгашда Акбаров айтувдики, бу ердан олган билимларинг ҳаётга отган бир илдиз-

ларинг бўлса, чинакам гражданин бўлиб етишишларинг — иккинчи илдизларинг бўлади. Шу Очилнинг эсида турган экан. Ҳаммасини шеър қилибди-ю, ўзидан ҳам бир илдиз қўшибди. Киши кўпинча ҳаётга студентлик ёшида отадиган учинчи бир илдиз ҳам бор, бошқа илдизлар билан чирмашиб, тўқнашиб, гоҳ қувонтириб, гоҳ қийнаб ўсадиган бу илдиз — муҳаббат, дебди. Бу илдиз ҳам кишига бир умр керак, бу илдиз ҳам қанчалик чуқур бўлса, киши шунчалик баландга шох ёйиши мумкин, ер юзида шунчалик мустаҳкам туриши мумкин дебди.

— Яхши айтибди! — деди Маҳкамнинг жимликини бузиб гапира бошлаганидан суюнган Гавҳар.

— Ҳа, мен ҳозир ўйлаяпманки, шу учинчи илдизни энг яхши отган ким бўлди? Фаридалар унақа бўлиб кетди. Энг яхши отган Очиллар бўлдими?

«Биз-чи» — деган савол Гавҳарнинг кўнглига келди, лекин Маҳкамга айтишга тили бормади. Олдиларида айрилиқ турганини бирдан ҳис қилди-ю, юраги оғир бир нарса остида эзилгандай бўлди.

У Москвадан қайтган кунлари ҳар сафар ёнига қараб Маҳкамни кўрганда «соғинч изтироблари ўтмишга айланди» деган ўй вужудини яйратиб юборарди. Дамбадам: «Эртага яна бирга бўламиз, индин яна!» — деб қувончи ичига сиғмай кетарди. Маҳкам у билан доим бирга бўлишни истаб, ишни августнинг охирида бошлашга келишган эди. Августнинг охири эса жуда узоқ кўринарди.

Бироқ кунлар, ҳафталар бир кўз юмиб-очгунча бўлмай ўтиб кетди. Гавҳар жўнайдиган вақт ҳам яқинлаша бошлади. Энди Гавҳар: Мана, ҳозир у ёнимда, қўлимни шундай чўзсам елкасига тегади, лекин беш кундан кейин-чи? Үн кундан кейин-чи? — деб тобора безовталанар эди.

Ниҳоят, хайрлашишларига икки кун қолганда эртадан-кечгача бирга бўлгилари келди-ю, Чирчиқ йўли билан шаҳардан ташқарига чиқиб кетдилар.

Қуёшнинг тапти ҳали баланд эди. Булутли осмон эрталаб соат ўнлардаёқ оқарган тандирдай оқ-қизғиш тусга кира бошлади. Лекин кўм-кўк пахта пайкаллари, серсоя дархтзорлар, муаттар ҳидли полизлар бўйлаб оқаётган сувларда август тунининг салқини узоқ сақланарди.

Улар автобусдан тушиб ўнгга бурилдилар-у, мана шундай салқин ариқчалардан бирининг бўйига келиб тўхтадилар. Узокда Чатқол тоғлари оқ-кўкиш ранг бераб ястаниб ётарди. Оёқлари тагида кўм-кўк майсалар. Шахмат усулида экилган ва энди мева туккан олмалар, майсалар устида қуюқ соя тўшаб турибди.

Гавҳар ариқда юзини ювди, Маҳкам сояси қуюқроқ, майсаси қалинроқ бир жойни танлаб, қўлидаги майдачуидаги солинган чамадончани қўйди.

Улар иккови ҳам оддий кийимларини кийган эдилар. Маҳкам енги калта кўйлак ва тўқ кул ранг шим, Гавҳар малла сарафан билан нафармон гулли кофта кийган эди. Маҳкам Гавҳарнинг ёнига ёнбошлаб:

— Ёшликда бир хил кулгили орзулар бўлади,— деб кулди.— Менинг шунаقا бир орзум бор эди. Мана шундай бир жойда яхши кўрган қизимнинг тиззасига бош қўйиб ухлаб қолсам дер эдим.

— Агар мен ўша қизга ўхшай олсан, марҳамат, кeling.— Гавҳар кулиб унинг елкасидан тортди.

Маҳкам ҳам қизиқчиликка бўла унинг тиззасига бош қўйди ва пастдан юзига кулиб қаради.

Гавҳарнинг юзи келгандан бери қуёшда қорайиб қолган ва ҳозир салқин сувда ювингани учун бир оз кўкимтирик кўринарди. Фақат ғунчадай лабларида қуюқ қизиллик ўйнарди.

— Ухланг, ахир кўзингизни юминг!— деб Гавҳар жилмайга эди, ораси очиқ курак тишлари ялтираб кўринди-ю, тиниқ лабларида билинап-билинмас жилоланди.

— Эртак айтинг, ухлатинг.

— Қанақа эртак?

— Билмасам... Ҳа, келажагимиз тўғрисида айтинг!

— Қишининг келажагини кафтига қараб айтиб, бериш мумкин эмиш-а? Қани, кафтингизни берингчи?

Гавҳар Маҳкамнинг оғир қорамтири панжасини ўз ўз қўлига олиб, кафтидаги чизиқларга тикилди:

— Ҳеч маъно чиқмайди-ку. Бирор нарсага ўхшатиб ҳам бўлмайди. Мана, менинг кафтимдаги чизиқлар «М» га ўхшайди. Метронинг «М» сига.

— Қани-қани?

— Биласизми, бунинг маъниси нима? Меҳнат, муҳаббат. Кейин... Маҳкам.

Маҳкамнинг унга пастдан қараётган кўзлари қувончдан ёниб кўринди. Бу кўзларнинг иссиқ тапти Гавҳарнинг юзига ургандай ва юзи қизариб кетаётгандай бўлди. У Маҳкамнинг соchlарини ўйнар экан, пешонасидан иккита кўндаланг ажин ўтганини энди пайқади.

— Ие, қаранг, ўтган йили йўқ эди-ку,— деди.

— Бу иккита чизиқда сизнинг ҳиссангиз ҳам бўлса керак. Ҳақиқатан шу бир йил ичида пайдо бўлди. Пешанага азалдан битилиши бекор бўлса ҳам, мана бундай битилиши мумкин экан.

Маҳкам туриб ўтири. Унинг бўйин ва юз мускуллари Гавҳарга катта йигитларникидек бўлиб кўринди. Ҳа, ҳа, лабининг қати ҳам илгаригидан бошқача, кўз қарашлари ҳам алланечук қатъий ва ўткир бўлиб қолганди.

— Менинг ҳиссамми? Қолган ҳиссалар кимни бўлмаса?

— Қолганими?— Маҳкам ўйланиб қолди. Кейин тез сўради:— Акбаров Очилнинг тўйида қадаҳ кўтариб айтган гаплари эсингиздами?

«Ҳар бир авлодни ўз даври вояга етказади,—эслади Гавҳар Акбаровнинг ўшандаги гапларини.—Мен ўқитувчилик қилиб уч авлод ёшларга дарс бердим десам бўлади. Социализм қуриш даврининг ёшлари зўр курашларда тез етилган эди, уруш даврининг ёшлари жангларда, уруш орқасидаги зўр ишларда чиниқкан эди. Лекин: бундан беш-олти йил олдин ҳали мўйлови чиқмаган, энди мактаб партасидан туриб келаётган йигитчаларга қараб: «Жуда думбул-ов. Қачон етилишаркин?» дер эдим. Лекин, мана, бу авлодни Иигирмашчи съезд даврининг зўр воқеаларя қандай тез вояга стказганини кўриб турибмиз».

Гавҳар буни эслаган заҳоти Маҳкамнинг уч илдиз тўғрисидаги гапларини ҳам эслади. Ушанда беролмаган саволини энди бермоқчи бўлиб деди:

— Уч илдизнинг ҳиссаси... йўқ, икки илдизнинг ҳиссаси экан-да!

Маҳкам бош ирғаб маъқуллади ва Гавҳарнинг жуда жiddийлашиб қолганини кўриб енгилроқ мавзу қидирди.

— Яна бир кулгили орзуимни айтайми?— деди у Гавҳарнинг қўнғир сумкачасига қўл чўзиб.— Мумкинми? Менга қизларнинг сумкачалари жуда сирли кўри-

нар эди, яхши кўрган қизининг сумкасини очиб кўришга ҳар қандай йигитнинг ҳам ҳадди сифмаслигини билар эдим-да. Шунинг учун ўзим яхши кўрган қизнинг сумкасини ҳаддим сиғиб очиб кўриш тўғрисида орзу қилиб юрадим.

— Ёлғон! — Гавҳар нозланиб кулимсиради.

— Йўқ, рост! Ишонмасангиз, мана, кўринг, — ў Гавҳарнинг сумкачасини очди: — Рўмолча. Ойнача. Пул. Ие, пудреницами бу? Қани...

— Очманг, очманг! — деб Гавҳар сирти кумиш юпқагина тўрт бурчак қутичани унинг қўлидан олмоқчи бўлди.

Маҳкам бермади. Иккови тортишиб кулишиб, анча олишдилар. Охири Гавҳар қутини олиб қочишга муваффақ бўлди. Маҳкам қувди. Гавҳар ариқдан ҳатлаб ўтиб, унга сув сочиб ўзини мудофаа қилмоқчи бўлди. Маҳкам усти ҳўл бўлса ҳам тикка бостириб борар эди. Гавҳар олмазорни оралаб қочди, Маҳкам етай деганда бир олма дараҳтидан ушлаб, тез бурилиб чап берди, аммо силлиқ қутича қўлидан сирғаниб тушиб кетди.

Маҳкам дарҳол олиб очди ва ўз суратини кўриб ҳайрон бўлиб тўхтади. Сурат қутичага худди ёпиқ рамкачага жойлангандай, яхшилаб жойланган, фақат анча ўнгиб кетган эди. Ўтган йили Гавҳар суратини Маҳкамга бераётиб ундан шу суратни эсдалика олган эди.

«Демак, Гавҳар ҳам мендай суратга кўп тикилар экан-да», деб Маҳкам беҳад таъсирланиб Гавҳарга қаради.

«Тикилиш ҳам гапми! — дерди Гавҳарнинг қип-қизил бўлиб ёнаётган ва ўтли кўзлари. — Қаттиқ соғиниб қараган пайларимда кўз ёшларим томган... Ўнгиб кетганидан билинмаяптими ахир? Билинади деб уялиб кўрсатгим келмаганди».

Маҳкам бирдан ҳаяжонланиб кетди.

— Энди ўтган йилдагидай бўлмайди, — деди у Гавҳарни ўпиб. — Ишласам пул юбораман, қишки каникулда самолётда келиб кетасиз.

— Адам ҳам юборадилар, энди илгаригидай «камбафал» эмасмиз. Балки ўзингиз ҳам командировкага борарсиз.

— Буни билмадим. Командировка бўлмаса отпускага чиққанда бораман. Телефонда гаплашиб туришимиз мумкин. Хуллас...

Улар келажак ҳақида орзу қилиб, қанчадан-қанча режалар тузиб, кун оғиб қолганини ҳам сезмадилар. Чамадондаги овқатни еб кеч киргунча айланиб юрдилар.

Ғира-шира қоронгиликда барглари сирли шивирла-ётган миrzатераклар тагида:

— Маҳкам ака,— деди Гавҳар,— кўнглингизга келган ҳамма нарсани айтинг, ўтган йилдагидай ичингизга ютиб юрманг.

— Айтдим, Гавҳар. Энди ўтган йил такрорланмайди.

— Бўлмаса нега у куни ундан дедингиз?

— Қачон? Нима дедим? Айтинг, Гавҳар, қачон?

Гавҳар уч илдиз ҳақидаги гапни ва «Биз-чи?» деган савонни айтди.

— Биз...— Маҳкам оқшом қоронғисида салобатли шовиллаётган дарахтзорга қараб гапирди,— ҳар бир дарахт ўзига яраша гуллайди. Ўрик тез пишар бўлгани учун аввал гуллаб, кейин барг чиқаради. Олманинг бардоши кўпроқ, шекилли, аввал барг чиқариб, кейин гуллайди. Очиллар барг чиқармасданоқ гуллади. Биз аввал барг чиқариб, кейин гулласак керак. Улар билан бизнинг фарқимиз шу.

— Агар шу фарқ учун муҳаббатимиз Очилларники-чалик эмас десангиз...

— Йўқ, мен ундан деганим йўқ,— Маҳкам Гавҳарни ўз оғушига олар экан, унинг ўтдай иссиқ нафасини ҳис қилди.— Биламан, муҳаббат фақат нигоҳда эмас. Қайтага кўп нигоҳлар муҳаббатсиз бўлган.

Қаердадир шаҳар томонда паравоз чинқирди. Хайрлашув соати яна бир кунга яқинлашганини Гавҳар ҳозир сезди-ю, овози бирдан пасайиб қалтираб чиқди:

— Индин шу вақтда... Узоқда бўласиз.

— Кўнгил яқин бўлади-ку,— деди Маҳкам. Бу сафар Гавҳар хайрлашув тошини оғир ҳис этган сари Маҳкамнинг дарди енгиллашаётгандай бўларди. У Гавҳарни дадил бўлишга ундан гапирди.— Балки келажакда мен ҳам Москвага ўқишга бораарман. Диплом ишим фалсафа кафедрасига ёқсан эди. Агар ишда ўзимни яхши кўрсата олсан, балки ижтимоий Фанлар академиясига юборишаар.

Кундузги бахтиёр дамлар, оқшом таъсири, Маҳкамнинг бўсалари ва индин хайрлашишлари кераклиги — ҳаммаси биргаликда Гавҳарни беҳад кўтариб юборди. У ҳозир муҳаббат ҳисларининг шундай баланд осмонида

туар әдики, бу осмондаги киши, «бирор сабаб бўлиб севганимдан ажрасам қандай қиласман?»—деб алланечук қўрқа бошлайди.

— Маҳкам ака,— деди у ва бошқа вақтда айтолмайдиган, айтишга тили бормайдиган гапларни айта бошлиди:— Тўйимизгача бир йил борми, икки йил борми, бардошингиз етганча кутинг. Мен доим сизникиман, қачон десангиз никоҳингиздан ўтаман. Ҳозир десангиз ҳозир...

— Ишонаман, Гавҳар. Бардошимиз етишига ишонаман! Кишига ҳаёт бир марта берилар экан, келинг, шу ҳаётга отган илдизларимиз дод юқтирасин, доимо соғ бўлсин. Келинг, мана шу она-Ер олдида сўз берайлик!

— Келинг,— пичирлади қиз.

Эртаси куни Маҳкам Гавҳарни Москвага кузатиб қўйди-ю, ўзи ишга тушишдан олдин бир ота-онасини кўриб келмоқчи бўлиб кетди.

1955 — 1958

## Т а м о м

На узбекском языке

Пиримкул Кадыров

ТРИ КОРНЯ

РОМАН

*Печатается с издания: Издательство «Ёши гвардия», Ташкент — 1976.*

Редактор Ж. Насридинова  
Рассомлар Э. Исҳоқов ва Р. Халилов  
Расмлар редактори А. Бобров  
Техн. редактор. Э. Сайдов  
Корректор М. Абдусаломова

ИБ № 166

Босмахонага берилди 16. 02. 79. Босилга руҳат этилди 8. 12.79. Формати 84×108<sup>1/2</sup>.  
Босмахона қофози № 1. Адабий гарнитура: юқори босма. Шартли босма л. 21, 54.  
Нашр л. 22, 62+0,38 вкл. Тиражи 60000. (7-муқовада 15000, 5—муқовада 45000). Заказ № 1284. Баҳси 5-муқовада 1 с. 70 т. 7-муқовада 1 с. 90 т. Фафур Ғулом номидаги  
Адабиёт ва санъат нашириёти. Тошкент. Нанойй кӯчаси, 30.

Ўзбекистон ССР Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари Давлат  
комитетининг Тошкент «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмаси. Тошкент,  
Навоий кӯчаси, 30. 1979 йил.

Қодиров Пиримқул.

Уч илдиз: Роман.

—Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979.—416 б.

«Уч илдиз» романининг ёзилганига йигирма йилдан ошган бўлса-да китобхонлар уни ҳамон қўйдан қўймай ўқиб келадилар ва муаллифга хатлар йўллайдилар. Янги етишиб чиққан ёш авлод учун ҳам жозибали туюлаётган «Уч илдиз» йигирманчи асрнинг ўрталарнда бўлиб ўтган ажойиб воқеаларни адабийлаштирган, уша даврда тарих саҳнасига чиққан авлодларнинг кураш ва изтиробларини, маънавий бойликлари ва юксак фазилатларини келажак авлодларга бисот қилиб берган асарларданdir.

Кадыров Пиримкул

Три корня. Роман.

ББК 84Уз  
Уз